

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2021-8**  
**Вестник Хорезмской академии Маъмуна**  
**Издается с 2006 года**

**Хива-2021**

**Бош муҳаррир:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

*Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

**Таҳрир хайати:**

*Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.*

*Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.*

*Абдуллаев Рашидан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.*

*Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.*

*Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.*

*Бабадҷанов Хушнот, ф.ф.н., проф.*

*Бекчанов Даврон Жуманазарович, к.ф.д.*

*Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.*

*Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.*

*Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.*

*Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.*

*Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.*

*Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.*

*Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.*

*Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.*

*Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.*

*Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.*

*Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.*

*Рахимов Матназар, б.ф.д., доц.*

*Рашидов Негмурод Элмуродович, б.ф.н., доц.*

*Рўзбоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.*

*Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.*

*Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.*

*Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.*

*Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.*

*Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.*

*Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик*

*Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.*

*Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.*

*Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.*

*Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.*

*Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.*

*Ўразбоев Файрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.*

*Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.*

*Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.*

*Ҳасанов Шодлик Бекўлатович, к.ф.н., к.и.х.*

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№5 (79), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 322 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

## МУНДАРИЖА АРХИТЕКТУРА

<b>Setmamatov M.B., Madirimov X.A., Imamov Q.T.</b> Qadimgi Xorazm madaniy yodgorliklari. Mizdaxkan majmuasi tahlili .....	6
<b>Setmamatov M.B., Baydjanov A.Q., Madirimov X.A.</b> Qadimgi Xorazm. Mizdaxkan majmuasidagi xalifa Erejep maqbarasi .....	9
<b>БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Bekchanov M.X., Bekchanov N.X.</b> Xorazm vohasi “Faunani saqlash” MCHJ hududidagi qattiq qanotlilar (Coleoptera) turkumi ayrim vakillarining uchrashi va bioekologik xususiyatlari .....	13
<b>Doniyorov B.N.</b> Buxoro viloyatida ko'k kaptar (Columba livia neglecta Hume, 1873) ning biologiyasiga doir materiallar .....	17
<b>Абдуллаев Ў.Р., Жуманазаров Ҳ.Ў., Искандаров А.И., Абдуллаев И.И.</b> Хоразм воҳаси ҳақиқий арилар (Hymenoptera: Vespidae) фаунасининг ареологик таҳлили .....	22
<b>Абдурасулова С., Аvezметова И., Пазилов А., Базарова Р.</b> Ўзбекистонда адвентив -Deroceras reticulatum (Gastropodaterrestria Nuda) турининг тарқалиши ва хўжалик аҳамияти .....	25
<b>Азимов И.Т.</b> Курама ва Чотқол тоғ тизмасидаги кенг баргли дарахт ва бутазорларнинг ҳозирги экологик ҳолати .....	29
<b>Болтаев К.С., Жамалова Ф.А., Мамарасулова Н.И.</b> Экологическое группирование нематодофауны тугайных растений .....	33
<b>Ортиков Э.А., Махмуджанов Д.И., Азизова Ф.А.</b> Ўзбекистонда тарқалган Limniris ва Iris ост туркуми (Iris L.) турларининг қисқача морфологик ва биогеографик таҳлили .....	37
<b>Ражабов Т.Ф.</b> Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ўсимликлар қопламнинг флористик ва ценотик хусусиятлари .....	39
<b>Рахмонов Р.Р., Райимов А.Р., Рахимов Ж.Р., Туева Г.У.</b> Бухоро вилоятида овладиган сут эмизувчиларнинг таксономик таҳлили .....	44
<b>Рўзметов Р.С., Матякубов З.Ш., Абдуллаев И.И., Ибрагимов Ш.Б., Олланазаров С.Б.</b> Биноларда термитларнинг тарқалишига таъсир қилувчи омиллар .....	47
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ</b>	
<b>Artikova H.T., Salimova H.X.</b> Buxoro viloyati sug'oriladigan tuproqlarning meliorativ holati va unga ta'sir etuvchi omillar .....	51
<b>Khudoyberdiyev F.Sh., Vobojonov S.U., Mukhamadov K.M.</b> Current situation of pasture use in Bukhara region .....	54
<b>Мурадуллаев А.М., Рахмонкулов С., Исламов А.М., Абдурасулов Ш.Э., Хўжаев П.Ю.</b> Ғўза нав ва тизмалари тола чиқишига юқори ҳароратнинг таъсири .....	56
<b>Намазов Ш.Э., Матёкубов С.К.</b> Интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида чатиштириб олинган F <sub>1</sub> -F <sub>4</sub> дурагайларида тола узунлигининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги .....	61
<b>Намазов Ш.Э., Матёкубов С.К.</b> Интрогрессив ғўза тизмаларида эртапишарликнинг ўзгарувчанлиги .....	63
<b>Рахмонов Ш.Т.</b> Экономико-географическое особенности сельского хозяйства северного Таджикистана в условиях трансформируемой экономики .....	66
<b>Розиқов Ж.М.</b> Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришни ташкилий механизмини такомиллаштириш .....	70
<b>Худайбергенова Н.Б., Реймов Н.Б., Реймов О.Н.</b> Орол бўйида сув танқислиги шароитида дехқончиликни юритиш .....	72
<b>Эргашев О.Р.</b> Ғўза шакллариининг бир неча авлод ўсимликларида хўжалик белгилари кўрсаткичларини намоён бўлишини ўрганиш .....	75
<b>ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Abdullaev A., Rakhimova M., Obidova M., Shoalimova D.</b> The impact of Covid-19 to the tourism industry mainly to the hotel Sphere in Uzbekistan .....	79
<b>Ashurbaev O.A., Akabirova A.A., Mirfayazov M.M.</b> The role of integrated marketing communications on the example of restaurant «Brasserie on the park» .....	82
<b>Kasimov A., Kasimov A., Ergasheva N., Karimova S., Aripov A.</b> Hospitality or tourism? .....	86
<b>Абдубоситова Б., Бахрамова Ш.</b> Маркетинговое исследование по улучшению услуг Ташкентского зоопарка .....	93
<b>Алиева Э.А.</b> Оценка инновационного потенциала предприятия на основе стоимостного подхода .....	96
<b>Ашрапова М.Х., Курбонова З.К., Умаров М.Х.</b> Коммуникации, продвижение и бренд в сельском туризме .....	99
<b>Ашурбаев О., Абдусаидов С., Хасанов Р.</b> Анализ общепита. Исследования кофеен и ее целевой аудитории .....	104

<b>Ашурбаев О., Бузурхонова Д., Тургунова Д., Давлатбоева А.</b> Онлайн – присутствие дома мод Burberry в интернете .....	109
<b>Ашурбаев О., Ибрагимова Ш., Ирназарова К.</b> Понимание потребителя: туристические мотивы и поведение покупателей .....	112
<b>Бегалиева М.Ш., Шадыбекова А.М., Розиккулова Р.Р.</b> Конкурентное преимущество лидирующих отелей на территории Республики Узбекистан .....	121
<b>Ботирова К.Р.</b> Особенности деятельности дистрибьюторских компаний в Узбекистане и перспективы их развития .....	126
<b>Ғаниев М.Х.</b> Пандемия шароитида аҳоли даромадларининг нотекислиги ҳамда ўзгариши омиллари .....	131
<b>Исаева Д.</b> Особенности интернет-маркетинга в розничной торговле .....	134
<b>Курбонов Б., Кудратов С., Леонтьева Д.</b> Основы финансовой грамотности: человеческий капитал и принятие решений .....	137
<b>Мирсаатов Ж., Ахмедов Х., Маннобекова Д.</b> Цифровые технологии как способ улучшения сферы туризма в Узбекистане .....	140
<b>Назаров Ш.А.</b> Ведение малого бизнеса в маленьких городах на примере кофейни .....	144
<b>Саидкаримов С., Рахматхужаев А., Садуллаев Ш., Нигматуллаев Т.</b> Изучение маркетинга спецтехники в Узбекистане .....	147
<b>Саидов М.С.</b> Электр энергетика соҳасида муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш .....	150
<b>Салаев Ж.К.</b> Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш устувор масала .....	157
<b>Хашимова М.М., Вахабова М.Т.</b> Иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ечимига экотуризмни барқарорлаштириш орқали эришиш .....	160
<b>ТЕХНИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Ибрагимов М., Файзуллаев Б., Эшпулатов Н.</b> Электр активатор параметрларини асослаш ....	166
<b>Рўзиева И.Ж., Маммадиев А.Х.</b> Тупроқ шўрланиши стресси шароитига чидамли эпифит микроорганизмларнинг скрининги .....	167
<b>Эгамбердиев М.С., Мирзаев У.Т.</b> Саноат майдончаларида бетонли пол конструкциялари сифатини ошириш .....	170
<b>Эгамбердиев М.С., Отакузиев Т.А., Мирзаев У.Т.</b> Процессы твердения сульфоминералов ....	171
<b>ТАРИХ ФАНЛАРИ</b>	
<b>Avazov O.</b> 1991-2000 yillarda Xorazm viloyatida sanoat ishlab chiqarishi taraqqiyoti .....	174
<b>Norsafarova Z.I.</b> Anushteginiy xorazmshohlar davrida davlat boshqaruvi masalasi .....	177
<b>Каримов М.</b> Қарши давлат университетининг европа иттифоқи грант лойиҳаларида иштироки	180
<b>Катгаева Г.Ч.</b> Сополли маданияти тақинчоқлари ўрганилиши тарихшунослиги .....	183
<b>Кенжаева Н.С.</b> Помир ва унга туташ ҳудудларга уюштирилган илмий экспедициялар ҳамда минтақада қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари .....	186
<b>Нурметов И.А.</b> Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги глобал конвенцияларда Ўзбекистон Республикасининг иштироки .....	192
<b>Очилова О.Р.</b> Шарқ халқ таъбабатининг ривожланиш тарихи .....	198
<b>Собиров С., Комилов Б.</b> Хоразмда тасвирий санъат ва хайкалтарошликни вужудга келиши ....	201
<b>Тошпўлатов Б.</b> Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида олий тиббий кадрлар тайёрлаш тарихи .....	205
<b>Тўраев Л.А.</b> “Рабиъ ул-аброр” асарида юртимиз шаҳарларига оид баъзи маълумотлар .....	208
<b>Турсунов Р.Н.</b> Фарғона водийси иқлими тарихидан .....	212
<b>Убайдуллаева Ш.А.</b> Соғлиқни сақлаш тизимида тиббий кадрлар тайёрлашга оид назарий хулосалар .....	216
<b>Холияров Т.Ч.</b> Сурхон воҳасида антропоген ландшафтларнинг шаклланиш жараёни бошланиши ва табиий географияси .....	219
<b>Ишмурадов М.Ж.</b> Хоразмда илк давлатчилик муаммоси ва унинг ўрганилишининг асосий натижалари .....	222
<b>ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ</b>	
<b>Bekmuratov A.J.</b> Jismoniy tarbiya va sport yoshlarning sog'lom turmush tarzini shakllantiruvchi omil .....	227
<b>Mirhanova M.S.</b> Texnika yo'nalishidagi talabalar bilan darsdan tashqari mashg'ulotlarda kasbga yo'naltirish ishlarini olib borish .....	229
<b>Sultanov Sh.N., Omonboyev B.I.</b> Jismoniy tarbiya darslarining o'quvchi bilimini shakllantirishdagi o'rni .....	231
<b>Tagiyev S.A., To'raboyev E.Yu.</b> Universitetda jismoniy tarbiya darslarini tashkil etish tamoyillari	234

<b>Xalmuratov M.A., Elmurodova I.</b> Ta'lim – tarbiya borasifa sharq mutafakirlarining qarashlari .....	236
<b>Бекмуратов А.Дж.</b> Эволюция физической культуры и спорта в Узбекистане .....	238
<b>Жонибеков Ш.Дж.</b> Эстетика и физическая культура .....	240
<b>Собирова М.Р., Жумаева З.М.</b> Разработка внеклассных занятий по математике в начальных классах как метод творческого обучения .....	243
<b>Қодирова Д., Мажидова А.</b> Таълим тарбия жараёнида амалий ишларнинг аҳамияти .....	247

#### ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<b>Abdujabbarova K.H.</b> The main features of teaching reading in efl classes .....	250
<b>Adigezalova M.N.</b> Gender poetics as an object of genderology research .....	252
<b>Idiyeva L.I.</b> Ways of inter-language representing of metaphor in translation of political texts .....	256
<b>Radjabova L.U.</b> Russian polysemy and their description in the sentences .....	259
<b>Абдуллаева Ш.Н.</b> Лексикографиянинг амалий тилшуносликнинг бўлими сифатида вазифалари ва тавсифи .....	261
<b>Асқарова Ж.</b> Ўзбек халқ эртақларининг нашр йўналишлари .....	263
<b>Ачилова О.Ф.</b> Таъқиқ ва рухсат нутқий актлари воқеланишининг соціопрагматик омиллари .	267
<b>Бахронова Д.</b> Тилларнинг миллий-маданий сўз бойлиги тавсифида лингвоаксиология .....	270
<b>Гафуров Б.З.</b> Современная медицинская лексика как источник рекламного текста в русском и узбекском языках .....	273
<b>Гозиева М.</b> Этапы исторического развития методов обучения иностранному языку в западном академическом дискурсе .....	276
<b>Ёрматова Ё.</b> Тилшуносликда тил контактлари, ўзлашмалар, билингвизм ҳодисалари .....	281
<b>Искандарова Н.Б.</b> Общественно-политические предпосылки активизации интереса к восточной теме в немецкой и русской литературе .....	283
<b>Исмаилова Л.Х.</b> Туристик рекламанинг таркибий композицион хусусиятларига доир .....	286
<b>Қобилова Н.Э.</b> Ўзбек тили лингводидактикасида абзац .....	288
<b>Маматқулова Ф.А.</b> Ўзбек ва инглиз миллий таомларининг тарихий лингвокультурологик таҳлили .....	291
<b>Мирзаева Д.И.</b> Халқ когнитив тафаккурини шакллантиришда паремияларнинг роли .....	294
<b>Мирханова М.С.</b> Способы межъязыковой передачи метафоры при переводе политических текстов .....	297
<b>Раджабова Л.У.</b> Трудности перевода поэзии .....	301
<b>Раҳимов З.А.</b> Ижодий аъналар ва полифоник талқин .....	303
<b>Сададдинов Б.С.</b> Ошиқ Эркин ижодида қўшиқнинг лапар шакли .....	305
<b>Сапарова Н.Э.</b> Стратегии подходов .....	309
<b>Тухтасинова Н.Б.</b> Агиотерминлар таржимасининг қиёсий-контекстуал таҳлили .....	311
<b>Хамидова С.Б.</b> Парадоксининг тадрижий-этимологик хусусиятлари .....	313
<b>Хашимова С., Шамсиддинова З.</b> Ҳозирги хитой тилида темпоративликни 了 le, 过 guo, 着 zhe феъл суффикслари орқали ифодаланиши .....	318
<b>Холбобоева А.Ш.</b> Реклама тушунчаси - тилшуносликнинг ўрганиш объекти сифатида .....	322

#### ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<b>Юлдашева Т., Хайдарова Н.</b> Социальная сеть как элемент рутины .....	325
<b>Ташпулатова Д., Саидмахмудходжаева М.</b> Психология привязанности .....	328

АРХИТЕКТУРА

UO'K 351.853.1

**QADIMGI XORAZM MADANIY YODGORLIKLARI. MIZDAXKAN MAJMUASI  
TAHLILI***M.B. Setmamatov, arx.f.n., dots., Urganch davlat universiteti, Urganch**X.A. Madirimov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch**Q.T. Imamov, o'qituvchi, Qoraqalpoq Davlat Universiteti, Nukus*

**Annotatsiya.** Maqolada o'rta asrlar va arablar istilosidan oldingi davrdagi Markaziy Osiyo tarixi yodgorliklarini va ular orqali o'sha davrda yashab o'tgan ko'zga ko'ringan kishilar haqida ma'lumotlar beriladi.

**Kalit so'zlar:** Qadimiy madaniy meroslar, Xorazm mamlakatidagi uchinchi qal'a, Arxeologik izlanishlar, Qadimgi Xorazm davlati Amudaryoning quyar joyida eramizgacha VII-VI asrlarda joylashgan.

**Аннотация.** В статье описываются сведения о древних памятниках истории и через них о людях живших до Арабском периоде и средневековье в центральной Азии.

**Ключевые слова:** Древнее культурное наследие, третья крепость в стране Хорезм, археологические исследования, древнее государство Хорезм в низовьях Амударьи в VII-VI вв. До н.э.

**Abstract.** The article provides information about the monuments of Central Asian history in the Middle Ages and before the Arab conquest, and prominent people who lived through them during that time.

**Keywords:** Ancient cultural heritage, the third fortress in the country of Khorezm, Archaeological research, the ancient state of Khorezm in the lower reaches of the Amu Darya in the VII-VI centuries BC.

Qadimiy madaniy meroslarimizdan biri Qoraqalpog'iston Respublikasi Xo'jaeli Ko'hna Urganch (Turkmanistan) avtomobil yo'li bo'yida Qadim Mizdaxkan arxeologik-arxitektura kompleksi (200 ga.dan oshiq maydonda) joylashgan. Tarixiy manbalarga qaraganda majmua eramizdan avvalgi IV-eramizning XIV asrlarda barpo etilganligi ko'satilgan. Kompleksning asosiy qismlari Xo'jaeli shahrining janubiy-g'arbida uchta tepalikda joylashgan.

Xo'jaeli O'rta Osiyodagi eng eski qal'alardan biri. U yoshi tarafdin Buxoro, Samarqand va Xiva qal'alari bilan bir qatorda turadi. Bu joydan topilgan arxeologik topilmalarga qaraganda Xo'jaeliga odamlarning qo'nim topishi neolit davriga, ya'ni bizning eramizgacha IV-III asrlarga to'g'ri keladi.

Xo'jaeli o'rta asr tarixida Mizdaxkan atamasi bilan belgili bo'lib, eski qal'aning qoldiqlari hozirgi shaharning g'arbiy qismida uchta tepalikda va ular orasidagi kenglikda joylashgan.

985-yili Mizdaxkanda bo'lgan arab geografi al-Makdisiyning ko'rsatishi bo'yicha 1200 feodal qo'rg'onlarning markazi bo'lgan Mizdaxkan o'zining kattaligi tarafdin Qiyat (Beruniy) va Gurganj (Kona Urganj) qal'alaridan keyingi Xorazm mamlakatidagi uchinchi qal'a bo'lgan. Mizdaxkan haqida o'rta asrlarda yashagan Ibn Ruste va al-Istahriylar ham o'z ta'riflarini yozib qoldirgan.

VIII asrda arablar tarafdin qamrab olinib, yana boshqadan tiklangan. Mizdaxkan 1221-yilga kelganda Chingizxon boshchiligidagi Mo'g'ul o'rdusi tarafdin vayronaga aylantirilib uning rivojlanishi to'xtab qoladi. Lekin XIII asrning ikkinchi yarmidan boshlab G'arbni va Sharqni bog'lovchi "Buyuk ipak savdo yo'lining" qaytadan tiklanishi va atrofida joylashgan ayrim qal'alarning qayta rivojlanishiga, yangi qal'alarning tiklanishiga o'z ta'sirini ko'rsatdi. Natijada Xo'jaeli xalqi vayronaga aylantirilgan Gaur-qal'a o'rniga tepaliklar orasidagi 80 ga yaqin ochiq maydonga yangidan "Antakiya" qal'asini qurishadi.

Qal'a xalqi zargarlik, kulolchilik, to'qimachilik, qurilish ishlari bilan, uning atrofida gilar bo'lsa, dehqonchilik, charvochilik va baliqchilik bilan shug'ullangan. Xitoy, Eron, Suriya davlatlari Volga bo'yi va Qora dengiz atrofi qal'alari sayohatchilari, savdogarlari shu yerda to'xtab o'tishgan.

Xalifa Erejep XI-XII asrlardagi Mizdaxkan arxitekturasining durdonalaridan biri. Arxeologik izlanishlar Erejep Xalifaning XI-XII asrlarda masjid, madrasa vazifasini bajarganligini, XIV asrda esa uning maqbaraga aylantirilganligini ko'rsatdi.

Tarixiy manbalarga qaraganda majmua eramizdan avvalgi IV eramizning XIV asrlarda barpo etilganligi ko'rsatilgan. Majmuaning asosiy qismlari Xo'jaeli shahrining janubi-g'arbida uchta



tepalikda joylashgan. Majmuaga Gaur-Qal'a, Shamun-nabi, Mazlumxan Sulu, Xalifa Rajab va bohshqa maqbaralari kiradi. Arxeologik qazish ishlari davomida siyrak uchraydigan ossuar "qabristonlari", tangalar, har xil turmush buyumlari, shisha, tilladan yuqori saviyada ishlangan buyumlar topilgan.

Mazlimhan Sulu maqbarasidan 120-130 m oraliqda janubi-g'arbida vayrona holatdagi maqbarasi joylashgan. Uni mahalliy aholi Xalifa-Erejep deb, taniqli qadimiy shaharlar tadqiqodchisi A.YU.Yakubovskiy esa uni "Nomsiz maqbara" deb nomlaydi. Maqbara tomonlari 12 m.ga teng kvadrat shakilda joylashgan. Hozirda maqbaraning uchta devori saqlanib qolgan. (1-rasm)

Mizdakxan majmuasi 2400 yillik tarixga ega bo'lib, hozirda Qoraqalpog'iston Respublikasining Xo'jaeli shahrining janubi-g'arbiy qismida 7 km masofada joylashgan. Buyuk ipak yo'lidan majmua chegarasigacha masofa 1 km.ni tashkil qiladi. Majmuadan 22 km masofada eski Xorazmshox davlatining poytaxti Gurganch (hozirgi Urganch) joylashgan. 1221-yil Xorazm hududi Ulusa Djuchi (Oltin O'rda) tarkibiga kiritilgan. Qoraqolpoqlar Rashiduddin asarida "qavmi kulohi siyoh" deb atalgan.



1-rasm: Xalifa-Erejep maqbarasi

Tepalikning deyarli markazida shimoliy qismida "Shamun-Nabi" maqbarasi joylashgan. Maqbara tepasi yettita gumbaz bilan yopilgan ichkarisida uzunligi 25.31 m. uzunlikdagi qabr mavjud. Qabrning bunchalik uzun bo'lishi ko'pchilik olimlarni haligacha qiziqtirib kelgan va bir qancha taxminlarni keltirib chiqargan.




2-rasm. "Shamun-Nabi" maqbarasi

Qadimgi Xorazm davlati Amudaryoning quyar joyida bizning eramizgacha VII-VI asrlarda joylashgan. Qoraqalpog'istonning eski poytaxti – Xo'jaelidan uch kilometr masofada ajoyib tarixiy-arxeologik kompleks Mizdakxan joylashgan. Olimlar aytishicha, bizning eramizgacha IV asrda qurilib, XII asrda tatar-mo'g'ullar tomonidan qirg'inga uchragan, ularning eng qadimgisi hisoblangan Mizdaxkandan uncha olisda joylashmagan qadimgi, bizning davrimizgacha kelgan zoroastrizmning diniy qurilishi Chilpiq joylashgan. So'nggi tadqiqotlarga qaraganda zoroastrizm ta'limoti qadimgi Xorazmda paydo bo'lgan va uning payg'ambari Zardushtra muqaddas kitob "Avesto"ning qadimgi qatorlarini yozgan.

Davlat 712- yili arablar tamonidan bosib olingan. Mizdakxan qa'lasidagi ajoyib estalik-Mazlimxan Sulu yer osti mavzoleyi uch davrga to'g'ri keladi, uning eng birinchi qurilishlari XII asrda boshlangan. (3-4-rasm)

Uning atrofida madrasa va Erejep xalifa maqbarasining qoldiqlari topilgan bo'lib, ular IX-XI asrlarga to'g'ri keladi. Qadimgi Xorazm yo'llari orqali uning butun tarixi davomida XVI asr o'rtalariga kelib, sharqdan g'arbga qarab karvonlar o'tib turgan. Buni Ustyurt tekisligidan Buyuk Ipak yo'lida joylashgan karvon-saroylar, quduqlar va boshqa suv saqlagichlar qurilganligi buni isbotlaydi.



3-rasm: Mazlimxan Sulu yer osti maqbarasi inter'eri




4-rasm: Mazlimxan Sulu maqbarasi tashqi ko'rinishi

Mazlumxan Sulu maqbarasining bo'lmalari yer ostida bo'lib, yer yuzida uning faqat sakkiz qirrali gumbazlari mavjud. Maqbaraning yer osti hujralari devorlaridagi naqshlar bilan bezalgan.

Madaminxan va Mazlumxan Sulu yodgorliklari bugungi kundagi ko'rinishga keltirishda so'nggi marotaba 1980-87 yillari restavratsiya ishlari olib borilgan.

Mizdaxkan majmuasi individual yodgorliklariga Mazlimxan Sulu, Xalifa Erejep, Shamu Nabi, Qirq Cho'pon, Madaminxan va boshqa yodgorliklari kiradi. (5-rasm)



5-rasm. Majmuva individual yodgorliklari: 1-Nazlumxan sulu, 2-Madaminxan, 3-Qirqchopon, 4-Jumard qassob, 5- Xalifa Erejab,6- Shamon-Nabi

Mizdaxkan topografiyasiga oid ma'lumotlar birinchi marta 1930-yilda ilmiy adabiyotlarda paydo bo'lgan. (1928 va 1929- yillar) A. Yakubovskiy yodgorliklarda qisqacha tekshirish, o'rganish ishlarini olib borgan. Ular Mizdaxkan topografiyasining umumiy tasnifini olib borishdi va topilgan materiallar asosida xronologiya qurishga urinishdi. 1946- yilda monument Xorazm arxeologiya va etnografik ekspeditsiyasi tomonidan S.P.Tolstov boshchiligida tekshirildi. Hozirda tepalikka chiqish uchun 129 ta zinapoyani bosib o'tish talab qilinadi. Bugungi kunda majmuada hududida restavratsiya ishlari olib borilmaqda. Restavratsiya natijasida majmuadagi Shamu – Nabi maqbarasi quyidagicha ko'rinishga keltirilgan.(6-rasm)





6-rasm. Yuqoridagi rasmlarda yodgorlikning restavratsiyadan oldingi va keyingi holatlarini ko'rishimiz mumkin

Demak, majmua tabiiy landshaft rel'efi 35m.ga teng balandlikda joylashgan bo'lib, kompleksning asosiy obyektlari o'sha tepalikda joylashgan, hozirgi kunda atrofi qabristondan iborat. Majmua hududi o'simliklar dunyosi tepalik qismida asosan saksovul, jing'il kabi buta o'simliklarni siyrak holatda uchratishimiz mumkin. Majmua pastki tekislik qismida esa, yem hashak (yontoq, sho'ra, tuyatavon kabi) o'simliklarni uchratishimiz mumkin. Tarixda qandaydir landshaft kompazitsiyasiga ega bo'lgan hududlar asorati saqlanib qolmagan.

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:**

1. С.П.Толстов “Древний Хорезм”, Издание МГУ Москва – 1948;
2. Н.М.Махмудов “Tarixiy majmualarni landshaft ekologik tashkil etish tamoyillari” (Mizdakxan majmuasi misolida) magistrlik dissertatsiyasi, TAQI – 2018

**UO'K 351.853.1**

**QADIMGI XORAZM. MIZDAXKAN MAJMUASIDAGI XALIFA EREJEP MAQBARASI**

*M.B. Setmamatov, arx.f.n., dots., Urganch davlat universiteti, Urganch*

*A.Q. Baydjanov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch*

*X.A. Madirimov, o'qituvchi, Urganch davlat universiteti, Urganch*

*Annotatsiya. Maqolada eramizdan avvalgi IV asr va eramizning XIV asrigacha qurilgan Mazlumxon Sulu majmuasi tarkibida bo'lgan Xalifa Erejep maqbarasi haqida ma'lumot beriladi.*

*Kalit so'zlar. Xalifa so'zi baland mutaxassislik, ish qurollaridan foydalanish evaziga ishga yollanish, Rajap oyi, Ustyurt tekisligida Buyuk ipak yo'lida joylashgan karvonsaroylar.*

*Аннотация. В статье описываются сведения о Халифе Эрежепе и мавзолее его имени.*

*Ключевые слова: Слово халиф - высококвалифицированный, нанятый для использования инструментов, караван-сараев на Великом шелковом пути в месяц Раджап, Устырт.*


*Abstract. The article provides information about the mausoleum of Khalifa Erejep, which was part of the Mazlumkhan Sulu complex, built in the IV century BC and XIV century AD.*

*Keywords: The word caliph is highly skilled, hired for the use of tools, caravanserais located on the Great Silk Road in the month of Rajap, Ustyurt.*

Mizdakxonning ko'pchilik madaniy-tarixiy yodgorliklari orasida Xalifa Erejep nomi bilan shartli ravishda nomlangan X-XI asrlarda qurilgan maqbara hisoblanadi. Uning qoldiqlari Mazlumxon Sulu maqbarasidan janubga qarab 120-130 metr masofada joylashib, balandlik poyidanoq yaxshi ko'rinib turadi.

Maqbara (11,0 x 11,0) qisman saqlanib qolgan bo'lib o'tgan davrda u gumbazi va portolli fasadi devorini yo'qotgan. U kub shaklida qurilgan bo'lib, dumaloq gumbaz bilan qoplangan bo'lib, undan juda oz joyi bizgacha yetib kelgan. Gumbaz bo'lganligini bino ikki tomonida yaxshi saqlangan nishasimon arkalar ko'rsatib turibdi (1- rasm).

Maqbara o'rta asr qurilishining kam uchraydigan qurilishlaridan biri hisoblanib, uning devorlari 28 x 5 sm.lik xom g'ishtdan ishlangan.



**1-rasm. Mizdahkan majmuasi**

Fasad devori va portal shu o'lchamdagi yaltiratilgan pishgan g'ishtdan ishlangan (pishiqlik g'ishtning ishlatilishi). IX asrda paydo bo'lib, u qirg'ilgan ganch bilan birga, ishlatilishi binoga juda shinam ko'rinish bergan (2- rasm).

Mizdahkan majmuasi Ko'hna Xorazm zaminiga arablarning kirib kelishidan oldin eramizdan oldingi IV asrlarda barpo etila boshlaganligi, uning arablar istilosi, mo'g'ullar istilosi va ular hukmdorligi davridagi qancha xunrezliklarni qanchadan qancha tarixiy davrlar, hukmdorlar tarixiy va me'moriy obidalarga guvoh bo'lganligini, uning tarkibida asrlar davomida Mazlumxon Sulu, Madaminxon, Qirq chopon, Jo'mart qassob, Xalifa Erejep, Shamun Nabi kabi o'nlagan tarixiy shaxslarga atalgan maqbaralar qurilganligini, bizning davrimizgacha yetib kelgan maqbaralar qoldiqlari namoyish qilib turibdi.



**2-rasm: Mizdahkan majmuasining arxeologik sxematik rejasi. 1-Gaur-qal'a, 1-g'arbiy qal'a, 2-sharqiy qal'a 4-Ju-mart qassob tepaligi, 5-Mazlumxon-sulu maqbarasi, 6-Xalifa-Erejep maqbarasi, 7-qadimiy kanallar, 8-kulolchilik pechlari, 9-qadimiy maydonlar rejasi.**

Mahalliy aholi aytishicha, Xalifa Erejep arablar istilosidan keyin oldingi xalifalar davrida yashab o'tgan bo'lib, u Xorazmga Arabistondan kelgan. Bu yerda u machit qurib, yerlik aholini arab diniga o'qitgan. Unga atab mozorni 800 yildan keyin Xalifa Erejep tushiga kirib, iltimos qilganidan keyin shu yerlik odam qurgan.

Boshqa afsonalarda aytilishicha, har payshanba kuni Xalifa Erejep maqbarasidan bitta g'isht uchib ketadi va g'ishtlar tugagach, oxirgi zamon kelishi aytiladi.

Xalifa Erejep maqbaraning nomi bilan yuritilishi Xalifa Erejepning shu yerda keyinchalik dafn qilinishi bilan bog'liq. "Xalifa" yoki xalifa so'zining baland mutaxassislikka ega bo'lgan hunarmandni bildirib, u o'z biznesi uchun xususiy mablag'ga ega bo'lmasdan o'z hamkasbiga mablag' va uning mehnat qurollaridan foydalanish evaziga ishga yollanadi. Radjab bu musulmon taqvimining yettinchi oyi hisoblanib, unda Muhammad payg'ambar o'z afsonaviy oti al Barakda Makkadan Madinagacha sayohat qiladi.

Lekin asosiy bo'lib, payg'ambarning nurli zinadan chiqib, Oллоh bilan suhbatlashish uchun chiqishi hisoblanadi va shundan beri Rajab oyida bu holat bayram qilinadi. U o'zbeklarda Radjab qoraqalpoqlarda Erejep deb aytiladi. Afsonadagidan Xalifa Erejep kosiblar sirasidan chiqib, qaysidir xizmatlari uchun qonunlashtirilgan va uning qurilgan joyi ziyorat joyiga aylangan (3- rasm).



**3-Rasm. Xalifa Erejep maqbarasining hozirgi kundagi fotolaridan lavhalar**

Maqbara bilan ko'pgina afsonalar bog'lanib kelinadi. Bular orasida sayyohlarga juda ma'lum bo'lgani shuki, unda mavzoley (maqbara) atrofidagi shunday ilohiy quvvatga ega bo'lib, ular ko'p yillar davomida yig'ilib, u bu yerda dafn qilinganlarning butun dunyo bo'ylab sayohat qilganligiga bog'liqligidir. Bu yerdagi sayohatchi yer quvvatidan bahra olib, ruhan tozalanishni va hayotini butunlay o'zgartirib, insoniylik ishlariga bag'ishlashi aytiladi, shuning uchun aytishlaricha, ziyoratchining ko'nglidagi tilagi amalga ohsa, u maqbara yonida 7-8ta g'isht yoki boshqa ashyodan kichik tepalik yaratishi kerak.

Bu afsona dunyodan ko'pchilik turistlarni bu yerga kelishiga asos bo'ladi va ularning ko'pchiligi diniy kayfiyatdagi odamlardir. Afsonaga mos ravishda ko'pchilik sayohatchilar shu yerda sochilib yotgan g'isht va boshqa qurilish ashyolaridan har xil kichik tepachalar quradi. Nima bo'lganda ham Xalifa Erejep maqbarasi hamma vaqt mahalliy ziyoratchilar va sayohatchilar e'tiboridan chetda qolmaydi.

Xalifa Erejep maqbarasi qurilish texnologiyasi to'g'risida gap ketganda, binoning devorlari silliqqlangan pishiq g'ishtdan qurilishi, u bilan bir vaqtda Buxoroda qurilgan pishiq g'ishtdan silliqqlashtirilgan qurilgan Somoniy maqbarasi binosi va bu binolarning qurilishida silliqqlashtirilgan pishiq g'ishtni birinchi marta ishlatilishi tarixiy yodgorliklarimizda qurilish ashyolaridan foydalanish texnologiyasining rivojlanganligini maqbara portali, devori bilan birgalikda, uning gumbazi ham pishiq g'ishtdan qurilgan degan xulosaga olib keladi (4- rasm).

Bu binolarning bir vaqtda bir xil qurilish ashyosidan qurilishi, ularning bir davlat hududida qurilishi Xalifa Erejep maqbarasini restavratsiya qilish uchun yangi fikrlar vujudga keltiradi. Bu bilan birga, qadimgi Xorazmda katta miqyosda g'isht pishirish xumbuzlari mavjud bo'lganidan dalolat beradi.





4-rasm. Mavzuga oid fotolavhalar

**FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR ROYXATI:**

1. С.П.Толстов “Древний Хорезм”, Издание МГУ Москва – 1948;
2. Н.М.Махмудов “Тарихий majmualarni landshaft ekologik tashkil etish tamoyillari” (Mizdakhan majmuasi misolida) magistrlik dissertatsiyasi, TAQI – 2018



**БИОЛОГИЯ ФАУНАРИ**

UO'K 595.76

**XORAZM VOHASI "FAUNANI SAQLASH" MCHJ HUDUDIDAGI QATTIQ QANOTLILAR (COLEOPTERA) TURKUMI AYRIM VAKILLARINING UCHRASHI VA BIOEKOLOGIK XUSUSIYATLARI***M.X.Bekchanov, PhD, Urganch favlat universiteti, Urganch*  
*N.X.Bekchanov, magistr, O'zbekiston Milliy universiteti, Toshkent*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada Xorazm viloyati xonqa tumanida joylashgan "Faunani saqlash" MCHJ hududidan ushlangan ayrim qattiq qanotlilarning biologik va ekologik xususiyatlari, jumladan uchish davri, ozuqa ixtisosligi va avlodlar soni keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** Coleoptera, areal, landshaft, Archostemata, Myxophaga, Adephaga, Polyphaga

**Аннотация.** В статье представлены биологические и экологические характеристики некоторых жесткокрылых птиц, пойманных на территории ООО «Faunani saqlash», расположенного в Ханкайском районе Хорезмской области, включая период полета, пищевую специализацию и количество потомства.

**Ключевые слова:** Coleoptera, ареал, ландшафт, Archostemata, Myxophaga, Adephaga, Polyphaga

**Abstract.** This article presents the biological and ecological characteristics of some beetles caught in the territory of "Faunani saqlash" MChJ, located in Khanka district of Khorezm region, including the flight period, food specialization and number of generations.

**Key words:** Coleoptera, areal, landshaft, Archostemata, Myxophaga, Adephaga, Polyphaga.

**Kirish.** Yer yuzida qattiq qanotlilar turkumi hasharotlarning turlar soni jihatidan eng yirik turkumi hisoblanadi ya'ni 400 ming tur atrofida (Bouchard, 2014). Turkum hozirda 4 ta kenja turkumni: Archostemata Myxophaga Adephaga Polyphaga o'z ichiga oladi. Qattiq qanotlilar sonining kopligi va katta qismini zararkunandalar tashkil qilishi ularning qishloq xo'jaligida ahamiyati katta ekanligini ko'rsatadi. Qolaversa ular orasida yirtqich turlarning mavjudligi zararkunandalarga qarshi biologik kurashda, miksofaglarning mavjudligi tabiatda chirish jarayonlarining borishida muhim ahamiyat kasb etadi. Bu turkum vakillari yer yuzida tarqalishi jihatidan keng diapozonni egallaydi va turlar Antarktida va Arktika muzliklaridan tortib xatto tropik va subtropik mintaqalargacha tarqalganligini aytishimiz mumkin.

**Adabiyotlar tahlili**

Coleoptera turkumining turlar soni yer yuzida (V.F.Natali 1960) ma'lumotiga ko'ra 200000 turni, (Zenkevich, Bannikov and Giliarov, 1968) ma'lumotiga ko'ra 250000 turni, (Kozlov and Oliger, 1991) ma'lumotiga ko'ra 300000 turni, (Plavil'shchikov, 1994) ma'lumotiga ko'ra 250000 turni o'z ichiga olishi haqida aytilgan bo'lsa, so'ngi ma'lumotlarga ko'ra 400000 tur atrofida (Bouchard, 2014), (Bouchard et al., 2017) ga ko'ra 386755 turi aniqlanganligi aytilgan. Coleoptera turkumining 4 ta kenja turkum, 179 ta oila, 498 ta kenja oila, 15 ta ust triba va 1628 tribasi mavjudligi aytilgan (Bouchard et al., 2011). Bu turkumning sobiq sovet hududida 25000 dan ortiq turi uchrashi haqida malumotlar mavjud (Kozlov and Oliger, 1991).

O'zbekiston hududida bu turkum haqida malumotlar V.V.Yaxantov, O.L.Krijanovskiy, A.S.Hamraev, M.V.Nabojenko lar asarlarida uchratish mumkin. Bundan tashqari Tenebrionidae oilasini (L.V.Egorov, T.U.Rakhimov. 2015), Qizilqum hududida (Davletshina, A.G. 1967), Ustyurt yaqinida (N.G.Skopin. 1964), Qoraqalpoqiston hududida (B.Pirnazarov. 1970-1975), Samarqand hududida (T.Safarov. 1957-1962), qolaversa Histeridae va Tenebrionidae oilalarini Ustyurt hududida (A.V.Ivanov. 2012) o'rganishgan.

Bu ma'lumotlardan ko'rish mumkinki qattiq qanotlilarning aksariyat taksonlari mamlakatimizda o'rganilmagan va sistematik holati qoniqarli emas. Bu turkumning mamlakatimizda hususan Xorazm hududida o'rganilishi turkumning turlar tarkibi, faunasi va ekologik aloqalarini o'rganish katta ahamiyat kasb etadi.

**Material va metodlar**

Tadqiqotlar Xorazm viloyati, Xonqa tumanida joylashgan "Faunani saqlash" MCHJ 41°27'04.7"N 60°59'11.2"E hududida 2020- yili aprel oyidan oktabr oyigacha bo'lgan muddatda olib borildi. Bu hudud Amudaryo bo'yidagi to'qay landshaftida joylashgan, tabiiy hududlar va agrosenozlarga boy.

Namunalar yig'ishda umumentomologik metodlar, o'ruvchi va yig'iluvchi oddiy matraplardan (Fasulati,1961; Gornostaev,1970; Golub,1980; Koch,1984 va boshqalar), bevosita qo'l yordamida (tuproq substratidan, o'simliklardan) va oynali tuzoqlardan foydalanildi. Matraplardan foydalanishda asosan past boyli o'simliklar bilan qoplangan hududlarda va qisman daraxt va butalar shoxlari orasida keskin harakatlar yordamida olib borildi.

Namunalar turli daraxtlardan va ekinlardan, turli ekologik hududlar : suvga yaqin va cho'lli qismlardan yig'ildi. Yig'ilgan namunalar fiksatsiya qilingunga qadar morilkalarda saqlanadi. Bundan tashqari ayrim turdagi qo'ng'izlarni yig'ishda yorug'lik lampalaridan ham foydalanildi bunda DRL lampalari , kvarqli va cho'g'lanma lampalardan foydalanish maqsadga muvofiq hisoblanadi. Yorug'likga kelgan qo'ng'izlar harakatlanishdan to'xtagach xloroformli morilkalarga yig'ildi.

Yig'ilgan namunalar keyinchalik fiksatsiya qilinadi va etiketlanadi , jinsi, turi aniqlanadi (etiketda ushlangan joyi, sanasi, mualliflar nomi, biotoplari va yig'ilgan soatlari keltiriladi, aniqlangandan keyin turning nomi yoziladi ). Turlarni aniqlashda turli xil aniqlagichlardan foydalaniladi. Shunday qilib olingan hasharotlar soni va jinsi aniqlanadi.

#### Olingan natijalar

Tadqiqot mobaynida "Faunani saqlash" MCHJ 41°27'04.7"N 60°59'11.2"E hududida 7 tur qattiq qanotlilar kuzatildi umumiy hisobda 172 ta namuna yig'ildi.

Tadqiqot tabiiy hududlar va agrosenzlarda olib borildi. Namunalar fiksatsiya qilinib turli aniqlagichlar yordamida 7 ta turga (*Melolontha melolontha* Linnaeus, 1758; *Amphimallon solstitiale* Linnaeus, 1758; *Oryctes nasicornis* Linnaeus, 1758; *Coccinella septempunctata* Linnaeus, 1758; *Blaps titanus* Ménériés, 1849; *Pisterotarsa gigantea* Fischer von Waldheim, 1821; *Gonocephalum rusticum* Olivier, 1811) mansubligi va jinsi aniqlanib bu bo'yicha taqsimot qilindi(Jadval.1).

#### 1. *Melolontha melolontha* Linnaeus, 1758

**Turkum:** *Coleoptera*

**Kenja turkum:** *Polyphaga*

**Oila:** *Scarabaeidae*

**Kenja oila:** *Melolonthinae*

**Triba:** *Melolonthini*

**Avlod:** *Melolontha*

**Ushlangan vaqti va soni :** 05.23.2020 da 7 nusxada : (2♀-5♂) ; 05.29.2020 da 2 nusxada : (2♀) ; 06.16.2020 da 5 nusxada : (1♀- 4♂); 06.10.2020 da 4 nusxada : (1♀-3♂) . Jami : 18 nusxada (6♀-12♂)

**Tarqalishi :** Yevropaning katta qismi, sobiq SSSR ning G'arbiy va yevropa qismi; arealning Sharqiy chegaralari Estoniyadan to Smolensk , Kursk, Voronej, Xarkov gacha ; arealning janubiy chegaralari Zaparoje , Kropivnitskiy, oddeskoy viloyati, Dnestra ; arealning Shimoliy qismi Janubiy Shvetsiyagacha .

**Biologiyasi:** Uchish davri aprelning ikkinchi yarmidan iyunning boshigacha , Shimoliy regionlarda may o'rtalaridan iyun oxirigacha davom qiladi. Ozuqa o'simliklari: eman ,buk, zarang, qayrag'och, terak, jiyda. lichinkasi har – xil o'simliklar ildizi bilan oziqlanadi va tuproqda g'umbak hosil qiladi. Ertalab va kechki payt aktiv bo'lib , aksar hollarda sun'iy yoritgichlarga keladi.

#### 2. *Amphimallon solstitiale* (Linnaeus, 1758)

**Oila:** *Scarabaeidae*

**Kenja oila:** *Melolonthinae*

**Triba:** *Melolonthini*

**Avlod:** *Amphimallon*

**Ushlangan vaqti va soni :** 06.16.2020 da 15 nusxada : (9♀-6♂); 06.23.2020 da 10 nusxada : (6♀-4♂); 07.09.2020 da 18 nusxada : (8♀-10♂); 07.18.2020 da 10 nusxada : (1♀-9♂); 07.19.2020 da 7 nusxada : (3♀-4♂). Jami: 60 nusxada (27♀-33♂)

**Tarqalishi :** Yirik geografik tarqalishga ega bo'lgan qo'ng'iz b'lib , sobiq SSSr ning yevropa qismi , Turkiston, hamda Kavkaz va Qirimda tarqalgan.

**Biologiyasi:** Uchish davri iyun-iyul oylarida , asosan kechasi aktiv bo'lib kunduzi yerdagi turli xil tirqishlarga bekinadi. Ozuqa o'simligi : terak, jiyda, qarag'ay, mevali daraxtlar va boshqalar , lichinkasi har – xil o'simliklar ildizi bilan oziqlanadi va tuproqda g'umbak hosil qiladi.

#### 3. *Oryctes nasicornis* (Linnaeus, 1758) (*O. n. punctipennis* Motschulsky, 1860)

**Oila:** *Scarabaeidae*

**Kenja oila:** *Dynastinae*

**Triba:** *Oryctini*

**Avlod:** *Oryctes*

**Ushlangan vaqti va soni :** 06.16.2020 da 1 nusxada : (1♀); 06.24.2020 da 2 nusxada : (1♀-1♂); 07.09.2020 da 3 nusxada : (2♀-1♂); 07.19.2020 da 1 nusxada : (1♂); 08.19.2020 da 1 nusxada : (1♂)  
Jami: 8 nusxada (4♀-4♂)

**Tarqalishi :** Bu tur keng arealni egallagan bo'lib, Yevropa (Shimoliy regionlaridan tashqari), Kavkaz, Janubi-G'arbiy Sibir , Shimoliy Afrika, Shimoli-Sharqiy Turkiya, Kichik Osiyo, Iroq, Suriya; arealning Shimoliy chegarasi Boltiq dengizidan to Sankt Peterburg, Rossiyaning Novgorod viloyati, Yaroslav, Kastroma, Kirovgacha. Arealning Osiyo qismidagi janubiy chegarasi Ural bo'g'zidan Emba havzasining yuqori qismigacha, so'ngra Orol dengizining shimoliy qirg'og'iga, Shimoliy Qozog'iston dashtlari bo'ylab o'tadi[16].

**Biologiyasi:** Uchish davri bahordan yoz o'rtalarigacha ba'zan kuz boshigacha. Imagosi 1-2 oy yashaydi, odatda qong'izlar lichinkasi rivojlangan joyga yaqin hududlarda uchraydi. Kechki aktiv hisoblanib ba'zan sum'iy yoritgichlarga keladi[16].

#### 4. *Coccinella septempunctata* (Linnaeus, 1758)

**Oila:** *Coccinellidae*

**Kenja oila:** *Coccinellinae*

**Triba:** *Coccinellini*

**Avlod:** *Coccinella*

**Ushlangan vaqti va soni :** 04.27.2020 da 1 nusxada : (1♀); 05.23.2020 da 3 nusxada : (1♀-2♂); 05.24.2020 da 4 nusxada : (4♀); 06.16.2020 da 2 nusxada : (1♀-1♂); 06.23.2020 da 4 nusxada : (1♀-3♂). Jami: 14 nusxada (8♀-6♂)

**Tarqalishi:** Juda keng tarqalgan turlardan hisoblanib, Rossiya, Qozog'iston va O'rta Osiyodan, Kavkaz, Koreys yarimorollarigacha; Yaponiya , Xitoy, Janubi-Sharqiy Osiyo, Mongolia, Yevropa va Shimoliy Afrika, Ukraina, Belarusiya, Pokiston, Nepal, Shimoliy Amerika[12].

**Biologiyasi:** Uchish davri bahorda va erta yoz mavsumida. Ozuqasi shira bitlari hisoblanib , mevali daraxtlarda , qarag'ay, maymunjon, qayrag'och kabi o'simliklarda uchraydi. Yil davomida bir yoki ikki marta avlod beradi[12].

#### 5. *Blaps titanus* ( Ménétríés, 1849)

**Oila:** *Tenebrionidae*

**Kenja oila:** *Tenebrioninae*

**Triba:** *Blaptini*

**Avlod:** *Blaps*

**Ushlangan vaqti va soni :** 06.20.2020 da 1 nusxada : (1♂); 07.01.2020 da 2 nusxada : (1♀-1♂); 07.03.2020 da 1 nusxada : (1♂). Jami: 4 nusxada (1♀-3♂)

**Tarqalishi :** Qizilqum, G'arbiy Turkmaniston [2]

**Biologiyasi:** Tunda aktiv hisoblanib, ozuqa o'simligi efimerlar, shuvoq, yangi unib chiqqan izen , yashashi uchun inlar va toshloq joylar muhim o'rin egallaydi.[6]

#### 6. *Pisterotarsa gigantea* (Fischer von Waldheim, 1821)

**Oila:** *Tenebrionidae*

**Kenja oila:** *Pimeliinae*

**Triba:** *Pimeliini*

**Avlod:** *Pisterotarsa*

**Ushlangan vaqti va soni :** 06.20.2020 da 2 nusxada : (2♂); 07.03.2020 da 1 nusxada : (1♀); Jami: 3 nusxada (1♀-2♂)

**Tarqalishi :** Qizilqum, Qoraqum , Moyunqum[2]

**Biologiyasi:** Barxanli qumlarga xos tur bo'lib, aktivlik davri asosan g'ira shira qorong'olik ba'zan kunduzga tog'ri keladi. Kunduzi o'simliklar orasiga yoki inlariga bekinadi. Ozuqa o'simligi asosan har-xil efemerlar , yantoq, isiriq, qandim va boshqalar. Qum o'simliklarining asosiy zararkunandalaridan. [6]

#### 7. *Gonocephalum rusticum* (Olivier, 1811)

**Oila:** *Tenebrionidae*

**Kenja oila:** *Tenebrioninae*

**Triba:** *Opatrini*

**Avlod:** *Gonocephalum*

**Ushlangan vaqti va soni :** 06.19.2020 da 10 nusxada : (9♀-1♂); 06.23.2020 da 5 nusxada : (2♀-3♂); 07.10.2020 da 19 nusxada : (7♀-12♂); 07.18.2020 da 6 nusxada : (3♀-3♂); 08.19.2020 da 8 nusxada : (7♀-1♂); 09.10.2020 da 11 nusxada : (7♀-4♂); 09.03.2020 da 6 nusxada : (2♀-4♂) Jami: 65 nusxada (37♀-28♂)

**Tarqalishi :** Janubi –g'arbiy Qizilqum, Qozog'iston, O'rta Osiyo, Kavkaz, O'rta yer dengizi, Iroq , Afg'oniston, Shimoli-G'arbiy Xitoy [2]

**Biologiyasi:** Erta bahordan to kech kuzgacha uchratish mumkin. Asosan tunda aktiv bolib, kunduzi toshlar , butalar va kemiruvchilar iniga berkinadi. Asosan tashlandiq joylarga xos , g'ozda dalalarida uchraydi. O'rta Osiyoda poliz va go'za kulturasi zararkunandasi sifatida ma'lum.[6]

1-Jadval


Ushlangan namunalarning jinsi bo'yicha taqsimlanishi.

№	Turlar nomi	Namunalar		Jami
		♀	♂	
1	<i>Melolontha melolontha</i>	6	12	18
2	<i>Amphimallon solstitiale</i>	27	33	60
3	<i>Oryctes nasicornis</i>	4	4	8
4	<i>Coccinella septempunctata</i>	8	6	14
5	<i>Blaps titanus</i>	1	3	4
6	<i>Pisterotarsa gigantea</i>	1	2	3
7	<i>Gonocephalum rusticum</i>	37	28	65

Bular orasida son jihatdan uchta tur (*Melolontha melolontha* Linnaeus, 1758; *Amphimallon solstitiale* Linnaeus, 1758; *Gonocephalum rusticum* Olivier, 1811 ) namunalari katta qismni egallagan bolsa, yana uch turni (*Oryctes nasicornis* Linnaeus, 1758; *Coccinella septempunctata* Linnaeus, 1758; *Gonocephalum rusticum* Olivier, 1811) uchish davri nisbatan uzoq muddatni tashkil qilganini ko'rish mumkin (Diagramma.1).

1-diagramma

Ushlangan namunalarning mavsum kesimida uchrash ko'rsatkichlari



### Xulosa

Tadqiqot natijalariga ko'ra "Faunani saqlash" MCHJ 41°27'04.7"N 60°59'11.2"E hududida kuzatilgan 7 tur ichida en ko'p tarqalgan dominant turlar 2 tani (*Amphimallon solstitiale*, *Gonocephalum rusticum*) tashkil qildi. Tadqiqot olib borilgan turlardan ikki tasi (*Blaps titanus*, *Pisterotarsa gigantea*) kam uchragan bo'lib bu turlarning ikkalasi ham Tenebrionidae oilasiga mansub turlar hisoblanadi. Ushlangan turlar barchasi hamma narsani yeyaveradigan qong'izlar (Polyphaga) kenja turkumiga mansub asosan 3 ta oila va 7 ta avlod turlari ekanligi ma'lum bo'ldi. Bu turlar ichida mavsumiy kengroq diapazonga ega bo'lganlari 3 turni (*Oryctes nasicornis*, *Coccinella septempunctata*, *Gonocephalum rusticum*) tashkil qildi.

### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Abdurakhmanov, G., Nabozhenko, M., Abdurakhmanov, A., Ivanushenko, Y. and Daudova, M., 2016. Geographical relations of darkling beetles (Coleoptera: Tenebrionidae) of the palaeartic tethys desert-steppe region with the historical review. South of Russia: ecology, development, 11(3), pp.35-89.
2. Б.Пирназаров. Жуки-чернотелки (Coleoptera.Tenebrionidae) Каракалпакии.- Нукус: изд. АН УзССР, 1970,№3 (41),стр.23-27.
3. Bouchard, P., Smith, A., Douglas, H., Gimmel, M., Brunke, A. and Kanda, K., 2017. Biodiversity of Coleoptera. Insect Biodiversity, pp.337-417.
4. Bouchard, P., Bousquet, Y., Davies, A., Alonso-Zarazaga, M., Lawrence, J., Lyal, C., Newton, A., Reid, C., Schmitt, M., Slipinski, A. and Smith, A., 2011. Family-Group Names In Coleoptera (Insecta). ZooKeys, 88, pp.1-972.
5. Bouchard, P., 2014. The Book Of Beetles. Chicago: The University of Chicago Press.
6. Davletshina, A.G., "Species Composition and Distribution of Tenebrionidae in Biotores of South-West Kyzyl-Kumy," Zoologicheskii Zhurnal 46, 524–533 (1967).



7. Г.В. Николаев. Пластинчатоусые жуки (Scarabaeoidea) Казахстана и Средней Азии. — Алма-Ата: «Наука» Казахской ССР, 1987. — 232 с. — 1000 экз.
8. Козлов, М. и Олигер, И., 1991. Школьный Атлас-Определитель Беспозвоночных. Москва: Просвещение
9. Ivanov, A.V., “New Data on the Beetle Fauna of the Families Histeridae and Tenebrionidae and the Superfamily Scarabaeoidea of Ustyurt State Natural Reserve, Kazakhstan,” Euroasian Entomological Journal 11, 223–235 (2012)
10. L.V. Egorov, T.U. Rakhimov. “Materials to the knowledge of darkling beetles (Coleoptera: Tenebrionidae) of Uzbekistan” Eversmannia Suppl. 5. 2015
11. Nabozhenko, M., 2018. Review of the Genus Hedyphanes Fischer von Waldheim, 1820 (Coleoptera: Tenebrionidae: Helopini) of Kazakhstan, Middle Asia, Iran and Afghanistan. Entomological Review, 98(5), pp.594-628.
12. N. B. Nikitsky and A. S. Ukrainsky, 2016 The Ladybird Beetles (Coleoptera, Coccinellidae) of Moscow Province ISSN 0013-8738. Entomological Review, 2016, Vol. 96, No. 6, pp. 710–735 ISSN 0013-8738
13. Определитель насекомых Дальнего Востока СССР. Т. III. Жесткокрылые, или жуки. Ч. 2 / под общ. ред. П. А. Лера. — Л.: Наука, 1992. — С. 363. — 704 с. — 1400 экз. — ISBN 5-02-025623-4.
14. Полякова Г. М. Определитель жуков трибы Coccinellini (Coleoptera, Coccinellidae) Среднего Поволжья / редактор выпуска Флоров Д. Н.. — Куйбышевский государственный педагогический институт имени В.В.Куйбышева, 1969. — 37 с. — 2000 экз.
15. Плавильчиков, Н., 1994. Определитель Насекомых. Москва Топикал
16. С. И. Медведев. Пластинчатоусые (Scarabaeidae). Подсемейства Euchirinae, Dynastinae, Glaphyrinae, Trichiinae. — М.-Л.: Издательство АН СССР, 1960. — Т. X. — С. 70—83. — 399 с. — (Фауна СССР. Жесткокрылые)
17. Зенкевич, Л., Банников, А. и Гиляров, М., 1968. Жизнь животных. Москва: Просвещение

UO'T 598. 265. 1

## BUXORO VILOYATIDA KO'K KAPTAR (COLUMBA LIVIA NEGLECTA HUME, 1873) NING BIOLOGIYASIGA DOIR MATERIALLAR

*B. N. Doniyorov, katta o'qituvchi, BuxDU, Buxoro*

**Annotatsiya.** Maqolada Buxoro viloyati sharoitida Ko'k kaptarning boshqa kaptarsimonlardan farqli belgilari, uchrash joylari, xulqiy reaksiyasi, uyasining joylashishi, uya qurishi, uyaning tarkibiy qismlari va morfometrik o'lchamlari, tuxum qo'yishi va ularni isitish jarayonidagi nasl g'amxo'rligi, jo'ja ochishi, jo'jalarining o'lchamlari, oziqlanishi va oziqa xillari kabi biologik xususiyatlari hamda ahamiyati to'g'risida ma'lumotlar keltirilgan.

**Tayanch so'zlar:** tuxum, uya, jo'ja, qush, biologiya, ekologiya, areal, agrobiogeotsenoz, morfometrik, antisaniitariya.

**Аннотация.** В статье приведены информации об отличиях Сизого голубя от других видов в Бухарской области, о местах их встречаемости, о поведенческой реакции, о расположении и строении гнезда, о составе и морфометрических размерах гнезда, о кладке и уходе во время нагревания яиц, о вылуплении птенцов и их размерах, о питании и разнообразии кормов, о других биологических особенностях и значении вида.

**Ключевые слова:** яйцо, гнездо, птенец, птица, биология, экология, ареал, агробиогеоценоз, морфометрический, антисанитарный.

**Annotation.** The article describes the differences of Rock dove from other pigeons in the conditions of Bukhara region, meeting places, behavioral response, nest location, nest building, nest components and morphometric dimensions, breeding care during egg laying and heating, give information on the biological properties and importance of chickens, such as opening, size, nutrition and food species.

**Key words:** egg, nest, chick, bird, biology, ecology, areal, agrobiogeocenosis, morphometric, unsanitary.

**Kirish.** Tur xilma-xilligi bo'yicha qushlar umurtqalilar orasida ikkinchi o'rinni egallaydi. Qushlarni areal hududlarida tarqalishi, biologiyasi va ekologiyasini tadqiq qilish, ularni agrobiogeotsenozlarga, qishloq, shaharlarga jalb etish, muammoli turlar sonini boshqarish, muhofaza qilish chora-tadbirlarini aniqlash dolzarbdir. Ko'k kaptar Janubiy Yevropa, Shimoliy Afrika, Osiyoda, jumladan, O'zbekistonda cho'l va dashtlardan tortib baland qorli cho'qqilargacha, shaharlarda tarqalgan [7,167].

Buxoro viloyati agrotsenozlarida ko'k kaptar keng tarqalgan. Ammo bu qushning biologiyasi kam o'rganilgan [1, 60-69; 6, 129-131]. Shuni e'tiborga olib ushbu maqolada 2008-2021 yillarda ko'k kaptar biologiyasi bo'yicha o'tkazilgan kuzatishlar, to'plangan ma'lumotlarga asoslangan holda fikr, mulohazalarimizni keltiramiz. Buxoro viloyatida ko'k kaptar biologiyasi va xo'jalik ahamiyatini o'rganish insonlar va ko'k kaptarlar o'zaro munosabatlarini, ularning ahamiyatini, jalb etish yo'llarini, muhofaza qilinishini, aniqlashga doir tavsiya berish.

**Tadqiqot usullari.** Ko'k kaptar biologiyasini o'rganishda, statsionar kuzatishlarni amalga oshirishda G. A. Novikov (1949), A. S. Malchevskiy (1981) metodlariga asoslanildi. Ko'k kaptarning 100 ta uyasi topildi, 46 ta tuxumlari, 34 ta polaponlari o'rganildi. Yana bir qancha kuzatishlar ham amalga oshirildi.

**Material va natijalar.** Ko'k kaptar O'zbekistonda, jumladan Buxoro viloyatida keng tarqalgan o'troq qushdir. Bu qush ko'rinishidan viloyatda uchrovchi boshqa kaptarsimonlardan xiyla yirikroqdir. Fe'l-atvori ancha murakkab bo'lib, o'z arealini kengaytirmoqda.

Ko'k kaptarni boshqa kaptarsimonlardan ajratishda faqat gavdasining bir oz yirikligi, yorqin rangi emas, balki qanotida qora yo'llar ko'pligi, dumida oq yo'llar bo'lmasligi ham katta rol o'ynaydi. Shunga qarab ancha uzoqdan ham uni tezda tanib olish mumkin. Yil davomida bu qushni Buxoro viloyati qishloq, shaharlarida, yo'llar atrofidagi daraxtzorlarda, agrotsenzlarda uchratdik. Ko'k kaptarning seroblik darajasi (soni) shaharda, qishloq agrobiogeotsenzlarda ancha farq qiladi.

Bu qushning sayrash iikki-uch bo'g'inli bo'lib-"g'u-g'uu, g'u-g'uu-g'uuv" tarzida yilning deyarli barcha oylarida eshitiladi. Faqat ko'k kaptarlarning serobligi martdan oktabrgacha ko'proq bo'ladi va noyabrdan to fevralgacha ularning tovushini kamroq eshitish mumkin.

Qish qattiq kelgan 2008 yilda esa, ko'k kaptarlarning sayrash rejimi ancha o'zgardi. Qish oylarida ular sayramay qo'ydi, hatto havoning sovuqligi tufayli yerda qorning uzoq saqlanishi natijasida ularning nobud bo'lish holatlari ham kuzatildi. Masalan, Buxoro viloyat markaziy madaniyat istirohat bog'ida ochlikdan 2 ta Columba livia, 6 ta Corvus frugilegus, 4 ta Acridotheres tristis, 14 ta Fringilla coelebs, 1 ta Fringilla montifringilla, 1 ta Parus bukharensis, 1 ta Sturnus vulgaris, 1 ta Streptopelia senegalensis nobud bo'lganini ko'rdik.

Dastlabki sayrashini fevral oyining birinchi dekadasidan (20.02.2009; 18.02.2010; 15.02.2011; 26.02.2012; 22.02.2013; 02.03.2014; 27.02.2015; 13.02.2016; 21.02.2017; 04.03.2018; 05.03.2019; 17.02.2020; 04.02.2021) mart oyining birinchi dekadasigacha qayd etdik.

Uya qurishdan oldin ko'k kaptarlar ham boshqa turlardek juft hosil qiladi. Bu davrda ular bir-birini quvib uchadi, ba'zan tumshuqlarini bir-biriga tekkizishi, "g'uu-g'uu" deb o'ziga xos tovush chiqaradi, qanotlarini gavda orqa tomoniga qo'ngan kapalak qanotidek taxlab tez yurishi, qisqa masofaga uchishi, turgan joyida boshini yerga quyi solib "g'uru-g'uru, tqg'g'g'-tqg'g'g'" tarzida sayrab aylanishi, shishib xurpayishi, biri-ikkinchisini ustiga chiqib 3-5 sekund turib qolishi, bir-birini taqib qilib uchib ketishi kabi fe'l-atvorini mahorat bilan namoyon qiladi. Turli sharoitlarda uning 100 ta uyasini topib o'rgandik.

Buxoro viloyati sharoitida ko'k kaptarlar uyalarini qurishda asosan insonlar tomonidan bunyod qilingan turli binolarning tomidan, ayvonlar peshtoqidan, tarixiy obidalar ichki qismidan, qisman boshqa qush (Buxoro shahri "Mir-do'stim" ko'chasi chinor daraxti zag'izg'on uyasidagi tuxum bosayotgan ko'k kaptar (05.04.2009), Buxoro sport majmuasi ayvon peshtoqi zag'izg'on uyasidagi tuxum bosayotgan ko'k kaptar (02.04.2010)) larning uyalaridan foydalanadi. Uya (n=11) larning yerdan balandligi 18,4 (2,9-30,0) metr. Uyalarning yerdan balandligini ortishi zamonaviy ko'p qavatli uylarning ko'payishi va ularda ko'k kaptarlar uyalashi bilan tushuntiriladi.

Zag'izg'on eski uyalaridan foydalanishda ko'k kaptarga nisbatan zag'izg'on (agar uya yaxsi saqlangan bo'lsa) va mayna, qisman cho'l sog'i hamda qumri kabi turlar raqobatda bo'ladi. Tabiiy sharoitdan kelib chiqib, bu turlararo raqobatda ko'k kaptarlar ba'zan yutsa, ba'zan yutqazadi. Ba'zida ko'k kaptarlar yil oshgan yoki oldin foydalanilgan o'z uyalaridan ham takror foydalanadi. Uyani qurushda ikkala jins faol ishtirok etadi. Qurilish muddati ba'zan bahorning kelish vaqtiga, ob-havoga bog'liq holda 95 soatgacha vaqt talab etadi.

Bir ob'yektda odatda ko'k kaptarning bir jufti uya quradi. Ba'zida 4-7 jufti, ahyon-ahyonda ob'yekt katta bo'lsa, uyani joylashtirish uchun boshqa qulay joy tanqis, oziqa miqdori ko'p va insonlar ta'siri kam bo'lsa 16-21 juftgacha ko'k kaptarlar uya quradi hamda foydalanadi. Misol uchun 30.05.2010 yil Jondor tuman "Qaldirg'och" bolalar bog'chasi hududidagi binolar tomidan ikki holatda ko'k kaptarning 16-21 uyasi qayd qilindi. Ko'k kaptarlar uyasini qurishda asosan 100 metr radiusda tevarak-atrofdagi olma, o'rik, qaroli, gilos, oddiy qarag'ay, kaliforniya teragi, tol, ligustrum, shuvoq, sho'ra, ajriq, sholg'om, yantoq, beda, tuyatovon, arpa, bug'doy, qirq bo'g'im, qamish, yovvoyi supurgi, madaniy supurgi, kabi o'simliklarning turli qismlaridan, kamdan-kam hollarda sintetik iplardan hatto o'zining kontur pat va parlaridan ham foydalanadi.

Qush uya xom-ashyosini o'zi qazigan 3,5 sm.li chuqurchaga joylashtiradi. Uyasi ko'rinishidan oddiyligi, yassiligi, g'ovakligi, uya materialining ko'p bo'lmasligi bilan xarakterlanadi. Likopchasimon shaklli. Ba'zan tuxumli uyaga qaraganda uya joylashgan substratni ko'rish mumkin.

Ko'k kaptar uyasining xom-ashyosi va ularning o'lchamlari, vazni sharoitga hamda mavsumga, uyalash muddatiga bog'liq holda o'zgaruvchan bo'ladi. Ko'k kaptar uyasining morfometrik



o'lchamlari quyidagicha: uyaning chuqurligi (n=57) 48,9 (29,0-70,0) mm., eni (n=61) 208,9 (150,0-500,0) x 208,5 (134,0-450,0) mm., tubining ichki eni (n=39) 110,3 (81,0-146,0) mm., bo'yi (n=2) 80,0 (80,0) mm., devori qalinligi (n=15) 65,8 (15,0-110,0) mm. massasi (n=17) 58,6 (23,5-140,1) g. Yuqoridagi raqamlarning ko'rsatishiga ko'ra uya o'lchamlarida ham maxalliy, ham yakka tartibda o'zgaruvchanlik borligi bilinadi.

Uya qurilishi tugagach, unga oq rangli, ichki suyuqligi qizg'ish, po'choq sirti asosan silliq ba'zan g'adir-budir, tuxum po'chog'i (n=9) 0,43 (0,4-0,5) mm. qalinlikdagi katta-kichik, oval shaklli tuxumlar qo'yadi. Tuxum har kun 1 tadan, ba'zan bir kun tashlab qo'yilar ekan. Uyalardagi tuxumlar soni 2 taga teng. Ko'k kaptar tuxumlari morfometriyasiga oid ma'lumotlar quyidagicha: tuxum (n=46) ning uzunligi 36,8 (23,7-41,3) mm., eni 28,1 (17,5-30,2) mm., uchki eni 18,5 (12,5-20,6) mm., tubini eni 22,5 (14,5-25,6) mm., vazni 15,9 (12,4-19,6) g. tuxumlarni asosan urg'ochi ko'k kaptar bosadi, isitadi.

Tuxumlarni o'lchash vaqti ko'k kaptar o'ziga o'rganuvchini yaqinlashtirish masofasi kattaligi bilan boshqa kaptarsimonlardan farq qiladi. Erkagi esa, uya (n=7) dan 8,3 (2,0-17,0) metr uzoqlikda urg'ochisini muhofaza qilib, uni atrofda vaziyat bilan bog'lab turadi. Turli tashqi xavflar kamayganda yoki quyosh botgach uyasiga yaqin keladi. Tuxum bosish jarayoni 17 kun davom etadi. Shu davrning 13-15 kunlarida tuxum po'choqlarida dars ketish holatlari ko'zga tashlanadi. Bu hodisa tuxumlardan jo'jalar chiqishi uchun harakatlanayotganini bildirishi mumkin.

Jo'jalarning ko'rinishi, qiyofasi, rangi o'zgarib boradi. Dastlab ularning tumshug'i uchi, tirnoq uchlari och tusda bo'ladi. Tana yuzasida sariq va tiniq sariq embrion puxlari bo'lib, ayrim joylari: ko'zlari, quloqlarining atrofida, tumshug'i, oyoq panjalari, bo'ynining pasti, qorin qismi bo'ylab patsiz joylari ham bor. Jo'jalarning ko'zlari ojiz, quloq teshiklari yopiq bo'ladi. Ular tuxumidan chiqqandan keyin 3-4 kunligida ko'z, quloq atroflarida qoramtir tusli patchalarning murtagi, qanoti, dumida ham pat o'siqlari namoyon bo'ladi.

Keyinroq 5-6 kunligida eshitish yo'llari, ko'zlari ochiladi. Jo'jalar tashqi ta'sirlarga javob bera boshlaydi, ya'ni xurpayish, axlat tashlash, titrash, o'zini orqaga tashlab psish, tumshuqlarini bir-biriga urib qirs-qirs ovoz chiqarish, uchishga va cho'qishga urinish, panjasini qisishi, tez yurib qochishga urinishi, tez-tez nafas olish, uyadagi xaslarni changallash, boshini, oyoq panjalarini, tumshuqni harakatga keltira oladi.

Endi qanotidagi qoquv patlarining, dum patlarining uchi yorilib, eshilib, mo'yqalamni eslatuvchi tutamlar hosil bo'la boradi. Tumshuq, oyoqlari, tirnoqlarining rangi tusi quyuvqlasha boradi. Jo'jalar qanotlarini sekin yozib, boshini tik saqlaydi, tez-tez nafas oladi. Hayotining 7-8 kunligiga kelib, qanoti, dumidagi pat yelpig'ichi kattalashib qoladi.



A



B



C



D





E



F



G



H



I



J

Rasm. Ko'k kaptar ko'payish sikliga doir olingan tasvirlar

- Izoh:** A. Ko'payishdan oldingi ko'k kaptar oilasi;  
 B. Tuxum qo'yishga tayyor uya;  
 C.D. Uyaga qo'yilgan birinchi va ikkinchi tuxumlar;  
 E. Tuxum bosayotgan ko'k kaptar;  
 F. Tuxumdan chiqqan ko'k kaptar jo'jasi va uning tuxumi;  
 G. 2-3 kunlik ko'k kaptar jo'jasi;  
 H. 12-13 kunlik jo'jalar;  
 I. 15 kunlik jo'ja;  
 J. Voyaga yetgan, biroq ko'payishga kirishmagan ko'k kaptar;



Tanasining yuzasi bo'ylab, kontur patlar yaxshi rivojlanganligi bois, tana patlar bilan yaxshi qoplanadi. 10-12 kunligida ular hali ham ucha olmaydi, ammo ancha harakatchan bo'ladi. Keyinroq jo'jalar 14-15 kunlik bo'lganida ota-onalariga o'xshab qoladi, uyadan uchib chiqishga harakat qiladi. Biroq yana 3-4 kun ular ota-onalari panohida bo'ladi. Shundan keyin uyani tark etishadi. Yuqorida ko'k kaptarning ko'payish sikliga doir tasvirlar keltirilgan.

Lekin yana bir necha kun qush bolalari uyasiga bog'liq bo'ladi, dam oladi, tunaydi va h.k. Shunday qilib, Buxoro viloyatida ko'k kaptarning tuxumli uyalarini martdan boshlab to dekabrgacha uchratish mumkin. Ob-havo bilan bog'liq holda ular ba'zan kuz faslida ham yoxud erta bahorda ham urchish harakatlarini namoyon etadilar.

Ko'k kaptarlar asosan donxo'r qush. Ammo, yilning mavsumlarida ularning ozuqa spektri, joyi o'zgarishi mumkin. Chunonchi, bahor, yozda bug'doy, makkajo'xori, begona o'simliklarning urug'lari, qisman hasharotlarni, kuz va qishda ular oziq-ovqat qoldiqlari, virgin archasi va sharq saurining urug'larini, g'o'za, bug'doy, makkajo'xori, loviya, mosh, no'xat, tariq, sholi, kungaboqar, javdar, uzum, olma, o'rik, behi, yeryong'oq ekilgan dalalar, bozorlar, qabristonlar, molxonalar, qarg'alar tunash joyidagi qusqilarni titkilaydi, aholi turar joylari, axlatxonalar, ko'chatxonalardan don-dun topib yeydi. Qattiq oziqalarni iste'mol jarayonini yaxshilash uchun ba'zan tosh, shisha, temir parchalarini yutadi.

Oziqlanishda *Acridotheres tristis* (8,0 (n=8) (2,0-23,0) ta), *Columba eversmanni* (1,0 (n=3) (1,0) ta), *Streptopelia senegalensis* (3,4 (n=5) (1,0-7,0) ta), *Pica pica* (4,5 (n=8) (1,0-10,0) ta), *Passer montanus* (17,1 (n=7) (1,0-38,0) ta), *Larus ridibundus* (10,0 (n=1) (10,0) ta), *Corvus frugilegus* (53,2 (n=6) (1,0-150,0) ta), *Corvus cornix* (5,0 (n=3) (2,0-11,0) ta), *Fringilla coelebs* [5, 346] (4,0 (n=4) (2,0-8,0) ta), *Sturnus vulgaris* (30,0 (n=1) (30,0) ta), *Streptopelia decaocto* [2] (4,4 (n=14) (1,0-16,0) ta), *Apus apus* (30,0 (n=1) (30,0) ta), *Parus bukharensis* (3,0 (n=1) (3,0) ta), *Passer indicus* (3,0 (n=2) (1,0-5,0) ta), xonaki kaptar (2,0 (n=4) (1,0-3,0) ta), xonaki parrandalar, chorva mollari ko'k kaptar atrofida borligi qayd qilindi.

Ko'k kaptar madaniy o'simliklarning donlari, maysalari bilan oziqlanib, sport maydonlarida, bozorlarda oziq-ovqat sotiladigan rastalar atrofida, xiyobon va istirohat bog'laridagi o'tirg'ichlar ustida, xonadonlarda uchrab, ba'zan antisanitariya bilan bog'liq muammolarni keltirib chiqaradi.

Madaniy yodgorliklarimizdan tunash, dam olish, oziqlanish, ko'payish uchun foydalanishi ularning yemirilishiga sababchi bo'ladi. Tanasida parazitlarni tashishi ularni tarqalishiga sababchi bo'ladi. Xonaki parranda va chorvo mollari oziqasiga sherik bo'ladi.

Chiqindilar, oziq-ovqat qoldiqlari bilan oziqlanib, sanitarlik vazifasini bajaradi. Oziq zanjirida ahamiyatga ega. Axlati fosforgia boy, tuproqqa aralashib, unumdorlikka ta'sir etadi. Uya qurishda begona o'tlarning tana qisimlaridan foydalanib, ularni tarqalishini chegaralaydi.

**Xulosa.** Keyingi vaqtlarda turar joylarni o'zgartirish, odamlar, daydi mushuklar hamda toshqirg'iy tomonidan ko'k kaptar soniga ta'sir bo'lmoqda.

Ko'k kaptar o'ziga xos ovoqli, chiroyli qush. U turli go'shalarda o'z o'rniga ega, tabiatning ajralmas qismi. Shuning uchun uni muhofaza qilish, qish mavsumida noqulay ob-havoli sharoitlarda ularga ovqatlanish joylarini yaratish, oziqlantirish maqsadga muvofiq.

Ko'k kaptar biologiyasini o'rganish davrida aniqlandiki, bu qush yerga tushgan bug'doy, makkajo'xori, arpa, sholi, no'xat, tariq donlari, begona o'simliklar urug'i bilan oziqlanadi, ba'zan aholi ancha gavjum joylar (bozor, xiyobon, istirohat bog'lari) da hamda, madaniy-tarixiy yodgorlik majmualarida antisanitariya holatni hosil bo'lishida, turli ektoparazitlarni tashilishi, tarqalishida ishtirok etishi mumkin.

Turli chiqindilar, oziqa qoldiqlarini iste'mol qiladi. Go'ngi fosforgia boy, tuproqni mineral bilan boyitadi. Ana shu xususiyatlari bilan turli statsiyalarda, inson ekologiyasida ijobiy rol o'ynaydi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Бакаев С. Б. Птицы антропогенных ландшафтов аридной зоны Узбекистана//Д.б.н., дис.-Бухара: 1994.-С. 567.
2. Doniyorov B. N. Materials on the biology of *Streptopelia decaocto* Friv 1838 in Bukhara region//ACADEMICIA:An International Multidisciplinary Research Journal.-India, Vol. 11, Issue 2, 2021.DOI:10.5958/2249-7137. 2021.00313.X.
3. Мальчевский А. С. Орнитологический экскурсии. Л.: ЛГУ, 1981.-С.296.
4. Новиков Г. А. Полевые исследования экологии наземных позвоночных животных. М.:1949.-С.283.
5. Collins "BirD GUIDE" //Colorgrafic, Milano Printing: Graphicom, 2006 Printed in Haly 400.
6. Холбоев Ф. Р. Бухоро шаҳри қушларининг фаунаси, жамоаси ва экологияси//Б.ф.н., дис.-Бухоро, 2000.-Б.158.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Конимех-Мирзоқуш. Таҳрир ҳайъати: М. Аминов, Т. Даминов, Т. Долимов ва б. Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2003.-704 б.

## ХОРАЗМ ВОҲАСИ ҲАҚИҚИЙ АРИЛАР (HYMENOPTERA: VESPIDAE)

## ФАУНАСИНИНГ АРЕОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

Ў.Р.Абдуллаев, Хоразм Маъмун академияси таянч докторанти, Хива

Ҳ.Ў.Жуманазаров, Урганч давлат университети ўқитувчиси, Хива

А.И.Искандаров, Урганч давлат университети магистри, Урганч

И.И.Абдуллаев, Хоразм Маъмун академияси профессори, Хива

**Аннотация.** Мақолада Хоразм воҳаси ҳақиқий арилар фаунасининг тур таркиби, уларнинг ареологик таҳлили берилган. Аниқланган 14 та турнинг ареологик классификацияси бўйича 5 та ареалга мансублиги кўрсатилган.

**Калит сўзлар.** *Vespidae*, биоэкологик, ареологик, космополит, голарктика, транспалеарктика, палеарктика, суббореал, арид

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются видовой состав фауны настоящих ос Хорезмского оазиса, их археологический анализ. Согласно археологической классификации 14 идентифицированных видов относятся к 5 местообитаниям.

**Ключевые слова:** *Vespidae*, биоэкологические, ареологические, космополитические, голарктические, транспалеарктические, палеарктические, суббореальные, засушливые

**Abstract.** This article examines the species composition of the fauna of the real wasps of the Khorezm oasis, their archaeological analysis. According to the archaeological classification, 14 identified species belong to 5 habitats.

**Key words:** *Vespidae*, bioecological, areological, cosmopolitan, holarctic, transpalaearctic, palaearctic, subboreal, arid

**Кириш.** Бугунги кунда дунё микиёсида атроф-муҳитнинг кескин ўзгариши қатор экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Инсон томонидан табиатнинг шиддат билан ўзлаштирилиши, табиий биогеоценозларнинг таркибий компонентлари – ўсимлик ва ҳайвонот олами вакилларининг инқирозига сабаб бўлмоқда. Бу эса, биологик хилма-хилликнинг ва табиий ресурслар камайиши жумладан, ҳайвонот дунёси ресурслари хилма-хиллигининг камайиши ёки ортишига олиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳонда биологик хилма-хилликни сақлаш ва ҳайвонот дунёси ресурсларидан оқилона фойдаланишни ривожлантириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳозирги антропоген омил таъсири кучайган ва табиий экосистемалари ўзгаришга учраётган даврда ҳудуд ҳайвонларини фаунистик таҳлил қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Экотизимдаги ҳайвонларнинг муҳим гуруҳларидан бири бўлган сариқ ариларнинг ҳозирги кундаги ҳолатини баҳолаш, фаунистик таркибини таҳлил қилиш, тарқалиши, хўжалик аҳамияти ва зарарини ўрганишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишдаги илмий хулосаларни асослаш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий ҳамда амалий аҳамиятга эга.


Ҳақиқий арилар (*Vespidae*) бошқа оилалар сингари турларга бойлиги ва экологик жиҳатдан хилма-хиллиги билан пардақанотлилар ичида муҳими ҳисобланади. Турли минтақаларда уларнинг тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, систематикаси ва биогеоценозлардаги роли, ҳамда аҳамияти очиб берилган [6; 423-б.].

Лекин кўпгина ҳудудларда, шу жумладан, Марказий Осиёда ҳақиқий арилар бўйича маълумотлар жуда кам. Ўзбекистон ҳудуди ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон ҳудудида А.Г.Давлетшина (1979) раҳбарлигида Қизилқумнинг жанубий-ғарбий энтомофаунаси ўрганилганда 3 турдаги веспидлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилган [3; 65-б.]. Ушбу гуруҳ тадқиқотлари ҳашаротлар камлиги ва фаунистик характерга эга эканлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон ҳудудида, шу жумладан, Хоразм воҳасида ҳақиқий ариларнинг экологик-географик хусусиятларига хос тадқиқотлар амалга оширилмаган. Шунингдек, бу оила вакилларининг кўпчилик турлари Ўзбекистон фаунаси кадастрида кўрсатилмаган. Ушбу долзарб масала тадқиқот ишининг йўналишини белгилаб берди.

Ҳашаротларнинг ареологик классификацияси бўйича кўп тадқиқотлар амалга оширилган [1; 280-б; 8; 116-143-б; 9; 39-89-б; 11; 149-155-б; 12; 313-337-б; 13; 570-б; 14; 226-230-б.]. Таксономик бирликлар сони: Eumeninae - дунё фаунаси - 205 авлод, 3758 тур; Палеарктика – 78/963, Россия – 33/158, Ўзбекистон – 9/13; Polistinae - дунё фаунаси - 25 авлод, 1003 тур, Палеарктика – 4/67, Россия – 1/14, Ўзбекистон – 1/3; Vespininae – дунё фаунаси – 4 авлод, 69 тур, Палеарктика – 3/36, Россия – 3/5, Ўзбекистон – 3/5. Улар турли хил зоогеографик ареаллар

бўйича тақсимланган. Адабиётлар маълумотлари асосида веспидларнинг Голарктика бўйича тарқалиши ва Городковнинг худудлар типологияси бўйича, иккита катта синфга мансуб 11 та ареалогик гуруҳларга ажратилган [5; 204-б; 7; 136-137-б; 10; 41-б; 13; 271-276-б; 16; 61-70-б; 17; 45-48-б; 18; 215-219-б.].

**Тадқиқот материаллари ва услублари.** Ушбу тадқиқот иши муаллифларнинг 2017-2021 йилларда Хоразм воҳасида тўпланган тадқиқот ишлари асосида шакллантирилди. Материалларни йиғишда Голуб, (2012), Moericke (1951) [2; 339-б; 15; 23-24-б.] ва анаънавий услуб энтомологик матрап, Мерик пластик идиш, биотоплардаги буталар, дарахт шохлари, антропоген шароитда турар жой ва хўжалик бинолардан фойдаланилди. Зоогеографик худудларни аниқлаш, чегараларни белгилаш Ф.Дарлингтон [4; 520-б.] усули бўйича олиб борилди. Хоразм воҳасининг турли хил ҳақиқий арилар фаунаси зоогеографик жиҳатдан ҳам таҳлил қилиниб, 5 та асосий гуруҳга ажратилди. Хоразм воҳаси *Vespidae* фаунасини ареологик таҳлил қилишда ва гуруҳларга ажратишда дунёнинг фаунистик худудлари харитасидан фойдаланилди (1-расм).



1- расм Дунёнинг фаунистик худудлари

### Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси.

2017-2021 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотларимиз асосида Хоразм воҳаси ҳақиқий арилар (*Vespidae*) фаунасининг замонавий таркиби келтирилди. Бунда, Хоразм воҳаси табиий ва агроценозларида ҳақиқий ариларнинг 3 та кенжа оила, 8 та авлодга мансуб 14 тури қайд қилинди. Йиғилган ва ўрганилган *Vespidae* оила вакиллари ареалогик классификацияси бўйича қуйидагича натижалар таҳлил қилинди (1-расмга асосан).

**Космополитик ареал** – камида учтасида топилган материклар;

**Голарктика вилоят** – кенг худудлар яъни Палеарктик ва Неарктик худудларни ўз ичига олади;

**Австралосиё** – Австралия, Янги Гвения худудларни ўз ичига олади;

**Палеарктика ареали** – Европа, Россия, Осиё, Шимолий Африка худудларини қамраб олади;

**Неарктика ареали** – Шимолий Америка, Мексика ва Грелландия худудларини ўз ичига олади;

**Хинд Малай ареали** - Осиё ва Австралия оралиғида жойлашган Осиёнинг жанубий қисми ва оролларни ўз ичига олади;

**Эндемик турлар ареали** – аниқ худудлардан бошқа жойларда учрамайдиган худуд;

**Афротропика (Эфиопия) ареали** – Африканинг шимолий қисмидан ташқари барча худудлари қиради.

**Неотропик ареали** – Бу худудларга Жанубий Америка кириди.


Хоразм воҳаси ҳақиқий арилар фаунаси 14 турдан ташкил топган. Улар воҳанинг қуруқлик ландшафтларида қайд этилди. Ушбу ҳашаротларнинг фаунистик худудлар харитаси орқали зоогеографик тарқалиши таҳлил қилинди ва 1- жадвалда кўрсатилди.



## Хоразм воҳасида аниқланган ҳақиқий арилар фаунасининг зоогеографик вилоятларга мансублиги

№	Турлар	Зоогеографик вилоятлар				
		Космо-полит	Голарктика	Ҳинд Малай	Эфиопия	Палеарктика Транспалеар
<b>EUMENINAE кенжа оиласи</b>						
1	<i>Eumenes crimensis</i> (Blüthgen, 1938)	-	-	-	-	+
2	<i>Eumenes dubius</i> (Saussure, 1852)	-	+	-	-	-
3	<i>Eumenes mediterraneus</i> (Kriech., 1879)	-	-	-	-	+
4	<i>Odynerus simillimus</i> (Morawitz, 1867)	-	-	-	-	+
5	<i>Antepipona nigricornis</i> (Morawitz, 1885)	-	-	-	-	+
6	<i>Syneuodynerus egregius</i> (Schäffer, 1839)	-	-	-	-	+
<b>POLISTINAE кенжа оиласи</b>						
7	<i>Polistes gallicus</i> (Linnaeus, 1767)	-	-	-	+	+
8	<i>Polistes wattii</i> (Cameron, 1900)	-	-	+	-	+
9	<i>Polistes dominula</i> (Christ, 1791)	+	-	-	-	-
<b>VESPINAE кенжа оиласи</b>						
10	<i>Dolichovespula sylvestris</i> (Scopoli, 1763)	-	-	-	-	+
11	<i>Vespula germanica</i> (Fabricius, 1793)	+	-	-	-	-
12	<i>Vespula rufa</i> (Linnaeus, 1758)	-	+	-	-	-
<b>VESPINAE кенжа оиласи</b>						
13	<i>Vespa orientalis</i> (Linnaeus, 1771)	+	-	-	-	-
14	<i>Vespa crabro</i> (Linnaeus, 1758)	-	+	-	-	-
<b>Жами:</b>		<b>3</b>	<b>3</b>	<b>1</b>	<b>1</b>	<b>8</b>

Тадқиқот натижаларимизга кўра, учта тур (21,4%) *Polistes dominula*, *Vespula germanica*, *Vespa orientalis* Космополит турларни ташкил этиши, учта тур (21,4%) *Eumenes dubius*, *Vespula rufa*, *Vespa crabro* Голарктика турлар, битта тур (7,1%) *Polistes wattii* Ҳинд Малай, битта тур (7,1%) *Polistes gallicus* Эфиопия, қолган 6 та турлар (43%) *Eumenes crimensis*, *Eumenes mediterraneus*, *Odynerus simillimus*, *Antepipona nigricornis*, *Syneuodynerus egregius*, *Dolichovespula sylvestris* Палеарктика турлар эканлиги қайд этилди (2 - расм).



2-расм Хоразм воҳаси ҳақиқий арилар фаунасининг зоогеографик вилоятларга мансублиги (% ҳисобида)

### I. Космополит полизонал турлар

Ушбу гуруҳга мансуб турлар учдан ортик материкларда, яъни дунё бўйича кенг тарқалган. Хоразм воҳасида *Vespula*, *Polistes* ва *Vespa* авлодига мансуб *Vespula germanica*, *Polistes dominula*, *Vespa orientalis* учта турлар аниқланди. Бу турлар космополит полизонал бўлиб, деярли барча контингентда тарқалган ва қайд этилган. Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия, Янги Зеландия ва Жанубий Африкага тасодифан интродуцияланган [18; 215-219-б; 10; 41-б; 5; 204-б; 6; 423-б.]. Шунинг учун ҳам биз ареалларда турларнинг замонавий масштабларда тарқалишини кўриб чиқдик.

### II. Неарктик турлар

Биз ўрганган минтақада Голарктика бўйлаб тарқалган ушбу гуруҳга мансуб *Eumenes*, *Vespula*, *Vespa* авлодларининг *Eumenes dubius*, *Vespula rufa*, *Vespa crabro* учраши қайд этилди.

### III. Ҳинд-Малай полизонал турлар

Ушбу гуруҳ Транспалеарктика Ҳинд-Малай вилоятларни ўз ичига олиши қайд этилган *Polistes* авлодига мансуб битта тур *Polistes wattii* киритилди.

### IV. Афротропик суббореал арид турлар

Бу гуруҳга Палеарктика вилоятининг арид ландшафтларда ва Марказий Африканинг шарқий қисми Эфиопияда кенг тарқалган бизда қайд этилган *Polistes* авлодига мансуб битта тур *Polistes gallicus* киради.

## V. Палеарктика турлар

Гурух бутун Палеарктикада яшовчи турларни ўз ичига олади. Полеарктика катта гурух 6 та трансалеарктика, трансевросиё, транссиё, ғарбий-марказий палеарктика, марказий палеарктика ва марказий шарқий палеарктика гурухларга бўлинади. Хаммаси бўлиб минтақадаги аниқланган турларнинг 8 таси *Eumenes crimensis*, *Eumenes mediterraneus*, *Odynerus simillimus*, *Antepipona nigricornis*, *Syneuodynerus egregius*, *Dolichovespula sylvestris*, *Polistes gallicus*, *Polistes wattii* ушбу гурухларга кириши қайд этилди.

**Хулоса.** Хоразм воҳаси шароитида Vespidae оиласи арилари таксономик таркиби 3 кенжа оила, 8 авлодга мансуб 14 турни ташкил этади. Аниқланган ҳақиқий ариларнинг Хоразм воҳаси фаунаси учун 11 та тури, Ўзбекистон фаунаси учун эса 7 та тури (*Antepipona nigricornis*, *Odynerus simillimus*, *Eumenes dubius*, *Eumenes mediterraneus*, *Syneuodynerus egregius*, *Polistes dominula*, *Vespa crabro*) илк бор қайд этилди. Хоразм воҳасида аниқланган ҳақиқий арилар вакиллари ареалогик классификациясига кўра, Космополитик, Палеарктика, Неарктика, Афротропика (Эфиопия), Ҳинд-Малай ареалларга мансублиги, Космополит турлар 3 та, Палеарктик турлар 8 та, Неарктик турлар 3 та, Ҳинд-Малай турлар 1 та ва Афротропика ареалига мансуб 1 та турлар ташкил этади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бельшев Б.Ф., Харитонов А.Ю. География стрекоз (Odonata) бореального фаунистического царство. Новосибирск: Наука, 1981. – С. 280.
2. Голуб В.Б. Коллекции насекомых: сбор, обработка и хранение материала. Товарищество научных изданий КМК, 2012. – С. 339.
3. Давлетшина А.Г., Аванесова Г.А., Мансуров А.К. (1979) Энтомофауна юго-западного Кизилкума // Ташкент. Изд. “ФАН” – С. 65.
4. Дарлингтон Ф. Зоогеография. — М.: Прогресс, 1966. – С. 520.
5. Курзенко Н.В. Семейство Vespidae – Складчатокрылые осы. В кн: Определитель населения Дальнего Востока. Т. IV. Сетчатокрылообразные. Скорпионники. Перепончатокрылые. Гл. 1. СПб.: Наука. 1995. – С. 204.
6. Курзенко Н.В., Семейство Vespidae – складчатокрылые осы. Аннотированный каталог насекомых Дальнего Востока России. – Перепончатокрылые Т. I. – Владивосток: Дальнаука, 2012. – С. 423.
7. Милько Д.А. Заметки о складчатокрылых осах подсемейства Веспинае Кыргызстана и сопредельных территорий // Проблемы охраны и устойчивого использования биоразнообразия животного мира Казахстана. Материалы Международной научной конференции 6–8 апреля, Алматы. 1999 г. – С. 136–137.
8. Сергеев М.Г., Классификация ареалов кузнециковых и саранчовых Сибири и сопредельных территорий // Вопросы экологии. Поведение и экология насекомых, связанных с агробиоценозами. – 1981. – С. 116–143.
9. Сергеев М.Г. Закономерности распространения прямокрылых насекомых Северной Азии // Вопросы экологии. Новосибирски, 1986. – С. 39–89.
10. Archer M.E. (1989). Key to the world species of the Vespinae (Hymenoptera): Part I. Keys, checklist and distribution // Academic Board Research Committee of the University College of Ripon & York St. John, – P. 41.
11. Coope G.R. (1970). Climatic interpretation of Late Weichselian Coleoptera from the British Isles // Rev. de geographie physique et de geologie dynamique. – V.12. – P. 149–155.
12. Coope G.R. Fossil Coleopteran assemblages as sensitive indicators of climatic changes during the Devensian (Last) cold stage // Phil. trans. R. Soc. Lond. – 1977. – V. 280. – P. 313–337.
13. Giordani Soika, A. (1976). Vespidae ed Eumenidae (Hymenoptera) raccolti in Mongolia dal Dr. Z. Kaszab // Acta zoologica Academiae scientiarum hungaricae. – V. 22, № 3–4. – P. 271–276.
14. Lindroth C.H. (1956). Movements and changes of area at the climatic limit of terrestrial animal species // Zool. papers in honour of Bertil Hanström's fifty birthday. – Lund, – P. 226–230.
15. Moericke, V. (1951). Eine Farbfalle zur Kontrolle des Fluges von Blattläusen, insbesondere der Pflanzschuttläus, Myzodes persicae (Sulz.) // Nachrichtenblatt des Deutschen Pflanzenschutzdienstes. – V. 3. – P. 23–24.
16. Pekkarinen A. (1995). Geographic variation and taxonomy of the species of *Dolichovespula* in the boreal zone of the Holarctic region (Hymenoptera, Vespidae) // Acta Zoologica Fennica 199: –P. 61–70.
17. Perkiömäki J., Pekkarinen A. (1986). *Discoelius dufourii* Lepeletier (Hymenoptera, Eumenidae) in eastern Fennoscandia // Notulae Entomol. – Vol. 66, N 1. – P. 45–48.
18. Yamane S.A. (1987). New species and new synonymy in the subgenus *Polistes* of Eastern Asia (Hymenoptera, Vespidae) // Kontyu. – V. 55, № 2. – P. 215–219.

УЎК 594

## ЎЗБЕКИСТОНДА АДВЕНТИВ -DEROCERAS RETICULATUM (GASTROPODATERRESTRIA NUDA) ТУРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ХЎЖАЛИК АҲАМИЯТИ

**С. Абдурасулова, таянч докторант, Гулистон Давлат Университети, Гулистон**  
**И. Абезметова, таянч докторант, Хоразм Маъмун академияси, Хива**  
**А. Пазилов, профессор, Гулистон Давлат Университети, Гулистон**  
**Р. Базарова, катта ўқитувчи, Гулистон Давлат Университети, Гулистон**

**Аннотация.** Ушбу мақолада *Deroceras reticulatum* турининг Ўзбекистон ҳудудида тарқалиши популяциядаги зичлиги ва хўжалик аҳамияти таҳлил қилинган. Қишлоқ хўжалигида

полиэкинлари, бошоқли ва озуқабоб ўсимликлар, ҳамда кузги экинларга зарар етказиши кўрсатиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** Яланғоч шиллиққурт, стимулятор, пениал без, полифаг, озуқабоб ўсимлик, биотоп.

**Аннотация.** В данной статье проанализирована плотность населения и хозяйственное значение вида *Deroceras reticulatum* в распространении на территории Узбекистана. В сельском хозяйстве отмечен ущерб бахчевым культурам, Колосовым и кормовым растениям, а также озимым культурам.

**Ключевые слова:** Голая слизь, стимулятор, пениальная железа, полифаг, питательное растение, биотоп.

**Abstract.** This article analyzes the population density and economic significance of the species *Deroceras reticulatum* in the distribution on the territory of Uzbekistan. In agriculture, damage was noted to melons, ear and forage plants, as well as winter crops.

**Keywords:** *Nude mucus, stimulator, penial gland, polyphage, nutrient plant, biotope.*


Қорин оёқли моллюскаларнинг кўпчилик вакилларида ташқи чиғаноқ мавжуд бўлиб, маълум бир оила ва авлод вакилларида чиғаноқ редукцияга учраб, рудимент шаклда - кичкина пластинка тарзида сақланиб қолган ва мантия ўраб олганлиги учун чиғаноқ кўринмайди. Танасида чиғаноғининг кўринмаслиги ва ҳаракатланган ҳолатда танасидан кўп шиллиқ ажратганлиги сабабли қорин оёқлилар синфининг бу вакиллари ёлонғоч шиллиққуртлар деб ном олган.

Ҳозирда дунё фаунасида шиллиққуртларнинг 150 дан ортиқ турлари учраб, шулардан, Марказий Осиёда 24, Ўзбекистонда эса 18 тури тарқалган бўлиб, бу турларнинг биологик хилма хиллиги нафақат Ўзбекистонда балки Марказий Осиё республикаларида тўлиқ ўрганилмаган.

Шунинг учун шиллиққуртларнинг ўрганиш назарий ва амалий жиҳатидан катта аҳамиятга эга. Сабаби: биринчидан, улар гетероген гуруҳдан иборат бўлиб, келиб чиқиш жиҳатидан ҳар хил ҳайвонлар комплексини ташкил этиб, систематик жиҳатидан бир-биридан узоқ бўлган гуруҳлар эволюциясини ўрганишда муҳим рол ўйнайди. Иккинчидан, улар моллюскаларнинг физиологиясини ўрганишда, чиғаноқли моллюскаларга нисбатан қулай тадқиқот объекти ҳисобланади. Учинчидан, шиллиққуртларнинг асосий қисми ўсимликхўр полифаг ҳайвонлар бўлиб, улар инсон ҳаёти учун муҳим бўлган турли хил ғалла, сабзовот ва полиэкинлари билан озиқланиб катта зарар етказади.

**Тадқиқот материаллари ва методлари.** Тадқиқот материаллари 2017-2021 йиллар давомида С. Абдурасулова томонидан: Туркистон тоғ тизмаси шимолий ён бағри, Мирзачўл текислиги, Нурота тоғлари, Сангзор дарёси хавзаси, Самарқанд вилояти худуди, Фарғона водийси ва уни ўраб турган тоғлар, ҳамда Бойсун ва Кўҳитанг тоғ тизмалари ва И.Авезметова томонидан: Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисми худудларидан терилган (1-расм).

Материалларни ўрганиш, И.М. Лихарев, А.Й Виктор [1], А.А. Шилейко, Т.С.Рымжанов [2], методикалари бўйича амалга оширилди.




1-расм. Материал йиғилган жой харитаси.-материал йиғилган худуд



**Натижалар таҳлили.** *Deroceras reticulatum* турига оид маълумотлар А.Мухитдинов[3]А.Пазилов,Д.А.Азимов[4], А.Пазилов[5], К.К.Увалиева[6], Ш.Абдулазизова [7] томонидан келтирилган бўлиб, унинг танасининг орқа қисми қаварик ва охирида бир оз ингичкалашган (2-расм, А). Мантия тана узунлигининг 2/5 қисмига тенг. Тананинг устки қисми тўқ-жигарранг доғлар билан қопланган. Ушбу доғлар тартибсиз жойлашган тўрсимон нақшга ўхшайди. Пигментлар асосан эгатсимон йўлакларда тўпланган. Оёқ қисми ранги оч жигарранг. Тана узунлиги 35-45 мм, қисқарган ҳолатда 25 мм.

Репродуктив органи тузилиши (2-расм, Б). Оқсил бези узун тилсимон. Уруғ йўли калта бўлиб, пениснинг орқа томонининг ўнг томонига туташган. Пенис ўрта қисмида ингичкалашган. Пенис ичининг олдинги қисмида йирик стимулятор ва орқа қисмида эса йирик пениаль бези жойлашган. Пениал без шакли ўта ўзгарувчан бўлиб, бир популяцияда уч шохли бўлса, яна бошқасида эса бир шохли бўлиши мумкин. Уруғ йўли калта, уруғ қабул қилгич тухумсимон тузилишга эга.



2-расм. *Deroceras reticulatum*. А- умумий кўриниши, Б-репродуктив органининг тузилиши: Гб-гермофрадит без, Ук-уруғ қабул қилгич, Ф-флагеллум, Пб-пениал без

*Deroceras reticulatum*, асл ватани Европа бўлиб, Марказий Осиё учун адвентив тур ҳисобланиб, Ўзбекистондаги тупроққа эга бўлган очик биотопларда яшаб, ўрмонлардан ва ҳатто буталардан ҳам қочади. Турнинг экологик толерантлиги юқори бўлганлиги сабабли, нафақат табиий, балки антропоген ва айниқса маданий биотопларда ҳам учраб, ариқлар бўйидаги ўтлар орасида, сабзавот экин майдонлари атрофида ва боғларида яшаб, унинг популяциядаги зичлиги турлича. Масалан, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа тумани, Андижон сой дарёси қирғоқларидаги турли хил ўтлар орасида 1 м<sup>2</sup> майдонда 17-18 та, Улуғнор тумани ҳудудидаги инсон томонидан барпо этилган сув шаҳоблари атрофидаги ўтлар орасида бу кўрсаткич 10-12 та, Фарғона вилояти Данғара туманидаги ўзлаштирилмаган биотоплар: ажриқзор ва мавсумий ўтлар орасида 15-16 та, Самарқанд вилояти Тайлоқ туманининг мевазор боғлари ва ариқ бўйларидаги ўтлар орасида, 1 м<sup>2</sup> майдонда 17-20 тагача учраса, Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисмида ариқ бўйларида популяциядаги ўртача зичлиги 9-10 тага тенг.

Ўзбекистондан ташқарида, Қозоғистонда ( Кунгей Олотов, Орқайил, Олмата вилоятлари) Қирғизистон, Тожикистон ва Россия, Украинада кенг тарқалган.

Ўзбекистон учун адвентив тур ҳисобланган *Deroceras reticulatum* охириги йилларда турғун популяция ҳосил қилиб, ареали йил сайин кенгайиб бориб, қишлоқ хўжалигида полиз экинлари, бошоқли ва озукабоб ўсимликлар, ҳамда кузги экинларга салмоқли зарар етказмоқда.

*D. reticulatum*, асосан очик биотопларда, кўпроқ антропоген биотопларда шох-шабалар, тошлар остида, ер ёриқларида, яшаб, улар томонидан етказиладиган зарар ўзига хослиги билан бошқа зараркунандалар зараридан ажралиб туради ва ҳар хил ўсимлик турларига турлича зарар етказади. Масалан, ушбу турнинг Хоразм вилояти, Хива тумани, Беруний қишлоғи

худудидаги очик майдонлардаги энди ўниб чиққан бодиринг кўчатлари билан озукланиши натижасида келтирган зарари куйдагича(жадвал).

Жадвал

***Deroceras reticulatum*нинг бодиринг кўчатларига келтирилган зарари (10 м<sup>2</sup> майдонда)**

Тадқиқот олиб борилган қатор	Кўчатлар сони ва ҳолати (икки қулок)	Бодринглар сони			Жами зарарланган бодринг кўчатлари % ҳисобида
		Зарарланмаган кўчатлар	Зарарланган		
			барг пластинкасини бир қисми ейилган	иккита барги тўлиқ ейилган	
1-қатор	42	20	9	13	52,80
2-қатор	37	22	7	8	45,54
3-қатор	39	22	10	7	43,58
4-қатор	39	23	11	5	42,02
5-қатор	43	25	10	8	41,86
6-қатор	40	26	8	6	35
7-қатор	35	25	6	4	28,57
8-қатор	38	28	6	4	26,31
9-қатор	37	27	6	4	27,02
10-қатор	39	30	4	5	23,07
Жами	389	273	77	64	36,67

Жадвал маълумотлар таҳлили шуни кўрсатиб турибдики 10 м<sup>2</sup> майдонда жами 378 бодринг кўчатлари бўлиб, шулардан жами 141 та кўчат турли даражада зарарланган. Зарарланиш даражаси чет қаторларда юқори бўлиб, ўрта қаторларга борган сари камайиб боради. Бунинг сабаблари таҳлили шуни кўрсатдики, чет қаторларга, шиллиққуртлар доимий яшайдиган жойи яқин бўлганлиги туфайли, у ерда уларнинг зичлиги юқори бўлганлиги боис, кўчатлар зарарланиш даражаси ҳам юқори. Ўрта қаторларга борган сари шиллиққуртлар сони камайиб боради ва шунга мос тарзда бодринг кўчатлари кам зарарланади.

*D. reticulatum* адир минтақасида биотопларда кенг тарқалган бўлиб, озуқа боб ўсимликлар баргининг юмшоқ қисми билан озукланади. Масалан, 3 дона шиллиққурт 1,5 соат давомида ўзини ҳажмидан 15 маротаба катта бўлган ўсимлик баргини еб тугатади (3-расм).

Келтирилган маълумотдан кўриниб турибдики, *D. Reticulatum* тури хўжалик ахамиятига эга бўлган озуқа боб ўсимликларнинг барги билан озукланиши натижасида уларга тегишлича зарар етказилади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида куйидагича хулоса қилиш мумкин. *D. Reticulatum* Ўзбекистон учун адвентив тур ҳисобланиб охириги йилларда турғун популяция ҳосил қилиб, ареали йил сайин кенгайиб Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида тарқалган бўлиб, унинг популяциядаги ўртача зичлиги 1 м<sup>2</sup> майдонда ўртача 15-16 та ёгин-сочин кўп бўлган йиллари бу кўрсаткич 30-35 тага тенг бўлиши мумкин.



3-расм. *Deroceras reticulatum* томонидан қисман ейилган ўсимлик барги

*D. reticulatum* қишлоқ хўжалигида полиз экинлари, бошоқли ва озуқабоб ўсимликлар, ҳамда кузги экинларга зарар етказишига оид тадқиқот ишлари олиб боришни тақоза этмоқда.

**ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1.Лихарев И.М., Виктор А.Й. Слизни фауны СССР и сопредельных стран (GastropodaTerrestriaNuda) Фауна СССР. Моллюски. - Л.:Наука, 1980. Т.3.Вып.5. № 122. 437 с.

2. Шилейко А.А., Рымжанов Т.С. Фауна наземных моллюсков Казахстана и сопредельных территорий. Москва- Алма-Ата: Товарищество научных издание КМК, 2013. - 389с.
3. Мухитдинов А. Наземные моллюски Северного Таджикистана: Автореф. дис.... канд. биол. наук. - Л., 1978. - 25 с.
4. Пазиров А., Азимов Д.А. Наземные моллюски (Gastropoda, Pulmonata) Узбекистана и сопредельных территорий. - Ташкент: Фан, 2003. - 315 с.
5. Пазиров А. Биологическое разнообразие наземных моллюсков Узбекистана и сопредельных территорий: Автореф. дис...докт. биол.наук. - Т.,2005. - 40 с.
6. Увалиева К. К Наземные моллюски Казахстана и сопредельных территорий. - Алма-Ата: Наука Каз. ССР, 1990. - 224с.
7. Абдулазизова Ш.К. Биологическое разнообразие наземных моллюсков Сурхан-Шерабадской долины и окружающих ее горных хребтов: Автореф. дис. ...доктора философии (PhD) по биол.наук. . - Ташкент, 2018. -43 с.

УЎК.581.4.582.(575.111)

## ҚУРАМА ВА ЧОТҚОЛ ТОҒ ТИЗМАСИДАГИ КЕНГ БАРГЛИ ДАРАХТ ВА БУТАЗОРЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЭКОЛОГИК ХОЛАТИ

*И.Т. Азимов, доц.в.б., Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Оҳангарон дарёси ҳавзасида учрайдиган йирик баргли дарахт ва бутазорларни ҳозирги экологик ҳолати ҳамда ҳавзада тарқалган дарахт ва бутазорларни фитоценотик хилма-хиллиги, дарахт бутазорлар таркибида кенг тарқалган жамоалар ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек кенг баргли дарахт ва бутазорлар таркибига кирувчи жамоалар деградациясига таъсир этувчи антропоген омиллар ва ўсимликларнинг ҳозирги экологик ҳолати ҳақида маълумотлар берилган.

**Калим сўзлар:** Оҳангарон ҳавзаси, ўсимлик қоплами, ўсимлик ресурслари, антропоген омил, трансформация, экологик сукцессия, доминант, субдоминант.

**Аннотация.** В данной статье приведены сведения по современному экологическому состоянию крупных листовых деревьев и кустарников, встречающихся в бассейне реки Ахангаран, а также фитоценотическое разнообразие деревьев и кустарников, распространенных в бассейне, дана информация о широко распространенных сообществах в составе древесно-кустарниковых пород. Кроме того, имеются информации о влиянии антропогенных факторов на деградацию сообществ из состава широколиственных деревьев и кустарников, а также о современном экологическом состоянии растений.

**Ключевые слова:** Бассейн Ахангаран, растительный покров, растительные ресурсы, антропогенный фактор, трансформация, экологическая сукцессия, доминант, субдоминант

**Abstract.** This article provides information on the current ecological status of large deciduous trees and shrubs found in the Akhangaran River basin, as well as the phytocenotic diversity of trees and shrubs common in the basin, and provides information on widespread communities of tree and shrub species. In addition, there is information on the impact of anthropogenic factors on the degradation of communities of broad-leaved trees and shrubs, as well as on the current ecological state of plants.

**Keywords:** Ahangaran basin, vegetation cover, plant resources, anthropogenic factor, transformation, ecological succession, dominant, subdominant

**Кириш.** Ер юзида аҳоли сонининг ортиши ва ер майдонларининг ўзлаштирилиши табиий ресурслар, жумладан, ўсимлик ресурслари хилма-хиллигининг камайиши ва йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда табиий ўсимлик қопламининг антропоген трансформацияси ўсимлик ресурслари деградациясининг муҳим кўрсаткичи сифатида қаралади. Бу эса ўсимлик қопламидаги антропоген сукцессия жараёнларини аниқлаш ва унга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини белгилайди. Шунга кўра, табиий ўсимлик қопламидаги ўзгаришларни асослаш ва замонавий ҳолатини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда локал ҳудудлардаги ўсимликлар қоплами таркибини алоҳида тавсифлаш, ўсимликлар қопламининг ресурс имкониятларини баҳолаш ва қопламда юз бераётган жараёнларни мониторинглаш тадқиқотларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, антропоген босим кучли бўлган минтақаларда ўсимлик қопламида юз бераётган ўзгаришларни аниқлаш ундаги табиий-географик ва антропоген омиллар уйғунлигидаги сукцессия жараёнларини тўғри изоҳлаш имкониятини беради. Бу ўринда, Марказий Осиёдаги ўсимлик



биохилма-хиллигининг марказларидан бўлган Ғарбий Тиёншондаги Чотқол ва Қурама тизмалари оралиғида жойлашган Оҳангарон дарё ҳавзаси, бир томондан, Ўрта Осиёдаги барча баландлик минтақалари учун хос бўлган ўсимликлар типларининг мавжудлиги ва уларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Иккинчи томондан эса, ҳудудда йиллар давомида қарор топган антропоген босимнинг мавжудлиги Оҳангарон дарёси ҳавзасининг ўсимликлар қопламини тўлиқ инвентаризациялаш ва замонавий картография усуллари қўллаш орқали фитоценотик хилма-хиллигидаги ўзгаришларни баҳолаш тадқиқотларини йўлга қўйишни белгилаб бермоқда. Шунга кўра, Оҳангарон дарёси ҳавзаси ўсимликлар қопламининг ҳозирги ҳолатини тавсифлаш, унинг трансформация даражасини аниқлаш ва ўсимлик қопламини хариталаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда республикада ўсимликлар қопламини ҳолатини баҳолаш, яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш, ҳолати ёмонлашган ва деградацияга учраган майдонларни тиклаш ёки консервация қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан, йирик тоғ-ўрмон қўриқхоналарининг ўсимлик қопламини хариталарини тузиш, чўл яйловлари ҳолати баҳолаш ва инқирозга учраган яйловлар ҳолатини амалий яхшилаш юзасидан муҳим натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорида «... яйлов ва пичанзорлар деградациясининг олдини олиш мақсадида геоботаник тадқиқотларни амалга ошириш» вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, Оҳангарон дарё ҳавзаси ўсимликлар қопламининг фитоценотик тузилишини аниқлаш, трансформация даражасини баҳолаш, қопламдан оқилона фойдаланиш истикболларини белгилаш, инвентаризацион харитасини тузиш ва уни амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги 5209-сон «Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 апрелдаги 299-сон «Маъмурий-худудий бирликлар чегараларини белгилаш, ер ресурсларини хатловдан ўтказиш ҳамда яйлов ва пичанзорларда геоботаник тадқиқотларни ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Адабиётлар таҳлили.** Тоғ кенг баргли мезофил дарахт ва буталарни биринчи бўлиб Е.П. Коровин, Е.Е. Коротковалар тип сифатида ажратишган.

«Растительный покров Узбекистана» монографиясида ҳам кенг баргли ўрмон ва бутазорлар шу тип номи билан берилган.

Оҳангарон дарёси ҳавзасида учрайдиган кенг баргли дарахт ва бута-зорлар ҳам шу тип таркибида тасвирланди.

Е.П. Коровин бу типнинг келиб чиқишини учамчи даврнинг биринчи ярмига, яъни юқори палеоген, олигоценга тўғри келишини таъкидлаган.

В.И. Запрягаева эса П.Н. Овчинников фикрига қўшилиб, кенг баргли ўрмонларни 2 типга: горное чернолесье, (ореховые, платановые, кленовые, яблоневые леса) и мелколистные или светлолесье (березняки, тополевики, ивняки, облепихники) 1) кенг барглилар ва 2) ингичка барглиларга ажратиб ўрганишган. Уларнинг генезиси турлича бўлган, деб таъкидлашган.

Е.П. Коровин эса бу ўрмон ўсимликларининг спора ва чангларини палеоген ётқизиқларидан олиб анализ қилиб, уларнинг генезиси бир эканлигини исботлаб беришган. Шу боисдан, тоғ кенг баргли дарахт ва мезофил буталарга бир типда таъриф беришган.

У. Алланазарова, А.Я. Бутков, Г.Х. Хамидовлар ҳам Ўзбекистон кенг баргли ўрмонлари ва мезофил буталарни фикрига қўшилиб бир типга - (Горные лиственные леса и кустарники мезофильного склада) - *Therodendra* деб аташган яъни дарахт ва бута-ларни бир типда беришган.

Шу сабабли, Оҳангарон дарёси ҳавзаси дарахт ва буталари бир тип таркибида ўрганилиб баҳоланди.

Ўзбекистоннинг кенг баргли ўрмонлари 218,2 минг гектардан иборат бўлиб, улар барча тоғларда бир хил тарқалмаган. Жануби - ғарбий Тиён Шонда, Коржантоғ, Угам, Пском, Чотқол ва Қурамада кўпроқ учрайди, қолган тоғларда нисбатан кам тарқалган.

З.А. Майлун Ўзбекистон ўсимликлар қопламида тарқалган турларни систематик, экологик жиҳатдан жамлаб республикамизда 4230 тур учраб (ҳозир 4500 тур), шундан дарахтларнинг 224 тури, буталарнинг 96 тури учрашини таъкидлаган.

**Тадқиқот натижалари ва таҳлили.** Оҳангарон дарёси ҳавзасида олиб борилган геоботаник тадқиқотлар натижасида 725 тур рўйхатга олиниб, шундан дарахтларнинг 27, буталарнинг, 48 та тури учраши аниқланди, демак Ўзбекистонда учрай-диган буталарнинг 50 фоиздан кўпроғи биз тадқиқот олиб борган ҳавзада учраши аниқланди.

Аммо, Оҳангарон дарёси ҳавзасида учрайдиган дарахт ва буталарнинг кўпчилиги сийрак, иштирокчи ролида учраб, фақат айримлари жамоа ҳосил қилади.

З.А. Майлун маълумотига кўра, Ўзбекистонда 68 та тур дарахт учраши ва уларнинг 26 туркум 16 оилага мансублиги кўрсатилган, улардан 34та тур эдификатор ролида учраши аниқланган. Буталарнинг 224 тури бўлиб, 47 туркум, 20 оилага мансублиги ва улардан 32 тур доминант (14%) сифатида кўрсатилган.

Тадқиқот олиб борилган ҳавзада ҳам шу қонуният устувор бўлиб, дарахтлардан эдификатор ролида олма (*Malus sieversii*), олча (*Prunus sogdianus*), ёнғоқ (*Juglans regia*), заранг (*Acer semenovii*), терак турлари (*Populus alba*, *P.bachofenii*, *P.deltoides*), аччиқ бодом (*Amygdalus bucharica*), дўлана (*Crataegus turkestanica*, *C.pontica*), камхастак (*Cerasus mahaleb*) кабилар сой бўйларида кичик - кичик майдонларда жамоа ҳосил қилади. Буталардан адир ва пастки тоғ минтақасида кўнғир бўз ва тоғ ўрмон тупроқли (1000 - 2000м) ёнбағирларда куйидаги буталар - итбурун (*Rosa canina*), кўнғир наъмат (*Rosa kokanica*), учқат (*Lonicera nummulariifolia*), бодомча (*Amygdalus spinosissima*) эдификаторлик қилиб қолган-лари сийрак иштирокчи ролида тарқалган. Соё бўйларида кўпинча итбурун, учқат эдификаторлик қилиб бутазорларни ҳосил қиладилар. Ушбу ҳавзада жами 177 тур мавжуд бўлиб, улардан дарахтларнинг 11 тури, буталарнинг 11 тури, ярим бута ва бутачаларнинг 7 тури, кўп йилликлар ва эфемероидларнинг 95 тури, икки йилликларнинг 8 тури, бир йилликлар-нинг 11 тури, эфемероидларнинг 34 тури тарқалган, кўриниб тургандек энг кенг тарқалгани кўп йиллик ўтлар ва эфемероидлар бўлиб, бу Ўрта Осиё флорасига хос қонуниятдир.

Кенг баргли дарахт ва мезофил буталар типи юқори адир, пастки тоғ минтақаларида тарқалган, 177 тур кенг тарқалган жамоаларда рўйхатга олиниб, жамоа ҳосил қилувчи дарахт ва буталар 22 турдан иборат эканлиги аниқланди.

Кенг тарқалган жамоалар:

Аралаш ўтли – буғдойикли – дарахт аралаш бутаазор. (*Crataegus pontica*, *C. turkestanica*, *Amygdalus spinosissima*, *Lonicera altmanni*, *L. nummulariifolia*, *Rosa canina*, *R. maracandica*, *Cerasus erythocarpa*, *Agropyron trichophorum*, *A. repens*, *Convolvulus pseudoantabrica*, *Hypericum elongatum*, *H. scabrum*). Тупроғи қорамтир жигарранг. Эдификатор сариқ дўлана жамоанинг энг юқори ярусини ташкил қилади, баландлиги 4-5м, мўллиги sp<sup>3</sup>. Ўрта ярусни баландлиги 150-200см мўллиги sp<sup>1</sup>, sp<sup>2</sup> *Amygdalus spinosissima*, *Lonicera altmanni*, *L. nummulariifolia*, *Rosa canina* ҳосил қилади. Пастки ярусни баландлиги 70-100см, мўллиги sp<sup>1</sup>, sp<sup>2</sup> *Convolvulus pseudoantabrica*, *Agropyron repens*, *A. trichophorum* ташкил қилади.

Бутали - шаширли - шаирли - аралаш дарахтзор (*Acer semenovii*, *Amygdalus bucharica*, *Crataegus turkestanica*, *C.pontica*, *Cerasus mahaleb*, *Prangos pabularia*, *Ferula tenuisecta*, *Juglans regia*, *Rosa ecea*, *Cerasus erythocarpa*, *Cotoneaster racemiflora*). Эдификатор ёнғоқ - *Juglans regiani* баландлиги 6 - 7м, мўллиги sp<sup>2</sup>. Ўрта ярусни мўллиги sp<sup>1</sup>, sp<sup>2</sup>, баландлиги 150-200см бўлган кўқон ва федченко наъматига, тобулға, бодомча, учқат ташкил қилади.

Ассоциацияни пастки ярусиди мўллиги sp<sup>1</sup>, sp<sup>2</sup> бўлган тошқакра, тоғарпа, шашир, маврак, суванг учрайди. Ўтлар қоплами 50-60%.

Йирик ўтли - шувокли - дарахт аралаш - бутазор. (*Rosa kokanica*, *R. fedtschenkoana*, *R. maracandica*, *Spireae hypericifolia*, *Artemisia tenuistcta*, *A. persica*, *Agropyron trichophorum*). Тупроғи оч жигарранг, майин. Жамоадаги ўсимликлар қоплами 60-70%. Юқори ярусни ташкил этадиган наъматларни баландлиги 150-200см, доминант *Rosa kokanica* sp<sup>3</sup>, *R. maracandica*, *R. fedtschenkoana* sp<sup>1</sup>. Жамоада онда - сонда учрайдиган дарахтлар аччиқ бодом, сариқ дўлана, тоғолча ярус ҳосил қилмайди. Шувоклардан *Artemisia tenuistcta*, *A. persica*, *A.dracunculus*, *A.baldshuanica* учрайди. Улардан ингичка баргли шувок субдоминант ҳисобланади мўллиги sp<sup>3</sup>. Буғдойик, оқ гулхайри sp<sup>1</sup>, тошқакра sp<sup>1</sup>, какралар sp<sup>1</sup>, тоғарпа sp<sup>2</sup>, чойўт sp<sup>2</sup> учрайди.

Тоғрайхонли - буғдойикли - аралаш бутазор, айрим жойларида дарахтлар аралаш (*Lonicera nummulariifolia*, *Spireae aypericifolia*, *Ephedra equisetina*, *Atraphaxis spinosa*, *Amygdalus spinosissima*, *Rosa ecae*, *Agropyron trichophorum*, *R. kokanica*, *Inula macrophylla*, *Origanum tyttanthum*, *Acer semenovii*, *Amygdalus bucharica*, *Crataegus pontica*) Тупроғи оч жигарранг. Жамоодаги ўсимликлар қоплами 60 - 65% ни ташкил этади. Доминант *Lonicera nummulariifolia* баландлиги 200см мўллиги  $sp^3$  *L. altmanni* мўллиги  $sp^2$  ва бошқа буталар *Rosa kokanica*, *Spireae hypericifolia* юқори ярусларни ҳосил қилади. Онда - сонда дарахтлар камхастак, туркистон дўланаси учраб, улар ярус ҳосил қилмайди. Иккинчи ярусни йирик ўтлар *Agropyron trichophorum*, *Eremurus regelii*, *Ferula tenuisecta* ташкил этади. Пастки ярусда сувбуғдойик (*Bromus inermis*), ранг (*Carex pachystylis*), сувранг (*C. melanostachya*), кўйпечак (*Convolvulus arvensis*), қизилпойча (*Hypericum scabrum*) ва бошқалар учрайди.

Бута аралаш - буғдойикли - дўланазор (*Crataegus turkestanica*, *C. pontica*, *Amygdalis bucharica*, *Lonicera altmannii*, *L. nummulariifolia*, *Rosa kokanica*, *R. maracandica*, *Agropyron trichophorum*) Бута аралаш - буғдойикли - дўланазор (*Crataegus turkestanica*, *C. pontica*, *Amygdalis bucharica*, *Lonicera altmannii*, *L. nummulariifolia*, *Rosa kokanica*, *R. maracandica*, *Agropyron trichophorum*). Бута аралаш - буғдойикли - дўланазор (*Crataegus turkestanica*, *C. pontica*, *Amygdalis bucharica*, *Lonicera altmannii*, *L. nummulariifolia*, *Rosa kokanica*, *R. maracandica*, *Agropyron trichophorum*, *Ferula tenuisecta*). Тупроғи оч жигарранг, майда, майин. Жамоа доминанти *Lonicera nummularifolia*  $sp^3$ , баландлиги 200см, *L. altmanni*  $sp^2$ . Юқори ярусни субэдификатор аччиқ бодом мўллиги  $sp^2$ , баландлиги 3-4м, мўллиги  $sp^1$  дўланалар (*Crataegus pontica*, *C. turkestanica*) ҳосил қилади. Онда-сонда ёнғоқ (*Juglans regia*) учрайди. Ўрта ярусни ҳосил бўлишида учқатдан ташқари мўллиги  $sp^1$  буталар, бодомча, кўккон наъматаги, тобулға иштирок этади. Учтинчи ярусни мўллиги  $sp^3$  субдоминант шаир - *Ferula tenuisecta*, мўллиги  $sp^1$  оқ гул-хайри (*Althea nudiflora*), ширач (*Eremurus regelii*), тоғарпа (*Hordeum bulbosum*), андиз (*Inula macrophylla*), шашир (*Prangos pabularia*) бошқалар ташкил қилади.

Айрим жойларида буғдойикзорли - дарахтли-аралаш бутазор (*Rosa kokanica*, *R.maracandica*, *R.canina*, *Lonicera altmannii*, *L. nummulariifolia*, *Spirea hypericifolia*, *Amygdalus bucharica*, *A.spinosisissima*, *Atraphaxis spinosa*, *Prunus sogdiana*, *Cratagus turkestanica*, *Agropyron trichophorum*, *Juniperus seravschanica*). Жамоанинг биринчи ярусида *Juniperus seravschanica* бўлиб, баландлиги 5-8 м, мўллиги  $sp^1$ . Иккинчи ярусни жамоани доминант ўсимликлари *Rosa maracandica*, *R. kokanica* мўллиги  $sp^2$ -  $sp^3$ , баландлиги 150 - 200см. Ўтлар ярусини буғдойик ташкил этган мўллиги  $sp^3$ , баландлиги 9 – 8 см. Жамоа ўсимликлар қоплами 70 %.

Бу ҳудудда олмазор, ёнғоқзорлар кичик кичик майдонларда учраб, улар кўпинча аралаш бутазорларда иштирокчи ролида қайд этилган. Бундан ташқари, тўқай доминантларидан тол, терак ҳам сой бўйларидаги аралаш бутазорларда учраши аниқланди. Дўланазорлар асосан Қурама тоғининг шимоли - ғарбида учраб Қорақиясой ва Олмалиқсойлар соҳилида кўпроқ тарқалган.

А.А. Хоназаров ва Е.А. Бутковлар [117; 236–240-б.] Ғарбий Тиён Шонда дарахт ва буталарнинг хилма - хиллигини қайд этиб, дарахтлардан 70 тур, буталардан 80 тур табиий ўрмонларни ҳосил қилишини кўрсатиб ўтишган.

Ўзбекистон ўрмон хўжалиги вазирлиги маълумотида кўра, Тошкент вилоятида ўрмонзорлар 61971 гектардан иборат бўлиб, шундан 41676 гектари арчазорлар, 1676 гектари наматакзорлар, 1926 гектари дўланазорлар ва 1055 гектари бодомчазорлардан иборат эканлиги баён этилган.

Оҳангарон туманида эса ўрмонзорларнинг умумий майдони 25234 гектар бўлиб, арчазорлар 21847 гектар, дўланазорлар 252 гектар, бута-зорлар 1852 гектардан иборатлиги кўрсатилган. Ҳозирги кунда республикамизда, жумладан Оҳангарон туманида ҳам антропоген ва табиий таъсирлар натижасида атроф - муҳит, жумладан ўсимликлар қоплами ҳам чўлланиш жараёнига дуч келганлиги аниқланди. Оҳангарон дарёсиси адирларидаги яйловлар асосан аралаш ўтли буғдойикзорлардан иборат бўлиб, улар ҳозирги кунда 82250 гектарни ташкил қилади. Мазкур типга мансуб табиий ландшафтларнинг кичик майдонлари Шовозсойнинг ўнг қисмида, Қорабошсой ҳавзасида учрайди ва ҳосилдорлик мониторинг майдонларида ўртача 3,5-5,5 ц ташкил этади.

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг Ақча, Сувзамчи, Қайнар, Қорахитой, Четсу Тошбулок, Қўйтош, Бақсуқ, Урғоз, Турк қишлоқлари атрофларидаги эфемероидли-аралаш бутали сийрак пистазорлар (*Pistacia vera*, *Crataegus turkestanicus*, *Amygdalus spinosissima*, *A. petunnikovii*, *Carex pachystylis*) ҳозирги кунга келиб 150 гектар майдонга қисқарган ва бу ўсимлик



жамоаларининг таркиби тўлалигича трансформацияга учраган. Оҳангарон дарёси ҳамда унинг деярли барча йирик irmoқларидаги, хусусан, Қорабошсой, Ақчасой, Қорабоғсой, Дукентсой, Четсу, Каттасой, Урғоз, Гушсой, Нишбошсой, Шовассой, Наугарзансой, Ларек, Лашкерексой ва Қамчиксой атрофларида *Populus ssp.*, *Salix ssp.* турлари эдификаторлик қилган тўқайзорлар 120 гектарга қисқарган;

Оҳангарон дарёси ҳавзасининг юқори қисмидаги аралаш бутазор ва арчазорларнинг майдони 9980 га дан 4860 га камайгани (қарийб 50%) аниқланди.

Шунингдек, Кўкорол қишлоғи атрофидаги 120 гектар майдон учун келтирилган фарғона шувоғи (*Artemisia ferganensis* Krasch. ex Poljakov) доминантлик қилган жамолар бутунлай йўқолиб кетганлиги аниқланди.

Бу жараён нафақат доминат ўсимлик турлари эгаллаб турган майдонларнинг қисқариши, балки унинг тарихидаги ўсимлик турлари хилма-хиллигини камайиши ва айни пайтда адвентив турлар қаторининг кенгайиб бориши уйғунлигида давом этмоқда.

### Хулоса

Юқорида келтирилган ўсимлик формацияларидаги пайҳонланиш даражаси ва пайҳонловчи омиллар тадқиқот йиллари давомида ташкил этилган мониторинг майдонларида антроподинамика қаторлар ташланиши орқали ўрганилди. Олинган натижалар чоп этилган адабиёт маълумотлари ва йўналишга доир тематик хариталар билан солиштириш натижасида аниқланди. Чўллантурувчи омиллар, асосан, чорва моллари сонининг меъёридан кўплиги (2-3 марта), аҳоли турар жойлари учун ерларнинг ўзлаштирилиши, кўмир конлари ва карьерларнинг кенгайтирилиши, уларга элтувчи йўлларнинг қурилиши, дарахт ва буталарни кесиш каби омиллар – табиий ўсимликлар қопламанинг тарихан ташкил топган мувозанатининг бузилишига олиб келувчи механизмлар ҳисобланади.

Ўзбекистон худудидаги Фарбий Тиён Шонда охириги 40 йил давомида, жумладан Оҳангарон районида ҳам ўрмонзорлар майдони 215 минг гектардан, 112 минг гектарга тушиб қолганлиги қайд этилган.

Демак, ўрмонларнинг 50 фоизга яқин камайганлиги кўрсатилиб, уларни қайта реконструкция қилиш ишларини режалаштириш учун ўсимликлар қопламанинг ҳозирги ҳолатини хариталаш услубида инвентаризацион харитасини тузиш зарурияти туғилди.

Шу сабабли, Оҳангарон дарёси ҳавзасида геоботаник тадқиқот ишлари ўтказилиб, уларнинг ҳозирги динамик ҳолати харитада кўрсатиб берилди.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алланазарова У., Рахимова Т., Тожибоев К. Проблемы сохранения генетических ресурсов можжевельных лесов Западного Тянь-Шаня // В кн: Биоразнообразие Западного Тянь-Шаня: Охрана и рациональное использование. – Ташкент. «Chinog ENK», 2002. – С. 61-66.
2. Азимов И.Т., Норбобоева Т. Оҳангарон ҳавзаси ўсимлик жамоаларининг минтақалар бўйича тарқалиши // Илмий хабарлар журнали. ФДУ. -№1 2006. –Б. 24-28.
3. Хоназаров А.А., Бутков Е. А. Проблема сохранения генетического разнообразия древесных пород в горных лесных экосистемах Западного Тянь-Шаня // В кн. Биоразнообразие Западного Тянь-Шаня: Охрана и рациональных использование. – Ташкент. «Ehinog ENK», 2002. – С.236-240.
- 4.А.Я. Бутков. Высокогорная растительность Западного Тянь-Шаня и ее хозяйственное значение. В кн. Очерки по географии растительного покрова Узбекской ССР. Изд-во «Фан» УзССР. Ташкент - 1969, с 3-35.
- 5.Н.И. Акжигитова. Высокогорные дерновинистые степы - Сгуохегороа. В кн. Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. Изд-во «Фан» УзССР. Ташкент - 1984. Т 4.С 170-198.
- 6.З.А.Майлун. Высокогорные, или субальпийские луга - Сгуомесороа. В кн. Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. Из-во. «Фан» УзССР. Ташкент - 1984. Т 4. С 267-331.

УДК 595.132 (575.13)+591.5(575.13)

## ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ГРУППИРОВАНИЕ НЕМАТОДОФАУНЫ ТУГАЙНЫХ РАСТЕНИЙ

*К.С. Болтаев, к.б.н., доц., СамГМИ, Самарканд*

*Ф.А. Жамалова, ассистент-стажер, СамГМИ, Самарканд*

*Н.И. Мамарасулова, ассистент-стажер, СамГМИ, Самарканд*

*Annotatsiya. Bu maqolada biz tomondan Zarafshon vohasida olib borilgan ilmiy-tadqiqot ishlar natijalari keltirilgan. Tadqiqot natijasida barcha ekologik-trofik guruhlarga mansub fitonematodalar aniqlanib, quyidagi nisbatlar qayd etildi: Tipik (haqiqiy) parazitlarga tegishli 13 tur (1256 ekz.), ular barcha aniqlangan nematodalarning 6,5%, potensial parazitlar 40 tur (3799 ekz.) 19,6%, mikotroflar 6 tur (2250 ekz.) 11,6%, tipik saprobiontlar 15 tur (3019 ekz.), 15,6%,*

*devisaprobiontlar 36 tur (5098 ekz.), 26,4%, politroflar 38 tur (3853 ekz.) 20,1% va yirtqich nematodalar 4 tur (50 ekz.) ni tashkil qildi.*

**Kalit so'zlar:** *fitonematodalar, ksirofillar, mezofillar, gidrofillar, evribiontlar, Mauntford ko'rsatkichi.*

**Аннотация.** *В данной статье приводятся результаты проведенных нами научно-исследовательских работ в Зарафшанской долине. В результате исследования были выявлены представители всех эколого-трофических групп фитонематод, которые составили следующее соотношение: из группы типичных паразитов зарегистрировано 13 видов (1256 экз.), они составили 6,5 % всех обнаруженных особей нематод, из потенциальных паразитов обнаружено 40 видов (3799 экз.), 19,6 %; из микотрофов 6 видов (2250 экз.), 11,6% из типичных сапробионтов 15 видов (3019 экз.), 15,6 %; из девисапробнонтов 36 видов (5098 экз.), 26,4% из политрофов 38 видов (3853 экз.), 20,1 % и из хищных нематод - 4 вида (50 экз.).*

**Ключевые слова:** *фитонематоды, ксерофилы, мезофилы, гигрофилы и эврибионты, показатель Маунтфорда.*

**Abstract.** *This article presents the results of our research work in the Zarafshan Valley. As a result of the study, representatives of all ecological and trophic groups of phytonematodes were identified, which made the following ratio: from the group of typical parasites, 13 species were registered (1256 ind.), They accounted for 6.5% of all detected individuals of nematodes, 40 species of potential parasites were found (3799 specimen), 19.6%; 6 species of mycotrophs (2250 specimens), 11.6% of typical saprobionts of 15 species (3019 specimens), 15.6%; 36 species of devisaprobnoths (5098 specimens), 26.4% of polytrophs of 38 species (3853 specimens), 20.1%, and 4 species of carnivorous nematodes (50 specimens).*

**Key words:** *phytonematodes, xerophiles, mesophiles, hygrophils and eurybionts, Mountford index.*

**Актуальность исследования.** Фитогельминты – настоящие вредители растений, которым характерно постоянное пребывание в органах растений и мощное развитие пищеводных желез, секрет которых воздействует на ткани растения – хозяина, и происходят изменения не только в поврежденном органе, но и в растении в целом [2,3]. В тугайных биотопах, образующих своеобразный ландшафт, растут обычно дикие растения. Важно отметить, что в тугаях, расположенных в долинах рек, создаются благоприятные условия для перехода паразитических нематод в агроценозы. Кроме того, особо важное значение придается процессу обнаружения естественных очагов паразитических видов нематод и изучение мер борьбы с ними. [1,2]. Воспрепятствование перехода нематод в культурные ландшафты через водные или другие пути также является одной из важнейших задач в процессе повышения урожайности сельскохозяйственных культур. Изучение экологических комплексов нематод тугайных растений имеет большую теоретическую и практическую ценность [4,5].

**Цель исследования.** Целью данного исследования было изучить закономерности таксономического и экологического распространения нематодофауны растений тугайных биотопов долины реки Зарафшан, выявить видовой состав нематод тугайных растений, провести сравнительное изучение видового состава фитонематод деревьев, кустарников и травянистых растений тугайных биотопов, а также определить сходство между ними по показателю Маунтфорда.

**Материалы и методы исследования.** Изучение видового состава нематодофауны проводили на основе анализа собственных и литературных данных, полученных при проведении фитогельминтологических исследованиях сахарного тростника, туранги сизолистной, солодки обыкновенной, облепихи крушиновидной, ивы. При сборе и обработке фитогельминтологического материала использованы традиционные методики. Нематод выделяли визуальным методом, вороночным методом (метод Бермана), методом просветления Сайнхорота, частично применяли центрифужно-флотационный метод, изучение и идентификации нематод проводили по временным и постоянным препаратам.

**Результаты исследования и обсуждение результатов.** Способность адаптивирования фитонематод к определенной степени влажности позволяет разделить их на следующие крупные экологические группы: ксерофилы, мезофилы, гигрофилы и эврибионты.

К ксерофилам относится экологический комплекс видов нематод, приуроченных к сугубо аридным условиям существования. Виды нематод, входящие в эту группу, нами не были обнаружены. К мезофильному экологическому комплексу принадлежат виды

фитонематод, приуроченных к биотопам со средней степенью увлажнения. Виды, входящие в эту группу, также нами не были обнаружены.

Гигрофилы составляют, комплекс видов нематод, приуроченных к биотопам с избыточным увлажнением за счёт близкого прилегания грунтовых вод. Зарафшанские тугайные биотопы относятся именно к таким биотопам, возможно поэтому 127 (836 экз.) из 152 видов нематод, обнаруженных нами, составляют состав данной экологической группы.

Гигрофилы подразделяются на две подгруппы: мегатермные и мезатермные.

Мегатермные гигрофилы приурочены к пойменным лесам (тугалям) долины рек Средней Азии. Среди нематод этого экологического комплекса нет холодостойких видов.

Гидротермический режим пойменных лесов, в которых обитают мегатермные гигрофилы, практически не отличается от зоны выращивания сельскохозяйственных культур в долинах. В условиях орошаемого земледелия мегатермные гигрофилы могут переходить на культурную зону и наносить огромный вред сельскому хозяйству. В нашем материале было зарегистрировано 86 видов нематод, относящихся к мегатермным гигрофилам. Эти виды встречались, в основном, весной, летом и осенью. Было установлено, что весной и летом высокая степень популяции у таких видов нематод, как *Meloidogyne hapla*, *M.incognita*, *Heterodera uzbecistanica*, *E.turangae*, *H.glycyrrhiza*, *Pratylenohus pratensis*, *F.vulnus*, *G.tulaganovi*, *Ditylenohus dipsaci*, *Nothotylenobus allii*, *N.loksai*, *K.thornei*, *Ektaphelenohus maorostylus*, *Aphelenohoides bessayi*, *Aph.bioaudatus*, *Aph.composticola*, *Aph.spinusus*.

К мезатермным гигрофилам относятся виды нематод, приуроченные к биотопам с избыточным увлажнением при умеренном или холодном температурном режиме. Такие биотопы характерны для пойм горных рек Средней Азии, где сосредоточены формации мелколистных микротемных лесов. Некоторые виды мезатермных гигрофилов являются потенциально опасными паразитами сельскохозяйственных растений, выращиваемых в условиях поливного земледелия, но не могут выживать на богарных посадках. Вследствие непосредственной близости Зарафшанских тугайных биотопов к горной местности виды нематод, входящих в эту группу, встречались очень часто и составили 41 вид. Популяции данных видов могут увеличиться также и зимой.

Было установлено, что и зимой в большом количестве встречаются такие виды нематод, как *Merlinius dubius*, *M.socialis*, *Rotylenchus goodeyi*, *Filenchus polyhyphus*, *Lelenchus discrepans*, *Aphelenchoides kuehnii*, *Aph.sacchari*, *Aph.saprophilus*, *Aph.scalacaudatus*, *Mesorhabditis Inarimensis*, *M.signifera*, *Rhabditis brevispina*, *Acrobeloides emarginatus*, *Prismatolaimus dolichurus*, *Mylonchulus lacustris*, *Tylencholaimus proximus*, *Eudorylaimus pratensis*.

Такие виды нематод, как *Aph.kuehali*, *Aph.saochri* гораздо больше встречались зимой, чем весной, летом и осенью. Это свидетельствует о том, что они значительно лучше адаптировались к зимнему периоду существования.

Эврибионты обладают широкой экологической пластичностью по отношению к гидротермическим факторам среды обитания. В пределах изучаемых районов эврибионты обитают в довольно широком диапазоне.

Нами было зарегистрировано 24 вида (17%) нематод, относящихся к экологической группе эврибионтов. Сюда входят такие виды, как *Criconemoidae pullus*, *Paratylenohus maorophallus*, *Aglencus agricola*, *Filenohus orbus*, *Nothotylenchus aoris*, *Aphelenohus avenae*, *A.oylindricaudatus*, *Aphelenohoides daotyloerous*, *Mesorhabditis monhystera*, *Panagrolaimus longioaudatus*, *Aohromadora ruricola*, *Longidorella parva*, *Cephalobus parvus*, *C.persegnis*, *Euocephalobus mucronatus*, *E.oxuyroides*, *Aporcelaimellus obtusicaudatus*, *Discolaimus major*, *Eudorylaimus monhystera*. Эти виды встречались в сравнительно большом количестве во всех сезонах года.

**Сравнительное изучение нематодофауны деревьев, кустарников и травянистых растений тугайных биотопов.** Степень сходства фаунистических комплексов устанавливали по показателю общности Маунтфорда (Mountford, 1962), вычисленному по формуле:

$$I = \frac{2j}{2ab - (a + b)j} \cdot 1000$$

где I - индекс общности; j - число общих видов в двух сравниваемых сообществах; a, b - число видов в каждом сообществе.

В результате анализа видов нематод, присущих каждому растению были получены следующие результаты, которые приведены в таблице 1.

Таблица 1.

Сходства фауны нематод тугайных растений



Сравниваемые растения	Количество общих видов	Индекс общности (%)
Дикий сахарный тростник и солодка обыкновенная	40	23,9
Дикий сахарный тростник и ива	39	25,8
Дикий сахарный тростник тополь туранга	35	16,4
Дикий сахарный тростник и облепиха крушиновидная	37	12,1
Солодка обыкновенная и ива	31	16,4
Солодка обыкновенная и облепиха крушиновидная	35	10,2
Ива и тополь туранга	44	31,6
Ива и облепиха крушиновидная	33	10,3
Тополь туранга и облепиха крушиновидная	36	9,4

Таким образом, было установлено, что среди сравниваемых растений наиболее высокой является степень сходства нематофауны у ивы и тополя.

Результаты проведенных нами научно-исследовательских работ в Зарафшанской долине показали, что естественными очагами видов паразитических нематод, наносящих большей вред сельскохозяйственным культурам, служат в основном, тугайные биотопы. Эти очаги расположены в непосредственной близости от полей сельскохозяйственных культур. Поэтому фитопаразитические нематоды здесь могут быстро распространяться на посевные площади через водные или же другие пути.

На территории Акдарьинских тугайных ландшафтов были обнаружены естественные очаги таких паразитических видов нематод, как *Meloidogyne hapla*, *M. incognita* и *Ditylenohus dipsaoui* из рода *Heterodera*.

Учитывая подобные случаи можем предложить следующие:

1. Строгое соблюдение фитосанитарного состояние перед посадкой произвести визуальный осмотр корневой системы рассады древесно-кустарниковых и других растений на зараженность галловыми и цистообразующими и другими паразитическими видами нематод.
2. Недопущение по мере возможности проведения оросительных сетей через естественные очаги паразитических фитонематод, расположенные в тугайных биотопах.
3. Составление картограмм, с указанием естественных очагов паразитических нематод на территориях тех хозяйств, которые находятся в непосредственной близости от Зарафшанских тугайных биотопов.
4. В непосредственной близости от естественных очагов паразитических нематод выращивать слабозаражаемые или же устойчивые сельскохозяйственные культуры.

#### Выводы

1. Всего было зарегистрировано 152 вида нематод, относящихся к 29 семействам, 68 родам и 7 отрядам. Из них *Butierieius jflloauctatua* был впервые обнаружен в условиях Узбекистана. Из отряда *Tylenohida* было зарегистрировано 59 видов, относящихся к 23 родам. Общее количества их составляет 37,8 процентов всех обнаруженных нами нематод. Отряд *Rhabdlitida* представлен 49 видами они составляют 42,1 процента. Отряды *Araeolalmlida*, *Chromadorida*, *Ecnopliida*, *Mononohida* и *Dorylaimida* соответственно были представлены 6; 4; 2; 3 и 30 видами. В количественном отношении наиболее многочисленными были виды отряда *Dorylaimida*, из которых обнаружены 2839 особей нематод, принадлежащих к 30 видам.

2. В результате исследования были выявлены представители всех эколого-трофических групп фитонематод, которые составили следующее соотношение: из группы типичных паразитов зарегистрировано 13 видов (1256 экз.), они составили 6,5 % всех обнаруженных особей нематод, из потенциальных паразитов обнаружено 40 видов (3799 экз.), 19,6 %; из микотрофов 6 видов (2250 экз.), 11,6% из типичных сапробионтов 15 видов (3019 экз.), 15,6 %; из девисапробионтов 36 видов (5098 экз.), 26,4% из политрофов 38 видов (3853 экз.), 20,1 % и из хищных нематод - 4 вида (50 экз.).

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Замотайлов А. С. Фитогельминтология: курс лекций для обучения по программам подготовки научно-педагогических кадров в аспирантуре – 35.06.01 Сельское хозяйство, направленность (профиль) – Защита растений / сост.. – Краснодар : КубГАУ, 2015. – 70 с.
2. Рахматова М.У., Бекмурадов А.С. Результаты изучения распространения фауны фитонематод гранатовых агроценозов Сурхандарьинской области Узбекистана // *Universum: химия и биология : электрон. научн. журн.* 2018. № 11 (53).
3. Хуррамов Ш.Х. Нематоды субтропических плодовых культур Средней Азии и меры борьбы с ними // - Ташкент.: Фан. 2003. С. 1-333.

4. Rossouw J., van Rensburg L., Claassens S., van Rensburg P. J. Jansen. Nematodes as indicators of ecosystem development during platinum mine tailings reclamation. *The Environmentalist*. 2008. Vol. 28. Issue 2. P. 99–107.

5. Tomar V. V. S., Ahmad W. Food web diagnostics and functional diversity of soil inhabiting nematodes in a natural woodland. *Helminthologia*. Vol. 46, 2009. Issue 3. P.

УЎК: 581.4

## ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРҚАЛГАН *LIMNIRIS* ВА *IRIS* ОСТ ТУРКУМИ (*IRIS* L.) ТУРЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА МОРФОЛОГИК ВА БИОГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

Э.А. Ортиков, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент  
Д.И. Махмуджанов, PhD талабаси, Хитой ФА Университети, Хитой  
Ф.А. Азизова, к.и.х., ЎзРФА Ботаника институти, Тошкент

**Аннотация.** Ушбу мақолада, *Limniris* ва *Iris* ост туркуми (*Iris* L.) турларининг морфологияси, систематикаси, экологияси ҳақида маълумотлар келтирилди. Шу билан бирга ушбу турларнинг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тақсимланиши ўрганилди.

**Калим сўзлар:** Флора, ҳудуд, тур, туркум, ареал, гербарий, ботаник-географик районлар.

**Аннотация.** Данная статья содержит информацию по морфологии, систематике, экологии видов *Limniris* и *Iris*. В то же время изучено распространение данных видов в пределах ботанических и географических районов Узбекистана.

**Ключевые слова:** Флора, регион, вид, род, ареал, гербарий, ботанико-географический районы.

**Abstract.** This article includes information on morphology, systematics and ecology of *Limniris* and *Iris* species. Also distribution of these species within botanical and geographical regions of Uzbekistan was studied.

**Key words:** Flora, region, species, genus, areal, herbarium, botanical and geographical regions.

*Iris* L (*Iridaceae* Juss) туркуми турлари мўтадил минтақаларда кенг тарқалган 280 турни ўз ичига олади [1]. Туркум вакиллари, турли экологик шароитларда, ботқоқлик, чўл, чалачўл, адир ва тоғ минтақаларида учраши мумкин бўлган, геофит ўсимликлар ташкил этади [2, 3]. Мазкур туркум турлари бошқа кўпгина ўсимликлар сингари ўзининг бир қатор дориворлик хусусиятлари ва гуллариининг кўркамлиги билан иқтисодий аҳамиятга эгадир [4]. Туркум турларини ер ости органлари ва ташқи гултожибаргларидидаги тукчаларнинг мавжудлиги каби морфологик белгиларига асосланган ҳолда, маълум бир системага солинган [5]. *Iris* туркуми 6 та осттуркум, 12 секцияга бўлинади [6]. Марказий Осиё *Iris* туркуми турларининг маркази ҳисобланади [7]. Ўзбекистон флорасида ушбу туркумнинг 47 тури учрайди [8], жумладан, 36 таси Марказий Осиё учун эндем бўлиб [9] асосан Фарбий Тиён Шон ва Помир-Олой тоғ тизмаларида ўсади.


*Iris* туркумини системага солишда ўсимликларнинг ташқи морфологик белгилари асос қилиб олинган бўлиб, бунда асосан ер ости органлари, пояси ва унда жойлашган тўпгуллар, гул тузилиши, ташқи ва ички гултожибаргларининг шакли, рангги, уларнинг узунлиги ва эни, чангдон шакли, чанг ипи узунлиги, уруғ шакли, ранги ва ўлчамлари каби белгиларидан фойдаланиш мумкин [10].

Ўсимликларнинг бир қатор морфологик белгиларни асос қилган ҳолда 1961 йилда Rodionenko [11], 1989 йилда Mathew [12] туркумни *Iris*, *Limniris* (Tausch) Spach, *Nepalensis* (Dykes), *Xiphium* (Mill.) Spach, *Scorpiris* Spach ва *Hermodactyloides* Spach. ост туркумларга ажратишган [6].

Ҳозирга қадар, Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турлари устида аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламдаги (тур таркиби, географияси, баландилик минтақалари тарқалиш, экологияси, камёб ва эндем турларининг муҳофаза чоралари, ўсимликлар қопламидаги ўрни сингари тадқиқотлар олиб борилмаган. Олиб борилган айрим тадқиқотлар маълум бир турларнинг морфологияси, фенологияси, уруғ унувчанлиги, мосланиши каби изланишлар билан чекланган. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда *Iris* туркумининг фондларда сақланаётган гербарий намуналари ва олиб борилган дала тадқиқотларимизда йиғилган материаллар асосида *Limniris* ва *Iris* ост туркуми турларини Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тақсимланиши амалга оширилди. Тадқиқот ишида, *Iris* ва *Limniris* ост

туркумларига мансуб 7 та *Iris* турларининг Ўзбекистон ҳудудида тарқалиши бўйича маълумотлар берилди. Ўрганилган барча намуналарнинг биогеографик таҳлили Ўзбекистонни ботаник-географик районлаштириш схемаси бўйича амалга оширилди [13]. Шунга кўра, *Iris* ва *Limniris* ост туркумларининг турлари асосан 13 та округда тарқалганлиги аниқланди (Расм 1).

*Limniris* осттуркумга кирувчи *Iris loczyi* Kanitz (*Limniris* ост.) Фарбий Тяньшань, Фарғона-Олой, Кўҳистон, Фарбий Хисор ва Хисор-Дарваз округларида, *Iris songarica* Schrenk (*Limniris* ост.) эса Фарбий Тяньшань, Кўҳистон, Фарбий Хисор, Нурота, Бухоро, Қизилқум, Жанубий Оролбўйи ва Устюрт округларида тарқалган.



Расм 1. *Iris* va *Limniris* ост туркумнинг турлари тарқалган округлар

*Iris* осттуркумга кирувчи *Iris longiscapa* Ledeb (*Iris* ост.) Фарбий Хисор, Нурота, Бухоро, Қизилқум, Жанубий Оролбўйи ва ўрта Сирдарё округларида, *Iris falcifolia* Bunge (*Iris* ост.) Фарбий Хисор, Бухоро, Қизилқум округларида, *Iris Alberti* Regel (*Iris* ост.) Фарбий Тяньшань, Фарғона округларида, *Iris korolkowii* Regel (*Iris* ост.) тури фақат Фарбий-Тяньшан округида, *Iris stolonifera* Maxim (*Iris* ост.) эса Кўҳистон, Фарбий Хисор, Хисор-Дарваз ва Пяндж округларида учрайди.

*Iris* туркуми *Limniris* ва *Iris* ост туркумлари турлари морфологик белгилари, туркумнинг Ўзбекистонда учрайдиган *Scorpiris* ва *Hermodactyloides* ост туркумлари турларидан фарқ қилиб, илдиз системаси, поясининг узунлиги, барглarning тузилиши ва гулларининг тузилиш структураси билан тубдан фарқ қилади.

Ўзбекистон Миллий гербарий фонди (TASH), СамДУ, Москва (MW) ва GBIF да сақланаётган гербарий намуналари ва олиб борилган дала тадқиқотларида йиғилган материаллар асосида *Iris* туркуми *Iris* ва *Limniris* ост туркуми турларининг морфологик белгилари ўрганилди. Ушбу тезисни ёритишда *Iris* ва *Limniris* ост туркуми турларининг 6 та морфологик белгиларига тўхталиб ўтилди.

Туркум турлари илдизпояга эга бўлиши билан бир-бирига ўхшайди бироқ, ўсимликнинг бошқа қисмларида айрим фарқлар мавжуд.

Жумладан, *Iris loczyi* Kanitz (*Limniris* ост.) турининг илдизпояси жуда нозик ва ер ости бўйлаб судралиб ўсади. Тожбарг найининг узунлиги 10-14 см ни ташкил этади. Поясининг узунлиги 20-40 см. Ташқи гултожибаргларининг ўртасида жойлашган рангсиз тукчалари гултожибаргни тенг иккига бўлади. Гулларини ранги оч кўкдан тўқ кўкгача. *Iris songarica* Schrenk (*Limniris* ост.) илдизпояси қисқа ва ингичка бўлиб, илдизпоянинг юқори қисмида ўсимлик барглари қолдиқлари тўплам ҳосил қилади. Пояси цилиндрсимон узунлиги 20-40 см гача. Тожбарг найи узунлиги 4-6 см ни ташкил этади. Ташқи гултожибаргларида тукчалар кўзга ташланмайди.

*Iris longiscapa* Ledeb (*Iris* ост.) турида ўсимликларнинг ўртача баландлиги 50-70 см гача ўсади. Пояси баргсиз, илдизпоя қисқарган бўлиб унда ёнғоқсимон бўртиқлар ҳосил қилади. Бу бўртиқлардан кўп сонли илдизлар ҳосил бўлади. Гули оч кўк рангда, ташқи гултожибаргларида тукчалар мавжуд. *Iris falcifolia* Bunge (*Iris* ост.) илдизпояси қисқарган шу билан бирга бироз қалинлашган. Поясининг узунлиги 10-20 см. Гуллари оч кўк рангда. Тожбарг найининг узунлиги 3 см. Ташқи гултожибаргларида тукчалар мавжуд. *Iris Alberti* Regel (*Iris* ост.) турининг судралувчи илдизпояси қалинлиги 15 мм гача бўлиши билан ажралиб туради. Поясининг



узулиги 20-40 см. Гулларининг ранги тўқ қўқ, тожбарг найининг узулиги 1.0-1.5 см, ташқи гултожбаргларидида тукчалар мавжуд. *Iris korolkowii* Regel (*Iris* ост.) илдизпояси қисқа, Поянинг барглар бошланган қисмида илдиз толалари мавжудлигини кўриш мумкин. Поясининг узулиги 40-50 см. Гуллари оч жигарранг ва сиёхранг, тожбарг найининг узулиги 1.5-2.0 см, ташқи гултожбаргларидида тукчалар мавжуд. *Iris stolonifera* Maxim (*Iris* ост.) илдизпояси ипсимон узун бўлиб, ён атрофга тарқалган. Поясининг узулиги 40-60 см. Гуллари ёрқин сиёхранг. Тожбарг найининг узулиги 2.5-3.0 см. Ташқи гултожбаргларидида тукчалар мавжуд (1-жадвал).

1-жадвал

*Iris* ва *Limniris* ост туркуми турларининг 6 та морфологик белгилари

№	Тур номи	Характерли морфологик белгилар					
		Илдиз шакли	Поя узулиги	Тожбарг найи узулиги	Гул тожбарглар тукчалари	Ташқи гул тожбарглар узулиги	Ички гул тожбарглар узулиги
1	<i>Iris loczyi</i> Kanitz	илдизпоя	20-40 см	10-14 см	-	4.5-6.0 см	4.5-5.0 см
2	<i>Iris songarica</i> Schrenk	илдизпоя	20-40 см	4.0-6.0 см	-	5.0 см	4.5-5.0 см
3	<i>Iris longiscapa</i> Ledeb	илдизпоя	50-70 см	3-2.0 см	+	2.5 см	2.5-3.0 см
4	<i>Iris falcifolia</i> Bunge	илдизпоя	10-20 см	3.0 см	+	3.0-4.0 см	3.0-4.0 см
5	<i>Iris alberti</i> Regel	илдизпоя	20-40 см	1.2 см	+	3.0-4.0 см	3.0-4.0 см
6	<i>Iris korolkowii</i> Regel	илдизпоя	40-50 см	1.5-2.0 см	+	6.5 см	5.0-6.0 см
7	<i>Iris stolonifera</i> Maxim	Илдизпоя	40-60 см	3.0 см	+	7.5 см	6.5 см

Хулоса қилиб айтганда *Limniris* осттуркум вакиллари *Iris loczyi* Kanitz ва *Iris songarica* Schrenk турлари, *Iris* осттуркуми вакиллари *Iris longiscapa* Ledeb, *Iris falcifolia* Bunge, *Iris Alberti* Regel, *Iris korolkowii* Regel, *Iris stolonifera* Maxim турларидан ташқи гултожибаргларидида кўп хужайрали трихомалар(соқоллар)нинг йўқлиги, илдизпоясининг ингичкалиги ва экологияси билан фаркланади ҳамда юқоридаги турларнинг эволюцияси давомида морфологик хусусиятлари турларнинг тарқалиш ареали ва экологиясига мослашган ҳолда ривожланганлигини кузатишимиз мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Wilson C., Padiernos J., Sapir Y. The royal irises (*Iris* subg. *Iris* sect. *Oncocycclus*): Plastid and low-copy nuclea data contribute to an understanding of their phylogenetic relationships //Taxon. – 2016. – Т. 65. – №. 1. – С. 35-46.
2. Turgunov M., Pechenitsyn V., Beshko N., Uralov A., Abdullaev A. Biological features of rare species of *Iridaceae* Juss. Family in flora of Uzbekistan ex situ //Acta Biologica Sibirica. – 2019. – Т. 5. – №. 2. – С. 17-22.
3. Wilson C., Patterns in evolution in characters that define *Iris* subgenera and sections //Aliso: A Journal of Systematic and Evolutionary Botany. – 2006. – Т. 22. – №. 1. – С. 425-433.
4. Wang H., Cui Y., and Zhao Ch., Flavonoids of the genus *Iris* (*Iridaceae*) //Mini reviews in medicinal chemistry. – 2010. – Т. 10. – №. 7. – С. 643-661.
5. Wilson C., A cladistic analysis of *Iris* series Californicae based on morphological data //Systematic Botany. – 1998. – С. 73-88.
6. İkinci N., Hall T., Lledó D., Clarkson J., Tillie N., Seisums A., Saito T., Harley M., and Chase M., Molecular phylogenetics of the juno irises, *Iris* subgenus *Scorpiris* (*Iridaceae*), based on six plastidmarkers //Botanical Journal of the Linnean Society. – 2011. – Т. 167. – №. 3. – С. 281-300.
7. Рахимова Н. К., Дусчанова Г. М., Абдуллаева А. Т. Структурные особенности вегетативных органов некоторых видов рода *Iris* L., произрастающих в Узбекистане //Turczaninowia. – 2020. – Т. 23. – №. 3. – С. 118-146.
8. Turgunov M. D. et al. Biological features of rare species of *Iridaceae* Juss. Family in flora of Uzbekistan ex situ //Acta Biologica Sibirica. – 2019. – Т. 5. – №. 2. – С. 17-22.
9. Khassanov F. O., Rakhimova N. Taxonomic revision of the genus *Iris* L. (*Iridaceae* Juss.) for the flora of Central Asia. 2012.
10. Wilson C. A. A cladistic analysis of *Iris* series Californicae based on morphological data //Systematic Botany. – 1998. – С. 73-88.
11. Rodionenko G. I. 1961. The genus *Iris* L. (Russian edition). Leningrad: Komarov Botanical Institute.
12. Mathew B. 1989. The iris (revised edition). London: Batsford
13. Tojibaev K. S. et al. Botanical geography of Uzbekistan. – Korea National Arboretum, 2017.

УЎК 581.9

## ЗИРАБУЛОҚ-ЗИЁВУДДИН ТОҒЛАРИ ЎСИМЛИКЛАР ҚОПЛАМИНИНГ ФЛОРИСТИК ВА ЦЕНОТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

*Т.Ф.Ражабов, Самарқанд давлат университети, Самарқанд*

**Аннотация.** Мақолада Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ўсимликлар қопламнининг табиий-тарихий ва ҳозирги флористик хилма-хиллигини ўрганиш бўйича олинган натижалар таҳлил қилинган. Бугунги кунга келиб турли антропоген омиллар таъсирида флористик хилма-хилликнинг кескин пасайиб бораётганлиги аниқланган. Тадқиқот ҳудудида 25 та ўсимликлар камёб ва йўқолиб бораётган турлар сифатида баҳоланган.

**Калим сўзлар:** ўсимликлар қоплами, флористик хилма-хиллик, камёб турлар, антропоген омиллар, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари.

**Аннотация.** В статье обсуждены результаты исследований по изучению природно-историческое и современное флористическое разнообразия растительного покрова Зирабулак-Зиатдинских гор. Установлено, что на сегодняшний день флористическое разнообразие резко сокращается под влиянием различных антропогенных факторов. 25 видов на исследуемой территории были выделены редкими и исчезающими видами растений.

**Калим сўзлар:** растительность, флористическое разнообразие, редкие виды, антропогенные факторы, Зирабулак-Зиатдинские горы.

**Abstract.** The article discusses the research results on studying the natural-historical and modern floristic diversity of the vegetation cover of the Zirabulak-Ziatdin mountains. To date, it has been established that floristic diversity is sharply reduced under the influence of various anthropogenic factors. 25 species in the study area were identified as rare and endangered plant species.

**Keywords:** vegetation, floristic diversity, rare species, anthropogenic factors, Zirabulak-Ziatdin mountains.

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг ўсимликлар қоплами юқори антропоген таъсирга (чорва молларининг ҳаддан зиёд бокилиши, дарахт, бута ва ярим буталарнинг кесилиши) учраган ҳудудлардан бири эканлиги билан ажралиб туради. Бу эса ўсимликлар қопламининг табиий шароити, турлар хилма-хиллигига, қолаверса унинг экотизим барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатади. Шу жиҳатдан ушбу тоғ тизмаларининг ҳозирги ўсимликлар қоплами, унинг флористик хилма-хиллигини, у ерда тарқалган камёб, йўқолиб бораётган, айниқса жиддий муҳофазага муҳтож ўсимлик турларини аниқлаш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари Ўзбекистон ҳудудидаги флористик жиҳатдан кам ўрганилган ботаник-географик районлар қаторига киради [1]. Ушбу ҳудуд флораси тўғрисидаги бирламчи маълумотлар Зарафшон тоғ тизмаси флорасини ўрганишга қаратилган флористик ва геоботаник тадқиқотларда келтирилган [2, 3, 4, 5].

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ҳудудида флористик характердаги маълумотлар К.З. Зокиров [3] нинг “Флора и растительность бассейна реки Зерафшан” номли асарида келтирилган. Мазкур асарда Зарафшон дарёсининг юқори, ўрта ва қуйи оқимлари флорасининг конспекти тузилган. Ушбу конспектнинг муҳим томони шундаки, унда Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимларида учрайдиган турлар ва улар тарқалган географик ҳудудлар маҳаллий жой номлари билан берилган. Бу эса тадқиқот ҳудудида қайд этилган алоҳида ўсимлик турлари тўғрисида маълумот олиш имконини беради. Ушбу жой номларидан фойдаланиб Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ва уларга туташ бўлган ҳудудларда учраши кўрсатилган турлар алоҳида ажратилди ва уларнинг сони 245 та турни ташкил этганлиги аниқланди. Айнан Зирабулоқ тоғларида учраши кўрсатилган ўсимликлар ажратилганда, уларнинг сони 72 турни ташкил этди.

Мавжуд илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ўсимликлар қоплами ва унинг флористик таркибини ўрганишга қаратилган ишлар сон жиҳатдан камлиги ва тадқиқотлар ўтган асрда ўтказилганлиги яққол кўриниб турибди. Ушбу ҳудуд флорасининг бирмунча тўлиқ флористик таркиби сўнгги йилларда эришилган ютуқлар асосида яратилган Самарқанд вилояти флорасининг кадастрида келтирилган [6]. Қуйида ҳудуд флорасини ушбу кадастр маълумотлари асосида таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари флораси етакчи оилаларининг туркум ва турлари

Етакчи оилалар	Сони			
	Туркумлар	%	Турлар	%
<i>Asteraceae</i>	36	14,9	82	17,4
<i>Brassicaceae</i>	31	12,8	43	9,1
<i>Fabaceae</i>	11	4,5	42	8,9
<i>Poaceae</i>	17	7,0	37	7,8
<i>Amaranthaceae</i>	13	5,4	25	5,3
<i>Boraginaceae</i>	14	5,8	23	4,9
<i>Caryophyllaceae</i>	10	4,1	22	4,7
<i>Lamiaceae</i>	14	5,8	18	3,8
<i>Ranunculaceae</i>	9	3,7	18	3,8
<i>Apiaceae</i>	11	4,5	17	3,6
<i>Papaveraceae</i>	8	3,3	12	2,5
<b>Жами</b>	<b>174</b>	<b>71,9</b>	<b>339</b>	<b>71,8</b>

Самарқанд вилояти флорасининг кадастрига кўра, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари флорасида 54 та оила ва 242 туркумга мансуб 472 турлар учраши кўрсатилган. Ушбу турларнинг 71,8 фоизи 11 та етакчи оилалар улушига тўғри келади (1-жадвал). Улар орасида Урта ер денгизи флораларига хос бўлган *Asteraceae* оила вакиллариининг етакчилик хусусияти тадқиқот ҳудудига ҳам хос эканлиги намоён бўлди. Қолган 43 та оила вакиллари умумий флоранинг 28,2 фоизини ташкил этди.

Турларга бойлиги жиҳатидан *Astragalus* (25 тур), *Cousinia* (14 тур), *Artemisia* (12 тур), *Allium* (9 тур) ва *Bromus* (8 тур) каби туркумлар флорада нисбатан катта улушни эгаллаган. Фақат 1 тадан турларни ўз ичига олган туркумлар сони 154 тани ташкил этади.

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг флораси биоморфологик жиҳатдан хилма-хил бўлган ўсимликлардан таркиб топган. И.Г.Серебряков [7] таснифига кўра, ўсимликларнинг катта қисми, яъни 90,1 фоизи ёки 428 тур ўт ўсимликлар гуруҳига тўғри келди. Бунда бир йиллик ўтларнинг улуши кўп йиллик ўтларга нисбатан бирмунча кўпроқ бўлиб, 243 турдан иборат. Пояси ёғочлашган ва ярим ёғочлашган ўсимликлар тенг улушга эга бўлиб, 22 тадан жами 44 турни ўз ичига олган ва мос равишда флоранинг қолган 9,9 фоизини эгаллаган. Бунда ярим буталар 22 тур, буталар 15 тур ва дарахтлар 7 та турлардан таркиб топган.

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари флорасида ўт ўсимликлар гуруҳи етакчи ўринни эгаллаган. Бундан кўринадики, тадқиқот ҳудуди ўсимликларининг ҳаётий шакллари курғоқчил ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига мослашиши билан биргаликда, узоқ йиллардан бери амалда бўлган чорва молларининг боқилишига ҳам мослашиш хусусиятларини ўзида намоён қилган. Бундай шароитда бегона эврибионт турлар флора таркибининг сезиларли улушини эгаллашига олиб келган [1].

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари Самарқанд вилояти флорасидаги бошқа ботаник-географик районларга (Нурота 1004 тур, Оқтов 816 тур, Ургут 1182 тур ва Ўрта Зарафшон 790 тур) солиштирилганда флористик хилма-хиллигининг табиатан камбағаллиги билан характерланди. Уларнинг ушбу хусусияти ксеротермик ҳудудда жойлашганлиги, тупроқ унумдорлигининг пастлиги, ёғингарчилик миқдорининг камлиги, шунингдек географик майдонининг кичиклиги билан изоҳланади. Сўнгги йилларга келиб эса турли антропоген омиллар таъсирининг кучайиши Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари табиий-тарихий флорасининг янада камбағаллашишига олиб келган. Унинг ҳозирги флористик таркиби тарихан шаклланган флористик хилма-хилликни ўзида тўлиқ акс эттирмайди. Қуйида ҳудуд флорасининг ҳозирги замонавий ҳолатини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига тўхталамиз.

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларида 2015-2020 йилларда олиб борилган тадқиқотлар асосида ушбу ҳудудда 45 оила ва 176 туркумга мансуб 211 турлар тарқалганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳудудда ҳозирги даврда қайд этилган турлар тарихий флоранинг 45 фоизини ташкил этди. Демак, антропоген таъсирларнинг юқорилиги флористик хилма-хилликка ўз таъсирини ўтказган. Етакчи, яъни 10 та ва ундан ортиқ турга эга бўлган оилалар тарихий флорада 11 та бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб бундай етакчи оилалар сони 7 тага тушган. Ушбу оила турларининг флорадаги улуши 56,9 фоизни (120 тур) ташкил этган (2-жадвал).

Биоморфологик таҳлил натижаларига кўра, бугунги кунда ҳам ушбу ҳудудда ўт ўсимликлар гуруҳи устун бўлиб, умумий флоранинг 88,6 фоизини эгаллаган. Флорадаги турлар алоҳида ҳаётий шакллар бўйича қуйидагича тақсимланган: дарахтлар 4 тур (1,9%), буталар 10 тур (4,7%), бутача 2 тур (0,9%), ярим бута 8 тур (3,8%), кўп йиллик ўт 94 тур (44,5%), икки йиллик ўт 9 тур (4,3%), бир йиллик ўт 84 тур (39,3%). Ушбу ҳудудда кўп йиллик ўтларнинг улуши бир йиллик ўтларга нисбатан юқорироқ эканлиги намоён бўлди.

2-жадвал

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари флорасининг ҳозирги даврдаги етакчи оилаларининг туркум ва турлари

Етакчи оилалар	Сони			
	Туркумлар	%	Турлар	%
<i>Asteraceae</i>	25	14,2	34	16,1
<i>Poaceae</i>	18	10,2	21	10,0
<i>Fabaceae</i>	12	6,8	19	9,0
<i>Lamiaceae</i>	10	5,7	12	5,7
<i>Boraginaceae</i>	12	6,8	12	5,7
<i>Brassicaceae</i>	11	6,3	12	5,7
<i>Rosaceae</i>	9	5,1	10	4,7
<b>Жами</b>	<b>97</b>	<b>55,1</b>	<b>120</b>	<b>56,9</b>



Флорадаги турлар ем-хашаклик даражасига кўра куйидаги гуруҳларга ажратилди: хуш кўриб ейиладиган турлар 11 та, яхши ейиладиган 14 та, қониқарли ейиладиган 35 та, ёмон ейиладиган 81 та, ейилмайдиган 47 та ва захарли ўсимликлар 23 та. Демак, ушбу ҳудудда ҳам озуқабоплик даражаси паст, ейилмайдиган ва захарли ўсимликлар флоранинг катта қисмини (71,6%) эгаллаган. Бу хусусият ҳам, яъни флорада озуқабоплик даражаси паст бўлган ўсимликларнинг кенг тарқалиши уларнинг чорва моллари боқилиши юқори бўлган шароитларда мослашув механизми сифатида қараш мумкин [8].

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларида антропоген босимнинг юқори бўлишига айрим турларнинг кескин сийраклашиб, табиий ареалининг қисқаришига олиб келган. Юқори антропоген таъсирлар шароитида ҳам камёб ва Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган турлар ҳам сақланиб қолган. Ушбу турларнинг тарқалиш ареалларини аниқлаш ва уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш уларни муҳофаза қилишда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

3-жадвал

Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларидаги камёб ва йўқолиб бораётган турлар рўйхати

№	Тур номи	Ҳаётий шакли
1.	<i>Pistacia vera</i> L.	дарахт
2.	<i>Padellus mahaleb</i> (L.) Vass.	дарахт
3.	<i>Pyrus regeli</i> Rehd.	дарахт
4.	<i>Crataegus turkestanica</i> Pojark.	дарахт
5.	<i>Atraphaxis spinosa</i> L.	буга
6.	<i>Salsola arbusculiformis</i> Drobow	буга
7.	<i>Cotoneaster nummularius</i> Fisch.& C.A.Mey.	буга
8.	<i>Ephedra intermedia</i> Schrenk & C.A.Mey.	буга
9.	<i>Ziziphora pedicellata</i> Pazij-Vved.	ярим буга
10	<i>Astragalus pulcher</i> Korov.	кўп йиллик ўт
11	<i>Allium cupuliferum</i> Regel.	кўп йиллик ўт
12	<i>Allium eremoprasum</i> Vved.	кўп йиллик ўт
13	<i>Allium protensum</i> Wendelbo	кўп йиллик ўт
14	<i>Crocus korolkowii</i> Maw & Regel	кўп йиллик ўт
15	<i>Ferula tenuisecta</i> Korov.	кўп йиллик ўт
16	<i>Juno narbutii</i> (O. Fedtch.) Vved.	кўп йиллик ўт
17	<i>Jurinea trautvetteriana</i> Regel & Schmalh.	кўп йиллик ўт
18	<i>Biebersteinia multifida</i> DC.	кўп йиллик ўт
19	<i>Chaetolimon setiferum</i> (Bunge) Lincz.	кўп йиллик ўт
20	<i>Gagea chomutovae</i> (Pascher) Pascher	кўп йиллик ўт
21	<i>Prangos pabularia</i> Lindl.	кўп йиллик ўт
22	<i>Salvia bucharica</i> M. Popov	кўп йиллик ўт
23	<i>Tulipa affinis</i> Botschantz.	кўп йиллик ўт
24	<i>Tulipa korolkowii</i> Regel	кўп йиллик ўт
25	<i>Tulipa michaeliana</i> Hoog.	кўп йиллик ўт

Тадқиқотлар давомида Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларида 25 тур ўсимликлар йўқолиб бораётган ва камёб турлар сифатида баҳоланди (3-жадвал). Мазкур камёб турларнинг асосий қисми Зирабулоқ тоғларида тарқалган. *Atraphaxis spinosa*, *Astragalus pulcher*, *Salsola arbusculiformis* каби турлар фақат Зиёвуддин тоғларидан (Тўритов массиви) топилди.


Тадқиқот ҳудудининг ўзига хос хусусиятларидан бири, мазкур тоғда 4 та дарахт турларининг табиий ҳолда сақланиб қолганлигидир. Зирабулоқ тоғлари мазкур дарахт турларининг Ўзбекистон тоғ провинцияларидаги энг чекка ғарбий ареалларидан бири саналади. Улар орасида *Pyrus regeli* ва *Padellus mahaleb* нисбатан кенгроқ тарқалиш ареалларига эга. Ваҳоланки, ушбу турлар ҳам бугунги кунда турли антропоген омиллар таъсирида кескин камайиб бормокда.

Дарахт турлари орасида *Pistacia vera* кескин камайиб кетган бўлиб, асосан қоя-тошли қияликларда якка-якка туллари сақланиб қолган. Зирабулоқ тоғларининг Пиёзли ва Шумғор массивларида ушбу дарахт турларининг кам сонли туллари қайд этилди (1-расм).

Тадқиқот ҳудуди учун жуда камёб дарахт турларидан бири *Crataegus turkestanica* ҳисобланади. Унинг тадқиқотлар давомида топилган ягона тупи Зирабулоқ тоғининг шимолий қисмидаги Оқтош довони тепаликларида (N39° 50.113' E65° 56.466') учрайди.

Камёб турлар орасида Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби [9] га киритилган *Tulipa* L. туркумига мансуб 3 та турларнинг тарқалганлиги аниқланди. Буларга *Tulipa korolkowii* Rgl., *Tulipa micheliana* Hoog. ва *Tulipa affinis* Botschantz. турлари киради. Ушбу лола турларидан *T. korolkowii* ва *T. micheliana* Зирабулоқ тоғларининг Пиёзли, Оймахол, Шумғор

массивларида, Зиёвуддин тоғларининг Тўритов массивида нисбатан кўпроқ тарқалганлиги кузатилди. *T. affinis* эса фақат битта ҳудудда, яъни Зирабулоқ тоғининг шимолий қисмида денгиз сатҳидан 867 метр баландликдаги N39° 49.267' E65° 59.289' географик координатада жуда кам сонда (3-5 туп) учраши қайд этилди. Мўллик жиҳатдан *T. korolkowii* бирмунча яхши кўрсаткичларни ҳосил қилган, унинг алоҳида микропопуляциясида 4-7 тадан 25-35 тагача (N39° 43.570' E65° 50.744') индивидлар тарқалганлиги кузатилди. *T. micheliana* эса фитоценозда якка-якка ҳолда тарқалганлиги сабабли микропопуляция даражасига етмаган. Бугунги кунда чорва молларининг муттасил боқилиши ва рекреацион мақсадларда ушбу ҳудудга ташриф буюрадиган аҳоли томонидан лолаларнинг терилиши ушбу турларнинг кун сайин камайишига сабаб бўлиб, уларнинг табиий равишда янгиланишига тўсқинлик қилмоқда.



1-расм. Зирабулоқ тоғларида *Pistacia vera* қайд этилган майдонлар

*Allium* L. туркумининг камёб турлари асосан Зирабулоқ тоғининг Пиёзли массивидаги қоя тошлар орасида, чорва моллари томонидан пайҳонланиш даражаси паст бўлган жойларда сақланиб қолган. *Ferula tenuisecta*, *Prangos pabularia*, *Biebersteinia multifida*, *Juno narbutii* каби камёб кўп йиллик ўтлар ҳам чорва молларининг муттасил боқилиши оқибатида катта хавф остида қолган.

Тадқиқот ҳудуди флорасининг яқин ўтмишдаги тарихий флористик хилма-хиллиги ва уларнинг ҳозирги ҳолати бўйича таҳлилларга таянадиган бўлсак, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг флористик таркиби сўнгги 25-30 йилда антропоген босимнинг ва қурғоқчилик даражасининг ортиши таъсирида сезиларли даражада камбағаллашган ва кўпгина абориген турларнинг ўсимликлар қопламидаги барқарорлиги катта хавф остида қолган. Амалдаги режасиз хўжалик фаолиятининг давом этиши, айниқса камёб ва йўқолиб бораётган турлар географик тарқалиш ареалининг Ўзбекистон ғарбидан шарқий томонга қараб 100-120 км гача чекинишига олиб келиши мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Попов В.А. Ботанико-географическое районирование Узбекистана // Ботанический журнал. 2016. №10 (11). –С.1105-1131.
2. Попов М.Г. Растительность Самаркандской области // Труды Института каракулеводства. – Т. X. – Самарканд, 1960. – С. 85-141.
3. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. Часть II. Конспект флоры. – Ташкент, Изд-во Акад. Наук. УзССР, – 1962. – 446 с.
4. Гаевская Л.С., Краснополин Е.С. Пастбища средней части Зерафшанского бассейна. – Самарканд. 1958. – С. 155-207.
5. Ашуров Э. Растительность и растительные ресурсы западной части Зарафшанского хребта. Дисс. на соиск. уч. степ. канд. биол. наук. Ташкент, 1988.
6. Кадастр флоры Узбекистана: Самаркандская область. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Кодиров У.Х., Батошов А.Р., Мирзалиева Д.У. – Ташкент: Издательство «FAN» АН РУз., 2018. – 220 с.

7. Серебряков И.Г. Жизненные формы высших растений и их изучения // Полевая геоботаника. – М. – Л.: Наука, 1964. – Т. III. – С. 146-205.
8. Facelli J.M., Springbett H. Why do some species in arid lands increase under grazing? Mechanisms that favour increased abundance of *Maireana pyramidata* in overgrazed chenopod shrublands of South Australia // Austral Ecology. 2009. №34 (5). – P. 588-597.
9. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби, I жилд: Ўсимликлар; Ф.Ў. Ҳасановнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Чинор, 2019. – 356 б.

УЎК 599

## БУХОРО ВИЛОЯТИДА ОВЛАНАДИГАН СУТ ЭМИЗУВЧИЛАРНИНГ ТАКСОНОМИК ТАҲЛИЛИ

**Р.Р. Рахмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро**  
**А.Р. Райимов, PhD, Бухоро давлат университети, Бухоро**  
**Ж.Р. Рахимов, ўқитувчи, Бухоро давлат университети, Бухоро**  
**Г.У. Туева, талаба, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро**

**Аннотация.** Ўзбекистонда овлашга рухсат берилган 19 турдаги сут эмизувчиларнинг Бухоро вилоятида 13 турининг учраши аниқланган. Жумладан вилоятда овланадиган сут эмизувчи ҳайвонлар таксономик таҳлил қилинганда 5 турдаги сут эмизувчиларнинг тегишли рухсатномалар асосида овланиши, 4 турдаги сут эмизувчи ҳайвонларнинг ноқонуний равишда овланганлиги аниқланди. Шундан 3 тури (*Canis lupus*, *Felis libyca*, *Ondatra zibethicus*) бўлса, 1 тури (*Gazella subgutturoza*) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган турнинг овланиши аниқланган.

**Калим сузлар:** Ёввойи чўчқа, бўрсик, қумқуён, чиябўри, тулки, чўл мушуги бўри, ондатра жайрон.

**Аннотация.** Из 19 видов млекопитающих, разрешенных к охоте в Узбекистане, 13 видов были выявлены в Бухарской области. В частности, таксономический анализ млекопитающих, на которых охотились в регионе, показал, что 5 видов млекопитающих охотились на основании соответствующих разрешений, 4 вида млекопитающих охотились незаконно. Из них 3 вида (*Canis lupus*, *Felis libyca*, *Ondatra zibethicus*) и 1 вид (*Gazella subgutturosa*) были идентифицированы как охотничьи в Красной книге Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** Кабан, барсук, заяц толай, шакал, лисица, степная кошка, волк, ондатра, джейран.

**Abstract.** Of the 19 species of mammals allowed to hunt in Uzbekistan, 13 species have been identified in Bukhara region. In particular, the taxonomic analysis of mammals hunted in the region revealed that 5 species of mammals were hunted on the basis of appropriate permits, 4 species of mammals were hunted illegally. Of these, 3 species (*Canis lupus*, *Felis libyca*, *Ondatra zibethicus*) and 1 species (*Gazella subgutturoza*) were identified as hunting in the Red Data Book of the Republic of Uzbekistan.

**Key words:** *Sus scrofa*, *Meles meles*, *Lepus capensis*, *Canis aureus*, *Vulpes vulpes*, *Felis libyca*, *canis lupus*, *Ondatra zibethicus*, *Gazella subgutturoza*.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Бухоро вилоятида овланадиган сут эмизувчиларининг фаунистик таркибини, сонини ва экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда барқарор фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти:** Бухоро вилоятида учровчи овланадиган ҳайвон турлари ҳамда уларнинг яшаш муҳити сифатида овчилик хўжаликлари ва уларга туташ ҳудудларда учрайдиган ҳайвонларнинг сон динамикаси биологияси, экологияси ҳақида маълумотлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети:** Бухоро вилоятида овланадиган ҳайвон турларининг фаунаси, уларнинг тарқалиши, сони, биоэкологик хусусиятлари, антропоген омилларнинг ҳайвонот дунёсига таъсири, турларни муҳофаза қилиш ва барқарор фойдаланиш чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот ишида зоологиянинг (турғун, 5- минутлик ҳамда маршрут усуллари) ва экологиянинг асосий методлари ҳамда анкета-сўров методи, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш жуда кўп қиррали бўлиб, Ўзбекистонда бу фаолият ҳайвонларни асосан ҳаваскорлик, қисман спорт ва бошқа (илмий, тиббиёт) мақсадларда овлаш орқали амалга ошади.



1-жадвал

## Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган сут эмизувчиларнинг Бухоро вилоятида учраши ва овланиши

№	Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган турлар	Ўзбекистонда расмий равишда овланган турлар	Овлашга рухсат этилган турларнинг Бухоро вилоятида учраши ва овланиши
1	<i>Sus scrofa</i> (Linnaeus,1758)	O	O
2	<i>Capra sibirica</i> (Pallas,1776)	O	H
3	<i>Capreolus pygargus</i> (Pallas,1771)	O	H
4	<i>Hystrix indica</i> (Kerr,1792)	O	H
5	<i>Lepus capensis</i> (Linnaeus,1758)	O	O
6	<i>Myocastor coypus</i> (Molina,1782)	HO	HO
7	<i>Ondatra zibethicus</i> (Linnaeus,1786)	HO	HO
8	<i>Spermophilopsis leptodactylus</i> (Lichtenstein,1823)	HO	HO
9	<i>Spermophilus fulvus</i> (Lichtenstein,1823)	HO	HO
10	<i>Spermophilus pygmaeus</i> (Pallas,1778)	HO	HO
11	<i>Spermophilus relictus</i> (Kaschkarov,1923)	HO	H
12	<i>Vulpes vulpes</i> (Linnaeus,1758)	O	O
13	<i>Canis lupus</i> (Linnaeus,1758)	O	HO
14	<i>Canis aureus</i> (Linnaeus,1758)	O	O
15	<i>Felis libyca</i> (Forster,1780)	HO	HO
16	<i>Felis chaus</i> (Gueldenstaedt,1776)	HO	HO
17	<i>Meles meles</i> (Linnaeus,1758)	O	O
18	<i>Matres foina</i> (Erxleben,1777)	HO	H
19	<i>Mustela vison</i> (Schreber,1777)	HO	H

Изоҳ: O – расмий равишда овланган тур; HO–учрайди, овланмайдиган тур; OH– учрайди, расмий равишда овланмаган тур; H–Бухоро вилоятида учрамайдиган тур.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2006 йил 22 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов ва балиқ овлаш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида”ги 27-сонли буйруғида Ўзбекистонда спорт, ҳаваскорлик ва саноат мақсадида овлашга рухсат этилган ҳайвонларнинг айримлари тур кўринишида, кўпчилиги эса гуруҳлар ҳолида келтирилган. Мазкур рўйхатни таксономик таҳлил қилиш орқали Ўзбекистонда 150 турдаги умуртқали (балиқлардан ташқари) ҳайвонларнинг овлашга рухсат этилганлиги аниқланди (1-жадвал).

Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган сут эмизувчи ҳайвонларнинг 19 тури аниқланди. Шундан Бухоро вилоятида 1 синф, 4 туркум ва 9 оилага мансуб 13 турининг учраши қайд этилди. Бу маълумотлар илк мартоба ишлаб чиқилиши соҳадаги ижобий силжишларга олиб келилишини кўрсатмоқда. (2-жадвал).

2-жадвал

## Бухоро вилоятида овладиган сут эмизувчиларнинг таксономик таҳлили

№	Синф	Туркум	Оила	Тур сони
1	Mammalia	Lagomorpha	Leporidae	1
			Rodentia	Sciuridae
		Myocastoridae		1
		Cricetidae		1
		Carnivora	Canidae	3
			Mustelidae	1
			Felidae	2
Artiodactyla	Suidae	1		
<b>Жами</b>	<b>1</b>	<b>4</b>	<b>9</b>	<b>13</b>

Аниқланган ҳайвонларнинг 13 тури Бухоро вилоятида учрасада, 5 турдаги ҳайвонларнинг овланиши аниқланди.

Тадқиқотлар натижасида Бухоро вилоятида 4 турдаги сут эмизувчи ҳайвонларнинг ноқонуний равишда овланганлиги аниқланди. Шундан 3 тури (*Canis lupus*, *Felis libyca*, *Ondatra zibethicus*) Ўзбекистонда овлашга рухсат этилган, аммо 2014-2020 йилларда ушбу турларни вилоятда овлаш учун тегишли квоталар ажратилмаган, 1 тури (*Gazella subgutturoza*) Ўзбекистон Қизил китобига киритилган турлар ҳисобланади. Ушбу турларни ноқонуний овлаш овчилик хўжаликлари ҳудудида ва уларнинг ташқарисида амалга оширилиши аниқланди.

**Бўри қашқир** (*Canis lupus*) итсимонлар оиласига мансуб йирткич сут эмизувчи ҳайвон. Бухоро вилояти ҳудудига ҳар 2-3 йилда жуфт ҳосил қилиб кириб келади. Кузатишларимиздан

бизга маълумки кўпинча қорақир кўли атрофида учрашини аниқладик. Улар чорва моллари боқиладиган ҳудудлардан узокка кетмайди. Бўрилар кундуз кунни дам олиб, кечкурун овга чиқишади, январ ойидан бошлаб урчийди. Бўри моногам ҳайвон. Жуфти узок муддат сақланиб қолади. Вақтида бу ҳайвонларга қарши кураш олиб борилмаса, чорвачиликга катта иқтисодий зарар етказилади. Бунинг олдини олиш мақсадида махсус овчилар ишга жалб қилиниб уларга қарши иш олиб борилади. Бўри кучли, чидамли ва чаққон, ҳид билиш ва эшитиш органлари яхши ривожланган ҳайвон. Подага ҳужум қилганда кўп кўйни нобуд қилади. Бир нечта Бўри биргаликда ёки тунда бўлиб ов қилади.

**Чўл мушуги-(*felis lybica*)** Чўл мушуги нисбатан кичик йиртқич ҳайвон. Урғочиси эркагидан кичикроқ. Танасининг сарғиш-кўнғир тусда, орқа томони юмалоқ қорамтир доғлар билан қопланган, думида 6-8 та қорамтир ҳалқа бор. Ўзбекистон барча ҳудудларда, яъни чўлларда, кўллар яқинидаги қамишзорларда, тоғ этакларида, камдан-кам ҳолда тоғларда тарқалган. Қизилқумнинг жануби-шарқий қисми ва Айдаркўлнинг атрофида кўп тарқалган. Чўл мушуги Бухоро вилоятидаги ташлама кўллар атрофида қамишзорларда яшайди. Кўпайиш даврида тулки, жайра, бўрсиқларнинг ташландиқ инларида яшайди. Чўл мушуги асосан тунги ҳаёт кечиради. Кемирувчилар, кушлар, калтакесаклар, йирик ҳашаротлар билан озикланади, резавор мева, жийда ва бошқа ўсимликларни ейди. Айрим ҳолларда товукларни ўғирлайди. Ов вақтида секин ўлжанинг олдига бориб, кўққисдан ташланади. Кузатишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, овчилар орасида ов маданиятининг пастиги, тажрибанинг етишмаслиги оқибатида тўсатдан чиқиб қолган ҳайвонларни отиб олишлари кўп маротаба кўзатилди. Шу жумладан чўл мушугини ҳам мақсадсиз овланишини кузатдик. Бу 2018 йил январ ойида 1 дона чўл мушугини овлаганликларини гувоҳи бўлдик.

**Жайрон - *Gazella subgutturosa*.** Кузатишларимиз натижасида жайроннинг вилоятдаги мустаҳкамланган кумликлар, тошлоқ ясси тепаликларнинг шувоқ ўсадиган жойларида нисбатан кўпроқ учраши аниқланди. Асосан, кундузи озукланади, кечаси дам олади, ёз фаслида эса эрталабки ва кечки соатларда, баъзан тунда ҳам фаол бўлади. Кундуз кунлари кум тепаларининг орқасида ёки буталарнинг соясида дам олади. Одатда озикланиш ва дам олишда кичик подалар ҳосил қилади ва бундай подалар ёзда 4-7 тадан, қишда 8-10 таси бир бўлиб юради, баъзан жуфт-жуфт бўлиб ёки алоҳида-алоҳида ҳолида учрайди.

Баҳорда ёввойи ҳолда ўсувчи бошоқли ўсимликлар, ёзда шўрадошларларнинг турлари ва шувоқлар, куз ва қиш ойларида ўсимликларнинг самони, буталарнинг мева, уруғ ва шохлари билан озикланиши кузатилди.

Жайроннинг озук мўл жойларга кўчиб юриши, ичимлик сифатида кўллардан ташқари, артезиан қудуқлари ва коллекторлардан фойдаланиши сабабли, вилоятнинг чўл зонасида тарқок ҳолда тарқалади. Бундай тарқалиш уларнинг браконьерлик усулида ва чўпонлар томонидан овланишига, бу овни назорат қилишнинг мураккаблашувига олиб келмоқда. Ўрганишлар натижасида чўпонларнинг янги туғилган жайрон болаларини чўпон итлари ёрдамида ушлаб олиш ҳоллари қайд этилди.

Қоракўл ўрмон-ов хўжалигида ўтказилган кузатишлар натижасида у ерда ярим тутқунликда яшовчи жайронларнинг томоқ соҳасида яра пайдо бўлаётганлиги натижасида ҳам нобуд бўлиши аниқланди. Айни вақтда бу касалликнинг олдини олиш бўйича профилактик тадбирларнинг амалга оширилмаслиги кузатилди. Эҳтимол шундай касалланиш табиий шароитда яшовчи жайронларда ҳам учраши ва уларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлиши мумкин.

**Ондатра – *Ondatra zibenthicus*.** Бухоро вилоятида кенг тарқалган тур бўлиб, овчилик хўжаликларида ташқари, кўллар ва коллектор-зовурларда учрайди. Уни овлаш кеч куздан бошланиб, то қишнинг охирига қадар давом этади. Мўйнасига бўлган талабнинг юқорилиги сабабли 1985-2000 йилларда жуда кўп миқдорда овланган. Меъёридан ортиқча овлаш, овни назорат қилишнинг сустлиги, коллектор-зовурларда сув сатҳининг кескин пасайиши ва баъзан ёз ойларида қуриб қолиши бугунги кунда ондатра сонининг камайишига ва айрим жойларда умуман йўқолиб кетишига олиб келаётганлиги аниқланди.

Саноат овининг тугатилиши, унинг мўйнасига бўлган талабнинг пасайишига қарамадан, республика бўйича, жумладан, Бухоро вилоятда бу турнинг браконьерлик усулида овланиши овланиши қайд этилди. 2018 йил декабрь ойида Қорақир кўлида 98 бош ондатранинг ноқонуний овлаганлиги аниқланди. Вилоятдаги коллекторларда ҳар йили бу турнинг ноқонуний равишда овланиши кузатилади. Маълумотларга қараганда, 2019 йилда Ўзбекистондан овланган 1505 та ондатра мўйнасининг қўшни Қозоғистонга ноқонуний олиб ўтаётганлиги аниқланган.

Охирги йилларда ондатрининг балиқ билан озикланиш орқали балиқчилик соҳасига зиён етказиши, ирригация тизимларида биозарарланишда иштирок этиши тўғрисида турли фикрлар бор. Бизнингча мазкур масалалар илмий асосда чуқур ўрганишни ва вилоятда бу хайвон турини овлашга квоталар ажратиш лозимлигини тақозо этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда янги Ўзбекистонда янги дунёқарашни шакллантиришда, илмий тадқиқот ишларида ҳам муносабатларни ўзгартириб, хайвонларни азоб ва ўлимдан ҳимоя қилиш, хайвонларни шафқатсиз ўлдиришнинг олдини олиш. Фуқароларнинг хавфсизлигини, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш. Ҳайвонлардан ўқув, илмий ва тиббий мақсадларда фойдаланишда имкон қадар чеклашлар қўйиш. Ҳайвонларни ёрдамга муҳтож ҳолатда ташлаб кетишга йўл қўймаслик лозимлигини кўрсатмоқда.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. 2- жилд. Тошкент, 2019. – 102 - 175
2. Rakhmonov. R.R., Rayimov A.R. Ecological positions of hunting species in Bukhara region // International Journal of Genetic Engineering. – 2019.–№7 (1). – P. 15-18. <http://doi:10.5923/j.ijge.20190701.03>
3. Rakhmonov R.R., Rayimov A.R. Structure and distribution of animals in the Bukhara region // Nature of inner asia 2019. – № 2 (11). – P. 65-68. <http://doi:10.18101/2542-0623-2019-2-65-6>
4. Rashit Rakhimovich Rakhmonov1, Zulfikarov Abdurayim Naimovich2, Nasiba Ismailova Khudoikulova3. Possibilities of Introduction of Hunting Tourism in Hunting Farms of Bukhara Region. Vol. 24 No. 1 December 2020, pp. 253-256.

УЎК 595.732.1

### БИНОЛАРДА ТЕРМИТЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

*Р.С.Рўзметов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*З.Ш.Матякубов, катта илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*И.И.Абдуллаев, б.ф.д., проф., Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*Ш.Б.Ибрагимов, стажёр тадқиқотчи Хоразм Маъмун академияси, Хива*  
*С.Б.Олланазаров, ўқитувчи Урганч давлат университети*

**Аннотация.** Мазкур мақолада термитларнинг намликка муносабати ва уларнинг тарқалишига қулай бинолар, жумладан, уй томи шифер қилинган ва шифер қилинмаган уйларнинг зарарлаш даражаси ҳамда бинонинг ер усти ва ер ости қисмидан йиғилган термитлар табақалари таҳлил қилинган ва тўпланган маълумотлар асосида биноларни термитлар томонидан зарарланишини камайтириши усуллар юзасидан тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** табақалар, личинка, термит, инвазия, жамоа, токча, бино

**Аннотация.** В данной статье представлены данные об отношении термитов к влажности и степени повреждений зданий, подходящих для их распространения, в частности, на дома (строения) с шифером и без шиферов. А также, проанализированы касты (классификация) термитов, собранных из подземной или поверхностной части здания. На основе полученных данных представлены рекомендации по методам снижения повреждений зданий в результате жизнедеятельности термитов.

**Ключевая слова:** каста, личинки, термит, инвазия, колония, падакольник, здания

**Abstract.** This article presents data on the relationship of termites to humidity and the degree of damage to buildings suitable for their distribution, in particular, on houses (buildings) with slate and without slate. And also, castes (classification) of termites collected from the underground or surface of the building were analyzed. Based on the data obtained, recommendations are presented on methods for reducing damage to buildings as a result of termite activity.

Жанубий Орол бўйи худудида термитлар 5 мингдан ортиқ аҳоли уй жойлари, 40 дан ортиқ тарихий обидалари ва бошқа қурилиш иншоотларини зарарлаган. Уларга қарши самарали кураш чораларини олиб боришга қарамасдан, зараркунданинг антропоген худудларда тарқалган манбааларидан иншоотларнинг қайта зарарланиши содир бўлмоқда. Оқибатда, термитларга қарши кураш ишларини олиб бориш доимо кутилган натижаларни бермаяпти. Элликқалъа туманида жойлашган Қават қала ва Гулдурсин қалъалари атрофидаги аҳоли уй жойлар шу қалъаларда ривожланган термит билан зарарланган. Хива, Янгиариқ, Ҳазорасп туманларидаги айрим қабристон худудларида термитлар ривожланиш ўчоқлари мавжуд ва улар инвазия манбаи бўлиб қолмоқда [1:72]. Бундай зараркунда манбаи бўлган ўчоқларни аниқлаш ва тўла ўрганиб чиқиш учун тадқиқот ишларини олиб бориш зарур. Бу худудидаги термитлар уяларини бартараф қилмасдан, аҳоли уй жойлари ва тарихий



обидаларни термитлардан тозалаш ишларини олиб бориш яхши натижа бермайди. Шунинг учун ҳам Жанубий Орол бўйидаги қадимий тарихий қалъалар [2:79-82], қабристонларда тарқалган бирламчи ва улардан кўчиб ўтган объектларда шаклланган иккиламчи термит популяцияларини экологик мониторинг қилиш лозим ва шу асосда уларга қарши кураш тадбирларини такомиллаштириш зарур.

Республикаимиз ҳудудида термитлар ареалининг кенгайиши уларнинг зарар келтириш даражаси анча кучайгани кузатилмоқда. Улар табиатда муҳим экологик аҳамиятга эга бўлиши билан бирга ўз фаолияти оқибатида қурилиш объектларига катта зарар етказди. Термитлар асосан таркибида целюлоза бўлган буюм ва предметларни емиради ва ҳар хил қурилиш иншоотлари, симёғочлар, кўприклар сув қурилиш иншоотлари ва ҳатто тарихий обидаларга катта иқтисодий зарар келтиради. Шунинг учун ҳам термитларни ўрганиш ва уларга қарши замонавий кураш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга [3:24-26].

Хоразм вилояти шароитида термитларнинг ривожланишига атмосфера ҳосининг нисбий намлигини таъсирини ўрганилди. Бунинг учун шиши контейнерлар олинди бир хил температурада уларнинг ичидаги атмосфера ҳавоси намлигини 45-50%, 65-70%, 95-99% да сақланган ҳолда уларнинг ичига 50 та термит солинди ва нобуд бўлганлари сони аниқланиб борилди олинган натижалар 1- расмда келтирилган.


Атмосфера ҳавосининг намлиги термитлар касталарининг, жумладан катта ёш ишчи термитлар ҳаётчанлигига таъсир кўрсатиши аниқланди. Атмосфера ҳавосининг намлик даражаси юқори бўлиши ҳашарот ҳаётчанлигини узоқ давом этиши билан тўғридан тўғри пропорционал бўлиб, юқори намлик шароитида уларнинг яшовчанлик муддатлари орта боради. Яъни, атмосфера ҳавосининг намликги ортиши билан термитларнинг нобуд бўлиши камая борди. Намликни камайиши билан эса нобуд бўлган термитлар сони ҳам ортиб бориши кузатилди.

Атмосфера ҳавосининг намлиги 45-50% бўлган идишларда тажриба қўйилгандан 3 кундан сўнг 18 дона ( 36% ) , 6 кундан сўнг 27 дона (54%), 12 кундан сўнг 5 дона (10%) нобуд бўлди.

Атмосфера ҳавосининг нисбий намлиги 65-70% бўлган идишларда 3 кунгача термитлар нобуд бўлиши кузатилмади. 6 кундан сўнг 7 дона (14%) нобуд бўлди. 12 кундан сўнг 10 дона (20%), 15 кундан сўнг 16 дона (32% ) , 18 кундан сўнг 17 дона (34%) нобуд бўлди

Нисбий намлик 95-99% бўлган идишларда 6 кунгача термитлар нобуд бўлиши кузатилмади. 12 кундан сўнг 5 дона (10%), 15 кундан сўнг 7 дона (14%), 18 кундан сўнг 13 дона (26%), 21 кундан сўнг 10 дона (20%), 24 кундан сўнг 15 дона (30%) термитлар нобуд бўлиши кузатилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики муҳитда ҳавонинг нисбий намлиги камайиши термитларнинг зарарли таъсир кўрсатиб уларни иммунитетини камайишига ва нобуд бўлиши сабаби бўлиши мумкин.

Бундан хулоса қилиш мумкинки термитлар яшаётган муҳит ҳавоси таркибида намликнинг ортиши уларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратади.



1-расм. Атмосфера ҳаво намлигининг термитлар ривожланишига таъсири

Намликнинг кескин камайиши билан улар ривожланиши учун ноқулай шароит туғилади. Амалий нуқтаи назардан бу тажриба натижалари катта аҳамиятга эга бўлиб, бу зараркунанданинг тарқалиши ва уларга қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланишга асос бўлади. Термит билан зарарланган хонадонларда термитлар уясини механик усуллар билан зарарлаш, хоналарда намлик меъерини белгиланган даражада сақлаш


хам термитларнинг ривожланишини олдини олишга сабаб бўлади ва кураш самарасини оширади.

Шу сабабли, термит билан зарарланган хонадонларнинг атмосфера ҳавосининг намлиги ошиб кетишига олиб келадиган омиллардан бири бўлган, уй томининг шифер билан ёпилганлиги ёки ҳимоя қилинганлиги ҳамда ҳимоя қилинмаганлиги, бўйича маълумотлар йиғилди.

Тажриба учун хар иккала типда қурилган уйлардан 15 таси танланди. Бу уй жой хонадонлари Хонқа, Урганч, Янгибозор, Хива туманлари ҳудудида жойдашган. Олинган маълумотларга кўра, том шифер билан ҳимояланмаган уйларда термитлар уяларининг сони том шифер билан ҳимояланган уйларга нисбатан 4,1 марта кўп экан (2-жадвал).

Термитлар яғоч ва бошқа целлюлозали махсулотлардан қурилиши материали сифатида фойдаланиган биноларни кўпроқ зарарлаши ўрганилган. Айрим уйларнинг бир хил материаллардан тайёрланганлигига қарамадан турли даражада зарарланиши тўғрисида маълумотлар жуда кам. Биз зарарланган уйларнинг уй томининг ҳимояланганлигини эътиборга олган ҳолда улар девори ва грунт тупроқларда учраган термитлар сони касталар бўйича миқдори ўрганишга муваффақ бўлдик. Олинган маълумотларга асосан термитлар популяциясининг зарарланган уйларда тақсимланиши тўғрисида ҳам бир қатор амалий аҳамиятга эга бўлган хулосалар олинди. Унга кўра, термит касталарининг зарарланган уй девори ва грунт қисмидаги миқдори бир биридан анча фарқланади. Тажрибалар термит билан зарарланган, лекин том қисми ташқи омиллардан ҳимоя қилинган уйлар шароитида олиб борилган. Термитларнинг ўринбосар маликалари биноларнинг деворларида учрамади, бу ерда асосан, кўпроқ ишчи термитлар катта ёшли личинкалар учради (2-расм).

Уй остидаги тупроқлар текширилганда ўринбосар маликалар кўпроқ учради. Аскар, личинка, ишчи термитлар ҳам деворларда учраган термитларга нисбатан кўпроқ тарқалиши аниқланди. Бу маълумотлар термитлар асосан ер ости орқали биноларга кириб бориши бинонинг устки қисмидан эса камдан кам ҳолларда тарқалишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам термитларга қарши курашда ер остидан кимёвий ишлов бериш уларни миқдорини камайтириш эҳтимоллигини оширади.




2-расм. Термит билан зарарланган уйлардаги ҳашарот популяциясининг касталараро тақсимоти, уйнинг девор қисмида улар сони

Термит билан зарарланган уйлардаги ҳашарот популяциясининг касталараро тақсимоти, зарарланган уй деворлари ва уй грунт қисмида ишчи ва личинкалар миқдори бўйича фарқланмайди, ишчи ва маликалар эса фақат уйнинг грунт қисмида учрайди (3-расм).

Шундай қилиб, термитларнинг хонадонларда тарқалишига сабабчи омиллардан бири атмосфера ҳавосидаги намлик миқдори бўлиб, унинг юқори даражада бўлиши термитлар ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади ва аксинча, намликнинг паст бўлиши билан уларнинг нобуд бўлиши анча кучаяди. Шунингдек, уй томини шифер ёрдамида атмосфера ёғин сочинидан ҳимоя қилиш бундай хонадонларда термитлар тарқалишини анча камайтиришга олиб келади. Хонадонларда айниқса пойдеворни паст бўлиши шифр бўлмаган бинолар ичида атмосфера ҳавосининг намлиги юқори бўлишига олиб келиши мумкин. Бундай биноларда термитлар ҳаракати фаол бўлиб зарарланиши ортади. Биноларда қуруқ иссиқ ҳаво юбориш атмосфера ҳавосининг намлигини камайтиришга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳаво алмаштириш қувурлари ташкил қилиш уларни фаолиятини яхшилаш орқали ҳам термитлар зарарини камайтириш мумкин. Бинолар ташқари қисмида деворларни ости ёғин сувлари оқиб

кетиши учун нишаб қилиб бетон қилиниши ҳам намликни бинонада камайишига ёрдам беради. Термитлар асосан ҳаво алмашинуви паст, қороғи, нам жойларда кўп учрайди. Хоналарни доимий ёруғ бўлиши ҳам термитлар билан зарарланиш паст бўлиши ёрдам беради.



3-расм. Термит билан зарарланган уйлардаги ҳашарот популяциясининг касталараро тақсимоти, уйнинг грунт қисмида улар сони

Термит билан зарарланган уйлардаги ҳашарот популяциясининг касталараро тақсимоти, зарарланган уй деворлари ва уй грунт қисмида ишчи ва личинкалар миқдори бўйича фарқланмайди, ишчи ва маликалар эса фақат уйнинг грунт қисмида учрайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаев И.И. Популяционная экология термитов и их значение в естественных и урбанизированных экосистемах: Автореф. дис. ...док. биол. наук. - Ташкент, 2016. - 72 с.
2. Хамраев А.Ш., Азимов Д.А. Разработка новой тактики борьбы с термитами - опаснейшими биоразрушителями материалов и сооружений // Углубление интеграции образования науки и производства в сельском хозяйстве Узбекистана. Докл. Межд. научно - практ. Конф. -Тошкент, 2003. -С. 79-82.
3. Хамраев А.Ш., Абдуллаев И.И., Жугинисов Т.И., Камилова Ш.И. Термиты Хорезмского оазиса Узбекистана // Владимирский земледелец. – Владимир, 2005. –№1-2. - С. 24-26.
4. Milano, S. & Fontes, LR. Termite pests and their control in urban Brazil. Sociobiology, 2002-. 40 (1): 63-177.
5. Гиляров А.М. Популяционная экология. - Москва: Изд-во МГУ, 1990. – 192 с.
6. Harris, W.V.. Termites: their recognition and control. England: Longman Group Ltda., 1971.-186p.



КИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

UO'T:631,4

**BUXORO VILOYATI SUG'ORILADIGAN TUPROQLARNING MELIORATIV HOLATI  
VA UNGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR***H.T.Artikova, prof., DSc, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro  
H.X.Salimova, mustaqil izlanuvchi, Buxoro Davlat Universiteti, Buxoro*

**Annotasiya.** Maqolada Buxoro viloyati sug'oriladigan tuproqlarining meliorativ holati, tuproqlarning paydo bo'lishi va rivojlanish sharoitlari, sho'rlanishning turi, sho'rlanishni oldini olish maqsadida qollaniladigan agrotexnik va meliorativ tadbirlar kompleksini ta'riflash ma'lumot keltirilgan.

**Kalit so'zlar:** sug'oriladigan tuproqlar, meliorativ holat, shorlanish turi, rel'yef, agrotexnik tadbir, sizot suvi, gipsli qatlam, sho'r yuvish.

**Аннотация.** В данной статье приводятся данные о мелиоративное состояние орошаемых почв, о образование и развитие почв, тип засоленные почв, применяемые агротехнические приёмы с целью уменьшение засоленные почвы в Бухарском области.

**Ключевые слова:** орошаемые почвы, мелиоративное состояние, тип засоленные, рельеф, агротехнические мероприятия, грунтовые воды, гипсовые составы, промывка засоленных почв

**Abstract.** The article provides information on the reclamation of irrigated soils in Bukhara region, the conditions of formation and development of soils, the type of salinity, a set of agrotechnical and meliorative measures used to prevent salinization.

**Keywords:** irrigated soils, reclamation, type of salinity, relief, agronomik activity, groundwater, gypsum layer, saline leaching.

Mamlakatimiz rivojlanishining yuqori bosqichiga o'tgan va dehqonchilikda jadal texnologiyalar ishlab chiqarishga joriy qilinayotgan hozirgi kunda tuproqlardan samarali foydalanish masalalari dolzarb vazifaga aylanib bormoqda. Sug'oriladigan tuproqlarni asrash, agrotexnik, agromeliorativ va boshqa tadbirlarni qo'llash orqali meliorativ va ekologik holatni sog'lomlashtirish, yer resurslaridan samarali foydalanish samaradorligini oshirish bilan bir qatorda, uning unumdorligiga zarar yetkazuvchi har qanday salbiy jarayonlarni, jumladan, tuproq sho'rlanishining oldini olish, keltirib chiqargan oqibatlarini bartaraf etish bugungi kunning ustivor vazifalaridan bo'lib, katta ahamiyatga ega.

Respublikada dehqonchilik qilinayotgan yerlarning unumdorligini saqlash, oshirish, muhofaza qilish asosida uning meliorativ holatini bilish, hisobga olish va bashorat qilish tuproqlar unumdorligini oshirishning garovi hisoblanadi. Sug'oriladigan tuproqlar meliorativ holatini yaxshilashda, avvalambor, tuproqlarning kelib chiqish qonuniyatlarini, ularni geologik-geomorfologik, gidrogeologik va ekologik holati bo'yicha to'la tasavvurga ega bo'lishi kerak, chunki tuproqlar har bir xossa-xususiyatlarining bir-biriga aloqadiligini, ularning ta'sir doirasi va tuproq qatlamlarida o'zgarish jarayonlarini o'rganish asosida, kelgusida mazkur tuproqlar sug'orish ta'sirida qanday meliorativ o'zgarishlarga uchrashini bashorat qilish mumkin, ular orqali sug'orish suvlari sifati, yerosti suvlari sathi, minerallasganlik darajasi hamda ularning o'zgarish amplitudasi anaiqlanadi.

Buxoro viloyati tekislik yerlardan iborat, shimoldan janubga tomon balandlik sathi pasayib boradi. Viloyat hududlari organik tuzilishi va rel'efi, iqlim sharoiti va tuproq-o'simlik dunyosiga ko'ra bir-biridan keskin farq qilmaydi. Hududlardagi to'lqinsimon keng tekisliklar qadimgi to'rtlamchi davrning turli murakkab yotqiziqlaridan tashkil topgan. Hududlarning cho'l mintaqasida cho'l otloqi va o'tloqi cho'l tuproqlar tarqalgan bo'lib, ularning chuqur qatlamlarida to'rtlamchi davr cho'kindisi, chirimdili yotqiziqlar bilan qoplangan.

Viloyat hududi murakkab organik, geomorfologik-litologik, tuproq-iqlim sharoitlari o'ta murakkab gidrogeologik holatni keltirib chiqargan, bu holat yer usti va yer osti suvlari rejimi hamda balansi ko'rsatkichlarida o'z aksini topgan.

Viloyatda tabiiy va sun'iy kam zovurlashgan tekislik qismi asosiy maydonlarida yerlarni yuqori me'yorlarda sug'orish va boshqa bir qator omillar sizot suvlarining yer yuzasiga ko'tarilishiga imkon yaratmoqda, bu holat o'z navbatida, tuproqda tuz to'planish va qayta sho'rlanish jarayonlarini keltirib chiqarmoqda. Yer osti suvlari sathining davriy ravishda tebranib turishi yil fasllari bo'yicha o'zgarib, hududlarda murakkab gidrogeologik jarayonni keltirib chiqaradi. Viloyatning shimoliy hududlarida

yer osti suvlarining sathi 2-3 m va undan ortiq chuqurlikda kuzatilsa, tekislik qismining asosiy maydonlarida 1,5-2,0 m atrofida kuzatiladi va Zarafshon daryosining 1-qayir usti terrasasida 0,5-1,0 m ni tashkil etadi. Ayniqsa, tekislikning botiq, pastqamlik yerlarida yer osti suvlari oqimi deyarli ta'minlanmaganligi natijasida suvda oson eruvchi tuzlar miqdor ortib, tuproqlar va sizot suvlaridagi dastlabki xlorid-sulfatli sho'rlanish tipi xloridli sho'rlanish tipiga aylanib bormoqda.

Sizot suvlarining mineralizatsiya darajasi turli qismlarida turlicha ko'rsatkichlarda, shimoliy tekisliklarida 1-2 g/l atrofida kuzatilsa, hududning o'rta qismlarida 2-3 g/l, quyu pastqam yerlarda 3-5 g/l va undan ortiq miqdorni tashkil etadi. Jumladan, hudud yerlarida sizot suvlarining o'rtacha mineralizatsiya darajasi 1,5-2 g/l ko'rsatkichiga teng.

Sug'oriladigan yerlarda sizot suvlarining yer yuzasiga yaqinlashishi natijasida evolyutsion tarzda gidromorf (o'tloqi) tuproqlar maydoni kengayib, sho'rlanish jarayoni kuchayib bormoqda. Ushbu holatlarni oldini olish va salbiy jarayonlarni to'xtatish muammosi asosiy dolzarb masala bo'lib qolmoqda. Viloyat hududi organik davrlarda yotqizilgan turli jinslardan iborat bo'lib, tuproq hosil qiluvchi ona jinslari kam (kuchsiz) allyuvial jinslardan tashkil topgan. Hududning asosiy qismida tuproq hosil qiluvchi ona jinslar usti qumloqli va qumli qatlamlari bo'lgan qumoqlar allyuvial yotqizilarning qum aralashgan qatlamlari yotadi.

Viloyat sug'oriladigan tuproqlarining sho'rlanishi va ikkilamchi sho'rlanishiga ta'sir etuvchi omillarning asosiysi muntazam sug'orish ishlarini olib borilishi va yer osti sizot suvlarining harakati hisoblanadi. Aksariyat hollarda sug'orishga me'yordan ortiq suv sarflanadi, sizot suvlarning harakati boshqarilmaydi, agarda sug'orish jarayonida tuproq tipi, uning mexanik tarkibi va boshqa xossalari bo'g'liq holda suv sarflansa hamda yer osti sizot suvlarini boshqarish tizimli yo'lga qo'yilsa hozirgidek tuproqlarning sho'rlanishi tumanlar kesimida keng mashtabda uchramaydi.

1-jadval

Buxoro viloyati sug'oriladigan tuproqlarining sho'rlanish holati va tavsifi

№	Tumanlar nomi	Sug'oriladigan yer maydoni, ga	Sho'rlangan yerlar		O'rtacha, kuchli va juda kichli sho'rlangan yerlar		
					jami sug'oriladigan maydonlarga nisbatan		jami sho'rlangan maydonlarga nisbatan
			ga	%	ga	%	%
1	Buxoro	22860,9	22690,7	99,3	6690,4	29,3	29,5
2	Vobkent	20182,0	14644,8	72,6	3373,3	16,7	23,0
3	Jondor	28070,8	28017,3	99,8	17436,1	62,1	62,2
4	G'ijduvon	20032,0	13367,7	66,7	3326,7	16,6	24,9
5	Kogon	16845,0	11839,2	70,3	4140,1	24,6	35,0
6	Olot	17218,0	13233,1	76,9	8754,4	50,8	66,2
7	Qorovulbozor	15280,0	11308,6	74,0	3676,9	24,1	32,5
8	Qorako'l	19462,7	19105,7	98,2	7767,2	39,9	40,7
9	Peshku	18685,0	14124,3	75,6	5849,1	31,3	41,4
10	Romitan	22948,0	22948,0	100	9106,5	39,7	39,7
11	Shofirkon	23054,8	20754,3	90,0	2732,4	11,9	13,2
12	Buxoro shahri	1759,1	733,2	41,7	47,8	2,7	6,5
Jami		226398,3	192766,9	85,1	72901	32,2	37,8

Sho'r yuvish samaradorligiga tuproq (mexanik tarkibi, suv-fizik xossasi, sho'rlanish darajasi, sho'rlanish tipi), gidrogeologik (sizot suvlari chuqurligi va oqib ketish sharoiti), iqlim (yog'ingarchilik miqdori, havoning harorati) yerning zovurlashtirilishi va agrotexnik sharoitlariga bog'liq bo'ladi [4,5,6].

Mexanik tarkibi yengil tuproqlarda tuzlar kam suv sarflanganda ham tez yuviladi. Aksincha mexanik tarkibi o'g'ir, zichlashgan, tuproq tarkibida suv o'tkazmaydigan gipsli yoki karbonatli qatlamlar bo'lganda tuzlar juda kam va uzoq muddatda yuviladi.

Mexanik tarkibi yengil tuproqlarga qaraganda, mexanik tarkibi og'ir, zich tuproqlarda tuz kam va qiyin yuviladi. Tuproqning tagida qum qatlam joylashganda, sho'r yuvish osonlashadi, zich soz qatlam joylashganda esa qiyinlashadi.

Tuproq gips yoki gips qatlamlari bo'lgan yoki haydalma tagi zichlashgan tuproqlarda sho'r yuvish juda sekinlashadi. Bunday qatlam bo'lgan tuproqlar maxsus yumshatgich qurollar bilan yumshatilsa, sho'r yuvish samaradorligi ancha oshadi.

Tarkibida qumoq, yengil va o'rtacha qumoq ko'p bo'lgan donador uvoqli tuproq va grunlar kam suv sarf qilgan holda jida tez yuvilib shorsizlantiriladi.

Tuproqda katta-katta yoriqlar, o'pqnlar, g'ovaklar ko'p bo'lganda u yaxshi yuvilmaydi, chunki bunday yerlarda suv shu yoriqlar, o'pqnlar, g'ovaklar orqali shimilib ketadi [1,2].

Sho'r yuvish samaradorligi tuproqning agregat holati va uning namligiga ham bog'liq bo'ladi. Nam tuproqqa qaraganda quruq tuproqlardan tuz kamroq yuviladi. Tuproq agregatlari qanchalik mayda bo'lsa, tuz ham shuncha oson yuviladi.

Suvning sho'r yuvish samaradorligi tuproqning sho'rlanish darajasiga ham bog'liq bo'ladi.

Tuproqda tuz qanshalik ko'p bo'lsa, uni yuvish ham shunchalik qiyinlasadi.

Sho'r yuvish samaradorligi tuproqdagi tuzlarning tarkibiga ham bog'liq. Tuproq tarkibida xloridlar ko'p bo'lsa, ular oson yuviladi, chunki xloridli tuzlar suvda oson eriydi.

Sulfatli sho'rlanish tiplarida tuzlar xloridli sho'rlanish tuproqlarga nisbatan kamroq yuviladi. Chunki sulfatlar suvda kam eruvchan, ayniqsa past haroratda kam harakatchan.

Sizot suvi sathi 1,5-3,0 m joylashganda mexanik tarkibi og'ir bo'lgan tuproqlarning sho'rsizlanish jarayoni ham juda sust bo'ladi. Bung sababi, sizot suv sathi yuza joylashganda tuproqning erkin sig'imi juda kichik bo'lib, unga juda kam suv sig'adi, sizot suv oqimining tezligi esa juda sekin bo'ladi. Bunday sharoitda sho'r yuvish ham ancha qiyinlashadi, chunki tuproq kapilyar namlik bilan kuchli to'yingan bo'ladi. Sizot suv sathi yuza joylashgan yerlarni sug'orish natijasida bir sug'orishdan ikkinchi sug'orishgacha bo'lgan davrda va sug'orishdan keyin ham tuproq qayta sho'rlanib qoladi. Ayniqsa, yer chuqur sho'rsizlantirilmaganda shor yuvish davrida sizot suv sathi sekin pasaytirilganda tuproq qaytadan juda tez sho'rlanadi.

Sho'r yuvish samaradorligi yerning zovurlashtirish darajasiga ham bog'liq bo'ladi. Sho'ri yuviladigan maydon qanchalik ko'p zovurlashtirilgan bo'lsa, sho'r yuvish ta'sirida tuproq shunchalik yaxshi sho'rsizlanadi. Zovurlashtirilgan sharoitda zovurlashtirilmagan sharoitga qaraganda sho'r yuvish me'yori bir xilda bo'lishi yoki kam suv sarflanishi mumkin, lekin tuproqning chuqur qatlamlari ham yaxshi sho'rsizlanadi.

Kam sho'rlangan yengil mexanik tarkibli tuproqlarda joriy sho'r yuvish erta bahorda (mart), o'rtacha va kuchli sho'rlangan, mexanik tarkibi o'g'ir tuproqlarda esa oktyabr, dekabr, yanvar va fevral oylarida o'tkazish maqsadga muvofiq. Kuz-qish fasllarida sho'r yuvilganda umumiy sho'r yuvish me'yorlarining 2/3 qismi kuchli sovuq tushgunga qadar, qolgan 1/3 qismi bahor faslida bajariladi [3,6,7].

Sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilashga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirishda, birinchi navbatda, meliorativ tadbirlarga muhtoj tuproqlarni to'g'ri tanlash muhim hisoblanadi, bu masalaga quyidagi ilmiy-amaliy tomonlardan majmuaviy yondashish zarur.

1. Sizot suvlarining ko'tarilishi va u bilan bog'liq ikkilamchi sho'rlanish jarayonlarining oldini olish uchun sug'orish suvlaridan me'yorida foydalanish, kanallar sug'orish tarmoqlari va latok tizimlarini texnik qayta jihozlash va sifatli ta'mirlash, ekinlarni sug'orishda tuproq-iqlim sharoitlari, ekinlar turi, vegetasiya (o'sish) davri, suvga talabchanligi, sizot suvlarining chiqurligi va boshqa omillarni hisobga olgan holda, sug'orish muddatlari, soni va me'yorlarini to'g'ri belgilash, sug'orish rejimlariga qat'iy rioya qilish;

2. Sho'r yuvishda tuproqlarning sho'rlanish darajasi, mexanik tarkibi, suv o'tkazuvchanligi (suv-fizik xossalari) hamda ildiz tarqaladigan qatlamdagi (0-1 m) tuzlar miqdori va zahiralari hisobga olinishi zarur. Sho'r yuvish uchun suv me'yorlari mexanik tarkibiga qarab turlicha sarflanadi. Tuproq mexanik tarkibiga ko'ra, yengil qatlamli tuproqlarda o'rtacha 3000-3500 m<sup>3</sup>/ga, ortacha sho'rlangan yerlarda 2-3 marta suv bostirish orqali 3500-5000 m<sup>3</sup>/ga, kuchli sho'rlangan yerlarda 3 marta suv bostirish orqali 4000-5000 m<sup>3</sup>/ga, juda kuchli sho'rlangan turli mexanik tarkibdagi tuproqlarda marzalar (cheklar) ga 3-4 marta suv bostirish orqali 5000-6500 m<sup>3</sup>/ga hamda kuchli va juda kuchli sho'rlangan o'g'ir mexanik tarkibli tuproqlarda 3-4 marta suv bostirish orqali 6000-7500 m<sup>3</sup>/ga me'yorlarida sho'ri yuviladi. Sho'r yuvishdan keying tuproqdagi tuzlar miqdori xlor ioni 0,01 % gacha va quruq qoldiq miqdorini 0,4-0,6 % gacha kamaytirish;

3. Mavsum davomida to'plangan tuzlarni tuproqning ildiz qatlamida yo'qotish faqat sho'r yuvish yo'li bilan amalga oshiriladi. Ayrim holatlarda qadimdan sug'oriladigan yerlarda bunga yuqori normalardagi sug'orish suvlarini berish orqali erishiladi. Agar sho'rlangan hududlarda sug'orish suvlari miqdori kamaytirilsa, unda o'simliklar kerakli namlikni sizot suvlari zahiralardan oladi. O'simliklar tomonidan sizot suvlarni iste'mol qilish me'yorlari ularning joylashish chuqurligi, minerallashtirish darajasi va sug'orish suvlarining miqdoriy ko'rsatkichlariga bog'liq bo'ladi. Sug'orish suvlari me'yorlari qancha yuqori bo'lsa o'simliklar sizot suvlarini shuncha kam iste'mol qiladi, mavsum davomida tuproqning ildiz qatlamida tuzlar kam to'planadi;

4. Tuproq sho'rlanishini sodir etuvchi ko'plab omillar ichida yer osti grunt suvlarining "kritik chuqurligi" va "kritik minerlaizatsiyasi" tushunchalariga alohida e'tibor qaratish zarur. Quruq va jazirama issiq iqlimli sug'oriladigan yerlari tuproq yuzasidan bug'lanishning atmosfera yog'inlaridan bir necha o'n barobar ko'p bo'lishi sharoitda, sho'rlanish jarayoni sodir bo'lishi



muqarrar holat bo'lib, asosiy meliorativ tadbirlar ana shu salbiy jarayon oldini olishga, uning o'simliklarga ko'rsatadigan ta'sirini kamaytirishga yo'naltirish lozim.

5. Ayrim sugoriladigan yerlarda keng tarqalgan, g'ozha hosildorligi 12-15 sentnerdan oshmaydigan, meliorasiyalash va qayta o'zlashtirish davri 6-8 yilni tashkil etadigan, qiyin meliorasiyalanuvchi, gipsli qatlamlar yer yuzasiga (0-50 sm) yaqin joylashgan, sho'rlangan, murakkb agrotehnik va meliorativ tadbirlar kompleksini talab etuvchi unumdorligi va mahsuldorligi past yerlarga mahalliy (organik) o'g'itlar solish (30-40 n/ga), chuqur yumshatish (60-70 sm), sho'rini yuvish, keying 1-2 yil ichida "o'zlashtiruvchi" ekinlar ekish, siderat o'simliklar yetishtirish va uni "ko'k massa" holida shudgor ostiga ko'mish tavsiya etiladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Фафурова Л.А., Абуллаева С.А., Намозов Х.К. Мелиоратив тупроқшунослик. Тошкент. "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Тошкент, 2003. б. 45-55
2. Тожиёв У., Намозов Х., Нафетинов Ш., Умаров К. Ўзбекистон тупроқлари "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси". Тошкент, 2004 й. б.67-75
3. Юнусов Р., Икромова Л., Умаров К. Бухоро вилоятида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чора-тадбирлари. "Ўзбекистон тупроқшунослар ва агрокимёгарлар жамиятининг IV курилтойи материаллари". Тошкент, 2005 й. б.172-73
4. Артикова Ҳ.Т., Каримов Э.К., Назарова С.М. Салимова Ҳ.Ҳ. Бухоро воҳаси шўрланган тупроқлари ва уларнинг ҳолатини яхшилаш. "Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси". Журнал. №3/2017 (сентябр) б.7-10.
5. Артикова Ҳ.Т., Юнусов Р. "Тупроқ унумдорлигини ошириш, сақлаш, муҳофазалаш ва қайта тиклашдаги муаммолар ва ечимлар". Республика илмий-амалий анжуман.-Бухоро, 2018 йил 5-6 апрель, б.252.
6. Ўзбекистон суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати ва уларни яхшилаш ҳолати. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси. Илмий тасиянома. Тошкент, 2018 й. 189-202 б.
7. Намозов Ҳ.К., Амонов О.С., Нафетдинов Ш.Ш., Ҳ.Х.Салимова. Бухоро воҳаси суғориладиган ерларининг тупроқ-мелоратив тавсифи. "Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси". Журнал. №8 (65)/2020. б.235-241

UDC: 631/635

#### CURRENT SITUATION OF PASTURE USE IN BUKHARA REGION

*F.Sh. Khudoyberdiyev, teacher, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers Bukhara Branch, Bukhara*

*S.U. Bobojonov, student, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers Bukhara Branch, Bukhara*

*K.M. Mukhamadov, student, Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers Bukhara Branch, Bukhara*

*Annotatsiya. Ushbu maqolada Buxoro viloyatida yaylovlar degradatsiyasidan foydalanish, yaxshilash va oldini olish bo'yicha taklif va tavsiyalar berilgan.*

*Kalit so'zlar: ratsional, resurslar, yaylov, geobotanika, differentsial, suv resurslari, mahsulotlar*

*Аннотация. В данной статье представлены предложения и рекомендации по использованию, улучшению и предотвращению деградации пастбищ в Бухарской области.*

*Ключевые слова: рациональное, ресурсы, пастбище, геоботаника, дифференциал, водные ресурсы, продукты*

*Abstract. This article provides suggestions and recommendations on the use, improvement and prevention of pasture degradation in the Bukhara region.*

*Keywords: rational, resources, pasture, geobotanica, differential, water resources, products*

**Introduction.** Limited land and water resources, population growth and industrial development in our country are leading to a growing demand for meat and meat products. This is the main task today, the development of modern advanced technologies, high yields from existing pastures and hayfields, as well as efficient and rational use.

The total area of land within the administrative-territorial boundaries of the Republic is 44896.9 thousand hectares, of which 21010.1 thousand hectares or 46% are pastures and hayfields. These pastures and hayfields are the main fodder base for livestock development and are an important natural resource for meeting the population's demand for livestock products such as meat, milk, wool and leather. Therefore, it is necessary to develop a science-based action plan to study the natural pastures and hayfields of the country, the flora growing here and increase the efficiency of their use.

**Relevance of the topic.** Currently, about 30% of pastures and hayfields in the country are degraded to varying degrees. In other areas, pasture productivity has also declined. The reasons for the decline in productivity of pastures and hayfields are as follows:

- climate change;
- The growing number of livestock at the disposal of the population;
- Lack of regulation of the processes of irrational use and use of pastures and hayfields;
- Decrease in the number of forage plants in pastures and hayfields and increase in the number of non-forage plants (incense, burgan, white feverfew, etc.);
- Inadequate implementation of reclamation measures on pastures and the like.

All of these are factors that cause degradation in pasture and hayfields.

Depending on their natural conditions, pastures and hayfields are divided into three zones: desert zone (desert-plain), adyr zone (plain-hill), and mountain zone (foothill-mountain).

In the desert region, the steppe plains and hayfields are located in the north-western part of the republic, at an altitude of up to 500 meters above sea level. These pastures and hayfields have year-round access and can be used extensively in the establishment and development of karakul farms.

To the east, desert plains and hayfields are gradually replaced by plain-hill pastures and hayfields. The plains and hills of the Adir region are located at altitudes of 500 to 1,200 meters above sea level. The region's pastures and hayfields are mostly used during the fall and spring seasons.

The foothills and hayfields in the foothills are located at altitudes of 1,200 to 2,500 meters above sea level in the western Tien Shan ridges. Mountain pastures and hayfields are mainly summer pastures and are suitable for grazing all types of livestock during the summer.

**Research results.** Resolutions of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan №343 of September 5, 2000 "On the procedure for maintaining the state cadastre of flora" and №299 of April 23, 2018, In accordance with the decision of the governor of Bukhara region №244 of April 28, 2018, the action plan of the Committee "Davyergeodezkadastr" for 2018 and the orders of the district hokims, a geobotanical survey was conducted in Bukhara region.

According to the results of geobotanical research, the degraded area of 2066751.5 hectares of pastures in the region amounted to 273158.68 hectares, in addition, there are 584 wells in the region, of which 365 are in working condition, 117 wells were in a state of disrepair, and 219 wells were found to be non-functioning at all. In addition, 60 new wells have been designed, of which 26 are operating under natural pressure, 333 with diesel fuel, and 6 with solar panels.

Pasture vegetation averages 1.64 s / ha (up from 2.1 s / ha 15 years ago), of which good pastures average 2.5-2.7 s / ha, medium pastures in poor condition are 1.6-1.9 s / ha, pastures in poor condition are 1-1.3 s / ha, degraded poor pastures are 0-0.2 s / ha, 1 small horned cattle 3, Corresponds to 2 hectares of pasture (compared to 2.5 hectares 15 years ago).

**Conclusion:** 2.1 million people in the region. hectares of pastures to date 725 mln. UZS is the only land tax. These pastures cover 273,000 hectares of degraded land. To date, the tax is 351 soums for 1.0 hectares of pastures. When 273,000 hectares of degraded pastures are allocated from 2.1 million hectares of pastures, 1.83 million hectares will remain in good condition.

Rehabilitation of 117 wells, which are not working at full capacity today, will provide a guaranteed water supply to 350,000 small ruminants and increase the number by 50,000. In addition, the construction of new wells and the commissioning of non-functioning wells will provide an additional 250,000 head of small cattle and a total of 650,000. In particular, the construction of an additional 60 new wells will provide 30,000 heads of cattle on 450,000 hectares of pastures, and the reoperation of 219 non-functioning wells will allow to graze 220,000 heads of small cattle on 700,000 hectares of pastures.

273,000 hectares of degraded pastures will be able to rest for 2-3 years, and 78,000 small ruminants will be able to breed when the flora is restored.

**Suggestions:**

1. "Establish a system of rotating livestock.
2. Establish pasture seed sowing. "
3. Revise the tax calculation system based on the differential approach to pastures.
4. Establishment of pasture user cooperatives in the reserve lands of the district;
5. Equitable distribution of livestock in pastures, not to exceed the number of livestock.

**REFERENCES:**

1. Land Code of the Republic of Uzbekistan, 2019 y
2. Law of the Republic of Uzbekistan "On pastures" May 20, 2019 y
3. National report on the state of land resources of the Republic of Uzbekistan. 01.01.2019 y.
4. Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan №299 of April 23, 2018 y

5. Khudoyberdiyev F.Sh. Scientific article on "Improvement of pastures, creation of new pastures and development of effective methods of pasture use." Bulletin of Khorezm Mamun Academy. 2019 17-20 p.
6. Karimov E.Q., Khudoyberdiyev F.Sh. Scientific article on "Measures to increase the productivity of natural pastures in the efficient use of land resources." Land of Uzbekistan in 2019 43p.
7. Recommendations for rational use and increasing fertility in semi-desert (adir) pastures. International center for agricultural research in arid areas (ICARDA), Research Institute for Karakul and desert ecology. Tashkent-2016.
8. Recommendations for rational use and increasing productivity of semi-desert pastures. International center for agricultural research (ICARDA) in arid areas of the Institute of wildlife and desert ecology.
9. Chertovitsky A. S. Conceptual foundations for creating sustainable pasture land use in Uzbekistan/ / land Management and cadastre: problems and ways to solve them. Materials of the International scientific and practical conference in the framework of the plenary session of the Council of higher education institutions for education in the field of land management and cadastre./Under the General editorship of V. V. Vershinin. - Moscow: GUZ, 2013. - Pp. 163 -173.
10. Won the first prize A. Hatamov A. improving the management of desert rangelands. Agro Science-scientific Supplement to the agricultural journal of Uzbekistan, 2015. - No. 2-3.- 41-42.
11. Recommendations for land management Of associations of pasture users of personal subsidiary and dekhkan farms. Ministry of agriculture and water resources of the Republic of Uzbekistan, Tashkent Institute of irrigation and melioration, Karakalpak branch of the research and design Institute "Uzdaverloyikha " of the state Committee for land management. Tashkent, 2017 16 p.
12. Khudoyberdiyev F.Sh. "Development of methods of pasture improvement, creation of new pastures and effective use of pastures". Bulletin of the Khorezm Academy of Sciences 2019 - number 2-15 pages.

УЎК:633.511;631.521:58.572.

## ЎЗА НАВ ВА ТИЗМАЛАРИ ТОЛА ЧИҚИШИГА ЮҚОРИ ҲАРОРАТНИНГ ТАЪСИРИ

*А.М. Мурадуллаев, PhD, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

*С. Рахмонкулов, б.ф.д., проф, акад., ПСУЕАИТИ, Тошкент*

*А.М. Исламов, ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

*Ш.Э. Абдурасулов, ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

*П.Ю. Хўжаев, ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада турли юқори ҳаво ҳарорати (+25-30<sup>0</sup>С) назорат I-вариант, II-вариант (+30-35<sup>0</sup>С), III-вариант (+45-50<sup>0</sup>С) бўлган шароитларида вегетацион тажрибалар асосида ўза нав ва тизмаларининг тола чиқимига юқори ҳаво ҳароратнинг таъсири тўғрисида маълумот таҳлиллари келтирилган. Юқори ҳарорат (+35-45<sup>0</sup>С) шароитида Бухоро-102, Истиклол-14, Сурхон-14 навлари, Л-02 тизмасининг тола чиқимига юқори ҳароратнинг таъсири кам бўлиб ушбу навларни юқори сифатли тола берадиган селекцион навларни яратишида бошлангич ашё сифатида тавсия этилган.

**Калим сўзлар:** тола, юқори ҳарорат, экстремал ҳарорат, тизма, нав, нисбий намлик, ҳосил тўплаш, хомашё

**Аннотация.** В данной статье представлен анализ данных о влиянии высокой температуры воздуха на выход волокон сортов и линий хлопчатника на основе вегетационных экспериментов в условиях, в которых контролируются различные высокие температуры воздуха (+25-3<sup>0</sup>0 С) I-вариант, II-вариант (+30-35<sup>0</sup> С), III-вариант (+45-5<sup>0</sup>0 С). В условиях высоких температур (+35-45<sup>0</sup>С) сорта Бухоро-102, Истиклол-14, Сурхон-14, низкотемпературное воздействие линий Л-02 на выход волокна рекомендуется в качестве исходного материала для создания селекционных сортов с высокими качествами волокна.

**Ключевые слова:** волокно, высокая температура, экстремальная температура, линия, разновидность, относительная влажность, урожайность, сырьё.

**Abstract.** In the article, based on vegetative experiments under conditions of control of various high air temperatures (+ 25-30<sup>0</sup>С), control option I, option II (+ 30-35<sup>0</sup>С), option III (+ 45-50<sup>0</sup>С). analyzes of the effect of air temperature are given. The varieties Bukhara-102, Istiklol-14, Surkhan-14, L-02 have little effect on the yield of fiber at high temperatures (+ 35-45<sup>0</sup>С) and are recommended as a starting material for creating breeding varieties that provide high-quality fiber.

**Key words:** fiber, high temperature, extreme temperature, lines, variety, relative humidity, yield, raw materials.

Бугунги кунда жаҳонда қишлоқ хўжалиги атмосферага энг кўп иссиқхона газларини чиқарувчи тармоқлардан бири бўлиб, 2030 йилгача глобал ҳаво ҳароратининг +2<sup>0</sup>С гача кўтарилишини олдини олиш мақсадида аграр тармоқда сув ва сув ресурсларидан фойдаланишни оптималлаштириш лозимлиги таъкидланмоқда



Инсон фаолияти натижасида ажралиб чиқаётган иссиқхона газлари иссиқликни атмосферада сақланиб қолишига, глобал иссиқсизга сабаб бўлиб, иқлимнинг ўзгариши эса ёгингарчиликка, қурғоқчиликка ҳамда касаллик ва зараркунандаларнинг географик кенг тарқалишига олиб келиб, барқарор ривожланиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Бундай салбий таъсирларни олдини олишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини чуқурлаштириш ҳамда йўқотилаётган ҳосилни сақлаб қолиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўза жаҳон иқтисодиётида ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини хомашё билан таъминлайдиган муҳим техник экин ҳисобланади. Иқтисодиёт талаби даражасидаги маҳсулот етиштириш учун эса ҳосилни йўқотилишига сабаб бўлмайдиган мақбул ҳарорат талаб этилади. Экстремал ҳарорат ўсимликнинг физиологик-биокимёвий фаолиятига салбий таъсир этиб, ҳосилни ва унинг сифатини маълум даражада пасайишига олиб келади. Ҳаво ҳароратининг ўзгариши, ўзанинг ҳосил тўплаш даврида ҳароратнинг  $+40^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган кунлар сонининг ортиши ва ҳосилдорлик ҳамда сифат кўрсаткичларига жиддий зарар етказиши ушбу йўналишдаги илмий тадқиқот ишларини мукамаллаштиришни, ўзанинг юқори ҳароратга чидамлик белгиларига эга бўлган маданий ва рудерал шаклларини физиологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганган ҳолда селекцион изланишларга жалб қилишни тақозо этади.

Маълумки пахта толаси, тола чиқими, тола узунлиги ва чигитининг сифати ва салмоғи хомашё сифатига, бу кўрсаткич эса ўз навбатида ҳудудларнинг табиий шароитларига, ҳаво ҳарорати ва бошқа омилларга боғлиқдир. Тола чиқми чигитдаги толаларнинг миқдори ва вазнига боғлиқ бўлиб, ўзанинг ҳар хил турли шаклларида тола чиқими турлича бўлиб, 12% - 14% дан 43-44% гача бўлиши мумкин [1;2].

Айрим тадқиқотчилар изланишларида таъкидланишича, юқори ҳарорат таъсирида ҳосилдорликнинг пасайиши асосан кўсак биомассасининг камайишига ва уруғ сонига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида чангланиш самараси пасайиши билан изоҳланган [3]

R.Ekinci et.al. (2017) маълумотларида юқори ҳароратнинг интенсивлиги ва давомийлигига боғлиқ равишда ўсимлик кўсакдаги уруғига, кўсак вазнига, кўсак ривожланиш давридаги тола узунлигига таъсири ўрганилган [4].

W.Pettigrew (2016) нинг келтирган маълумотларга кўра, ўзада тола чиқими ва тола сифати билан боғлиқ кўрсаткичларга юқори ҳарорат салбий таъсир кўрсатади. Бунга асосан тола ҳужайраси деворида фотосинтомлар мавжуд бўлиб, у ҳарорат ўзгарувчанлигига юқори сезувчан эканлигини таъкидлайди [5].

D.Loka, D.Oosterhuis (2010) ларнинг изланишларида юқори ҳарорат одатда целлюлоза синтези жараёнига таъсир кўрсатади, бу эса ўз навбатида тола узайишига ва пишиқлигига салбий таъсир қилиб, тола чиқими ва сифати пасайишига олиб келганлигини маълум қилади. [6].

Бундан ташқари юқори ҳароратнинг қимматли-хўжалик белгиларига таъсирини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқот ишларини D.V.Lobell [7], W.Pettigrew (2016) [9], D.Loka (2010) [8], юқори ҳаво ҳарорати ва ўза ҳосилдорлиги ўртасида кучли салбий корреляция борлиги аниқлаганлар.

А.И.Шлейхер ва Э.Т.Шайховларнинг илмий маълумотларига кўра, ўза ўсимлиги ўсиб, ривожлана олиши мумкин бўладиган юқори ҳаво ҳарорати ( $+35-37^{\circ}\text{C}$ ) тенг эканлиги қайд этганлар. Ўза кўсак тугиш даврида ҳаво ҳароратининг  $+36^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилиши кўсакдаги чигит ва толанинг ривожланишини тезлаштиради. Шунга кўра, энг юқори ҳаво ҳарорати  $+37^{\circ}\text{C}$  деб ҳисоблаш керак. Ҳароратнинг  $+37^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлиб кетиши ўза тўқималарини киздириб юборади,  $+40^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори ҳаво ҳарорати ўза ўсимлигига салбий таъсир қилади. Ўта юқори ҳаво ҳарорати ўзанинг озикланиш шароитини сусайтириб, тола чиқиш фоизини камайтиради, тола узунлигини салбий қисқартириб, унинг сифатини ёмонлаштирганлигини таъкидлаб ўтганлар [10].

Y.Volek (2010) нинг илмий изланишларида ўза ўсимлигининг нафақат иссиқ ҳарорат стрессига балки паст ҳароратли стрессга таъсирини ҳам ўрганиш муҳим ҳисобланади. *G.hirsutum* L., *G.barbadense* L. ва *G.herbaceum* L. турларининг 106 та генотипини ўрганиб, *G.barbadense* L. турини бошқа турларга нисбатан юқори чидамликка эга эканлигини аниқлаган [11].

G.M.Paulsenнинг илмий изланишларида келтирилган маълумотларга кўра, юқори ҳароратнинг ультратовуш таъсирини ўрганиш кўплаб фотосинтетик реакцияларнинг ҳаддан ташқари сезгирлиги туфайли хлоропластларда тўпланган тилокоид мембранасининг ион

ўтказувчанлиги ва рибулоза -1,5 бифосфаткарбоксилаза кўпайиши оксигеназанинг фаоллигини сусайтиради ва фотосинтез жараёнига салбий таъсир кўрсатиши аниқланган [12].

Тадқиқот манбаларида қайд этилишича ғўза ўсимлигининг соф ҳолдаги фотосинтез жадаллиги учун мақбул бўлган ҳаво ҳарорати +28°C га тенг бўлганлиги таъкидланган [14].

C.W.Bednarz ва M.W.Iersal ларнинг илмий изланишларида соф ҳолдаги фотосинтез жадаллиги ҳаво ҳарорати юқорига кўтарилиши билан пасайиб борганлигини нафас олиш жадаллиги эса юқорига кўтарилганлигини таъкидлаганлар [15].

R.D.Law ва S.J.Crafts-Brander ларнинг изланишларида фотосинтез жараёнининг ҳарорат билан боғлиқ бўлган томонларини ўрганиб, иссиқлик стресси CO<sub>2</sub> алмашинув тезлигини ингибрати ва бу асосан рибулоза фаоллиги сусайиши билан ифодаланганлигини кўрсатиб ўтганлар [16].

L.M.Arevalo, D.M.Oosterhuis ва бошқаларнинг тадқиқотларидан олинган маълумотларга кўра, кечки юқори ҳароратда ўстирилган ғўза ўсимлиги қоронғида нафас олиш даражаси сезиларли даражада ошганлигини ва кейинги куни фотосинтез фаоллиги пасайганлигини аниқлаганлар [13].

A.R.Reddy нинг илмий изланишларида ўсимликларнинг стресс омилларга жавоб реакцияси турли механизмлар зарарланган мембрана ва оксилларни қайта тиклашга ички муқобил гомеостазни ҳимоя қилишга қаратилган молекуляр система орқали бошқарилиши қай этилган [17].

Юқори ҳарорат ва сув танқислиги биргаликда, ўзи алоҳида таъсир кўрсатадиган омиллардан ташқари кўшимча эффектни намоён қилади ва салбий таъсирини кучайтиради. Транскриптом анализ изланишлари ёрдамида стресс индивидуал таъсири билан таққослаганда қурғоқчилик ва юқори ҳарорат стресси жараёнида транскрипторлар, кислород ажратувчи фаол ферментлар ва HSP ферментлари фаоллиги ошганлиги кузатишга [18].

#### Тадқиқот услуби ва материали

Тадқиқот материали сифатида ўрта толали *G.hirsutum* L турига мансуб Султон, Истиклол-14, Бухоро-102, ҳамда ингичка толали *G.barbadense* L. турига мансуб Сурхон-14 навлари, ёввойи турлар иштирокида олинган Л-01 (*G.hirsutum* L. x *G.klotzshianum* Anderss), Л-02 (*G.hirsutum* L. x *G. Stursianum* Müll.) тизмалари олинди.

#### Эксперимент ўтказилган жойи шароити

Тажрибалар Ўзбекистон пахта селекцияси ва уруғчилиги, етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг “Фитотрон” иссиқхона мажмуасида Вагнер идишларида олиб борилди. “Фитотрон” иссиқхона мажмуасининг вегетацион майдончасида ҳаво ҳарорати +25-30°C (I-назорат варианты), махсус боксларида юқори ҳарорат +40-45°C (II-вариант) ҳамда, ўта юқори ҳарорат +45-52°C (III-вариант) шароитларда олиб борилган. Тажирибалар учун керак бўлган тупроқ таркибида ҳаракатчан нитрат азоти-1,025 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 10,4 мг/кг, алмашинувчи калий элементлари миқдори-3,28 мг/кг, ни ташкил этганлиги аниқланиб, тупроқнинг тўлиқ нам сиғими (ТНС) белгилаб олинди.

Вагнер идишларига солинадиган субстратларнинг таркиби –22 кг типик бўз тупроққа ўғитлардан фосфор ва калийнинг (P<sub>2</sub>O<sub>5</sub>-4 г, K<sub>2</sub>O-2,0 г, N-5г) йиллик меъёри аралаштирилган ҳолда солинди. Азотли ўғитлар ўсимликларнинг ўсув даврида: –2-4 чинбарг чиқарганда 1,0 г, шоналашда 2,0 г, гуллаш даврида 2,0 г 0,5 литр сувга эритиб озиклантирилди (2.1-жадвалга қаранг). Ҳар бир ўрганилган нав ва тизмалар экилган идишлар тарозига тортилиб, ҳақиқий тупроқ оғирлиги аниқланиб, бир хил агрофонда парвариш қилинди ҳамда, сув куйиш тартиби ҳам бир хил бўлиб, тупроқнинг (Т.Н.С.) га нисбатан 60-70% атрофида бўлиши таъминланди. Ҳаво ҳарорати М-16 Ан маркали термографда; ҳаво нисбий намлиги М-21 Ан маркали гигрограф ёрдамида, тупроқ ҳарорати эса махсус термометр ёрдамида аниқланиб борилди. Ушбу махсус боксларда ғўза нав ва тизмаларининг ҳар бир туп ўсимликдаги ҳосил пишиб етилгандан сўнг 2-3 ярусдаги ҳосил шохларидан алоҳида териб олинди ва лаборатория шароитда чигитли пахта хом ошёси ҳамда ажратиб олинган тола алоҳида аналитик тарозидан тортиб олинди ҳар бир навнинг тола чиқми аниқланиб андоза вариантга нисбатан таққосланиб ўрганилди.

1-жадвал

Вагнер идишларига солинган маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри ва ўғит солиш муддатлари

Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри, г/идиш			Ўғит солиш муддатлари, г/идиш							
			Идишларга тупроқ тўлдирилаётганда		2-4 чинбарг	Шоналаш	Гуллаш	Маъданли ўғитларнинг йиллик меъёри, г/идиш		
N	P	K	P	K	N	N	N	N	P	K
5	4	2	4	2	1	2	2	5	4	2



1-расм. Юқори ҳаво ҳарорати (+45-50<sup>0</sup>C) шароитидаги тадқиқот объекти



2-расм. Вегетацион майдондаги тадқиқот объекти ҳаво ҳарорати (+25+30<sup>0</sup>C)

**Тадқиқот натижалари**

Илмий изланишлар (2016, 2017, 2018 й.й) давомида дала ва вегетацион тажрибалар асосида ғўза нав ва тизмалардаги тола чиқими тўғрисидаги ўртача олинган маълумотлар таҳлил қилинганда табиий дала шароитда ҳаво ҳарорати +24-32<sup>0</sup>C да етиштирилган ғўза нав ва тизмаларидаги тола чиқими 33,6% дан 37,4,% ораликда бўлганлиги кузатилиб, энг юқори белги кўрсаткич Л-02 (*G.hirsutum* L. x *G. Stursianum* Müll) тизмасида қайд этилди. Ушбу тизманинг тола чиқими 38,3% га тенг эканлиги аниқланган. Ғўза навлари Истиклол-14, Сурхон-14, Султон, Бухоро-102 навларида тола чиқими мос равишда 37,5 %; 37,4%; 36%; 36,1 % ларда тенг бўлганлиги аниқланиб, ғўза навларидан ижобий белги кўрсаткичи Истиклол-14 ва Сурхон-14 навларида қайд этилди, ушбу навларнинг тола чиқими Истиклол-14 (37,4%), Сурхон-14 (37,4%) ни ташкил этди.

2-жадвал

Ғўза нав ва тизмаларида тола чиқими, % (вегетацион тажриба)

Нав ва тизмалар	Тола чиқими, %			
	$\bar{x} \pm S \bar{x}$	limit	V %	Назоратдан фарқи
1	2	3	4	
I-вариант вегетацион тажриба ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги +25-35 <sup>0</sup> C, 62,8%				
Сурхон-14	34,1±0,1	33,9-34,6	0,3	
Истиклол-14	35,7±0,1	35,4-36,0	0,2	
Султон	35,6± 0,2	34,9-36,2	0,5	
Бухоро-102	35,9±0,1	35,4-36,2	0,3	
Л-01	33,9 ± 0,6	33,8-34,1	0,1	
Л-02	38,2 ±0,6	38,1-38,4	0,3	
НСР <sub>(05)</sub> 0,48	X=ўрт 35,3			
II- вариант вегетацион тажриба юқори ҳарорат шароитида ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги +40-45 <sup>0</sup> C, 50,5%				
Сурхон-14	33,1±0,1	32,9-33,4	0,2	-1,0
Истиклол-14	35,0± 0,8	34,8-35,2	0,1	-0,7
Султон	34,2±0,2	33,7-34,9	0,5	-2,4
Бухоро-102	35,6±0,2	34,9-35,6	0,9	-0,3
Л-01	33,2±0,2	32,8-33,7	0,4	-0,7
Л-02	37,0±0,6	36,9-37,2	0,1	-1,2
НСР <sub>(05)</sub> 0,96	X=ўрт 34,6			
III-вариант ўта юқори ҳарорат шароитида ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги, +45-50 <sup>0</sup> C, 47,2%				
Сурхон-14	33,1±0,2	32,7-33,9	0,5	-1,0
Истиклол-14	35,0± 0,1	34,9-35,4	0,2	-0,7
Султон	32,2±0,2	31,8-32,8	0,4	-2,0
Бухоро-102	34,1±0,2	33,8-34,9	0,6	-1,8
Л-01	31,0±0,3	30,2-32,0	0,7	-2,9
Л-02	37,0±0,04	36,9-37,1	0,08	-1,2
НСР <sub>(05)</sub> 0,69	X=ўрт 33,8			

Вегетацион тажрибанинг I-вариантида ҳаво ҳарорати (+25-35<sup>0</sup>C назорат вариант) бўлган шароитда ғўза нав ва тизмаларидаги тола чиқими таҳлилига кўра 34,1 % - 38,2 % ораликда бўлиб, энг юқори белги кўрсаткич Л-02 (*G.hirsutum* L. x *G. Stursianum* Müll) тизмасида қайд



этилди, ушбу тизманинг тола чиқими 38,2% ни ташкил этди. Бошқа навларда ҳам тола чиқими юқори ҳаво ҳарорати шароитларида навларнинг биологик хусусиятларига кўра пасайиб борганлигини ва вегетацион тажрибалардаги маълумот кўрсаткичлари дала шароитидаги маълумот кўрсаткичларига навлар кесмида яқин бўлганлигининг тасдиғи жадвал маълумотларида акс этган. Вегетацион тажрибанинг II-вариантида ҳаво ҳарорати (+35-45°C) шароитида ғўза нав ва тизмаларида тола чиқими (33,1-37,0%) ораликда шаклланганлиги кузатилиб, энг ижобий белги кўрсаткич Л-02 (*G. hirsutum* L. х *G. Stursianum* Müll) тизмасида қайд этилди. Ушбу тизманинг тола чиқими 37,0% тенг эканлиги аниқланди Истиқлол-14, Бухоро-102 навларида тола чиқими мос равишда 35,0; 36,0% га тенг бўлиб, ушбу навларда назорат вариантга нисбатан 0,3; 0,7 % га тола чиқими кам бўлиб, бошқа навларга нисбатан ижобий эканлигини кўрсатди. Тажрибанинг III вариантыда ўта юқори ҳаво ҳарорати (+45-50°C) шароитида ғўза нав ва тизмалардаги тола чиқими уларнинг биологик хусусиятларига кўра пасайиб борганлигини кузатиш мумкин, уларнинг тола чиқими 33,1% дан, 37,0 % гача ораликда бўлиб, юқори кўрсаткич Истиқлол-14, Сурхон-14, Бухоро-102 навлари ҳамда Л-02 тизмасида қайд этилди. Ушбу навларнинг тола чиқими назорат вариантга нисбатан мос равишда 0,7; 1,0; 1,8; 1,2 % га, камайиб борганлиги маълум бўлди (2-жадвал).

### Хулоса

Тажрибалар натижасида куйидаги хулосага келиш мумкин, Истиқлол-14, Сурхон-14 навлари, Л-02 тизмасининг тола чиқими юқори ҳароратнинг таъсири кам бўлиб, ушбу нав ва тизмаларнинг юқори ҳарорат таъсирида репродуктив чангланиш самарадорлиги, уруғ сони юқори бўлганлиги ҳамда целлюлоза синтези жараёнига таъсири нисбатан кам эканлиги билан изохлаш мумкин. Ушбу ғўза навлари ва тизмасидан сифатли тола берадиган навларни яратишда бошланғич ашё сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эгамбердиев А.Э., Ибрагимов Ш.И., Амантурдиев А.Б. Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва биологияси. // Т: Фан, 2009.-Б. 52-53 1982. – 280
2. Endrizzi J.E., Turcotte E.L., Kohel R. Genetics, cytology and evolution of *Gossypium*. // Advances in Genetics. - 1985, № 23. -P.271-375
3. Snider J.L., Oosterhuis D.M., Kawakami E.M. Genotypic differences in thermotolerance are dependent upon prestress capacity for antioxidant protection of the photosynthetic apparatus in *Gossypiumhirsutum*. *PhysiologiaPlantarum*. 2010.-V.-138 (3). -P. 268-277.
4. Hadiarto T, Tran L-SP. Progress studies of drought-responsive genes in rice. // *Plant Cell Reports*. 2011.-V.-30(3).-P. 297-310.
5. Pettigrew W. Cultivar variation in cotton photosynthetic performance under different temperature regimes. // *Photosynthetica*.
6. Loka D., Oosterhuis D. Effect of high night temperatures on cotton respiration, ATP levels and carbohydrate content. // *Environmental and Experimental Botany*. 2010.-V.-68(3).-P. 258-263.
7. Lobell D.B and Asner G.P. Climate and management contributions to recent trends in US agricultural yields *Science*. 2003.-V.-. 299.-1032.-p
8. Loka D., Oosterhuis D. Effect of high night temperatures on cotton respiration, ATP levels and carbohydrate content. // *Environmental and Experimental Botany*. 2010.-V.-68(3).-P. 258-263.
9. Pettigrew W. Cultivar variation in cotton photosynthetic performance under different temperature regimes. // *Photosynthetica*. 2016.-V.-54(4).-P. 502-507.
10. Шлейхер А.И., Шайхов Э.Т. ва бошқалар. Пахтачилик. –Тошкент, 1978. - Б. 94-95.
11. Bolek Y. Genetic variability among cotton genotypes for cold tolerance // *Field Crops Research*. 2010.-V.-119(1).-P. 59-67.
12. Paulsen G.M. High temperature responses of crop plants. In ‘‘Physiology and Determination of Crop Yield’’ (K.J. Boote, J.M. Bennett, T.R. Sinclair and G.M. Paulsen. Eds.). // *American Society of Agronomy, Madison, WI*. 1994.-P. 365–389.
13. Arevalo L.M., Oosterhuis D.M., Coker D.L. and Brown R.S. Effect of night temperature on plant growth, boll development and yield. In ‘‘Proceeding of the Beltwide Cotton Conferences’’ (D.A. Richter. Ed.) // *National Cotton Council America, Memphis, TN*. 2004.-1972p.
14. Reddy K.R., Hodges H.F. and McKinion J.M. Cotton crop responses to a changing environment. In ‘‘Climate Change and Agriculture: Analysis of Potential International Impacts’’ (C. Rosenzweig, J.T. Ritchie, J.W. Jones, G.Y. Tsuji and P. Hilderbrand. Eds.), *ASA Spec. Madison, WI*. 1995 b.- Publ. No.59.-P. 3–30.
15. Bednarz C.W. and Iersal M.W. Temperature response of whole-plant CO<sub>2</sub> exchange rate of four Upland cotton cultivars of varying leaf shape and leaf pubescence. *Commun. // Soil Sci. Plant Anal.* 2001. –V.-32.-P. 2485–2501.
16. Law R.D., and Crafts-Brandner S.J. Inhibition and acclimation of photosynthesis to heat stress is closely correlated with activation of ribulose-1,5-bisphosphate carboxylase oxygenase. // *Plant Physiol*. 1999.-V.- 120.-P. 173–181.
17. Reddy AR, Chaitanya KV, Vivekanandan M. Drought-induced responses of photosynthesis and antioxidant metabolism in higher plants. // *Journal of Plant Physiology*. 2004.-V.-161(11). -P. 1189-1202.
18. Grigorova B et al. Expression of selected heat shock proteins after individually applied and combined drought and heat stress. // *Acta Physiologiae Plantarum*. 2011.-V.-33 (5).-P. 2041-2049.



УЎТ: 633.511:575.127.2

## ИНТРОГРЕССИВ ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИ ИШТИРОКИДА ЧАТИШТИРИБ ОЛИНГАН F<sub>1</sub>-F<sub>4</sub> ДУРАГАЙЛАРИДА ТОЛА УЗУНЛИГИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Ш.Э. Намазов, к/х.ф.д., проф., ПСУЕАИТИ илмий тадқиқот институти, Тошкент  
С.К. Матёкубов, к/х.ф.ф.д., ПСУЕАИТИ илмий тадқиқот институти, Тошкент

**Аннотация.** Мақолада интрогрессив тизмаларни чапиштиришдан олинган F<sub>1</sub>-F<sub>4</sub> дурагайларининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** Ғўза, дурагай, тола узунлиги, фенотип, генотип, ирсийланиш, ўзгарувчанлик, гетерозис, салбий ирсийланиш, оралиқ ирсийланиш, ижобий ирсийланиш.

**Аннотация.** В статье представлены результаты научного исследования наследственности и изменчивости гибридов F<sub>1</sub>-F<sub>4</sub>, полученных от скрещивания интрогрессивных гребней.

**Ключевые слова:** хлопок, гибрид, длина волокна, фенотип, генотип, наследственность, изменчивость, гетерозис, отрицательное наследование, промежуточное наследование, положительное наследование

**Abstract.** The article presents the results of a scientific study on the heredity and variability of F<sub>1</sub>-F<sub>4</sub> hybrids obtained from crossbreeding of introgressive ridges.

**Keywords:** Cotton, hybrid, fiber length, phenotype, genotype, heredity, variability, heterosis, negative inheritance, intermediate inheritance, positive inheritance

**Кириш.** Бугунги кунда пахта етиштирувчи давлатларда мавжуд ғўза генофондидан фойдаланиш асосида пахтачиликни ривожлантириш, хусусан ҳосилдорликни ошириш ва тола сифатини яхшилашга доир илмий изланишлар долзарблигини йўқотмаган. «Маълумки, дунёдаги пахта етиштирувчи давлатлар 100 дан ортиқ бўлиб»[7], тола ҳосили бўйича юқори ўринларни Австралия (2,3 т/га), Бразилия (1,76 т./га) ва Хитой (1,72 т./га) каби давлатлар эгаллаб, Ўзбекистонда эса, тола ҳосилдорлиги 0,75 т./га ташкил этади [8]. Бу эса, республикамиз генофондидаги ёввойи ғўза намуналарини жалб этиш орқали хўжалик учун қимматли белгилар бўйича ноёб донорларни аниқлаш ва уларни селекция жараёнига жалб этиш борасидаги тадқиқотларни кучайтиришни талаб этади.

Республикамиздаги ғўза генофондида ноёб белги ва хусусиятларга эга бўлган кўплаб ёввойи турларга мансуб намуналар мавжуд. Масалан, диплоид ғўза турлари *G.thurberi* Tod. вертициллёз вилтга ва гоммозга, гуллаш ва етилиш даврида қурғоқчиликка, *G.davidsonii* Kell., *G.raimondii* Ulbr., *G.klotzschianum* Anders., санчиб-сўрувчи зараркундаларга, *G.trilobum* Skovsted, *G.thurberi* Tod., *G.sturtianum* Will. - паст ҳароратга чидамлилик каби хусусиятларига эга бошланғич ашёлардан ҳисобланади. Ушбу турларга хос ноёб белгиларни амалий селекция жараёнига жалб этиш ҳамда уларни дурагайларда ирсийланиш, ўзгарувчанлик ва шаклланиш қонуниятларини аниқлаш борасида кўплаб изланишлар олиб борилмоқда.

Турлараро чапиштириб олинган F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларда тола узунлиги ва тола чиқими бўйича кенг трансгрессив ўзгарувчанлик юз бериши ҳамда ушбу белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган рекомбинантларни танлаш имконияти ошиши мумкинлигини қайд этиб ўтилган [3].

Кўпчилик тадқиқотчилар томонидан турлараро дурагайлаш асосида ёввойи ғўза турларидаги ноёб белги-хусусиятларни маданий навларга ўтказиш ва генетик жиҳатдан бойитилган, ҳосилдор, тезпишар, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда турли ноқулай шароитларга чидамли бўлган бошланғич ашёлар ажратиш олиш ва улардан амалий селекция жараёнларида фойдаланиш, қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуига эга янги навлар яратиш имкониятини ошириш мумкинлиги исботлаб берилган, шу жумладан кўпчилик ўзбек олимлари ҳам қимматли хўжалик белгилари бўйича ўз изланишларини олиб боришган.[1,4,6].

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ПСУЕАИТИ нинг “Ғўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида турли йилларда яратилган ўрта толали ғўзанинг Султон нави, Т-4672-73/16, Т-4674-77/16, Т-4679-81/16, Т-4684-86/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16, Т-158/16, Т-200/16, Т-МВГ/16, Т-58/16, Т-1979/16, Т-175/248/16, Т-12/06/16, Т-4747-48/16, Т-БСГ/16, Т-588/16 интрогрессив тизмалари ҳамда андоза нав сифатида ўрта толали ғўзанинг С-6524 навидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Генетик-селекцион тадқиқотларда «Дала тажрибаларни ўтказиш услублари», топкросс услуби С.П.Яковлев, Б.Н.Болдырихина (1979) да, доминантлик даражаси М.С.Вейл, Е.Р.Аткинс [5] ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича, ҳамда Б.А.Доспехов [2] услубида статистик кўрсаткичларнинг катта ва кичик танланмаларида ишловдан ўтказилган.

**F<sub>1</sub>-F<sub>4</sub> дурагайларда тола узунлигининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги**

Комбинация	F <sub>1</sub> дурагай			F <sub>2</sub> дурагай		F <sub>3</sub> дурагай		F <sub>4</sub> дурагай	
	M±m	V%	hp	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%
T-4672-73/16 х Султон	35,9±0,50	5,43	2,8	34,9±0,60	8,62	34,5±0,46	5,07	35,2±0,41	5,00
T-4674-77/16 х Султон	34,8±0,43	7,11	2,6	34,3±0,63	9,15	35,4±0,35	3,75	35,0±0,25	2,85
T-4679-81/16 х Султон	33,9±0,24	4,21	-1,4	31,9±0,34	5,20	33,9±0,24	2,75	33,6±0,28	3,05
T-4684-86/16 х Султон	33,8±0,55	5,35	-3,0	33,4±0,35	5,44	33,7±0,42	4,71	34,0±0,62	6,81
T-138/16 х Султон	34,6±0,41	6,13	1,0	33,2±0,40	6,06	34,2±0,42	4,62	34,6±0,40	4,41
T-470/1/16 х Султон	34,0±0,48	6,13	-1,0	33,7±0,44	6,61	34±0,31	3,41	33,8±0,21	3,05
T-95/16 х Султон	33,7±0,27	5,78	-7,0	32,7±0,37	5,84	33,7±0,46	5,19	34,1±0,26	3,10
T-158/16 х Султон	34,5±0,32	6,10	2,0	33,7±0,42	6,75	35,0±0,53	5,66	34,8±0,55	5,86
T-200/16 х Султон	33,9±0,18	2,36	-1,2	33±0,28	4,31	34,3±0,42	4,62	34,0±0,48	5,62
T-МВГ/16 х Султон	37,2±0,41	4,25	33,0	32,2±0,41	6,15	35,6±0,32	3,38	35,2±0,22	2,28
T-58/16 х Султон	35,4±0,45	5,80	3,7	33,4±0,45	6,92	35,7±0,21	2,21	36,0±0,25	2,88
T-1979/16 х Султон	35,2±0,36	5,00	13,0	33,1±0,36	5,58	34,0±0,40	4,44	34,8±0,47	4,91
T-175/248/16 х Султон	34,8±0,40	5,13	2,6	32,6±0,40	6,18	34,7±0,58	6,25	33,8±0,58	5,95
<b>T-12/06/16 х Султон</b>	<b>35,0±0,52</b>	<b>8,27</b>	<b>19,0</b>	<b>34,8±0,52</b>	<b>7,48</b>	<b>35,1±0,34</b>	<b>3,72</b>	<b>35,4±0,44</b>	<b>5,58</b>
T-4747-48/16 х Султон	34,6±0,47	4,78	-0,1	33,9±0,46	7,08	33,7±0,37	4,18	34,1±0,57	6,02
T-БСГ/16 х Султон	34,6±0,47	7,55	-0,6	33,6±0,40	6,17	34±0,38	4,18	34,2±0,46	5,48
T-588/16х Султон	34,6±0,44	4,76	-0,7	33,5±0,41	6,26	32,4±0,27	3,13	34,8±0,71	6,96
Андоза С-6524								33,1±0,33	3,38

Тола узунлигининг F<sub>1</sub> дурагайларида ирсийланиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида аксарият комбинацияларда белги бўйича ижобий ва салбий гетерозис юз бериши аниқланди. Яъни, 8 та комбинацияда (F<sub>1</sub>T-4672-73/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-4674-77/16 х Султон, T-158/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-МВГ/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-58/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-1979/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-175/248/16 х Султон ва F<sub>1</sub>T-12/06/16 х Султон) юқори даражадаги ижобий гетерозис, 4 та комбинацияда юқори даражадаги салбий гетерозис (F<sub>1</sub>T-4679-81/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-4684-86/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-95/16 х Султон ва F<sub>1</sub>T-200/16х Султон) 1 та дурагайда тўлиқ ижобий доминантлик (F<sub>1</sub>T-470/1/16 х Султон) ҳамда қолган дурагайларда салбий оралиқ ирсийланиш кузатилди. F<sub>1</sub> дурагайларда тола узунлигининг ўртача кўрсаткичи 33,8 мм. дан (F<sub>1</sub>T-4684-86/16 х Султон) 37,2 мм. гача (F<sub>1</sub>T-МВГ/16 х Султон) бўлгани аниқланди. Тола узунлиги бўйича F<sub>1</sub>T-МВГ/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-4672-73/16 х Султон, F<sub>1</sub>T-58/16 х Султон ва F<sub>1</sub>T-1979/16 х Султон каби комбинациялари нисбатан юқори натижа (35,0 мм.дан юқори) намоён этишди. Тола узунлигининг F<sub>2</sub> дурагайларида ирсийланиши бўйича олиб орилган тажрибалар белгининг ўртача кўрсаткичи 31,9±0,34 мм. (F<sub>2</sub>T-4679-81/16 х Султон) дан 34,9±0,60 мм. (F<sub>2</sub>T-4672-73/16 х Султон) гача бўлганини кўрсатди. Дурагайларда белгининг вариация кўрсаткичларини таҳлили асосида кенг диапазондаги ўзгарувчанликни гувоҳи бўлишимиз мумкин. Жумладан, ўзгарувчанлик даражаси 4,31 % (F<sub>2</sub>T-200/16 х Султон) дан 9,15 % (F<sub>2</sub>T-4674-77/16 х Султон) гача бўлганлиги кузатилди. Ушбу маъумотлар асосида ўрганилган интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида олинган F<sub>2</sub> дурагайларда тола узунлиги бўйича кенг ўзгарувчанлик юқори кўрсаткичга эга рекомбинантларни аниқлаш учун кўп миқдордаги ўсимликларни таҳлил қилиш зарурлигидан далолат беради. Интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида олинган F<sub>3</sub> дурагайларида тола узунлигининг ўртача кўрсаткичи 32,4±0,27 мм. (F<sub>3</sub>T-588/16 х Султон) дан 35,7±0,21 мм. (F<sub>3</sub>T-58/16 х Султон) гача бўлганини кўришимиз мумкин (5-жадвал). Тола узунлиги бўйича ўрганилган аксарият комбинациялар андоза нав сифатида олинган ўрта толали С-6524 ғўза навига (33,1±0,33) нисбатан ижобий кўрсаткичларга эга бўлди. Жумладан, F<sub>3</sub>T-МВГ/16 х Султон (35,6±0,32), F<sub>3</sub>T-58/16 х Султон (35,7±0,21), F<sub>3</sub>T-4674-77/16 х Султон (35,4±0,35) ва бошқа дурагайлар андоза навга нисбатан тола узунлиги бўйича устун бўлишди. Бироқ, айрим дурагайлар хусусан, F<sub>3</sub>T-588/16х Султон (32,4±0,27) комбинацияси андоза навга нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлганлиги аниқланди.

F<sub>4</sub> дурагайларда тола узунлигининг ирсийланиши бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдики, дурагайларнинг тола узунлиги 33,8±0,21 (F<sub>4</sub> T-470/1/16 х Султон) мм дан 35,4±0,44 (F<sub>4</sub> T-12/06/16 х Султон) мм гачалиги аниқланди. Дурагайлар андоза нав ўрта толали С-6524 ғўза навига таққослаганда (33,1±0,33) деярли барча дурагайлар андоза навга нисбатан 0,7 мм дан 2,3 мм гача толаси узун бўлганлигини кузатишимиз мумкин. Дурагайлар орасида F<sub>4</sub> T-12/06/16 х Султон, F<sub>4</sub> T-МВГ/16 х Султон ва F<sub>4</sub> T-4672-73/16 х Султон дурагайлари бошқа дурагайларга қараганда толаси узунроқ бўлди.

Шундай қилиб, изланишларимиз давомида, тола узунлигининг ирсийланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларга кўра Т-4672-73/16 х Султон, Т-4674-77/16 х Султон ва Т-12/06/16 х Султон дурагайлари йиллар давомида бир-биридан кескин фарқ қилмайдиган натижалар олинди. Жумладан, Т-4672-73/16 х Султон дурагайи  $F_1$  да  $35,9 \pm 0,50$ ,  $F_2$  да  $34,9 \pm 0,60$ ,  $F_3$  да  $34,5 \pm 0,46$  ва  $F_4$  да  $35,2 \pm 0,41$  каби натижаларга еришилган бўлса, Т-4674-77/16 х Султон дурагайи эса  $F_1$  да  $34,8 \pm 0,43$ ,  $F_2$  да  $34,3 \pm 0,63$ ,  $F_3$  да  $35,4 \pm 0,35$  ва  $F_4$  да  $35,0 \pm 0,25$  каби натижалар олинди, Т-12/06/16 х Султон дурагайида эса йиллар кесимида  $F_1$  да  $35,0 \pm 0,52$ ,  $F_2$  да  $34,8 \pm 0,52$ ,  $F_3$  да  $35,1 \pm 0,34$  ва  $F_4$  да  $35,4 \pm 0,44$  каби бир-бирига яқин натижалар олинди. Бу шундан далолат берадики, мазкур дурагайлар тола узунлиги бўйича бошланғич ашё сифатида кейинги селекцион изланишларимизда ишлатишимиз мумкин.

#### Хулоса

1. Дурагайларда йиллар давомида бир-биридан кескин фарқланувчи натижални пайдо бўлиши дурагайларни микдорий белгилар билан ирсийланиши билан бир қаторда ташқи мухит факторлари ҳам таъсир қилиши мумкин.

2. Тола узунлиги бўйича Т-4672-73/16 х Султон, Т-4674-77/16 х Султон ва Т-12/06/16 х Султон дурагайлари йиллар давомида бир-биридан кескин фарқ қилмайдиган натижалар олинди, бу дурагайлар кейинги изланишларга бошланғич ашё сифатида танлаб олинди.

3. Интрогрессив гўза тизмалари иштирокида яратилган  $F_2$ - $F_3$  дурагайлари орасидан тола узунлиги белгиларининг ижобий мажмуасига эга рекомбинантларни ажратиш имконияти юқори эканлиги тасдиқланди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоев С.Ф., Ғ.А.Муратов. Гўзанинг турлараро мураккаб дурагайлаш// Монография. Тошкент-2017. С. 126-127.
2. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта с основами статистической обработки результатов исследований. –Москва: Колос, 1985.– 416 с.
3. Матёкубов С. К., Намазов Ш. Э., Юлдашева Р. А., Ниятов Б. И.// Турлараро гўза дурагайларида тола чиқими ва тола узунлигининг ўзгарувчанлиги ва ўзаро корреляцияси.// ПАХТАСНІЛІК ВА ДОНСНІЛІК 2021 №1 (1) ISSN 2181-1903. Тошкент 2021. 56-64.б.
4. Намазов Ш.Э., Бабаев С.Г. Эффективность сложной межвидовой гибридизации в селекции хлопчатника-Ташкент:“Nishon-Noshir”, 2014. 56-179 с.
5. Beil G.M., Atkins R.E. Intermittent in quantitative characters in grain sorghum-Iowa state journal of science. – 1965.V.39.- 3 –р. 35-37.
6. Namazov Sh., Boboev S., Kholmurodova G. and y. Effectiveness of interspecific hybridization of cotton to improve some agronomic traits.//6th Meeting of the Asian Cotton Research and Development Network. -Dhaka, Bangladesh, June 18-20. - 2014. – 17-р
7. FAS/USDA, Global Market Analysis, 2020
8. Cotton: Tecnology for 21st Century, 2010

УЎТ: 633.511.575.127.2:631.52.527

### ИНТРОГРЕССИВ ГЎЗА ТИЗМАЛАРИДА ЭРТАПИШАРЛИКНИНГ ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

**Ш.Э. Намазов, к/х.ф.д., проф., ПСУЕАИТИ илмий тадқиқот институти, Тошкент**  
**С.К. Матёкубов, к/х.ф.д., ПСУЕАИТИ илмий тадқиқот институти, Тошкент**

**Аннотация.** Мақолада турлараро дурагайлаш орқали яратилган интрогрессив гўза тизмаларининг “униб чиқиш-50% гуллаш” ва “униб чиқиш-50% пишиш”нинг кўрсаткичини таҳлил натижалари келтирилган. Тадқиқотлар асосида, ота-она ашёлар орасида йиллар давомида Т-4679-81/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-58/16 ва Т-588/16 тизмалари бошқа ота-она шакллар орасида нисбатан эртапишарликни намоён қилди.

**Калит сўзлар:** Дурагай, генотип, “униб чиқиш-50% гуллаш”, ўзгарувчанлик, интрогрессив тизма, турлараро, хўжалик белгилар, эртапишарлик, униб чиқиш-50% пишиш”.

**Аннотация.** В статье представлены результаты анализа «всхожестъ - 50% цветение» и «всхожестъ - 50% созревание» интрогрессивных гребней хлопчатника, созданных межвидовой гибридизацией. Согласно исследованиям, гребни Т-4679-81 / 16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-58/16 и Т-588/16 были среди других родительских форм на протяжении многих лет. .. показали относительную раннюю зрелость.

**Ключевые слова:** гибрид, генотип, всхожестъ - 50% цветение, изменчивость, интрогрессивный гребень, межвидовые, хозяйственные характеристики, раннее созревание, всхожестъ - 50% созревания ».

**Abstract.** The article presents the results of the analysis of "germination-50% flowering" and "germination-50% ripening" of introgressive cotton ridges created by interspecific hybridization.



Based on research, the T-4679-81/16, T-138/16, T-470/1/16, T-58/16 and T-588/16 ridges have been among the other parent forms over the years. showed relative early maturity.

**Keywords:** Hybrid, genotype, “germination-50% flowering”, variability, introgressive ridge, interspecific, economic characteristics, early maturation, germination-50% maturation”.

Жаҳоннинг пахта етиштирувчи давлатлари орасида Ўзбекистон энг шимолий ҳудудда жойлашганлиги сабабли, ғўзанинг тезпишар навларини яратиш борасида узлуксиз равишда изланишлар олиб бориш долзарб муаммо ҳисобланади. Шунинг учун, ғўзанинг турлараро дурагайларида тезпишарликни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тезпишарлик борасида бир қатор изланишлар амалга оширилган бўлиб, жумладан, ғўзада тезпишар селекцион ашёлар яратиш бўйича бир қатор олимлар тадқиқотлар олиб борганлар [Матёкубов С.К ва бошқ. 84-б; Халикова М. ва бошқ. 46-б; Сайдалиев Х., Холиқова М., Матякубов О. 72-74-б; Холмуродова Г.Р., Намазов Ш.Э., Юсупов А., 391-394-б; Холмуродова Г.Р ва бошқ; 99-б; Холмуродова Г.Р., Намазов Ш.Э., Бобоев С.Ғ. 86-б; Юлдашева Р ва бошқ 73-б; Сайдалиев Х. Ва бошқ. 29-с.]. Тезпишарлик мураккаб генларга боғлиқ эканлиги, уни белгиловчи даврларнинг узунлиги турли даражада ўзгарувчанлиги, тезпишарлик биринчи ҳосил шохининг жойлашиши, кўсақлар сони ва бир кўсақдаги пахта хом-ашёси вазни ва бошқа белгилар билан бир қаторда ташқи муҳит ва агротехник омилларга (ҳарорат, кун узунлиги, ўғит ва суғориш меъёри) ҳам боғлиқлиги аниқланган.

**Тадқиқот объекти ва услуги;** Тадқиқот объекти сифатида ПСУЕАИТИ нинг “Ќўза генетикаси ва цитологияси” лабораториясида турли йилларда яратилган ўрта толали ғўзанинг Жарқўрғон нави ҳамда Т-4672-73/16, Т-4674-77/16, Т-4679-81/16, Т-4684-86/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-95/16, Т-158/16, Т-200/16, Т-МВГ/16, Т-58/16, Т-1979/16, Т-175/248/16, Т-12/06/16, Т-4747-48/16, Т-БСГ/16 ва Т-588/16 интрогрессив тизмаларидан фойдаланилган. Тадқиқотлар асосида олинган натижалар Б.А.Доспехов (1985) услугида статистик кўрсаткичларнинг катта ва кичик танланмаларида ишловдан ўтказилган.

Тадқиқотларимизда ота-она ашёларини “**униб чиқиш-50% гуллаш**” бўйича белгиси бўйича таҳлил қилдик. 2017 йилда олинган натижаларга кўра, бошланғич ашёларнинг “**униб чиқиш-50% гуллаш**” бўйича ўртача кўрсаткичи 53,5 кундан 57 кунгача бўлиб, Т-470/1/16, Т-4747-48/16 ва Т-588/16 тизмаларининг бошқа дурагайларга нисбатан энг эрта гуллаганлиги, Т-4679-81/16 тизмаси эса нисбатан кеч гуллаганлиги аниқланди (1-жадвал).

Ота она ашёлари андоза ўрта толали С-6524 навиға таққослаганда (55 кун) аксарият дурагайлар андоза наждан 0,5 кундан 1,5 кунгача эртароқ гуллаганлигини кўришимиз мумкин, шу билан бирға айрим ота оналик шакллари 0,5 кундан 2 кунгача кечроқ гуллаганини кўришимиз мумкин.

**2018 йил** натижаларига кўра, униб чиқиш-50% гуллаш кўрсаткичи бўйича ўрганилган тизмалар орасидан Т-470/1/16 тизмаси 55,5 кунда гуллаб ажратиб олинган тизмалар ва навларға нисбатан эрта гуллаганлиги, андоза С-6524 (59,2 кун) навидан 3,7 кунға белги бўйича устунлиги кузатилди (1-жадвал). Юқорида қайд этилган комбинацияларда вегетация даврининг дастлабки босқичи-ниҳол униб чиқишидан 50% гуллашганча бўлган даврда эрта гуллаб, ижобий натижани кўрсатди. Ушбу йилдаги маълумотларға кўра, энг кеч гуллаш жараёни 60 кунни ташкил этди (Жарқўрғон нави ва Т-588/16 тизмаси).

**2019 йилда** олинган натижаларға кўра, бошланғич ашёларнинг белги бўйича ўртача кўрсаткичи 59,5 кундан 63 кунгача бўлиб, Т-1979/16 тизмаларининг бошқа дурагайларға нисбатан энг эрта гуллаганлиги, Т-95/16 тизмаси эса нисбатан кеч гуллаганлиги аниқланди. Вариацияси бўйича таҳлил қилинганда ўрганилаётган бошланғич ашёларда 0,46% (Жарқурғон) дан 2,91% (Л-1979) гача бўлгани аниқланди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки материаллар барқарорлашганидан далолат беради. Ота она ашёлари андоза ўрта толали С-6524 навиға таққослаганда (60 кун) аксарият дурагайлар андоза наждан 0,5 кундан 1,0 кунгача эртароқ гуллаганлигини кўришимиз мумкин, шу билан бирға айрим ота оналик шакллари 0,5 кундан 3 кунгача кечроқ гуллаганини кўришимиз мумкин.

**2020 йилда** олинган натижаларға кўра, бошланғич ашёларнинг белги бўйича ўртача кўрсаткичи 60 кундан 64 кунгача бўлиб, Т-470/1/16 тизмасининг бошқа тизмаларға нисбатан энг эрта гуллаганлиги, Т-МВГ/16 тизмаси эса нисбатан кеч гуллаганлиги аниқланди. Белгиларнинг ўзгарувчанлик вариацияси бўйича таҳлил қилинганда ўрганилаётган бошланғич ашёларда 1,4% (Т-4747-48/16) дан 3,1% (Т- ВСГ/16) гача бўлгани аниқланди. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки материаллар барқарорлашганидан далолат беради. Ота она ашёлари



андоза ўрта толали С-6524 навига таққослаганда (61 кун) аксарият дурагайлар андоза нав даражасида гуллаганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

№	Материал	2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил									
		Ўниб чиқиш 50% гуллаш	Ўниб чиқиш 50% пишши	Ўниб чиқиш 50% гуллаш	Ўниб чиқиш 50% пишши	Ўниб чиқиш 50% гуллаш	Ўниб чиқиш 50% пишши	Ўниб чиқиш 50% гуллаш	Ўниб чиқиш 50% пишши								
1	Ст С 65 24	55,0±0,65	1,85	110±0,54	1,09	59,2±0,2	1,07	111±0,94	2,69	60,2±0,44	2,32	119,6±1,21	3,21	61,5±0,90	3,3	115,2±1,37	2,68
2	Жарқуғрон	55,4±0,40	1,61	107,0±0,31	0,66	60,0±0,37	1,49	111,8±0,79	1,74	60,7±0,26	0,76	120,5±1,85	3,44	62,2±0,78	2,8	116,3±1,09	2,11
3	Т-4672-73/16	56,0±1,00	2,52	107±1,00	1,32	59,7±0,33	1,37	112,8±0,60	1,30	59,7±0,2	1,38	119,1±1,67	3,15	61,4±0,60	2,2	117,3±0,51	0,99
4	Т-4674-77/16	55,5±0,50	1,27	104,5±0,50	0,67	59,3±0,61	2,54	111,6±0,95	2,09	60,3±0,06	1,19	119,6±2,36	4,43	62,7±0,94	3,4	118,3±1,41	2,67
5	Т-4679-81/16	57,0±1,00	2,48	105,5±1,50	2,01	59,2±0,54	2,25	110,8±1,22	2,70	60,3±0,36	1,05	118,4±1,64	3,11	60,3±0,70	2,6	113,8±0,98	1,93
6	Т-4684-86/16	55,0±1,05	2,00	108,5±1,50	1,95	58,5±0,22	0,94	108,5±0,80	1,82	60,5±0,26	1,74	120,1±1,27	2,37	60,8±1,05	3,9	114,9±1,27	2,48
7	Т-138/16	56,5±0,50	1,25	107,0±1,00	1,32	58,2±0,31	1,29	109,6±0,76	1,70	59,9±0,29	0,86	118,7±1,31	2,48	61,4±0,70	2,6	115,4±1,09	2,13
8	Т-470/1/16	53,5±1,49	3,69	104,0±1,00	1,35	55,5±0,34	1,51	107,6±0,49	1,12	60,8±0,16	0,47	119,2±1,15	2,16	60±0,73	2,7	112,8±1,02	2,04
9	Т-95/16	54,5±0,50	1,29	105,0±2,00	2,69	59,2±0,17	0,69	109,8±1,07	2,40	63,0±1,46	4,03	119,6±2,11	3,95	61,7±0,59	2,2	116,2±1,36	2,62
10	Т-138/16	55,0±1,00	2,54	107,0±1,00	1,32	56,7±0,56	2,41	109,1±0,83	1,87	61,0±0,29	0,84	120,3±2,18	4,05	61,3±0,81	3,0	116,1±1,30	2,52
11	Т-200/16	55,0±0,50	1,28	105,0±1,00	1,35	58,2±0,60	2,53	109,1±0,40	0,90	60,0±0,56	1,63	118,5±3,51	4,20	62,9±0,70	1,6	118,8±1,19	1,41
12	Т-А/ВГ/16	56,5±1,49	3,75	106,5±0,50	0,66	58,7±0,56	2,33	110±0,63	1,41	61,1±0,39	1,70	117,2±1,39	2,66	64±0,42	1,5	120,8±0,78	1,45
13	Т-58/16	56,0±2,00	5,05	104,5±0,50	0,67	57,3±0,67	2,85	107,6±0,49	1,12	59,9±0,46	1,35	117,2±1,22	2,34	63,4±0,63	2,3	119,8±1,02	1,92
14	Т-1979/16	55,5±0,50	1,27	105,0±1,00	1,34	59,2±0,67	1,27	110,5±1,08	2,41	59,5±1	2,91	118,6±2,31	4,36	62,6±0,78	2,8	119±1,50	2,83
15	Т-175/248/16	54,5±0,50	1,29	105,5±0,50	0,67	59,7±0,42	1,73	110,8±1,62	3,58	61,5±0,5	1,41	118,8±1,71	3,22	62,1±0,61	1,4	118±2,58	3,09
16	Т-12/06/16	54,5±0,50	1,29	106,0±1,00	1,33	59,7±0,42	1,73	114,1±0,65	1,40	59,9±0,46	1,35	120,4±1,87	3,48	62,1±1,12	2,6	117,9±1,47	1,76
17	Т-4747-48/16	53,5±1,49	3,96	104,5±0,50	0,67	59,2±0,17	0,69	110,1±0,79	1,76	60,5±1	2,86	119,6±2,60	4,86	62,1±0,61	1,4	118,1±1,27	2,41
18	Т-ВГ/16	54,5±0,50	1,29	105,2±0,25	0,33	59,2±0,31	1,27	110,6±0,95	2,11	61,2±0,78	2,23	120,5±3,60	4,24	61,6±1,35	3,1	116,3±2,53	3,07
19	Т-588/16	53,5±1,49	3,96	108,5±0,5	0,65	60,0±0,26	1,05	112±1,03	2,26	60,1±0,33	0,96	117,1±2,01	2,43	61,1±0,82	1,9	115,3±1,65	2,02

Интегрессив тизмаларда ўниб чиқиш 50% гуллаш-пишиш кўрсаткичларининг ва ўзгарувчанлиги

1-жадвал

“Ўниб чиқиш-50% гуллаш” кўрсаткичи бўйича 2017 йил маълумотларига кўра ота-оналик шакллар сифатида иштирок этаётган ашёларнинг тезпишарлиги тахлил қилинганда 104 кундан 108,5 кунгачани ташкил этди (1-жадвал). Ота-оналик ашёлар орасидан Т-470/1/16, Т-58/16, Т-4674-77/16 ва Т-4747-48/16 тизмалари 104-104,5 кунга тенг тезпишарликни намоён этди. Т-588/16 ва Т-4684-86/16 тизмалари 108,5 кунда пишган бўлиб, нисбатан кечпишарликни қайд этилди.

**2018 йил** маълумотларига кўра, ота-оналик ашёлар орасидан Т-470/1/16 Т-58/16 тизмалари 107,6 кунда пишиб тезпишарликни намоён қилган бўлса, Т-12/06/16 тизмаси 114 кунни ташкил қилиб нисбатан кечпишарликни намоён қилди. Ота она ашёлари андоза ўрта толали С-6524 навига таққослаганда (111 кун) аксарият дурагайлар андоза наждан 0,5 кундан

2,5 кунгача эртароқ пишганлигини кўришимиз мумкин, шу билан бирга айрим ота оналик шакллари 0,5 кундан 3 кунгача кечроқ пишганини кўришимиз мумкин.

Тадқиқотларда ота-оналик сифатида иштирок этаётган ашёларнинг 2019 йилдаги ниҳол униб чиқишидан 50% кўсақлар очилишигача бўлган даври ўрганилганда, улар орасида энг тезпишар ашёлар сифатида Т-588/16 (117,1 кун), Т-МВГ-2/16 (117,2 кун) ва Т-58/16 (117,2 кун) тизмалари қайд этилди (1-жадвал). Уларнинг тезпишарлиги андоза С-6524 (119,6 кун) навига нисбатан тегишли равишда 2,5 ва 2,4 кунни ташкил этди. Жаркўрғон 120,5 кунда, Т-БСГ-2//16 120,5 кунда, Т-12/06/16 кунда 120,4 кунда, Т-58/16 120,3 кунда пишиб, андоза С-6524 навидан тегишли равишда 0,9; 0,9; 0,8; 0,7 кунга кечпишарликни намоён қилди.

2020 йилдаги ниҳол униб чиқишидан 50% кўсақлар очилишигача бўлган даври бўйича ота-она шакллари ўрганилганда, улар орасида энг тезпишар ашёлар сифатида Т- 470/1/16 (112,8 кун), Т-4679-81/16 (113,8 кун) ва Т-4684-86/16 (114,9 кун) тизмалари қайд этилди (1-жадвал). Уларнинг тезпишарлиги андоза С-6524 (115,2 кун) навига нисбатан тегишли равишда 0,5 кундан 2,5 кунгача эртапишарликни ташкил этди. Қолган тизмалар андозага нисбатан кеч пишиб, андоза С-6524 навидан тегишли равишда 0,5 кундан 6 кунгача кечпишарликни намоён қилди.

Тадқиқотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки йиллар давомида Т-4679-81/16, Т-138/16, Т-470/1/16, Т-58/16 ва Т-588/16 тизмалари бошқа ота-она шакллар орасида нисбатан эртапишарликни намоён қилди ва бу тизмалар эртапишар ашёлар сифатида кейинги изланишларимизга жалб қилинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Матёкубов С.К., Намазов Ш.Э., Холмуродова Г.Р., Юсупов А.Қ., Мадартов Б.К. Геномларо мураккаб дурагайларда тезпишарликнинг ирсийланиши. // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. №1 (75) 2019. Тошкент 2019. б.84

2. Сайдалиев Х., Холиқова М., Матякубов О. Турларо дурагайларда тезпишарлик белгисининг уйғунлашуви //Эволюционные и селекционные аспекты скороспелости и адаптивности хлопчатника и других сельскохозяйственных культур: Материалы международной научной конференции. – Ташкент, 2005. – С. 72-74.

3. Сайдалиев Х., Холиқова М., Ўрмонова Д., Сейтназарова Т. Ғўза генофондидан фойдаланиб яратилган тизмаларнинг тезпишарлиги. // Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман. 2015 йил 15-16 декабр. Тошкент 2015.-29 б.

4. Халиқова М., Умарова Ж., Шодиева О., Рахмонова Р Тизмаларо F<sub>1</sub>-F<sub>2</sub> дурагайларда тезпишарликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. // Ўзбекистон Республикаси Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишланади «Жаҳон андозаларига мос ғўза ва беда навларини яратиш истиқболлари» номли Республика илмий-амалий анжумани тўплами. – Тошкент, 2011. – № 31 – 46-б.

5. Холмуродова Г.Р., Намазов Ш.Э., Юсупов А. Формирование скороспелости при конвергентной гибридизации. // Матер.V-ой Международной научно-практической конф. молодых учёных аграриев”. – Астрахань, 2016. –Б.391-394.

6. Холмуродова Г.Р., Намазов Ш.Э., Зайнобиддинова Г.Б., Баратов А.И. Ғўза дурагайларида тезпишарликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги. // “Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг долзарб муаммолари ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Тошкент.2017.-99 б.

7. Холмуродова Г.Р., Намазов Ш.Э., Бобоев С.Ф. Ғўзада тезпишарлик мураккаб полиген белги. // Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман. 2015 йил 15-16 декабр. Тошкент 2015.-86 б.

8. Юлдашева Р., Намазов Ш.Э., Холмуродова Г., Юсупов А., Курбонов Ў. Тур ичи дурагайлаш орқали яратилган селекцион оилаларда тезпишарликнинг шаклланиши. // Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари. Республика илмий-амалий анжуман. 2015 йил 15-16 декабр. Тошкент 2015.-73 б.

УДК. 631

### ЭКОНОМИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ОСОБЕННОСТИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА СЕВЕРНОГО ТАДЖИКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМИРУЕМОЙ ЭКОНОМИКИ

*Ш.Т. Рахмонов, к.г.н., доц., Денауский институт предпринимательства и педагогики, Денау*

**Аннотация.** Мақолада Шимолий Тоҷикистон қишлоқ хўжалигининг бозор иқтисодиётидаги иқтисодий-географик хусусиятлари ўрганилди. Бундан ташқари Шимолий Тоҷикистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг ҳозирги ҳолатига иқтисодий-географик баҳо берилди.

**Калит сўзлар.** Иқтисодий-географик хусусиятлар, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик.

**Аннотация.** В статье обсуждено экономико-географические особенности отраслей

сельского хозяйства Северного Таджикистана на условиях трансформируемой экономики. Кроме того, дана экономико-географическая характеристика на современном состоянии развития сельского хозяйства Северного Таджикистана.

**Ключевые слова:** Экономико-географические особенности, сельского хозяйства, растениеводство, животноводство.

**Abstract.** The article discusses the economic and geographic features of the industries agriculture of Northern Tajikistan on the terms transforming economy. In addition, the economic and geographical characteristics on the current state of development of the agricultural economy Northern Tajikistan.

**Key words.** Economic and geographical features, agriculture, farming, animal husbandry.

Рост производства продукции сельского хозяйства, а также развитие его перерабатывающих отраслей способствует улучшению жизненного уровня населения, меняет саму структуру питания. При этом снижается доля углеводов - хлеба, картофеля – в покрытии энергетических потребностей населения, увеличивается потребление наиболее ценных питательных продуктов, в т.ч. молока, сметаны, сливочного масла, мяса, яиц и других.

После обретения независимости в Республики Таджикистан произошли коренные изменения в размещении сельхоз культур, направленные на максимальное удовлетворение потребностей в продовольствии, прежде всего, в зерне и сырье, для обеспечения внутреннего рынка и сбыта на экспорт. Северный Таджикистан в хозяйстве Республики Таджикистан принадлежит ведущее место. На ее долю приходится 35% валовой продукции республики[4].

Характерная особенность развития хозяйства Северного Таджикистана интеграция промышленности и сельского хозяйства. Разные виды производственных связей развиваются между дехкано-фермерским и предприятиями пищевой и легкой промышленности. Такие связи особенно тесны между хлопкоочистительными, молочными, консервными предприятиями и хозяйствами их сырьевых зон. В указанных отраслях процесс агропромышленной интеграции проходит, особенно интенсивно.

В условиях перехода к рыночному отношению наиболее рациональное использование средств производства достигается главным образом за счет правильной специализации производства.

Специализация отдельных сельскохозяйственных районов на производстве определенных видов валовой и товарной продукции в то же время определяет и территориальное размещение сельского хозяйства.

Сложившаяся специализация и размещение сельского хозяйства отражает объективные условия его развития. Это подтверждается на примере сельскохозяйственного производства Северного Таджикистана.

Спад в сельском хозяйстве также был весьма существенен в начале-середине 90-х годов: в 1996 году он составил 43,4% от уровня 1990 года. Однако, начиная с 1997 года обозначилась устойчивая тенденция роста аграрного сектора. Наибольший взлет в объемах сельскохозяйственного производства (в стоимостном выражении) пришелся на период 2007-2008 годов.

В итоге, за годы независимости возросли объемы производства большинства видов продукции сельского хозяйства. В свою очередь в период 2000-2020 годов увеличилось производство почти всех видов продукции, кроме хлопка-сырца. Наиболее значимые приросты объемов производства - по картофелю, овощам, бахчевым, плодам и ягодам. При этом в последние годы имеют место хорошие темпы роста производства яиц и мяса.

В результате, основным источником роста аграрного сектора в 2000-2020 годах было увеличение посевных площадей и урожайности под такие культуры как зерновых, картофель, овощи, плоды и ягоды, виноград, бахчевые. Причем, по этим же культурам имеет место высокий рост урожайности и за период 1990-2020 годов.

В целом, представляется, что важным условием роста производства продукции сельского хозяйства стало углубление аграрной реформы, нацеленной на расширение самостоятельности аграрных хозяйств и развитие частной инициативы в секторе. Активизация аграрной реформы началась с Указа Президента РТ о расширении прав фермеров (2007 г.). В январе 2008 г. в Земельный кодекс были внесены соответствующие изменения, расширяющие права агропроизводителей в землепользовании. За 2006-2008 годы существенно увеличилось число фермерских (дехканских) хозяйств (почти в 1,5 раза), объем продукции, произведенный в этих хозяйствах (на 85%), объем продукции, произведенный населением (на 94%). В 2008 г.



66,4% аграрной продукции Северного Таджикистана производилось населением, 26,9% - фермерскими хозяйствами, а только 6,6% - крупными сельхозпредприятиями[2, с-492].

В соответствии с природно-климатическими условиями и производственным направлением все хозяйства Северного Таджикистана можно разделить на следующие четыре зоны:

1. Хлопково-садо-животноводческая.
2. Хлопково-садоводческая с более развитым животноводством.
3. Зерново-садо-животноводческая с развивающимся хлопководством.
4. Табако-садоводческая и зерново-животноводческая.

К первой сельскохозяйственной зоне можно отнести хозяйства Канибадамского и Бабаджан Гафуровского производственных управлений. По природным экономическим условиям эти районы существенно не отличаются друг от друга. По сравнению с другими зонами Северного Таджикистана здесь более развита промышленность, что сказывается на направлении хозяйств этих районов. О специализации этой зоны можно судить по структуре товарной продукции. Хлопководство здесь занимает 53,1 %, садоводство и виноградарство 23%[4]. Из отраслей животноводства наиболее развитым является скотоводство, дающее около половины всей товарной продукции животноводства.

Во вторую зону входят Аштское и Матчинское производственные управления. Здесь более развито хлопководство, которое составляет 83% товарной продукции растениеводства. В Аштской части этой зоны более развито садоводство семечкового направления, а Матчинская часть является основным поставщиком хлопка. Сравнительно развито овцеводство.

К третьей зоне относится Истаравшанское производственное управление. По производству сельскохозяйственной продукции отличается большим удельным весом производства зерна, которое составляет 16,4% из всей продукции сельского хозяйства, 18,6 % продукции составляет садоводство, особенно виноградарство. Эта сельскохозяйственная зона поставляет примерно 60% винограда Северного Таджикистана[2].

Наконец, в четвертую сельскохозяйственную зону входит Пенджикентское производственное управление. Благоприятные природно-экономические условия позволяют возделывать табак (21,0%), а также зерновые культуры (12,6%), 16,8 % составляет продукция садоводства и виноградарства.

Из животноводства наиболее развитым является овцеводство, дающее 25,8% всей продукции сельского хозяйства.

При разбивке на определенные зоны мы исходили из природно-климатических условий, а также территориальной общности этих зон сельского хозяйства.

АПК Северного Таджикистан представляет сложную территориально-производственную систему, которая в силу специфических природных условий имеет распространение как в горизонтальном, так и в вертикальном направлении.

В пределах Северного Таджикистана, в зависимости от комплексобразующей базы развиваются специализированные АПК двух видов: растениеводческо-промышленные и животноводческо-промышленные. В основе первых лежат отрасли сельского хозяйства по выращиванию технических культур, овощей, плодов, ягод, винограда, в основе вторых - разведение крупного рогатого скота, овцеводство, свиноводства и птицеводство.

В составе регионального АПК сложился растениеводческо-промышленный комплекс, состоящий из плодоовоще-промышленного, хлопко-промышленного, виноградарского, шелко-промышленного и табачно-промышленного специализированных комплексов.

Животноводческо-промышленный комплекс состоит из мясо-промышленного, молоко-промышленного и птицеводческо-промышленного специализированных комплексов. Обе эти разновидности специализированных комплексов имеют тесные производственные связи между собой.

Сельское хозяйство-одна из ведущих отраслей народного хозяйства Северного Таджикистана. На долю Северного Таджикистана приходится 32,9% всех посевных площадей республики, в том числе 31,3% - всех посевов зерновых, 27,1% - хлопчатника, 35,9% - картофеля, 26,6% овощей, 30% бахчевых культур и около 60% садов и 35% - виноградных насаждений[1].

За последние годы высоким уровнем развития выделяется и животноводство в регионе. На 2020 г. во всех категориях хозяйств региона насчитывалось 634 296 голов крупного рогатого скота (27,8 % поголовья республики), 271 голов свиней(100% поголовья республики), 1500710 голов овец и коз(27,5% поголовья республики), 1635529 голов всех видов птица(32,3 % поголовья республики) и 8383 голов лошадей (10,5% поголовья республики)[1].



Валовая продукция растениеводства в 2020 г. в 3 раза превысила по стоимости продукцию животноводства. В структуре посевных площадей ведущее место в Северном Таджикистане в 2020 г. принадлежало зерновым культур - 49,1%. Второе место занимают хлопчатник – 33,2%. Посевные площади зерновых культур в 2019 г. по сравнению с 2007г. увеличились на 24753 га[1]. Посевные площади хлопчатника в 2019 г. по сравнению с 2007г. уменьшилось на 31673 га[1]. (Таблица 1).

Животноводство Северного Таджикистана имеет мясо-молочное направление. Однако различным районам региона присущи характерные особенности, влияющие на специализацию животноводства. Степень обеспеченности природными пастбищами и сенокосами, направление растениеводства, наличие промышленных предприятий по переработке сельскохозяйственного сырья в регионе и ряд других природных и экономических условий оказывают существенное влияние на ведение отрасли.

Таблица 1.

**Производство важнейших видов продукции растениеводства в Северном Таджикистане по всем категориям хозяйств [4], тонна**

	2002 г.	2005 г.	2008 г.	2010 г.	2015 г.	2019 г.	2019 г. по сравн. 2002 г.%
Зерновых культур	172762	216618	159919	266562	258749	311653	180,3
Хлопок	154872	155526	88233	92161	106282	85589	55,2
Картофель	126415	188753	268424	286157	431921	344882	272,8
Овощи	181134	249810	299798	329538	379180	457958	252,8
Бахчи	15516	26740	37378	62996	84001	118535	763,9
Фрукты	67233	48587	103442	69741	111382	112699	167,2
Виноград	23116	23620	33881	37022	51493	55495	240,0

Год за год увеличивается поголовья животных во всех категориях хозяйств Северного Таджикистана. На 2019 года поголовье крупного рогатого скота во всех категориях хозяйств региона составило 634 296 голов, что на 136025 голов больше, чем 2007 года. За этот период увеличилось поголовье овец и коз на 319 183 голов, и поголовье птиц на 822917 голов[1] (Таблица 2).

Наиболее важной предпосылки, определяющей характер перспективного развития сельского хозяйства, Северного Таджикистана является то, что регион располагает в настоящее время самым крупным в Таджикистане резервом еще не освоенных под интенсивное производство пахотнопригодных богарных земель. Если во всех зонах Южного Таджикистана резервный фонд таких земель в расчете на душу населения в перспективе составит 0,04 га, то в северной части республики – вдвое больше (0,08 га)[6].

Таблица 2.

**Производство основных виды продуктов животноводства в Северном Таджикистане (тонна) [4]**

	2002 г.	2005 г.	2008 г.	2010 г.	2015 г.	2019 г.	2019г. по сравн. 2002г.%
Мясо скота и птицы (в живом весе)	18855	28153	31216	32512	34865	53346	282,9
Молоко	182821	192775	200046	214829	223615	249779	136,6
Яйцо (тыс. штук)	13047	25681	41676	55911	122371	151144	1158,4
Шерсть	696	955	1046	1185	1261	1470	210,9

С точки зрения межзонального продовольственного продуктообмена для обеспечения внутренних потребностей, Северного Таджикистана равнинно- предгорная зона, будет поставщиком раннего картофеля, молока и мяса, а низкогорно-среднегорная зона - мяса и позднего картофеля. Для общереспубликанского же фонда первая из названных зон будет специализирована на производстве косточковых и субтропических фруктов, ранних овощей; вторая на производстве - винограда, табака, бахчевых, семечковых плодов производстве винограда, табака, бахчевых, семечковых плодов. Наиболее мощным потенциалом располагает равнинно-предгорная хлопково-садово-коконоводческая зона, на долю которой приходится почти 3/4 всей валовой продукции сельского хозяйства Северного Таджикистана.

Таким образом, сельскохозяйственное производство Северный Таджикистан располагает большими возможностями для формирования как растениеводческо-промышленных, так и животноводческо-промышленных комплексов. Из аграрно-промышленных комплексов растениеводческого направления наиболее благоприятные условия для развития хлопко- промышленного, виноградарского, плодовооще-промышленного и табачно-промышленного комплексов. Из животноводческого направления - для молочно-промышленного и мясо-промышленного.

Научно обоснованное размещение отраслей сельского хозяйства и его рациональная

специализация в разных районах, региона с выращиванием наиболее эффективных культур имеет большое значение для повышения экономической эффективности сельскохозяйственного производства и дальнейшего развития промышленности по переработке сельскохозяйственного сырья.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Агентство по статистике при Президенте Республики Таджикистан. Регионы Республики Таджикистан. 2020 г.
2. Агентство по статистике при Президента РТ. Таджикистан: 20 лет государственной независимости. Душанбе 2011г.
3. Агентство по статистике при Президенте Республики Таджикистан. Сельское хозяйство Республике Таджикистан. 2020г.
4. Главное управления агентсво по статистике при президенте Республики Таджикистан в Согдийской области. «О социально-экономическом положении Согдийской области за 2020 года».
4. Ақобиров Ш. Территориальная организация сельскохозяйственного производства. Душанбе 2007.
5. Ганиев Т.Б. Проблемы устойчивого развития сельского хозяйства. Москва, 1996.
6. Отчеты государственное комитет земледелие и геодезии РТ на 2020г.

УЎК: 634+635+333.

### МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Ж.М. Розиков, таянч докторант, ТДАУ, Тошкент

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришни ташкилий механизмини такомиллаштириш, кластер усулидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириши ва жараён субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини такомиллаштириши эътибор қаратилган.

**Калим сўзлар:** мева, сабзавот, кластер, механизм, қишлоқ хўжалиги, муносабатлар

**Аннотация.** Статья посвящена совершенствованию организационного механизма управления плодоовощными кластерами в Узбекистане, выращиванию сельхозпродукции кластерным методом и системе взаимодействия субъектов этого процесса.

**Ключевые слова:** фрукты, овощи, кластер, механизм, сельское хозяйство, отношения.

**Abstract.** The article focuses on improving the organizational mechanism for the management of fruit and vegetable clusters in Uzbekistan, the cultivation of agricultural products using the cluster method and the system of interaction between the subjects of the process.

**Keywords:** fruits, vegetables, cluster, mechanism, agriculture, relationships

Республикада аграр соҳани ислоҳ қилиш, унга бозор механизмлари ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кластер усули йўлга қўйилди, экин турлари замон талабидан келиб чиқиб ўзгартирилди. Натижада ҳосилдорлик, даромад ва аҳолининг иш билан таъминланиш даражаси ҳам ошиб бормоқда. Юртимизда етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 60 дан ортиқ мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Мамлакат қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғларидан бири Мева-сабзавотчилик тармоғидир. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Шу билан бирга, мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш Ўзбекистоннинг жаҳон аграр озиқ-овқат бозорларига интеграциялашувини ва валюта тушумини таъминлаб берувчи асосий имкониятлар тизими сифатида қаралмоқда.

Мева-сабзавотчилик тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида тармоқнинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини ошириш мақсадга мувофиқ. Тармоқни жадал ва барқарор ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинмоқда.

Жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сон, 2020 йил 28 январдаги “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4575-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 февралдаги “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиқларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-

қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 102-сон қарорлари соҳани ривожлантиришга қаратилган муҳим стратегик ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида йилдан-йилга мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда.

1-Жадвал

Республикада мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари ишлаб чиқариш (минг тонна)

Маҳсулот тури	1995	2000	2016	2017	2018	2019	2020
Сабзавотлар	2724,7	2644,7	11 275,8	11 433,6	9 635,1	9945,5	10459,5
Мевалар ва резаворлар	602,3	790,9	3 042,8	3 076,3	2 589,7	2739,6	2864,0
Полиз	472	451,1	2 044,9	2 094,8	1 904,9	1922,2	2134,4
Узум	621	624,2	1 735,8	1 748,9	1 564,5	1595,2	1639,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

Жалвал маълумотларидан кўриниб турибдики ўрганилаётган даврда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. 1995-2017 йиллар ичида сабзавот ишлаб чиқариш 4,2, мева ва резаворлар 5,1 ва узум 2,8 мартага кўпайган. 2018 йилга келиб мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдагига қараганда бир оз камайган. 2018 йил кўрсаткичларининг нисбатан паст бўлишининг сабабини изоҳлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йилнинг 8 декабридаги Қишлоқ хўжалиги хоимлари кунги муносабати билан байрам табригида “...халқимиз бу йилги мавсум қандай оғир ва мураккаб кечганини яхши билади. Ҳақиқатан ҳам, табиат инжиқликлари – баҳорнинг қуруқ келгани, қутилмаган жала ва бўронлар, ёз фаслидаги кучли сув танқислиги, жазирама иссиқ, турли ҳашорат ва касалликлар экин-тикинга катта хавф туғдиргани, кузда эса ёгин-сочинларнинг барвақт бошлангани мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ходимларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди.” – дея таъкидлади.

2019 йилга нисбатан 2020 йилда кам миқдорда бўлсада ўсишни кузатиш мумкин, Албатта бу ижобий ҳолат. Аммо 2020 йилга келганда ҳам 2017 йил даражасига етиш имкони бўлмади. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида мева сабзавот ишлаб чиқариш миқдорини таҳлили бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар ва кузатишлар натижасида айтишимиз мумкинки бу ҳолат икки йирик гуруҳга кирувчи саббалр билан боғлиқ. Биринчиси, айтиш мумкинки асосийси 2018-2020 йилларда республикамиз ҳудудларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун табиий-иқлим шароитининг кескин ёмонлашгани ҳисобланади. Мамакат ҳудудида апрел ва май ойларининг бошларида юз бераётган табиий офатлар, жала, ҳаво хароратининг кескин пасайиб кетиши, қутилмаганда қор ёғиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жуда катта зарар келтирмоқда. Бу ҳолат 2021 йилда ҳам жиддий муаммолар юзага келтирди. Иккинчи гуруҳга мамлакатимизда олиб борилаётган туб ташкилий, иқтисодий ислоҳотлар мажмуасини киритиш мумкин. Мустақилликнинг 2017 йилгача бўлган даврида қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг жорий этилиши ва ривожлантирилишида жиддий камчиликларга йўл қўйилди. 2017 йилда бошлаб бозор муносабатларини ривожлантириш масалаларига сезиларли даражада эътибор қаратилмоқда. Натижада қишлоқ хўжалиги тармоғида кенг камровли институционал ислоҳотлар ҳам амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги янги типдаги кооперативлар, кластерлар шакллантирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги шакли сифатида юзага чиқаётган мева-сабзавотчилик кластерларида бошқариш тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд. Мева-сабзавотчилик кластерлари самарали фаолият юритишлари, юқори пировард натижаларга эришиши учун, уларни бошқариш тизимининг функциялари, вазифалари нималардан иборат бўлиши лозим?, кластер иштирокчиларининг манфаатлари қандай уйғунлаштирилади?, кластер билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар қандай ва қайси механизмлар устиворлигида амалга оширилади? деган қатор саволларга самарали ечим топиш талаб қилинади. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги, жумладан мева-сабзавотчиликни ривожлантиришнинг стратегиясини илмий асослашни талаб қилади.

Мева-сабзавот кластерлари тизимини шакллантириш ва уни ривожлантиришга қаратилган масалаларга жавоб излаш замонавий аграр менежментнинг муҳим вазифаларидан саналади. Ҳозирги кунда мамлакат агросаноат мажмуасида иқтисодиётни истиқболли ривожлантиришда кластерлардан кенг фойдаланиш энг мақбул йўллардан бири сифатида қаралмоқда. Иқтисодиётни ривожлантиришда кластерлардан фойдаланиш масалалари миллий

иктисодий фан доирасида нисбатан кам тадқиқ этилган муаммолардан ҳисобланади. Шу сабабли мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уни қайта ишлашда кластерларнинг ўрнини асослаш, уни бошқариш тизимини такомиллаштириш масалалари илмий ва амалий аҳамиятга эга долзарб муаммо ҳисобланади.

2-Жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда мева-сабзавотчилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ва улар томонидан 2020 йилда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари тўғрисида  
МАЪЛУМОТ

Т/р	Худудлар	Кластерлар сони	Тумандаги мавжуд мева-сабзавотчилик ер майдони, гектар	Кластерга бириктирилган ер майдони, гектар	Мавжуд ер майдонига нисбатан қамраб олиш даражаси, фоиз	Етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари				Экспорт қиймати, минг.долл
						2020 йил ҳосили учун етиштирилган жами қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, тонна	Шундан, тонна			
						Ички истеъмол учун	Қайта ишлаш учун	Экспорт учун		
Республика бўйича жами:		147	306 253	116 024	38%	1 262 017	566 481	442 706	242 167	112 077
1	Қорақалпоғистон Республикаси	10	14767	5652	38%	15602	2600	200	12802	8056
2	Андижон вилояти	16	34657	12182	35%	236442	202736	6101	27606	23
3	Бухоро вилояти	5	10213	2738	27%	20300	1300	12700	5450	24883
4	Жиззах вилояти	12	28823	15237	53%	42570	29141	1924	1712	781
5	Қашқадарё вилояти	6	18085	3688	20%	11390	1655	4120	5615	3
6	Навоий вилояти	7	8811	3053	35%	16536	8930	5546	2060	3
7	Наманган вилояти	13	39030	14774	38%	142019	42412	92642	6965	10
8	Самарқанд вилояти	13	41289	21581	52%	317699	68338	199105	50257	29
9	Сурхондарё вилояти	13	18426	6047	33%	16506	5996	630	9880	11049
10	Сирдарё вилояти	5	6412	1820	28%	38717	16198	8141	14378	4610
11	Тошкент вилояти	24	57053	15131	27%	206722	85640	78042	43040	50132
12	Фарғона вилояти	20	26144	12541	48%	170714	99636	19755	51323	0
13	Хоразм вилояти	3	2543	1580	62%	26800	1900	13800	11080	12500

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотлари асосида.

Жадвал малумотларидан кўринадикки, мева-сабзавотчилик кластерларида 2020 йил ҳосили учун жами республикадаги мева-сабзавотчиликка ажратилган ер майдонинг 38 % ни ташкил этмоқда, булардан Хоразм вилояти 62 %, Жиззах вилояти 53 % ва Самарқанд вилояти 52 % мавжуд ер майдонга нисбатан қамраб олинган. Маҳсулот етиштириш ҳажми бўйича эса Андижон, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида бошқа вилоятларга нисбатан юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Жами 242 167 тонна маҳсулот экспорт қилинган бўлса, шундан Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Андижон вилоятларининг улуши юқори бўлганлигини кўрсатмоқда. Таҳлиллардан кўринадикки мавжуд имкониятлардан тўлақонли фойдаланган ҳолда худудларда мева-сабзавотчилик кластерлари сонини ва ер майдонларини кўпайтириш эвазига маҳсулот етиштириш ва сотиш ҳажминини оширишга эришиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таҳлилларга кўра мева-сабзавотчилик кластерлари иштирокчилари ва кластер билан давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда бошқаришни ташкилий механизминини такомиллаштириш бўйича бериладиган илмий янгиликлар, тавсия ва таклифлар кластерларда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлашга ва рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4549-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4575-сонли қарори.
3. Муродов Ч., ва бош. “Агротрастер: ташкил этишнинг назарий асослари” Иқтисод ва молия №2, 2014
4. Розиков Ж. “Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этишнинг долзарблиги” мақола Агро илм журнал. Т.: 2020 № 3(66)

УЎК: 631.628.1+631.17.+631.153+631.155+631.452+631.544.72

**ОРОЛ БЎЙИДА СУВ ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИ ЮРИТИШ**  
*Н.Б. Худайбергенова, магистрант, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус*  
*Н.Б. Реймов, қ.х.ф.д., доцент, Тошкент ДАУ Нукус филиали, Нукус*  
*О.Н. Реймов, мустақил изланувчи, Тошкент ДАУ Нукус филиали, Нукус*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Орол бўйидаги Қорақалпоғистон Республикасида кузатилаётган сув танқислиги шароитида деҳқончиликни юритиш бўйича узоқ йиллар



давонида ўтқарилган илмий тадқиқот ишлари натижалари ҳақида сўз юритилади. Дунё экспертларининг тахминларига қараганда 2050 йилларга келиб Амударья суви таъминоти миқдори яна да 15 пойзга камайиши кутилади. Ўтқарилган тажрибалар натижасида сув таъминоти 40-50 % бўлган йиллари жўхори, рапс, уруғликлик бедадан режалаштирилган қониқорли ҳосил олиниб ва беда, соядан юқори ҳосил олинган. Синалган экинлар орасида сув таъминоти 50-60 % бўлганида рапс, беда, соя, жўхори экинларидан яхши ҳосил олиниб ва гўза ва уруғлик бедадан қониқорли ҳосил олинган.

**Калит сўзлар:** Орол бўйи, Қорақалпоғистон, сув танқислиги, деҳқончилик, илмий тадқиқот, эксперт, Амударья, сув таъминоти

**Аннотация.** В данной статье обсуждаются результаты многолетних исследований по управлению водными ресурсами в Республике Каракалпакстан на побережье Аральского моря. По прогнозам мировых экспертов, к 2050 году ожидается уменьшение объема воды в Амударье еще на 15 процентов. В результате опытов, в годы исследований, когда водообеспеченность составляла 40-50%, был получен плановый удовлетворительный урожай овса, рапса, семенной люцерны, получены высокие урожаи люцерны и сои. При водообеспеченности 50-60% от всего объема хорошие урожаи были получены от рапса, люцерны, сои, сорго и удовлетворительный урожай из хлопчатника и семенной люцерны.

**Ключевые слова:** Аральское море, Каракалпакстан, дефицит воды, сельское хозяйство, научное исследование, эксперт, Амударья, водоснабжение

**Abstract.** This article discusses the results of many years of research on water resources management in the Republic of Karakalpakstan on the Aral Sea coast. According to forecasts of world experts, by 2050 the volume of water in the Amu Darya is expected to decrease by another 15 percent. As a result of the experiments, during the years of research, when the water supply was 40-50%, a planned satisfactory yield of oats, rapeseed, alfalfa seed was obtained, and high yields of alfalfa and soybeans were obtained. With water supply of 50-60% of the total volume, good yields were obtained from rapeseed, alfalfa, soybeans, sorghum, and a satisfactory yield from cotton and alfalfa seeds.

**Key words:** Aral Sea, Karakalpakstan, water shortage, agriculture, scientific research, expert, Amu darya, water supply

**Кириш.** Орол бўйидаги Қорақалпоғистон Республикасида сўнги йиллари тез-тез сув танқислиги ҳолати кузатилмоқда. Дунё экспертларининг тахминича бу жараён Орол бўйидаги жойлашган Республикаларда, жумладан Қорақалпоғистон Республикасида да куп қайталаниши мумкин экан. Бунинг сабаби Республиканинг асосий сув манбайи бўлган Амударёнинг энг охирида жойлашганлиги, суғориш учун мўлжалланган сувнинг ўзининг олдинги даврларга нисбатан камлиги ва бошқа объектив, субъектив сабаблар бўлиб ҳисобланади. Масалан 2000-2002 йиллари Қорақалпоғистонда сув таъминоти 40-43 % ни ташкил этти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрдаги ПҚ – 4486 сон «Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаш-тириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябр ПҚ-4499-сон «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва қарорларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли институционал ислохотлар доирасида сув хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, сув ресурсларини бошқариш тамойиллари ва тизимини такомиллаштириш борасида чора-тадбирлар амалга ошириш, сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига фаол кўмаклашиш, замонавий суғориш тизимларини ишлаб чиқариш қувватларини хусусий инвестициялар жалб қилиш ҳисобига кенгайтириш орқали сув тежовчи технологияларни кўллаган ҳолда суғориладиган ерларнинг улушини суғориладиган ерлар умумий майдонининг камида 10 фоизгача етказиш, сув-туз балансини юритиш механизмларини такомиллаштириш, ер ости сувларини меъёра ушлаб туриш вазифалари қўйилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларидан режалаштирилган ҳосилни олишда ушбу региондаги сув таъминотининг катта аҳамиятга эга эканлиги илмий ташкилотларнинг жуда кўп тажрибаларида исботланган ва жаҳон деҳқончилиги тажрибасида тасдиқланган.

#### **Мавзунинг долзарблиги**

Дунё экспертларининг прогнозларига қараганда 2050 йилларга келиб Амударьядан келиб турган сувнинг миқдори яна да 15 пойзга камайиши мумкин экан. Шунинг учун Орол бўйидаги Қорақалпоғистон Республикаси шароитида экинларнинг маҳсулдорлигини ҳамда

тупроқ унумдорлигини ошириш технологиясини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тажрибалардан 03.01.Н. «Ўзгачилик зоналари суғориладиган тупроқлари унумдорлигини экологик жиҳатдан ҳисобланган қайта тиклаш прогнозини ишлаб чиқиш» ва ARS 34 Программаси бўйича Қорақалпоғистон

#### Тажрибанинг тизими

к\с	Сув билан таъминланиш даражаси, %				
	40	50	60	70	80
1	Ўза	Ўза	Ўза	Ўза	Ўза
2	Рапс	Рапс	Рапс	Рапс	Рапс
3	Беда	Беда	Беда	Беда	Беда
4	Уруғлик беда	Уруғлик беда	Уруғлик беда	Уруғлик беда	Уруғлик беда
5	Соя	Соя	Соя	Соя	Соя
6	Жўхори	Жўхори	Жўхори	Жўхори	Жўхори

Республикаси экстремал иқлим ва шўр тупроғи шароитида 40, 50, 60, 70 ва 80 % сув таъминоти шароитида ўза, рапс, беда, уруғлик беда, соя кузги бугдой, жўхори ўсимликларини ўстиришни ўрганишда қуйидаги тизимда тажриба ўтказилди.

Тажриба участкасининг тупроғи ўтлоқи аллювиал тупроқ бўлиб, механик таркиби бўйича ўрта суглинокли, қадимдан суғорилиб келаётган, ўртача шўрланган, сизот сувлари 2,0-2,5 м. чуқурликда жойлашган, делянкалар майдони 240м<sup>2</sup>, 3 қайтариқдан иборат бўлди. Делянкалар икки ярусда жойлашган. Тадқиқотда дала тажрибаси тупроғининг дастлабки ва солиштирма ҳолатларини аниқлаш бўйича тупроқ намуналари, монолитлар ва бошқа таҳлиллар олиб борилди.

#### Масаланинг мазмуни ва ечими

Орол бўйининг жанубий минтақасида ҳар хил сув билан таъминланиш даражасида 1 гектарга бериладиган сув миқдорини ҳисоблашнинг экинлар турлари бўйича ҳисоб китоби жадвалда м<sup>3</sup>/га да кўрсатилган бўлиб, мисол учун бунда Республиканинг жанубий минтақаларида 1 гектарда ўзанинг оптимал суғориш нормаси 3500м<sup>3</sup>/га ни 100 % деб олганда, 40% сув таъминатида 1400м<sup>3</sup>/га, 50% сув таъминатида 1750м<sup>3</sup>/га, 60% сув таъминатида 2100м<sup>3</sup>/га, 70 % сув таъминатида 2450 ва 80% сув таъминатида 2800 м<sup>3</sup>/га сув берилиб, тегишли сув таъминати таъминланди. Сув танқислиги йиллари Республиканинг кўпчилиги экин ерлари сув таъминотига қараб иш тутилмагани ёки солиштирмалари турда қурғоқчиликка чидамли экинлар экилмаганлиги, сув иқтисод қилинмаганлиги сабабли, сув етишмовчилиги сабабидан экилмади, экилган ерлар вегетация вақтида сув етишмовчилиги сабабидан нобуд бўлди, халқнинг бир бўлими ишсиз қолди. Мавжуд муаммоларни ҳисобга олган ҳолда «Қорақалпоғистон Республикаси экстремал иқлим ва шўр тупроғи шароитида ҳар хил сув таъминотида анъанавий ва ноанъанавий қишлоқ хўжалиги экинларини ўстиришни ўрганиш» мавзусида ўтказилган илмий тадқиқот ишларининг натижасида биз Қорақалпоғистон Республикаси шароитида келгуси йил экинлар жойлашиши режа харитасини (размещение) кутилаётган сув таъминотига қараб режалаштирилса режадаги ҳосилларни олишга қўшимча имкониятлар пайдо бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси туманларида ҳар хил сув таъминатида 1 гектардан олинган ҳосил миқдори, ц /га

к\с		Сув билан таъминланиш даражаси, %					
		40	50	60	70	80	100
1	Ўза	9,3	12,6	18,0	22,5	25,7	29,3
2	Рапс	10,6	12,7	15,0	17,5	19,3	21,0
3	Беда	60,5	75,3	91,7	110,6	115,5	120,3
4	Уруғлик беда	1,3	1,5	1,7	1,6	2,8	3,6
5	Соя	8,7	10,3	11,5	16,6	18,5	20,3

Республика ерларининг мавсум вақтида (вегетация) суғориш учун 6 млрд 835 млн/м<sup>3</sup> сув талаб этилади. 2018 йили Қорақалпоғистон Республикаси туманлари бўйича 2018 йил вегетация давридаги сувдан фойдаланиш режаларининг бажарилиш тўғрисидаги якуний маълумотда Республика чегарасида сув манбаларидан кириб келган ёки олинган сув миқдори 4 миллиард 903 млн/м<sup>3</sup> бўлиб, коммунал хўжалиги майший хизматларига, энергетикага, саноатга, балиқ хўжалиги ва бошқа мақсадларга ишлатилган сувлар миқдорларига 4 миллиард тўққиз юз тўқсон саккиз миллион тўрт юз йигирма минг кубометр (м<sup>3</sup>) сув берилган. Республикада ўтган йиллари қишлоқ хўжалиги экинларини парваришлаш учун бизга келиб

турган 4 миллиард 903 млн/м<sup>3</sup> сув заруриятдан 3 миллиард тўрт юз ўттиз икки миллион м<sup>3</sup> сув кам келиб, сув таъминоти 58,8 % ни ташкил қилди. Демак ҳар йил қишлоқ хўжалиги экинларини экиш режасини тузиш вақтида қутилаётган сув таъминотини ҳисобга олиб деҳқончилик юритсак, режалаштирган ҳосилни олиш имкони бўлар экан. Қорақалпоғистон Республикаси бўйича умуман халқ хўжалигида сув таъминоти 40-50 % бўлганда 3334,0 – 4167,5 млн/м<sup>3</sup> сув талаб этилади. Шундан 3-3,8 млн/м<sup>3</sup> сув қишлоқ хўжалиги ерларини деҳқончилик учун ишлатилади. Албатта, сув танқислиги йилларида мавжуд сув захираларини ҳисобга олиб сувни камроқ талаб қиладиган ва Давлат режалари учун биринчи навбатдаги экинларни экиш режалаштирилиб, илмий асосланган деҳқончилик юритилса мавжуд сув захираларидан самарали фойдаланилган имкан яратилар эди.

#### Хулосалар ва тавсиялар

Ўтказилган тажрибалар натижасида сув таъминоти 40-50 % бўлган йиллари рапс, уруғликлик бедадан режалаштирилган қоникорли ҳосил олиниб ва беда, соядан юқори ҳосил олинди.

Ғарбий (Шўманай, Қанлыкўл), марказий (Хўжайли, Тахиётшош, Нукус, Кегейли) ва шимолӣ (Тахтақўпир, Караўзак, Чимбой) туманларида мавсумий суғориш (вегетация) вақтида сув бўлмаганлиги сабабли кам ҳосил олинди, ёки ҳосил бўлмади.

Сув таъминоти 50% га яқин бўлган йиллари Республиканинг жанубий (Тўртқўл, Элликқалъа, Беруний ва Амударё) туманларига 10-12 % майдонларига ғўза, маккажўхори, кузги ва баҳорги буғдой экиш мумкинлиги илмий жиҳатдан исботланди. Синалган экинлар орасида сув таъминоти 50-60 % бўлганида рапс, беда соя, хўхори экинларидан яхши ҳосил олинди. Ғўза жўхори ва уруғлик бедадан қоникорли ҳосил олинди. Республикада сув таъминоти 60-70 % бўлганида ғўза, рапс, беда ва соя экинларидан режалаштирилган ҳосил олинди.

Сув таъминоти 70-80 % бўлганида синалган барча экинлардан юқори ҳосил олинди.

Хулоса қилиб айтганда, сув танқислиги тез қайталаниб турадиган Орол бўйидаги Қорақалпоғистон шароитида деҳқончиликни юритишда сув таъминотига қараб экинларни жойлаштириш режасини тузиш халқ хўжалигига яхши натижалар беради ва ҳар йилги деҳқончиликни олдин белгиланган сув лимити, сув таъминотига қараб юритиш тавсия этилади.

#### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. 2017 й.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигидаги ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент. 2019.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга курашимиз. Тошкент. «Ўзбекистон». НМИУ, Б. 488.
4. Бурхонжонов Б. Сув ресурсларидан фойдаланишнинг замонавий вариантлари. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали. 2018. №9. Б. 10.
5. Зокиров Т.С. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш. Тошкент, 1986. Б. 56.
6. Мирзаев М. Сув ресурсларидан фойдаланиш муамоларини бартараф этиш йўллари. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали. Агро илм иловаси. 2019. №1. Б. 110-111.
7. Содикова Ш. Сувни иқтисод қилиш – келажакни ўйлаш демак. Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги журнали. 2019. №12. Б. 31.
8. Яқубжонов О. Бахромов С. Табиий мувозанат. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2006. №4. Б. 9.

УЎК: 633.511:631.526.32:631.527

### ҒЎЗА ШАКЛЛАРИНИНГ БИР НЕЧА АВЛОД ЎСИМЛИКЛАРИДА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ НАМОЁН БЎЛИШНИНГ ЎРГАНИШ

*О.Р. Эргашев, ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада ғўзанинг янги дурагайлари аждратиб олиш мақсадида амалга ошириладиган илмий тадқиқотларда бошлангич манбаларни танлаб олиш учун таҳлил этилган ўрта толали ғўза навларининг бир кўсакдаги вазни, тола чиқими ва узунлиги кўрсаткичларининг фенотипик намоён бўлиши бўйича таҳлиллар натижалари келтирилган. Тадқиқ этилган шаклларнинг 2016-2018 йиллардаги уч авлод ўсимликларида юқорида келтириб ўтилган хўжалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипик намоён бўлиши қиёсий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Ғўза дурагайлари, бошланғич ашёлар, бир кўсагдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги, кўрсаткичлар, генотип, фенотип, қиёсий таҳлиллар.

**Аннотация.** В статье представлены результаты анализа фенотипических проявлений веса хлопка-сырца одной коробочки, выхода и длины волокна средневолокнистых сортообразцов хлопчатника проанализированных для отбора первичного материала в научных исследованиях, проводимых с целью селекции новых гибридов хлопчатника. Проведен сравнительный анализ фенотипических проявлений указанных хозяйственных признаков в популяции растений в течении трех поколений исследуемых форм хлопчатника в полевых сезонах 2016-2018 годов.

**Ключевые слова:** Гибриды хлопчатника, исходный материал, вес хлопка-сырца одной коробочки, выход и длина волокна, показатели, генотип, фенотип, сравнительные анализы.

**Abstract.** The article results of the analysis of phenotypic manifestations of average weight of raw cotton per boll, yield and fiber length of medium staple cotton varieties analyzed for the selection of initial material in research conducted with the aim of breeding new cotton hybrids. A comparative analysis of the phenotypic manifestations of the economic traits in plant populations across three generations of studied cultivated cotton forms in field seasons of 2016-2018 was carried out.

**Keywords:** Cotton hybrids, initial materials, cotton weight in one boll, fiber yield and length, indicators, genotype, phenotype, comparative analysis.

Янги ғўза дурагайлари ажратиб олиш мақсадида олиб бориладиган генетик-селекцион тадқиқотларида бошланғич манбаларни пухта ўрганиб, уларнинг муҳим хўжалик белгилари кўрсаткичлари ва бир-бири билан айнан қайси жиҳатлари билан фарқланишини билиш асосида ота-она шакллари танлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада бошланғич ашёларга хос бўлган хўжалик кўрсаткичларининг бир неча авлод ўсимликларида фенотипик намоён бўлишини таҳлил қилиш, ушбу ашёларнинг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичларига тўлиқ баҳо бериш имкониятини беради. Таҳлил қилинган адабиётларда ҳам ғўза дурагайлари кўрсаткичларининг бир кўсагдаги пахтаси вазни[1,4], толаси чиқими[2,5] ва узунлиги[3] белгилари кўрсаткичларининг фенотипда қай даражада акс этаётганлигига алоҳида аҳамият берилади.

**Тадқиқот мақсади:** Таҳлилдаги ғўза навларининг айрим хўжалик кўрсаткичларининг уч авлод ўсимликлари фенотипида намоён бўлишини ўрганиш асосида янги тадқиқотларга ота-она шакллари танлаш мақсадида қиёсий таҳлил қилиш.

**Тадқиқот ашёси:** Ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-703, ЎзФА-707, ЎзФА-710, ЎзФА-713 ва Келажак навларининг уч авлод ўсимликлари фенотипида намоён бўлган кўрсаткичларни акс эттирувчи маълумотлар.

**Тадқиқотни ўтказиш услублари:** Мазкур тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг популяция таҳлил услубидан фойдаланилди. Маълумотларга математик статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуби бўйича (М. 1985) амалга оширилди.

**Натижалар:** Таҳлил этилаётган тадқиқот ашёларининг айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларини акс эттирувчи маълумотлар қуйидаги жадвалларда келтирилган:

1-жадвал

Хўжалик белгилари бўйича 2016 йилдаги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсагдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
	2016 йил									
		$X \pm m$	$\sigma$	$v$	$X \pm m$	$\sigma$	$v$	$X \pm m$	$\sigma$	$v$
1	ЎзФА-703	6,42±0.11	0.76	11.86	42.2±0.54	3.61	8.54	34.1±0.08	0.55	1.62
2	ЎзФА-705	5.58±0.10	0.69	12.40	40.3±0.50	3.30	8.18	34.1±0.12	0.78	2.27
3	ЎзФА-707	6.11±0.11	0.73	11.86	37.5±0.46	3.03	8.07	34.1±0.12	0.77	2.26
4	ЎзФА-710	5.77±0.10	0.64	11.11	40.8±0.38	2.50	6.13	34.4±0.09	0.63	1.83
5	ЎзФА-713	6.64±0.12	0.77	11.54	35.7±0.49	3.26	9.12	34.5±0.10	0.63	1.83
6	Келажак	6.74±0.13	0.83	12.38	39.6±0.60	3.96	9.98	33.9±0.13	0.87	2.58

1-жадвал маълумотларига кўра, 2016 йилда бир кўсагдаги пахта вазни белгиси бўйича Келажак, ўзФА-713 ва ЎзФА-703 навларида бир-бирига яқин кўрсаткичлар акс этиб, ЎзФА-710 ва ЎзФА-705 навларида нисбатан паст кўринишда фенотипик намоён бўлган. Ушбу белги кўрсаткичлари бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами ЎзФА-705 ва Келажак навларида бошқа ашёларга нисбатан юқори ҳолатда намоён бўлган бўлсада, лекин ҳеч бир ашёларда қескин фарқланиш кузатилмаган. Тола чиқими белгисининг энг энг юқори кўрсаткичлари ЎзФА-703 навида кузатилиб, кейинги ўринларда ЎзФА-705 ва ЎзФА-710 навларида намоён



бўлган. Бошқа шаклларда эса, 40% дан кам ҳолатда акс этган. Популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами Келажак ва ЎзФА-713 навларида юқори, ЎзФА-710 навида эса энг паст кўрсаткичлар кузатилган. Тола узунлиги белгисининг ўртача кўрсаткичлари барча шакллар бўйича бир-бирига яқин кўринишда акс этгани маълум бўлган. Келажак, ЎзФА-707 ва ЎзФА-705 навларида бошқа дурагайларга нисбатан юқори ҳолатда намоён бўлган.

2-жадвал

Хўжалик белгилари бўйича 2017 йилдаги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
		2017 йил								
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v	X ± m	σ	v
1	ЎзФА-703	5.76±0.12	0.81	14.02	39.7±0,38	2.53	6.35	34.2±0.09	0.60	1.76
2	ЎзФА-705	4.89±0.11	0.75	15.38	42.4±0,63	4.20	9.90	34.0±0.09	0.58	1.70
3	ЎзФА-707	5.62±0.10	0.68	12.02	38.2±0,73	4.87	12.7	33.7±0.09	0.57	1.68
4	ЎзФА-710	5.01±0.10	0.63	12.60	42.7±0,46	3.08	7.19	33.7±0.08	0.50	1.49
5	ЎзФА-713	6.12±0.11	0.74	12.07	36.8±0,89	5.87	15.9	34.2±0.09	0.57	1.67
6	Келажак	5.91±0.10	0.67	11.38	41.4±0,74	4.89	11.8	33.4±0.11	0.76	2.28

2-жадвалга биноан, 2017 йилда бир кўсақдаги пахта вазни ЎзФА-713 ва Келажак навларида бошқа ашёларга нисбатан энг юқори кўрсаткичларни акс эттириб, ўзгарувчанлик кўлами бўйича ЎзФА-705 ва ЎзФА-703 навларида юқори, Келажак навида эса энг паст кўринишда намоён бўлган. Тола чиқими бўйича ЎзФА-710 ва ЎзФА-705 навларида юқори, ЎзФА-713 навида энг паст кўрсаткичлар кузатилган. Ўзгарувчанлик кўлами ЎзФА-713 ва ЎзФА-707 навларида бошқа ашёлардан юқори эканлиги кузатилган. Тола узунлигининг энг юқори кўрсаткичлари ЎзФА-703, ЎзФА-713 ва ЎзФА-705 навларида аниқланиб, бошқа шаклларда бир-бирига яқин кўриниш акс этган. Популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами ушбу белги бўйича Келажак навида бошқа шаклларга нисбатан юқори ҳолатда намоён бўлган.

3-жадвал

Хўжалик белгилари бўйича 2018 йилдаги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
		2018 йил								
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v	X ± m	σ	v
1	ЎзФА-703	5.24±0.13	0.87	16.68	36.5±0,45	2.98	8.15	33.7±0.14	0.91	2.70
2	ЎзФА-705	5.02±0.59	3.89	77.55	41.0±0,46	3.08	7.50	33.6±0.15	1.02	3.03
3	ЎзФА-707	5.12±0.12	0.77	15.13	34.8±0,74	4.88	14.0	34.1±0.13	0.87	2.55
4	ЎзФА-710	4.59±0.11	0.73	15.79	41.8±0,38	2.50	5.97	34.4±0.11	0.75	2.19
5	ЎзФА-713	5.40±0.11	0.72	14.07	37.0±0,44	2.93	7.91	34.9±0.10	0.65	1.87
6	Келажак	6.38±0.12	0.81	12.63	38.3±0,79	5.26	13.7	34.3±0.23	1.52	4.41

3-жадвалда келтирилишича, 2018 йилда бир кўсақдаги пахта оғирлиги Келажак навида энг юқори ва ЎзФА-710 навида паст, бошқа шаклларда эса бир-бирига яқин кўрсаткичлар намоён бўлган. Ўзгарувчанлик кўлами ЎзФА-705 ва ЎзФА-703 навларида бошқа ашёларга нисбатан юқори, Келажак навида эса энг паст кўринишда акс этган. Тола чиқимининг энг юқори кўрсаткичи ЎзФА-710 ва ЎзФА-705 навларида кузатилиб, мазкур белги бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами ЎзФА-707 ва Келажак навларида фенотипик жиҳатдан намоён бўлган.

4-жадвал

Хўжалик белгилари бўйича 2016-2018 йиллардаги умумий ўртача маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
		2016-2018 йиллар								
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v	X ± m	σ	v
1	ЎзФА-703	5.80±0.12	0.81	14.18	39.4±0,45	3.01	7.68	34.0±0.10	0.68	2.02
2	ЎзФА-705	5.16±0.26	1.77	35.11	41.2±0,53	3.52	8.64	33.9±0.12	0.79	2.33
3	ЎзФА-707	5.61±0.11	0.72	13.00	38.9±0,64	4.26	11.5	33.9±0.11	0.73	2.16
4	ЎзФА-710	5.12±0.10	0.66	13.16	41.7±0,40	2.69	6.43	34.1±0.09	0.62	1.83
5	ЎзФА-713	6.05±0.11	0.74	12.56	36.5±0,60	4.02	10.9	34.5±0.09	0.61	1.79
6	Келажак	6.34±0.11	0.77	12.13	39.7±0,71	4.70	11.8	33.8±0.15	1.05	3.09

Тола узунлиги бўйича ЎзФА-703 ва ЎзФА-705 навларида энг паст ҳолатда кузатилиб, бошқа ашёларнинг барчасида деярли бир хил маълумотлар акс этган. Ўзгарувчанлик кўлами эса, Келажак ва ЎзФА-705 навларида бошқа шаклларга нисбатан юқори кўринишда намоён бўлган.

4-жадвал маълумотларидан маълум бўладики, ўрганилган уч авлод ўсимликларида фенотипик акс этган белгилар кўрсаткичларининг умумий ўртача кўриниши бўйича бир кўсақдаги пахта вазни Келажак ва ЎзФА-713, тола чиқими ЎзФА-710 ва ЎзФА-705, тола узунлиги ЎзФА-713, ЎзФА-710 ва ЎзФА-703 навларида бошқа ашёларга нисбатан юқори кўриниш акс этган.

Жамланган маълумотлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, таҳлил этилган барча шаклларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда келгусида амалга ошириладиган генетик-селекцион йўналишдаги илмий тадқиқотларда ушбу ғўза навларидан бошланғич шакллар сифатида фойдаланишга тавсия этиш мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Автномов В.А., Кимсанбаев М.Х. “Наследование числа коробочек и продуктивности хлопко-сырца одного растения у географически-отдаленных гибридов  $F_1 - F_2$  *G.barbadense* L.”. Ж. Аграрной Науки Узбекистана. №2 (24), Ташкент, 2005, с.31-37. О.Р. Эргашев “Ўзанинг янги ЎзФА-710 нави популяциясида тола чиқими белгиси кўрсаткичлари бўйича уч йиллик таҳлилий натижалар” – Агро Илм – Ўзбекистон кишлок хўжалиги журнали 2019 йил, 3 сон, 8-9 б.

2. Автномов В.А., Эгамбердиев Р.Р. “Наследование выхода волокна у отдаленных гибридов  $F_1$  вида *G.barbadense* L.”. Мат.межд.научно-практ.конф. «Состояние селекции и семеноводства хлопчатника и перспективы ее развития», Посвященной 110-летию академика А.И. Автономова, 80-летию академика С.М. Мирахмедова и профессора А.А. Автономова, а также 65-летию доктора сельскохозяйственных наук В.А. Автономова. Ташкент – 2006. с. 42-45.

3. Автномов В.А. “Изменчивость, наследуемость штапельной длины волокна у экологически отдаленных гибридов  $F_1 - F_2$  хлопчатника *G.barbadense* L.”. // «Теоритические и практические аспекты развития селекции и семеноводства хлопчатника и люцерны». // Материалы международной научно-практической конференции посвященной 95-летию Саратовского госагро университета. Часть 1, Саратов ИЦ «Наука», 2008. с. 3-4.

4. Б.Х. Аманов, Ф.Р. Абдиев “Формирование числа створок коро-бочки в одном растении у бекросс гибридов перуанского вида хлопчатника”. Ўзбекистон биология журнали. 4-2016. 53-56 б.

5. Гесос К.Ф., Аширкулов А. “Комбинационная способность сортов по выходу волокна”. // Ж. Хлопководства, 1986, №11, С. 29-30.

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

UDC 33

**THE IMPACT OF COVID-19 TO THE TOURISM INDUSTRY MAINLY TO THE HOTEL SPHERE IN UZBEKISTAN**

*A. Abdullaev, student, Yeoju Technical institute, Tashkent*  
*M. Rakhimova, student, Yeoju Technical institute, Tashkent*  
*M. Obidova, student, Yeoju Technical institute, Tashkent*  
*D. Shoalimova, student, Yeoju Technical institute, Tashkent*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada COVID-19 ning turizm sohasiga ta'siri, shu jumladan O'zbekistondagi mehmonxona va mehmondo'stlik haqida turli hisobotlar tahlil qilinadi. Ularning so'zlariga ko'ra, global sayyohlik naqshlari pandemiya ta'siriga uchraydi, ularning har xil kattalikdagi qumi bu kasallik qancha davom etishi mumkin. U, shuningdek, COVID-19 ning salbiy ta'sirini kamaytirish va iqtisodiyotini barqarorlashtirish maqsadida, xalqaro joylar va asosan O'zbekiston uchun qamrov choralari bo'yicha maslahatlarni o'z ichiga oladi.

**Kalit so'zlar:** Covid-19, turizm sanoati, mehmonxona va mehmondo'stlik sanoati, mamlakat iqtisodiyotiga ta'siri, Covid-19 paytida ko'rilgan choralar.

**Аннотация.** В этом документе анализируются различные отчеты о влиянии COVID-19 на индустрию туризма, включая гостиничный и гостиничный бизнес в Узбекистане. По их мнению, глобальные модели туризма подвержены пандемическим эффектам, их разная величина и то, как долго может длиться это заболевание. Он также содержит намеки на сложные меры по охвату для других стран, и в основном для Узбекистана, с целью уменьшить негативное воздействие COVID-19 и стабилизировать их экономику.

**Ключевые слова:** Covid-19, влияние на туристическую отрасль, гостиничный и гостиничный бизнес, экономику страны, принятые меры во время Covid-19.

**Abstract.** This paper analyzes the various reports on the impact of COVID-19 to the tourism industry including hotel and hospitality in Uzbekistan. According to them, global tourism patterns are subject to the pandemic effects, their different magnitude sand how long this disease may last. It also carries a complicated of coverage measures' hints for international locations and mainly Uzbekistan with the intention to reduce the negative impacts of COVID-19 and stabilize their economies.

**Keywords:** Covid-19, the impact to tourism industry, hotel and hospitality industry, the economy of the country, the taken measures during Covid-19.

The Covid-19 pandemic has brought about an exceptional degree of disruption to the global motel and hospitality industry. As countries implemented excessive journey restrictions to diminish the unfold of the sickness, national and international tourism came to a drastic halt. While searching at a regional tourism revenue breakdown, Asia was forecast to see the best decrease in sales, in addition to the best tourism employment loss from COVID-19 inside the entire industry. Inside the way of this, Uzbekistan become also recorded its worst financial performance in over two many years, especially due to the effect of the COVID-19 pandemic (which includes susceptible home call for and personal consumption, in addition to a decline in tourism). Though, the country implemented ambitious market-orientated monetary reforms earlier than 2020, which were undoubtedly impacting the economy.

Overiewing globally, the lengthy-term financial harm, as a result of the COVID-19 pandemic cannot absolutely be assessed yet. Because the crisis keeps to adapt, it is still unclear what shape the industry will emerge in. Many studies recommend that recuperation to pre-COVID-19 stages may need to take until 2023—or later. Buyers are presenting similar perspectives of resort agencies' prospects, as seen in the underperformance folks accommodations actual assets investment trusts (REITs). Like such a variety of industries, hospitality can even see each diffused and full-size shifts in the put up-pandemic technology. A few are already apparent nowadays. Inns are particularly vulnerable to reduced tourism and journey at the side of a slowdown in monetary hobby (Hoisington, 2020). As activities across the globe stay cancelled or postponed and resort occupancy fees plummet, the COVID-19 pandemic has inflicted intense blows on hoteliers worldwide.

In the other side, the tourism sphere of Uzbekistan, normally hotel industry, there are over 1,500 excursion operators and 1,2 hundred motels inside the Uzbekistan had been compelled to stop their sports. This situation affected the employment and profits of hundreds of humans in change, transport,

public catering and other associated areas. On this regard, the state is taking measures to help tourism and the slow healing of the sports of vacationer centers.

As in line with facts, the effect on the Uzbek hospitality industry should render a majority of the human beings in hospitality in Uzbekistan, jobless. As a result of this pandemic, the Uzbek tourism industry is looking at pan, closure of groups and mass unemployment. Commonly, it is able to be that the nature of resorts and restaurants will exchange to leaner and greater green operations, where a balance between smart and skilled labor is well known. Because of worry, a large part of the labor force is seeing a domestic-mass immigration, because of this a majority of the front line personnel at lodges may have moved lower back to their native regions. Temporary paintings forces may be the primary to reduce, afterwhich the impact will be felt by using everlasting employees as hospitality agencies can be tough-pressed to reduce expenses. This could result in a massive range of humans changing their enterprise to head in which the cash waft is faster. This worldwide exodus could have an intense impact at the skills pool and won't get better till self-assurance is reinforced by way of employers and governments alike.

- энергетика соҳасида ўзаро манфаатли хусусий шерикчилик муносабатларини шакллантириш ва ишончли ҳамкорликда хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 21 майдаги N ЎРК-539-сонли “қайта тикланадиган энергия ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни <https://lex.uz/docs/4346831>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли “2017-2021 йилларда қайта тиклатувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадрилигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори. <https://lex.uz/docs/3221894>
3. О.Салимов ва бошқалар. Қайта тикланувчи энергия манбалари. Ўқув кўлланма.Т.: ТИҚХММИ. -2019. 450 бет
4. А.Анорбоев, Д.Қодиров. Энергия тежамкорлик асослари. Ўқув услубий кўлланма. Т.: ТИҚХММИ. 2020 й. 147 бет
5. Т.Мажидов. Ноанъанавий қайта тикланувчи энергия манбалари. Дарслик. Т.: Ворис-Нашриёти. 2014 й. 167 бет
6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси 2-том, Тошкент 2001 й. 704 (340) бет.
7. <http://photo-day.ru/ogromnaya-solnechnaya-pech-v-uzbekistane/> hamda [news.olam.uz/nauka/7258.html](http://news.olam.uz/nauka/7258.html)
8. <http://farishta.uz/society/novosti-obshchestvo/2370-v-uzbekistane-stroitelstvo-solnechnoj-elektrostantsii-otseneno-v-207-mln-dollarov>
9. <http://www.intellekt-dialog.ru>
10. Х.Абулқосимов. Давлатнинг иқтисодий хавсизлиги. Ўқув кўлланма. Т.: Академия 2012 й. 351 бет
11. Ш.Зокиров. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги хориз тажрибаси. Иқтисодиёт ва таълим №4. 2017 йил. 7-12 бетлар
12. Г.Хонкелдиева Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришнинг илмий-методологик асослари 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент 2018 й.
13. U.S. Energy Information Administration. International Energy Outlook 2016. With Projections to 2040. –P. 1.
14. [https://www.eia.gov/outlooks/ieo/pdf/0484\(2016\).pdf](https://www.eia.gov/outlooks/ieo/pdf/0484(2016).pdf)
15. Б.Н.Зиборов ва бошқалар. Отраслевые программы энергосбережения и роль энергетических обследований в их формировании. //Энергетическая политика, – М.: 2003, № 10, 17-21 бетлар.
16. Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш истиқболлари. БТМ, тараққиёт дастури, 2007 й. Ўзбекистон.
17. 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепциясида келтирилган маълумотлар

УЎК 33

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
УСТУВОР МАСАЛА****Ж.К. Салаев, тадқиқотчи, Урганч Давлат Университети, Урганч**

**Аннотация.** Мазкур мақолада КБХТни ривожлантириш бўйича имтиёзлар ва қишлоқ хўжалиги бирлашмалари тадбиркорлиги (кооператив тадбиркорлик)ни ривожлантириши асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириши, кооператив тадбиркорликни ривожлантириши шарт-шароитлари, имконият ва тўсиқлар, бошқаришнинг устувор йўналишлари ёритилган.

**Калим сўзлар:** лицензия, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари (кооперативлари), субсидия, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, кўп функцияли ижтимоий-иқтисодий институт.

**Аннотация.** В данной статье описывается преференции для развития малого бизнеса и предпринимательства, и трудоустройство населения на основе развития предпринимательства сельскохозяйственных объединений (кооперативного предпринимательства), сокращения бедности, условий для развития кооперативного предпринимательства, возможностей и барьеров, приоритетов управления.

**Ключевые слова:** лицензия, сельскохозяйственные объединения (кооперативы), субсидии, фермерские хозяйства, деханские хозяйства, многофункциональные социально-экономические учреждения.

**Abstract.** In this paper described privileges of improving small business and entrepreneurship and the employment of population, poverty reduction, conditions, opportunities and barriers, management priorities of development of cooperative entrepreneurship, based on development of entrepreneurship of agricultural associations (cooperative entrepreneurship).

**Keywords:** licence, agricultural associations (cooperatives), subsidies, farms, dehqan farms, multifunctional socio-economic institution.

Мамлакатда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўз ўрнида, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш борасида ҳам қонунчиликда муҳим қарорлар қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга

кўйишни автоматлаштирилган тизими босқичма-босқич ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. Бу эса аҳоли ҳамда хорижий инвесторларнинг ўз шахсий бизнесини йўлга кўйиш ва ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2020 йилнинг январь-июнида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши **51,3 фоизни** ташкил этди. Кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига **14,4 бирликни** ташкил қилди. Мазкур даврда янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар энг кўп савдода 16588 та, саноатда 9713 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 8525 та, қурилишда 3302 та, яшаш ва овқатланишда 2460 та, ташиш ва сақлашда 1148 та ташкил этилган [1].

Алоҳида фаолият турлари билан шуғулланишда лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш мақсадида, лицензиялаш ва рухсатнома бериш тартиб-таомилларини оптималлаштириш бўйича идоралараро ишчи гуруҳи тузилиб, мавжуд бўлган жами 62 та (266 та фаолият бўйича) лицензия ва 137 та рухсатномалар тўлиқ хатловдан ўтказилди ва ахборот-таҳлилий маълумот киритилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳага асосан **1 000 га яқин** белгиланган бюрократик жараёнлар қисқартирилмоқда. Хусусан:

- хабардор қилиш тартиби алоҳида институт сифатида жорий этилмоқда: **44 та** лицензияланадиган фаолият йўналишлари ва **13 турдаги** рухсатномалар хабардор қилиш механизмига ўтказилмоқда.

- қарийб **100 та** лицензияланадиган фаолият йўналишлари ва **35 та** рухсатномаларни бекор қилиш орқали ёки муқобил шаклларга ўтказиш назарда тутилмоқда. Натижада, тадбиркорлик субъектларининг йилига қарийб **125 млрд. сўм** маблағлари иқтисод қилиниб, ўз ихтиёрида қолдирилади.

- лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш жараёнлари “Лицензия” ахборот тизими орқали тўлиқ электронлаштирилади. Натижада, маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишдаги коррупцион ҳолатларнинг юзага келиши чекланади, тадбиркорларнинг боғлиқ вақт ва молиявий харажатлари иқтисод қилинади.

- **115 та** лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш ҳамда **14 турдаги** фаолиятлар бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш муддатлари қисқартириш орқали бизнес жараёнлар ва маъмурий тартибларнинг кенг кўламли энгиллаштирилиши кўзда тутилган.

- лицензия ва рухсатномаларни бекор қилиш фақат суд тартибида амалга ошириш таклиф этилмоқда. Шу билан бирга, аризалар ўз вақтида кўриб чиқилмаса, автоматик равишда лицензия ёки рухсатнома расмийлаштириб берилади [2].

Тадбиркорлар учун ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш тизимини такомиллаштириш юзасидан “E-ijro aukcion”, “Yer-elektron” электрон тизимлари базасида республикада ягона бўлган “**E-kadastr.uz**” ахборот дастури очиқ электрон портали яратилиб, қайта такомиллаштирилди. Бугунги кунда “**E-kadastr.uz**” ахборот дастури очиқ электрон порталига жисмоний ва юридик шахслар аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга, ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш объекти тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш юзасидан таклифлар киритиш учун жами **10995 та** ер участкасида **911,67 гектар** бўш ер майдони жойлаштирилди. Шу билан бирга, ахборот дастурида ер участкасининг кадастр рақами, жойлашган жойи, тоифаси, майдони, унга туташ ер участкаларининг белгиланган мақсади, турлари, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларигача бўлган масофа тўғрисидаги маълумот ва тизимдаги ҳаракатлар тарихини кузатиб туриши мумкинлиги бўйича имкониятлар яратилди. Худудларда **аёллар ва ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш** бўйича амалий дастур ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Унда тегишли лойиҳалар учун **микромоллия хизматлари ва молиявий ресурслар ажратиш, давлат харидлари тизимида иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш** ва бошқалар кўзда тутилди.

Бугунги кунда “Темир, аёллар ва ёшлар дафтар”ларига кирган ижтимоий ҳимояга мухтож, ишсиз, даромадсиз аёллар ва ёшларни иш билан банд қилиш, даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш ва турмуш тарзини яхшилаш бўйича давлатимиз тамонидан имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш орқали тадбиркорлик ва кооператив тадбиркорликни ривожлантириш кўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2020 йилда Хоразм вилоятида 12 та

туманлар кесимида Дастур доирасида 36 та кооперативлар ташкил этилиши ва 4014 млн. сўм субсидия, 540 га ер майдонлари ажратилиб, 1800 та бирлашма аъзолари, ишсиз камбағал ёшларни, оилаларни бандлиги таъминланди (1-жадвал).

1-жадвал

Хоразм вилоятида дастур бўйича ташкил этилган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг кўрсаткичлари (Хоразм вилояти статистика ва меҳнат бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди)

№	Туман (шаҳар) номи	2020 йилда ташкил этилган қишлоқ хўжалиги бирлашма (кооператив)лари			
		Кооператив сони	Ажратиладиган ер майдони, (га)	Аъзолар (оила) сони	Субсидия миқдори (млн.сўм)
1	Урганч ш.	-	-	-	-
2	Хива ш.	-	-	-	-
3	Боғот	4	60,0	200	446,0
4	Гурлан	4	60,0	200	446,0
5	Қўшқўпир	4	60,0	200	446,0
6	Урганч т.	2	30,0	100	223,0
7	Хива т.	4	60,0	200	446,0
8	Хазорасп	4	60,0	200	446,0
9	Хонқа	2	30,0	100	223,0
10	Шовот	4	60,0	200	446,0
11	Янгиариқ	4	60,0	200	446,0
12	Янгибозор	4	60,0	200	446,0
	<b>ЖАМИ:</b>	<b>36</b>	<b>540,0</b>	<b>1800</b>	<b>4014</b>

1-жадвалдан кўринадики, Хоразм вилояти бўйича қишлоқ хўжалиги бирлашма (кооператив)ларини ташкил этиш ва уларнинг аъзоларига субсидия ажратиш бўйича дастур ижросида ташкил этилиши режалаштирилган кооперативлар 36 тани ташкил қилиб, режа тўлиқ бажарилган. Аъзолар сони эса режада 1800 та оилани ташкил қилган. Аммо иш билан таъминланган ёшлар сони 1710 тани ташкил қилган бўлиб, ҳозирги кунгача ушбу дастур бўйича 4014 млн.сўм миқдорида субсидиялар ажратилган.

Янгидан ташкил этилаётган кооперативларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлатимиз тамонидан ниҳоятда катта энгилликлар, имтиёзлар ва имкониятлар берилмоқда. Ихтисослашган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштириш ва уларни кейинчалик алмаштириш тўғрисидаги қарорни мустақил равишда қабул қилиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундан ташқари, Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан кўчат ва сертификатланган уруғлар, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатлари қисман қопланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кооперативлари – бу ўз аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ижтимоий ва меҳнат фаолияти юритиш шаклидир. Бунда қишлоқ аҳолисининг катта қисми иш билан банд бўлади. Кооперативлар қишлоқ жойларидаги ижтимоий объектларни сақлаб тургани ҳолда ўз аъзоларини ва ёрдамчи хўжаликларни транспорт, ёқилғи, озуқа ва бошқа зарур ресурслар билан таъминлайдилар [3].

Таҳлилларимизга кўра, дунё бўйича кооперативларнинг фаолияти бир қатор фундаментал тамойилларга асосланади, хусусан:

- Ихтиёрийлик ва очиқ аъзолик, демократик назорат;
- кооператив аъзоларининг иқтисодий иштироки;
- автономия ва мустақиллик;
- таълим, ўқитиш ва маълумотлар билан таъминлаш;
- кооперативлар ўртасида кооперация ва жамият учун ғамхўрлик.

Ўзбекистонда кооператив тадбиркорликнинг бир кўриниши сифатида қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг асосий вазифалари сифатида қуйидаги-лар белгиланган [4]:

- мева-сабзавот маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларини маркетинг таҳлил қилиш;
- қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари билан контрактация шартномаларини тузиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан турлари ва навлари бўйича ишлаб чиқариш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, шу жумладан маҳсулот сақлаш омборларини биргаликда ижарага олиш ва

қайтариб бериш асосида хом ашёни қайта ишлаш йўли билан биргалашиб фойдаланишни ташкил этиш;

- шартнома асосида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, уруғлар, кўчат ва экинлар, шунингдек, кимёвий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

- контракция ёки воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни ташкиллаштириш;

- жаҳон стандартларига мос мева-сабзавот маҳсулотларининг кафолатланган бозорини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш учун экспортёрларни жалб этиш;

- қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларига агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

Кооператив тадбиркорликни, яъни қишлоқ хўжалик (бирлашмалари) кооперативларини илмий асосда шакллантириш тизими замон талабига жавоб бера оладиган хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтишни, балки комплекс агрохизмат кўрсатишни таъминлаш имконини беради.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4239 сонли Қарори. 14 март, 2019 йил//Lex.uz

2. Давлат дастури ижроси: Иқтисодий ривожлантириш устувор йўналишлари бўйича ярим йиллик ҳисобот. 11 август, 2020 йил. “Тараққиёт стратегияси” Маркази.

3. Минаков, И.А. Пути развития сельских территорий [Текст] /И.А. Минаков //Достижения науки и техники АПК -2008.-№ 2. – С. 22-24.

4. Хоразм вилояти статистика ва меҳнат бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

5. <https://strategy.uz/index.php?news=1030&lang=uz2>

УЎК 338.48

### ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ЕЧИМИГА ЭКОТУРИЗМНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ЭРИШИШ

*М.М.Хашимова, стажёр тадқиқотчи, “Ипак йўли” туризм халқаро университети, Самарқанд*

*М.Т.Вахабова, магистр, “Ипак йўли” туризм халқаро университети, Самарқанд*

**Аннотация.** Вақт, макон ва туристик фаолият тадқиқотнинг учта муҳим йўналиши ҳисобланади. Вақт ўтиши билан туристик маҳсулотга бўлган талабини ўзгартирганлиги ва тур маҳсулотни диверсификацияси маконнинг кенгайишига сабаб бўлиши таҳлил қилинган. Ушбу мақолада туристик фаолиятни ривожлантиришда юзага келадиган муаммоларни ечимини экотуризмни барқарорлаштириши йўли билан амалга ошириши стратегияси акс эттирилган.

**Калим сўзлари:** дестинация, экотуризм, барқарорлаштириши, инфрамузилма, туристик жой, стратегия

**Аннотация.** Время, пространство и туристическая активность - три наиболее важных области исследования. Было проанализировано, что со временем спрос на туристические продукты изменился, и диверсификация туристического продукта привела к расширению пространства. В данной статье отражена стратегия решения проблем, возникающих в развитии туризма, через стабилизацию экотуризма.

**Ключевые слова:** дестинация, экотуризм, стабилизация, инфраструктура, туристическое место, стратегия

**Abstract.** Time, space and tourism activity are the three most important areas of research. It was analyzed that over time, the demand for tourism products has changed, and the diversification of the tourism product has led to an expansion of space. This article reflects a strategy for solving problems arising in the development of tourism through the stabilization of ecotourism.

**Keywords:** destination, ecotourism, stabilization, infrastructure, touristic place, strategy

**Кириш.** Иқтисодий асосий таъмоилларидан бири мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда инсонларнинг эҳтиёжларини қондиришдир. Туризм бу муҳим ва ўсиб бораётган фаолият йўналишларидан биридир. Туристтик ресурслардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим стратегиялардан бири бўлиб, мамлакатлар даромадларини шакллантиради. Турли



мамлакатларда ушбу соҳани режалаштириш ва ривожлантиришга катта эътибор берилади. Шу жумладан, 2019-2025 йилларда иқтисодий шароитлар ва омилларни яратиш бўйича олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилаш, унинг иқтисодийдаги ўрни ва улушини ошириш, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган.[1]

Туризмнинг ўсиб бораётган шаклларида бири экотуризм табиат ресурсини сақлаш ва ривожлантириш учун потенциал омил сифатида қўллаб-қувватланади. Бу табиат туризми табиий ресурсларни тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳимоя қилишга ҳисса қўшади ва барқарорликни қўллаб-қувватлайди. Ушбу мақолада табиатни сақлаб қолиш ва ундан оптимал фойдаланиш бўйича олимларнинг илмий изланишларини назарий таҳлил қилиш натижасида амалий таклифлар киритилган. Ушбу тадқиқотнинг мақсади барқарорлик принципларида фойдаланган ҳолда экотуризм ресурсларини оқилона бошқаришдир. Дестинация тушунчаси макон фалсафасига ва экотуризм тушунчаси замон фалсафасига биноан олимларнинг фикри ўзгарганлиги таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларини амалиётга қўллаш стратегияси ишлаб чиқилган.

### **Мавзунинг долзарблиги ва ҳозирги ҳолати**

Дунё бўйича мамлакатларда экотуризмни ривожлантиришга катта аҳамият бермоқдалар. Чунки туризмнинг бу турига истеъмолчиларнинг талаби катта бўлиб, табиат томонидан яратилган нодир неъматлардан завқланиб, соғлиқни тиклаш имконияти мавжуддир. Шунини таъкидлашимиз керакки бошқа туризм турларига нисбатан саёҳлик экотуризмга ишлатадиган кунлик ҳаражатлари 2-3 баробар кўпдир. Мисол учун, дунёнинг етакчи экотуризм ҳудудларидан бири бўлмиш Коста-Рикада бир сайёҳ экотуризм манзилида ўртача \$1000 сарфласа, бу кўрсаткич Францияда \$400 га тенг.[2]

Бу кўрсаткичларнинг сабаби табиатнинг нодир ландшафтларида туристик инфратузилмани яратиш учун кўп ҳаражат қилинишидир. Экотуризмнинг ташкилий иқтисодий механизмини яратишда кам ҳаражатлар эвазига туристик инфратузилмани жорий қилиш имкониятларини назарий асосларини таҳлил қилиш натижасида амалиётга қўллаш стратегиясини ишлаб чиқишимиз лозим.

Экотуризмнинг асосий ғоялари табиатни муҳофаза қилиш ва жамоатчилик асосида ривожланишни бирлаштиришдир. Туризм соҳасининг кенгроқ соҳаси орқали интеграциялашганлиги сабабли, экотуризм кўпинча бошқа асосий ва барқарор иқтисодийларни алмаштириш учун ўрнини босувчи сифатида ишлатилади, айниқса, асосий иқтисодийларнинг нархи арзон бўлишни тўхтатганда ва улар кўпроқ ҳалокатли бўлиб қолганда. [3]

Барқарор экотуризмни ўрганаётганда экотуризм тизимини мураккаб бирлашма сифатида яхшироқ тушуниш мумкин. Ушбу тадқиқотда таклиф қилинган экотуризм тизимининг режалари барқарор туризм принциплари асосида экологик зиддиятларни ва босимларни минималлаштиришни ўз ичига олади.

### **Таъриба қисми (тадқиқотни амалга ошириш), олинган натижалар таҳлили**

Мамлакатимизда туризм соҳасининг турларидан бири экотуризмни ривожлантириш, туристлар учун барқарор экотуристик инфраструктурасини яратиш муҳим аҳамиятга эга. “Экотуризм”ни шакллантириш ва ривожлантириш учун унинг замон назарий асосларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

“Экотуризм” ҳақида турли хил тушунчалар мавжуд. Лекин унинг ягона тарифи мавжуд эмас. “Экотуризм” атамаси XX асрнинг 80-йилларида тадбиқ эта бошланди, аниқроғи 193 йили мексикалик эколог-иқтисодчи олим Гектор Цибаллос Ласкурейн “Экотуризм” терминини таҳлил қилиб, туризмнинг табиатни муҳофаза қилишга қаратилган жиҳатларига эътиборни қаратган. У ўз қарашларида кўпроқ табиий туризм терминини ишлатган.[4] Унинг бирламчи бу соҳага берган тушунчасида экотуризм - бу табиат билан танишиш, ўрганиш учун табиатнинг нисбатан бузилмаган бурчакларига саёҳат қилиш, ёввойи флора ва фауна намуналарини ва ушбу ҳудудларда жойлашган маданий диққатга сазовор жойларни ўрганиш деган.[5]

Кейинчалик 1993 йилда бирламчи таъриф муаллиф томонидан қайта кўриб чиқилди. Олим фақатгина табиий муҳитни ўрганиб қолмай маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини оширишда муҳим омил деган яқуний хулосага келади ва қуйидаги таърифни шакллантиради: экотуризм табиат ва маданий диққатга сазовор жойлар билан танишиш ва ўрганиш, атроф-

муҳитни сақлашга ҳисса қўшиш, табиатга минимал зарар етказиш ва маҳаллий аҳолини сайёҳлик жараёнига фаол жалб қилиш орқали ижтимоий-иқтисодий фойда яратиш мақсадида нисбатан ноқулай табиий ҳудудларга экологик жиҳатдан масъулиятли саёҳат деган.[6]

Россиялик олимлар И.В.Зорин, В.А.Квартальновларнинг туристик терминология луғатидаги тушунчага биноан экотуризм табиатни муҳофаза қилиш, иқтисодий самарадорлигини ошириш, рекреацион ҳудудларни шакллантириш, экологик қонунларни ишлаб чиқиш каби вазифаларни бажаради. Олимлар томондан берилган таъриф бўйича: экотуризм саёҳат қилиш ва табиатга экологик сезгир муносабат бирикмаси бўлиб янги ландшафтларни кашф этиш, флора ва фауна намуналарини ўрганиш қувончини уларни муҳофаза қилишга ҳисса қўшиш имконияти билан бирлаштириш имконини беради. Экотуризмнинг асосий ресурси қўриқланадиган ҳудудлар – қўриқхоналар, миллий ва табиий боғлар, ноёб ва типик ландшафтлардир. Экотуризм табиатни муҳофаза қилишга иқтисодий ҳисса қўшади: муҳофаза этиладиган ҳудудлар сайёҳларни жалб этади ва уларга хизмат кўрсатиш учун иш ўринлари яратилади; табиий ресурслар рекреацияга айланади ва улардан фойдаланишда экологик қонунларга риоя қилишга асосланади.[7]

Мамлакатимиз олимларидан бири – профессор М.А.Хошимов томонидан берилган таърифда талаб қонунига эътибор қаратилган ва қуйидагича изоҳланган: экотуризм саёҳлик талабларига асосланиб, сайёҳлик истеъмолига боғлиқ бўлади, экотартибларни сақлашда ҳиссасини қўшади, маҳаллий аҳолининг талаб ва қизиқишларини қўпайтиради, кўпинча, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларда амалга оширилади.[8]

Россиялик олима Б.Д.Степанова экотуризмга таъриф берганида табиий, ижтимоий, иқтисодий омилларни эътиборга олган ҳолда экологик лойиҳаларни амалга оширишга эътиборини қаратган ва қуйидагича таъриф берган: экотуризм – бу туризмнинг табиатга йўналтирилган тури бўлиб, у инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга мўлжалланган, унинг муҳим вазифаси экологик таълим ва тарбиядир. Ундан фойдаланишнинг мажбурий шартлари нисбатан тегишилмаган бўлиш, ёрдам кўрсатиш экологик лойиҳаларни амалга ошириш ва маҳаллий аҳоли фаровонлигини оширишдир.[9]

О.Х.Хамидовнинг олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида экотуризмга оид тушунчани кенг таърифлаш жараёнида бу соҳани ихтисослашган соҳа сифатида эътироф этган ва қуйидагича таъриф берган: “Экологик туризм - туризм саноатининг узвий боғлиқ бўлган яхлит ва тизимли таркибий қисми сифатида бошқариладиган ихтисослашган соҳаси бўлиб, у экологик маърифат, табиатни ўрганиш, экологик маданият савиясини ошириш, табиат, айниқса ўсимлик ва ҳайвонат дунёсини ҳамда унинг нафис ландшафтларини кузатиш, томоша қилиш, табиатдан завқ ва шифо олиш, жисмоний камолотга эришиш, экотузилмаларни сақлаб қолишга ҳисса қўшиш, айни вақтда тегишли даромад олиш, маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳурмат қилиш, фаровонлигини ошириш мақсадида табиат ва жамият рекреация ресурсларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш билан билвосита боғлиқ туризм турларини ва рекреация фаолияти машғулоти, уларни бошқариш мажмуасидир.”[10]

Юқорида ақс эттирилган тарифлардан келиб чиққан ҳолда замонлар оша олимларнинг фикрлари ўзгарганини эътироф этамиз. 80 йилларда экотуризмга оид тушунчалар фақатгина табиатни ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш деб тушунилган. Лекин тартибга солинмаган экологик туризм фаолиятини амалга ошириш кўплаб салбий оқибатларга олиб келган. Масалан Қўшма Штатлардаги миллий боғларнинг табиати деградацияга учраганлиги, Алп ва Эверест тоғларидаги ахлатларнинг кўп миқдорда тўпланиши ва хоказо.[11] Табиий ресурсларнинг бундай деградацияси экотуризм воситасида нафақат табиатдан баҳраманд бўлиш балки унинг ёрдамида табиатни ҳамда маҳаллий аҳолининг кадриятларини муҳофаза қилиш керак деган тушунчалар 90 йилларда олимлар томонидан тадқиқ этилди. 1996 йилда бу таъриф Табиатни муҳофаза қилиш халқаро Иттифоқи томонидан тасдиқланган.[12]

XXI асрда экотуризмга оид дефенцияларда иқтисодий таъмоийлар (талаб ва таклиф қонуни, самарадорлик, соҳанинг ихтисослашуви) ақс эттирилган. Бунга сабаб таъсир этувчи омиллар (талабнинг ошиши, урбанизация жараёни, хизматлар соҳасининг ривожланиши) экотуризм соҳасида барқарорлаштириш жараёнини амалга ошириш кераклиги ҳақидаги фикрларни шакллантиради.

Юқорида ақс эттирилган фикр ва мулоҳазалар таҳлили асосида экотуризм - бу табиий ресурслардан оптимал фойдаланган ҳолда истеъмолчиларнинг тур маҳсулотга талабини қондиришга қаратилаган табиий муҳит, туризм фаолияти, ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги ижтимоий - иқтисодий муносабатлар натижасида яратилган синергетик самарага эга бўлган туризм тури деган таърифни киритамиз.

Экотуризм эволюциясида муҳим қадамдир бўлиб, Бирлашган Миллатлар ташкилоти томонидан 2002 йилнинг “Халқаро экотуризм” йили деб эълон қилиниши бўлди. Квебекдаги (Канада) 2002 йил 19-22 май кунлари Бирлашган Миллатлар ташкилотининг атроф-муҳит дастури асосида Бутун Жаҳон туризм ташкилоти билан биргаликда экотуризмга оид саммит ўтказилди. Саммитда 132 та мамлакат қатнашиб, экологик туризм бўйича Квебек декларацияси қабул қилинди. Бу декларацияда мамлакатларда экотуризмни ривожлантиришга оид тавсияномалар акс эттирилди. Саммитда экотуризмнинг иқтисодий, ижтимоий ва табиий муҳитга таъсири нуқтаи назаридан барқарор туризм таъмойиллари асосида ташкил эътироф этилди.[13]

Туризмдаги барқарорлик туризмнинг экологик, ижтимоий-маданий ва иқтисодий таъсирларининг ижобий умумий мувозанатини назарда тутди.

Барқарор туризм - бу чекланмаган муддатга асосланган ресурсларни сақлашни ўз ичига олган туризмдир. Барқарор туризм тушунчаси ҳам кенгроқ маънода қўлланилади: “барқарор туризм ривожланишга ҳисса қўшадиган табиий ва сунъий ресурсларга асосланган туризмнинг барча турларидир.”

Экотуризмни барқарор туризм таъмойиллари асосида ташкил топишини экотуристтик дестинацияларни тадбиқ этиш орқали амалга оширишимиз мумкин.

“Дестинация” тушунчаси латин тилидан (“destino”) “манзил” сифатида таржима қилинади.

Олимларнинг “Дестинация” терминига нисбатан қўллаган тушунчаларини макон фалсафасига оид талқин қиламиз.

Туризмнинг ривожланиши натижасида адабиётларда “Туристтик дестинация” тушунчаси пайдо бўлди.

Неил Лейпер дестинацияни ҳудудлар миқёсида талқин қилган. 1979-йилда туристик дестинацияни туристик тизимнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқди. Унинг ишида туристик тизим функционал жиҳатдан боғлиқ бешта элемент мажмуи сифатида қаралади: 1 - туристлар; 2 - туристларни қабул қилувчи ҳудудлар; 3 - транзит ҳудудлар (дестинациялар); 4 - туристик дестинациялар; 5 - туристик саноатдир. Н. Лейпер аттракцияларни жозибадорлиги эвазига вақтинчалик сайёҳларни бир жойга жалб қилиш ва қолиши сифатида сайёҳликни белгилайди.[14]

П. Берителли дестинация таърифини киритганда географик ҳудуд деган тушунчадан фойдаланади. Олим берган маълумотларга кўра, дестинация сайёҳлик муайян сегментда яшаш учун зарур бўлган барча хизматлар ва инфратузилмалардан иборат географик ҳудуддир.[15]

В. Н. Зуев туристик саёҳат мақсадини ифодаловчи маҳаллий ҳудуд сифатида манзилни белгилайди, турар жой, озик-овқат, ўйин-кулги, таълим ва дам олиш фаолияти учун зарур инфратузилмага эга бўлган туризм бозорида рақобат предмети ва тадбиркорликнинг стратегик объектидир. [16]

А. И. Зырянов эса туристик дестинация терминининг таърифини киритганда маконни кенгроқ ифода этган. Олим дестинация- бу кўпинча минтақавий миқёсдаги ижтимоий-иқтисодий географик объект сифатида тушунилади. Бу терминни шаҳар ва мамлакат миқёсида ҳам қўллаш мумкин деган тушунчани билдиради.[17]

Дестинация тушунчасини таҳлил қилганда олимларимиз макон нуқтаи - назари билан иқтисодий, географик ва туристик ёндашувларга асосланиб изланишни амалга оширилган. А.А Сафарян ўз ёндашувларни таҳлиллар натижасида қуйидагича ифодалаган:

- иқтисодий ёндашувда молиявий оқимлар, бозор муносабатлари, нарх категориялари каби жиҳатлар таҳлил қилинган;

- туристик ёндашувда жойнинг туристларни қабул қилишга тайёрлигини ва бу асосан туристик инфраструктура ҳақида таҳлил қилинган;

- географик нуқтаи назардан дестинацияларни таҳлилида ҳудуднинг кенг қўлламидан ташқари, ҳудудий шакли ҳам муҳим аҳамиятга эга.[18]

Б.Н. Навруз – Зода дестинация атамасини талаб ва таклиф ёндашуви бўйича олимларнинг фикрларини таҳлил қилган. Таҳлил натижасида дестинация - бу маълум географик жойлардаги стратегик-тузилмавий шарт-шароитлардан баҳраманд бўлган ҳолда ўз туристик эҳтиёжларини қондиришга мўлжаллаб сайёҳнинг фаолияти натижасида яратилган ягона туристик маҳсулотдир деган тушунчани киритади.[19]

Дестинацияларнинг географик, иқтисодий, туристик ёндашуви асосидаги тушунчаларни ўрганганимизда экологик ёндашув асосидаги тушунча шаклланмаганини аниқладик.

Туристтик индустриясининг иқтисодий ривожланишининг энг асосий омилларидан бири талаб ва таклиф қонуни ўрганиш, таҳлил қилиш ва қонуннинг амал қилишдир. Урбанизация жараёнининг жадаллашуви экологик жозибадор ҳудудларда дам олишга бўлган талабни оширади ва туристлар оқимини оммалаштиради. Бу жараён табиий ҳудудлардан фойдаланишни талаб қилади. Туристтик жараёнларни ташкил қилишда туристик индустриясининг иштирокчиларини жалб қилиниши тақазо этилади. Демак, экологик туристик дестинацияларни ташкилий-иқтисодий механизмини шакллантиришимиз ва ривожлантиришимиз керак.

Юқоридаги келтирилган маълумотларни умумлаштирган ҳолда биз қуйидаги таърифни киритамиз. Экотуристик дестинация - бу экологик, ижтимоий, иқтисодий омилларни ижобий таъсирини ҳисобга олиб, хўжалик инфратузилмасини яратилган ҳолда табиий ландшафтлардан оптимал фойдаланишга қаратилган экологик жозибадор ҳудуддир.

Жаҳон туристик бозорда рақобат юқоридир. Бу эса янги дестинацияларда ҳалқаро стандартлар асосида хизмат кўрсата оладиган туристик инфратузилмани яратиш кераклигини тақазо этади. Табиий ландшафтларда туристик инфратузилмани яратиш жараёнида экологияга таъсир этмаслик асосий муаммолардан биридир. Чунки инфратузилмани ташкил қилишда меҳмонхоналар қуриш, йўл очиш учун дарахтларни қирқиш, қояларга пўлат қозиклар, канализация қувурларини ўтказиш ва ҳоказолар талаб қилинади. Бу эса табиатга сезиларли таъсир кўрсатиб, унинг асл ҳолатини сақлаб қолмайди ва рекреацион хусусиятини йўқотади. Вақт ўтиши билан очик ҳавода ўтказиладиган кўнгилочар тадбирларнинг хилма-хиллиги бу мавзу бўйича кўпроқ билим олишнинг яна бир далилидир, чунки янги машғулотлар кўпинча янги манбаларни талаб қилади ва янги таъсирларни келтириб чиқаради.[20]

Шунинг учун бу дестинацияларни шакллантиришда муқобил энергиядан фойдаланган ҳолда кичик енгил конструкциялардан ясалган комплекслар жорий қилиш керак. Лекин, бундай ҳолатларда туристларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжига айланган комфортни таъминлай ололмаймиз.

Ўзбекистонда экотуристик дестинациялар сифатида қўллаш таклиф қилинаётган табиий ландшафтларга яқин жойларда хўжалик инфратузилмаси бор қишлоқлар мавжуд. Айни ушбу қишлоқларда туристлар талабини қондирадиган барча қулайликлар ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириб, туристик жой ташкил этиш таклиф этилади.

Туристтик жой ва кичик комплекслар ёрдамида экотуризмни ташкилий иқтисодий механизмини яратишимиз мумкин.

Туризм киритилган жой туристик жойни ўзлаштириш даражасига ёки бир вақтнинг ўзида бир неча иштирокчиларнинг иштирокига қараб турли шаклларда бўлади. Туризмнинг бир неча бошланғич жойларини бирлаштириш минтақавий микёсдаги шаклларни аниқлашга имкон берди.[21]

Чет эл ва маҳаллий шаҳарсозлик адабиётларида «туристик жой» тушунчаси одатда аҳоли пунктлари тизими билан боғлиқ (шаҳарлар, шаҳарчалар ёки махсус аҳоли пунктлари – туристларга хизмат кўрсатиш марказлари) тушунилади. Ушбу концепцияни саёҳатчилар учун жуда қизиқ бўлган ҳар қандай географик ҳудуд билан боғлаш мақсадга мувофиқдир. Туристтик жойлар қуйидагилар бўлиши мумкин: шаҳар, қишлоқ, қишлоқ аҳоли пункти, махсус туристик хизмат кўрсатиш маркази, дарё, кўл, денгиз (океан), тоғ тизмаси, ноёб ва типик ландшафтлар, миллий боғлар, кўриқхоналар, табиат кўриқхоналари ва бошқалар. Бинобарин, ҳар хил даражадаги объектлар ҳам, ландшафтлар ҳам туристик марказлар вазифасини бажаради, бу эса тегишли таксономияни (тизимлаштириш назарияси) ишлаб чиқишни тақозо этади.

### Хулоса

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожлантиришга муҳим аҳамият берилиб, истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида “Туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори макомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш” белгиланди. [22]

Туризмни ривожлантиришда ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда ривожлантиришни стратегик режа сифатида эътироф этаётган сиёсатда таклиф қилинаётган тадқиқотни амалиётга жорий қилиш натижасида туристик индустриянинг самарадорлигига салмоқли ҳисса қўшамиз. Масалан: дестинацияларни инновацион ривожлантириш



натijasида туристик оқимни кучайтириб даромаднинг ошишига, аҳолини иш билан таъминланишига, табиатни асрашга ва ҳоказоларга сабаб бўлади.

Дестинациялар олдидаги мавжуд табиий ресурслардан фойдаланиб, рекреацион зоналарни ташкил қилиши туристик инфратузилмани, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши ва фаровонликка сабаб бўлади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/4143188>
2. <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/5438/>
3. Journal of sustainable tourism, 2019, VOL. 27, NO. 4, 488-502, Tourism and environmental subjectivities in the Anthropocene: observations from Niru Village, Southwest China, Jundan Zhang <https://doi.org/10.1080/09669582.2018.1435671>
4. [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
5. Ceballos Lascurain, Hector The Future of Ecotourism//Mexicojournal, 1984, 13-14-бет.
6. Ceballos Lascurain, Hector Ecotourism in Central America//Technical Report for WTO/UNDP, 1993, 187-бет.
7. Туристский терминологический словарь: справочно-методическое пособие/авт.-сост. И.В.Зорин, В.А.Квартальнов. – М.:Советский спорт, 1999, 4-бет.
8. М.А.Хошимов. Ўзбекистон экологик туризми, “Зарафшон” нашриёти ДК, Самарканд - 2009, 17-бет.
9. Б.Д.Степанова “Феномен экологического туризма как мейнстрим современности” [электронный ресурс]: URL:<https://cyberleninka.ru/article/n/fenomen-ekologicheskogo-turizma-kak-meynstrim-sovremennosti> (сўров санаси: 24.08.2020), 23-бет.
10. О.Х.Хамидов, “Ўзбекистонда экологик туризми ривожлантириш бошқариш механизмини такомиллаштириш”(DSc) диссертацияси, 38-39 бет.
11. Мыринец Светлана Алексеевна Современное состояние и перспективы развития экологического туризма в России(на примере Мурманской области)
12. Экотуризм в Республике Беларусь,
- 13.Мыринец Светлана Алексеевна, Современное состояние и перспективы развития экологического туризма в России (на примере Мурманской области)
14. Дворецкий И.Х. Латинско - русский словарь, 2-е изд., перераб. и доп. — М., 1976, 1096-бет.
15. Beritelli P. Social network analysis in destination management //Univerit of St.Gallen, 2009. URL: <http://etourism.economia.unitn.it/documents/3.pdf> (дата обращения: 17.05.2015)
16. Зуев В.Н. К вопросу о системной поддержке развития экологического туризма на региональном уровне (на примере туристкой дестинации Барановичского района Республики Беларусь) / В. Н. Зуев //Туризм и региональное развитие: сборник научных статей, Вып. 7. - Смоленск: Универсум, 2014, 105-1-бет.
17. Зырянов А.И. Дестинация // География, 2013, No 6, 12-13-бет
18. Сафарян Азат Арменович, Туризм в Армении: дестинация, аттрактивность, информационные ресурсы диссертация
19. Б.Н.Наврүз-Зода, "Туристик худуд ракобатбардошлиги" монография, “Дурдона” нашриёти, Бухоро, 2017 йил, 16-бет.
20. Journal of Outdoor Recreation and Tourism, Dimensions in the nature-based tourism experiencescape: An explorative analysis, Fossgard, Knut. Fredman, Peter, 2019 y. <https://doi.org/10.1016/j.jort.2019.04.001>
21. Jérôme Piriou, The Tourist Region, London UK © ISTE Ltd 2019, 41-бет.
22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ

УЎТ: 621.436.24

## ЭЛЕКТР АКТИВАТОР ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ

*М.Ибрагимов, т.ф.н., доц., ТИҚХММИ, Тошкент**Б. Файзуллаев, ўқитувчи, Астрахань давлат техника университети Тошкент вилояти филиали, Тошкент**Н.Эшпулатов, т.ф.ф.д., PhD, ТИҚХММИ, Тошкент*

**Аннотация.** Мақолада электр активаторнинг параметрларини экспериментал асослаш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** электр, активатор, параметр, коллектор, дренаж

**Аннотация.** В статье приведены результаты исследований по экспериментальному обоснованию параметров электроактиватора.

**Ключевые слова:** электричество, активатор, параметр, коллектор, дренаж

**Abstract.** The article presents the results of research on the experimental substantiation of the parameters of the electroactivator.

**Key words:** electricity, activator, parameter, collector, drainage

Янги ер майдонларини ўзлаштириб, сув билан таъминлаш учун қўшимча сув манбаларни излаб топиш ва бу муаммони ечимини ҳал этишда ер ости ва коллектор-дренаж сувларига ишлов бериб суғориш – ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳозирги даврда суюқликларга диафрагмали электр активаторда униполяр ишлов бериш усули кенг қўлланилмоқда. Бу усулни қўллаш билан сувнинг таркибида бор моддаларда электрохимик ўзгаришлар ҳосил бўлади, сувнинг минерализацияси камаяди, унинг химик ва ионли, таркиби ўзгаради, ва шунинг билан биргаликда сувнинг биологик активлиги ошади. Активаторларнинг конструкциясининг соддалиги ва сувга ишлов беришга сарфланадиган маблағларнинг нисбатан пастлиги ишлаб чиқаришда қўллаш бўйича, катта илмий ва амалий қизиқиш уйғотмоқда.

Лекин, ҳозирги кунгача электр активаторларни асосий конструктив параметрлар асосланмаганлиги ва уларни лойиҳалаш учун бирламчи талаблар бўлмаганлиги уларни кенг қўллашга тўсиқлик қилмоқда.

Тажрибалар математик режалаштириш усулида олиб борилди. Бошланғич ҳолатда, регрессия тенгламаси куйидаги кўринишда қабул қилинди.

$$y = b_0 + \sum_{i=1}^n b_i x_i + \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^{n,m} b_{ij} x_i x_j \quad (1)$$

Оптимизация параметри сифатида бир литр сувга сарфланган электр энергия миқдори қабул қилинган, факторлар қилиб электродлар юзаси, электродларнинг оралиғи ва диафрагманинг турлари қабул қилинган, тажрибалар 3 маротабадан такрорланган.

Активаторда олинаётган катодит сифати таркибида бор тузлар миқдори рН, оксидланиш ва қайта тикланиш потенциаллари билан баҳоланади.

Аналит сифати, юқорида келтирилган кўрсаткичларидан ташқари, актив хлор миқдори билан ҳам баҳоланди.

Тажрибаларда қўлланилган активаторнинг лаборатория нусхасини техник кўрсаткичлари куйидагича:

Активатор ҳажми-1;

Номинал кучланиш, В-220;

Ток миқдори, А -0.2-1.0;

Истеъмол қуввати, Вт-12-26;

Ишлов бериш муддати, мин-8-30;

Водород ионларини активлиги, рН 3-13;

Сувнинг ҳарорати, °С-45-55;

## Факторларни кодлаштириш ва уларнинг миқдорлари

Факторлар	Электродлар юзаси, мм <sup>2</sup>	Электродлар оралиғи, мм <sup>2</sup>	Диафрагма
Коди	X <sub>1</sub>	X <sub>2</sub>	X <sub>3</sub>
Асосий даражаси	1800	45	
Ўзгариш интервали	300	10	
Юқори даражаси	2100	55	Болонья
Пастки даражаси	1500	35	Мато

Регрессия коэффициентлари катталиклари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланди:

$$b_0 = \frac{\sum_{u=1}^n y_{\bar{y}p.u}}{N} \quad (2)$$

$$b_i = \frac{\sum_{u=1}^n X_{iu} y_{\bar{y}p.u}}{N} \quad (3)$$

$$b_{ij} = \frac{\sum_{u=1}^n X_{iu} X_{ju} y_{\bar{y}p.u}}{N} \quad (4)$$

Стьюдент критериясига асосан, барча чизикли эффектлар статик аҳамиятли деб қабул қилинди.

$$b_0 = 29.6; b_1 = 1.85; b_2 = 2.28; b_3 = -9.8$$

Кохрен критерияси ёрдамида тажрибалар дисперциясининг бир жинслиги ва фишер критерияси ёрдамида тенгламани адекватлиги аниқланди ва қуйидаги тенглама қабул қилинди:

$$Y = 29.6 + 1.85X_1 + 2.28X_2 - 9.8X_3 \quad (5)$$

Электр энергиясининг минимал солиштирма сарфи 13,8 Вт.с ни ташкил қилди.

## Тажрибалар ўтказиш матрицаси

Тажрибанинг тартиб рақами	X <sub>0</sub>	X <sub>1</sub>	X <sub>2</sub>	X <sub>3</sub>	Сатрларни кодли белгиланиши	Y
1	+	+	+	+	авс	16,2
2	+	+	-	+	ас	14,3
3	+	-	+	+	вс	11,8
4	+	-	-	+	с	10,3
5	+	+	+	-	ав	31,5
6	+	+	-	-	а	29,9
7	+	-	+	-	в	31,5
8	+	-	-	-	(1)	23,3

Активаторнинг оптимал параметрлари: электродлар юзаси 1500 мм<sup>2</sup>, электродлар оралиғи 35 мм ва диафрагма-болоньядан тузилган деб қабул қилинди. Лаборатория шароитида ўтказилган тажриба орқали олинган маълумотлар асосида активаторнинг макет нуҳасини яратиш бўйича техник топшириқ ишлаб чиқилган.

## Хулосалар

1. Электр активлаштириш билан сувнинг таркибида электрохимик ўзгаришлар ҳосил бўлади, суякликнинг минерализацияси камаяди, оксидланиш ва қайта тикланиш потенциаллари ўзгаради.

2. Тўла факторли эксперимент ёрдамида активаторнинг конструктив параметрлари асосланган ва регрессия тенгаламасининг ифодаси аниқланган. Оптимал қилиб қуйидаги параметрлар қабул қилинди: электродлар юзаси 1500 мм<sup>2</sup>, электродлар оралиғи 55 мм<sup>2</sup> ва диафрагма материали –болонья.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Раджабов А., Муратов Х. Электротехнология. - Тошкент, Фан, 2001. - 290 б.
2. Роечко И.В., Голоборько В.В. Роль активированной воды в сельскохозяйственном производстве. - Москва, НТК МГУП, 2000. - 28 с.

УЎК 579.2/577.2.

ТУПРОҚ ШЎРЛАНИШИ СТРЕССИ ШАРОИТИГА ЧИДАМЛИ ЭПИФИТ  
МИКРООРГАНИЗМЛАРНИНГ СКРИНИНГИ

*И.Ж. Рўзиева, PhD, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов*  
*А.Х. Маммадиев, ўқитувчи, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов*

*Аннотация. Эпифит бактерияларни махсус таркибга эга бўлган озуқа муҳитида ўстириб, тайёрланган препарат билан ишлов бериш орқали, Сурхондарё вилояти Шўрчи туманининг*

бирнеча фермер хўжаликларида кучсиз, ўртача, кучли даража шўрланган ва шўрланмаган ўтлоқи-бўз, бўз ўтлоқи, ўтлоқи тупроқлар, минерал, органик, биологик ўғитлар, тупроқ микроб фаоллигини баҳор-ёз-куз ойларида таҳлил қилинди ва гўза (*Gossypium hirsutum L.*) нинг С6524, Ан-Боевут-2, Андижон 37, Бухоро 6, С4727, Жарқўргон навлари ҳамда кузги бугдойнинг Крошка нави.

**Калим сўзлар:** эпифит бактериялар, микроорганизмлар, ўтлоқи-бўз, бўз ўтлоқи, ўтлоқи тупроқлар, минерал, органик, биологик ўғитлар.

**Аннотация.** *Посредством выращивания эпифитных бактерий на питательной среде специального состава и обработки приготовленным препаратом в нескольких хозяйствах Шурчинского района Сурхандарьинской области на слабых, умеренных, сильнозасоленных и незасоленных луговых, мятликовых, луговых почвах, минеральные, органические, биологические удобрения, микробная активность почвы анализировалась весной-летом-осенью и включала сорта хлопчатника С6524, Ан-Боевут-2, Андижан 37, Бухара 6, С4727, Джаркурган (*Gossypium hirsutum L.*) и сорт Крошка. озимая пшеница.*

**Ключевые слова:** эпифитные бактерии, микроорганизмы, мятлик, мятлик, луговые почвы, минеральные, органические, биологические удобрения.

**Abstract.** *By growing epiphytic bacteria in a nutrient medium with a special composition and processing with the prepared drug, in several farms of Shurchi district of Surkhandarya region on weak, moderate, strongly saline and non-saline meadow-grass, meadow grass, meadow soils, mineral, organic, biological fertilizers soil microbial activity was analyzed in spring-summer-autumn and included С6524, An-Boyovut-2, Andijan 37, Bukhara 6, S4727, Jarqurghon varieties of cotton (*Gossypium hirsutum L.*) and Kroshka variety of winter wheat.*

**Key words:** epiphytic bacteria, microorganisms, meadow-grass, meadow-grass, meadow soils, mineral, organic, biological fertilizers.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.11.2020 й ПҚ-4899 47-сон, 523-модда “Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

Замонавий қишлоқ хўжалигининг бугунги кундаги вазифаларидан бири экологик тоза маҳсулот етиштиришга қаратилган бўлиб, у ўсимлик билан микроорганизмлар орасидаги муносабатларни ўрганиш натижасида амалга оширилиши мумкин. Яқинларгача ўсимликларнинг микрофлорасини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот ишлари, асосан тупроқ таркибидаги ва ўсимликлар билан симбиоз ҳолатида яшайдиган ризосфера микроорганизмларини ўрганиш билан чегараланган эди. Ўз навбатида, филлосферанинг сиртида яшайдиган эпифит микроорганизмларга, айниқса уларни ўсимликлар билан бўлган ўзаро муносабатларига эътибор билан қаралмай келинган.

Ҳозирги вақтда ўсимликлар билан йўлдош бўлган микроорганизмларни ҳар томонлама ўрганишга эътибор билан қаралмоқда. Ҳозиргача микроорганизмларни ўсимликлар ҳаётидаги ролини аниқлашда асосий эътибор тупроқда ва айниқса ризосферада яшовчи ҳамда ўсимликлар билан симбиозда яшовчи эндофит микроорганизмларга қаратилган. Бу масалаларни ўрганиш бўйича тўпланган материаллар кўплаб мақолалар ва монографиялар ва диссертацияларда ўз аксини топган (22; 89-93-б.).

Соғлом ўсимликларнинг ер устки қисмида яшовчи эпифит микрофлорани ўрганишга бағишланган фундаментал ишлар эълон қилинмаган. Бундай ҳолат эпифит микроорганизмларга эътибор билан қаралмаганлиги билан тушунтирилади. Авваллари, ўсимлик баргида учрайдиган эпифит микроорганизмлар, ўсимлик ҳаётига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди ва улар *Pseudomonas herbicola* ва *Pseudomonas fluorescens* лардан иборат, холос деб ўйлаб келинган.

**Адабиётлар таҳлили.** Эпифит бактерияларни ўсимлик ҳаётидаги ролини аниқлаш бўйича биринчи уриниш 1944 йилда Я.П.Худяков томонидан қилинган ва орадан 25 йил ўтгач 1969 йилда Ю.М.Возняковская томонидан давом эттирилган. Шундан кейин, ҳар хил кўп йиллик ўсимликларнинг ер устки қисмида яшовчи микроорганизмлар ҳақида мақолалар эълон қилина бошлаган (Делова, 1973; Звягинцов, 1993; Евсев, 2004; ва бошқалар) ва ҳатто, нина баргли ўсимликни патогенезида эпифит микрофлоранинг роли ҳақида номзодлик диссертацияси ҳам химоя қилинган (Гродницкая, 2005).

Ушбу диссертация иши Мирзо Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультетида “Ўсимлик-микроорганизм-тупроқ” тизимидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш бўйича олиб борилаётган тизимли тадқиқотларни бир қисми бўлиб, у ўсимлик ҳаётининг асосий томонларидан бири бўлган – ўсимлик ва эпифит микроорганизмларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишга бағишланган.

**Тадқиқот объекти.** Кучсиз, ўртача, кучли даража шўрланган ва шўрланмаган ўтлоқи-бўз, бўз ўтлоқи, ўтлоқи тупроқлар, минерал, органик, биологик ўғитлар, гўза (*Gossypium hirsutum L.*)



нинг C6524, Ан-Боёвут-2, Андижон 37, Бухоро 6, C4727, Жарқўрғон навлари ҳамда кузги бугдойнинг Крошка нави.

**Илмий тадқиқот предмети.** Хлоридли-сульфатли ва сульфат-хлоридли шўрланиш типига эга бўлган тупроқлар шароитида етиштирилаётган ғўза ва бугдой ўсимликларининг ер устки қисмидан (филлосфера) ажратиб олинган, босқичма-босқич скрининг қилинган эпифит бактерияларнинг маҳаллий штаммлари ЎзР ФА Микробиология институтининг микроорганизмлар тўплами коллекциясида *Bacillus subtilis* СКБ-256 рақами билан депонентлаштирилган эпифит бактерияси ва унинг асосида шакллантирилган “Эпифит-BS” микробли ўғити хизмат қилди.

**Таҳлил натижалари.** Ўсимлик сиртида яшовчи эпифит бактерияларни Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани фермер хўжаликларининг ўртача шўрланган тупроқларида ўстирилган ер устки қисмидан ажратиб олинган ва босқичма-босқич скрининглар натижасида 12 % гача NaCl берилган LP озуқа муҳитида ўстирилди.

Тадқиқотлардан микроорганизмларни идентификация қилиш учун микробиологияда умумқабул қилинган усуллар (Практикум по микробиологии), бактерияларни аниқлагич (Определитель бактерий Берги, 1997) бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Микроорганизмларнинг ўсиш динамикаси қиёсий равишда микроб штаммларини чуқур ўстиришга асосланган турли хил озуқа муҳитларида суюлтириш усулида амалга оширилди.

Тадқиқотларда бактерияларни ўстириш учун қуйидаги озуқа муҳитларидан фойдаланилди:

1. Гўшт пептон агарли (ГПА);
2. Синтетик  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  - 0,5 г/л,  $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  – 0,3 г/л, NaCl – 3 г/л, KCl – 0,3 г/л,  $\text{FeSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  – 0,001 г/л,  $\text{CaCO}_3$  – 5 г/л, глюкоза – 10,0 г/л, кальций глицерофосфат – 2,0 г/л, дистилланган сув – 1л, pH – 7,4;
3. Мелассали  $(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$  - 0,5 г/л,  $\text{MgSO}_4 \cdot 7\text{H}_2\text{O}$  – 0,3 г/л, NaCl – 3 г/л,  $\text{CaCO}_3$  – 3,0 г/л,  $\text{K}_2\text{HPO}_4 \cdot 3\text{H}_2\text{O}$  – 0,5 г/л,  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  – 0,5 г/л, маажўхори экстракти – 1,0; pH – 6,8-7,2);
4. Фосфогипс – биогумус – тупроқ 100 г озуқа муҳитида (25г:25г:25г:45 сув) сакловчи маҳсус озуқа муҳитларида ўстирилди.

Тупроқ намуналарини мавсумлар бўйича динамикада тупроқ қатламларидан олинди. Микроорганизмларнинг экологик трофик гуруҳларини ўрганишда умумқабул қилинган усуллардан (2,3,4,6) фойдаланилди.

Тупроқ микроб фаоллигини баҳор-ёз-куз ойларида таҳлил қилинди. Микроб жамоаларининг миқдорий таҳсилини асосий таксономик гуруҳлари бўйича тупроқ суспензияларини электив озуқа муҳитларига экиш усулида каррали суюлтириш асосида амалга оширилди. Эпифит бактерияларни ажратишда, бугдойнинг ер устки қисмидан умум қабул қилинган меъодлар ёрдамида амалга оширилди.

Аммонификаторларни ГПА да, олигонитрофилларни Рушман озуқа муҳитида, аэроб целлюлоза парчаловчи микроорганизмларни Гетченсон ва Клейтон озуқа муҳитида ўстириб ҳисобланди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасидан Хлоридли-сульфатли ва сульфат-хлоридли шўрланиш типига эга бўлган тупроқлар шароитида етиштирилаётган ғўза ва бугдой ўсимликларининг ер устки қисмидан (филлосфера) ажратиб олинди. Ўсимлик юзасида яшовчи эпифит бактерияларни Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани фермер хўжаликларининг ўртача шўрланган тупроқларида ўстирилган ер устки қисмидан ажратиб олинган ва босқичма-босқич скрининглар натижасида 12 % гача NaCl берилган LP озуқа муҳитида ўстирилди.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Возняковская Ю.М. Некоторые аспекты взаимодействия здоровых растений с микроорганизмами // Ю.М. Возняковская // методологические проблемы аллелопатии. – Киев.: Наук. думка, 1989. – С. 65-72.
2. Худяков Я.П. Управление эпифитной микрофлорой / Я.П. Худяков. ДАН СССР, 1953. – т. XVIII. - №5. – С.89-93.
3. Худяков Я.П. Управление эпифитной микрофлорой / Я.П. Худяков. ДАН СССР, 1953. – т. XVIII. - №5. – С.89-93.
4. Делова Г.Б. Ультратонкая структура слизистых капсул желтопигментных эпифитных бактерий // Структурные и функциональные связи высших растений и микроорганизмов. Новосибирск., Наука, 1977. – с 189-203.
5. Гродницкая И.Д. Роль эпифитной микрофлоры в патогенезе сеянцев хвойных в питомниках: Дис. ... канд. биол. наук / И.Д. Гродницкая. – Оренбург, 2005. – С. 218.

## САНОАТ МАЙДОНЧАЛАРИДА БЕТОНЛИ ПОЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ

*М.С.Эгамбердиев, доцент, Бухоро муҳандислик - технология институти, Бухоро*  
*У.Т. Мирзаев, катта ўқитувчи, Бухоро муҳандислик - технология институти, Бухоро*

**Аннотация.** Мақолада замонавий бетонлаш усули ва гелиоқоплама орқали сифатли, зич, мустаҳкам саноат майдончаларини тайёрлаш имкониятлари борлиги асосланган.

**Калим сўзлар:** гелиоқоплама, цемент, қўйма конструкция, қўйма бетон, транспортировка, гидротехник иншоотлар, саноат майдончалари, гидротехника қурилиши.

**Аннотация.** На этом статье основана на способ современный бетонирования и наличия качественные, компактные и прочные промышленные площадки с использованием гелиопокрытия.

**Ключевые слова:** солнечное покрытие, цемент, литые конструкции, бетон, транспорт, гидротехнические сооружения, промышленные объекты, гидротехнические сооружения.

**Abstract.** This article reveals the modern way of concreting and existence of opportunities of constructing qualitative, compact, strong industrial grounds by the use of helio cover.

**Key words:** solar coating, cement, cast structures, concrete, transport, hydraulic structures, industrial facilities, hydraulic structures.

Қўйма бетон ҳажмини янада ошириш учун ишларни бажаришга индустриал усулда ёндашиш, юқори унумли машиналар қўллаш, комплекс механизациялаш даражасини ошириш керак.

Охирги йилларда бетон ишларини бажаришнинг ҳамма босқичлари: бетон қоришмаларининг таркибини танлашдан тортиб қўйма конструкциялар сифатини назорат қилишгача мукамаллаштирилган.

Бетон заводларининг қувватидан фойдаланишни яхшилаш меҳнат унумдорлигини ва бетон сифатини ошириш имконини беради.

Бетон қоришмасини транспортировка қилиш, уларни ташиш технологиясини схемаларни танлашга асосланганлиги ҳақидаги масофаларга катта эътибор берилади.

Замонавий механизация воситаларини қўллаб бетон қоришмасини ётқизиш ва зичлашни янада такомиллаштириш ҳам қўйма бетонли пол конструкцияларни сифатини оширишга ва меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келади.

Саноат корхоналари полларини бетон қилишнинг икки қатламли янги технологик бетонлаш усули орқали тайёрлаш яхши самаралар беради. Бунинг моҳияти шундан иборатки, авваламбор асосни яхшилаб зичлаштириш, кейин эса унинг устидан қуруқ аралашма – цемент, кум ва диаметри 10мм ли чақилган тошдан иборат бир жинсли аралашмани зичлаштириш яна уни устидан эса таркибига комплекс қўшимчалар қўшилган бетон қоришмасини ётқизиб зичлаштиришдан иборат комплекс жараёни ўз ичига олади. Шундан сўнг қуруқ - иссиқ иқлимнинг таъсиридан ҳимоялаш ёки бошқача қилиб айтганда бетон қоришмаси таркибидан сувни йўқотмаслик чораларини кўриш мақсадида ётқизилган бетон қоришмаси устидан маълум бир бетон қоришмаси юзасидан то плёнкагача бўлган, яъни бир қаватли гелиоқоплама плёнкасигача бўлган масофани сақлаган ҳолда гелиоқоплама билан қоплаш ишлари орқали қотириб олинган қўйма юзалар жуда сифатли чиқади. Чунки, бу ҳолатда бетон қоришмаси таркибидан парланаётган бир қисм сув миқдорини йўқотмаслик оқибатида ҳажман ўзгармовчи яхши сифат кўрсаткичларга эга бўлган бетонли текис юзалар тайёрланган бўлади, натижада бундай янги технологик усул ва бир қаватли гелиоқоплама асосида тайёрланган қўйма саноат майдонларнинг юзаси ўта зич юқори ишқаланиш кучларига бардош берадиган юқори сифатли конструкцияларга айланади.

Қуруқ - иссиқ иқлим шароитлари деганда ҳавонинг ҳарорати +35°C ...45°C гача нисбий намлиги эса 15...25% гача тушадиган шароитларга айтилади. Бунга кучли қуёш ҳарорати шамоллар сабабчи бўлади. Тайёрланган бетон қоришмаси бундай шароитда ўз таркибидан (агар у гелиоқоплама ёрдамида ҳимояланмаган бўлса ) тез сув йўқотиш хусусиятига эга бўлади.

Ҳароратнинг 40...50°C гача кўтарилиши эса масса ўтказув жараёнини анча тезлаштиради. Шу аснода эса остки қуруқ қатламни сувга тўйиниши тўлиқ амалга ошмайди, чунки юқори ҳароратда бетон қоришмаси таркибидан сув тез йўқотилади. Натижада икки қатламли бетоннинг остки қисм қуруқ аралашма қатламининг остигача сув етиб бормайди. Бу ҳолатда остки қатламнинг сувга тўлиқ тўйинишини таъминлаш шароитларини яратишга ва икки қатламни бирлашувини таъминлаш вазифаларини ҳал қилиш масалалари қўйилган эди.

Олиб борилган илмий тадқиқот ишларимизнинг самараси шунга олиб келдики, агар юқориги қатлам бетон қоришмаси таркибига комплекс қўшимчалар қўшсак натижада юқори ҳарорат (40...70°C) шароитларида ҳам қуйма зич буюм ва кантструкциялар тайёрлаш имкониятларини яратилади. Бунинг учун эса янги технологик усулни қўллаган ҳолда қуйма конструкцияларни юзаларини парваришлаш мақсадида бир қаватли гелио-қопламани қўллаш яхши натижалар беради чунки, бу технология ҳам иқтисодий, ҳам зичлиги жиҳатдан демак мустаҳкамлиги жиҳатидан ҳам ҳар томонлама сифатли бўлган ўта зич қуйма бетонли конструкциялар тайёрлаш шароитларини вужудга келтиради. Шунингдек, бу технологик усул ва гелиоқоплама асосида сифатли зич гидротехник иншоотлари қурилишибоп, саноат майдончаларибоп самарали яъни цемент харажати камайтирадиган ўта зичликка эга бўлган, шунингдек силлик юзали узокқа чидамли кам таъмир талаб, сифатли конструкциялар тайёрлаш имконини беради.

Қуйма бетонли конструкцияларни бу замонавий технологик усул ва бир қаватли гелиоқоплама асосида тайёрлаш икки бараваргача вақтни тежаш, тайёрланган конструкцияларни тезда эксплуатацияга топшириш шунингдек қуйма конструкцияларни таъмир талаблигини камайтириш имкониятларини яратади.

Саноат майдончалари бетонли пол конструкциялари сифатини оширишда айниқса бу технологик усулни ва уни бир қаватли гелиоқопламадан фойдаланишни ўрни бошқачадир. Янги технологик бетонлаш усули ва бир қаватли гелиоқоплама асосида тайёрланган қуйма конструкциялар қалинлиги 400мм гача бўлганда чўзиқ қуйма бетонли конструкциялар айниқса саноат майдончалари учун жуда мос ва қулайдир.

Ҳозирги пайтда бундай юқори сифатга эга бўлган қуйма бетонли конструкцияларни, гидротехника қурилишида, йўлбоп ва аэродромбоп қурилишларда қўллаш яхши самара ва натижалар бериши кузатилган. Бундай кенг тармоқли қурилишларда қўлланилиши кузатилаётган участкаларда яхши натижалар олинган.

Курук –иссиқ иқлим шароитларида қуйма бетон ишларини олиб бориш анча қийин кечади. Ана шу иқлим шароитида ҳам қуйма бетон ишларини олиб бориш учун қилинган сайи-ҳаракатларимиз ўзини яхши натижаларига олиб келди. Оқибатда бу борадаги ишлар юқори ҳароратли курук-иссиқ иқлим шароитларида ҳам қуйма бетон ишларини йўлга қўйиш имкониятлари яратилди. Бунинг учун эса қуйма бетон қоришмаси таркибига комплекс қўшимчалар жорий қилиш ҳисобига муаммолар ечими топилди. Бундай қуйма бетонлар қотишини жадаллаштирувчи қўшимчалар ҳисобига курук-иссиқ иқлим шароитида ҳам қуйма бетонли конструкциялар тайёрлаш имконини берди.

Демак, саноат майдончалари қурилишига жорий қилинган бу технологик усул ва гелиоқопламалар орқали тайёрланган конструкциялар ўзининг кам таъмир талаблиги, ҳажман ўзгармаслиги, бу конструкцияларнинг юзаларини бир текис силликлиги, эксплуатация жараёнида эса юқори ишқаланиш хусусиятларига бардош беришлиги билан бошқа конструкциялардан анча фарқ қилади. Бундай жадаллаштирилган усулда тайёрланган ва қўлланилаётган конструкциялар бошқа қуйма бетонли конструкциялар тайёрлаш усулларида ўзини самарадорлиги ва сифатлилиги сабабли ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Эгамбердиев М.С. Юқори зичликдаги бетон олишнинг янги усули. Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалиги тармоқларида ресурсларни ва энергия тежаш муаммолари бўйича илмий-амалий конференция (Илмий мақолалар тўплами)- Бухоро 1993. 304-306 бетлар.
2. Эгамбердиев М.С. Атакузиев Т.А. Роль экзотермии цемента формирования температурного поля твердующей бетонной смеси при послойном бетонировании.// Новые неорганические материалы (получение, свойства и применение). Тезис докладов научно-технических конференциях, посвященных пятилетию независимости Республики Узбекистан, с участием иностранных учёных- Т., 1996. С. 130.
3. Эгамбердиев М.С., Атакузиев Т.А. Послойное бетонирование монолитных протяженных конструкций в сухом жарком климате // Ташкентский химико-технологический институт Т., 1996. 7 стр. Ил 2-Ден в ТФНТН 05,96,2523-Уз.96.

УДК: 693. 547.6

#### ПРОЦЕССЫ ТВЕРДЕНИЯ СУЛЬФОМИНЕРАЛОВ

*М.С.Эгамбердиев, доц., Бухарский инженерно-технологический институт, Бухара  
Т.А.Атакузиев, проф., Ташкентский химико-технологический институт, Ташкент  
У.Т.Мирзаев, ст.преп., Бухарский инженерно-технологический институт, Бухара*

*Annotatsiya. Ettringitning erta kristallanishi va past g'ovakli monolit tuzilmaning shakllanishi mustahkamlikning tez o'sishiga, yuqori mustahkamlikdagi aralash tsementning konstruksiyasi va texnik xususiyatlarining yaxshilanishiga yordam beradi. Bu sulfoklinker va portlend tsement asosida sement ishlab chiqarishning texnologik parametrlarini ishlab chiqish uchun asos bo'lib xizmat qildi.*

**Kalit so'zlar:** sulfosilikat, gidrosilikat, kaltsiy gidrosulfoaluminat, mineral hosil bo'lishi, rentgen fazali tahlil, fosfogips, sulfotsement, sulfoklinker.

**Аннотация.** Быстрому росту прочности, улучшению строительно-технических свойств смешанного высокопрочного цемента способствуют: ранняя кристаллизация этtringита, образование низкопористой монолитной структура. Это послужило основой для разработки технологических параметров получения цемента, на основе сульфоклинкером и портландцемента.

**Ключевые слова:** сульфосиликат, гидросиликат, гидросульфалюминат кальций, минералообразование, рентгенофазовый анализ, фосfogипс, сульфотсемент, сульфокlinkер.

**Abstract.** The rapid growth of strength, improvement of construction and technical properties of mixed high-strength cement is facilitated by; early crystallization of ettringite, the formation of a low-porous monolithic structure. This served as the basis for the development of technological parameters for the production of cement, based on sulphoclinkers and portlandcement.

**Key words:** sulfosilicate, hydrosilicate, calcium hydrosulfoaluminate, mineral formation, X-ray phase analysis, phosphogypsum, sulfo cement, sulfo clinker

По первоначальной механической прочности камень на основе  $C_4A_3\dot{S}$  не уступает образцам из СА. Однако после 28 сут твердения в воде прочность его начинает уменьшаться и через год снижается на 15%. Указанное явление, по-видимому, связано с процессом перекристаллизации гидросульфалюмината кальция. Уменьшение прочности до 40% наблюдается и у СА, но нами установлено, что добавка ангидрита (~ 20%) устраняет эти структурные нарушения [13...15, 26...28].

Сульфосиликаты ( $C_7S_3\dot{S}$ ,  $C_5S_2\dot{S}$ ) намного быстрее твердеют, чем  $C_2S$ . При добавлении к  $\beta$ - $C_2S$  21...28%  $CaSO_4$ , обожженного при 1250°, механическая прочность образцов в первые сроки твердения при хранении их во влажной среде и в воде значительно повышается, что обусловлено, по нашему мнению, образованием своеобразного прочного кристаллического сростка гипса с гидросиликатом кальция. Добавление к  $C_7S_3\dot{S}$  и  $C_5S_2\dot{S}$  20%  $C_4A_3\dot{S}$  вызывает увеличение их ранней прочности в 7...10 раз и превращение их в быстро твердеющие цементы.

Комплексные физико-химические анализы показывают, что высокая гидравлическая способность и прочность цементов из сульфоминералов обуславливаются образованием новых форм кристаллов гидратов типа  $3(CA)CS \cdot nH_2O$  ( $16 \leq n \leq 20$ ),  $2(C_2S) \cdot mCS \cdot mH_2O$  ( $0,5 \leq m \leq 1$ ).

При гидротермальной обработке в автоклаве (8 атм) медленно твердеющих силикатных образцов прочность их резко повышается, в результате создаются особо прочные структуры. С увеличением давления до 15 атм прочность всех образцов значительно возрастает.

Физико-механические испытания  $C_5S_2\dot{S}$  и  $C_4A_3\dot{S}$  с добавками  $P_2O_5$  показывают [13...15], что  $C_4A_3\dot{S}$ , содержащий 0,5...1%  $P_2O_5$ , имеет более высокую прочность во все сроки твердения, чем содержащий 3...4%  $P_2O_5$ , прочность которого почти аналогична прочности чистого  $C_4A_3\dot{S}$  через 28 сут твердения (к 90 и 180 сут показатели прочности снижаются на 10...15%). Наличие в  $C_5S_2\dot{S}$  до 4%  $P_2O_5$  не оказывает существенного влияния на прочность 28-суточных образцов, а у 90- и 180-суточных она незначительно снижается по сравнению с чистым  $C_5S_2\dot{S}$ .

При содержании до 1%  $MgO$  прочность образцов из  $C_4A_3\dot{S}$  практически не изменяется, с увеличением количества  $MgO$  до 2% и более она снижается в ранние сроки твердения, особенно заметно при 5%  $MgO$ . К 3 и 7 сут она почти в два раза ниже, чем у чистого  $C_4A_3\dot{S}$ . В дальнейшем прочность этих образцов быстро повышается и имеет примерно такое же значение, что и у эталонных образцов. Отсутствие сильно заметного отрицательного влияния  $MgO$  на твердение  $C_4A_3\dot{S}$  объясняется тем, что она не нарушает процесса минералообразования. рентгенофазовым анализом установлено, что  $MgO$  в количестве 0,5...5,0% не препятствует образованию  $C_4A_3\dot{S}$ . На дифрактограммах имеются межплоскостные расстояния, соответствующие только  $C_4A_3\dot{S}$ . При 3...5%  $MgO$  под микроскопом наряду с кристаллами  $C_4A_3\dot{S}$ , имеющими показатель преломления несколько ниже эталонного ( $N_{cp} = 1,561$ ), наблюдаются фазы с показателями преломления  $N_p = 1,720$  и  $N_g = 1,736$ , принадлежащие соответственно шпинели  $MgO \cdot Al_2O_3$  и свободной  $MgO$ .

Продукты обжига шихт  $C_5S_2\dot{S}$ , содержащих окись магния, твердеют плохо. Уже в присутствии 1%  $MgO$  прочность образцов становится ниже прочности чистого  $C_5S_2\dot{S}$ . Образцы с содержанием 3...5%  $MgO$  показывают прочность в два раза ниже, чем  $C_5S_2\dot{S}$  без добавки  $MgO$ , а к 90 сут разрушаются. Это объясняется тем, что в данных условиях полного образования  $C_5S_2\dot{S}$  не происходит; появляются низкоосновные силикаты кальция  $CaO \cdot SiO_2$ ,  $3Ca \cdot 2SiO_2$ , обладающие плохой гидравлической активностью.

Прочностные показатели образцов  $C_4A_3\dot{S}$  с 0,5%  $Na_2O$  и без него почти одинаковы. С увеличением его количества до 3% прочность через 3 и 7 сут твердения снижается на 10...20%,



что объясняется уменьшением в продуктах обжига количества образовавшегося  $C_4A_3\dot{S}$  и появлением алюминатов кальция  $CA$ ,  $C_5A_3$ , а также несвязанного  $CaSO_4$ . К 28 и 90 сут твердения прочность этих образцов приближается к прочности чистого  $C_4A_3\dot{S}$ , так как к этому времени алюминаты кальция, образовавшиеся в присутствии  $Na_2O$ , начинают активно проявлять вяжущие свойства. При 4...5%  $Na_2O$  прочность образцов в первые сутки твердения еще больше снижается, так как продолжает уменьшаться количество получающегося  $C_4A_3\dot{S}$ , но к 28 и 90 сут она приближается к прочности чистого  $C_4A_3\dot{S}$ .

прочность образцов  $C_5S_2\dot{S}$  с 0,5...1%  $Na_2O$  близка к прочности чистого  $C_5S_2\dot{S}$ . При этом наблюдается незначительное разложение  $C_5S_2\dot{S}$  на  $C_2S$  и  $CaSO_4$ . С увеличением содержания  $Na_2O$  до 2...4% прочность образцов почти в 2 раза снижается по сравнению с прочностью чистого  $C_5S_2\dot{S}$ , до 5% - почти в 3 раза. Это обусловлено тем, что при высоком содержании  $Na_2O$  в шихте, как показал рентгенофазовый анализ,  $C_5S_2\dot{S}$  почти полностью разлагается на  $C_2S$  с высвобождением большого количества  $CaSO_4$ .

Наличие в клинкере до 2%  $Cr_2O_3$  не влияет на физико-механические свойства  $C_4A_3\dot{S}$ ,  $C_5S_2\dot{S}$ , 3% вызывает небольшое снижение прочности.

При избытке  $CaSO_4$  прочность  $C_4A_3\dot{S}$  в 1- и 3-суточном возрасте выравнивается, за исключением образцов с добавкой 15%  $CaSO_4$ , прочность которых несколько выше. При 20- и 25%-ном содержании  $CaSO_4$  физико-механические свойства минерала резко ухудшаются.

В образцах с добавками от 0 до 30% и более  $CaSO_4$  прочность  $C_5S_2\dot{S}$  мало изменяется. Такой характер набора прочности сохраняется в течение рассматриваемого периода твердения.

Результаты испытаний показали, что введение  $Na_2O+P_2O_5$  приводит к некоторому уменьшению прочности к 3 и 7 сут, а  $MgO+P_2O_5$  - к 3 сут, в остальные сроки заметно небольшое повышение прочности. При 3%  $MgO+2,0\% P_2O_5+2\% Na_2O$  отмечается некоторое повышение прочностных показателей, что объясняется высокой эффективностью минерализующего воздействия добавок, вследствие чего в  $C_5S_2\dot{S}$  создаются условия для образования  $C_3S$  за счет разложения  $CaSO_4$ .

Совместное присутствие добавок  $Na_2SiF_6$  и  $P_2O_5$  вызывает увеличение прочности  $C_4A_3\dot{S}$ . При 2,5%  $Na_2SiF_6+1\% P_2O_5$  и 3%  $Na_2SiF_6+2\% P_2O_5$  прочность образцов достигает максимального значения: к 28 и 90 сут твердения в воде почти в 1,5...2 раза превышает прочность чистого  $C_4A_3\dot{S}$ . Увеличение количества  $Na_2SiF_6$  до 3% и более приводит к снижению прочности образцов, хотя она и остается более высокой, чем у чистого  $C_4A_3\dot{S}$ .

Наибольшее количество воды связывает сульфоминералы с большим содержанием добавок  $Na_2SiF_6$  и  $P_2O_5$  к 28 сут. Они проявляют относительно высокую гидравлическую активность, причем мало зависящую от температуры обжига. Такие добавки, рассматриваемые как комплексные, облегчают спекание клинкера и повышают качество цемента. Большинство из них содержится в фосфогипсе, благодаря чему он может быть экономически эффективно использован в качестве одного из основных компонентов сульфоцементов.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Атакузиев Т.А., Мирзаев Ф.М. Сульфоминеральные цементы на основе фосфогипса. Ташкент, 1979.
2. Ахмедов М.М., Атакузиев Т.А. Фосфогипс. Ташкент, 1980.
3. Таиров З.К., Атакузиев Т.А. Влияние  $P_2O_5$  на свойства сульфоминералов. Сборник материалов по итогам НИР ХТФ ТашПИ за 1974 г., вып. 164. Ташкент, 1975.
4. Таджиев Т.Х., Атакузиев Т.А., Таджиев Ф.Х. Исследование процесса твердения безводного сульфоалюмината и сульфосиликата кальция. «Изв. АН СССР, сер. Неорг. материалы», 1972. т. VIII, №9.
5. Таджиев Т.Х., Атакузиев Т.А., Таджиев Ф.Х. Прочность сульфоалюмината и сульфосиликата в воде. Материалы по итогам НИР ТашПИ за 1971г., сер. «Химия и химическая технология», вып. 90. Ташкент, 1972.
6. Таджиев Т.Х., Атакузиев Т.А., Таджиев Ф.Х. Изучение процессов твердения сульфоалюмината и сульфосиликата в различных условиях и средах. Там же, Ташкент, 1972.

ТАРИХ ФАҲЛАРИ

УО'К 93/94

1991-2000 YILLARDA XORAZM VILOYATIDA SANOAT ISHLAB CHIQUARISHI  
TARAQQIYOTI*O. Avazov, o'qituvchi, Urganch Davlat universiteti, Urganch*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada musataqillikning dastlabki yillarida Xorazm viloyatida sanoat ishlab chiqarishi sohasida amalga oshirilgan o'zgarishlar va ularning mazmun – mohiyati masalalari ochib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Xorazm viloyati, sanoat, ishlab chiqarish, hududlar sanoat kompleksi, chet el investitsiyalari, qo'shma korxonalar, kichik va o'rta biznes.

**Аннотация.** Эта статья объясняет проблему и содержание реформ промышленности, выполненных в Хорезме в первые годы независимости.

**Ключевые слова:** Хорезмский область, индустрия, индустриальный комплекс территории, зарубежные инвестиции, совместные предприятия, малый и средний бизнес

**Abstract.** This article deals with the changes in industrial production and their essence of industrial reforms in Khorezm in early years of independence.

**Keywords:** Khorezm region, industry, industrial, industrial complex of territories, foreign investments, joint ventures, small and medium business

O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimov ta'kidlaganidek, "tadrijiy taraqqiyot yo'lini tanlab olganimiz tufayli xalqimizni qanday oqibatlarga olib kelishi mumkin bo'lgan iqtisodiy va ijtimoiy to'fonlardan asrab qolishga muvaffaq bo'lganimizni bugun hayotning o'zi tasdiqlab bermoqda".

Haqiqatan ham, zamonaviy ishlab chiqarish usullarining sanoatga jalb etilmasligi, jihozlanish darajasining pastligi, rejali iqtisodiyot qonunlarining ma'muriy boshqaruv yo'li, kadrlar saviyasi va malakasizlik aksariyat qoniqarsiz darajadali, ishlab chiqarishga zo'ravonlik va ma'muriy choralarning keng qo'llanishi – bularning hammasi nafaqat sanoat, balki butun iqtisodiyot rivojiga salbiy ta'sir ko'rsatar edi.

Chunonchi, hamma narsa, hatto mix, gayka, ya'ni har bir zavodda ishlab chiqarish mumkin bo'lgan mahsulotlar ham albatta har joydan keltirilishi kerak edi. Ko'pgina mahsulotlar va uskunalarni O'zbekistonda ishlab chiqarish imkoniyati bo'lsa-da, markaz tomonidan mablag' yo'qligi pesh qilinib, unga ruxsat berilmagan.

Sovetlar davrining so'nggi yillarida iqtisodiy taraqqiyotni jadallashtirishni mashinasozlikdan boshlashga qaror qilindi. Bu sohaga budjetdan ko'plab mablag' sarflanib, ishlab chiqarilayotgan mahsulot sifatiga e'tibor berila boshlandi, lekin korxonalar o'rtasida raqobat va ishlab chiqarishga yangi texnologiyalarni joriy etishga rag'batning yo'qligi tufayli jadallashtirish yuz bermadi.

Ana shunday vaziyatda mustaqillikka erishgan O'zbekistonda iqtisodiyotning barqaror o'sishini ta'minlashda sanoat tarmoqlarini rivojlantirish muhim ekanligini nazarda tutib, islohotlarning birinchi bosqichda strategik ahamiyati yuqori bo'lgan gaz, neft, oltin va boshqa boyliklarni qazib olish, ularni qayta ishlash, mashinasozlikni rivojlantirishga katta e'tibor berildi.

Shuni ta'kidlash joizki, Xorazm viloyati o'z sanoatining rivojlanishi jihatidan XX asrning 90-yillari boshlarida respublikada oxirgi o'rinlarda turar edi. Bunday qoloqlikni bartaraf etish uchun esa aniq chora-tadbirlar belgilash zaruriyati paydo bo'ldi. Bu davrda sanoatda ishlab chiqarish sur'ati pasayib, ishlab chiqarish hajmi kamaydi. Viloyatdagi ko'plab sanoat korxonalarida o'sish sur'ati pasaygan.

Mustaqillik yillarida butun mamlakatda bo'lgani kabi Quyi Amudaryo hududida ham sanoat ishlab chiqarishini rivojlanlantirish uchun katta ishlar qilindi. Bozor munosabatlariga o'tish davrida hudud iqtisodiyoti, uning xo'jalik yurituvchi sub'ektlari, respublikaning boshqa mintaqalaridagi kabi, inflyatsiyani ham, xo'jalik aloqalari uzilishi tufayli ishlab chiqarishning pasayishini ham, ahvolning asta-sekin mo'tadillashuvi va o'sishga yuz tutish davrini ham boshidan kechirdi. Ilgari shakllangan xo'jalik tizimidagi iqtisodiy aloqalar orasidagi uzilishlar birinchi navbatda mahsulot qayta ishlovchi sanoat tarmoqlariga o'z ta'sirini o'tkazgan bo'lsada, asta-sekinlik bilan xalq xo'jaligining boshqa sektorlarida ham namoyon bo'ldi. Oqibatda, 1992 yil boshida Xorazm viloyati iqtisodiyotida muayyan inqirozli holatlar ro'y berib, viloyat sanoat korxonalari 48 foizida ishlab chiqarish hajmi pasayishiga olib keldi.

Xorazm viloyatida 1992-1995 yillarda sanoat mahsuloti ishlab chiqarish hajmi ko'rsatkichlarining oldingi yilga nisbatan pasayishi kuzatildi. Xo'jalik rahbarlarining bir qismi yangicha iqtisodiy munosabatlarning mazmun mohiyatini to'la anglab etmaganliklari va ularda zamonaviy bilim va fikrlash, izlanuvchanlik etishmaganligi sababli viloyatda 1994 yilda 24 ta korxonalar o'z faoliyatini 40 million 500 ming so'm zarar bilan yakunladi. Ko'pgina sanoat korxonalari ishlab chiqarish hajmini 1993 yilga nisbatan ancha kamaytirib yubordilar.

Viloyatda sanoat mahsulotlarining o'sish sur'atlari 1996 yilda 85,3 foiz bo'lgan bo'lsa, 1997 yilda - 100,6 foiz, 1998 yilda 106,2 foiz, 1999 yilda 102,4 foiz, 2000 yilda 103,5 foiz, 2001 yilda 100,3 foizga teng bo'ldi. Ushbu ko'rsatkichlar tahlilicha, Xorazm viloyatida sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmining o'sish sur'atlari respublika umumiy ko'rsatkichlaridan past bo'lgan.

Mazkur davrda Xorazm viloyatidagi ishlab chiqarish kuchlarini rivojlantirish bo'yicha qisqa muddatli dasturning amalga oshirilishi natijasida viloyat yalpi mahsuloti tarkibida sanoat mahsuloti ulushining ortishi ro'y berdi. Xususan, 1990 yilda sanoat mahsuloti hajmi yalpi ichki mahsulotning 31,1 foizini tashkil qilgan bo'lsa, 1996 yilda bu ko'rsatkich 35 foizga, 2001 yilda 38,6 foizga chiqdi. SHunday bo'lsada, ayrim tarmoqlar bo'yicha yalpi ichki mahsulotda sanoat mahsulotlari hajmi kamaydi. Jumladan, 1998 yilda kimyo va neft, qurilish materiallari sanoati, yog'ochni qayta ishlash tsellyuza qog'ozlari sanoatida pasayish yuz berdi.

Tahlillarga ko'ra, 1990-1996 yillarda Xorazm viloyati bo'yicha sanoat ishlab chiqarish hajmi 2,4 marta ko'paygan. Bu davrda viloyat bo'yicha sanoat ishlab chiqarish umumiy hajmining respublika miqyosidagi ulushi 1991 yildagi 3,6 foizdan 1996 yilda 3,8 foizga oshgan bo'lsa, 2001 yilda 2,5 foizga tushdi. Alohida tarmoqlar bo'yicha tahlil qilinsa, ichki sabablar orqali bir qator tarmoqlarda ishlab chiqarish kamayishi yuz berdi. Bularga qariyb 87 foizga ishlab chiqarish hajmi kamaygan trikotaj mahsulotlari, 56 foizga kamaygan poyafzal, 30 foizga kamaygan gilam, 18 foizga kamaygan tozalangan moy mahsuloti ishlab chiqarishini misol qilish mumkin.

Umuman olganda, XX asrning 90-yillarida Xorazm viloyati bo'yicha sanoat ishlab chiqarish hajmi 1,92 marta, jumladan, oziq-ovqat sanoati 1,65 marta, engil sanoat 1,32 marta o'sgan bo'lsada, energetika sohasi 22 foizga, kimyo va neft kimyo 75,8 foiz, qurilish materiallari ishlab chiqarish 26,1 foizga pasaydi.

Amalga oshirilgan tarkibiy o'zgarishlar natijasida yalpi ichki mahsulot tarkibi ham o'zgarib bordi. Sanoat sohasida tashkil etilgan yangi korxonalarining mahsulot ishlab chiqarishdagi ulushi tobora oshib bordi. Jumladan, 1995 yilda sanoat majmuasi taraqqiyotining o'sish sur'atlari Xorazm viloyatida 100,1 foiz, respublika bo'yicha 106,1 foizga teng bo'ldi.

Xorazm viloyatida 1991-2000 yillarda sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish umumiy hajmida kichik va o'rta biznes korxonalarining hissasi 0,5 foizdan 24,5 foizga, qo'shma korxonalarining hissasi 0,8 foizdan 10 foizgacha ko'paydi. Birgina 1995-2000 yillarda viloyatda 340 ta aksiyadorlik jamiyatlari tashkil etildi. Ammo, viloyatning barcha joylarida ham bu jarayonlar yuqori sur'atlarda olib borilmadi. Jumladan, shu davrda sanoat ishlab chiqarish tarkibidagi kichik korxonalarining ulushi Bog'ot tumanida 1,1 foiz, Yangibozor tumanida 1,4 foiz, Pitnak shahrida 2,7 foiz, Qo'shko'pir tumanida 2,7 foiz, Xazorasp tumanida 2,8 foizga teng bo'ldi. Bu viloyatdagi barcha erlarda ham kichik va o'rta biznes talab darajasida bo'lmaganligini va bu sohani faol rivojlantirish zamon talabi ekanligini ko'rsatar edi.

Mustaqillikning dastlabki davrida hududda sanoat sohasida nodavlat sektorni rivojlantirish, xususiy tadbirkorlikni shakllantirish borasidagi iqtisodiy siyosat izchillik bilan amalga oshirildi. 1994 yildan boshlab sanoat, agrosanoat kompleksining go'sht-sut, oziq-ovqat, paxta tozalash tarmoqlaridagi o'rta va yirik korxonalarini davlat tasarrufidan chiqarish va xususiylashtirish jarayoni boshlandi.

O'zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti I.A. Karimov Oliy Majlisning 1995 yil dekabr oyida bo'lib o'tgan IV sessiyasida so'zlagan nutqida tarkibiy o'zgarishlarning ustuvor yo'nalishlaridan biri sifatida har bir viloyatning iqtisodiy imkoniyatlari va resurslaridan unumli foydalanishga yo'naltirilgan iqtisodiyotni takomillashtirishni ta'kidlab, bu borada asosiy e'tiborni Xorazm, viloyatini rivojlantirishga qaratish lozimligini uqtirib o'tadi.

Mustaqillikning dastlabki yillarida Xorazm viloyatining tarmoqlar bo'yicha yangi sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishdagi salmog'i engil sanoatda – 50,5%; oziq-ovqat sanoatida – 15,6%; un, don, yog' ishlab chiqarish sanoatida – 8,4%; elektroenergetika va mashinasozlik sanoati – 19%; qurilish materiallari sanoatida – 5% va boshqa sanoat tarmoqlarida – 2,5% ni tashkil etar edi.

Chet el investitsiyalari va sarmoyadorlari mablag'larini respublika iqtisodiga keng jalb qilish natijasida qo'shma korxonalar qurish, ishlab chiqarilgan mahsulotlarni sotish evaziga valuta to'plash imkoniyatlari kengaydi. "Qo'shma korxonalar tuzish orqali biz o'zimiz uchun, bir tomondan,

zamonaviy texnologiyaga, ishlab chiqarishni tashkil etishning hozirgi zamon darajasiga ega bo'lish imkoniyatini ochamiz, ikkinchi tomondan, hatto eng yaxshi mahsulotning ham eksport kilinishini ta'minlash va uni sotish bozorini topish uchun kuchli raqobat sharoitida faoliyat ko'rsatishga qodir sherik- nufuzli chet el firmalari kerak" – degan edi Birinchi Prezident I.Karimov.

Tadqiq etilayotgan davrda Xorazm viloyatida eng zamonaviy asbob-uskunalar bilan jihozlangan, ichki va tashki bozorda xaridorgir mahsulot ishlab chiqarishga mo'ljallangan ko'plab sanoat korxonalari tashkil etildi. Jumladan, "Xorazm–Nurtop (1992), "Mem Gilam" (Turkiya, 1993), "Aloqa DEU" (Janubiy Koreya, 1996), "Shox–Kor" (Janubiy Koreya, 1993), "Uzdunrobita" (AQSH, 1995) va "Ameros industrias"(AQSH, 1998), "Amu–Don"(1996) va "Amukonda" (Rossiya, 1996), "Xorezmvneshservis" (1995) va "Kompleksim–Xiva" (Shveytsariya, 1995), "Gold Loto" (Malayziya, 1999), "Uzolmonxotelz" (Germaniya, 2000), "Xorezm–Maveraplast" (1995) va "Uzximvekt" (1998), "Xonqa–Shuya" (1995) va boshqalar shular jumlasidandir. Mazkur korxonalarining noyob ip-kalava, poyafzal, gilam, turli kislota mahsulotlari nafaqat, ichki bozorda, balki chet davlatlarga ham chiqarilib, mamlakatning valuta zahirasini ko'paytirishga hissa qo'shdi. Agar 1995 yilda Xorazm viloyatida qo'shma korxonalar soni 5 ta bo'lsa, 2000 yilda ular soni 32 taga etdi. 2001 yilda viloyat sanoatida 40 ta yirik korxonalar faoliyat ko'rsatgani holda, mahsulot hajmi 94 foizni tashkil qildi. Bulardan eng yiriklari: "Xiva gilam" AJ, "Shirin" OAJ, "Xiva" SP, Xorazm shakar, "Urganch yog" AJ, Gurlan tekstil, Urganch sharob, Urganch ekskavator, Xorazm-Nurtop korxonalari faoliyat olib bordilar.

1999 yil 13 mayda O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan qabul qilingan 243-sonli dasturga muvofiq Xorazm viloyatini rivojlantirishda xorijiy investorlarning 275 million AQSH dollari miqdoridagi investitsiyalariga e'tibor qaratildi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2000 yil 11 oktabrdagi 393-sonli qarori bilan viloyatda yana 2 ta qo'shma korxonalar tuzishga kirishildi. 2001 yilda Xiva tumanidagi Xiva-karpet, Xazorasp tumanidagi "Unixo" va Urganch shahridagi "Osiyo tekstil LTD" kabi 3 ta qo'shma korxonalar ro'yxatdan o'tkazildi. Shunday bo'lsada, bu borada ham o'ziga xos muammo va kamchiliklar ham mavjud edi. 1996 yil mart oyida Xorazm viloyati Xalq deputatlari kengashi sessiyasida Birinchi Prezident I.A.Karimov so'zlagan nutqida: "Xorijiy investitsiyalarni jalb etish viloyatda o'zi bo'larchilikka tashlab qo'yilganligi, 2 yildan beri Do'stlik shahridagi Pitnak, Qo'shko'pir tumanidagi Diyor va Urganch shahridagi O'zbek-Janubiy Koreya "Savdo uyi" ishlamayotganligi" ta'kidlab o'tilgandi. 2001 yilga kelib, viloyatda tashkil qilingan 36 ta qo'shma korxonadan amalda faqat 20 tasigina samarali faoliyat yuritib, qolganlari bankrotlik arafasida yoki to'liq kuch bilan ishlamayotganligi ma'lum bo'ldi.

Mazkur davrda Xorazm viloyatidagi engil sanoat yalpi sanoat mahsulotining hajmi va qiymati bo'yicha sanoat tarmoqlari ichida etakchi o'rinni egallay edi. Engil sanoat tarmoqlarida, viloyat sanoatida ishchilarining 40 foizga yaqini band edi. 1994 yili viloyatdagi engil sanoat korxonalari orasida etakchi hisoblangan Xorazm tikuvchilik birlashmasi "Xorazm - Feruz" aktsiyadorlik jamiyatiga aylantirildi. Bozor iqtisodiyoti sharoitida boshlangan iqtisodiy islohotlarning dastlabki bosqichida korxonalar zimmasiga 38 mln. so'mlik qarz yuklanib, jamoa deyarli bankrot holatiga kelib qolgandi. 1996 yildan korxonalar aktsiyadorlik jamiyatiga aylantirilishi natijasida ikki yil ichida moliyaviy ahvoli tiklanib, 1998 yil yakuni bo'yicha fabrika ishchilari birinchi marta dividend olishga muvaffaq bo'ldilar. Respublika "Biznes-fondi" viloyat boshqarmasining qo'llab-quvvatlashi tufayli binolarning bo'sh turgan joylarida 1998 yilning oxirida "Bizintrud" ma'muriyati cheklangan jamiyat tashkil etilib, Germaniya "Pfaff Zinger" firmasining tikuv dastgohlari o'rnatildi. 2000 yilning yanvar oyida 100 nafar ayol mazkur korxonada ish bilan ta'minlandi. Jamiyatda har yili 80 mln. so'mlik zamonaviy, sifatli mahsulotlar ishlab chiqarilib, ularni viloyatning barcha tumanlarida ochilgan firma do'konlari orqali aholiga sotish ishlari tashkil qilindi. Korxonalar mahsulotlari Toshkent shahri, viloyatlar va MDX davlatlarida sotildi. 2001 yilda korxonaning rossiyalik tadbirkorlar bilan hamkorlikda Barnaul shahrida savdo uyi ochildi va 60 ming AQSH dollari miqdorida sifatli trikotaj mollari, kiyim-kechaklar eksport qilindi.

Xulosa shuki, mustaqillik yillarida Xorazm viloyatida ham kichik va o'rta biznes korxonalari tashkil etilib, ularda sanoat mahsulotlari, kundalik ehtiyoji mollari, aholiga turli xil xizmat ko'rsatish ishlari yo'lga qo'yildi. Korxonalarining bir qismi bozor iqtisodiyoti qiyinchiliklariga dosh bera olmasdan, inqirozga uchrab, faoliyatini to'xtatgan bo'lsa, ularning ko'pchilik qismi o'z faoliyatini takomillashtirib, ishlab chiqarayotgan mahsulot sifatini oshirib bordi hamda tannarxini kamaytirib, ishlab chiqarishda o'z o'rnini topa boshladi.



## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Karimov I.A. Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish kontseptsiyasi: O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining qo'shma majlisidagi ma'ruza. 2010 yil 12 noyabr/– Toshkent: O'zbekiston, 2010. – B.4.
2. Karimov I.A. O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari. — Toshkent: O'zbekiston, 1997. – B. 207.
3. Karimov I.A. Xalqimizning yo'li mustaqillik, ozodlik va tub islohotlar yo'lidir. Bunyodkorlik yo'lidan. T.4. – Toshkent: O'zbekiston, 1996. – B. 289.
4. Karimov I.A. O'zbekiston bozor munosabatlariga o'tishning o'ziga xos yo'li //O'zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura. T.1. – Toshkent: O'zbekiston, 1996. – B.276-277.
5. Xorazm tarixi. II-jild. – Urganch: Xorazm, 1997. – B.270.
6. Xorazm viloyati hokimligi iqtisodiyot boshqarmasi ma'lumotlari. Urganch, 2001. – B. 29-30.
7. Xorazm viloyati joriy arxivi. O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati pasporti. Urganch, 2001. –B. 12.
8. Xorazm viloyati statistika boshqarmasi joriy arxivi. Xorazm viloyatining 1991-2001 yillarga oid statistik ma'lumotlari.
9. Xorazm viloyati hokimligi iqtisodiyot boshqarmasi joriy arxivi. 1999 yilgi ma'lumot. –Urganch, 1999.
10. Xorazm -Feruz aktsiyadorlik jamiyati joriy arxivi ma'lumoti. – Urganch, 2000.
11. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.Karimovning Oliy Majlisning 1995 yil dekabr oyida bo'lib o'tgan IV sessiyasida so'zlagan nutqi // O'zbekiston ovozi, 1995. 29 dekabr.

YŷK 93/94

ANUSHTEGINIY XORAZMSHOHLAR DAVRIDA DAVLAT BOSHQARUVI MASALASI  
Z.I. Norsafarova, o'qituvchi, 2-sonli Ayrim fanlarga ixtisoslashgan maktab, Urganch

*Annotatsiya.* Ushbu maqolada Xorazmshoh Anushteginiylar davrida davlat boshqaruvi masalalari va amalda bo'lgan harbiy, ma'muriy, diniy lavozimlar, mansablarning davlat boshqaruvidagi o'rni tahlil qilinadi. XII-XIII asrlarda Xorazm davlatida amalda bo'lgan davlat lavozimlari tarixi manbalar asosida yoritiladi

**Kalit so'zlar:** Sayid, Ustozdor, Amiri-oxur, Tashtdor, Sharobdor, Amir ul-a'lam, Farrosh, Hojib, Tasavvuf

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы государственного управления в период правления хорезмшахов Ануштегинидов и роль военных, административных, религиозных должностей в государственном управлении. На основе источников освещена история государственного положения в Хорезмском государстве XII-XIII вв.

**Ключевые слова:** Сайиды, Устаздар, Амир-и Акхур, Ташдар, Шарабдар, Амир аль-Алам, Фарраш, Хаджиб, Мистицизм.

**Abstract.** This article analyzes the issues of public administration during the reign of Khorezmshah Anushteginids and the role of military, administrative, religious positions in public administration. The history of public positions in the Khorezm state in the 12<sup>th</sup>-13<sup>th</sup> centuries is covered on the basis of sources.

**Key words:** Sayyids, Ustazdar, Amir-i Akhur, Tashdar, Sharabdar, Amir al-Alam, Farrash, Hajib, Mysticism

Anushteginiylar sulolasi Xorazmda o'z hukmronligini o'rnatgach, ketma-ket olib borilgan muvaffaqiyatli urushlar natijasida juda ulkan hududlarni egallab olinadi. Anushteginiylar Xorazmda hokimyatga kelgach, davlat boshqaruv tizimi tubdan o'zgartirilmadi. Biroq, oldindan mavjud bo'lgan davlat boshqaruv tizimiga o'z an'alariga mos ravishda ba'zi o'zgartirishlar kiritishdi. Bu ulkan imperiya hududidagi tobe davlatlarni boshqarish masalasi bugungi kuntarix fanining nihoyatda dolzarb masaladir.

Xorazmshohlar davlatida markaziy boshqaruv idorasi «al-majlis ul oliy al faxri at-toji» deb nomlangan bo'lib, uni vazir boshqargan. **Vazir** - mamlakatda sultondan keying eng yuqori mansabdor shaxs bo'lgan. Vazir sultonning bosh maslahatchisi bo'lib, bevosita unga bo'ysungan[1: 53]. Vazir rasmiy marosimlarda, davlatlararo aloqalarda, mustamlakalar bilan olib boriladigan mo'zokaralarda xorazmshoh nomidan ishtirok etib, sulton va rayiat (fuqarolar) o'rtasida vositachilik qilgan. Barcha davlat amaldorlari, jumladan, amirlar, beklar va harbiy boshliqlar vazirga bo'ysungan. Vazirning vazifalari qo'yidagilardan iborat bo'lgan:

- ashob ad-davanin yoki devonxonalar amaldorlarining boshlig'i. Yuqori mansabli amaldorlarini ishga tayinlagan yoki ishdan bo'shatgan;

- davlat amaldorlariga nafaqalar (arzak) va moddiy yordam (mavajib) joriy etish ishlarini boshqargan;
- davlat amaldorlarini hayot uchun zaruriy ozuqa va ashyolar bilan ta'minlanishini belgilagan;
- bojxona va xazina faoliyatini nazorat qilgan;
- sultonga muntazam ravishda hamrohlik qilgan, ba'zi paytlarda qo'shin jo'natib ularga boshchilik qilgan [1: 82].

Xorazmshohlar davlatida vazirlik lavozimi katta hurmatga ega bo'lib, o'rta asr manbalarining birida vazir haqida shunday ma'lumot beriladi (Z. Bunyodov bo'yicha): «eng yuksak mahkama - vazorat (vazirlik) bo'lib, barcha jamoat ishlari hamda odamlar hayotining to'g'ri yo'ldan borishi u bilan aloqadordir, buning natijasida mamlakatning chiroyi va martabasi ortadi, davlatda tartib va qonunchilik o'rnatiladi. Vazir - idora qilish qonunlarini biladigan, davlat kelajagini biladigan, hayotiy tajribaga boy, yaxshi ishlarga undovchi, shon-shuhrat va yutuqlarga yetaklovchi, fuqarolar ahvolidan ro'yi-rost xabardor qilib turadigan, ko'rsatmalariga to'la ravishda ishonish mumkin bo'lgan kishi bo'lishi lozim» [1: 112].

Ular asosan arab-fors mansabdorlari muhitiga mansub kishilar bo'lib, arab hamda fors tili, ma'muriy ishdagi layoqati, saroy tartib-qoidalarini bilishi shart bo'gan. Xorazmshohlar davlatining vazirlari asosan Xorazm, Buxoro, Nishopur, Isfaxon, Balx, Hirotdan chiqqan insonlar bo'lgan.. Xorazmshohlar davlatida vazir lavozimi dastlab Sulton Otsiz hukumatida paydo bo'lgan [6:19].

O'rta asrlar yozma manbalarida Xorazmshohlar davlat boshqaruvidagi ko'pgina mansab va lavozimlar haqida ma'lumotlar saqlanib qolgan. Ularning asosiylari quyidagilardir:

**Bosh hojib yoki ulug' hojib (hojibul-kabir)** - oliy hukmdor shaxsi bilan bog'liq masalalar, marosimlar, marosimlarning nazorati bilan aloqador ishlarga javobgar bo'lgan. Ular sultonning eng zarur topshiriqlarini bajarganlar hamda hukmdorga doimiy ravishda hamrohlik qilganlar. Ular vazirlik devonining daftarlari, undagi yozuvlar, arxivlar, moliya sohasidagi kotiblar va amaldorlarning hatti-harakatini nazorat qilgan.

**Ustozdor** - xorazmshohlar saroyida xizmatkorlarga bosh bo'lib, otxonalar, oshxonalar, novvoyxonalar, sharobxonalar xo'jaligini boshqarar edi. Oliy hukmdorning birinchi chorlashidayoq ustozdor yetib kelib, sulton topshiriqlarini boshqa xizmatkorlarga yetkazar edi. Ustozdor saroyning barcha chiqimlarini amalga oshirgan. Saroy mansablarining barcha xarajatlari ham uning zimmasida bo'lgan. Ustozdor xazinadan chiqadigan barcha sarf-xarajatlar uchun doimiy ravishda sultonga hisobot berib turgan.

**Amiri-oxur (miroxo'r)** - sayischi, sulton otxonalari boshlig'ining lavozimi. U sultonga qarashli minib yuriladigan otlarga egalik qilgan. Miroxo'rlar harbiy yurishlarda ham faol ishtirok etganlar.

**Amiri-shikor** - sulton ovlarini tashkil etuvchi va boshqaruvchisi lavozimi.

**Tashtdor** - sulton ha.mmomlari va hovo'zlarining boshlig'i. Uning qo'l ostida bir necha g'ulom bo'lgan. Tashtdorlar sultonga juda yaqin odamlar bo'lgan. Ayrim sultonlar tashtdorlarga malik unvonini ham berishgan. Ayrim tashtdorlar hatto o'n ming askarlarga boshchilik qilib, harbiy yurishlarga ishtirok etganlar, ba'zilar esa sultonning shaxsiy elchisi vazifasini ham bajargan.

**Sharobdor** - sulton sharobxonasining boshlig'i. Sharobxonada turli sharoblar tayyorlash bilan birga shirin ichimliklar tayyorlash uchun shakar ham saqlangan. Sharobdorlar amirlar orasidan tayinlanib, uning qo'l ostida bir nechta g'ulomlar bo'lgan.

**Qissador** - bir hafta davomida sulton nomiga yozilgan ariza va Iltimosnomalarni yig'ib payshanbadan jumaga o'tar kechasi sultonga topshirgan. Juma kuni esa sultonning javobini ariza egalari yetkazgan. Xorazmshohlar saroyida qissador eng obro'li mansablardan biri hisoblangan.

**Chashnigir (bakovul)** - u dasturxon yozilganda sulton taomlaridan zaharlanmasligi uchun o'zi birinchi bo'lib tatib ko'rar edi.

**Davotdor** - sultonning xos kotibi, farmonlarini yozuvchi.

**Farrosh** - sulton o'rin-to'shaklari saqlanadigan farroshxona boshlig'i. Uning ixtiyorida gilamlar, chodirlar, poyondozlar, ko'rpa-to'shaklar bo'lgan. Farrosh va maxsus o'rgatilgan g'ulomlar sulton atrofida doimo hozir turar edilar.

**Amirul-a'lam (a'lamdor yoki yalovbardor)** - sulton bayroqdori yoki sulton tug'ining sohibi.

Xorazmshohlarning davlat tizimi Saljuqiylardan deyarli farq qilmagan. Ilgari bo'lgani kabi davlat boshqaruvi dargoh va devonlar majmuidan iborat bo'lgan. Dargohda **hojib, ulug' hojib** Xorazmshohlar davrida ham o'z ahamiyatini saqlab qolgan. Hojiblarga maxsus muzokaralar olib borish, hatto vazirlar faoliyatini tekshirish kabi muhim vazifalar topshirilgan [2:99].

Xorazmshohlar davlatining aholisi va ularning qatlamlari haqida yozma manbalar (Muhammad Bag'dodiy) qo'yidagicha ma'lumot beradi.

1. **Sayidlar** - payg'ambar avlodlari sanalganliklari tufayli hukmdorlar ularni qattiq hurmat qilganlar hamda ularni har tomonlama, ayniqsa, moddiy jihatdan doimo qo'llab-quvvatlab turganlar.

2. **Imomlar va olimlar** - ularning maslahatlari va ko'rsatmalariga davlat ishlariga amal qilingan bo'lib, ijtimoiy hayotda bunday shaxslarning mavqeyi ancha ustun bo'lgan.

3. **Qozilar va xokimlar** - asosiy qonun chiqaruvchilar bo'lib, ular shariatning aholi ustidan nazoratini amalga oshirganlar.

4. **Tasavvuf vakillari** - islom dinida noortodoksal oqim vakillari bo'lib, faqirona hayot kechirganlar. Ular orasidan chiqqan donishmandlar va mashoyixlarning ko'pchiligi xalq tomonidan e'zozlangan. Hukmdorlar bunday shaxslarni hurmat qilib, ularning duosini olib turgan.

5. **Oqsoqollar** - qishloq, qasaba, urug'-qabila boshliqlari.

6. **Amaldorlar va sipohiyalar** - hukmdorlarning joylardagi noiblari qo'li ostida xizmat qiluvchi shaxslar.

7. **G'oziylar** - islom dini uchun kurashuvlar [1: 112].

Manbalarning ma'lumot berishicha, Xorazmshohlar o'z davlatida majburiy umumxalq harbiy ta'lim tizimini joriy qilganlar. Davlatdagi qo'shinlar soni hukmdorlar harbiy yurishlarining ko'lamiga qarab o'zgarib turgan. Manbalardan ma'lum bo'lishicha, 1218 yilda Muhammad xorazmshoh yalpi qo'shinlar ko'rigi o'tkazib, unda «150 mingga yaqin o'tliq, 100 ming piyoda askar qatnashdi» [3: 54].

Xorazmshohlar davlatining eng oliy harbiy boshqaruv idorasi devon-al arz (yoki devon-al jaysh) deb nomlangan bo'lib, uning boshlig'i sohib devon-al arz (yoki sohibi devon-al jaysh, yoki ariz-al jaysh) hisoblanar edi. Devon-al arz harbiylarga tegishli bo'lgan yer-suvlar, ularga beriladigan maosh va har xil to'lovlar, shuningdek, askarlarni ro'yxatga olish, ular va ular qo'lidagi qurolaslahalarni tekshirib kurish ishlari bilan shug'ullanardi. Bu devon hamma harbiylarga belgilangan maoshlarini (mavajib, arzak) hamisha ma'lum vaqtda berib turar va harbiy boshliqlarning maoshini o'z qo'l ostidagilarga to'g'ri taqsimlanishini nazorat qilar edi [4: 78].

Xorazmshohlar qo'shinlarining qo'mondoniga **qo'id** yoki **muqaddam** degan unvon tavsiya etilardi. Xorazmshohlar yangi zabt etilgan o'lka yoki viloyat yerlarini amirlarga iqto tariqasida taqsimlab berar, mahalliy amirlar orasidan eng qobiliyatlisini ularga boshliq qilib tayinlab unga **amiral umaro** (amirlar amiri) nomini berardi [5:81].

Qo'shindagi 10 ming kishilik suvoriylar guruhiga qo'mondonlik qilgan kishilar malik unvoniga ega bo'lar edi. Janglarda alohida mardlik ko'rsatgan maliklarga esa xon unvoni berilgan. Qo'shindagi choparlar chovush, ularning boshliqlari esa muqaddam chovushiya deb yuritilgan. Maxsus xufiya va ayg'oqchilar bo'linmalari josusiya deb atalgan.

Urush boshlanishidan avval yoki urush e'lon qilingan vaqtda Xorazmshohlar harbiy kengash chaqirishar va unda oldinda turgan urush bilan bog'liq masalalar muhokama qilinardi. Ushbu kengashga Xorazmshohning o'zi boshchilik qilib, unga yirik harbiy arboblari, ulamolar, qonunshunoslar va munajjimlar taklif qilinardi. Kengashda barcha takliflar ko'rib chiqilib, so'nggi qarorni shohning o'zi qabul qilardi.

Xulosa qilib aytganda Xorazm saltanati XII asrning oxiri - XIII asrning boshlarida musulmon sharqining eng yirik va qudratli davlati edi. Bu davlatning boshqaruv masalasi esa hozirgi kungacha tadqiqotchilar tomonidan deyarli tadqiq qilinmagan. Bu davlatda mavjud bo'lgan davlat lavozim va mansablarini bevosita o'sha davr yaratilgan yozma manbalar asosida tadqiq qilish esa, bu masalaing bugungi kujn ilm-fani uchun noma'lum jihatlarini yoritishda xizmat qiladi.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Buniyodov Z.M. Anushtagin—Xorazmshohlar davlati (1097-1231 yy.) — T.: «Adabiyot va san'at», 1997. — 256 b.
2. Вактурская Н.Н, Вишневецкая О.А. Памятники Хорезма эпохи Великих Хорезмшахов (XII — начало XIII вв.) // МХЕ, вып.1. — М.: Изд. АН СССР, 1959, с. 150-167.
3. Abulg'ozil Bahodirxon. Shajarayi turk. — T.: «CHO'IPON», 1990. — 192 b.
4. Азамат Зиё. “Ўзбек давлатчилиқ тарихи”, Т., 2000.
5. Рашид ад-Дин “Сборник летописей”, том 1, книга 2, М-Л 1952 г. (репринт издания, изд. “Ладомир” 2000.
6. Juvayniy. Tarixi Jahonkushoy. /Mas'ul muharrirlar: X. Boltaboev, M. Maxmudov. — Toshkent: Mumtoz so'z, 2015

## ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ГРАНТ ЛОЙИХАЛАРИДА ИШТИРОКИ

*М.Каримов, мустақил тадқиқотчи, Қарши давлат университети, Қарши*

**Аннотация.** Қарши давлат университетининг Республикада ўз ўрнига эга бўлиб бораётган олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бунда университетнинг нуфузли халқаро ташкилотлар ва олий таълим муассасалари билан алоқалари ҳам муҳим ўрин тутаяди. Университетнинг халқаро ҳамкорликлар бўлими чет эл университетлари, илмий марказлари ва институтлари билан малака ошириш бўйича ҳамкорлик қилади, таълимдаги сўнгги ўқув ва илмий тажрибаларни ўрганади ва қўллайди, нуфузли таълим муассасаларида тажриба орттириш учун талабалар ва ўқитувчиларнинг ташкилий ишларини мувофиқлаштиради.

**Калит сўлар:** Халқаро ҳамкорлик, Erasmus+ дастури, “MAGNET”, “RENES”, “UzDOC 2.0”, грант лойиҳаси, илмий ҳамкорлик, Л’Аквила Университети.

**Аннотация.** Каршинский государственный университет - одно из ведущих высших учебных заведений страны. Важную роль в этом играют также отношения университета с престижными международными организациями и высшими учебными заведениями. Департамент международных отношений университета сотрудничает с зарубежными университетами, исследовательскими центрами и институтами по вопросам повышения квалификации, изучает и применяет новейший образовательный и научный опыт в образовании, координирует организационную работу студентов и преподавателей по получению опыта в престижных учебных заведениях.

**Ключевые слова:** международное сотрудничество, программа Erasmus +, МАГНИТ, RENES, UzDOC 2.0, грантовый проект, научное сотрудничество, Университет Аквилы.

**Abstract.** Karshi State University is one of the leading higher educational institutions in the country. An important role in this is also played by the university's relations with prestigious international organizations and higher educational institutions. The Department of International Relations of the University cooperates with foreign universities, research centers and institutes for advanced training, studies and applies the latest educational and scientific experience in education, coordinates the organizational work of students and teachers to gain experience in prestigious educational institutions.

**Keywords:** International cooperation, Erasmus + program, MAGNET, RENES, UzDOC 2.0, grant project, scientific cooperation, L'Aquila University.

Университетда аввал бошдан шаклланган ҳамкорлик алоқалари хусусан, Ўзбекистондаги Германия, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея, Россия Федерацияси элчихоналари ва уларга қаршли ташкилотлар билан лойиҳалар орқали илм-фан, маданий ва маърифий соҳаларда кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Қарши давлат университети чет эл грантлари бўйича фаолияти халқаро лойиҳалар доирасида TEMPUS IV дастурининг “QAPD” лойиҳаси, Кореянинг KOICA ташкилоти “Волонтёрлар дастури”, Буюк Британиянинг (British Council) “PRESETT дастури”, Германия элчихонасига қаршли Тошкендаги Гёте институти, Франция элчихонасига қаршли Франция альянси ҳамкорлигида ташкил этилмоқда[1].

Юқоридагилардан ташқари Қарши давлат университети чет эл грантлари бўйича 2017-2019 йиллардаги халқаро лойиҳалар доирасида Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастурининг “MAGNET”, “RENES”, “UzDOC 2.0” лойиҳалари бўйича грант дастурларида иштирок этди.

Қарши давлат университети 2016 йил кузида «MAGNET: Ўзбекистонда ўрта ёшдагиларни касбий таълим ва ўқитиш марказлари тармоғида университет таянч ҳамкор сифатида» лойиҳаси доирасида Германиянинг Лейпциг университети грантида иштирок этди. Лойиҳанинг умумий гранти миқдори 646,471,00 еврони ташкил этиб, ундан Қарши давлат университети учун 80,662,00 евро ажратилган эди[2]. Ишсиз ўрта ёш аҳолини касбга йўналтириш ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш орқали давлатнинг ижтимоий сиёсатига кўмаклашиш ушбу лойиҳанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Лойиҳа ишчи гуруҳи ректор буйруғи асосида шакллантирилиб, вазибалар аниқлаштирилиб олинган эди. “MAGNET” лойиҳаси бўйича биринчи учрашув 2017 йил март ойи якунида Фарғона давлат университетиде ташкил этилди. Лойиҳа аъзоларидан координатор доц. Г.Эркаева ва кафедра ўқитувчиси С.Махмудов иштирок этдилар.



2018 йилда лойиҳа доирасида университетда “Карьер” маркази ташкил этилиб, унга 24 000 евролик оргтехника воситалари билан жиҳозланди. 2018 йил 14 апрелда Қарши давлат университетида лойиҳа грантхолдери – Лейпциг амалий фанлар университетида мониторинг ўтказиш мақсадида М. Иванова, А.Декин ва О.Крикотов ҳамда Фарғона давлат университетида А. Юнусовлар ташриф буюришди[3].

Мониторинг гуруҳи карьера куни муносабати билан университетда ташкил этилган меҳнат ярмаркасига ташриф буюрди, сўнгра университет раҳбарияти қабулида бўлди. Ташриф жараёнида университетда ташкил этилган “Карьер” маркази фаолияти билан танишиб, марказ тингловчилари билан суҳбатлашди. Шу билан бир қаторда ишчи гуруҳ лойиҳа ҳамкорлари бўлган “Тадбиркор аёллар” уюшмаси ва вилоят Бандлик бошқармаси фаолияти билан ҳам танишди.

“MAGNET” лойиҳаси доирасида 2018 йил 23-26 май кунлари Нукусда бошқарув кўмитаси йиғилиши ва семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинарда Қарши давлат университетида (Г.Эркаева) ва Қашқадарё вилоят меҳнат бошқармасидан (Ж.Турсунов) лойиҳа доирасидаги ишлар бўйича тақдимот қилинди. Шунингдек, 2018 йил 3-7 декабрда Руминиянинг “Динарея де Жос” Галац университетида семинар ташкил этилиб, унда лойиҳа аъзоларидан Г.Эркаева, Ғ.Кўчқоров, С.Махмудов, Ж.Исматуллаевлар иштирок этдилар. Лойиҳанинг кейинги босқичидаги вазифалар белгиланиб олинди.

Лойиҳа бўйича Қарши давлат университетида 2019 йил 27 февралда “Қайта тикланувчи энергия манбалари физикаси” мутахассислиги бўйича магистратура очилиб, магистрларни сифатли тайёрлаш мақсадида Испаниянинг Эдифон компаниясининг 40,277,97 евролик лаборатория жиҳозлари ўрнатилиб, 2019 йил 28 февралда лабораториянинг расмий очилиши ўтказилди.

2019 йил 23-25 март кунлари Гулистон давлат университетида навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. 2019 йил 11-13 июнда Болгариянинг София кимё-технология университетида “Қайта тикланувчи энергия манбалари” бўйича мутахассисларига семинар-тренинг ташкил этилди. Университетдан лойиҳа координатори Н.Азизова ва лойиҳа аъзолари Н.Холмирзаев, А.Вардияшвили иштирок этдилар.

2019 йил 5-10 август кунлари Берлин Техника университетида мутахассислар учун ташкил этилган семинарда доц. А.Вардияшвили иштирок этдилар. Лойиҳа доирасида университетда дастлабки семинар-тренинглар ташкил этилди. Лойиҳа тарғиботи юзасидан “Қарши давлат университети” газетасига мақола чоп этилди ва лойиҳа веб-сайти маълумотлар билан мунтазам равишда бойитиб борилмоқди.

«RENES: Қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит соҳасида магистрлик дастурини ишлаб чиқиш» лойиҳаси. Лойиҳа грантхолдери Италиянинг Л’Акуила университети ҳисобланиб, лойиҳа гранти миқдори– 850,975,00 евро бўлиб, Қарши давлат университети учун 83,480,00 евро ажратилган эди[2].

Ўзбекистонда давлат муассасалари, саноати, экологик ва энергия муаммоларини маҳаллий ва минтақавий даражада ҳал қилишга эга бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит соҳасидаги муҳандиснинг янги профилини яратиш ушбу лойиҳанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Лойиҳанинг ўз олдига Ўзбекистон ҳамкор олий таълим муассасаларида қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит соҳасида мавжуд бўлган магистрлик дастурларини янгилаш, қайта ишлаб чиқиш ва европанинг ECTS тизимидаги янги магистрлик дастурини киритиш; барқарор атроф-муҳит ва қайта тикланувчи энергия ҳолатини баҳолаш учун лабораториялар ташкил этиш; Ўзбекистон ҳамкор ОТМлари профессор-ўқитувчиларини қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит соҳасида салоҳиятини ошириш; қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит бўйича ахборотларни етказишни такомиллаштириш бўйича давлат ташкилотлари, корхона, таълим муассасаларида ўқув семинарларни ташкил этиш, таълим-инновация-ишлаб чиқариш илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш каби вазифаларни қўйган.

Ушбу лойиҳа бўйича университетда ишчи гуруҳ режа асосида ишларни амалга оширмоқдалар. Лойиҳа бўйича иккинчи учрашув 2017 йил 30-31 майда София кимё-технология ва металлургия университетида ташкил этилди. Учрашувда лойиҳа координатори Н.Азизова, лойиҳа аъзоси А.Вардияшвили иштирок этди[3].

Лойиҳа бўйича университетда 2018 йилда қўлаб тадбирлар режа асосида амалга оширилди. Лойиҳа бўйича Швециянинг Қироллик Технология университетида 22-23 мартда, Тошкент Турин Политехника университетида 20-21 июнда учрашув ташкил этилди. Лойиҳа

доирасида университетда “Қайта тикланувчи энергия манбалари физикаси” мутахиссислиги бўйича магистратура йўналиши очилди ҳамда 40 277 97 евролик лаборатория жиҳозлари ўрнатилиб, лаборатория ташкил этилди. 2018 йил 23-24 август кунлари Испаниянинг Эдибон компанияси муҳандиси Фелипе Гречано лаборатория жиҳозларини фойдаланиш бўйича Қарши давлат университетида минтақавий ҳамкорлар учун ўқув семинари ташкил этди. 2018 йил 15-17 ноябрда лойиҳа доирасида Италиянинг Лаквила университетида ташкил этилган учрашувда лойиҳа аъзоларидан Б.А.Шоимқулов, Н.Азизова ва А.Вардияшвили иштирок этдилар[2].

**UzDOC 2.0:** Ўзбекистон олий таълим муассасаларида докторлик таълимини сифатини яхшилаш» лойиҳаси. Ушбу лойиҳа грантхолдери Бельгиянинг UNICA ташкилоти ҳисобланиб, лойиҳа гранти – 651,017,00 еври ташкил этиб, Қарши давлат университети учун 38.185,00 евро миқдоғида грант ажратилган эди. Ўзбекистонда олий таълимдан кейини таълим сифатини модернизациялаш ва ривожлантириш ушбу лойиҳанинг асосий мақсади ҳисобланади.

Лойиҳа ўз олдига Ўзбекистон ҳамкор ОТМларида ташкил этилган докторантура марказларини модернизациялаштириш ва интеграциялаш-тириш; Ўзбекистон ҳамкор ОТМларнинг докторлик таълими сифатини ошириш орқали илмий салоҳиятини яхшилаш ва ривожлантириш каби вазифаларни қўйган.

Ушбу лойиҳа бўйича биринчи учрашув 2017 йил 27 февраль – 1 март кунлари Тошкент давлат Молия институтида ташкил этилди ва лойиҳа ишчи гуруҳи томонидан вазифалар тақсимланиб режа асосида ишлар олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳа асосида ташкил этилган докторантура марказида докторант, мустақил тадқиқотчилар, хорижий давлатга малака оширишга кетадиган профессор-ўқитувчиларга инглиз тили курслари ташкил этилмоқда. 2017 йил 9-13 октябрда лойиҳа бўйича Италиянинг Турин Политехника университетида ташкил этилган иккинчи учрашувда лойиҳа координатори А.Қурбонов иштирок этди. Лойиҳа бўйича кейинги босқичдаги вазифалар белгиланиб олинди[2].

Лойиҳа бўйича 2018 йил 5-9 февралда Тошкент давлат кимё-технология институтида бўлиб ўтган иккинчи учрашув докторант, мустақил тадқиқотчи ва илмий маслаҳатчиларга бағишланган бўлиб, унда ҳар бир ОТМдан, илмий маслаҳатчилар, докторантлар, илмий бўлим бошлиқлари иштирок этдилар. Лойиҳа бўйича 2018 йил 14-16 майда Италиянинг Турин Политехника университетида ташкил этилган учрашувда Л.Х.Ёзиев, лойиҳа аъзоларидан С.Чориев, А.Қурбоновлар иштирок этдилар.

2018 йил 2-7 сентябрда Испаниянинг Гранада университетида ташкил этилган "Job swadoving week" хафталик стажировкада илмий бўлим бошлиғи Б.Каримов ва халқаро бўлим бошлиғи Н.Азизова иштирок этдилар[2].

Лойиҳа бўйича 2019 йил 12-14 мартда Венгриянинг Этвёш Лоранд университетида навбатдаги семинар ташкил этилди. Учрашувда биология ва экология кафедраси мудири Л.Х.Ёзиев, ижтимоий фанлар кафедраси мудири С.Чориев, биотехнология кафедраси доценти А.Қурбоновлар иштирок этдилар.

Жумладан, лойиҳа доирасида ташкил этилган докторантура марказига 6,506,00 евролик видеоконференция жиҳозлари ўрнатилди ва ҳамкор университетлар билан ҳамкорликда қўшма докторлик таълим дастурлари ташкил этиш бўйича келишувлар тайёрланди. 2019 йил 4-5 июлда лойиҳа доирасида Наманган давлат университетида илмий раҳбарлар ва докторантлар учун навбатдаги учрашув ташкил этилди

2019 йил 8-12 июлда лойиҳа бўйича учрашув Брюсселда UNICA ташкилотида ташкил этилган семинарда проф. Л.Х.Ёзиев ва А.Қурбонов иштирок этдилар. 2019 йил 28 августдан 7 сентябргача бўлган муддатда Хорватиянинг Загреб университетида ташкил этилган учрашувда доц. А.Қурбонов иштирок этдилар.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, Қарши давлат университети 2017-2019 йилларда халқаро лойиҳалари доирасида Европа Иттифоқининг Erasmus+ дастурининг “MAGNET”, “RENES”, “UzDOC 2.0” лойиҳалари бўйича грант дастурларида фаол иштирок этди. Бу эса ўз навбати жаҳоннинг етакчи олий ўқув муассасалари билан тажриба аламиниш ва университет илмий салоҳиятининг ошишига хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жануб жавоҳири –Тошкент “Akademnashr”-2016 йил.
2. Қарши давлат университети жорий архиви материаллари.
3. Қарши давлат университети Халқаро ҳамкорликлар бўлими ҳисоботлари

УЎК 93/94

## СОПОЛЛИ МАДАНИЯТИ ТАҚИНЧОҚЛАРИ ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

*Г.Ч. Каттаева, таянч докторант, Термиз давлат университети, Термиз*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Сополли маданияти ёдгорликларининг ўрганилиши тарихи, ушбу ёдгорликлардан топилган тақинчоқлар ва уларнинг турлари ҳақидаги маълумотлар илмий таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар.** Сополли маданияти, Сополлитепа, Жарқўтон, Мўлалитепа, Бўстон VI, VII, Тиллабулоқ, тақинчоқлар, тўғноғич, сирга, маржон, шокила, мунчоқ, тумор, узук, билагузук.

**Аннотация.** В статье дается научный анализ истории изучения памятников Сапалльской культуры, сведения об украшениях, обнаруженных в этих памятниках, и их типах.

**Ключевые слова:** Культура Сапалли, Сапаллитепа, Джаркутан, Молали, Бустон VI, VII, Тиллабулак, украшения, булавка, серьги, подвеска, бусы, амулеты, кольца, браслеты.

**Abstract.** It is scientifically analyzed information about the history of the studying of monuments of Sapalli culture, the jewelry that was founded from these monuments and their types in this article.

**Key words:** Sapalli culture, Sapallitepa, Djarkutan, Mulali, Bustan VI, VII, Tilla Bulak, jewelry, pins, earrings, pendants, beads, amulets, rings, bracelets.

**Мавзунинг долзарблиги:** Ватанимиз тарихини ўрганишда моддий маданият намуналарининг ҳам ўрни беқиёсдир. Чунки моддий маданият намуналари халқимизнинг ўтмиши ва келажагини боғлаб турадиган ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди десак хато бўлмайди. Улар орасида айниқса заргарлик буюмлари ўзига хос миллий урф-одат ва анъаналарни ўзида мужассам этган ҳолда, аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда.

**Тадқиқот усули.** Мақола манбаларни қиёсий – статистик таҳлил этиш усулида ёзилди ҳамда фанлараро ёндашув методи қўлланилди.

**Тадқиқот натижалари.** Сўнгги бронза даврида, Сурхондарё вилоятига Сополли маданияти номи билан машҳур бўлган моддий маданият вакиллари келиб ўрнашади. Ушбу маданият Намозгоҳ маданияти туркумининг энг шарқий қанотини ва шунингдек Қадимги Шарқ дунёсининг шимолий-шарқий чегарасини ташкил этади. Окс цивилизациясининг маҳаллий шимолий Бактрия варианты бўлган Сополли маданияти мил. авв. XX асрдан XV асргача бўлган давр оралиғида гуллаб – яшнаган[19, Р. 457.].

Сополли маданияти 1960 – йилнинг охиридан бошлаб ўрганиб келинмоқда. ЎзР ФА Археология институтининг А.А. Асқаров раҳбарлигидаги археологик экспедицияси томонидан даставвал Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари очиб ўрганилган[1, 2, 3, 4.]. Кейинги йилларда амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида бугунги кунгача Сополли маданиятининг қуйидаги асосий ёдгорликлари очиб ўрганилди: Молали[3, С. 59; 10, С. 75.], Бўстон I, II, III, IV, V, VI, VII[3, С. 57; 13, 14.] ва Тиллабулоқ[17, 18, 19.]. 2015 йилдан сўнг, Термиз давлат университети ва Чехиянинг Прага университетларининг Ўзбекистон – Чехия тадқиқот лойиҳаси асосида Пашхурт-Зарабоғ минтақаси янада тизимли равишда ўрганиб чиқилди. Тадқиқотлар Пошхурт текислигининг шимолий қисмида мил. авв. II минг йилликда аҳоли зич яшаганлигини кўрсатади. Пашхурт худудида 20 дан ортиқ ва унинг шимолий қисмида жойлашган Қорабоғ, Зарабоғ, Майдон қишлоқларида эса 10 га яқин Сополли маданияти ёдгорликлари аниқланган[19].

Ушбу ёдгорликларда олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни тасдиқламоқдаки, Сополли маданияти аҳолиси хўжаликнинг барча соҳаларини тенг ривожлантирган умумлашган жамоадир. Улар меъморчилик, қишлоқ хўжалиги, хунармандчилик айниқса заргарлик соҳасида жуда катта натижаларга эришишган[11, 12].

**Сополлитепа ёдгорлиги** ҳозирги Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани, Ўланбулоқсойнинг чап қирғоғида жойлашган бўлиб, 1968 йилда Л.И. Альбаум томонидан очилган[1, С. 6; 3, С. 13]. 1969-1974 йилларда А.А. Асқаров раҳбарлигидаги ЎзР ФА Археология институтининг Шеробод отряди томонидан тўлиқ очиб ўрганилган. Сополлитепани қазиш вақтида, унинг уй-жой мужмуалари остидан 138 та қабр топиб ўрганилган.

А.Асқаров «Сапаллитепа» ва «Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана» номли монографияларида уй-жой мажмуалари остидан очиб ўрганилган қабрлардан ва хона деворларининг маданий қатламларидан топилган қуйидаги турдаги

тақинчоқлар ҳақида маълумот бериб ўтган: 8 та маржон-мунчоқлар шодаси; 15 та мунчоқлар донаси; билагузуклар (34 та намуна); тўғноғичлар (29 та намуна); туморлар (37 та намуна); сирғалар (22 та намуна); узуклар (3 та намуна); диадемлар (3 та намуна).

**Жарқўтон ёдгорлиги** ҳозирги Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани (Шерободдарё ирмоғи, Бўстонсой ўзанининг чап соҳили)да, Термиз шаҳридан 60 км шимолда жойлашган[3, С. 46; 2, С. 8]. Жарқўтон А.А. Асқаров томонидан Қадимги Шарқ цивилизациясига хос илк деҳқончилик маданияти ёдгорлиги[2, 3.], Т.Ш. Ширинов томонидан илк шаҳар[4] сифатида талқин қилинган бўлиб, умумий майдони 100 гектарни ташкил этади[2, С. 8.]. Ёдгорликда дастлабки археологик тадқиқот ишлари 1973 йилда Ш. Пидаев ва В. Пилипко томонидан амалга оширилган[2, С. 4.]. 1975-1993 йилларда А. Асқаров ва Т. Ширинов бошлиқ ЎзР ФА Археология институтининг Шеробод отряди кенг миқёсда тадқиқот ишларини олиб борган[4]. Ушбу йиллар давомида ёдгорликдан жами 130 га яқин тақинчоқ ўрганилган бўлиб, шулардан 14 таси маржон-мунчоқлар шодаси; 4 таси мунчоқлар донаси, 31 таси билагузук, 50 таси тўғноғич, 12 таси сирға, 17 таси узуклардир.

1994 йилдан буён бу ёдгорлик халқаро экспедициялар объектига айланган. 1994 – 2003 йиллар давомида Жарқўтон ёдгорлигида Ўзбекистон-Германия археологик экспедицияси кўшимча илмий археологик тадқиқотлар ишларини амалга оширган бўлиб, археологик қазишмалар асосан Жарқўтон ёдгорлигининг арк, шаҳристон ва қабристон қисмида олиб борилди[15, 16, 18, 20]. Ушбу йиллар давомида ёдгорликдан жами 109 та тақинчоқ топиб ўрганилган, шулардан 11 таси билагузук, 5 таси сирға, 5 таси узук, 4 таси тумор, 1 та тиллақош, 52 та турли хил шаклдаги мунчоқ доналари, 1 та бронзадан ясалган сепочка, 3 та маржон – мунчоқ шодаси ва 40 та тўғноғичлардир.

2005 – 2013 йилларда ёдгорликда Ўзбекистон-Франция халқаро археологик экспедициялари фаолият кўрсатган[6, 7, 8.]. Ушбу йиллар давомида амалга оширилган археологик қазишма ишлари натижасида турли хил сопол буюмлар, меҳнат қуроллари, хунармандчилик буюмлари билан бир қаторда 64 дан ортиқ заргарлик буюмлари ҳам топиб ўрганилган. Улардан 7 таси билагузук, 3 таси маржон – мунчоқли билагузук, 1 таси сирға, 36 таси турли хил шаклдаги мунчоқ доналари, 2 таси шокила маржон ва 15 таси тўғноғичдир.

Сополли маданиятининг **Мўлали босқичи** қишлоқ макони ва у билан бир даврга тегишли 7 та қабр илк бор, 1970 йилда археолог Б. Турғунов томонидан Шўрчи тумани Қизилсойнинг ўнг қирғоғидан топилган[3, С. 59]. Ушбу қабрларда олиб борилган қазишмалар натижасида уларни Сополли маданиятининг навбатдаги хронологик босқичига тегишли эканлиги аниқлангач, Жарқўтондаги бу давр қабрлари ҳам Мўлали босқичи номи билан ўрганила бошланди. Шунингдек, Бўстон VI ёдгорлигидан ҳам Мўлали босқичига тегишли кўплаб қабрлар очиб ўрганилган[13]. А.А. Асқаров ўзининг Жарқўтон топилмаларига бағишланган монографияларида Жарқўтон қабристонининг Мўлали босқичига тегишли қабрларидан топилган жами 32 та тақинчоқлар тўғрисида умумий маълумот бериб ўтган[2, 3]. 2012 йилда Германия Археология Институтининг (DAI, Берлин шаҳри) ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Санъатшунослик институтининг кўшма экспедицияси томонидан Мўлали қишлоқ маконида археологик қазишма ишлари натижасида 50 га яқин мунчоқ доналари ва 1 та тўғноғич топиб ўрганилган[10].

Жарқўтон ёдгорлигининг жанубида, Бўстонсойнинг ҳар иккала соҳилидаги бир неча табиий тепаликларда(Жарқўтон III, Жарқўтон IV а,б,в ҳамда Бўстон 1,2,3,4,5,6,7,8) қадимги қабристонлар топилган. Бўстон қабристонини қазиш ва ўрганиш ишлари 1974 йилда А.А. Асқаров томонидан бошланиб[3, С. 57], унинг шогирдлари ва издошлари томонидан ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Айниқса, 1990-2008 йиллар мобайнида археолог, СамДУ тарих факультетининг профессори Н.А. Аванесова томонидан **Бўстон VI** қабристонидан олиб борилган археологик қазишмалар Бўстон босқичи даври тақинчоқларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг **Бўстон VI** қабристонига бағишланган илмий монографиясида, ушбу қабристондан топилган жами 219 та тақинчоқ (9 та билагузук, 136 та маржон-мунчоқ донаси, 46 та шокила-маржон, 2 та диадем, 14 та сирға, 12 та тўғноғич) лар тўғрисида маълумот берган[13].

Сополли маданиятининг яна бир янги ёдгорликларидан бири **Тиллабулоқ ёдгорлиги** бўлиб, у Шеробод тумани Пошхурт қишлоғида, табиий булоқ бўйида жойлашган. Ушбу ёдгорликда ЎзР ФА Санъатшунослик институти, Термиз давлат университети ва Германиянинг Мюнхень университети ўртасидаги уч томонлама илмий шартнома асосида археологик тадқиқотлар ўтказилиб, 2007-2012 йиллар мобайнида тўлиқ очиб ўрганилган[11, 17, 18, 19, 20].



Тиллабулоқ ёдгорлигидан топилган моддий маданият намуналаридан бири – бу аёл заргалик буюмлари ҳисобланади. Ёдгорликдан ушбу турдаги ҳунармандчилик маҳсулотларининг жуда кам намуналари топилган бўлиб, улар асосан хона деворларининг маданий қатламидан топилган, кўпчилиги синиқ ҳолда сақланган. Ёдгорликдан топилган заргарлик буюмларининг асосий қисмини маржон, тўғноғич, туморлар ва узук, билагузукларнинг парчалари ташкил қилади.

Таниқли археолог олим Ш.Б. Шайдуллаев бевосита Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичларини Бактрия мисолида ўрганган [12]. Унда асосий эътибор давлатчилик масаласига қаратилган. Бироқ, тақинчоқларни классификация қилиш унинг тадқиқот доирасига кирмаган.

Мустақиллик йилларида ҳам Сополли маданияти тақинчоқларини ўрганиш бўйича бир нечта тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан В.В. Лунева [5], А.Ш. Шайдуллаев [11] лар шулар жумласидандир. Хусусан, А.Ш. Шайдуллаев ўзининг фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертациясида Сополлитепа ва Жарқўтондан топилган 13 та соч тўғноғич-муҳр ва Сополлитепа ва Тиллабулоқдан топилган 44 та туморларни ўрганган, шунингдек уларда ифодаланган тасвирларнинг рамзий маънолари, типологияси, классификацияси ҳақида маълумот бериб ўтган. Аммо ушбу диссертацияда асосий эътибор муҳрларга қаритилган бўлиб, Сополли маданиятининг бошқа ёдгорликлари (Бўстон VI, Мўлали)дан топилган тўғноғич ва туморлар эътибордан четда қолган.

Сополли маданияти тақинчоқларини ясашда ишлатилган металлларнинг кимёвий таркиби билан В.Д. Рузанов [9] ва К. Каниут [18] лар илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. В.Д. Рузановнинг тадқиқотлари металлларнинг кимёвий таркибини аниқлаш, руда конлари маконларига бағишланган бўлса, К. Каниут металл буюмларининг типологияси билан шуғулланмоқда.

**Хулоса.** Сополли маданиятининг бронза даври ёдгорликлари XX асрнинг 60-йилларидан бери ўрганилаётган бўлса-да, янги топилаётган археологик манбалар заргарлик санъати буюмларини чуқурроқ ўрганиш масалаларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Шунингдек, келтирилган тадқиқотларда тақинчоқларнинг вазифаси, типологияси ва илмий аҳамияти тўлиқ ёритилмаган. Сополли маданиятининг бронза даври ёдгорликларидан топилган тақинчоқларни ўрганиш, уларнинг вазифасини аниқлаш, типологиясини яратиш ва археологик, тарихий манбалар асосида қиёсий ўрганиш бронза даври аҳолисининг ўзига хос этнографик, моддий-маънавий ва диний характерини очиқ беришга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аскарлов А. Сапаллитепа. Ташкент, 1973.
2. Аскарлов А., Абдуллаев Б. Джаркутан. Ташкент, 1983.
3. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1977.
4. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: ИА АН Рuz, 1993. – 162 с.
5. Лунева. В.В. Формирование и развитие ювелирного искусства в среднеазиатском двуречье ( III-II тыс. до н.э – III-IV вв.н.э): Автореф. дис. Д-ра ист. наук. – Ташкент, 2009. – 41 с.
6. Мустафоқулов С., Бендесу-Сармьенто Х. Результаты архео-антропологических работ на Джаркутане // АИУз, 6. – Тошкент, 2009. – С. 175-186.
7. Мустафоқулов С., Бендесу-Сармьенто Х., Рахмонов У., Хасанов М., Люилье Ж., Люне Э. Полевые работы Узбекско-Французской (МАFOUZ) экспедиции на Джаркутане в 2009-2011 гг. // АИУз, 8. – Самарканд, 2012. – С. 203-213.
8. Мустафоқулов С., Бендесу-Сармьенто Х., Рахмонов У., Люилье Ж., Рахимов К., Дюпон А. Археологические исследования на Джаркутане в 2013 г. // АИУз, 10. – Самарканд, 2016. – С. 267-274
9. Рузанов В.Д. Металлообработка на юге Средней Азии в эпоху бронзы. Самарканд: Институт археологии АН РУз, 2013.
10. Сверчков Л.М., Бороффка Н. Материалы поселения эпохи поздней бронзы Молали. Археология Узбекистана 10, № 1, 2015. – С. 75.
11. Шайдуллаев А.Ш. Сополли маданияти глиптикаси ва сфрагистикаси. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. Тошкент, 2017.
12. Шайдуллаев Ш.Б. Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари. Тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Самарканд, 2009.
13. Avanesova N.A. Buston VI – the necropolis of fire - worshippers of preurban Bactria. Samarkand, 2016.
14. Avanesova N.A., Kasparov A.R. The practice of Reinterment at the Buston VII Necropolis // Bulletin of IIAS, Volume 21, 2015. – P. 27-54.
15. Huff D., Pidaev Ch., Chaydoullayev Ch. Uzbek-German Archaeological Researches in the Surkhan Darya Region // La Bactriane au carrefour des routes et descivilisations de l'Asie Centrale. Termez et les villes de Bactriane-Tokharestan. Actes du colloque de Termez / Eds. Leriche P., Pidaev Ch., Gelin M., Fourniau V. 1997. Paris, 2001. – P. 219-233.

16. Huff D., Teufer M. Džarkutan, Usbekistan // Archäologische Forschungen in Kazakhstan, Tadschikistan, Turkmenistan und Uzbekistan / Eds. Boroffka N., Hansen S. Berlin: Deutsches Archäologisches Institut Eurasien Abteilung, 2010. S. 22–27.
17. Kaniuth K. Tilla Bulak – 2007 Vorbericht zur dritten Kampagne // AMIT. Band 39. Berlin, 2007. – P. 31-47.
18. Kaniuth K. The Metallurgy of the late Bronze Age Sapalli Culture (Southern Uzbekistan) and its implications for the "Tin Question". *Iranica Antiqua*, Vol. XLII, 2007. – P. 30 – 31
19. Kaniuth K. Life in the countryside. The rural archaeology of the Sapalli culture // Lyonnet, B., Dubova, N. A. (Eds.). *The World of the Oxus Civilization* (1st ed.). Routledge, 2020. – P. 460.
20. Teufer M. Spätbronzezeitliche Grabfunde aus Nordbaktrien und benachbarten Regionen. *Archäologie in Iran und Turan*. Band 13. - Berlin. 2014. – P.685.
21. Rayimovich, Abdukayumov Asror. "Early settlements of central asia as a factor of formation of first societies (on example of the settlement of sarazm)." *European science review* 5-6 (2020).
22. Bakiev, Anvar, and Zubayda Yuldasheva. "The fifth civilization of the ancient east" *Theoretical & Applied Science* 8 (2020): 39-45
23. Kushakov, S., & Akhmedov, S. (2021). The Ethnic History And Composition Of Uzbek People: On The Example Of Two Languages, Settlement And Livestock Tribes. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*, 3(02), 24-27.
24. Abdulloev, S. B. (2021). Positive Attitudes To "Dev" In Central Asian People. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(01), 275-279.
25. Yusupovich, K. S. (2020). The Emergence Of Religious Views Is Exemplified By The Southern Regions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(10), 143-145.

УЎК 93/94

**ПОМИР ВА УНГА ТУТАШ ҲУДУДЛАРГА УЮШТИРИЛГАН ИЛМИЙ  
ЭКСПЕДИЦИЯЛАР ҲАМДА МИНТАҚАДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ  
(XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИ)**

***Н.С. Кенжаева, таянч докторант, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика  
институтини, Чирчиқ***

**Аннотация.** Мазкур мақолада, XX асрнинг 30-йилларида Помир минтақасини ҳар томонлама илмий тадқиқ этиши учун СССР Фанлар академияси ва Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги академияси (ВАСХНИЛ) томонидан уюштирилган экспедициялар фаолияти кўриб чиқилади. Экспедиция тадқиқот ишлари асосида Тоҷикистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** СССР ФА, геоботаника, экспедиция, Тоҷикистон, Помир, тадқиқот, харита, чорвачилик, ўсимлик, ВАСХНИЛ.

**Аннотация.** В статье рассматривается деятельность экспедиций, организованных Академией наук СССР и Всесоюзной сельскохозяйственной академией им. Ленина (ВАСХНИЛ) в 30-е годы XX века по комплексному научному изучению Памира. Результаты научно-исследовательской работы экспедиции были положены в основу изучения вопросов развития сельского хозяйства Таджикистана.

**Ключевые слова:** АН СССР, геоботаника, экспедиция, Таджикистан, Памир, исследования, карта, животноводство, растения, ВАСХНИЛ.

**Abstract.** The article takes into consideration the activities of expeditions organized by the Academy of Sciences of the USSR and the All-Union Agricultural Academy named after V.I. Lenin (VASKHNIL) in the 1930-ies of the twentieth century on the comprehensive scientific study of the Pamirs. The results of the research work of the expedition formed the basis for the study of agriculture's development in Tajikistan.

**Key words:** USSR Academy of Sciences, geobotany, expedition, Tajikistan, Pamir, research, map, animal husbandry, plants, VASKHNIL.

XX асрнинг 30-йилларида Тоҷикистонда қишлоқ хўжалигини жамоалаштирилиши, колхозларнинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиши, ирригацияга оид қурилиш ишларининг кенг йўлга қўйилиши, машиналардан фойдаланишнинг ўсиши, буларнинг барчаси республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан боғлиқ фан олдида янги вазифаларни қўйди. XX аср 20-йилларнинг иккинчи ярмида бўлгани каби, илмий тадқиқотларни яқка тартибдаги секторга эмас, балки йирик жамоа хўжаликларининг эҳтиёжларини қондириш учун йўналтириш зарур эди. Шу муносабат билан, республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий ҳудудлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди. Республикада ишлаган тажриба майдонлари асосан қишлоқ

хўжалиги экинларини экиш ва парваришлашнинг замонавий иш услубини жорий этиш билан шуғулланди.

Ўсимлик ва чорвачилик ресурсларини республика қишлоқ хўжалиги хизматига сафарбар қилиш масалалари Тожикистон комплекс ва бошқа экспедициялар томонидан кенг тадқиқ этилди. 1930-йилларнинг бошларида минтақа ўсимликларининг типологик таҳлилининг мавжуд эмаслиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини худудлаштириш, ўсимликларни хариталаш, ёввойи фойдали ўсимликларни аниқлаш ишларининг охирига етказилмаганлиги, селекцияга оид ўрганишларнинг амалга оширилмаганлиги экспедиция ишида қийинчиликларга сабаб бўлди. Қишлоқ хўжалигига оид вазифаларни белгилаб олган Тожикистон комплекс экспедицияси раҳбари Н. П. Горбунов шундай қайд этади: “Экспедициялар пахтачилик, мевачилик, чорвачилик ва лалми деҳқончилик каби ўта муҳим масалаларни ҳал этиши лозим”[1.С.11]. Экспедиция таркибида паразитология гуруҳи, геоботаника ва эфир мойи ўсимликларини текшириш гуруҳи, мевали дарахтларни тадқиқ этиш бўлими, миср (ингичка толали) ғўзасини ва ўрмоншуносликни тадқиқ этиш гуруҳлари фаолият юритди.

Э. Н. Павловский бошчилигидаги паразитология гуруҳи минтақада умуртқали ҳайвонлар бўйича фаунашуносликка оид материалларни умумлаштирди ҳамда уй ва ёввойи ҳайвонларнинг ташқи паразитларининг гельминтофаунаси бўйича махсус паразитологияга оид ишларни, шунингдек, санитария-гигиена бўйича тадқиқотларини олиб борди[2.С.467]. 1932 йилда экспедициянинг геоботаника гуруҳи республика флораси ва ўсимликларини режали ўрганиш ишларини олиб борди. Флора дунёсини ўрганишда асосан, фойдали ўсимликларни аниқлаш, ўсимликлар харитасини тузишга алоҳида аҳамият берилди. Сталинобод теварак-атрофида шимолдан жанубга, минтақа бўйича баланд тоғ, субальп тоғлари, тоғ-ўрмон, тоғ этаги геоботаника жиҳатидан ўсимликлар тақсимооти белгиланди. Каучукли, бўёқ берадиган ва тери ошловчи моддалар, ем-хашак ва чиройли гулловчи каби катта қизиқиш уйғотадиган ўсимликлар аниқланди. Вахш ботаника гуруҳи ёввойи ўсимликлар ва ем-хашак ресурсларини аниқлаш мақсадида, худудда геоботаника ва флористикага оид тадқиқот ишларини амалга оширди.

Жанубий минтақалар кўп йиллик ўсимликлар билан бирга узоқ яшамайдиган ўсимликларнинг кўплиги билан, Марказий минтақалар эса, дарахт-бута ўсимликларнинг устунлиги билан тавсифланди. Гуруҳ томонидан эрта-баҳор, баҳор, кечги-баҳор, ёз-куз табиий ўтлоқларнинг, шунингдек, баланд тоғ яйловларининг ем-хашакларининг хусусиятлари кўрсатиб берилди [3.С.475-494].

А.П. Бордаков бошчилигидаги миср ғўзасини тадқиқ этиш гуруҳи, уни етиштириш агротехикасини, уруғчилик, селекция ҳолатини, агро чора-тадбирларни ишлаб чиқишда тажрибали станцияларнинг иштирокини аниқлади. Сувдан фойдаланиш ҳолати ҳам ҳисобга олиниб, селекция ишларини яхшилашнинг йўналишлари қайд этилди [4. С.509-513].

Қишлоқ хўжалиги ва енгил саноат бўлими таркибида ишлаган етакчи олимлар Н. И. Вавилов, Д. Н. Прянишниковлар Тожикистонга бағишланган қатор муҳим тадқиқотларни амалга оширди. Н. И. Вавиловнинг “Тожикистоннинг маданий флораси: ўтмиши ва келажаги”, В. Л. Комаровнинг “Тожикистоннинг ўсимлик минтақалари”, Д. Н. Прянишниковнинг “Қишлоқ хўжалигини химиялаштиришда асосий йўналишлар”, профессор Б. А. Федченконинг “Тожикистон ССРнинг техника ўсимликлари”, В. Ф. Петровнинг “Тожикистонда миср ғўзаси” Е.Ф. Кислициннинг “Тожикистонда чорвачилик” ва бошқаларнинг маърузаларида қишлоқ хўжалигини тубдан қайта қуриш йўллари белгиланди[5.С.13-47].

Суғориладиган ғўза, лалми буғдой ва мевалар Тожикистон учун етакчи экинлар сифатида аниқланди. Республикада олиб борилган тупроқ ва геоботаникага оид тадқиқотлар лалмикор ёгинлари билан таъминланган 1300000 гектар майдонни аниқлади. Бу эса лалми буғдой экинларни тахминан уч баробарга оширишга имкон берди.

Н. И. Вавиловнинг фикрига кўра, Тожикистон деҳқончилигида барча эътиборни, энг аввало пахтачиликни ривожлантиришга қаратиш, айниқса, миср пахтасини экиш имкониятлари катта бўлган. Шу билан бирга мевачилик ва узумчилик соҳаларини ҳам ривожлантириш лозимлиги қайд этилади[6.С.17-18.].

В. Л. Комаров ҳам Тожикистонда пахта экиладиган майдонларни кенгайтириш билан бирга боғдорчилик катта ҳажмда экспорт манбаи бўлиши мумкинлигини эътироф этади[7.Б.37].

Бутуниттифок ўсимликшунослик институти томонидан “Тожикистон ССРда деҳқончилик харитаси” тузилган бўлиб, республика худудида суғориладиган экинлар, лалми экинлар, узумзорлар ва боғларнинг жойлашуви белгиланди[8.Б.241.]. Шунингдек,

Тожикистонда олиб борган тадқиқотлар асосида ёнғок, pista, бодом, жийда, дўлана ва тоғ олчаси каби республика хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган ёввойи мевалар харитаси тузилди [9.Б.241-248.].

Суғоришга яроқли умумий 706 минг гектар майдоннинг 48 фоизи ёки 338 минг гектари суғорилган; 367,5 минг гектар янги ўзлаштирилиши мумкин бўлган майдонни ташкил этди. 367,5 минг гектар янги суғориладиган ерларнинг 92 минг гектари, яъни 25 фоизи ирригация жиҳатдан мураккаб ерларга, қолганлари эса ўртача ерлардан иборат эди [10.С.138.].

1933 йилда Тожикистон ССРда мутахассислар суғориладиган ерларнинг кўпайиши мумкинлигини қайд этдилар. Жумладан, Вахш водийсида-85,5 минг гектар, Қуйи-Кофирниҳонда-39,1 минг гектар, Сарой-Қамарда-4,6 минг гектар, Пахор-Чубекда-32,6 минг, Ҳисор водийсида-9,3 минг, Кофирниҳонда-10,5 минг, Зарафшонда-7,8 минг, Ўратепада-45,0 минг, Хўжандда-14,0 минг, Яхсув-Қизилсувда-15,0 минг, Яванда-48,0 минг, Данғара-Олимтойда-18,0 минг Тошработда-12,0 минг гектар ерга кўпайтириш имкони мавжудлиги қайд этилади [11.Б.127-128.]. Бу фикрлар кейинги йилларда Тожикистонда ирригация ва мелиорациянинг ривожланиш дастурига айланди.

Тожикистонда фаолият олиб борган Тожикистон-Помир экспедициялари ва Ленин номидаги Бутуниттифок кишлок хўжалиги фанлари академиясининг (ВАСХНИЛ) комплекс экспедицияси, тор ихтисослаштирилган гуруҳлар томонидан кишлок хўжалиги соҳасида назарий ва амалий ишларни бирга кўшиб, чуқур илмий тадқиқотларни олиб борди.

Академик А. Е. Ферсман миср пахтасини, лалми ва суғорма ерларда етиштириладиган янги экинларни экиш вазифалари ёрча шарт-шароитларни чуқур ўрганган ҳолда ёввойи ўтларга қарши кураш шакллари аниқлашга ундаши қайд этилади

СССР Фанлар академияси Тожикистон базаси биология бўлимининг илмий ходимлари 1933-1934 йилларда Тожикистон-Помир экспедицияларининг геоботаникага оид тадқиқотларида иштирок этди. Қурғоқчил Бешкент водийсида ҳамкорликда тадқиқот ишлари амалга оширилиб, икки чақирим масштабда геоботаника харитаси тузилди. Қишлоқ хўжалиги халқ комиссарлигининг (Наркомзем) махсус топшириғига кўра, яйлов-пичан ўриладиган ерларни аниқлаш ва ўрганиш ишлари ҳам Биология бўлими томонидан амалга оширилди.

Мазкур экспедициялар томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 1:84000 дан 1:420000 гача масштабда геоботаника харитасини тузиш учун маълумотларни берди. Ўсимликларнинг тарқалиши ва экологиясига оид материаллар ем-хашак майдонларининг захираларини аниқлади, шу вақтга қадар мутлоқо фойдаланилмаган майдонлар топилди. Биология бўлими “Тожикистон дарахтлари ва буталарининг таърифномаси”ни тузди. Саноат соҳасини ривожлантириш бўйича топшириққа кўра, 15 турдаги бўёқ берадиган, тери ошловчи ва таркибида елим сақлаган ўсимликлар топилди. Уларнинг тарқалиш харитаси тузилди [12.С.551.]. Бу ишлар нафақат назарий, балки хўжалик жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1933 йилда П. Н. Овчиников бошчилигида геоботаника отряди Янги Бозор чегарасида, асосий мол ҳайдаб ўтиладиган Явон-Гарм йўлини типологик ўрганишда Оби-Гарм, Гарм, Хайит ва Жирғитол ҳудудларининг бир қисмида геоботаникага оид тадқиқот ва ўсимликларни хариталаш ишларини олиб борди. Тик чўкки минтақаси бўйлаб амалга оширилган ботаника ва географияга оид таҳлиллар, хариталашнинг асосий бирликлари сифатида хизмат қилди. Хусусан, тик чўкки минтақаларида ўсувчи ўсимликларнинг аниқ хусусиятлари аниқланди [13.С.291-293.].

Тадқиқотлар натижасида ҳудуднинг абий-географик хилма-хиллиги ва турли-туман ботаникага бой кичик ҳудудлари аниқланди. Бир томондан, баланд тоғ яйловлари ва тоғ даштларига хос баланд тоғ ўсимликлари яхши ривожланган бўлса, иккинчи томондан эса айниқса, Сорбо, Хингоу ва ҳ.к. дарёлари бўйлаб дарахт-бутазорлар, 1350-1400 м баландликкача ривожланган тоғнинг қуйи дашт (ғалласимонли дашт) қисмида эса ўзининг биологик типи жиҳатидан дашт ўсимликларига яқин эфемерларнинг (узок яшамайдиган, баҳорда кўкариб, ёзда қуриб қоладиган ўт-ўланлар) устунлигидан иборат бўлди.

Тадқиқ этилган ҳудудларда ўсимликларнинг тик чўкки бўйлаб ўзгариши аниқланди. Маълум даражада бир хил турдаги ўсимликлар ўсадиган ҳудудлар олдиндан 5 та ҳудудга бўлинди:

1. Вахш яқинидаги кичик ҳудудлар билан бирга Файзаобод-Оби-Гарм ҳудуди ғалласимонли ўсимликларнинг устунлиги билан ажралиб турди ва 4 та минтақага бўлинди (эфемерлар, ғалласимон ўсимлик дашти, ғалласимон ўсимлик сероблиги билан бирга гулзор, таран ўсимлиги билан гулзор).



2. Учта кичик минтақалари билан бирга Ҳисор худуди, бута ўсимликларининг устунлиги, баланд тоғ этакларида эса яйловларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Мазкур худуд, эгилопсининг (*Aegilops*) кўплиги билан бирга эфемер ўт-ўланлардан бошланиб, дарахт-бугазор флораси минтақасида гулзор-заранг дарахтзорларининг устунлиги билан, субальп минтақасида альп тоғ ўсимликларининг кўплиги билан, қор минтақасида баланд тоғ флорасининг тарқоқ вакиллари сақлаган саккизтагача тик қоя минтақасига эгалиги билан ўзига хос хусусият касб этади.

3. Сурхоб-Яшилкўл худуди қуйи минтақаларида шувоқ-бошоқли ўсимликлар, дашт зонасининг юқори қисмида (2900 м.) гулзор ва бетага (кўп йиллик ўт) чалов (ковил) ўсимликлари яхши авж олган дашт зонасининг устунлиги билан ажралиб туради.

4. Пётр I тизмаси жанубий ён бағирларининг қуйи қисми, Хингоу дарёси бўйлаб дарахт-бута ўсимликлари яхши ривожланган.

5. Ҳисор-Ягноб худуди тадқиқ этилган юқори минтақаларида асосан бетага-чалов ўсимликларидан иборат муҳим яйловлар зонасини ташкил этади.

Мазкур худудлар флорасининг таркиби ва тақсимланиши бўйича тўпланган маълумотлар 1:420000 масштабда ботаника харитасини тузиш имкониятини берди. Қўлга киритилган маълумотлар мол ёйиладиган яйловларни режалаштиришда, ҳайдаб ўтишда ҳисобга олинди.

Шунингдек, Сталинобод-Оби-Гарм-Яшилкўл каби асосий мол ҳайдаб ўтиладиган йўлларда ем-хашак таъминоти, мол ҳайдаб ўтиладиган йўлларнинг ён томонлари (Хонакин яйловлари, юқори Конязи яйловлари ва б.) ва бир қанча йирик мутлақо фойдаланилмаган ёки кам ишлатилган яйловларнинг (Гулбос, Ҳапака, Конязи, ва б.) ўзига хос хусусиятлари ўрганилди. Мол ҳайдаб ўтишда туб ўзгаришлар бўлиш эҳтимоли аниқланди. Хусусан, ўша пайтда ўта муҳим ён яйловларнинг хўжалик жиҳатидан фойдаланишга қўшиб олиш билан Гарм мол ҳайдаб йўлининг аҳамиятини ошириш имконияти пайдо бўлди.

1933 йилда Гарм геоботаника отряди, Рангенов доводидан-Ҳисор тизмасининг жанубий қояларининг чекка қисмида Қалай-Дашт водийсида Оби-гарм дарёсигача; Ҳисор тизмасининг шимолий қояларида Ягноб дарёсининг юқори қисмида ва Бартанг дарёси бўйлаб қарийб 800 минг гектар майдонни тадқиқ этди. Мазкур худудларнинг тадқиқ этилиши Ҳисорнинг довод қисмида ем-хашакзорлар катта аҳамиятга эга эканлиги ва геоботаникага оид харита тузишни таъминлади. Кўпгина худудларда тупроқ кесимлари тавсифи йўли билан тупроқ қоплами ўрганилди ва кимёвий таҳлил учун намуналар олинди (90 та кесимлар ва 300 та намуна). Дарахт навларининг табиий янгиланиши бўйича материаллар тўпланди (заранг, тлех ва б) [14.С.291.].

1933-1937 йиллар (иккинчи беш йиллик) мобайнида ВАСХНИЛ томонидан ташкил этилган комплекс экспедициялар Тожикистон қишлоқ хўжалигини тадқиқ қилиш бўйича кенг кўламда ишларни амалга оширди. 1934 йилда академия томонидан ташкил этилган комплекс экспедициялар, Вахш водийсига пахта-ирригация отряди, Қизил-Мозор ва Гарм худудлари ҳамда унга чегарадош районларни ўрганишни қамраб олган иккита лалми-мевачилик комплекс отрядлари юборилди. Комплекс экспедициялар олдида республика ва туман материаллари асосида Тожикистон иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалигига оид статистикани ўрганиш, хусусан, туманлар бўйича колхозлар ва якка хўжаликларни комплекс тадқиқ этиш, кузатувлар, ўсимликлар, уруғлар, жун ва ҳ.к. намуналарни тўплаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида турли масалалар бўйича деҳқончилик тажрибасини ўрганиш вазифалари қўйилди. Тожикистон қишлоқ хўжалиги ҳаётига оид маълумотлар иттифоқ ва хориждаги агрономия фанларининг муваффақиятлари билан таққосланди.

Экспедиция ингичка толали пахта экиш учун суғоришга яроқли кенг ер майдонларини аниқлади. Лалмикор ерлардаги деҳқончилик иккита гуруҳ районларида ўрганилди: шимолий худудлар- Гарм, Хайит, Жирғатол ва жанубий худудлар- Болжуан, Ховалинг, Мўминобод районлари билан бирга Қизил-Мозор, Данғара.

Лалмикор ерлардаги деҳқончилик ўсимлик манбаларини тадқиқ этиш натижасида Тожикистон далаларида илгари мавжуд бўлган турли хил ўсимлик ва навларнинг кескин камайиб кетганлиги аниқланди. Деҳқончиликда бугдой мутлақо устун бўлиб, айрим худудларда лалми экин майдонининг 90 фоизини ташкил этди. Бугдойнинг “сурхак” қизил уруғли нави, арпанинг эса маҳаллий тўрт қаторли нави устун келди.

Экспедиция республикада чорвачилик, боғдорчилик ва лалмикор деҳқончилик ҳолатини ўрганиб, доимий деҳқончиликка асосланган муҳим районлар бўйича илк бор тупроқшуносликка оид тадқиқот ишларини олиб борди ва тавсиялар ишлаб чиқди. Вахш

водийси ингичка толали пахта, чорвачилик ва боғдорчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича истиқболли худуд сифатида аниқланди.

Чорвачилик соҳасида аниқ тавсиялар аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноат учун хомашёга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш зарурлигидан келиб чиқди. Йирик шохли моллар, қоракўл қўйи (Жиликўл, Вахш) ва думбали қўйлар (Кўрғонтепа), эчкичилик ва паррандачилик қўшимча тармоқ сифатида ўрганилди. Экспедиция Вахш водийсида қишлоқ хўжалигини ташкил этиш учун боғзор, узумзор ва сабзавотлар экиладиган ер майдонларини кенгайтириш ва ипакчиликни ривожлантириш зарур деган хулосага келди.

Мевачиликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Тоғ олди минтақалари (водий ён бағирларида), шунингдек, колхоз-деҳқончилик хўжалиги ва аҳолининг томорқа ерлари ва пахта экишга яроқсиз худудларга мевали дарахтларни экиш учун асосий майдон сифатида қаралди. Шахринав тажриба станциясида Марказий Тожикистоннинг тоғ олди текислик районларида мевачиликни, шунингдек ўрмон-боғ типидagi лалмикор мевачиликни ривожлантириш бўйича тадқиқотларни амалга ошириш қайд этилди. Тожикистонда ривожланиш истиқболига эга бўлган водий суғориш мевачилиги учун ҳам, тоғ олди лалми ўрмон-боғ йўналиши учун ҳам хўжаликлар ва айрим деҳқонларни ўз вақтида кўчатлар билан таъминлаш мақсадида, колхоз-деҳқончилик ва совхоз хўжаликларида кўчатхоналар тармоғини ташкил этишни жадаллаштириш белгиланди.

Экспедициянинг барча тавсиялари ўзининг натижасини бермади. Хусусан, республикада каучукли ўсимликлар кўкармади. Тожикистон шакар ишлаб чиқариш учун база сифатида саноатлашган лавлаги етиштирувчи минтақага айланмади. Қишлоқ хўжалигини районлаштиришда ҳам айрим хатоликларга йўл қўйилди. Бироқ энг муҳим ва асосий вазибалардан бўлган, республиканинг табиий-иқлим зоналари бўйича қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини аниқлаш, кўп тармоқли механизациялашган қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, водий минтақаларида кўпроқ пахта ишлаб чиқариш учун суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, деҳқончилик ва чорвачиликни самарали ташкил этишда, Тожикистон комплекс ва Тожикистон-Помир экспедициялари, ВАСХНИЛ комплекс экспедициялари республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг илмий асосланган истиқболларини аниқлашга катта ҳисса қўшди.

1934 йилда республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг иккинчи беш йиллик режаларини ишлаб чиқишда Тожикистон қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришнинг асосий тамойиллари аниқ белгиланган бўлиб, экспедициялар томонидан олиб борилган комплекс тадқиқотларга асосланди.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Иккинчи беш йиллик режасига мувофиқ, Тожикистон миср пахтасини ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринни ўзида сақлаб қолди. Шу билан бирга, саноатнинг ривожланиши ёқилғи, электр энергияси, кўрғошин-рух концентратлари ва пахта ип газлама ишлаб чиқаришни кўпайтириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги хом ашёси, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича сезиларли даражада ривожланди.

Иккинчи беш йилликда (1933-1937 й.й.) Тожикистон ССР қишлоқ хўжалигига 230 млн. рубль миқдорда сармоя маблағлари белгиланиб, бу республика халқ хўжалигига киритилган жами сармояларнинг 23,44 фоизини ташкил этди[15.Б.183-239.]. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ирригация соҳасига маблағ киритиш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, 1933- 1937 йилларда Тожикистон ССРнинг ирригация қурилишига 80,0 млн. рублдан ортиқ маблағ киритиш кўзда тутилган бўлиб, шундан Вахш ирригация тизими қурилишини тугатиш учун 58 млн. рубль ажратилди.

1933-1937 йилларда пахтачилик ва чорвачилик юқори суръатлар билан ривожланди. Ялпи пахта ҳосили 1932 йилда 506 минг центнердан 1937 йилда 1784 минг центнергача ёки 3,5 баробарга кўпайди[16.С.55]. Шу йиллар давомида ингичка толали пахта йиғиш 4,2 мингдан 33,9 минг центнергача ўсди. 1937 йилда республикада пахта ҳосилдорлиги гектарига 16 центнерни ташкил этди. Бу ўша йилларда мамлакатда энг юқори ҳосилдорлик бўлди[17.С.249.]. Бунда Вахш водийсининг пахта майдонларида сув таъминотининг яхшиланишини ва ўн минглаб гектар янги суғориладиган майдонларнинг кўпайишини таъминлаган Вахш суғориш тизимининг қурилиши муҳим рол ўйнади.

Чорвачилик соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Қорамоллар сони 49 фоизга ошди, қўй ва эчкилар – 2,1 баробарга ортиб, отлар-125,2 фоизга кўпайди[18.С.59.].

Тожикистонда 1928-1932 йилларда ва 1933-1937 йиллар мобайнида ишлаган экспедициялар, республикада қишлоқ хўжалигининг ҳолатини ўрганиб, унинг табиий-иқлим

зоналарида ривожланишнинг илмий асосланган йўллари аниқлади. Шунингдек, тупрок унумдорлигини ошириш усуллари, шамол ва сув эрозиясига қарши кураш чораларини, серхосил ўсимлик навларини, ҳайвон зотларини яхшилаш ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларни иқлимлаштиришнинг дастлабки босқичлари бўйича тавсияларини илмий асослаб берди.

Шу билан бирга экспедициялар иши Тожикистон қишлоқ хўжалигини ўрганишда кўплаб "оқ доғларни" бартараф этди. Шуни таъкидлаш керакки, экспедиция муддатининг қисқалиги тупрокни ўрганишга доир тадқиқотларни тўлиқ олиб боришга, пахта ва бошқа экинларни ўстиришда агротехника чора-тадбирлари бўйича аниқ тавсияларни беришга имкон бермади. Тожикистон учун истиқболли деб ҳисобланган экинлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши амалиётида ўз исботини топмади. Бундан ташқари, олимларнинг баъзи тавсияларига амалий жиҳатдан баҳо берилмади. Илмий ишлар кўламининг катталиги, экспедицияда тўпланган материалларни хонада ёки лаборатория шароитида илмий ишлаб чиқишнинг вақтинчалиги ва мустаҳкам илмий пойдеворнинг заифлиги ўша йилларда қийинчиликларга сабаб бўлди.

Шунга қарамай, олиб борилган илмий тадқиқотлар туфайли "республикада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ривожланишида катта билимлар тўпланди. Қишлоқ хўжалиги экинларининг айниқса, пахтанинг ҳосилдорлиги узлуксиз ошиб борди ва ҳукуматнинг асосий мақсади ҳам айнан шундан иборат эди. Пахтачиликнинг ривожланишида ирригация курилишлари (Вахш, Катта Фарғона ва Ҳисор каналлари) муҳим рол ўйнади. Тожикистоннинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ютуқлари 1939 ва 1940 йилларда Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида намоёиш этилди. Кўпгина колхозлар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш етакчи илғорларига диплом, олтин ва кумуш медаллар топширилди" [19.С.20-21.].

1939 йил Москвада очилган Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида Тожикистон қишлоқ хўжалигининг ютуқлари кенг намоёиш этилди. "Тожикистон ССР" деб номланган бешта катта хоналарда 305 та колхоз, 3 та МТС, 1488 та қишлоқ хўжалигининг етакчи илғорларининг кўргазмалари намоёиш этилди. Кўргазма ташкилотчилари республика вакиллари 10 та биринчи даражали диплом ва 41 та иккинчи даражали диплом билан тақдирладилар. 1940 йилда Тожикистондаги 500 та хўжалик Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Кўргазма стендларида республиканинг колхозлари ва совхозларига илмий ишлаб чиқариш ёрдамларини кўрсатган, Помирда пахтачилик, цитрус мевалар, арпа ва сабзавотлар ва бошқа маданий экинларни интродукция ва селекция ишларида катта ҳисса қўшган, СССР Фанлар академияси Тожикистон базасининг Помир биология станцияси, Вахш тажрибакор пахта-беда станцияси, Субтропик илмий-тадқиқот институтларининг ишлари намоёиш этилди.

Илмий маълумотлар асосида Тожикистон ҳудудини қишлоқ хўжалиги бўйича худудлаштириш ишлари олиб борилиб, қишлоқ хўжалигининг тармоқ тизими аниқланди. Экспедициялар иши режалаштириш идораларига Тожикистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича ўзларининг илмий асосланган таклифларини киритди. Амалиётчи-назарийчиларга эса чорвачиликда маҳсулдорликни, деҳқончиликда ҳосилдорликни, тупрок унумдорлигини ошириш бўйича тавсияларини берди.

#### ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎҲАТИ:

1. Таджикская комплексная экспедиция 1932 года. Л.: Госхимиздат, 1933. С. 11.
2. Павловский Е.Н. Паразитологический отряд// Таджикская комплексная экспедиция 1932 года. Л.: Госхимиздат, 1933. С.467.
3. Федченко Б.А и др. Геоботаническая группа // Таджикская комплексная экспедиция 1932 года. Л.: Госхимиздат, 1933. С. 475-494.
4. Бордаков А.П. Исследование египетского хлопчатника// Таджикская комплексная экспедиция 1932 года. Л.: Госхимиздат, 1933. С. 509-513. (1929 йилда агроном-ташаббускорлар гуруҳи томонидан жанубий Тожикистон шароитида миср (ингичка толали) ғўзасини ўстириш бўйича тажрибаларга асос солинди. Мазкур тажрибалар ўзининг ижобий натижаларини берди. Бироқ, 30-йилларнинг бошида, саноат ишлаб чиқариш даражасига чиқмаган эди).
5. Проблемы Таджикистана // Труды первой конференции по изучению производительных сил Таджикистана. Л.: Изд-во АН СССР, 1933. Т. 1. С. 13-147.
6. Проблемы Таджикистана // Труды первой конференции по изучению производительных сил Таджикистана. Л.: Изд-во АН СССР, 1934. Т. 2. С. 17-18.
7. Ўша жойда. Б. 37.
8. Ўша жойда. Б. 241.
9. Ўша жойда. Б. 241-248.
10. Проблемы Таджикистана // Труды первой конференции по изучению производительных сил Таджикистана. Л.: Изд-во АН СССР, 1933. Т. 1. С. 138.
11. Ўша жойда. Б. 127-128.
12. Отчет о деятельности АН СССР в 1934 году. М.-Л.: АН СССР, 1935. С. 551.
13. Отчет о деятельности АН СССР в 1933 году. Л.: АН СССР, 1934. С. 291-293.

14. Отчет о деятельности АН СССР в 1933 году. Л.: АН СССР, 1934. С. 291.

15. Ўша жойда. Б. 183-239.

16. Выполнение программы нового строительства и развития народного хозяйства союзных республик // Итоги выполнения второго пятилетнего плана развития народного хозяйства СССР. // Государственная плановая комиссия при Совнарком СССР. М.: Госпланиздат, 1939. С. 55.

17. Очерки истории народного хозяйства Таджикистане (1917-1965 гг.). Душанбе: Дониша, 1967. С. 249.

18. Выполнение программы нового строительства и развития народного хозяйства союзных республик // Итоги выполнения второго пятилетнего плана развития народного хозяйства СССР. // Государственная плановая комиссия при Совнарком СССР. М.: Госпланиздат, 1939. С. 59.

19. Антоненко Б.А. В.И. Ленин и решение аграрно-крестьянского вопроса в Таджикистане. Душанбе: Дониш, 1981. С. 20-21.

УЎК 502.131(575.1+4-6ЕС)

## АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛ КОНВЕНЦИЯЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИШТИРОКИ

*И.А.Нурметов, таянч докторант, Урганч давлат университети, Урганч*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги иштироки масалалари таҳлил қилинган. Унда Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси, Чўлланиш ва қургоччилик билан курашиш бўйича Конвенция, Биохилма-хилликни сақлаш бўйича конвенция, Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси, Хавфли чиқиндиларни трансгегаравий ташиш ва йўқ қилишни назорат қилиш тўғрисидаги Базель конвенцияси каби ҳужжатларда белгиланган мажбуриятлар асосида амалга оширилаётган ишлар акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** Глобал экологик муаммолар, конвенция, концепция, ҳамкорлик битими, лойиҳалар.

**Аннотация.** В этой статье анализируется участие Республики Узбекистан в международных правовых актах по защите окружающей среды. В ней рассказывается о проделанной работе по обязательствам о защите окружающей среды и земель от засухи на основании Конвенции по изменению климата, Конвенции по борьбе с опустошением и засухой, Конвенции по сохранению Биохимических разновидностей, Венской Конвенции о сохранении озонового слоя атмосферы, Базельской Конвенции о трансграничных перевозках и уничтожению опасных отходов.

**Ключевые слова:** Глобальные экологические проблемы, конвенция, концепция, сотрудничество, проекты.

**Abstract.** This article analyzes the issues of participation of the Republic of Uzbekistan in international legal documents in the field of environmental protection.

It includes efforts being carried out on the basis of obligations set out in the documents Hadley Convention on climate change, Convention to Combat Desertification and Drought, Convention on conservation of biodiversity, the Vienna Convention for the Protection of the Ozone Layer, the Basel Convention on the Control of trans-boundary transportation and Disposal of Hazardous Wastes.

**Keywords:** Global environmental issues, conventions, conception, cooperation agreements, projects.

Иқлим ўзгариши хавфларини бошқаришни таъминловчи халқаро ҳужжат БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенцияси ҳисобланиб, у 1992 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган Ер саммитида қабул қилинган.

Ўзбекистон 1993 йилдан буён БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясининг аъзоси ҳисобланади[1]. Ушбу Конвенцияга Киото протоколи 1998 йилда имзоланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори билан 1999 йилда “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли конвенциясига доир Киото Баённомаси” ратификация қилинди[2], Париж битими эса 2017 йилда имзоланган бўлиб, Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 25 сентябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган ва Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 2 октябрдаги «Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонуни билан ратификация қилинган[3].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 декабрдаги “Киото Протоколининг мусоффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-525-сон Қарорига асосан ҳудудларда



Мусаффо Ривожланиш Механизми лойиҳалари доирасида Конвенцияда кўзланган мақсадларга эришиш учун қатор ишлар амалга оширилди[4]. Хусусан, ўрганилган вилоятлардаги бир қатор кимё, энергетика, нефт ва газ соҳаларига тегишли корхоналарда олиб борилаётган модернизация ва янгилаш жараёнлари натижасида иссиқхона газлари ташланмалари муайян даражада камайишига эришилди.

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни самарали қўллаш иқлим ўзгаришига мослашув тадбирларининг асосийларидан ҳисобланади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013-2017 йиллар даврида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида сув тежайдиган технологияларини кенг жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди[5].

Атроф табиий муҳит ҳолатининг сифатини яхшилаш мақсадида 2030 йилга қадар амалга ошириладиган чора-тадбирлар доирасида “юз бериши мумкин бўлган глобал ва минтақавий иқлим ўзгаришларига нисбатан табиат тизимлари ва хўжалик фаолияти секторларининг заифлиги тадқиқ этилишини таъминлаш, экологик хавф-хатарларни аниқлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” белгиланди[6].

Сўнгги йилларда республикамизнинг иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳасида энергия самарадорлигини ошириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. 2016 йил якуналари бўйича иқтисодиёт тармоқларида 2016/2017 йил куз-қиш мавсумида энергоресурсларни тежаш бўйича кўшимча чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, 1210,3 миллион кВт.соат электр энергияси ва 991,2 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилишга эришилди, бу эса тармоқларнинг 2016 йилдаги истеъмолининг мос равишда 5,1 ва 3,6 фоизини ташкил этади. Амалга оширилган ишлар натижасида 2015 йилда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сиғимини 10,8 фоизга, 2016 йилда 7,2 фоизга ва 2017 йилнинг биринчи чорагида 12,7 фоизга қисқаришига эришилди.

Шу билан бирга, 2030 йилга бориб 2016 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг энергия сиғимини икки баробарга қисқартириш бўйича қўйилган топшириқларни ҳисобга олган ҳолда, корхона ва ташкилотларга энергия сарфи ҳажмини қисқартириш бўйича аниқ мақсадли параметрларни белгилаш зарурати мавжуд бўлгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги ПҚ-3012-сон қарори қабул қилинди[7]. Мазкур қарор 2017 -2021 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг энергия сиғимини янада қисқартириш, маҳсулот таннархини камайиши ва қайта тикланувчи манбалар энергиясидан фойдаланишни кенгайтиришга йўналтирилди.

2030 йилга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичга эришиш доирасида Ўзбекистон қайта тикланадиган энергия манбалари ва энергия самарадорлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани ташкилий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш бўйича мажбуриятларни қабул қилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган мақсадларни ҳисобга олган ҳолда электр энергиясини ишлаб чиқаришда қайта тикланадиган энергия манбалари улушини 2016 йилдаги 12,7 фоиздан 2025 йилга қадар 19,7 фоизга ошириш мўлжалланган[8].

Маълумки, 1994 йилда БМТ томонидан Чўлланиш ва қурғоқчилик билан курашиш бўйича Конвенция ишлаб чиқилди ва кучга кирди. Конвенцияга мувофиқ “турли омиллар, шу жумладан, иқлим ўзгариши ва инсон фаолияти каби омиллар таъсири остида тупроқ унумдорлигининг вақтинчалик ёки барқарор камайиши” глобал муаммолардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 125-І-сон қарори билан “Қаттиқ қурғоқчиликни бошдан кечираётган ва (ёки) чўлга айланиб бораётган мамлакатларда, айниқса Африкада чўлга айланиб боришларга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси” ратификация қилинди[9].

1999 йилда мамлакатда Конвенция мажбуриятларини самарали амалга ошириш мақсадида чўлланишга қарши кураш Миллий ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурда юқоридаги конвенция ни бажариш бўйича асосий устуворликлар ҳамда саҳроланиш, емирилишга қарши ва қурғоқчилик жараёнларини тизгинлаш имконини берувчи қатор чоралар белгиланди. Шундай чоралардан бири саҳроланиш ва қурғоқчилик

муаммоларини кузатиш ва назорат қилиш ҳамда мониторингнинг замонавий чораларини жорий этишдан иборат эди.

2006 йилда ОТБ/ГЭФ ва бошқа донорларнинг Ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташаббуси кенг миқёсли минтақавий лойиҳасини амалга ошириш бошланди[8]. Шу тариқа саҳроланиш жараёнларини ва уларнинг атроф-муҳитга таъсири жараёнларини ўрганиш билан мутахассислар грантлар ва халқаро лойиҳалар доирасида фаолият олиб боришмоқда.

Республикада чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда республика ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 млн га табиий шўрланишга, кум кўчкилари, чангли бўронлар ва гармселлар тарқалиши таъсирига учраган қурғоқчил ва ярим қурғоқчил майдонлардан иборат. Орол фожиаси оқибатида 5,5 млн гектардан ортиқ майдонли Оролқум чўли вужудга келган. Ерлар чўлланишининг олдини олиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш соҳасида амалдаги давлат бошқаруви тизими ушбу йўналишдаги ишларни самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш имконини бермапти. Чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш бўйича ишларни олиб бориш самарадорлигини ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини самарали бажаришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4204-сон Қарори қабул қилинди[10].

Чўлланиш ва ерларнинг умумий деградацияси бугунги кундаям Ўзбекистоннинг асосий муаммолари ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон 2030 йилгача ерларнинг чўлланиш ва деградация даражасини камайтириш, ер майдонларининг сифати ва унумдорлигини қайта тиклаш соҳасида қатор вазифаларни белгилаб олган[6].

2020 йилнинг 6 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан "Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" тасдиқланди. Ушбу қарор билан 2020 йил 1 январдан бошлаб ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ерларини 49 йилгача муддатга ижарага бериш тизими йўлга қўйилди. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, мақсадида ўрмон фонди ерлари фойдаланувчиларини кўллаб-қувватлашнинг қатор янги шакллари жорий этилди[11].

Ўзбекистон ҳудуди учун табиий экотизимларнинг бешта асосий типи ажратилган. Булар: чўл ва яримчўл; тоғолди ва пасткам тоғли жойлар; тоғ экотизимлари; дарё ва қирғоқбўйи экотизимлари; сувли-ботқоқ жойлар экотизимлари. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг хилма-хиллиги экотизимлар ҳолатига бевосита боғлиқдир. Айни вақтда ҳайвонот дунёсининг 91 тури Халқаро Қизил китобга, ўсимлик дунёсининг 324 тури ва ҳайвонот дунёсининг 184 тури Ўзбекистоннинг Қизил китобига киритилган.

1995 йилда Ўзбекистон Биохилма-хилликни сақлаш бўйича конвенцияга қўшилди. Бу бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «1992 йилда Рио-де-Жанейрода имзоланган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» 1995 йил 6 майдаги 82-І-сон қарори қабул қилинди[12]. "Ўзбекистон Республикаси Биохилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегияси ва ҳаракатлар дастури" ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сонли қарори билан тасдиқланди[13].

Мана шу туфайли биологик хилма-хилликни сақлаш соҳасидаги кўплаб лойиҳалар Глобал экологик фонд, Жаҳон банки, БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД), Ёввойи табиатни кўриқлаш жаҳон жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар томонидан халқаро кўллаб-қувватланди. Хусусан, 2001йилдан биохилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича ТАСИС бошланғич-синов давлатлари лойиҳаси; 2000-2006 йилларда Ўзбекистонда биохилма-хилликни сақлаб қолиш учун модел сифатида Нурота-Қизилқум биосфера кўриқхонасини ташкил этиш» ГЭФ/БМТТД лойиҳаси амалга оширилди.

Биринчи Стратегия доирасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бир қатор миллий ва маҳаллий дастурлар ва режаларга биологик хилма-хилликни сақлаш масалалари киритилди ва биологик хилма-хилликни сақлаш соҳасида қирққа яқин халқаро лойиҳалар амалга оширилди. Натижада ерларнинг таназзулга учрашини секинлаштиришга, чўлланиш жараёнларини қисқартиришга, табиий ресурслардан нобарқарор фойдаланишнинг бошқа салбий оқибатларини камайтиришга эришилди.

Шунга қарамай, табиий экотизимларга ва ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар кўпайишига салбий омилларнинг таъсири давом этмоқда. Биологик хилма-хиллик компонентлари самарали муҳофаза қилинишини давом эттириш учун тизимли ёндашувни қўллаш талаб қилинади, ҳам ҳайвонларнинг ўзини, ҳам улар яшаш жойини муҳофаза қилиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш зарур бўлди. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сон қарори билан 2019 — 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш Стратегияси тасдиқланди [14].

Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияда Конвенция томонларига қуруқликдаги қўриқланадиган табиат ҳудудлари улущини мамлакат жами ҳудудининг 17 фоизигача етказиш тавсия этилган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бу кўрсаткич қарийб 5 фоизни ташкил этади. 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ўрмон фонди 11 572,6 минг гектарни ёки мамлакат ҳудудининг 25,7 фоизини, шу жумладан ўрмон билан қопланган 3 201,6 минг гектарни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси 1979 йилда қабул қилинган “Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Бонн конвенциясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майдаги 631-I-сонли «Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини сақлаб қолишга доир Конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги қарорига мувофиқ қўшилган [13]. Конвенция доирасида Ўзбекистоннинг асосий мажбуриятлари ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини мамлакат ҳудудида муҳофаза қилишни таъминлашдан иборат бўлиб, бу борада бир қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Хусусан, ЮНЕП, Табиатни сақлаш халқаро иттифоқи, Ёввойи табиат халқаро жамғармаси, Турналарни сақлаш бўйича бутунжаҳон жамғармаси ва бошқа бир қатор чет эл мамлакатлари билан ҳамкорликда жами 10 дан ортиқ асосий ноёб турдаги ҳайвонлар, шу жумладан Бухоро буғуси, жайрон, қор қоплони, оқ турна, йўрға тувалоқ ва бошқалар бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борадаги ишлар доирасида Жиззах вилоятидаги Тузкон кўлида, Бухоро вилоятидаги Денгизкўл ва Қорақайир кўлларида, Қорақалпоғистон Республикасидаги Оқушпа кўлида орнитология қўриқхоналари ташкил этилди. Бундан ташқари сувда уя қурадиган ва кўчиб юрадиган жойларни муҳофаза қилиш мақсадларида Самарқанд, Қашқадарё ва Навоий вилоятлари чўлли ҳудудларида қўриқхона ташкил этилди. Кўчиб юрувчи сайгак (оққуйрук) подаларини муҳофаза қилиш мақсадида Устюрт платосида битта буюртмахона ташкил этилди. Шундай қилиб, буюртмахоналар ҳудудларида яшовчи сувда сузувчи ва бошқа қушлар ҳамда ҳайвонлар учун кўчиб юришлари, кўпайишлари ва қишлашлари даврларига мўлжалланган шароитлар яратилди.

Ўзбекистон ушбу йўналишда 4 та ўзаро англашув меморандуми имзолаган. Конвенцияни амалга ошириш ва меморандумларнинг бажарилиши тўғрисидаги маърузалар Конвенция Котибиятига мунтазам равишда тақдим этилади.

Биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишда “Асосан сувда сузувчи қушлар яшаш жойлари сифатида халқаро аҳамиятга эга бўлган сув-ботқоқ ҳудудлари тўғрисида”ги Рамсар конвенцияси ўз ўрнига эга. 1971 йилнинг 2 февралда Эроннинг Рамсар шаҳрида қабул қилинган ва 1975 йилда кучга кирган «Халқаро аҳамиятга эга, асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойлари ҳисобланган сув-ботқоқ ҳудудлари тўғрисида»ги Конвенция сув-ботқоқ ҳудудларини ҳимоя қилиш мақсадларга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 30 августдаги «Асосан сувда сузувчи қушларнинг яшаш жойи сифатида халқаро аҳамиятга молик сув-ботқоқ майдонлари тўғрисидаги конвенцияга қўшилиш ҳақида»ги 278-II-сонли қарорига асосан [15], Ўзбекистон Республикаси Рамсар Конвенциясига қўшилди.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан бугунги кунда йилига 4 млндан зиёд сувда сузувчи қушлар кўчиб ўтади ва мамлакатнинг очиқ сув ҳавзалари қушларнинг 100 дан ортиқ турларининг қиш мавсумида тўхташ жойлари ҳисобланади. мамлакатда 10 га яқин сув ҳавзалари бор, улар маҳаллий сув қушлари учун жуда катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг умумий майдони 590 400 гектарни эгаллаган 3 та сув ҳудуди Рамсар рўйхатига киритилган. Майдони 31 300 гектар бўлган Денгизкўл кўли 2001 йил 8 октябрда Рамсар рўйхатига 1108-ҳудуд бўлиб киритилган бўлса, 2008 йил 20 октябрда Айдар-Арнасой кўллар тизими (майдони 527 100 гектар) ундан 1841-сифатида жой олган эди. 2020 йил 19 августда эса Тўдакўл ва Қуйимозор сув омборлари (майдони 32 000 гектар)

Ўзбекистоннинг ҳалқаро аҳамиятга молик учинчи сув-ботқоқлик ҳудуди сифатида 2433 рақам билан Рамсар рўйхатига киритилди.

Маълумки, Озон қатламини емирувчи моддалар (ОЕМ) -хлорфторуглерод тутган бирикмаларни ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши натижасида XX асрнинг 80-йилларига келиб, Озон қатламини емирилиши натижасида “Озон дарчалари” ҳосил бўлди. 1985 йилда Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинди.

1993 йил 18 майда Ўзбекистон Республикаси Вена конвенцияси ва Монреал протоколида ўзининг иштироки бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини тасдиқлади вамазкур ҳужжатларга қўшилишдан келиб чиқувчи мажбуриятларни ўз бўйига олди. “Ўзгидромет” маркази 1994 йилдан бошлаб озоннинг умумий таркибини доимий равишда ўлчаб борилди.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Монреал протоколига Лондон ва Копенгаген ўзгартиришларини ратификация қилди. Мамлакатда Конвенция мажбуриятларини бажариш ҳамда ОЕМни чиқариб ташлашни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 январдаги 20-сон қарори билан “Озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш миллий дастури” тасдиқланди [16].

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2006 йил 7 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Озон қатламини емирувчи моддалар тўғрисидаги Монреал протоколига тузатишларини ратификация қилиш тўғрисида” қонуни (Монреал, 1997 йил 17 сентябрь) ва “Озон қатламини емирувчи моддалар тўғрисидаги Монреал протоколига тузатишларни ратификация қилиш тўғрисида” қонуни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) имзоланди [17, 5]. Ўзбекистон Монреал ўзгартириш ва қўшимчалари ҳамда Пекин ўзгартириш ва қўшимчаларини 2006 йилда имзолаб, 2007 йилда кучга киритганлиги билан озон муҳофазасига тўлиқ қўшилди [18].

2013-2018 йилларда Ўзбекистон бошқа учта давлат (Беларус, Тожикистон ва Украина) билан биргаликда ГЭФ ва БМТТД томонидан қўллаб-қувватланадиган ГХФУдан босқичма-босқич воз кечишни жадаллаштириш лойиҳасида иштирок этди. Божхона органлари ва совутиш саноати ходимларининг салоҳиятини ошириш, шунингдек, инвестицияларни жалб қилиш бўйича ишлар амалга оширилди.

2018 йилда Ўзбекистоннинг тоза ҳаво учун кураш бўйича Батуми ташаббуси доирасида амалга оширилган мажбуриятларига мувофиқ, ОЕМ ва таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импорти ва Ўзбекистон Республикасидан экспортини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги “Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикасига импорт қилиш тақиқланган озонни бузувчи моддалар турлари тасдиқланди.

2030 йилга ГХФУдан босқичма-босқич воз кечишни яқунлаш учун 2019 йилда БМТТД/ГЭФнинг «Ўзбекистонда глобал исиш салоҳияти паст ва озонни емириш қобилияти бўлмаган энергия самарадор технологияларни жорий этиш орқали гидрохлорфторуглерод (ГХФУ) ни бутунлай истеъмолдан чиқариш» қўшма лойиҳаси ишга туширилди.

Ушбу лойиҳа БМТТД/ГЭФ нинг аввалги қенг қўламли минтақавий лойиҳасидан олинган тажриба ва билимларга асосланади. Бу эса Ўзбекистонда глобал исиш салоҳияти паст ва озонни емириш қобилияти бўлмаган энергия самарадор технологияларни жорий этиш орқали ГХФУ ни бутунлай истеъмолдан чиқариш талабларига мувофиқлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади. Лойиҳа ўзаро боғлиқ ва бир-бирини мустаҳкамловчи компонентлардан иборат бўлиб, улар келажакда ГХФУ дан фойдаланмасдан, барқарор ривожланиш истиқболларини яхшилаш учун махсус ишлаб чиқилган [19].

Умуман олганда мамлакатда ОЕМдан фойдаланишни тўхтатиш Миллий дастури босқичма-босқич бажарилмоқда, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, давлат томонидан тартибга солиш ишлари соддалаштирилмоқда.

Яна бир муҳим конвенциялардан бири бу “Хавфли чиқиндиларни трансчегаравий ташиш ва йўқ қилишни назорат қилиш тўғрисида”ги Базель конвенцияси ҳисобланади. Ушбу конвенция ўз мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда давлатлар ўртасида хавфли чиқиндиларни трасчегаравий ташиш масалалариназоратини тартибга солади.



Статистика маълумотларига кўра 2017 йилда республикада 114,7 млн тонна ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, шу жумладан қайта ишлаш мумкин бўлмаган захарли чиқиндилар - 41,6 млн тонна (36,2 %) ва қайта ишлаш мумкин бўлган захарли чиқиндилар - 42,8 млн тонна (37,3 %) ҳосил бўлган.

Мамлакатда чиқиндилар кўмиладиган ва утилизация қилинадиган 296 та жой, шу жумладан қаттиқ майший чиқиндилар учун (221), саноат чиқиндилари (16), қурилиш чиқиндилари (4), шлам жамланадиган (21), чиқинди омборлари (15), махсус полигонлар (19), шуниңгдек, хавфли чиқиндилар утилизация қилинадиган 23 та жой мавжуд[6].

Ўзбекистон Базель Конвенциясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 22 декабрдаги 188-I-сонли «Хавфли чиқиндиларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб юбориш устидан назорат қилиш тўғрисидаги Базель Конвенциясига қўшилиш ҳақида» Қарорига асосан қўшилган, Ўзбекистон Республикаси учун 1996 йил 7 май кунидан кучга кирган.

Ўзбекистонда ушбу конвенциянинг ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий мезонлари Вазирлар Маҳкамасининг “Экологик хавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва уларни унинг ҳудудидан олиб чиқишни тартибга солиш тўғрисида” қарорига асосан белгилаб берилди.

2002 йил 5 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида республикада атроф табиий муҳитини ифлослантириб унга жиддий салбий таъсир кўрсатаётган чиқиндилар муаммосини алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш имконияти туғилди.

Мамлакатда 1999 йилда 1997 йилда чиқиндиларни ишлаб чиқариш, тўплаш, зарарсизлантириш ва олиб чиқиш тўғрисида миллий ҳисобот, 2000 йилда 1998 йил бўйича миллий ҳисобот, 2001 йилда 1999 йил бўйича ҳисоботлар тайёрланди.

2001-2005 йилларда «Тоза ишлаб чиқаришни татбиқ этиш ва Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш» лойиҳаси амалга оширилди. 2004-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегия ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқилди.

Мамлакатда аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида 2014 - 2016 йилларда шаҳарларда кўшимча равишда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган 41 та ташкилот ҳамда туман ободонлаштириш бошқармаларида майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича 157 та хўжалик ҳисобидаги участка ташкил этилди. 2014 -2016 йилларда санитария жиҳатидан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармаларини замонавий махсус техникалар билан таъминлаш дастурлари амалга оширилиб, 1427 та махсус техника, шундан 990 та майший чиқиндиларни ташиш техникаси харид қилинди.

2017-2018 йилларда қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди, 13 та санитария жиҳатидан тозалаш давлат унитар корхоналари ҳамда уларнинг туман ва шаҳарлардаги 172 та филиали, шуниңгдек, 9 та майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерлари ташкил этилди. Кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг деярли ярмини санитария жиҳатидан тозалаш хизматлари билан қамраб олинишига имкон берди.

Шу билан бирга қишлоқ аҳоли пунктларида қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг етарли даражада таъминланмаганлиги, қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги инфратузилманинг қониқарсиз ҳолатда эканлиги, мавжуд қаттиқ майший чиқинди полигонларининг санитария талаблари ва экологик меъёрларга мувофиқ келмаслиги мазкур соҳада комплексли чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этмоқда.

Қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш бўйича самарали тизимни яратиш, уларнинг фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳитга зарарли таъсирини бартараф қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 апрелдаги ПҚ-4291-сон қарори билан 2019 - 2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегияси тасдиқланди.

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш Концепциясида эса саноат чиқиндиларининг ҳосил бўлиш ҳажмларини камайтириш

хамда мавжуд хажмларини кискартириш, шу жумладан хавфли чиқиндиларнинг аҳоли саломатлигига ва атроф муҳитга салбий таъсирининг олдини олиш соҳасида қатор вазифалар белгилаб қўйилган.

**Хулоса қилсак**, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қатор халқаро конвенциялар ва улар ривожланишининг тегишли баённомаларига аъзо бўлди ҳамда ратификация қилди. Шу асосда мамлакатда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” қабул қилиниб, унда глобал экологик муаммоларни ҳал этиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва республиканинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши соҳасида бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон: Обзоры результативности экологической деятельности. Третий обзор. ООН, Женева, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 231-модда
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.10.2018 й., 03/18/491/1980-сон
4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 й., 12-сон, 711-модда
5. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 223-модда
6. 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш Концепцияси // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.10.2019 й., 06/19/5863/3979-сон
7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 424-модда
8. Мамлакатдаги саҳроланиш ва ерларнинг емирилиши (СЕЕ). Бундан қандай қутилиш мумкин?// [www.sgp.uz/uz/projects/desertification/883?print](http://www.sgp.uz/uz/projects/desertification/883?print)
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 й., №9, 200-модда.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2019 йил 25 февраль, 8-сон, 138-модда
11. Толипов Ҳ. Чўлланиш ва қурғоқчиликнинг салбий таъсирларига қарши қандай курашилмоқда? 16.12.2020//[https://uza.uz/uz/posts/chollanish-va-qurguqchilikning-salbiy-tasirlariga-qarshi-qanday-kurashilmogda\\_195094](https://uza.uz/uz/posts/chollanish-va-qurguqchilikning-salbiy-tasirlariga-qarshi-qanday-kurashilmogda_195094)
12. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 130-модда
13. ЎзР ВМнинг 1998 йил 1 апрелдаги 139-сонли Қарори ([www.Lex.uz](http://www.Lex.uz)).
14. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.06.2019 й., 09/19/484/3281-сон
15. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 17-24-сон, 124-модда
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. Озон қатламини ҳимоя қилиш соҳасидаги шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини бажариш чора-тадбирлари тўғрисида. 24.01.2000//[www/lex.uz](http://www/lex.uz)
17. Ўзбекистоннинг экологик шарҳи. Тошкент, 2008.
18. БМТ, Европа иқтисодий комиссияси, Атроф-муҳит сиёсати қўмитаси. Атроф-муҳит ҳолатининг шарҳи. Ўзбекистон, Иккинчи шарҳ. Атроф-муҳит ҳолати шарҳининг 29-серияси.
19. Ўзбекистонда озонни емирувчи моддаларни истеъмолдан чиқариш бўйича лойиҳанинг 2020 йил якунлари. 04.12.2020//[www.uznature.uz](http://www.uznature.uz)

УЎҚ 903

### ШАРҚ ХАЛҚ ТАБОБАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

**О.Р. Очилова, таянч докторант, Қарши давлат университети, Қарши**

**Аннотация.** ушбу мақолада Марказий Осиё ва Шарқда табобатнинг дастлабки шакллари, турлари, даволаш усулларини ёзиб қолдирилган илк манбалар, Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк табиблар ҳамда уларнинг асарлари ҳақида сўз юритилган. Муолажаси оғир ва бедаво деб қаралган хасталикларни ҳам даволаш, айниқса, жарроҳлик соҳасида ақл бовар қилмас муваффақиятларга эришадиган замонавий тиббиёт учун асл маънода тамал тоши бўлган. Тиббиёт тарихи XIX асрда алоҳида фан сифатида шаклланди. Лекин, тиббиёт тарихига оид дастлабки асарлар анча илгари ёзила бошлаган. Шунингдек бугунги кунда халқ табобатига эътибор, Халқ Табобати Ассоциацияси, анъанавий тиббиётнинг замонавий тиббиётдаги аҳамияти, табиблар уюшмаларининг ўрни ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** Халқ табобати, муолажа, хасталик, тиббий асарлар, Тиббиёт тарихи, Марказий Осиё, Авесто, Тиб қонунлари, Кифояи Мужоҳидия, Халқ табобати ассоциацияси.

**Аннотация.** В этой статье рассматриваются первые зарегистрированные формы, виды, методы лечения в Средней Азии и на Востоке, первые письменные источники, великие врачи, выросшие в Средней Азии, и их труды. Даже лечение заболеваний, лечение которых считалось тяжелым и неизлечимым, было краугольным камнем в истинном понимании современной медицины, особенно в области хирургии, которая достигла невероятных успехов. История медицины сформировалась как отдельная наука в XIX веке. Однако первые труды по истории медицины начали писать гораздо раньше. Также сегодня в центре

внимания народная медицина, Ассоциация традиционной медицины, значение традиционной медицины в современной медицине, роль медицинских ассоциаций.

**Ключевые слова:** Народная медицина, лечение, болезни, медицинские труды, История медицины, Средняя Азия, Авесто, Законы медицины, Кифояи Муджахидия, Ассоциация народной медицины.

**Abstract.** This article deals with the first forms, types of medicine, the first written sources of treatment in Central Asia and the East, the great physicians who grew up in Central Asia and their works. Even the treatment of diseases, the treatment of which was considered severe and incurable, was a cornerstone in the true sense of modern medicine, especially in the field of surgery, which has achieved incredible success. The history of medicine was formed as a separate science in the XIX century. However, the first works on the history of medicine began to be written much earlier. Also, today, attention is paid to folk medicine, the Association of Traditional Medicine, the importance of traditional medicine in modern medicine, the role of medical associations.

**Keywords:** Folk medicine, treatment, disease, medical works, History of Medicine, Central Asia, Avesto, Laws of Medicine, Kifoyai Mujahidiya, Association of Folk Medicine.

Табобат одамларнинг табиий эҳтиёжлари, кундалик машғулотлари натижасида эришган билимлар туфайли вужудга келди. Қадимги халқ табобати деб аталиб, эл соғлиғини сақлаш ва тиклаш билан машғул бўлган амалиёт бир неча минг, балки бир неча миллион йиллик тарихга эга. У замонавий тиббиёт илмий асосда шаклланиши ва ривожланишини, касалликларнинг олдини олиш ва даволаш усуллари асрлар мобайнида такомиллашуви учун хизмат қилади. Муолажаси оғир ва бедаво деб қаралган хасталикларни ҳам даволаш, айниқса, жаррохлик соҳасида ақл бовар қилмас муваффақиятларга эришаётган замонавий тиббиёт учун асл маънода тамал тоши бўлди [7].

Шарқ табобати тараққиётида қадимги юнон табобатининг йирик намоёндалари – Буқрот (милодгача 459-355). Арасту (милодгача 384-322). Диоскуридус (II аср) ва Жолинус (129-200) кабиларнинг таъсири катта бўлди. Масалан, етук таржимон ва ҳозик табиб Ҳусайн ибн Исҳоқ (808-877) антик олимларнинг кўпгина тиббий асарларини қадимги юнон тилидан сурёний ва араб тилига таржима қилди. Кейинчалик унинг таржимасидан айрим тиббий асарлар араб тилидан бошқа тилларга, жумладан ўзбек тилига ўгирилди. Шу тариқа юнон табобати Шарқ табиблари назарий ва амалий ишларида қўллана бошланди [2]. Тиббиёт тарихи XIX асрда алоҳида фан сифатида шаклланди. Лекин, тиббиёт тарихига оид дастлабки асарлар анча илгари ёзила бошлаган. Масалан, "Гиппократ тўплами", деб аталган машҳур китобга киритилган "Қадимги тиббиёт ҳақида" номли мақола тиббиёт тарихига оид биринчи асар деб тахмин қилинади. Бу асарни Гиппократнинг ўзи ёзган. Асарда Гиппократ тиббиёт масалаларида, ўтмишдаги ҳар хил фикрларга шарҳ беради [5].

Малумки, Шарқ инсоният тараққиётининг бешиги ҳисобланади. Илм-фаннинг барча соҳалари, жумладан, тиббиёт илми ҳам дастлаб Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашъвий далиллар ва тарихий маълумотлар шундан далолат беради. Масалан, Африка ва Осиё қитъаларида олиб борилган археологик қазилмаларда аждоқларимизнинг қайси касалликлар билан оғригани ва қандай даволангани ҳақида жуда кўп ашъвий далиллар топилган. Шулар асосида биз узоқ ўтмишда бази мамлакатларда тиббиётнинг қандай даражада ривожлангани ҳақида маълум тушунчаларга эга бўлишимиз мумкин [3].

Табобат инсоният пайдо бўлган даврлардан бери яшаб, ривожланиб келаётган бўлсада, бироқ табобатга оид илк манбалар анча кейин яратилган. Марказий Осиё ўлкаси табобатига оид илк манба бу "Авесто" дир. Авестода илк диний эътиқодлар билан биргаликда даволаш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган. Аждоқларимизнинг дастлаб эътиқод қилган динлари бўлмиш Зардуштийлик динининг айрим қолдиқлари ҳозиргача ҳам сақланиб қолган. Авестода асосан даволаш усуллари диний ибодатлар ва маросимлардан иборат бўлган.

Табобатнинг ривожланишидаги кейинги босқич буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино даврига тўғри келади. Табобат ҳақида сўз борганда Ибн Синони айтмасликнинг иложи йўқдир. Сабаби тиббиётни Ибн Синодан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Абу Али Ибн Сино даврида ҳам қадимги юнон табобатининг таъсири сўнмаган эди. Аммо Ибн Сино Шарқ табобати тарихида "Тиб қонунлари" номли 5 жилдлик қомусий китобини яратдики, у юнон тиббий асарларидан ҳам услуб ва ҳам мазмун жиҳатидан ажралиб турарди. "Тиб қонунлари" Оврўпа мамлакатлари тиббий олий билимгоҳларида 500 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида асосий қўлланма сифатида талабаларга ўқитилган. Бу китоб Шарқ

ва Ғарб табибларининг муҳаббатини шунчалик қозондики, ҳар бир табиб уни синчиклаб ўрганмасдан туриб табиблик давосини қила олмайдиган бўлиб қолди. Натижада Ибн Синодан кейин ўтган юзлаб Шарқ табиблари “Тиб қонунлари” нинг тўла ё айрим жилдларининг қисқартирилган тахририни тузиш ёки уларга шарҳ ёзишга киришиб кетдилар. Бошқалари эса ёзилган шарҳга қўшимча шарҳ ёзиш билан уни янада чуқурроқ ўргандилар ва оммалаштирдилар. Шу тариқа, қадимги юнон табобати эгаллаган ўринларни секин-аста Розий, Ибн Сино, уларнинг устозлари ва шогирдлари яратган Шарқ табобати дурдоналари эгаллай бошлади [2].

Ибн Синонинг вафотидан кейин Абу Убайд Жузжоний ҳали тириклигида устозининг оғзидан эшитган қилмиш-кечирмишларини ва бундан кейин улар биргаликда бўлган йиллардаги воқеа-ҳодисаларни баён этиб, келгуси авлодларга қолдирди. Абу Али ибн Сино таржимаи ҳолини нисбатан мукамал билишимиз Жузжонийнинг энг буюк хизматидир. Ғарб мамлакатларида Ибн Сино ижодига қизиқиш катта эди. “Қонун” ҳали қўлёзма шаклида бўлган даврлардаёқ овруполик олимлар уни ўрганишга киришдилар. Испаниянинг Толедо шаҳрида ҳали 1130-йилдаёқ араб тилидаги тиббий китобларни лотин тилига ўгириш мақсадида таржимонлар ҳайъати ташкил қилинади. Улар амалга оширган илк таржималардан бири “Тиб қонунлари” эди. “Қонун” нинг арабча матни 1593 йилда илк марта Римда босилди, кейинчалик Қоҳира, Техрон, Лакнав, Лохур шаҳарларида қайта чоп этилди. Ўшандан буён XVII асрнинг иккинчи ярмигача бу ўлмас асар ғарб ҳақимларининг асосий қўлланмасига айланиб, олийгоҳлардаги тиббиёт факультетларида таълим дастурининг ярмини мана шу асар ташкил қилган. Бу даврда китоб 40 марта лотин тилида тўла нашр этилган. XIX асрга келиб “Қонун” нинг айрим қисмлари немис, француз, инглиз тилларига ҳам таржима қилинади [1].

Навоий асрида яшаган табиблардан бири XIV ва XV асрларда яшаган Мансур ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ибн Фақиҳ Илөсдир. Илмий манбалардаги маълумотларга кўра у табобатга бағишлаб учта асар ёзган:

1.Рисола дар ташриҳ-и бадан-и инсон” (“Одам анатомияси ҳақида рисола”). Бу асар Амир Темурнинг невараси Пир Муҳаммад Баҳодирга (808-1405) бағишланган бўлиб, “Ташриҳ-и Мансурий”, “Ташриҳ бит-тасвир” номлари билан ҳам маълум. Китоб муқаддимасида одам танасининг турли аъзоларига тасвир берилган. Асосий қисм тўрт бобга бўлинган бўлиб, суяк, асаб, мускуллар ва қон томирига бағишланган. Хотима қисмида мураккаб аъзолар ҳақида гапирилган.

Мансур ибн Муҳаммаднинг иккинчи китоби “Кифояи Мансурий” ёки “Кифояи Мужоҳидия” деб табибнинг устози бўлмиш Мужоҳиддин номи билан аталган. Бу асар султон Зайн ал-Обидин Кашмирийга бағишланган бўлиб, 1423 йилда ёзиб тугатилган. Унда муаллиф одам танасининг соғлом ҳолати ва унинг сабаблари, касал бўлиш сабаблари, соғлиқни сақлаш, турли аъзолар касаллиги ва уларни даволаш, оддий ва мураккаб дорилар ҳақида маълумот берган. Шарқшунослик институтида шу китобнинг учта қўлёзма нусхаси сақланади. Мазкур муаллифнинг яна бир асари – “Ғиёсия” – дунёда ягона нусхада бўлиб, қўлёзмаси Калкуттада сақланади.

Табиблар оиласидан чиққан кермонлик Бурҳониддин Нафис ибн Ивоз ибн Ҳақим ал-Кермоний Мирзо Улуғбекнинг таклифи билан Самарқандга келади ва шу ерда табиб Нажибуддин Самарқандийнинг “Ал-Асбоб вал-аломат” (Касаллик сабаблари ва белгилари) асарига араб тилида шарҳ ёзади ва уни 827-1424 йилда тугатгач, Мирзо Улуғбекка тортиқ қилади. Бу китобга Кермоний шарҳланаётган матндан ҳам парчалар киритган. Шу шарҳ туфайли Нажибуддин Самарқандийнинг “Асбоб вал-аломат” асари илм оламига танилди [4]. Табобат илмида ўзидан ёрқин из қолдирганлардан яна бири 1625-1702 йилларда Нодир Муҳаммадхоннинг ўғли Субҳонқулихон Бухоро амири эди. У табобатга қизиқар, саройга катта-катта табибларни йиғиб, табобат борасида илмий анжуманлар ўтказиб турарди. Унинг ўзи тиббиётга оид “Эҳё ут-тибби Субҳоний” деган китоб ҳам ёзган. Субҳонқулихон 1697 йилда Бухорода ўн саккиз хужрали мадраса қурдирган. Бу мадрасада Мирқосим Ҳақим деган киши табобатдан дарс берган. Мадрасанинг дори-дармонлар тайёрлайдиган ва тажрибалар ўтказадиган махсус хоналари бўлган. Узоқдан келган касалларга жой берилиб, бепул даволанган. Айниқса Субҳонқулихоннинг шифо берувчи ўриклари – “Субҳоний ўриклари жуда машхур бўлган.

“Баҳр ул-хаввос” ни ўқиб чиққан Субҳонқулихон бу асарга қизиқиб қолади ва табиблардан Ҳожа Амин Раис, Охунд Мулло Абдуғафур Ҳақим, Ҳожа Ёқуб китобдор (Субҳонқулихон китобхонасининг бошлиғи), Мулло Мирмуҳаммад мунший (махсус котиби) га буюриб, бу асарни Ибн Синонинг “Қонун”ига, набодотга оид “Ихтиёри бадий”, тибга оид



“Нўзхат ул-қулуб”, “Баҳр ул-жавоҳир”, “Шифо ул-алил” ҳамда бошқа мўътабар тиббий китобларга солиштириб чиқишларини сўрайди. Узоқ меҳнатдан кейин асар солиштириб чиқилади. Унда кўрсатиб ўтилмаган табиб ва ҳақимлар номи аниқланади ва китоб ҳошиясига ёзилади. Муаллифнинг баъзи имо ва ишоралар билан ёзиб кетган жойларига шарҳлар битилади. Хоннинг махсус котиби Хожи Абдурахмон Баркий мунший уни оққа кўчиради [4].

XX асрнинг бошига келиб, Дор уш-Шифо мадрасасида машғулотлар тўхтатиб қўйилди. Натижада табибларнинг янги авлодлари шаклланмай, тиббиёт ҳам инқироз сари юз ўгирди, билимли ҳақимлар ўрнида турли фирибгарлар фаолият кўрсата бошлашди. Буларнинг ҳаммаси жамулжам бўлганлиги натижасида воҳа бўйлаб безгак, терлама, сил, ришта сингари хавфли юқумли касалликлар кенг тарқала бошлади [1]. Яқин кунларга қадар ҳам табобат тамал тошини қўйган алломанинг юртида табиблар учун кенг имкониятлар яратилмаган эди. Ўз навбатида, ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган тиб илмига оид билим ва тажрибаларини ўзида мужассам этган ва илмий амалий мерос сифатида эътироф этилган «Халқ табобати», бебаҳо маънавий бойлик сифатида халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эгадир. Олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб-қўри махсули бўлмиш бу ноёб мероснинг замон тало-тўпларидан, қанча-қанча оғир синовлардан ўтиб, сайқалланиб, бизнинг давримизгача етиб келганлигининг ўзида катта маъно мужассам. Ана шундай бой илмий амалий меросни замонавий билимлар билан бойитиб, авлоддан-авлодга ўтишини таъминлаб келаётган табибларимизнинг фаолияти бизни бугун ҳам хайратда қолдиришига яна бир қарра амин буламиз. Мисол учун, халқ, табобатининг айрим ноёб усуллари бугунги кунда замонавий тиббиёт тизими олдида мураккаб булиб туюлаётган касалликларни даволашда самарали натижа бераётганлигини гувоҳи булиб турибмиз [6].

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг 2018 йил 12-октябрдаги қарорлари юз йиллар мобайнида сояда бўлиб келган Халқ табобатини расман ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган эди. Шу вақтдан бошлаб табиблар фаолиятини қўллаб қувватловчи ва тартибга солувчи “Халқ табобати ассоциацияси” ташкил этилиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аҳмедов Р.М., Наимов Н.Н. Бухоро тиббиёти тарихи. Бухоро – 2009. Бет – 34,47.
2. Ҳикматуллаев Ҳ. Шарқ табобати. Т:1994. Бет – 3,4.
3. Жўраев А. Халқ табобати. Т:2008. Бет – 8.
4. Махмуд Хасаний, Сурайё Каримова. Навоий даври табобати. Т:1991. Бет – 6,11.
5. Қодиров А. Тиббиёт тарихи. Т:2005. Бет – 4.
6. Хонназаров Р. Ўзбекистонда халқ табобатининг ҳуқуқий мақоми. Т:2019. Бет- 2.
7. Ўлжабоева Н. Халқ табобати хазинасидан жавоҳирлар. Т:2009. Бет – 13.

УЎК 93/94

## ХОРАЗМДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА ХАЙКАЛТАРОШЛИКНИ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

*С. Собиров, илмий ходим, Хоразм Маъмун академияси, Хива*

*Б. Комилов, бош мутахассис, “Ичан-Қалъа” давлат музей-қўриқхонаси, Хива*

**Аннотация.** Мақолада муаллифлар тасвирий санъат ва хайкалторошлик санъатининг қадим Хоразмда вужудга келиши тарихини ёритиб ўзларининг фикр мулоҳазаларини баён қилишган.

**Калим сўзлар:** Марказий Осиё, Қадимги Хоразм, Авесто, Тупроқ қалъа, шоҳлар зали.

**Аннотация.** В статье авторы везноновения скульптуры и прикладного искусства высказывают свои взгляды.

**Ключевые слова:** Центральная Азия, Древний Хорезм, Авесто, Дворец Тупрак кала, зал царей.

**Abstract.** In this article, the authors share their views on the history of the emergence of fine arts and sculpture in ancient Khorezm.


**Keywords:** Central Asia, Ancient Khorezm, Avesto, Toprakkala, Kings Hall.

Хоразм–Марказий Осиёнинг Турон пасттекислигида Амударё дельтасида жойлашган қадимий тарихий ўлкадир. Мил. авв. I минг йилликнинг бошларига келиб, Марказий Осиёнинг нисбатан ривожланган худудларида илк давлат уюшмалари пайдо бўлди. Мил. авв. IX-VIII асрларга келиб, Бактрия (Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон, Шимолий Афғонистон) худудларида ҳарбий аҳамиятга эга бўлган сиёсий бирлашмалар ташкил топади. Ўша даврда Марғиёна ва Суғдиёна қадимги Бактриянинг айрим қисмлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар

бор. Бактрия Шарқдаги энг муҳим ҳарбий ва иқтисодий марказлардан бири бўлиб, аҳолининг, қудратли шаҳарлар ва қалъаларнинг кўплиги, табиий хом ашёга бойлиги, муҳим марказий савдо йўллари чоррахасида жойлашганлиги, ҳунармандчиликнинг равнақи шундан далолат беради. Мил. авв. VIII-VI асрларда Амударёнинг ўрта оқими қисмидан Оролга яқин бўлган ерларда (Шимолий ғарбий Ўзбекистон, Шимолий ғарбий Туркменистон) ҳудудларида Хоразм номи билан аталувчи давлат вужудга келган. Бактрия ва Хоразм давлатининг ҳудудий чегаралари ўрта Амударё оқимидаги ерлар орқали ўтган. Хоразмнинг йирик суғориш иншоотлари мил. авв. VI-V асрларга оиддир. Ўлкада бу даврларга оид кўпгина шаҳар ва қишлоқлар харобалари очиб ўрганилган. Улардаги топилмалар, манзилгоҳлар, хом ғишт ва пахсадан қад кўтарган бўлиб, аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Хоразмшунос олим С.П.Толстовнинг таъкидлашича, ўлканинг эрамиздан олдинги IV-III минг йилликлардан то эрамизнинг IV асргача ўтган 4500 йиллик тарихи қадимги Хоразм тараққиётини кўрсатувчи даври ҳисобланади. Бу давр Хоразм маданияти тарихида алоҳида аҳамиятга эгадир. Хоразмда яшаган халқларнинг энг қадимги даврга оид ёзма ва оғзаки адабиёт наъмуналари, тарих китоблари, Беруний асарлари орқали етиб келган. Айниқса, антик дунё тарихчилардан Геродот, Ктесий, Эхил, Еврипид, Аристотель, Страбон, Ёкут ал-Ҳамавий каби муаллифларнинг асарларида, кўҳна Хоразмда яшаган халқларнинг афсона, ривоят ва ҳикоятлари келтирилган. Хоразм мозийдан бошлаб адабиёти, санъати ва маданияти ривож топган юрт бўлиб, унинг ўз тили ва ёзуви бўлган. Хоразм ёзуви янги эрадан аввалги IV-II асрларда, яъни бундан 2400-2200 йил муқаддам пайдо бўлган. Ёзувнинг пайдо бўлиши билан ёзма адабиёт вужудга келган. Эрамизнинг II асри охири ва III асри бошларида Арсамух I ва унинг хотини зарб қилдирган тангаларда Хоразм ёзувида ўз қаллиғининг исмини ёздирган. Тупроққалъа харобаларидан кичкина чўпхат ҳам топилган. Унда қадимги Хоразм алифбосининг белгилари билан қора тушда ёзилган тўртта сўздан иборат ёзув бор эди. Хоразмда Исломдан илгари Зардуштий динининг маҳаллий варианты ҳукмрон дин ҳисобланган. Тарихчи ва сайёҳ Маркварт зардуштийликнинг бош худоси Аҳурамазда томонидан яратилган, дунёда аҳоли яшаган дастлабки ўлка-“Арианам-Вайжа”ни Хоразмдан излайди, бу ҳақиқатга яқин. Марквартнинг афсонасига кўра Хоразм энг шимолий ва совуқ ўлка бўлиб, ривоятга қараганда, зардуштийликнинг асосчиси афсонавий пайғамбар Зардушт совуқ жойда, яъни ўша ерда туғилган эмиш. Марквартнинг бу фикрини Бартольд, С.П.Толстов ва бошқа олимлар ҳам қувватлайдилар. Бу эса шу диннинг муқаддас китоби “Авесто”нинг Ватани ҳам Хоразм деган хулосани чиқаришга имкон беради.

“Авесто” Шарқий Эрон ва Марказий Осиёда истиқомат қилувчи қадимий қабилаларнинг ижтимоий тузуми, диний қарашлари ҳамда жамиятда рўй бераётган табақаланиш ҳақида қимматли маълумотлар беради. Хоразм ҳукмдорлари ўзларини Хоразмшоҳ унвони билан аташган. Хоразм давлатига афсонавий подшо Сиёвуш асос солган, у асос солган сулола эрамизнинг 305 йилигача ўлкада ҳукмронлик қилган. Эр. ав II асрда Хоразмда илк бор мис ва кумуш тангалар зарб қилинган, Хоразм тангаларини олд томонида ҳукмдорнинг сиймоси тасвирланган. Тангалардаги ҳукмдорнинг тожи кийик шоҳларига ўхшаш бўлиб, танганинг терс томонида эса суворийнинг тасвири, теварагида Хоразм ёзувидаги битиклар бор. Баъзи бир тадқиқотчилар Абу Райхон Берунийнинг маълумотларига асосланиб, тангада тасвирланган сиймо Хоразмшоҳлар сулоласининг асосчиси суворий тангри «Сиёвуш» деса, бошқалар бу тасвирда подшо-тангри берилган дейдилар. Тасвирий санъат намуналари акс қилган тангалар ҳозирги кунларгача жаҳон музейлари экспозицияларини безаб турибди. Суворий тасвири тамға билан бир қаторда етти аср мобайнида, яъни Хоразм тангаси зарб қилиниши тугагунига қадар сақланиб қолган, фақат танганинг олд тасвирининг шакли-шамоили ўзгариб турган. Ўзбекистон ҳудудларидаги энг қадимги давлатлар ҳақида зардуштийларнинг муқаддас диний китоби «Авесто», Аҳамонийларнинг миҳхат ёзувлари (Бехистун, Нақши Рустам, Суза, Персеполи) маълумотлар беради. Қадимги юнонлар. Бу мамлакатни «Хоразмия» («Хурузмия») деб атаганлар. Миҳхат ёзувида «Уварезмия», «Зенд-Авесто»да «Кайризау» ёки “Хваризем” деб ёзилган: араблар «Хорарезм» (Хуворезм) деб атганлар. Хитой манбларида эса «Холи-ш-ми-кич» деб берилган.

Ёкут Хамавий ўзининг ўлмас асари “Маъжам ал-Булдон” “Мамлакатлар луғати” асарида



Хоразм ва унинг шаҳар қишлоқлари ҳақида ўз даврига нисбатан тўлиқ ва қимматли маълумотлар беради: “Хоразм бу муайян бир шаҳарнинг номи эмас, балки ўлка номидир, форслар уни паст текисликдаги мамлакат ёки пастликдаги ўлка деб аташган”. Хозирги кунларда хоразмшунос олимлар “Хоразм” атамасини “Қуёш ўлкаси”, “Ажойиб қўрғонли ўлка” ёки “Мустаҳкам қалъалар қад кўтарганмамлакат” деб манбаларда келтиришади. 1938 йилда археолог С.П.Толстов қазилма ишлари жараёнида қуйи Амударёнинг ўнг қирғоғида қадимги Хоразмнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бири бўлган Тупроқ-қалъа


(Қадимда қандай ном билан аталганлиги бизга ноъмалум)да қазилма ишларини олиб борган.

Қалъа Амударёдан 50 км узоқликда тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб умумий майдони 17-гектар (500 x 350 м), баландлиги 20 метр, қалъа деворларини қалинлиги 12 метр, эрамининг I-III асрларида шаҳарда ҳукмдорнинг қароргоҳи ва оташпарастларнинг асосий ибодатхонаси мавжуд бўлиб аҳолиси 2,5-3 минг киши бўлган. Қалъа атрофида зодгонларнинг узумзорлари, кўшклари ва пойтахтни кўчманчилардан химоя қилувчи мустаҳкам ҳарбий қалъалар тизими шаклланди. Пойтахт атрофида шохнинг ов қиладиган тўқайзорларданиборат ёзги қароргоҳи ва маданий экинлар экилган катта боғи бўлган. Тупроққалъа обидаси ўз даврида жаҳон цивилизациясида антик шаҳарнинг мумтоз намунаси бўлиб, унинг маҳаллалари, сарой, ибодатхона ва Олов уйи бир пайтнинг ўзида бир тарх асосида қурилган. Шу даврда ҳар бири 40-50 минг аҳолига эга бўлган 15 та вилоятдаги қурувчилар тайёрлаган миллионлаб ғиштларни (40 x 40 x 10 см ва оғирлиги 38 кг) пойтахтга олиб келганлар. Бу усталар обидаларда ишлатган ғиштлардаги тамғалардан маълум бўлди.



Тупроққалъа саройининг квадрат шакли дунёнинг тўрт томонлама тузилиши, жоҳон тоғи маъносини англатиб, қадимгиларнинг тасаввурига кўра, унинг марказидан дунё ўқи ўтган ва у “Ер киндиги” деб ҳисобланган. Айнан шу жойда меҳроб ўрнатилиб қурбонликлар келтирилган.





Археолог Ю.А.Рапопорт ўзининг « Культура и искусство древнего Хорезма (М. 1981.г)» асарида обидани шундай тасвирлайди:- 80 x 80 см сатҳда жойлашган саройнинг баландлиги 14,5 м бўлиб, биринчи қаватининг ўзидаги 100 дан ортиқ хона деворларида илоҳлар ва шоҳлар тасвирлари ҳамда ҳайкаллар одамни ҳайратда қолдиради. Саройдаги **“Шоҳлар зали”** меъморий тарҳи ва безатилишига кўра, саройнинг бошқа қисмларига кўра энг маҳобатлисидир. Деворлари атрофида кенг супалар кўтарилиб, ингичка тўсиқлар ёрдамида тахминан 23 та алоҳида олди очиқ “ҳужралар”га бўлинган. Жами залда 138 та ҳайкал ўрнатилган: марказда инсон баландлигидан бир ярим баравар катталиқда бажарилган тождор ҳайкаллар шоҳларни ифодалаган. Уларнинг ўнг тарафида ҳақиқий баландликда ясалган иккита аёл ҳайкали, чап томонида эса эркак ҳайкали ўрнатилган. Кириш эшиги бурчакда жойлашиб, остона ёнидаги томонлари 2,5 м квадрат шаклидаги оташгоҳда аланга ёнган” бундан кўриниб турибдики **“Шоҳлар зали”** ибодатхона бўлиб, кираверишдаги оташгоҳда муқаддас олов ёнган ва қурбонликлар келтирилиб, ҳужралардаги катта ҳайкалларга сажда қилинган. Саройдаги бошқа, **“Аскарлар зали”**да ҳайкаллар жойлашган 11 та катта тахмон бўлиб, шарқий девордаги катта оташгоҳ рўпарасидаги деворда асосий, энг катта тахмон ўйилган. Ярим одам бўйи баландлигида ясалган ҳайкалларда совут кийган аскарлар тасвирланган ва улар марказдаги катта ҳайкалларга, асосий шоҳ-лашкарбоши томон эҳтиром ила ўгирилиб турган. Катта ҳайкаллар бурама шакл ичида тасвирлангани борасида айрим олимлар, бу кўй шоҳлари бўлиб, фарн-омад рамзи, деб ҳисоблайдилар. Тупроққалъа шаҳар ибодатхоналаридан бирида тасвирланган тоғ кўйининг катта шоҳларида зарҳал билакузуклар бўлган. Зардуштийликда эса, кўй- уруш ва ғалаба илоҳи Веретрагна қиёфасининг рамзларидан бири бўлган. Яъни **“Аскарлар зали”** даги кўй-фарн белгиси шоҳ сулоласининг ғалаба қозонишини ифодалаган. Веретрагна номи билан зардуштийликда олий табақа муқаддас оловларни аташгани залда катта оташгоҳ борлигини тушинтиради:-демак бу ерда шоҳ иштирокида унинг лашкарборшилиқ вазифалари билан боғлиқ маросимлар ўтказилган. **“Аскарлар зали”**даги қорамтир бронза рангдаги аскарларнинг қиёфалари бугунги кунларимизгача фанда жумбоқ бўлиб келмоқда. Антрополог олим Академик М.М.Герасимов 1950 йилларда бу ҳайкалларни реконструкция қилиб, **“Авесто”**да тарифланган **“Орийлар”** қадимги хоразмликларни юз-кўз қиёфаларини аниқлади. Унга кўра Хоразмликлар баланд бўйли, кенг елкали, мовий кўзли, сариқ сочли, кенг пешонали, қирра бурун, терисини ранги хозирги европаликларга ўхшайди деган хулосага келган. Мантқий равишда шоҳ ғалабаларини илоҳалар фотиҳаси ёрдамида мадҳ этиш учун саройда **“Ғалаба зали”** бўлиб унинг ғарбий деворида оташгоҳ бўлиб, рўпарасидаги девор марказидан кичик сахна бўртиб чиқарилган. Шимолий деворидаги катта девор тасвирида ўртада тахтда шоҳ ўтирибди, икки ёнида эса аёл ҳайкаллари тик турибди. Уларни олимлар шоҳ ҳуқумронлигининг илоҳий илдизлари ва ўзгармаслигини ифодаловчи илоҳалар, деб талқин этишади. Ўнг томондаги ҳайкал Ғалаба илоҳаси **“Ника”** бўлиб, у кушонларда **“Хванинда”** деб аталган. Чап томонда эса фаровонлик ва осойишталик илоҳаси **“Ордохшо”** тасвирланган.

Саройда яна **“Рақс тушаётган ниқоблар”** зали ва **“Кийиклар”**зали ҳам бўлган. Юқорида айтиб ўтганимиздек шаҳар атрофида жуда кўп узумзорлар бўлиб, улардан аъло навли винолар тайёрланган. **“Кийиклар”**зали ўзининг бениҳоя нафислиги билан кишини ҳайратга солади. Залнинг ўймакор пештоқида узум новдалари чирмашган дарахтларорасида



ўтлаб юрган кийиклар, тепасида эса-грифонлар тасвирлангани ўлиб-тирилувчи табиат ва тилкалаш мавзулари билан боғлиқ. Абу Райхон Беруний XI-асрда қадимги хоразмликларнинг тақвимий байрам кунларини тасвирлаб куйидаги маълумотларни келтиради:–“Римаж ойининг 15-куни Минхоб деб аталади. Аввалига у Минаж-Ахиб дейилган, кейинчалик “Мина кечаси”деб ўзгартирилган. Ривоят қилишларича Мина-Хоразм маликаси ёки зодогон аёл бўлиб, мастона ҳолда юпқа ипак кўйлақда кечаси ташқарига чиқади ва йиқилиб, ухлаб қолади. Натижада кечаси совуқдан ўлади... Хоразмликлар Мина тунида ёвуз рухлар ва инс-жинсларнинг ёмон таъсирини қайтариш учун буғланиб турган иссиқ таомларни бир-бирига чиқаришган. Хоразм аҳолиси хотирасида Мина қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлиги билан боғлиқ бўлиб, Абу Райхон Беруний Хоразмнинг Мина ҳақидаги афсонасига таяниб, у-табиятни янгилашни жараёнини ифодалавчи ўлиб-тирилувчи илоҳа вазифасини ўтаган, дейди. Саройнинг 10 x10 м ўлчамли зали шоҳ тахти турган айвон билан бевосита боғланувчи ягона бино бўлиб, унинг марказида тўртта устун орасида 2 x 2 м квадрат оташгоҳ ўрнатилгани Олов эътиқодидан дарак беради. Квадрат залнинг учта деворида барелъеф паннолар учун кичик равоқлар ва тўрдаги деворда тепаси аркли катта тахмонлар мавжуд бўлган. Равоқлар ичида ғаройиб ниқоблар тақиб, рақс тушаётган одамларнинг деворий тасвирлари муайян шўх маросим, яъни саройда “Мина кечаси” байрамига боғлиқ тадбирлар акс қилдирилганлигини кўришимиз мумкин. Шунга кўра С.П.Толстов уни “Рақс тушаётган ниқоблар” зали, деб атади. Залнинг учта деворидаги тоқчаларда 58 та рақс тушаётган жуфтликлар тасвирланган. Суратларнинг 16-тасида жуфт бўлиб рақс тушаётган эчкиқулоқ аёл ва эркалар сахнаси акс этиб, унда эркалар икки хил кийимда тасвирланган. Паннолар орасидаги тоқчаларда ёлғиз ўйнаётган раққосалар тасвирланган. Шимолий марказий тахмондаги йиртқич ҳайвон билан аёл тасвирини олим, Нана-Анахита мажмуасига доир илоҳа тасвири, раққосалар эса, унинг ибодатхона ходималари деб тарифлайди. Эрамизнинг VIII асрига оид манбаларда Хитойда Хоразмдан келтирилган раққосалар шўхрат қозониб, эрка раққослар ҳайвонларнинг ҳаракатларига тақлид этувчи ўйинга тушгани ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Бундай рақслар ҳозиргача Хоразмда сақланиб қолган. Амударё ўзанининг ўзгариши ва Хоразмдаги сулола алмашуниви натижасида гуллаб турган воҳа харобага (мил 305 й ) айланди. Янги сулола вакиллари Амударёга яқин жойда янги шаҳарга асос солдилар.

Хоразм воҳасидаги антик даврга, айниқса, қушлар даврига оид маконлардан топилган кўплаб моддий ашёлар- сополдан ясалган фил ва маймуннинг сапол ҳайкаллари, Тупроққалъа саройидаги “ Аскарлар” зали деворидаги тасвирлар, тақинчоқлар(мунчок) ва бошқа буюмлар Хоразм воҳасининг ҳам Ҳиндистон билан алоқаларидан далолат беради. Бу алоқалар Бактрия худуди ва Амударё сув йўли асосий транзит алоқа йўли сифатида катта ўрин тутган. Ҳиндистон ва Эронда ишлаб чиқилган маҳсулотларни куйи Волга бўйидаги Сарматлар кўрғонларидан топилгани Хоразм воҳасининг транзит худуд сифатидаги аҳамиятидан далолат беради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мадраҳимов О. Хоразм сўзининг маънолари/ “Фан ва турмуш”, 1974, 2-сон.
2. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. — Т.: “Фан”, 1959. 168, 234, 152, 324 бетлар.
3. Ю.А.Рапопорт “Культура и искусство древнего Хорезма” Москва 1981.г
4. М.Абдуллаев, Б.Садуллаев “ Қадимги Хоразм” музей экспозициясининг экскурсия матни 2020 й. Хива.
5. Д.Бобожонов, М.Абдуллаев. “Хоразм амалий санъати усталари”, Хоразм Маъмун академияси. Хива-2010 йил, 8 бет.

УЎК 903

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ОЛИЙ ТИББИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТАРИХИ

**Б. Тошпўлатов, таянч докторант, Қарши давлат университети, Қарши**

**Аннотация.** Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини жаҳон андозаларига мос равишда йўлга қўйиш борасида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, бу жараён ўз ўрнида соҳани малака кадрлар билан таъминлаш заруриятини келтириб чиқарди. Жаҳон талаблари даражасидаги, замонавий билимларни пухта эгаллаган тиббиёт кадрларини тайёрлаш вазифаси энг долзарб масалалар қаторидан жой олди.

**Калит сўзлар:** Ўзбекистон, таълим муассасалари, Олий тиббий таълим тизими, Давлат бюджетли, Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч бўлими, Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг Фарғона бўлими, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукусда бўлими, клиник ординатура, “Тиббиёт маркази” мақоми.

**Аннотация.** За годы независимости в Узбекистане был принят ряд мер по приведению системы здравоохранения в соответствие с международными стандартами, что, в свою очередь, привело к необходимости обеспечить сектор квалифицированными кадрами. Задача подготовки медицинских кадров мирового уровня, обладающих современными знаниями, является одной из самых актуальных.

**Ключевые слова:** Узбекистан, образовательные учреждения, Система высшего медицинского образования, Государственный бюджет, Ургенчское отделение Первого Ташкентского государственного медицинского института, Ферганский филиал Второго Ташкентского государственного медицинского института, Нукусский филиал Ташкентского педиатрического медицинского института, клиническая ординатура, статус "Медицинский центр".

**Abstract.** Over the years of independence, a number of measures have been taken in Uzbekistan to bring the health care system in line with international standards, which, in turn, led to the need to provide the sector with qualified personnel. The task of training world-class medical personnel with modern knowledge is one of the most urgent.

**Keywords:** Uzbekistan, educational institutions, Higher medical education system, State budget, Urgench department of the First Tashkent State Medical Institute, Fergana branch of the Second Tashkent State Medical Institute, Nukus branch of the Tashkent Pediatric Medical Institute, clinical residency, status of "Medical Center".

Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ кадрларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган даражада мустақкам билим ва кўникмаларга эга бўлишига эришиш учун ҳаракат бошланди. Давлат сиёсатининг бу йўналиши ўтган давр мобайнида ҳам ўз долзарблиги ва устуворлигини йўқотмади. Таълим тизимининг моддий-техник базасини мустақкамлаш, таълим муассасаларини замонавий информацион техника ва ўқув анжомлари билан таъминлашга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилинди. Олий тиббий таълим тизими мустақилликнинг дастлабки йилларида қатор қийинчилик ва муаммоларига дуч келди. Республика тиббий таълим соҳасининг таркибий тузилиши ва амал қилиши жараёнлари унинг мавжуд иқтисодий-моддий, миллий-табiiй, маънавий-интеллектуал салоҳияти имкониятларига замонавий талаб-эҳтиёжлар даражасида жавоб бера олмай қолди. Давлат бюджетидан соҳага маблағ ажратиш камайганлиги ўз ўрнида тиббиёт институтлари қабул квотасининг ҳам камайишига асос бўлди. Масалан, 1992-1993 ўқув йилида тиббиёт институтларига қабул квоталари 1991-1992 ўқув йилига нисбатан 33,7 фоизга камайди[10]. Бу эса ҳудудларда шундай ҳам шифокорлар етишмаслиги муаммоларини янада кучайишига сабаб бўлди.

1991-1992 ўқув йили Ўзбекистон тиббиёт йўналиши олий таълим муассасаларининг кундузги бўлимига 4395 нафар, кечки бўлимларга 230 нафар, сиртқи бўлимга 100 нафар талаба қабул қилинди[8]. Тиббиёт институтларида бу даврда 7900 дан зиёд профессор-ўқитувчи фаолият кўрсатиб, шундан 450 нафари фан доктори, 2300 нафари фан номзоди илмий даражасига эга эди[9].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 1992 йил 28 февралда “Янги олий ўқув юртларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-356-сонли Фармони эълон қилиниб, хужжатга мувофиқ очилиши режалаштирилган 16 та университет ва бошқа олий ўқув юртлари қаторида Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч бўлими, Иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институтининг Фарғона ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукусда бўлимлари ҳам бор эди. Тиббиёт институтларининг жойларда бўлимларини очишдан мақсад ҳудудда юқори малакали шифокор кадрларга бўлган талабни қондиришдан иборат бўлди. Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч бўлимини Хоразм вилояти ўрта малакали тиббиёт ходимлари малакасини ошириш билим юрти базасида ташкил этилди. 1992 йил 2 сентябрида Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиалининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 31 май ПФ-1160-сон[7] Фармонида асосан Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч бўлими Урганч Давлат университети таркибига “Тиббиёт маркази” мақомини олди. Бўлимдаги “Биологик кимё”, “Ижтимоий фанлар”, “Тиллар”, “Жисмоний тарбия” кафедралари ўқитувчилари университет кафедралари таркибига кўшилди. “Тиббиёт маркази” биринчи босқичга абитуриентлардан 100 нафарини имтиҳон асосида танланиб, кейинги босқичга Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон шаҳарларида мавжуд тиббиёт институтларида таълим олаётган ёшларни ўқишга таклиф қилиш бўйича ташкилий ишлар олиб борилди ва иккинчи

босқичга таклиф этилган талабалар сони 164 нафарга етди. Шунингдек, 1993-1994 ўқув йилида филиал таркибида “Педиатрия” факультети ташкил этилиб, иккинчи ва учинчи босқичлари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги тиббиёт институтларида таҳсил олаётган ёшлар ҳисобидан тўлдирилди[3]. Олий малакали тиббиёт мутахассисларни тайёрлаш борасидаги изчил ҳаракатлар давом эттирилиб, кадрларни тайёрлаш шартнома асосидаги тўловлар орқали амалга оширилишига қарамасдан, талабалар сони кўпайиб борди. Масалан, Биринчи Тошкент тиббиёт институти Урганч филиалида 1992 йили 264 нафар талаба таҳсил олган бўлса, 1993 йили 380 нафар, 1997 йили 660 нафар, 1999 йили 763 нафар, 2000 йили 919 нафар, 2002 йили 1004 нафар талаба ўқиди. Шунингдек, 1997 йили филиални илк битирувчиларига врачлик дипломи топширилди[3]. Шу билан бирга тиббиёт кадрлари тайёрлаш таълим муассасалари тармоғи кенгайтириб борилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 июндаги 239-сонли қарорига асосан Урганч Давлат университетининг “Тиббиёт маркази” мустақил олий ўқув юртига айлантирилиб, унга Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали мақоми берилди[3].

1998 йил 10 ноябрда “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисида” Президент Фармони[5], 1997 йил августда қабул қилинган “Таълим тўғрисида” ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 31 мартдаги «1999 – 2005 йилларда тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатини ошириш Дастури» бўйича эълон қилинган буйруғи ижросини таъминлаш юзасидан тиббий кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам қатъий чора-тадбирлар олиб борилиб, врачлар тайёрлашнинг икки босқичли тизимига ўтилди. Тиббиёт институти бакалаврият босқичида ўқиш муддати 5 йилдан 7 йилгача, магистратура босқичида 3 йилгача қилиб белгиланди[11]. Бу даврда тиббиёт йўналишидаги олий таълим муассасаларида 22 мингдан зиёд талаба таҳсил олди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йил 19 июлдаги “Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги 3629-сонли Фармони билан янги ўқув юрти очилиб, унинг балансига биринчи ва иккинчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ва унинг филиаллари ҳам ўтказилди[6]. Академияда даволаш, тиббий-педагогика, тиббий-профилактика, стоматология ва олий ҳамширалик иши факультетлари фаолият кўрсатиб, таълим муассасасида бу даврда 4662 нафар талаба, 735 нафар магистрантлар, 205 нафар киши клиник ординатурада таълим олди[2].

Тиббиёт йўналиши олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири – бу монография, ўқув услубий ва ўқуқ қўлланма, илмий мақолаларни тайёрлаш ва нашр эттириш ишлари бўлди. Масалан, Тошкент тиббиёт институти Урганч филиали профессор-ўқитувчилари томонидан 1992 – 2004 йиллар давомида 25 та монография ва 1900 дан ортик илмий ишлар чоп қилинди. Улар орасида Республика марказий журналларида босилган 294 ва чет эл журналлари саҳифаларидан ўрин олган 87 та мақола, 16 та патент кашфиёти, 28 та илмий-услубий қўлланма ва ахборот хатлари бор эди[3]. Ёки биргина 2010 йили Ўзбекистондаги 7 та тиббиёт олий ўқув юртлари, унинг иккита филиали ва 27 та илмий текшириш институт ва илмий амалий марказларда грантлар доирасида 10 та монография, 37 та услубий қўлланма, 583 та илмий мақола нашр этилди[4].

Давлат бюджетидан Тошкент тиббиёт академияси моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 70 миллиард сўм ажратилди. Ушбу маблағга академия бош бинноси ва 1750 ўринли ётоқхоналар қайта таъмирланди. Шунингдек, “Шифокор” спорт мажмуаси ва академик лицей бинноси бунёд этилди. Шуни ҳисобига Тошкент тиббиёт академиясида янгидан жисмоний ва даволаш тиббиёти, тиббиёт руҳшунослиги кафедралари ташкил этилди. Аммо академия филиалларни бинолар билан таъминлашда муаммолар талайгина эди. Масалан, 2010-2015 йилларда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг ўз клиник базаси бўлмаганлиги сабабли вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (ССБ) ёрдамида 13 та клиник кафедралар шаҳардаги поликлиника ва шифохоналарда жойлаштирилди. “Даволаш иши”, “Педиатрия иши” таълим йўналишларининг 6–7 курс талабаларига ўтказилаётган амалий машғулотларнинг 85 фоизи Урганч шаҳридаги поликлиника ва диспансерлар, Урганч туманидаги “Чоткўпир”, “Ғойбу”, “Пахтакор”, “Ғалаба”, Янгибозор туманидаги “Уйғур”, Янгиариқ туманидаги “Остона” қишлоқларида жойлашган қишлоқ врачлик пунктларида ўтказилди[3]. Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун давлат томонидан муайян даражада эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сон “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 27

июлдаги ПҚ-3151-сон “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли қарорга асосан даволаш иши, касб таълими (даволаш иши), ҳарбий тиббиёт, тиббий профилактика иши, тиббий биология иши таълим йўналишларида ўқиш муддатининг қисқартирилиши муносабати билан малака талаблари, ўқув режаларини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилинди[1].

Ўзбекистон Республикасида олий тиббий таълим муассасаларида бакалаврият босқичининг (даволаш иши) 7 йил давом этиши халқаро замон талабларига жавоб бермаслиги билан бирга мазкур таълим учун асосланмаган ҳолда ортиқча молиявий маблағларни талаб этди. Шифокорлар тайёрлашда таълим жараёнининг узоқ муддатлилиги Ўзбекистоннинг айрим ҳудудларидаги соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида кадрлар билан таъминлашда номутаносибликларни ва муаммоларни кучайтирди. Кейинги даврларда давлат томонидан қаратилган эътибор соҳада мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва кадрлар билан таъминлаш ишини бирмунча яхшиланишига олиб келди.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Азизова Ф. Янги ўқув йилига янгича ёндашув // Тиббиётнома № 8 2017 йил 17 август.
2. Бобомуротов Т. Тиббиёт академияси давр билан ҳамнафас // www.uzbekistonovozi.uz. 6.06.2015.
3. Маҳмудов М.М. Хоразмда шифокорлар тайёрлаш маркази. Қисқа тарихий очерк–Тошкент, 2005.–Б.3-4.
4. Соатова И., Давр талаби: аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш // Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш. Здравсохранение Узбекистана. 2010 йил, 2-апрел, № 13. - Б. 2.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш тўғрисида”ги 2107-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 1998, 10-11-сон, 204-модда <https://lex.uz/docs/221286>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 июлдаги “Тошкент тиббиёт академиясини ташкил этиш тўғрисида”ги 3629-сонли Фармони / Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005, 28-29-сон, 205-модда <https://www.lex.uz/docs/659606>
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 6-сон, 138-модда.
8. Ўз ИТТХ МА, М-372-Фонд, 1-рўйхат, 11-йиғма жилд, 212-варақ.
9. Ўз ИТТХ МА, М-372-Фонд, 1-рўйхат, 88-йиғма жилд, 60-варақ.
10. Ўз ИТТХ МА М-372-Фонд, 1-рўйхат, 238-йиғма жилд, 160-варақ.
11. Ўз ИТТХМА, М-372-Фонд, 1-рўйхат (давоми), 526-йиғма жилд, 24-варақ.

УЎК 93/94

### “РАБИЪ УЛ-АБРОР” АСАРИДА ЮРТИМИЗ ШАҲАРЛАРИГА ОИД БАЪЗИ МАЪЛУМОТЛАР

*Л.А. Тўраев, таянч докторант, Тошкент давлат шарқшунослик университети,  
Тошкент*

**Аннотация.** Мазкур мақолада “Фахру Хваразм” (“Хоразм фахри”) бўлган Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ул-аброр” асарида берилган юртимиздаги Хоразм, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг иқлими, табиати, обод жойлари ва аҳолисининг фазилатлари ҳақидаги машҳур кишиларнинг берган таърифлари ҳақида сўз юритилади.

**Калим сўзлар.** Илмий мерос, муқаддима, иқтибос, Ал-Ғута, Самарқанд Сўғди, Баввон, Ал-Убулла, жаннат, фазилат.

**Аннотация.** В этой статье «Раби ул-Абрар» Махмуда Замахшари под названием «Фахру Хваразм» («Честь Хорезма») рассказывается о достоинствах климата, природы, процветания и благополучия жителей Хорезма, Самарканда и Бухара.

**Ключевые слова.** Научное наследие, введение, цитата, Аль-Гута, Самарканд, Согдиан, Бавван, Аль-Убулла, рай, добродетель.

**Abstract.** In this article, entitled “Fakhru Khvarazm” (“Honor of Khorezm”) Mahmud Zamakhshari's “Rabi'ul-Abrar” tells about the virtues of the climate, nature, prosperity and well-being of the people of Khorezm, Samarkand and Bukhara.

**Keywords.** Scientific heritage, introduction, quote, Al-Ghuta, Samarkand Sughd, Bavwan, Al-Ubulla, paradise, virtue.

Хоразмлик элидан чиқиб, дунё илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшган Маҳмуд Замахшарийнинг нодир асарларини тадқиқ қилишга доир сайъ-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Биз ҳам мазкур мақола орқали алломанинг қадимги шаҳарларларимиз ҳақидаги баъзи маълумотларни берувчи “Рабиъ ул-аброр” (“Яхшилар баҳори”) асари ҳақида маълумот берамиз.



Маҳмуд Замахшарий “Рабиъ ул-аброр” асарини ўзининг машхур “Ал-Кашшоф” асарини ёзиб тугаллагач, хижрий 528 йилда ёзиб тугаллаган. Аллома асарни нима сабабдан ёзганлиги тўғрисида асар муқаддимасида келтиради. Яъни Маҳмуд Замахшарий “Рабиъ ул-аброр” асарини ўзининг “Ал-Кашшоф ан ҳақоик ут-танзил” тафсирини ўқиган китобхонларнинг хотирларини жамлаш, чарчаган дилларига ором бериш ва уларнинг қалбларига роҳат бағишлашни мақсад қилганлигини таъкидлайди.

Маҳмуд Замахшарий китобни яратишда аввал бобларда берилган мавзуга, масалага доир бўлган пайғамбар ҳадисларини, сўнг саҳобаларнинг, кейин тобеъинлар, обидлар, зоҳидлар, художўйлар ҳамда араб, форс, юнон ва ҳинд халқларидан бўлган донишмандларнинг гапларини ва мавзуга доир шоирларнинг машхур шеърларини келтирар эди. Шунингдек, Бани Исроил қавмидан чиққан набийларнинг ва улардан бошқаларнинг сўзларидан ҳам иқтибос келтирган. Бундан ташқари арабларнинг тарихи, подшоҳлари, халифалари, амирлари, ҳокимлари, муғаннийлари ва шоирлари билан боғлиқ хабарлар ва қиссалардан ҳам иқтибослар келтирган. Бундай иқтибослардан фойдаланган ҳолда бир асар ёзиш араб адабиётидаги ўн икки илмдан бири бўлган “Илм ал-муҳазара” (“Маърузалар илми”) услубига хосдир. Бу услуб қондасига кўра муҳокама кетаётган мавзуга доир ҳадислардан, насихатлардан, ваъзлар ва шеърлардан балоғат ва фасоҳат илмидан фойдаланган ҳолда, унумли ва керакли жойда иқтибос келтирилади. Бу услуб билан ёзилган асарлар бир пайтнинг ўзида айнан бир мавзуга оид турли кишиларнинг қарашлари тўғрисида ҳам маълумот беради.

“Рабиъ ул-аброр” асарида Маҳмуд Замахшарий Муҳаммад пайғамбардан, халифалардан, тарихчи-олимлар ва донишмандлардан турли минтақа ва мамлакатлар тарихи, иқлими ва маданиятига оид маълумотлардан ҳам келтиради. Хусусан, Макка, Мадина, Тибет, Син (Хитой), Руҳа (Одесса), Силхун, Бағдод, Басра, Куфа, Гур (Кура Ардашер, Фирўзобод), Балх, Аҳвоз, Хуросон, Шом (Дамашк), Нишопур, Сано, Хоразм, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарлар ҳақида маълумотларни, улар тўғрисидаги бошқаларнинг таърифларини келтиради.

Биз қуйида ўлкамиздаги шаҳарларнинг асарда келтирилган таърифлари билан танишамиз. Улардан биринчиси Самарқанд билан боғлиқ. Самарқанд ҳақида гап кетганда унинг ўзига хос унсурлари ва моддалари ҳақида сўзлайди. Масалан: асарнинг 6 бобида шундай маълумотлар бор.

لنوشادر أصل موصوف وقد يصعدون الشعر ويدبرونه حتى يستحكم استحكام النوشادر ولا يغادر منه شيئا في عمله وهو من  
[1, 17<sup>a</sup> саҳифа] خصائص سمرقند

Аммоний (нашатир спирти) кимёвий элементи аслий сифатларга эга бўлиб, ундан одамни хушига келтиришда ва тетиклаштиришда фойдаланишлари мумкин, сўнг эса ҳеч нарса бўлмагандек хиди тез тарқаб кетади. Аммиак асосан, Самарқандга хос унсурдир.

[1, 17<sup>a</sup> саҳифа] الملح الكشى من خصائص سعد سمرقند يكون أحمر فإذا دق كان أشد بياضا من غيره

Кеш тузи ҳам Самарқанд Сўғдига хос ва фақат у жойда учрайди. Унинг асл ранги қизил, лекин майдаласа, оппоқ ранга киради.

Маҳмуд Замахшарий Самарқанд Сўғди шарқнинг жаннатмонанд ўлка эканлигини алоҳида қайд этиб, ўз асарининг 8 бобида қуйидаги маълумотни келтиради:

[1, 20<sup>b</sup> саҳифа] جنان الدنيا أربعة غوطة دمشق ونهر الأبله وشعب بوان وصعد سمرقند

Дунёнинг тўртта жаннати бор, улар: Дамашкнинг Ғутаси, Ал-Убулла дарёси, Бавон халқи ва Самарқанд Сўғди.

Шу ерда таъкидлаш лозимки, қўлёмани кўчирган котиб Сўғд номини баъзи жойда “син” ва баъзи жойда “сод” ҳарфлари билан беради. Яна Сўғд номини қўлёманда ўртадаги ҳарф “айн” берилган, ammo кўплаб манбаларда, хусусан, Ёқуб Ҳамавийнинг “Муъжам ул-булдон”, Маҳмуд Қазвинийнинг “Осор ул-билад” асарларида Сўғд сўзи “айн” эмас “ғайн” билан берилган. Биз ҳам иқтибосни келтиришда ҳарфларни “Рабиъ ул-аброр” асари ЎЗР ФА ШИ қўлёмна нусхасида қандай берилган бўлса шундайлигича келтиришни маъкул топдик.

Маҳмуд Замахшарий асарда мазкур иқтибос эгасини кўрсатмаган. Иқтибос эгасини топиш мақсадида маълумотлар қидирилганда машхур араб тарихчи олими ал-Хатийб ал-Бағдодий номи билан танилган Абу Бакр Аҳмад ибн Али ал-Бағдодийнинг (1002-1071) “Тарихи мадинатул-ислам” (Ислом шаҳри тарихи) “Тарихи Бағдод” (Бағдод тарихи) номи билан машхур бўлган асарида араб наҳвшуноси, Басра грамматика мактабининг уч етакчи вакиллари билан Абу Саид Абдул Малик ибн Қурайб ал-Баҳили ал-Асмаъи (740-831) томонидан айтилган маълумотни топдик. Унда айтилишича: “Дунёда энг яхши уч жой Дамашкнинг Ғута водийси, Ал-Убулла ва Самарқанд”. [2, 379-6]

Шунингдек, юқорида келтирилган маълумот машхур араб сайёҳи, географ, тарихчи олим Ёкут Абу Абдуллоҳ Шаҳобиддин Ёқуб ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳамавийнинг (1179-1229) “Муъжам ул-булдон” (“Мамлакатлар қомуси”) асарида ҳам учрайди. Ёкут Ҳамавий ўз асарида айнан “Рабиъ ул-аброр”да келтирилган маълумотни хоразмлик адиб ва шоир Абу Бакр Муҳаммад ибн ал-Аббос ал-Хоразмийдан (935-993) келтиради. Ал-Хоразмий шундай дейди: “Дунёда тўртта жаннат Дамашкнинг Ғута водийси, Самарқанд Сўғди, Бавон аҳолиси яшаш манзили ва Ал-Убулла ороли бор”. [3, 464-6]

Қадимда Самарқанд пойтахти бўлган Сўғд Зарафшон дарёсининг йирик ирмоқларида жойлашган гуллаб яшнаган замин ҳисобланади. Араб географ олими Ибн Ҳавқал ҳам ўзининг “Китоб сурат ал-ард” (“Ернинг сурати китоби”) асарида “Самарқанд Сўғди мен зикр этган учта энг гўзал ер,

яъни Дамашқнинг ал-Ғутаси ва ал-Убулла водийси ичида энг гуллаб яшнаганидир, деб эътироф этган. [3, 464-6]

Асарнинг 9 бобида Маҳмуд Замахшарий юртимиздаги Бухоро шаҳри ҳақида ҳам бир маълумот келтирадики, у маълумот Бухоро шаҳрининг арабча номланишини унинг аҳолиси билан боғлайди:

في الحديث أن جبرئيل صلوات الله عليه ذكر مدينة يقال لها فاخرة وهي بالفارسية بخاري فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: لم سميت فاخرة؟ قال: لأنها تفخر على المداين يوم القيامة بكثرة الشهداء ثم قال اللهم بارك في فاخرة وطهر قلوبهم بالتقوى واجعلهم

[1, 30<sup>a</sup> саҳифа]

Ҳадиси шарифда: Жаброил Фоҳира – форс тилида Бухоро деб аталадиган шаҳарни зикр қилади. Расулulloх пайғамбар: “Нима учун Фоҳира деб номланган? - деб сўрадилар. Жаброил айтди: “Чунки бу шаҳар қиёмат кунда шаҳидларининг кўллиги билан фахрланади. Сўнгра Расулulloх пайғамбар: “Аллоҳим Фоҳирага барака бер, уларнинг қалбларини тақво билан покла ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилгин”, деб дуо қилдилар. Айтишларича, бегоналарга ҳеч ким уларчалик раҳмдил эмас экан.

Абу Бакр Наршахий (899-959) “Бухоро тарихи” асарининг Бухоронинг турли номлари баёни номланган 7 бўлимида айтилишича, юқорида келтирилган Фоҳира шаҳрига оид ҳадисни Хожа имом, зоҳид, воиз Муҳаммад ибн Али Нужва бодий пайғамбар саоҳобаларидан бири Салмони Форсийдан ривоят қилган. [5, 14-6]

Бу ҳадис бухорликларнинг раҳмли, меҳрли ва эътиқодларининг поклигидан хабар қилади.

Маҳмуд Замахшарий асарда Самарқанд ва Хоразм шаҳарларининг ўрни ҳамда ислом оламидаги мавқеи ҳақида ҳам тухталиб куйидаги маълумотни келтиради:

[1, 30<sup>a</sup> саҳифа] الحسن قال ما فعل الجناحان؟ قيل: وما هما؟ قال: سمرقند و خوارزم هما جناحا خراسان وما دامنا دام حصن الإسلام

Ал-Ҳасан деди: “Икки қанот нима қилишини ким билади?”. Одамлар ундан сўради: “Икки қанот нима?”. У айтди: “Улар Самарқанд ва Хоразм. Улар Хуросоннинг икки қанотидир. Токи, уларнинг иккаласи исломнинг қалъалари ҳисобланади”.

Асарнинг 9 бобида қадимги Марв ва қадимги Самарқанд шаҳарларини бунёд қилиниши тўғрисидаги маълумотларни ҳам учратамиз:

[1, 33<sup>b</sup> саҳифа] مرو أسسها أفراسياب وبنى بعضها كبخسرو و عتمها الاسكندر و سمرقند أسسها قابوس ابن قباد و فرغ منها ابنه سياوخش

Афросиёб томонидан бино қилинган Марвни баъзи жойларини Кайхусрав давом эттирган бўлса, Искандар уни ниҳоясига етказган. Самарқанднинг пойдеворини Кайковус ибн Кубод ўрнатган бўлса, унинг ўғли Сиёвуш қурилишнинг қолган қисмини тугатган.

Афросиёб Марвни бино қилганлик тўғрисидаги маълумотлар бошқа манбаларда ҳам учрайди, хусусан Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида “Афросиёб Тахмурасдан 300 йил кейин Марвни бино қилгандир” деган маълумотни учратдик. [6, 163-6]

Кайкубод ўғли Кайковус Самарқандни бино қилгани тўғрисидаги маълумот Маҳмуд Қазвинийнинг “Осор ул-билад” асарида ҳам учрайди. [7]

Тарихдан маълумки, қадимги туркий халқлар яшаган, ҳудуд жиҳатдан катта минтақага эга жойлар Турон деб аталган ва Турон давлатига асос солган ҳукмдор бу Афросиёбдир. Демак, юртимиздаги қадимги шаҳарларни Турон ҳудудида жойлашганлигини ҳамда Афросиёбнинг мустақил Турон давлатига асос солганини инобатга оладиган бўлсак, Самарқанднинг ҳам қадимги кўрғонига асос солган шахс бу Афросиёбдир.

И.М.Мўминов муҳаррирлиги остида нашрдан чиққан “Самарқанд тарихи” китобида ҳам Самарқанд асоси ҳақида маълумотлар учрайди, унда айтилишича: “... милoddан аввалги VII-VI асрларда Афросиёб харобалари ўрнида мудофаа девори билан ўралган қадимий қишлоқ бўлган...”. [8, 8-6]

“Рабиъ ул-аброр” асарида Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари қатори Хоразм ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Бу маълумотларда асосан, Хоразм ўлкасининг об-ҳавоси, табиати ҳамда аҳолисининг фазилатлари ҳақидаги таърифлар берилади. Куйида Хоразмга оид маълумотлар билан танишамиз.

Асарнинг 8 бобида Хоразм об-ҳавосига оид шундай маълумот берилади:

حمل الي المامون البازنج من خوارزم إلى مرو على البريد فأستطابه جدًا واشتهى أن يجتنيه غصًا من منابته فتقدم بحمل برزه إلى مرو ليزرع بها فلما أدرك ذاقه فلم يحره ذلك الطعم فأمر بنقل التراب على الجمال من خوارزم ثم يحمل الماء من جيحون فلم يأت

[1, 23<sup>b</sup> саҳифа] كما ظن فعلم أن الطيب من قبل الهواء

Халифа Маъмунга деб, Хоразмдан Марвга тарвуз жўнатилди. Унинг мазаси Маъмунга жуда ҳам ёқди.. У унинг уруғини олиб, Марвда ҳам экиш учун берди. Келаси йил тарвуз ҳосил бергач, халифа уни еб кўрди. Таъми аввалгидек мазали эмас экан. У Хоразмдан тупроқ олиб келиб, унга экишни буюрди. Сўнг Жайхун дарёсидан сув ҳам келтирилди. Аммо натижа

кутилгандек бўлмабди. Шундан сўнг Ал-Маъмун тарвузни яхши ва ширин бўлишига Хоразмнинг об-ҳавоси ҳам кераклигини тушуниб етди.

Бу маълумотни келтиришда Маҳмуд Замахшарий туғилган юрти Хоразмнинг унумдор ерлари ва об-ҳавосини афзалликларини кўрстайшга ҳаракат қилган.

Асарнинг 9 бобида Хоразм аҳолисининг вафодорлигига ишора қилиб, қуйидаги маълумотни келтиради:

[1, 30<sup>a</sup> саҳифа] كتب الحجاج إلى قتيبة بالعود إلى خوارزم فقال: إنها شديدة الكلب قليلة السلب

Ал-Ҳажжож Қутайбага Хоразмга қайтишини сўраб ёзган хатида: “Хоразм (халифага) вафодорки, у жойда (халифалик мулкидан) ўғрилиқ ва талон-тарож бўлмайди”, деб ёзди.

Худди ша каби маълумотни Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарих ат-Табарий” асарида ҳам учратдик, унда айтилишича:

[9, 396-6] قال علي وحدثنا كليب بن خلف قال كتب الحجاج إلى يزيد أن اغز خوارزم فكتب إليه أيها الأمير انها قليلة السلب شديدة الكلب

Али шундай деди: “Менга Кулайб бин Халафнинг айтиб турклари ўғрилиқ ва талон-тарож қилмайдилар, улар (халифага) вафодордирлар”, - деб ёзган.

Эҳтимол Маҳмуд Замахшарий мазкур иқтибосни Абу Жаъфар ат-Табарийдан келтирган бўлиши мумкин.

Асарда Хоразм ҳақидаги ҳадисдан ҳам келтирилади:

أبو هريرة قال رسول الله صلى الله عليه وسلم طوبى لمن بات ليلة في خوارزم وطبى لمن وقع عليه غبار خوارزم وطوبى بمن [1, 32<sup>b</sup> саҳифа]. صلى ركعتين في خوارزم

Абу Ҳурайра айтди: “Расулulloҳ пайғамбар шундай деган эдилар: “Хоразмда бир кечани ўтказган, устига Хоразм чанги теккан ва Хоразмда икки рақъат намоз ўқиган киши қандай бахтли кишидир”.

Мазкур ҳадис заиф ҳадис бўлиши мумкин. Саҳиҳ ҳадислардан бу маълумотни учратмадик.

عن الحسن مدينة بالمشرق يقال لها خوارزم على شاطئ نهر يقال له جيحون ملعون الجانبين إلا وان تلك المدينة محفوفة مكفوفة [1, 32<sup>b</sup> саҳифа] بالملائكة تهدي إلى الجنة كما تهدي العروس إلى بيت زوجها يبعث الله من مقبرتها مائة ألف شهيد كل شهيد منهم يعدل شهيد بدر

Ал-Ҳасан шундай деган: “Машрикда бир шаҳар бор. Уни Хоразм дейишади. У Жайхун деган, икки лаби лаънатланган дарёнинг қирғоғида жойлашган. Огоҳ бўл! Ўша шаҳар фаришталар билан ўралган бўлиб, келинчак куёвининг уйи томон олиб борилганидек, жаннат томон олиб борилади. Аллоҳ таоло у ернинг қабрларидан юз минг шаҳидни тирилтиради. Уларнинг ҳар бири Бадр жанги шаҳидларига тенг келади”.

وعن مكحول مدينة بخراسان يقال لها خوارزم ما داموا كفارًا فالمسلمون منهم في شدة وتعّب فإذا [1, 32<sup>b</sup> саҳифа] أسلموا كانوا جنًا من أجمحة المسلمين وترسا من ترستهم

Макхул: Хуросонда бир шаҳар бор уни Хоразм дейдилар, аҳолиси кофир бўлиб, мусулмонлари эса қийинчиликда ва таъқибдадурлар. Агар (аҳолиси) исломга кирсалар, мусулмонларга қанот ва қалқон бўладилар.

وعن عمر أنه سأل رجلاً من أهل خوارزم عن بلاده فوصف له أن الرجل منا يغسل وجهه فيصير الماء على وجهه تلجًا فقال: بشر [1, 32<sup>b</sup> саҳифа] تلك الوجوه بالجنة.

Умар хоразмлик бир кишидан унинг юрти ҳақида сўради. У киши: “Агар бизнинг юртимиздан бир киши юзини сув билан ювса, сув (совуқдан) унинг юзида музлаб қолади”, деди у. Шунда Умар унга: “Ўша юзларга (инсонларга) жаннатни башоратини бер”, деди.

Мазкур маълумот қишда кўчада таҳорат олган кишига ишора беради. Ҳақиқатдан ҳам Хоразм киши бошқа ҳудудларга нисбатан қаттиқ келади.

وقد عدد ابن سمة الكاتب فضائلها فقال ولخوارزم فضائل لا يوجد مثلها في سائر الأقطار وخصال محمودة لا تتفق في غيرها من الأمصار هي ثغر من ثغور الإسلام قد اكتنفها أهل الشرك وأطافت بها قبائل الترك فعزو أهلها معهم دائم والقتال فيما بينهم قائم قد أخلصوا في ذلك بيّاتهم وأمضوا فيه طويّاتهم وقد تكفل الله بنصرهم في عامة الأوقات زمنحهم الغلبة في كافة الوقعات ثم حصنها الله بجيحون بواد عسير المعبر بعيد المسالك غزير الماء كثير المهالك فلا يتوغلها متوغل إلا خاطر بمهجته ولا يسلك منافذها سالك إلا كان على يأس من سلامته؛ وأهلها أهل بسالة وقلوب جرية ونفوس أبية؛ قد فشا عنهم ذلك فجبين العدو عن مكحافتهم وفشل عن مناوشتهم وفيهم الرمي بالنشاب لا تخطنهم إصابة ولا تكاد تسقط لأحد منهم نشابة مع استقلالهم بأنواع السلاح من السيوف والرمح؛ ولهم السداد والديانة وعندهم الوفاء والأمانة وضمائرهم نقية طاهرة ورغباتهم في أصناف الخير ظاهر ودينهم محبة الأخيار ومقت الأشرار والأحسان إلى الغرباء والتعطف على الضعفاء؛ وخصائص آخر لا تسقضى ولا تعد ولا تحصى؛ ومما اختلفت به أنواع الرقيق الروقة والخيل الهميج الفرهة وضروب الصواري من البزارة والصقور وأجناس الوبر واللوان الثياب؛ وثمارها أطيب الثمار وأشهاها وأذها وأحلاها وأمرأها وأنماها في الأبدان؛ وهوأؤها أصح هواء وماؤها أهدب ماء لأنه يجري من عيون عذبة على ترب [1, 33<sup>a</sup> - 32<sup>b</sup> саҳифа] طبيه؛ وناهيك ببطيخها الذي لا يوجد مثله إلا في الجنة

Ибн Самақа унинг (Хоразм) фазилатларини санаб ўтар экан, шундай дейди: Хоразмнинг шу қадар кўп фазилатлари борки, унақаси бошқа жойларда учрамайди, шундай мақтовли

хислатлари борки, бундай хислатлар ўзга шаҳарларда йўқ. У ислом оламидаги олди шаҳарлардандир.

Уни бир томондан ширк аҳли ўраб олган бўлса, бошқа томондан турк қабилалари қамраб олган. Бу билан унинг аҳли доим курашиб, ғазот қилиб келган. Улар орасида доимий жанглар содир бўлиб турган. Улар доим ўз юртларига содиқ қолдилар, шу орқали ўз ниятларига етишдилар.

Аллоҳ уларга барча вақтларда нусрат беришга ўзи кафил бўлган, доим уларни ғалаба билан сийлаган. Сўнг Аллоҳ Хоразмни Жайхун билан ва ўтиб бўлмас чангалзорлар-у, серсув ботқоқликлар билан ўраб, ҳимоялаб қўйган. Унга осонликча кириб бўлмас. Хоразм аҳли довюрак халқдир. Улар қўрқмас юрак ва ғурурли нафсоният соҳибларидир. Хоразмликлар ҳақида бу гаплар кенг тарқалган, шу боис уларга қарши курашга душман ҳам қўрқиб туради. Улар билан тўқнашганда мағлуб бўлишларига яна бир сабаб, жароҳат олса ҳам хато қилмайдиган мерган камонбозлари борлигидир. Бирорталарини қўлларидан камон тушмайди. Шунингдек, қилич ва найза уруш қуролларида фойдаланишни жуда яхши ўзлаштиришган.

Уларда ҳақиқатгўйлик, диёнат ва омонатга вафо қилиш бор. Виждонлари мусаффо ва пок, яхшилик қилишга рағбатлари кўриниб туради. Уларнинг динлари яхшиларни севиш, ёмонлардан нафратланиш ва ғарибларга эҳсон ва заифларга меҳрибонлик қилишдир. Бошқа хусусиятларини санаб адоғига етолмайсан. Турли ярқираган йўллари, учар отлари, ёввойи, йиртқич лочинлари, жунларининг турлари ва кийимларининг ранги билан бошқалардан ажралиб турадилар. Мевалари энг яхши ва энг иштаҳа очадигани, лаззатлиси ва ширинидир. Тана учун энг фойдали ва қувватли мевалардир. Ҳавоси энг яхши, суви эса энг мазали сувдир, чунки у пок тупроқ устидаги мазали булоқлардан оқиб чиқади. Мисоли фақат жаннатда учрайдиган Хоразм тарвузларини гапирмаса ҳам бўлади.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Рабиъ ул-аброр” асарида берилган турли маълумотлар тарихшунослик фанида алоҳида ўрин тутаяди. Чунки асарда берилган баъзи маълумотлар илмий истефодага биринчи мартаба киритилди. Айниқса асардаги жаҳонга машхур шахсларнинг Хоразм, Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари аҳли, табиати ва иқлимига оид берилган таърифлари ва маълумотлари шаҳарларимизнинг узок ўтмишдан маълум ва машхур эканлигидан далолат бериши асарнинг аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Маҳмуд Замахшарий “Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахбор”. ЎзР ФА ШИ қўлёзма нусхаси №2384.
2. Ал-Хатиб ал-Бағдодий. “Тарихи Бағдод”. Байрут 2001 йил. Ж-2.
3. Ёкут ал-Ҳамавий. “Муъжам ул-булдон” (“Мамлакатлар луғати”). Байрут 1993 йил. 2-Ж.
4. Ибн Ҳавқал “Китоб сурат ал-ард”. Таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. Тошкент 2011.
5. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. “Бухоро тарихи”. www.ziyouz.com. 14-б
6. Маҳмуд Кошғарий. “Девону луғотит турк”. Таржимон ва муаллиф С.Муталлибов. Тошкент 1963 й. 3-том.
7. [https://books.rafed.net/view.php?type=c\\_fbook&b\\_id=349&page=3](https://books.rafed.net/view.php?type=c_fbook&b_id=349&page=3)
8. И.М.Мўминов. “Самарқанд тарихи” 1 том. Тошкент 1971.
9. Абу Жаъфар ат-Табарий. “Тарихи Табарий”. Муҳаммад Абул Фазл Иброҳим таҳқиқи. Байрут 1967 йил Ж-6.

УЎК: 9(58)+070+301.33(584.4)

### ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ИҚЛИМИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА)

*Р.Н.Турсунов, доцент, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент*

**Аннотация.** Россия империяси Туркистон минтақасини босиб олганидан сўнг ўлкани хом ашё базасига айлантириши йўлида бир қатор рус табиатишунос олимларини ҳудудни табиатини, иқлимини ҳамда табиий бойликларини ўрганишга жалб этади. Мазкур мақолада XIX аср ўрталари - XX аср бошида Фарғона водийсининг табиати ва иқлимини ўрганган рус тадқиқотчиларининг асарлари ҳолисона тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** метеорология, иқлим, табиат, об-ҳаво, ҳарорат, тоғ, сув, ёмғир, шамол, булут.

**Аннотация.** После вторжения Российской империи в Туркестанский край ряд российских естествоиспытателей были привлечены к изучению природы, климата и природных ресурсов региона с целью превратить его в сырьевую базу. В статье дается объективное исследование работ российских исследователей, изучавших природу и климат Ферганской долины в середине XIX - начале XX веков.



**Ключевые слова:** Туркестан, Фергана, метеорология, климат, природа, погода, температура, гора, вода, дождь, ветер, облако.

**Abstract.** After the Russian Empire invaded Turkestan, a number of Russian naturalists were involved in the study of the nature, climate and natural resources of the region in order to turn it into a raw material base. This article provides an objective study of the works of Russian researchers who studied the nature and climate of the Fergana Valley in the mid-nineteenth and early twentieth centuries.

**Keywords:** Turkestan, Fergana, meteorology, climate, nature, weather, temperature, mountain, water, rain, wind, cloud.

Метеорология атамаси илк маротоба милоддан аввалги IV асрда, юнон файласуфи Арастуниг “Метеорология” номли асарида келтирилган. Бу атама метеорлар ҳақидаги фан маъносини англаиб, метеорлар деганда ер сирти ва атмосферада рўй берувчи ихтиёрий ҳодисалар (булутлар, ёғингарчиликлар, шамоллар, сув тошқинлари, қурғоқчилик ва бошқалар) тушуниланган[1:5].

XVI асрнинг ўрталарига келиб дастлабки метеорологик ўлчаш асбоблари барометр, термометрнинг ихтиро қилиниши метеорология соҳасининг ривожланишига имкон яратади. XVIII асрнинг биринчи ярмига келиб метеорология мустақил фан сифатида шаклланди.

Туркистон ўлкасида иқлимни ўрганиш мақсадида дастлабки метеорологик станция ва метеорологик кузатувлар 1867 йилдан бошланган[2:178]. 1869 йил 19 декабрда ўлкани табиий шарт-шароитларини ўрганиш мақсадида ташкил этилган Тошкент кимё лабораторияси таркибидаги станцияда 1872 йилдан бошлаб метеорологик кузатувлар олиб борилган[3:218].

Фарғона водийсида ўрнатилган метеорологик станциялар орқали намлик айланмаси ҳақидаги маълумотлар аниқланиб, улар намоён қилган мураккаб иқлим манзарасини минтақа тоғларининг музлик ва қорли майдонларида кузатиладиган ёғингарчиликлар бироз юмшатган.

Ўлканинг топографик шароити турфа хил бўлиб, баъзи жойларда чуқур жойлашган майдонлар океан сатҳидан 160 фут (1 фут – 30,48 см.) баландликда бўлиб, бошқа жойларда эса кўплаб тоғ тизмалари чўзилиб, уларнинг чўққилари 23.000 футгача кўтарилганлиги каби ҳолатлар ҳаво оқимларининг турлича бўлишига олиб келади.

Метеорологик станциялар кузатувлари ёрдамида Фарғона вилоятида жанубий-ғарбий илиқ шамол оқимлари аниқланган бўлиб, бу худуд иқлимни иссиқ ўлкалар ўсимликлари ўсиши учун анча юмшоқ ва мўтадил даражага келтирган.

XIX асрнинг бошларида хорижлик сайёҳлар орасидан биринчилардан бўлиб, 1821 йилда Буюк Британиялик саёҳатчи Джеймс Бэйли Фрейзер Фарғона вилояти табиати ва иқлими ҳақида тўхталиб, вилоятда қиш фасли 3 ой бўлишини, баҳор фасли бироз ёғингарчилик билан бошланиб, кучли шамоллар кузатилишини, ёз фасли жазирама ва курук, намгарчилик фақат ёзнинг охириларида қайтишини баён қилади.

1878 йилда рус табиатшуноси ва сайёҳ А.Ф.Миддендорф Туркистон генерал-губернатори К.П. фон Кауфманнинг таклифига кўра, Фарғона вилояти табиати ва қишлоқ хўжалигини ўрганади. Муаллиф водийни Ўрта Осиёда 40 ва 41 кенглик даражасида жойлашганлигини, хилма-хил иқлим шароитлари билан ажралиб туришини, майдони денгиз сатҳидан атига 1,5 минг фут (1 фут – 30,48 см.) баланд бўлганлигини, осмонўпар тоғлар билан ўралганлигини кузатувлари жараёнида ўрганади.

Фарғона водийси унча катта майдонни эгалламаган бўлса-да, алоҳида қисмларининг иқлим шароитлари турли хиллиги ва ҳаттоки, бир-бирига тескарилиги билан ажралиб турган. Албатта, турлича иқлим водийни ҳалқалар сингари ўраб олиб, туб майдон қисми фақат ғарбий ва жанубий-ғарбий қайноқ саҳро шамолларига очик бўлиб, унда қаттиқ субтропик ёзги жазирама кузатилган.

А.Ф.Миддендорф водийнинг табиатини ўрганишлари давомида тоғлар этагига яқинлашилса, оғир ҳаво қатламлари худуди бошланишини, июль ва август ойлари тунларида Фарғона марказларида ҳарорат 25-28 даража иссиқ бўлиб, қалин кўрпада ётишга ҳожат бўлмаслигини, кундузи иссиқ, тунда эса жуда дим ҳаво бўлишини баён этади.

Фарғона водийси тоғ этаклари иқлими ҳақида муаллиф қуйидаги қимматли маълумотлар келтириб ўтади: Кўпинча февраль ойидаёқ аёзсиз об-ҳаво бошланиб, март ойи ўрталарида ҳарорат 20 даражадан ошиб, ўт-ўланлар ўса бошлайди. Февраль ойининг қуёшли кунлари шунчалик илиқ бўлиб, ҳақиқий баҳор тафти сезилиб туради. Ҳарорат тез муддатларда кўтарилиб кетади. Тунлари бироз салқин бўлиб, май ойидаги ҳолат европалик - шимолликлар учун ноқулай туюлиб, ёзнинг иккинчи ярмидан умуман чидаб бўлмас ҳолат бошланади. Июль

ва август ойларида ўртача ҳарорат деярли 30 даражага етиб, кўпинча 35-36 даража иссиқ бўлади. Қуёш остидаги ер қатлами 70 даража иссиқ, муаллиф унда тухум пишиши мумкинлигини таъкидлайди[4:104].

А.Ф.Миддендорф Фарғона водийси иқлимни синчковлик билан ўрганиб, соя жойларда ҳам жуда иссиқ ҳаво бўлишини, суғориш тизими континентал иқлим шароитига деярли ижобий таъсир кўрсата олмаслигини, ер қатлами ҳаво қатлампидан анча олдин иссиқ ҳароратга ўтишини, сентябрь ойи майга ўхшаса, октябрь ойи эса апрелга ўхшашини, бу кузги ойлар жазирама ёздан кейин йилнинг энг ёқимли мавсуми эканлигини, мартда қаттиқ совуқлар бўлмаслигини, ноябрда эса ҳаво кучли совуқ бўла бошлашини, декабрь ойида ҳаво ўзгариб туришини, яъни баъзи йиллари декабрь ойи қорсиз ўтиб, ҳарорат 0 даражадан озгина пасайиб, ўртача ҳарорат 0 даражадан юқори бўлиб, кундузи 10 даража илиқ бўлиб турганлигини, баъзи йиллари эса ҳаттоки, кундузлари ҳам ҳарорат 16 даража совуқ бўлганлигини, январь ойи ноябрь ойидан совуқроқ бўлиб, декабрь ойининг қаҳратон совуқлари эса январда ҳам такрорланиб туришини баён этади.

Муаллиф фикрича, қишги мавсум – йилнинг иккинчи ярми совуқроқ бўлиб, октябрдан мартгача давом этади. Бу ерда водийнинг туб майдонидан кўтарила бориб, қисқа давр ичида барча иқлимларни: тропик жазирамадан бошлаб, Сибир аёз ҳукмрон қорли ва музлик иқлимларигача кўриш мумкин.

Таъкидлаб ўтилганидек, Фарғона иқлими ўзига хос равишда хилма-хил ва зиддиятлидир. Бу ҳолат нафақат об-ҳавода, балки, намлик ва ҳавонинг тинч ҳолатида ҳам ўз аксини топган. Қолаверса, об-ҳавонинг ўзгарувчанлиги – доимийликка бўйсунмаслик жиҳатлари ҳам ушбу ўзига хосликни давом эттиради. Айниқса, водийнинг туби ва баланд тоғликлари ҳудудларнинг иқлим шароитлари қудратли қўшни минтақалар таъсирига учраб ўзгариб турган. Об-ҳаво бир кескинликдан иккинчисига алмашиб ўтиб туради.

А.Ф.Миддендорфнинг кузатувларига кўра, водийнинг ўзида ҳам ўтиш мавсумлари алоҳида ажралиб, қиш мавсуми доимий эмаслиги, бир неча қиш мавсумлари кетма-кет илиқ келиши, ёғган қорлар тезда эриб, мавсум лойли ноқулайлиги билан ажралиб турганлиги, баъзан икки ойлаб қаҳратон совуқ ҳаво ёпирилиб, ҳарорат узоқ муддат -16 даражада турганлиги, ҳаттоки, 1877-1878 йиллар қиш фаслида 1 футгача ёғган қорлар 10 декабрдан февраль ўрталаригача сақланиб туриб, совуқ ҳарорат -20 даражага етганлиги, натижада нафақат кўплаб мевали дарахтлар ва узум тоқлари, балки маҳаллий аҳоли ҳам ҳалок бўлганлигини кузатиш мумкин[5:119].

Миддендорф қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда муҳим манба ҳисобланган сувнинг ҳароратини ҳам ўрганади. Фарғона марказида йиллик ўртача ҳарорат тахминан +15 даража бўлган. Дехқончилик учун муҳим бўлган сув манбалари ҳарорати мавсуми ҳамда ҳудудига қараб турлича бўлган. Экинларни биринчи марта суғориш март ойи биринчи ярмида амалга оширилиб, бу пайти сувнинг ҳарорати камида +10 даражани ташкил этган.

Муаллиф 1878 йилнинг 5 апрель санасида Қўқонда Янгиқўрғон канали станциясидан суғориш иншоотлари сувларининг ҳароратини +18 даражалигини, бир ойдан сўнг Нанай яқинида сувнинг ҳароратини ўлчаб, +8, +6 даражани ташкил этганлигини, Поч-отанинг тоғлар бағридан оқиб чиқаётган сувлари ҳарорати атига +4, +2 даражада бўлганлигини аниқлаб, бундай тоза, салқин сувлар ўсимликларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаб ўтади.

Норин сувлари эса, аксинча, Учқўрғон яқинидаги қорли тоғлардан шарқираб оқиб, +21 даражани ташкил этиб, ҳудуддаги ҳаво ҳарорати +27 даража, чакмоқлар ва ёғингарчилик пайти эса +22 даражани кўрсатган[6:120].

1878 йилнинг 8 июнида шимолий кенглик бўйича 44 даража остида жойлашган Сирдарё сувлари ҳарорати +24 даражани, ҳавонинг ҳарорати эса +29 даражани кўрсатган. Тоғлар бағридан оқиб чиқаётган 0 даражада бўлган музли сувларнинг бунчалик тез иссиқ кетишидан А.Ф.Миддендорф ҳайратда қолган. Бунинг асосий сабаби сифатида сувнинг кўплаб сойларга ажралиб оқиши ва натижада иссиқ ҳароратли ер қатламига тегиши ҳамда қуёш нурларининг тушиши билан боғлиқ эканлигини таъкидлайди.

Метеорологик тадқиқотларга кўра, Қўқонда эсадиган шамоллар фақат ғарбий шамоллар ва ғарбий бўронлар бўлиб, асосан тунги пайтда, шунингдек, ёзда ҳам, март, сентябрь, ноябрь ва декабрь ойларида ҳам шамоллар эсиб турган. Ушбу ғарбий шамоллар ер юзасида айланиб чиқадиган йирик шамолларнинг бир қисмидир. Аммо ёз мавсумида эсадиган ғарбий шамоллар сайёрадаги энг қуруқ шамоллардан бири бўлиб, икки дарё оралиғининг қумли саҳролари

устидан жазирама қайнаган ҳаво массаларига кўшилиб, қорли осмонўпар тоғларга қараб йўлини давом эттиради.

А.Ф.Миддендорф май ойи охирларида дашт майдонлари ҳароратини ўлчаб, очик осмон остида қолдирилган қурол стволени қайноқлигидан ушлаб бўлмас даражада жазирама бўлишини таъкидлайди[7:122].

Муаллиф ўзининг кузатувлари давомида Фарғона водийсида табиат ходисаларидан бири бўлган ёғингарчилик ва у билан боғлиқ бўлган табиий жараёнларни атрофлича ўрганганлигини кўриш мумкин. А.Ф.Миддендорф Фарғонага саёҳат қилмасидан олдин бу ҳудуд об-ҳавоси ҳақида бутунлай бошқача фикрда эканлигини баён этиб, “Биз Фарғона водийсида доимо очик ҳаво, булутсиз осмон бўлади, деб ўйлаган эдик. Аслида бошқача бўлди: муаллиф водийда бўлганида, ёмғирлар туфайли ноқулайликларга дуч келиб, водий осмони гоҳ булутли, гоҳида чанг тумани билан қопланар эди. Аммо ўшанда маҳаллий аҳолининг айтишича, ғалати йил бўлган эканлигини” таъкидлаб ўтади[8:124].

Муаллиф Эски Марғилонда – водийнинг марказий қисмида бўлганида, март ойининг иккинчи ярмида ҳам бир неча маротаба ёмғир ёғганлигини кузатади. Қишнинг серсув намгарчилигидан кейин жуда кўп ёмғир ёғиб, ундан кейин келган совуқ ҳаво ўсимликларни илдизигача зарарлаган. Тадқиқотчи Тейх ҳам Тошкентда 12 ойнинг илк 3 ойи даврида йиллик меъёридан кўпроқ ёмғирлар ёғганлигини таъкидлаган.

И.И. Гейернинг маълумотларига кўра, Фарғона вилоятида ёғингарчилик даражаси йилига 194.8 мм.ни ташкил этган бўлса, намлик буғланиши эса 1003 мм.га тенг бўлган[9:7].

А.Ф.Миддендорф водийнинг шимолидан қайтаётиб, апрель ва май ойларида ёмғир тагида кўп маротаба қолиб кетиб, бу ёмғир момақалдинокли ёмғир эди, деб таъкидлаб ўтади.

Умуман олганда, водий атрофи ҳудудларида ёмғир ва момақалдинокли ёмғирлар тез-тез кузатилиб турган. Баҳор мавусмида эса, яъни март ва апрел ойларида тоғли чекка ҳудудларда ҳар кун ёғингарчилик кузатилган. Муаллиф ёғингарчилик тугаганидан сўнг очик осмонда улкан оқ, оч булутлар сузишини кузатиб хайрон қолган. Бундай кучли ёмғирлар ёзда ҳам такрорланиб турган. Ёмғирлар кучли дўлга айланиб, сел деб номланган. Аслида сел – буғланган намликнинг қуюқ томчилардан иборат ҳолатга айланиши бўлиб, улар чуқур жойлашган тоғ этаклари майдонларида алоҳида куч билан содир бўлган.

А.Ф.Миддендорфнинг таъкидлашича, водийда бўлган европалликлар учун шуниси ажабланарли бўлганки, улкан, қора булутларга қарамай, жуда кам ёмғир ёғганлиги, баъзан санокли йирик ёмғир томчилари ерга етиб келиб, бу жуда қисқа давом этганлиги, жуда иссиқ ҳарорат туфайли қуруқ ҳавонинг сув буғларига бўлган эҳтиёжи ҳаддан ташқари ошиб борганлиги, ерга етиб келган намликни ҳаво тезда ўзига сўриб олганлиги, хатто осмондан тушаётган ёмғир ҳам қисман ерга етиб келмай, ҳаво уни йўқ қилганлиги каби табиат ходисалари кузатилган.

Ёмғир ҳақида келтирилган фактлар қор ёғиш жараёнига ҳам тегишли бўлиб, водийнинг ўзида қорлар унчалик кўп ва давомли бўлмаган. Чекка ҳудудларда ва тоғ ён бағирларида эса қор қатламлари бир неча сажен (2,16 м) ни ташкил этиб, ёз фаслининг ўрталаригача сақланиб турган[10:126].

Шудринг тушиш ҳолати водийда кам учраб, истиснолар бўлиб турган. Муаллифнинг кузатувларига кўра, 1878 йилнинг 22 апрелида Асака яқинида жуда иссиқ кун тугаб, совуқ тун бошланиб, аммо тонги соат 6-00 да ҳарорат +18 даражани кўрсатганлиги, экин ва ўтлар кўп миқдорда тушган шудрингдан ивиб кетганлиги, бошқа мавсумда бундай ҳолат бу ерда содир бўлмаслиги, водийнинг теварак туманларида кўпроқ шудринг пайдо бўлиши аниқлаган.

Фарғона водийси иқлими каби унинг ёғингарчилик ва ҳаво намлигида ҳам хилма-хилликни кўриш мумкин. Бу ерда ёғинлар билан боғлиқ бир-бирига тесқари ҳолатлар тез-тез содир бўлиб турган. Жумладан, водийда қиш фаслида ёмғирлар ёғиши жуда кўчайган бўлса, баҳорда бу ҳол кучсизланиб, ёз мавсумида умуман ёмғир учрамай, фақат теварак-атрофни ўраб олган тоғларда ва шимолий-шарққа томон жойлашган текис тоғликларда ёмғирлар ёғиши давом этганлиги, сувнинг буғланиш жараёни апрелдан бошлаб кучайиб, июлда авжига чиққанлиги, қишда эса январь ва феврал ойларида буғланиш энг паст даражада бўлиб, ёғингарчилик буғланишга учрайдиган сув миқдоридан кўпроқ бўлганлиги кузатилган.

Фарғона вилоятининг табиати ва иқлими ҳақида И.И.Гейер қимматли маълумотларни келтириб ўтади. Жумладан, муаллиф Туркистоннинг ушбу қисми, яъни, Фарғона вилояти минтақанинг 3 та вилояти орасида шуниси билан ажралиб турадики, ҳам иқлим шароити, ҳам тупроқ таркиби жиҳатидан энг аъло даражадаги ўлка бўлиб, айниқса, бу ерда пахта етиштириш учун қулай шароит мавжуд эканлигини таъкидлайди[11:65].

Тоғлар билан ҳимояланган вилоятда вегетацион давр жуда узоқ ва аёзсиз кунлар ҳам кам бўлиб, бу шароит пахта чаноклари очилиши даврини кўпайтириб, унинг унумдорлигини оширишга хизмат қилишини, йил давомида Фарғонада 250 кунгача аёзсиз кунлар бўлиб, кўшнинг қувватидан пахталар етилиши августда бошланиб, кўпинча то ноябргача чўзилишини, бу эса жуда кўп пахта чанокчалари очилиб улгуришига замин яратиб, олий навли пахта ҳосили етиштирилишига олиб келган.

Умуман олганда, рус табиатшунос олимлари томонидан XIX аср ўрталари - XX аср бошида Фарғона водийсининг табиати ва иқлимини ўрганилиши ҳамда унинг натижаларини империя раҳбариятига тўла-тўқис тақдим этилиши Туркистон ўлкасини хом ашё базасига айлантириш жараёнларининг тезлашишига хизмат қилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Петров Ю.В., Эгамбердиев Ҳ.Т., Холматжанов Б.М. Метеорология ва иқлимшунослик асослари. Ўқув-услубий кўланма. – Тошкент. – Б. 5.
2. Ишанходжаева З.Р. Вклад русских ученых в изучении естествознания Средней Азии в конце XIX – начале XX вв. // XIX – XX аср бошларида Марказий Осиёда интеллектуал мерос: анъаналар ва инновациялар. Илмий тўплам. / Масъул муҳаррир т.ф.д, проф. Д.Х.Зияева. – Тошкент. 2018. – Б.178.
3. Ўзбекистон ҳудудида табиий фанлар йўналишидаги илмий тадқиқотлар ва экспедициялар (XIX аср – XX аср бошлари) [Матн] / лойиҳа раҳбари Д.Х.Зияева. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б.218.
4. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.104.
5. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.119.
6. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.120.
7. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.122.
8. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.124.
9. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.7.
10. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины. – СПб., 1882. – С.126.
11. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент. 1909. – С.65.

УЎК 93/94

### СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ТИББИЙ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ОИД НАЗАРИЙ ХУЛОСАЛАР

*Ш.А. Убайдуллаева, мустақил изланувчи, Қариш Давлат Университети, Қариш*

**Аннотация.** Ўзбекистонда кейинги йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида жиддий ислохотлар амалга оширилиб, ихтисослашган тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш, жисмоний бақувват ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш борасида кўпгина тадбирлар олиб борилган бўлсада, аммо бу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар жуда кўп.

**Калит сўзлар:** тиббиёт йўналишидаги ўқув муассасалари, ижтимоий-маиший турмуш шароитлари, тиббиёт йўналишидаги илмий мактаблар ва илмий-тадқиқот муассасалар, фельдшер-акушерлик пунктлари.

**Аннотация.** В последующие годы в Узбекистане были проведены серьезные реформы в области здравоохранения, хотя было предпринято много мер по оказанию специализированных медицинских услуг, защите материнства и детства, обеспечению населения лекарствами, совершенствованию физически энергичного и духовно здорового поколения, но в этой области еще много проблем, ожидающих своего решения.

**Ключевые слова:** учебные заведения по направлению медицины, социально-бытовые условия жизни, научные школы и научно-исследовательские учреждения по направлению медицины, фельдшерско-акушерская пункты.

**Abstract.** In the following years, serious reforms have been carried out in the sphere of health care in Uzbekistan, although many measures have been taken to provide specialized medical services, protection of motherhood and childhood, provision of the population with medicines, perfection of physically energetic and spiritually healthy generation, but there are many problems waiting for their solution in this area.

**Keywords:** educational institutions in the direction of medicine, social-household living conditions, scientific schools and research institutions in the direction of Medicine, feldsher-obstetrics punkts.

**Кириш.** Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати муайян давлат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини белгилашнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида муайян дастурлар ишлаб чиқилиб, ислохотлар жадаллик билан



олиб борилди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги (1996) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985 –сонли “Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 1 апрелдаги ПҚ-2863 сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956 сонли “Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари соҳада жиддий ислохотлар учун асос бўлмоқда.

Жаҳонда экологиянинг ёмонлашуви, иқлим ўзгариши, халқаро эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви соғлиқни сақлаш ишига катта эътибор беришни талаб қилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан Ер юзининг турли ҳудудларида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳукуматлар билан соғлиқни сақлаш дастурини ишлаб чиқиш ва кучайтириш, эпидемияларга қарши кураш юзасидан ҳамкорлик қилиш бўйича чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Жамият ва давлат тараққиёти кўп жиҳатдан соҳаларда фаолият кўрсатаётган кадрларга боғлиқ бўлиб, улар муайян соҳасининг асосий таянч нуқталаридан бирidir. Жумладан, ижтимоий ҳаётда тиббиёт кадрлари муҳим ўрин эгаллаб, улар зиммасига инсонлар саломатлигини сақлаш, касалланиб қолганларни даволашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юкланади. Ўзбекистонда олий ва ўрта маълумотли тиббиёт ходимлари тайёрлаш, даволаш муассасаларини кадрлар билан таъминлаш юзасидан қатор чора-тадбирлар олиб борилиб, улар сони йилдан-йилга кўпайтирилди.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Соғлиқни сақлаш соҳасини йўлга қўйиш ва унинг турли йўналишлари доирасида олиб борилаётган тадқиқотлар мазмуни ва тарихини ўрганиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Stanford University School of Medicine (АҚШ), Harvard Medical School (АҚШ), Warren Alpert Medical School of Brown University(АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), The Institute for Asian and African Studies of Humboldt University (Германия), Department of Central Eurasian studies, Indiana University, Bloomington (АҚШ), Open University Press (АҚШ) Институт истории РАН (Россия), Тарих институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Соғлиқни сақлаш ишини такомиллаштириш ва унинг турли йўналишлари доирасида олиб борилаётган тадқиқотларда қатор, жумладан куйидаги илмий натижалар олинган: даволаш-диагностика жараёнида замонавий усуллар (лазер, литотрипсия, мезотерапия, кимёвий-механик усул); комплекс ижтимоий-гигиеник назоратлар асосида пародонт касалликлари профилактикасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Stanford University School of Medicine(АҚШ), (The Institute for Asian and African Studies of Humboldt University, Германия); жаҳон соғлиқни сақлаш тизими интеграциялашуви тажрибасидан минтақа соғлиқни сақлаш соҳасини йўлга қўйишда фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган (Warren Alpert Medical School of Brown University(АҚШ), (The School of Oriental and African Studies (SOAS), (University of Cambridge, (Буюк Британия); болаларни сил, полиомиелит, қизамиқ каби касалликларга қарши эмлаш, ОИТС профилактикаси ва унга қарши кураш тажрибасидан ҳозирги замон шароитида фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилган (Duke University School of Medicine (АҚШ), (Institute for European, Russian and Eurasian studies (IERES), АҚШ); тиббий кадрлар тайёрлаш ишини таълим тизими ислохотлари механизмларини такомиллаштириш орқали яхшилашга доир тавсиялар ишлаб чиқилиб, уларни амалиётга татбиғи асосланган (Harvard Medical School (АҚШ), (European Advisory Committee on Health Research, EACHR, Германия), совет атеистик сиёсатининг Марказий Осиё халқлари ҳаётига салбий таъсири, хусусан, халқ тиббиётига нисбатан чеклашлар илмий асосланган (Austrian Academy of Sciences Institute of Iranian Studies Австрия).

Дунёда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, иқтисодий ва ижтимоий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: даволашнинг замонавий усуллари, яъни лазер терапияси, дистанцияли зарба тўлқинли литотрипсия, мезотерапия (сочни қалинлаштириш), кимёвий-механик усул (тиш кариесига қўлланилади); сил касаллигини даволаш усуллари такомиллаштириш; соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини шароитида юрак касаллиги профилактикаси; ОИТС ва унга қарши кураш; маҳаллий доривор ўсимлик хом ашёлари асосида янги дори воситаларини ишлаб чиқариш; тиббий-ижтимоий реабилитациясини биргаликда олиб бориш; озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш; оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишини яхшилаш орқали оналар ва болалар ўлимини камайтириш.

### **Тадқиқот методологияси**

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси тарихшунослиги дастлаб XX асрнинг 50-йилларига келиб яратилган тадқиқотларда таҳлил этилди ва муаммонинг ўрганишни ғоявий асослари қандай бўлиши кераклиги белгилаб берилди. Бу даврда Иттифоқ республикаларининг барчасида соғлиқни сақлаш ишини ташкил этиш ва тиббиёт тарихи илмий-тадқиқот институтлари фаолияти йўлга қўйилди. Илмий муассасаларда соғлиқни сақлаш соҳаси тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар зиммасига марксизм-ленинизм ғоялари асосида Иттифоқда тиббий қарашлар тарихини ўрганиш; соғлиқни сақлаш соҳаси тарихининг назарий ва амалий ишларини танқидий ўрганиш ва умумлаштириш; тиббий-тарихий тадқиқотларнинг ўрганиш усулларини мукамаллаштириш каби вазифалар юкланди. Тошкентда ҳам шу турдаги илмий муассаса фаолият юритиб, унинг илмий ходимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилди ва натижалари тўпламлар шаклида нашр этилди.

Мустақиллик йилларида тарихшунослик фанининг вазифалари ва моҳияти тубдан ўзгариб, замон талабларига мувофиқ такомиллашиб борди. Ўзбекистонда ижтимоий соҳанинг кўп жиҳатлари муаммовий тарихшунослик доирасида тадқиқ этила бошланди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тарихшунослигига оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тадқиқот мавзуси ўз мазмунига кўра яхлит, кўп қиррали ва мураккаб илмий муаммони ўзида мужассам этган, тарихий билимлар динамикасини ўзида акс эттирган комплекс иш ҳисобланади.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилган сиёсатнинг моҳияти, тармоқларида амалга оширилган чора-тадбирлар ва уларнинг натижалари, тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва даволаш муассасаларини мутахассислар билан таъминлаш каби масалалар ташкил қилади. Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича миллий дастурни ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ ҳужжатларни тайёрлаш, тасдиқлаш ҳамда амалиётга татбиқ этишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган;

соғлиқни сақлаш ишини янада такомиллаштириш, хусусан, соҳани молиялаштиришга турли структураларни жалб этиш, бошқа давлатлар билан ҳамкорликда даволаш муассасалари ташкил этишни кенг йўлга қўйиш, тиббиёт кадрлари тайёрлашда фан, таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш, соҳа тарихи ва ҳозирги кундаги аҳолига доир сўровномалар ўтказиш ва натижаларга қараб, уларнинг ташкил этилишига оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳасининг ўзида хос жиҳатларини аниқлаш, меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, тиббий кадрлар тайёрлашга оид назарий хулосалар ҳамда услубий ёндашувларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жамиятнинг маданий-маърифий ривожланиши, миллий кадриятлар, ўзбек давлатчилиқ тарихини тадқиқ этишга қаратилган давлат дастурларининг бажарилишига, шунингдек, соғлиқни сақлаш ишини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий, назарий-амалий асосларини яратиш ҳамда таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихи фани бўйича янги ўқув курсларида фойдаланишга хизмат қилиши билан асосланади.

XX аср 40-йилларининг иккинчи ярмида маҳаллий аҳоли ҳаётига дунёвий тиббий ёрдам жадаллик билан кириб келаётган йилларда, Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш иши ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган фидойи инсон, врач Р. К. Қосимова ўз хотираларида шундай ёзади: “Бу йилларда вилоятда мутахассислар жуда кам эди. Вақти келиб ҳам педиатр, ҳам терапевт, ҳам эпидемиолог бўлиб экспедицияларда иштирок этишга тўғри келди. Аҳолининг санитария маданиятини кўтариш, беморларни касалхоналарга ётқизиш, эпидемия ўчоқларни тугатиш, ФАПларни ташкил этиш каби муҳим муаммоларни ҳал этиш зарур эди”.

Тиббий хизмат ходимлари айниқса қишлоқларда эпидемияларни тугатиш, эмлашлар ўтказиш жараёнида барча қийинчиликларга бардош бериб, ўз хизмат бурчларини адо этдилар. Бу ҳақда кўп йиллар Қарши шаҳар шифохонасида санитарка, кейинчалик ҳамшира бўлиб хизмат қилган А. Р. Чулкова қуйидагиларни баён қилади: “Қишлоқ аҳолисини эмлашда кўп қийинчиликларни бошдан ўтказдик. Биз яқинлашимиз билан кишилар эшикларини қаттиқ ёпиб, уйга киришимизга йўл қўйишмасди. Эмлашдан бош тортиб, берган дориларимизни улоқтириб юбордилар”. Бу даврларда аҳолининг санитария маданияти жуда паст бўлиб, улар тиббий хизмат ходимлари қўлида даволанишни худога шак келтириш, деб ҳисобладилар. Йиллар ўтиб ҳаёт ҳам ўзгарди, аҳолининг санитария маданияти ҳам ўсиб борди ва уларнинг

ўзлари келиб врачларга мурожаат қиладиган бўлди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тиббий хизмат анча яхшиланиб, мутахассис терапевтлар, фтизиаторлар, педиатрлар, акушер-гинекологлар, психиатрлар, окулистлар, кардиологлар, жарроҳлар аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиб келди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон вилоятларида терапия хизмати кўп йиллик амалий тажрибага эга бўлди. Илғор терапевтлар замонавий тиббиёт усулларида кенг фойдаланиб, мазкур соҳани ривожлантиришга ўзларининг бор куч ва ғайратларини сарфладилар.

#### **Хулоса ва таклифлар**

Ўзбекистонда даволаш муассасаларини тиббий кадрлар билан таъминлаш, тиббиётнинг турли ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлаш, тиббиёт кадрлари малакасини ошириш юзасидан қатор амалий ишлар бажарилиб, кўплаб ютуқлар қўлга киритилса-да, аммо бу борадаги кўрсаткичлар Иттифокдош республикалар билан таққосий таҳлил этилганда, ўртада катта тафовут мавжудлиги ва вилоятлари даволаш муассасалари тиббиёт кадрлари билан таъминлаш даражаси марказий ҳудудларга нисбатан бир неча марта орқадалиги аниқланди. Ўзбекистон даволаш муассасаларининг аксарияти олий маълумотли тиббиёт кадрлари билан таъминланмаганлиги туфайли беморларни ўрта тиббиёт ходимлари қабул қилди. Бундан ташқари тиббиётнинг турли ихтисосликлари бўйича, яъни педиатрия, акушер-гинекология, фтизиатор, венерология йўналиши мутахассислари танқислиги сабабли теританосил касалликларини акушер-гинеколог, сил касалларини венеролог қабул қилиш ҳолатлари учраб турди.

Тиббиёт кадрларининг баъзиларида касб маҳоратининг етишмаслиги, билим ва тажрибалари замон талабларига мувофиқ эмаслиги, ўз вазифаларига масъулиятсизлик ва совуққонлик билан ёндашганликлари, улар ўртасида порахўрлик ва таъмагарликнинг авж олиши даволаш иши сифатига салбий таъсир кўрсатиб, бу ҳолат беморларнинг кўплаб арз хатлари ва шикоятларига сабаб бўлди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти 1948 йили 7 апрелда ташкил этилиб, штаб-квартираси Швейцарияда. Ташкилот дунё аҳолиси соғлигини сақлаш муаммоларини ечиш, соҳани ривожлантириш ва илғор тажрибаларни тарғиб этиш бўйича ишларни амалга оширади. Қаранг: [http:// ru.wikipedia.org](http://ru.wikipedia.org).
2. Вопросы истории медицины. – М.: Медицина, 1958. – С. 38; Вопросы истории медицины. История медицины в СССР. – М.: Медицина, 1959; Очерки историографии советского здравоохранения (Под ред. Барсукова М.И.). – М., 1965
3. Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – Ташкент, 1964;
4. Агзамходжаев С.А. Институт и его задачи // Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – С. 5–94; Сагатов Р.С.
5. Основные направления научных исследований по организации здравоохранения и истории медицины в Узбекистане // Вопросы организации здравоохранения и истории медицины Узбекской ССР. Сб. трудов. – С. 10–16;
6. Вопросы организации здравоохранения и истории медицины. – Ташкент, 1968;
7. Вафакулов Б. Здравоохранение Кашкадарьинской области за 50 лет.– С. 38.

УЎК 903

## **СУРХОН ВОҲАСИДА АНТРОПОГЕН ЛАНШАФТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ БОШЛАНИШИ ВА ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯСИ**

*Т.Ч. Холияров, мустақил изланувчи, Термиз давлат университети, Термиз*

**Аннотация.** Мақолада Сурхон воҳаси ҳудудида мавжуд бўлган антропоген ландшафт турлари, воҳанинг рельефи, тоғлари, дарё водийлари, даштлар ва қир-адирлари ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** антропоген ландшафтлар, сугориладиган қишлоқ хўжалик ландшафтлари, воҳа-селитеб, сувли, рекреацион, қадимий селитеб мадфун ландшафтлар.

**Аннотация.** В статье представлена краткая информация о типах антропогенных ландшафтов Сурхандарьинского оазиса, рельефе оазиса, горах, речных долинах, степях и холмах.

**Ключевые слова:** антропогенные ландшафты, орошаемые сельскохозяйственные ландшафты, оазис-селитебные, водные, рекреационные, древние селитеб-мадфунские ландшафты.

**Abstract.** The article provides brief information about the anthropogenic landscape types of the Surkhandarya oasis, the relief of the oasis, mountains, river valleys, steppes and hills.

**Key words:** *anthropogenic landscapes, irrigated agricultural landscapes, oasis-seliteb, aquatic, recreational, ancient seliteb madfun landscapes.*

**Мавзунинг долзарблиги:** Сурхон воҳаси ҳудудлари антропоген ландшафтнинг ҳар-хил турлари, жумладан, ўтроқ деҳқончилик вужудга келган ва шаклланган қадимий марказлардан бири ҳисобланади. Сурхондарё вилояти шимолдан Ҳисор тоғлари, ғарбдан Бойсунтоғ ва Кўхитантоғ тоғлари, шарқдан Боботоғ тоғлари, жанубдан Амударё билан чегараланади [1,7]. Воҳа ҳудудида мавжуд бўлган антропоген ландшафт турлари, воҳанинг рельефи, тоғлари, дарё водийлари, даштлар ва қир-адирлари тарихий географик жиҳатдан ўрганилмаган.

**Тадқиқот усули:** Мақола манбаларни қиёсий-мантикий таҳлил этиш усулида ёзилди ва фанлараро ёндашув методи қулланилди.

**Тадқиқот натижалари:** Антропоген ландшафтлар тарихий – этнографик ёки тарихий – маданий районлаштириш муаммоларини ўрганишда асосий ўрин тутди [2]. Сурхон воҳасида табиий шароитнинг ўзига хосликлари туфайли қадимдан инсон яшаш учун қулай ҳудуд ҳисобланган [3,50]. Тадқиқотчи олимлар томонидан Сурхондарё вилояти геологик-геоморфологик, иқлимий, гидрологик ва биогеографик таҳлиллар натижасида Сурхон-Амударё аллювиал текислиги, Кўхитанг-Бойсунтоғ тоғ олди аллювиал-проаллювиал текислиги, Тўйинтоғ-Бойсунтоғ аллювиал-проаллювиал текислиги, Кўхитантоғ-Бойсунтоғ тоғ ландшафти, Боботоғ тоғ ландшафти каби 5 та табиий ландшафтларга бўлинади [4]. Маълумки, табиий ландшафтлардан ташқари, антропоген ландшафтлар ҳам мавжуд.

Сурхон воҳаси ҳудудида А.А. Абдулқосимов томонидан Ўрта Осиё бўйича ажратган антропоген ландшафтлар синфларининг деярли барчасини учратиш мумкин [5]. 1. Суғориладиган қишлоқ хўжалик ландшафтлари - Сурхондарёнинг кўҳна қайирларига тўғри келади. Амударёнинг кўҳна қайирларида, шунингдек, 2. Кучли намланган суғориладиган ландшафтлар ҳам таркиб топган бўлиб, шолиторлар барпо этилган. 3. Лалмикор (баҳорикор) антропоген ландшафтлар – Бойсун ва Боботоғ тоғ тизмалари тоғ олди қисмига тўғри келиб, ер ости сувлари жуда чуқурда ётади, тупроқ таркибида намлик ва чиринди миқдори камлиги туфайли лалмикор деҳқончиликда фойдаланилади. 4. Воҳа-селитеб ландшафтлари – Сурхон воҳасининг аҳоли яшаш ва хўжалик фаолияти учун қулай бўлган тоғолди пролювиал текисликлари, дарё ва сойларнинг тоғолди ёйилма конуслари, янги ўзлаштирилган ҳудудларда жойлашган қишлоқ, шаҳарча ва шаҳарлардан таркиб топган. Кейинги вақтларда воҳа селитеб ландшафтларининг кўлами кенгайиб бормоқда. 5. Сувли антропоген ландшафтлар – Сурхон воҳасидаги сув омборлари, каналлар, ариқлар, зовурлар ва коллекторлардан иборат. Бундай ирригацион ландшафтларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларнинг таъсири ҳудуддаги барча антропоген ландшафтларда акс этади ва уларнинг таркиб топишининг асосий негизи ҳисобланади. 6. Рекреацион ландшафтларга соғломлаштириш, истироҳат мақсадларида ташкил этилган боғлар, шаҳар ва шаҳар атрофидаги хиёбонлар, шифобахш минерал булоқлар атрофидаги зиёратгоҳлар, дам олиш ва соғломлаштириш масканлари киради. 7. Йўл ландшафтларига автомобил йўллари, темир йўллар кириб, тош-шағал ва асфальт билан қопланган. Бунда кўпроқ рельефга таъсир кўрсатилади. 8. Саноат ландшафтлари тоғ-кон саноати қайта ишлаш техникаси билан табиий муҳит ўзаро алоқадорлиги туфайли таркиб топади. 9. Қадимий селитеб мадфун ландшафтларга кўрғонлар, қадимий манзилгоҳлар қолдиқлари кириб, улар узоқ ўтмишдан ҳозиги кунгача айримлари сақланиб қолган. Бундай ландшафтлар Термиз, Музрабод, Шеробод, Ангор, Шўрчи, Бандихон, Денов каби туманлар ҳудудларида қадимги қалъалар, ибодатхоналар ва манзилгоҳлар қолдиқлари сифатида учрайди.

Антропоген ландшафтлар тарихини тадқиқ этган олим А.Валиев Ўзбекистон шаҳарларида антропоген ландшафтлар шаклланиши ва ривожланишини тадқиқ этиш археологик материаллар ва ёзма манбалардаги маълумотлар асосида ҳал этилишини алоҳида таъкидлаган эди [6,41-47]. Олим антик даврларда антропоген ландшафтларнинг ривождаги асосий омили сифатида бу даврда аҳоли яшаш манзилгоҳларининг тез суратларда кенгайиши ва аҳоли сонининг ортиб боришини кўрсатади. Аҳоли жойлашув манзилгоҳларининг воҳа хусусиятидан келиб чиқиши ва уларнинг сув манбалари билан таъминланганлиги билан боғлиқ равишда ривожланиши кузатилади. Сурхон воҳаси ўзининг қулай географик ўрни ва иқлими туфайли инсониятнинг энг қадимги маконларидан бири сифатида тилга олинади. Маълумки, воҳа ҳудудий жиҳатдан бир қисми бўлган – жанубий Ўзбекистон Сурхон-Шеробод воҳасидан иборат.



Сурхон-Шеробод воҳасининг рельефи дарё водийлари, даштлар, қир-адирлар ва тоғликлардан иборат бўлиб, у Сурхон ва Шеробод водийсини ҳамда унинг атрофини ўраб турган тоғларни ўз ичига олади [7,5]. Воҳа муस्ताқил икки дарё водийси Сурхон ва Шеробод водийларидан иборат. Ҳар иккала водий меридионал йўналишга эга. Сурхон водийси бир-бирига тенг Қоратоғ ва Тўпаланг водийлари билан бошланади. Ҳисор тизмаси музликларидан (баландлиги 4000 метр чамаси) бошланадиган бу водийларнинг узунлиги 100 км дан ортади. Водийлар бошланишда тор бўлиб, текисликка томон кенгая боради. Сурхон ва Шеробод водийси Қоратоғ ва Сарижўй қишлоқларидан кейин кенг текисликлар бўйлаб давом этиб, Оқостона қишлоғи ёнида (мутлақ баландлиги 5556 м) ўзаро туташади ва Сурхон водийси номини олади. Жануб, жануби-ғарбий йўналишда 196 км га чўзилган Сурхон водийси Термиз шаҳри яқинида (мутлақ баландлиги 302 м) Амударё водийсига туташиб кетади. Сурхон водийсида бир-биридан яққол ажралиб турадиган 4 тача аллювиал терраса (кўхна қайир) бор [8,163]. Шеробод водийси эса Чаққар ва Бойсун тоғлари тармоқларининг тугунидан (мутлақ баландлиги 3700 м) бошланади [9,11].

Сурхон-Шеробод воҳасининг текислик қисми шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон 200 км дан ортиқроқ масофага чўзилган, унинг кенглиги эса 145 км дан ошади. Ушбу текисликнинг баландлиги турлича бўлиб, жанубдан шимолга борган сари баландлашиб боради, яъни жанубий қисми 300 метр атрофида, ўрта қисми 400-450 метр, шимолий ва шимоли-ғарбий қисми 700 метргача етади. Воҳа худудининг шимолий қисми ғарб ва шарқдан баланд Ҳисор тизмаси (энг баланд жойи 4643 м) ва унинг тармоқлари (Бойсунтоғ, Кўҳитангтоғ ва Боботоғ билан) ўралган [10,6].

Бойсунтоғ Ҳисор тоғ тизмасининг энг узун қисми ҳисобланиб, жануби-ғарбий тармоғи шимоли-шарқдан жануби ғарбга томон 150 км гача чўзилган. Тизманинг энг баланд чўққиси Хўжапирёх ҳисобланади (4425 м). Бойсун тоғининг айрим қисмлари турли номлар билан аталган. Энг баланд чўққилари Султонттоғ (3722 м), Мачитли (3476 м), Кетмончопти (3161 м), Кўҳитанг (3137 м), Сувсизтоғ (2122 м), Саримас (1890 м) ҳисобланади [11,117]. Бойсунтоғ герцин ва альп орогенезлари даврида бурмаланган. Асосан палеозой эраси гранит, гранодиорит, гнейс, сланец жинсларидан таркиб топган. Тоғлар билан текисликлар орасида адир ва тоғ олди зонаси жойлашган. Тоғлар шимолдан келадиган совуқ ҳаво оқимларини тўсиб туради ва воҳа иқлими жиҳатдан субтропик ўлкалар қаторига киради. Тоғ зонаси ва адирлар чорва учун ёзги яйловлар вазифасини ҳам ўтайди [12,7].

Воҳанинг шарқий қисмида Сурхондарё ва Кофирнихон дарёлари ораллигида жойлашган Боботоғ тизмасининг узунлиги 125 км бўлиб, шимоли-шарқдан жануби-ғарбга томон Амударё соҳилларига қадар чўзилган. Унинг энг баланд чўққиси Заркоса 2290 метрни ташкил этади. Асосан палеоген ва юра даври оҳақтошлари, гил, алевролит, кумтошлардан таркиб топган. Сурхондарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Оқтоғнинг энг баланд чўққиси эса 750 метрни ташкил этади. Воҳанинг ўрта қисмида, Сурхондарёнинг ўнг томонида унча катта бўлмаган Хавод тепаликлари мавжуд бўлиб, унинг энг юқори қисми 557 метрдан ошмайди [13,181]. Маълумки, ўрта палеолит – мустьенинг бошланиши ресс-вюрм музликлари даврига тўғри келиб, бу даврда иқлими анча юмшаган катта-катта ўрмонлар пайдо бўлган.

Олимлар шу пайтгача об-ҳаво анча салқин – йиллик ҳарорат Цельсий бўйича ўртача 12 даражани ташкил қилган, деб тахмин қилар эдилар. Аммо Германиялик олим Вигхарт фон Кенигевальднинг ҳисоблашига кўра, узоқ ўтмишда об-ҳаво ҳозиргига қараганда иссиқроқ бўлган экан. У Дармштадт яқинидан топилган бегемот ва кўтосларнинг суяк қолдиқларини ўрганиб, шундай хулосага келган [14,16]. Айнан ўрта палеолит давридан бошлаб Сурхон воҳаси худудида илк антропоген ландшафтлар (Тешиктош, Амир Темур)

Хулоса қилиб айтганда, Сурхон воҳаси худудида антропоген ландшафтлар синфларининг деярли барчасини (суғориладиган қишлоқ хўжалик ландшафтлари, кучли намланган суғориладиган ландшафтлар, лалмикор, воҳа-селитеб, сувли, рекреацион, йўл, саноат ва қадимий селитеб мадфун ландшафтлар) учратиш мумкин. Шунингдек, Сурхон-Шеробод воҳасининг рельефи дарё водийлари, даштлар, қир-адирлар ва тоғликлардан иборат бўлиб, у Сурхон ва Шеробод водийсини ҳамда унинг атрофини ўраб турган тоғларни ўз ичига олади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент. 1977. С. 7.
2. Сагдуллаев А.С. Особенности расселения племен в долине Сурхана в эпоху раннего железа // Общественные науки в Узбекистане. №6. Ташкент, 1984.С. 49; Андрианов Б.В., Чебоксаров Н.Н. Историко-

этнографические области (Проблемы историко-этнографического районирования). – Советская этнография, 1975, № 3.

3. Сагдуллаев А.С. Особенности расселения племен в долине Сурхана в эпоху раннего железа // Общественные науки в Узбекистане. №6. Ташкент, 1984.С. 50.

4. Аскарлов А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент. 1977. С. 7; Эргешов Ш. Ландшафты Сурхандарьинской области. Т., 1974.

5. Абдулқосимов А.А. Антропоген ландшафтшунослик ва унинг тадқиқот предмети // Антропоген ландшафтшунослик. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд, 2014. – 5-25 б.

6. Валиев А. Античный этап развития антропогенных ландшафтов юга Узбекистана. ИМКУ. Вып 17. 1982. С. 41-47.

7. Сурхан-Шерабадская долина // Сборник научных трудов ТашГУ. – Т.: 1964. – С. 5.

8. Сурхондарё вилояти // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 8-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2004. – Б. 163.

9. Турдимуратов Я.А. XX асрда Сурхон-Шеробод воҳаси ареал хўжалик маданияти (чорвачилиги мисолида). –Т.: “Lesson press”, 2020, 11 бет.

10. Пославская О. Географическая положения и орография //Сбор. научных трудов ТашГУ.–Т.:1961.–С. 6.

11. Бойсунтоғ // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2001. – Б. 117.

12. Эргашев Э. Сурхон-Шеробод водийси кишлок хўжалиги. –Т.: Ўзбекистон, 1983. –Б. 7.

13. Боботоғ // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 2-жилд. –Т.: ЎМЭ, 2001. – Б. 181.

16. Кабилов Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси: олий ўқув юрт. студ.ўқув қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 1990, 16 бет.

УЎК 94:902(575.171)

## ХОРАЗМДА ИЛК ДАВЛАТЧИЛИК МУАММОСИ ВА УНИНГ ЎРГАНИЛИШИНING АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

*М.Ж. Ишмурадов, ф.ф.н., Хоразм Маъмун академияси, Хива*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Хоразмда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши муаммолари ва унинг ўрганилишининг асосий натижалари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Марғиёна, Парфия, Бактрия, Сўғд, Тажан, Авесто, Ария.

**Аннотация.** В этой статье анализируется основные итоги проблемы появления ранней государственности в Хорезме.

**Ключевые слова:** Маргияна, Парфия, Бактрия, Согд, Тажан, Авеста, Ария.

**Abstract.** This article analyzes the arousal of the first statehood in Khorezm and the results of the main problems of its study.

**Key words:** Margiana, Pharfia, Bactria, Sogd, Tajan, Avesto, Aria.

Хоразмда илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши муаммоси Ўрта Осиё тарихшунослигида энг мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. С.П. Толстовнинг 1948 йилда чоп этилган монографияларида мазкур мавзу ўрганилишининг дастлабки натижалари таҳлил қилинган эди.

XX аср бошларида И.Маркварт Хоразмнинг Ўрта Осиё тарихидаги муҳим ўрни ва аҳамиятини қайд этиб, «Авесто» да тилга олинган Арёнам Вайжо мамлакатини Хоразм билан солиштирган. Бир қатор ғарб олимлари (А.Херманн, В.Тарн, Е.Херцфельд ва бошқ.) бу ғояга қўшилган [1,19-20]. Илмий адабиётларда «хорасмийлар» муаммоси билан биргаликда Аҳамонийлар даврига қадар Ўрта Осиёнинг катта қисмини бирлаштирган Хоразм подшолиги тўғрисида илмий қарашлар вужудга келган.

С.П.Толстовнинг ёзишича, И.Маркварт, В.Тарн ва бошқа тадқиқотчиларнинг Жанубий Туркманистон, Хуросон ерларини ва Сўғдни ўз ичига олган Хоразм подшолиги ҳақидаги хулосалар тасодифий эмас, бу «сиёсий уюшма қабилаларнинг харбий демократия конфедерацияси бўлиб, давлат бирлашувига айланган, мазкур жараённинг тугаллаши мил. авв. VIII–VII асрларга тўғри келиб, худди ўша замонда Хоразмнинг буюк ирригация тизими бунёд этилган» [1,341].

Ёзма манбаларни ўрганиш асосида юзага келган Хоразм подшолиги тўғрисидаги қарашлар ўтган асрнинг 50-йилларида В.Б.Хеннинг ва И.Гершевич томонидан ривожлантирилиб, «Катта Хоразм» муаммоси сифатида фанга татбиқ этилди [2,14-16].

Хоразм подшолигининг чегараларини И.Маркварт ва С.П. Толстов, юнон тарихчиси Геродот қайд этган Аҳамонийлар давлатининг XVI сатрапиясида бирлаштирилган Парфия, Арейя ва Сўғд ҳудудлари билан солиштирганлар. В.Б.Хеннинг ва И.Гершевичлар, ушбу давлатнинг маркази Аҳамонийлар босқинига қадар Герируд –Тажан дарёси воҳасида, Ҳирот ҳамда Марвда жойлашган, деб ёзганлар, яъни ушбу хулосага кўра, «Катта Хоразм» давлати таркибига Парфия, Арейя (Ария) ва Марғиёна кириб, унинг ҳудудий маркази Марв ва Ҳирот

бўлган [2, 14]. Хоразм воҳаси бу давлатнинг таркибий қисми сифатида ёритилган. Ушбу фикр хорасмийларнинг Ахамонийлар босқинига қадар жанубда жойлашгани ғоясидан келиб чиққан.

XX асрнинг 50-йилларида В.В.Струве Ўрта Осиёнинг қадимги давлатчилиги тўғрисида куйидагича ёзган: "... Амударёнинг қуйи оқимида Хоразм, юқори оқимида Бақтрия давлатлари бўлган. Уларнинг маданий ва сиёсий таъсир доираси анча кенг бўлиб, Хоразм Копетдоғ этаклари ва Тажан ўлкасини, Бақтрия Мурғоб воҳасини ўз ичига олган" [3].

XX аср 50-йилларнинг охирида В.М.Массон томонидан билдирилган фикрларга кўра, айнан Хоразм ҳудудида мил. авв. VIII–VII асрларга оид нисбатан содда зироатчи-чорвачилик маданияти ривожланиб, йирик шаҳар харобалари топиб текширилмаган. Хоразм тупроғида ўша даврга мансуб пахса ва хом ғиштдан қурилган уй-жойлар, қалъалар, муҳофаа деворлари аниқланмаган. Бундай хулосалар асосида Хоразмда давлатнинг жуда эрта пайдо бўлганлигини В.М.Массон инкор этган [4]. Шунингдек, тадқиқотчи куйидагича: «Шубҳасиз, ўша даврда, жанубий вилоятларга нисбатан унча шиддатли бўлмаса ҳам, Хоразмда ибтидоий жамоа муносабатларнинг емирилиши юз берган, мил. авв. VI асрнинг биринчи ярмида сакларнинг бирлашуви ўз сиёсий таъсирини айрим жанубий вилоятларга ўтказган», деган хулосага келган [5]. Лекин сакларнинг сиёсий бирлашуви жойлашган ҳудуд ҳақидаги савол очиқ бўлиб қолган. Ёзма манбаларда хорасмийлар тарихий географиясига мансуб Акес дарёсини В.М.Массон Тажан билан боғлаган [6].

Маркази Ҳирот ва Марвда жойлашган «Катта Хоразм» сиёсий бирлашмаси ҳақидаги фикрлар турли олимларнинг нашрларида ўз аксини топиб [7], ҳатто уни «Ҳирот – Марв бирлашуви» деб аташ таклиф этилган [7].

Айрим тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Мидия ҳукмдори Киаксар даврида (мил. авв. 625–585) Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ҳамда Хоразм Мидия давлати таркибига кирган. И.М. Дьяконовнинг ёзишича, Гиркания, Парфия, Арейя ва Хоразм Мидиянинг алоҳида маъмурий ўлкалари бўлган [8]. Б.А. Литвинскийнинг фикрига кўра, ушбу вилоятлар қаторида Мидия таркибига Сўғднинг бир қисми ҳам кирган [9], яъни Катта Хоразм бирлашуви – Парфия, Хоразм, Арейя ва Сўғд Мидия таркибида шаклланган деб фараз қилинган.

М.Г.Воробьева «Катта Хоразм» подшолиги тўғрисидаги мавжуд хулосаларни таҳлил қилиб, бу давлат Копетдоғолди, Кучан –Машҳад воҳаси, Нишопур атрофлари, Тажан-Ҳирот воҳаси ҳудудларини бирлаштиргани тарихий жиҳатдан археологик маълумотлар асосида тасдиқланмаган, хорасмийлар Қуйи Амударё ерларига Ахамонийлар даврида жанубдан кўчирилмаган, хоразмликлар элат сифатида айнан Хоразм воҳасида шаклланган, қадимги Хоразм давлатининг жанубий чегаралари ўрта Амударё ерларига бориб тақалган каби фикр-хулосаларни билдирган [10,38-41].

Э.В.Ртвеладзе сўнгги йилларга қадар тарихшуносликда тўпланган маълумотларни таҳлил қилиб, «Катта Хоразм» давлат бирлашмаси, бу – олимлар томонидан яратилган асотир деб хулоса чиқарган.

Хусусан, Хоразм ҳудудида илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг шаклланиш даврини аниқлаш муҳим масаладир. Муаммога тегишли илмий адабиётларда турли саналар келтирилган, жумладан мил. авв. VI аср бошлари (М.А. Итина) [11], мил. авв. VI асрнинг биринчи ярми (М.Г. Воробьева) [10], мил. авв. VII – VI асрлар чегараси (О.А. Вишневецкая, Ю.А. Рапопорт) [12], мил. авв. VII – VI аср ўрталаригача (М.М. Мамбетуллаев) [13], мил. авв. VII – VI асрлар (Қ.Собиров, Р.Абдиримов) [14], мил. авв. VII – VI асрлар (Ғ.Ходжаниёзов) [15]. Бизнингча, археологик маълумотларга кўра, ушбу жараённинг вужудга келишини мил. авв. VII аср охири, мил. авв. VI аср бошлари билан белгилаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу даврга нисбатан Хоразмда давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг шаклланишини мил. авв. VI асрнинг охиригача билан боғлаш форс подшоси Доро I даврида «хорасмийлар»нинг жанубдан кўчирилиши ҳақидаги анъанавий қарашлардан келиб чиққан.

Кўзалиқир маданиятининг вужудга келишидан аввал Сарикамишбўйи ҳудудларига илк саклар келиб жойлашганлар, шартли равишда «қуйисойликлар» деб аталган чорвадор қабилалар эса туб жойли аҳолиси вакиллари бўлган. Улар Амиробод маданиятини яратган қабилаларининг ворислари эди. Ўрта Осиёнинг дашт ва тоғолди ҳудудларида топиб текширилган илк сакларнинг ёдгорликлари мил. авв. VIII – VII асрлар билан саналади [16]. Кўчманчилар хўжалигида чорвачилик катта аҳамиятга эга бўлганлиги яхши маълум. Улар қорамол, майда чорва ҳамда отни кўплаб урчитганлар. Чорва кўчманчиларнинг асосий бойлигига айланган. «Авесто» нинг «Яшт» китобида қабилалар йўлбошчилари ва мамлакатлар

сардорлари «оз айғир, мингта сигир ва саноксиз совлик қўйлар» қурбон қилганлари ҳақида маълумотлар бор [17,22-23].

Мил. авв. VIII–VII асрлардан бошлаб, Оролбўйи ҳудудларида истиқомат қилган чорвадорлар ҳарбий соҳада ва яроғ-аслаҳаларни ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга эришадилар. Тагискен, Уйгарак ва Сакарчага мозор-қўрғонларида от анжомлари, бронза ва темирдан ясалган ҳарбий қуроллар топилган. Сакларнинг от анжомлари, ханжарлари ва ўқлари Шарқий Европа даштлари кўчманчи қабилаларининг (савроматлар, скифлар) яроғ-аслаҳаларига ўхшаб кетади.

«Авесто» да икки қиррали ўткир ўқлар, тош гурзи, ҳарбий ойболта, найза, ханжар, қалқон, дубулға, отлар қўшилган жанговар аравалар ва «чаққон отларга эга жангчилар» тилга олинган [17,67-68]. Ўша замонда доимий босқинлар ва урушлар, фожиали воқеалар, талон-тарожлик ва уй-жойларни хароб қилиниши, ёвуз савий-ҳаракатлар билан боғланган ҳолда таърифланади.

Ҳарбий юришлар ва босқинлар ибтидоий жамиятнинг емирилиши ва илк давлатчилик жараёнлари вужудга келиш даврига тўғри келган. Босқинлар зўравонлик йўли билан моддий бойликлар ва қўшимча маҳсулотни қўлга киритишга интилишдан келиб чиққан [18]. Ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг ўзгарувчанлиги ўтроқ зироатчилар билан кўчманчи қабилалар ҳамда чорвадор-чўпонлар ўртасида ўзаро курашлар ва рақобатлар бўз ерлар ва яйловлар учун курашни келтириб чиқарган. Бу ҳолат «қўшинларнинг босқинлари», «жанговар сафларнинг бир-бирига дуч келиши», «қонхўр душман қўшинлари» ва бошқалар “Авесто” да ҳам тасвирланиб, хавотирли воқеалар ва сиёсий манфаатлар устунлик қилган пайтлардан хабар беради [19].

Илк темир даврига келиб, кўчманчилар жамиятида янги ижтимоий тизим вужудга келади. Қабилла, ижтимоий ташкилот сифатида, уруғ ва жамоага нисбатан устунлик қила бошлайди. Ибтидоий жамият тарихига хос “халқ йиғини”, оқсоқоллар кенгаши, уруғ-қабилла бошлиқлари ўз аҳамиятини сақлаб турган бўлса ҳам, ташқи муносабатлар тизимида ҳарбий йўлбошчилар ва қабилалар бирлашмалари катта ўрин эгаллаган [20].

Оролбўйи ҳудудларида бундай ҳарбий уюшмалар, қабилалар иттифоқларининг вужудга келишини тахмин қилиш мумкин. Ю.А. Рапопорт, Куйи Амударё саклари, европалик скифлар сингари, жанубий цивилизация марказларига юришлар қилган, Ўрта Осиё жанубий вилоятлари сакларнинг “бостириб кириш доираси бўлган” деб ёзади [21]. В.Н. Ягодиннинг фикрига кўра, тарихий – этнографик маълумотлар шундан далолат берадики, ҳарбий босқинлар кўчманчи чорвадор жамиятларининг ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўчманчилар тарихининг «ҳарбий демократия» босқичида юзага келган [22].

А.С. Сағдуллаевнинг ёзишича, мил. авв. IX – VIII асрлар ва айниқса, мил. авв. VII – VI асрларда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг дашт ҳудудларида кўчманчи турмуш тарзи кенг тарқалган бўлиб, кўчманчи қабилалар қурол-яроғни ривожлантириш соҳасида ютуқларга эришиб, катта ҳарбий кучга айланадилар. Уларнинг босқинлари минтақанинг жанубий вилоятлари аҳолиси учун амалга ошадиган таҳдид бўлиб турарди. Ташқи босқинлардан ҳимояланиш зарурати кенг қамровли ва ишонч ҳимояланиш тизимини яратиш талаб этарди. Шу боис стратегик муҳим аҳамиятга эга жойларда (дашт ва тоғли алоқа йўллар ёқалари, Амударёдан кечувлар, даралардан ўтиш жойларида) мустаҳкам мудофаа деворлари билан ўралган мудофаа иншоотлари ва ҳарбий истехкомлар бунёд этилади [23]. Мил. авв VII асрга оид бундай мудофаа иншоотларига асос солиниши Бақтрияда Олтиндилёр, Талашкан, Бандихон 2 ва Қизилтепа, Ўрта Амударё қирғоғида Одойтепа, Суғдиёнада Узунқир, Ерқўрғон ва Кўктепа мисолида тасдиқланади [24].

Оролбўйи саклар қўшинларининг асосий қисми суворий-ўқчилардан иборат бўлган. Геродотнинг ёзишича, саклар ўк-ёй, ханжар ва жанговар болталар – сагарислар билан қуролланганлар. Археологик маълумотларга кўра, сакларнинг от анжомлари ва яроғ-аслаҳалари Жанубий Урал, Қозоғистон, Сибир ва Олтой илк скиф даври кўчманчиларининг қурол-яроғларига ўхшаган [25].

Ўтган асрнинг охирларидан бошлаб, ҳозирги кунга қадар “«Авесто»” маълумотлари (вилоятларнинг Арёшаёна бўйича бирлашиши), Геродот ва Гекатей асарлари (“Катта Хоразм”), шунингдек, Ктесийнинг қадимги Бохтар подшолиги ҳақидаги маълумотлари ва ниҳоят, археологик тадқиқотлар натижалари Ўрта Осиёда илк давлат уюшмаларининг пайдо бўлиши муаммоларини ўрганиш учун асос бўлган бўлишига қарамасдан, қадимги давлатлар ҳудудлари, шакллари, бошқарув тизими ва санаси билан боғлиқ бўлган мавзуларнинг кўпгина йўналишлари ҳамон илмий баҳсларга сабаб бўлмоқда.



Кўпчилик тадқиқотчилар Ўрта Осиёда илк давлатларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнини аҳмонийларгача бўлган даврда деб ҳисоблайдилар ва милоддан аввалги IX-VII асрлар билан белгилайдилар (М.Дункер, В.Томашек, Ф.Алтхайм, С.П.Толстов, М.М.Дяконов, И.М.Дяконов, В.М.Массон, М.Дандамаев, Я.Ғуломов, Б.А.Литвинский, Е.В.Ртвеладзе, И.В.Пянков, А.С.Сагдуллаев ва бошқалар).

Илмий адабиётлар Ўрта Осиёда аҳмонийларгача бўлган даврда мавжуд бўлган қуйидаги давлат уюшмалари ҳақида сўз юритади: 1. Арёшаёна – Ўрта Осиёдаги қадимги вилоятларнинг “даҳиёсасти” уюшмаси; 2. Арянам Вайжеҳ – бу ҳам Арёшаёнадек ёки унинг маркази Ария ва Марғиёнада бўлган “Катта Х<sup>в</sup>оразм” ёки Амударёнинг қуйи оқимидаги Х<sup>в</sup>оразм давлати; 3. Қадимги Бохтар давлати. 4. Кўчманчи қабилалар конфедерацияси.

Илк давлатчилик масаласида жуда кўплаб илмий баҳслар бўлиб ўтган бўлишига қарамай, бу масала ҳануз ўз ечимини топган деб ҳисобланмайди. Хусусан, “Катта Хоразм” (“«Авесто»” тилида Хваризам, қадимги форс тилида Х<sup>в</sup>аразмиш, қадимги юнон тилида Хорасмия<sup>1</sup>) давлатининг ҳудудий жойлашуви ва пайдо бўлган даври масалалари ҳам анча мунозарали мавзу. Археологик тадқиқотлар айрим ҳолларда ёзма манбалар маълумотларини тасдиқламайди. Милоддан аввалги IX-VIII асрлар Хоразм маданияти Амиробод номи билан машҳурдир. Бу маданиятнинг меъморчилик ёдгорликлари, асосан, чайла ва ярим ертўлалардан иборат бўлиб, мустаҳкам турар жойлар учрамайди. Хоразмдаги деҳқончиликнинг ривожидан дарак берувчи йирик суғориш иншоотлари, мустаҳкам мудофаага эга бўлган турар жойлар (Кўзалиқир, Динғалжа) милоддан аввалги VI-V асрларга оиддир.

Қадимги Хоразмнинг жойлашув ҳудудлари ҳам анча мунозарали мавзу ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар (Тарн, Алтхайм) аҳмонийларгача хоразмийлар Парфия чегараларидан шарқий йўналишда Копетдоғ ёнбағирларида жойлашган десалар, айримлари (Хеннинг, Гершевич) бу давлатнинг маркази Марв ва Ҳирот атрофида бўлиб, Кир II босиб олганидан сўнг Қуйи Амударёга – ҳозирги Хоразм ҳудудларига кўчиб ўтган дейдилар. Айрим тадқиқотчилар фикрича (С.Толстов, М.Воробьева), қадимги Хоразмнинг чегаралари ҳозирги Хоразм ҳудудларидан анча кенг бўлиб, Ўрта Амударёдаги Қўшқалъадан бошлаб, Орол дэнгизигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган.

Умуман, мил. авв. VII асрнинг охири - VI асрда Хоразм давлати мавжуд бўлганлиги аниқ. Бу даврда Хоразмда қурилиш ва ҳунармандчилик анча ривожланган. Тадқиқотлар натижасида бу ҳудудлардан бронза ва темирдан ясалган меҳнат ҳамда ҳарбий қуроллар, сопол урчуқлар, бронза игна, бигизлар, сопол идишлар топилган. Бу топилмалар қўшни Марғиёна, Бохтар ва Сўғдиёна топилмаларига ўхшаб кетади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Толстов С.П. Древний Хорезм ... С. 19–20.
2. Henning W.B. Zoroaster: Politician or Witch-Doktor. – Oxford, 1951. – P. 40–42; Gershevitch I. The Avestan hymn to Mithra. – Cambridge, 1959. – P. 14–16.
3. Струве В.В. Древний Иран и Средняя Азия // Всемирная история. – М., 1955. Т. 1. – С. 560–591.
4. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. – М.-Л., 1959. № 73. – С. 125–126.
5. Массон В.М. Ешё раз о Геродотовой реке Акес // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. – М., 1967. – С. 173–174.
6. Фрай Р. Наследие Ирана / Пер. с англ. В.А. Лившица и Е.В. Зеймаль. – М.: ИВЛ, 1971. – С. 64–65; Пянков И.В. Хорасмий Гекатея Милетского // ВДИ. – М., 1972. № 2. – С. 16–18.
7. Лившиц В.А. Древнейшие государственные объединения // История таджикского народа. – М.: ИВЛ, 1963. Т. 1. – С. 150–159.
8. Дяконов И.М. История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н.э. – М.: АН СССР, 1956. – С. 349, 358.
9. Литвинский Б.А. Древнейшая Бактрия // История таджикского народа. – М.: ИВЛ, 1963. Т. 1. – С. 158–159.
10. Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 38–41.
11. Итина М.А. История степных племен Южного Приаралья // Тр. ХАЭ. – М., 1977. Т. X. – С. 237.
12. Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А. Городище Кюзели-Гыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. – М., 1997. № 2. – С. 150.
13. Мамбетуллаев М.М. Формирование городов Хорезма // Генезис и пути развития процессов урбанизации Центральной Азии: Тез. докл. международной конференции. – Самарканд, 1995. – С. 76-78.
14. Сабиров К., Абдиримов Р. Хазарасп и вопросы периодизации ранних этапов развития оседло-земледельческой культуры Хорезма // Цивилизации древнего Хорезма в контексте истории мировой культуры: Тез. докл. и материалы международного симпозиума. – Нукус-Бустон, 2000. – С. 35
15. Ходжаниязов ў. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. – Тошкент: O'zbekistan, 2007.

<sup>1</sup> Этимологияси Ховар замин, Куёшининг ери демақдир – М.Э.

- Б. 69.
16. Грязнов М.П. К хронологии древнейших памятников эпохи ранних кочевников // Успехи среднеазиатской археологии. – Л.: Наука, 1975. Вып. 3.
17. Авесто. Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2001. – Б. 22–23.
18. Хазанов А.М. Разложение первобытнообщинного строя и возникновение классового общества // Первобытное общество. Основные проблемы развития. – М.: Наука, 1975. – С. 123
9. Авесто. Избранные гимны / Пер. с авестийского И.М. Стеблин-Каменского. – Душанбе: Адиб, 1990. – С. 114, 121–123
20. Першиц А.И., Монгайт А.Л., Алексеев В.П. История первобытного общества. – М.: Высшая школа, 1968. – С. 186.
21. Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: ИВЛ РАН, 1998. – С. 30–32.
22. Ягодин В.Н. Генезис и формирование раннехорезмийской государственности // История государственности Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 2009. Т. 1. – С. 119
23. Сагдуллаев А.С. Становление раннебактрийской и раннесогдийской государственности // История государственности Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 2009. Т. 1. – С. 79
24. Исамиддинов М., Рапен К. К стратиграфии городища Коктепа // ИМКУ. – Самарканд, 1999. Вып. 30. – С. 68–80; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. – Т.: Изд. им. А. Кадири, 2000.
25. Вишневская О.А. Культура сакских племен низовьев Сырдарьи в VII–V вв. до н.э. // Тр. ХАЭЭ. – М., 1973. Т. VIII. – С. 99.
26. Этимологияси Ховар замин, Куёшнинг ери демакдир – М.Э.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

UO'K 372.879.6

**JISMONIY TARBIYA VA SPORT YOSHLARNING SOG'LOM TURMUSH TARZINI  
SHAKLLANTIRUVCHI OMIL***A.J. Bekmuratov, katta o'qituvchi, Guliston davlat universiteti, Guliston*

**Annotatsiya.** Inson hayot faoliyatini o'z meyorida ushlab turilishiga xizmat qiladigan omillardan biri bu jismoniy madaniyatdir. Jismoniy madaniyat negizida sog'lom turmush tarzi ko'rishimiz mumkin. Bugungi globallashuv jarayonda ushbu omilning ahamiyati tez suratda oshib bormoqda. Chunki kundalik hayotimizning deyarli 60-70% bugun harakatsizlik bilan bog'liq va bu juda achinarli oqibatlariga olib kelishi mumkin. Shunga ko'ra jismoniy madaniyat kata sahnaga chiqishi va yuqoridagi ko'rsatkichlarni o'z ta'siri bilan o'zgartirishi lozim. Maqolada muallif jismoniy tarbiya va sportning inson hayotida, ilm fan va ijtimoiy hayot sohasida barqaror muvozanatga ega bo'lishi zarurligi haqida so'zlaydi.

**Kalit so'zlar:** zamonaviy, ijtimoiy, hayot, ta'lim, jismoniy, tarbiya, madaniyat, sport, salomatlik, ilm-fan.

**Аннотация.** Одним из факторов, помогающих человеку поддерживать нормальный уровень жизнедеятельности, является физическая культура. Мы видим здоровый образ жизни, основанный на физической культуре. В сегодняшнем процессе глобализации значение этого фактора стремительно растет. Потому что почти 60-70% нашей повседневной жизни сегодня связано с бездействием, а это может привести к очень печальным последствиям. Соответственно, физическая культура должна выйти на сцену и своим воздействием изменить вышеперечисленные показатели. В статье автор говорит о необходимости устойчивого баланса физической культуры и спорта в жизни человека, науки и общественной жизни.

**Ключевые слова:** современное, социальное, бытовое, образование, физическое, воспитание, культура, спорт, здоровье, наука.

Polysemy (polysemy) (gr. poly - many + sema - sign), is the property of words to be used in different meanings. Thus, the word root in the modern Russian language has several meanings:

1) the inner part of the nucleus in the hard cover: А орешки не простые, все скорлупки золотые, ядра - чистый изумруд (П.); 2) the basis of something (bookish): На Волге было уничтожено ядро фашистской армии; 3) The central part of something (special): ядро атома; 4) an ancient weapon tool in the form of a round moulded body: Катятся ядра, свищут пули, нависли хладные штыки (П.). The semantic connection of the highlighted meanings is close, so they are all considered as meanings of the same word.

The word труба, for example, in the phrases водопроводная труба or подозрная труба has the meaning "a long, hollow, usually circular object". The word труба is also a brass musical instrument with a strong, resonant timbre: Творец мой! оглушил, звончее всяких труб! (Гр.). This word is also used in a special meaning, such as "a channel in the body for communication between organs", e.g., евстахиева труба.

Thus, a word in the course of its historical development, in addition to its original meaning, may acquire a new, derivative meaning.

The ways in which the meanings of words are formed are different. A new meaning of a word may arise, for example, by transferring a name by the similarity of objects or their features, i.e. metaphorically (from Gr. metaphora - transfer). For example; by similarity of external features: nose (human) - nose (ship) (нос (человека) - нос (корабля)), shape of objects: apple (antonovka) - apple (eye) (яблоко (антоновское) - яблоко (глазное)), by similarity of sensations, evaluations: warm (current) - warm (participation) (теплое (течение) - теплое (участие)), etc. The names may also be transferred according to the similarity of functions performed (i.e. functional transfers): feather (goose) - feather (steel) (перо (гусиное) - перо (стальное)), conductor (an official accompanying a train) - conductor (in technology - a fixture guiding a tool) (кондуктор (должностное лицо, сопровождающее поезд) - кондуктор (в технике - приспособление, направляющее инструмент)).

A new meaning may arise as a result of associations by proximity (so-called metonymic transfer, Greek metonymia - renaming). For example, the name of a material is transferred to a product made of that material: Bronze chandelier (material name) - люстра из бронзы (название материала) - В антикварном магазине продавалась старинная бронза (изделие из этого материала) (product made of this material). In a metonymic way, various kinds of co-definitions (Gr. synekdochē) also arise, i.e. naming with one word an action and its result, compare: заниматься вышивкой (to engage in embroidery) - an exhibition of artistic embroidery; part and whole (and vice versa), compare: Мелькали бушлаты с бескозырками и серые шинели (i.e. sailors and infantrymen; in this case, a person is named by the part of the garment), etc.

The different meanings of a word, as well as their connotations, constitute its so-called semantic structure and serve as a vivid example of the manifestation of systemic connections within a single word. It is this type of relationship that allows writers and speakers to make wide use of multiple meanings both without a particular stylistic purpose and for a specific purpose: to add expressiveness, emotionality, etc. to speech.

When the semantic links between different meanings are broken or completely lost, it is possible to refer to an already known word as a completely different concept, object, etc. This is one way of developing new words-homonyms.

Different types of words in the Russian language have polysemy developed to varying degrees. If we compare the degree of polysemy development in different parts of speech, verbs come first, then nouns and adjectives, followed by adverbs, interjectives, numerals, conjunctions and particles. Borrowed words are more concrete and unambiguous (активизировать, аккредитовать) than native Russian words (бежать, играть, брать). This fact can be explained by the fact that Russian words are the most understandable for a Russian-speaking person, so they are most often used in speech, which implies a variation of meanings of the same word. The assessment of polysemy gives rise to conflicting opinions among linguists. Some scholars believe that in an "ideal" language, a word should have only one meaning, and that there should be a special name for each meaning. However, this may seem convenient only at first glance, in fact the "unambiguity" of words would diminish the possibilities of the language, depriving it of its national originality.

Most scholars rightly see the multiple meanings of words as a manifestation of the strength, not the weakness, of the language. According to some linguists, about 80 per cent of all words in Russian have more than one meaning. There is no way to count them, and not because some words have too many of these meanings (sometimes up to forty), but because the language is constantly replenished with new lexical meanings, which dictionaries do not even have time to record. [1, с. 24-27]. The study of polysemy shows that the richness and diversity of language lies not in the number of words, but in the diversity of their meanings, in the ability of one and the same word to be revealed in different contexts. Multisimilarity provides not only different semantic shades and room for lexical reserves, but also helps to save verbal means to convey a variety of meanings. Polysemy can be a source of enriching the vocabulary of a language with new words. Based on the above, we can conclude that polysemy is only a phenomenon that is capable of representing various objects and



processes with one word, but an opportunity to enrich and diversify the palette of speech, to add semantic shades, to give it new lexical meanings.

#### REFERENCES:

1. Valgina N. S. Active processes in contemporary Russian. Moscow: Logos. 2001. 2.
2. Vinogradov V. V. Materials and research in the field of historical lexicology of the Russian literary language. //Vinogradov V. V. Selected Works. Lexicology and lexicography. M. 1977. 3.
3. L.A. Novikov, Semantics of the Russian language. M., 1982. 4.
4. Rosenthal D. E., Golub I. B., Telenkova M. A. Modern Russian language. Moscow: Iris-Press. 2002. 5.
5. Explanatory Dictionary of Russian Language. /Edited by D.N.Ushakov. M.1980.
6. Modern Russian literary language - URL: <http://any-book.org/download/11099.html>

УЎК 808.3

### ЛЕКСИКОГРАФИЯНИНГ АМАЛИЙ ТИЛШУНОСЛИКНИНГ БЎЛИМИ СИФАТИДА ВАЗИФАЛАРИ ВА ТАВСИФИ

*Ш.Н.Абдуллаева, PhD, катта ўқитувчи, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент*

**Аннотация.** Мазкур мақола лексикография фанининг амалий тилшуносликдаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида бўлиб, олимларнинг ушбу фан хусусидаги турли ёндашув ва мулоҳазалари ифодаланади. Шунингдек, лексикографиянинг ривожланишидаги омиллар, категориялар, тавсифи ҳам ёритилган.

**Калим сўзлар:** категория, луғавий тавсиф, лексикографик тавсифлаш, лексикографик тузилма, семиотик омиллар.

**Аннотация.** Эта статья посвящена роли и важности лексикографии в прикладной лингвистике, а также различных подходах и взглядах ученых на эту науку. Также освещены факторы, категории, характеристики развития лексикографии.

**Ключевые слова:** категория, лексическое описание, лексикографическое описание, лексикографическая структура, семиотические факторы.

**Abstract.** This article is about the role and importance of the science of lexicography in applied linguistics, and the different approaches and views of scholars on this science. It also covers the factors, categories, descriptions of the development of lexicography.

**Key words:** category, lexical description, lexicographic description, lexicographic structure, semiotic factors.

Лексикография муаммо ва вазифаларига мурожаат қилган кўплаб тилшунослар лексикография назариясининг мавжуд эмаслиги ёки етарли даражада ривожланмаганлигини бот-бот таъкидлайдилар. Инкилобгача тузилган луғатларнинг амалиёти қандайдир бир умумий назарияни мавжуд бўлмаганлиги сабабли, яратиб бера олмаганлиги таъкидланади. Табиийки, ушбу ҳолатда парадоксал вазият юзага келади – бир томондан тилшунослик ва филологияни ривожланишида улкан ҳисса қўшиш орқали номоён бўлган яъни ажойиб луғатлар яратилганлиги тўғрисида фактлар мавжуд бўлса, иккинчи томондан эса илмий асос (база) йўқ бўлганлиги таъкидланади. Ушбу ҳолатни Л.В.Шерба “луғатшунослик билан санокли буюк тилшунослар шуғулланганлиги, қолган ҳолатларда уларнинг барчаси бозорга (сотиш учун) тақдим этилиши” билан изоҳланган. Сўнгги вақтларда нуфузли хориж тилшуносларидан А. Бежуа, Х. Джексон, Б. Свенсен, Р.К. Хартманн, Ф. Хаусманн, В.Д. Черняк, Ф.П. Сороколетова, Э.Г. Шимчук, Ю.В. Федоров ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Лексикография назариясининг асосчиси Л.В.Шерба 1940 йил “Лексикографияни умумий назариясининг тажрибалари” номли ишини нашр қилади. Мазкур ишни биринчи бўлими луғатшуносликнинг асосий турларига бағишланади. Қолган бўлимларини тадқиқотчи сўзнинг табиати, маъноси, қўлланилиши ва луғат тузишдаги сўзларнинг ўзаро боғлиқлигини семантик, грамматик, стилистик хусусиятларини ҳам таҳлил қилишга бағишланган. Аммо бу иш якунига етмай қолган. Шунга қарамасдан, Л.В. Шерба тақдим этган лексикография назариясининг умумий режасини биринчи этюда матнидан олиш мумкин. Олим ушбу масалаларни илгари суради:

1. Луғатларнинг асосий турлари;
2. Замонавий тилда лексик тизимининг бирлиги;
3. Оғзаки ва ёзма тил ўртасидаги ўзаро муносабат;
4. Сўзларнинг маъноси ва қўлланилиши;

## 5. Сўз бирикмалар;

Бошқа томондан, лексикография асосан муркаккаб тарихий филологик қоидаларга асосланган, ҳамда, амалиёт йўналиши билан тавсифланадиган фандир. Луғатлар фан ва амалиётнинг турли хил вазифаларини ечимини ҳал қилади. Айнан шунинг учун ҳам, фикримизча, ҳар хил луғатлар учун ягона универсал ечимлар бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Лексикологик изланишларнинг асосийлари – лексик фактларни луғавий тавсифидир. Лексикография тилшуносликнинг тўлиқ комплекс назарияга эга бўлиб, ўз ичига қуйидаги аспектларни қамраб олиш керак.

1	Луғатнинг типологик хусусиятлари ва унинг тузилиш жиҳатдан ҳам адекват маълумотга асосланганлик нутаи назаридан ҳам муаммолари
2	Луғатни маданият билан ўзаро боғлиқлиги
3	Луғат билимларни ташкил этиш ва тақдим этиш усули сифатида
4	Луғатни тузилишини таркиби сифатини семантик ҳамда стилистик таҳлил қилиш
5	Луғатнинг чап ва ўнг томонлари мувофиқ бўлиши (албатта агар иккаласи ҳам луғатда мавжуд бўлса, чунки баъзи луғатларда масалан, орфографик луғатларда баъзи тушунчалар актуал эмас.
6	Луғатларни тузилиши, кириш тузилмаси
7	Изоҳлаш ва таржима усуллари

Ф.П. Сороколетов лексикографик назарияни учта ярусни ажратади:

а) умумий лексикография

б) луғат тузилиши ҳақида таълим бериш – сўз бойлигини шакллантириш, луғат ёзувини тузилиши семантик, грамматик ва стилистик хусусиятлари, мос келиши ва бошқалар.

в) лексикологиянинг асосий тушунчалари ва категориялари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва лексикография назарияси ҳақида таълимот бериш.

Лексикографияни кўп асрлик тарихи давомида инсоният томонидан тўпланган, ўзига хос анъанавийликка хос хусусиятини ёки лексикографик тарихий тамойилларини яъни, лексикографик тавсифлаш тажрибаларини ўрганиш ва фойдаланиш жуда муҳимдир.

Илмий лексикография тамойиллари орасида стандартлаштириш тамойиллини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. (Бир хил тилга мансуб, тил ҳодисалари луғат якунлаш босқичига қадар бир хил бўлиши керак). Шунингдек, тежамкорлик, оддий, содда ва тўлиқ тасвирлаш, унинг самарадорлиги семантик қиймати (яъни сўзларни изоҳланиши сўзнинг ўзаро семантик боғлиқлигига асосан содда сўзлар занжири асосида тузилиши даркор). Шунинг учун луғатга икки жиҳатдан танқидий ёндашиш имконияти мавжуд: 1.ички танқид яъни луғатни яратишдаги ички мантикий нуктаи назардан; 2 ташқи танқид эса, луғатнинг семиотик имкониятларини қаятий фундаментал тамойиллариларини ҳамда луғатга қўйиладиган имконсиз ёхуд нореал талабларни инкор қилиш ёки қабул қилмаслик. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай турдаги луғатда ушбу асосий бир бирига яқин бўлган учта йўналиш яъни лингвистик, семиотик ва социолингвистик омилларга чамбарчас боғлиқдир.

Лексикография учун луғатнинг ижтимоий асосини аниқлаш ва меъерий тавсияларнинг самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади. Турли тарихий даврларда тури тизимли тилларда ижтимоий гуруҳ-миллат-халқлар турлича бўлган, аммо умумий яқдил тамойил қуйидагича бўлган.

Миллатлардан (миллат ва халқ) маълум бир еткакчи ижтимоий гуруҳ танланган. Кўпинча бу пойтахт аҳолисидаги диалект, аралаш тил муносабатлар ҳамда адабий тил меъёрларига яқин тиллар орасида кузатилган. Шунингдек, ёзувчиларнинг индивидуал тилининг таъсири сезиларли бўлган. Бошқа томондан эса тилнинг бевосита индивидуал онг билан меъёрлаштириш таъсири ҳамда шахс нормасининг мавжудлиги билан мутаносибдир. Шунинг учун меъёрни услуб билан тенглаштирилган ҳолда, нутқ хатти-харакатлари назарияларидан келиб чиққан ҳолда, меъёрнинг коммуникатив мақсадга мувофиқ мезони тўлиқ асосли эмас.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сороколетов Ф.П. Развитие теоретических идей в истории русской лексикографии\Исследования по сопоставительному языкознанию и лексикологии, Таллин,1989, б.154.
2. Дубичинский В.В. Лексикография русского языка: учеб.пособие [Текст] / Дубичинский В.В. – М.: Наука: Флинта, 2008. – 432 с.
3. Новиков Л.А. Лексикология русского языка,ее основные понятия и категории. РЯВШ, 1972,№ 56.
4. КопецкийЛ.В.Теоретические предпосылки двуязычной славянской лексикографии,Прага,1972, б.2.
5. Гак В.Г. Оботносительности лексикологических категорий в лексикографии\ \Проблемы учебной.Лексикографии и обучения лексике.М.1987,с.21.
6. Медникова Э.М. Значение слова и методы его описание М., 1974. Б 19-20
7. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Leksikografiya>
8. Денисов П.Н Типология учебных словарей Проблемы учебной лексикографии,М.,1977, б.33

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ НАШР ЙЎНАЛИШЛАРИ

*Ж.Асқарова, кичик илмий ходим, PhD, Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек халқ эртаклари тўпламлари уч йўналишида – дастлаб нашр этилган эртак тўпламлари, бир эртакчи репертуарига асосланган эртак тўпламлари ҳамда мавзулаштирилган эртак тўпламлари таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** фольклор, нашр, тўплам, эртак, эртакчи, репертуар.

**Аннотация.** В статье анализируются сборники узбекских народных сказок по трем направлениям - оригинально изданные сборники сказок, сборники сказок на основе репертуара одного рассказчика и тематические сборники сказок.

**Ключевые слова:** фольклор, издание, сборник, сказка, сказочник, репертуар.

**Abstract.** This article analyzes collections of Uzbek folk tales in three directions - originally published fairy tale collections, fairy tale collections based on the repertoire of one narrator, and themed fairy tale collections.

**Keywords:** folklore, publication, collection, fairy tale, storyteller, repertoire.

XX аср бошларида халқ оғзаки ижоди асарларини тўплаш, уларни ёзиб олиш, нашр этиш ва илмий ўрганиш ишлари ўзбек фольклоршунослигининг шаклланишига сабаб бўлди. Бу борада қатор фольклоршунослар – Ҳоди Зарифов, Ғозиолим Юнусов, Буюк Каримий, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов каби олимлар мунтазам шуғулланиб, жонбозлик кўрсатдилар [9, 218-281-б].

Халқ оғзаки ижодининг ғоявий-бадий жиҳатдан юксак намуналарини ёзиб олиш ва қўплаб нусхаларда нашр этириш ишларига нафақат фольклоршунослар, балки адибу шоирлар ва фольклор ҳавасмандлари ҳам жалб этилди. Натижада халқ кўшиқлари, мақол ва топишмоқлар, эртак ва дostonлар, ривоят ва афсоналар, нақл ва латифалар тўпланиб, махсус тўпламлар ҳолида кўп минг нусхаларда чоп этирилди.

Фольклор жанрлари орасида муҳим ўрин эгаллаган эртакларнинг жонли, оғзаки анъаналарда ижро этилиш ҳамда анъанавий яшаш шакллари сўна бошлаган даврда уларнинг китоб шаклида нашр этилиши янгича яшаш шаклларида бири бўлиб қолди.

Ушбу мақолада нашр этилган ўзбек халқ эртаклари тўпламларини уч йўналишда таҳлил қилишга ҳаракат қилдик:

1. Дастлаб нашр этилган эртак тўпламларини ўрганиш;
2. Тўпламларни бир эртакчи репертуарига асосланганлигини ўрганиш;
3. Мавзулаштирилган эртак тўпламларини ўрганиш.

Биринчи йўналиш бўйича ўзбек халқ эртакларининг илк тўпламлари ўрганиб чиқилди.

Ўзбек тилида чоп этилган дастлабки эртак тўплами 1939 йил фольклошунос Буюк Каримов томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, 30 000 нусхада чоп этилган. Б.Каримов тўпламни нашр этишда ҳозирги ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви материалларидан фойдаланган. Тўпламга жами 21 та эртак киритилган бўлиб, эртакчилар ҳақида маълумотлар йўқ. Тўплам 150 саҳифадан иборат бўлиб, қуйидаги эртакларни ўз ичига олади: “Уч оғайни ботирлар”, “Маликаи Хуснобод”, “Ўғри”, “Уч оғайни”, “Қилич ботир”, “Камбағал қиз”, “Тўлғаной”, “Уч ёлғонда қирқ ёлғон”, “Қирқ ёлғон”, “Озодачехра”, “Матчон сўфи”, “Эшоним деб эшагимдан айрилдим”, “Эркисиз фолчи”, “Гаранг”, “Ўтинчи – ўтинчи бой”, “Ур, тўқмоқ”, “Чол билан кампир”, “Бўри билан тулки”, “Хўроз билан тулки”, “Бой билан новча”, “Ўпка кишлок”.

Эртаклар тематикасидан кўриниб турибдики, тўпламга турли мавзудаги – ҳам сеҳрли, ҳам майший, ҳам ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар киритилган. Китоб ўша давр учун амалда бўлган эски лотин алифбосида чоп этилган. Биринчи тўпламга киритилган эртаклар сонининг камлигини Б.Каримий бундай изоҳлайди: “Ўзбекистон тил-адабиёт илмий текшириш институтининг фольклор секцияси ҳали барча эртакчиларни аниқлагани йўқ. Жуда кўп эртаклар ҳали тўпланмаган. Ҳозирда институтда тўпланган эртаклар шу тўпламга жамланди” [8, 12-б]. Бундан англашиладики, тўпламдаги эртаклар биринчи ёзиб олинганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўзбек халқ эртаклари устида узоқ йиллар ишлаган фольклоршунос Буюк Каримов “Ўзбек халқ эртаклари” тўпламига ёзган сўзбошисида фольклор асарларини, айниқса, эртакларни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритади. Фольклор асарларининг ижодкори

меҳнаткаш халқ эканлиги, унинг руҳияти, интилиши, орзу-умидлари ҳақида тўхталади. Тўпламдаги “Ўғри”, “Уч ёлғонда қирқ ёлғон”, “Матжон сўфи”, “Бой билан новча”, “Озодачехра”, “Ур, тўқмоқ” каби эртақларни таҳлил қилади. Хуллас, сўзбошида Б.Каримов ўзбек халқ эртақларига оид дастлабки маълумотларни беради. Бундан ташқари, у халқ орасидаги уста-эртақчилар – Хусанбой Расулов, Ҳасан Худойбердиев, Ҳамробиби, Болтабой ота каби эртақ айтиш техникасини эгаллаган, эшитувчиларга мос эртақлар танлаб, уларни қизиқтириш малакасини эгаллаган эртақчилар ҳақида тўхталади.

Фольклор материалларини тўплашда Б.Каримов қандай қийинчиликларга дуч келгани ҳақида фольклоршунос Ҳ.Зариф бундай хотирлайди: “Ўзбек фольклорини ўрганишда Буюк Каримов унутилмас катта хизматлар қилди. Ўзбек халқининг дostonлари, эртақлари, мақолларидан жуда кўп бойликларни тўплади. У урушгача уюштирилган комплекс, яъни фольклор, диалектологик ва этнографик экспедицияларга, жумладан, Ғози Олим раҳбарлигидаги 1930 йилги Хоразм, Ҳоди Зариф бошчилигидаги 1935 йилги Фарғона экспедицияларида фаол иштирок этди. Ўша йилларда катта қурилишлар, ҳашарлар, каналлар бўйлаб фольклор экспедициялари уюштириш расм бўлганди. Чунки бундай оммавий тадбирларда Республика аҳолисининг деярли барча қатламлари вакиллари жалб қилинарди, демакки, табиий равишда уларда бахшилар, эртақчилар, кўшиқчилар ҳам қатнашарди. Масалан, Катта Фарғона канали бўйлаб санъатшунослик экспедицияси уюштирилганда Буюк Каримов бу тадбирнинг фаол иштирокчиси бўлган. У 1940 йили Тошкент ва 1942 йили Шимолий Тошкент каналлари қурилишида қатнашиб, кўпгина фольклор материаллари тўплади, бир неча эртақларни аниқлади. Ана шу экспедициялар давомида у оғир дардга чалинди. Касаллигига қарамай, фольклор асарларини тўплашда давом этди. Буюк Каримов фольклор жараёнларини табиий шароитларда, жонли ижро давомида кузатаман ва ўрганаман деб оғир дардга чалиниб қолди. Бу унинг умрига зомин бўлди. Аммо ундан арзирли мақола-тадқиқотлар, “Ўзбек халқ эртақлари” тўплами ва у ёзиб олган басавлат фольклор мероси ёдгорлик бўлиб қолди” [6, 96-б].

Ўзбек фольклори намуналарини йиғиш ва ёзиб олишда нафақат маҳаллий аҳоли, балки рус олимлари, сайёҳлари ва шўро ҳукуматининг расмий вакиллари ҳам салмоқли иш қилдилар.

Тилшунос ва этнограф рус олими Н.П.Остроумовнинг 1892 йилда Тошкентда чоп этилган “Сарты. Этнографические материалы” номли китобида ўзбек халқ эртақларининг рус тилидаги илк тўпамини учратиш мумкин.

Китобнинг “Народные сказки сартов” бўлимида 26 та ўзбек халқ эртақлари рус тилида тўплаганга киритилган. Н.П.Остроумов ўзбек фольклорини тўплаш ва нашр этишда ўша давр учун сезиларли иш қилди. “...аммо ўзбек фольклори бўйича миссионерлар тўплаган материаллар чор ҳукумати фойдасига хизмат қилмади, аксинча, улардан фан вакиллари фойдаландилар. Шуни қайд қилиш керакки, Н.П.Остроумов ва унга ўхшаш шахслар томонидан тўпланган материаллар баъзи бир илмий қизиқишлар уйғотса-да, бизнинг фольклористикамиз нуқтаи назаридан қараганда, нисбатан жуда кам қимматга эга. Чунки бу материаллар бевосита айтувчидан эмас, балки иккинчи даражали шахслардан ёзиб олинган” [6, 52-б].

Ҳ.Зарифнинг “иккинчи даражали шахслар” деган фикри эртақлар ҳақиқий эртақчилардан эмас, балки саводи чиққан, рус тилини билган кишилардан ёзиб олинганини билдиради. Тўплаган эртақлар Тошкентдаги рус-тузем гимназияси ўқувчилари – Саид-Қосим Сагатбаев, Саттархон Аъзамов, Ҳасанхожи Тоирхожинов, Маҳмудхожи Носирхожиев ва Абдурахмон Фарҳодийдан ёзиб олингани ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилган. Биргина “Ҳирс Полвон” эртаги Бўстонлиқ тумани Бурчмулла қишлоғида яшаган эртақчи Карим Розикдан ёзиб олинган.

Эртақларнинг фақатгина Тошкент худудидан ёзиб олингани уларнинг мавзу доирасига ўз таъсирини ўтказган. Эртақлар тематикасидан маълум бўладикки, тўплаганга асосан сеҳрли мавзудаги эртақлар киритилган бўлиб, ҳайвонлар ва маиший мавзудаги эртақлар деярли учрамайди.

Олимнинг Туркистон ўлкасини ўрганишдан мақсади аслида миссионерлик бўлса-да, лекин тўплаган материаллари бугунги кун учун қадрлидир. Китобга киритилган эртақларни биринчи нашр этилган халқ эртақлари тўплами сифатида ўрганиш мумкин. Тўплаганга асосан хон, шахзода ва маликалар ҳақидаги эртақлар киритилган.

Н.П.Остроумов китобга ёзган сўзбошисида ўзбек халқ эртақлари ҳақида фикр юритади: “Рус эртақларида бўлгани каби ўзбек эртақларида ҳам турли образлар – шоҳ, малика, сарой,



савдогар-бойлар, камбағал-ночорлар, ўғай она зулмидан эзилган етимлар, қароқчи-жодугарлар, уларга қарши курашувчи баҳодирлар; демонистик образлар – ялмоғиз кампир, дев, пари, аждаҳо, учар от ва сеҳрли қуш; сеҳрли буюмлар – ур тўқмоқ, тарок, очил дастурхон, қайнар хумча, баҳодирлар қиличи кабиларга дуч келасиз. Ўзбек эртақларида ислом дини таъсири сезилади. Бу эртақлар сюжетидаги турли догматик маросимлар (намоз, рўза) ва образлар (шайтон, Хизр)да кўзга ташланади” [10, 8-6].

Бундан ташқари, олим ҳудуддаги эртақчилик анъаналарига эътибор қаратади. Асосан кеч куз ва қиш оқшомларида яқин дўст-биродарлар (10-30 кишигача) йиғилгач, маълум миқдорда пул тўпланган ва шу пул эртақчига берилиб, ундан эртақ тингланган. Бундай маълумотлар Тошкентда ҳам эртақчилик анъаналари мавжуд бўлганини кўрсатади.

Иккала илк тўпламларнинг таҳлилидан шу нарса кўзга ташланадики, миссионер Н.П.Остроумов тўплаган эртақлар халқнинг ичидан, бевосита айтувчилардан эмас, балки уни бироз таҳрир қилган, таржима қилган саводли кишилар томонидан ёзиб олинган. Мана шу омил тўплам қийматини бироз туширади. Ўзбек фольклоршуноси Б.Каримов тўпламидаги эртақлар эса бевосита фольклор экспедициялари пайтида ижодкор эртақчилардан ёзиб олинганлиги сабабли унинг қиймати фан учун муҳим аҳамият касб этади.

Эртақлар нафақат тўпламларда, балки вақтли матбуот нашрларида, адабиёт дарсликларида ҳам чоп этилиб, халқ орасида кенг тарқала борди. Рус тарихчилари, археологлар, шарқшунослар ва этнографлар ўзбек халқ эртақлари, афсоналари ва улар ҳақидаги маълумотларни тўплаб борганлар. Мисол учун, рус ўқитувчиси “А.Васильев Намангандаги Ёркўрғон рус-тузем мактабининг ўқувчиси Исмоил Бураимовдан “Хирсиддин полвон” эртагини ёзиб олади ва 1909 йилда “Туркестанские ведомости” газетасида нашр этиради” [1, 7-6].

Эртақлар тадқиқи билан шуғулланган фольклоршунос олим М.Афзалов XX асрнинг 30-йилларидан кейин кўплаб халқ шоирлари, бахшилари, эртақчилари ва кўшиқчилари аниқланиб, улардан кўплаб фольклор асарлари ёзиб олингани ҳамда уларнинг энг яхши намуналари нашр этилгани ҳақида ёзади. Масалан, “Миён Бузрук Солиҳов томонидан тузилган тўплагма ўзбек фольклорининг дoston, матал ва сахна ўйинлари қаторида эртақлардан ҳам намуналар киритилган. Тўплагма “Бой билан новча”, “Авом фолчи”, “Уч ёлғон”, “Тум соғирлиғим” каби эртақлар кирган. Муаллиф ҳар бир эртақ матнини беришдан аввал мазкур эртақ ҳақида қисқача маълумот, изоҳ беради. Тўпловчи эртақларни мумкин қадар ўз шеvasида беришга ҳаракат қилган ҳамда ҳар бир эртақни ким айтганлиги, ким ёзиб олганлиги, қаерда ёзилганлигини кўрсатиб ўтган” [1, 8-6].

Бундан ташқари, 1953 йилда М.Афзалов ва Х.Расул томонидан нашрга тайёрланган ўзбек халқ эртақлари тўплами Б.Каримий нашрга тайёрлаган дастлабки тўплагмадаги материалларни ўз ичига олган ҳолда бир қанча янги ёзиб олинган эртақлар билан тўлдирилган.

1960 йилга келиб ўзбек халқ эртақларининг икки жилдлиги нашрга тайёрланди. Бу тўплагма шу давргача нашр этилганларига нисбатан мукамал бўлиб, мутахассислар томонидан ёзиб олинганлиги билан фарқ қилади. Ушбу икки жилдликда жами 196 та эртақ жамланган бўлиб, китоб дастлаб ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар билан бошланади.

Тўплагма, асосан, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Фарғона ва Хоразмдан ёзиб олинган эртақлар киритилган. Ушбу икки жилдлик кейинги йилларда чоп этилган эртақ тўпламлари учун асос вазифасини бажарган, дейиш мумкин.

Иккинчи йўналиш бўйича, яъни тўпламларни бир эртақчи репертуарига асосланганлиги жиҳатидан ўрганишда профессионал эртақчилар Нурали Нурмат ўғли ҳамда Абдуғофур Шукуров репертуарларига бағишланган эртақ тўпламлари ўрганилди.

1983 йили Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган, фольклоршунослар Зубайда Хусаинова ва Баҳодир Саримсоқовлар нашрга тайёрлаган “Кулса – гул, йиғласа – дур” тўплами халқ эртақчиси Абдуғофур Шукуров репертуари асосида тузилган бўлиб, тўплагма ўзига хос хусусиятга эга. Бу ўзига хослик унинг репертуари фақат сеҳрли эртақлардан иборат эканлиги билан белгиланади. “Тўплагмадаги айрим эртақларнинг асоси китобий манбаларга бориб тақалади. Бироқ бундай сюжетлар кўп вақтлар оғзаки ҳолда эртақчилар доирасида кенг тарқалиши, бир неча авлодлар томонидан қайта-қайта айтилиши туфайли ўзининг дастлабки манбалари – қисса ва ҳикоятдан узоқлашиб структура жиҳатидан эртақ жанрига тўла бўйсунган” [5, 299-6]. Тўплагма эртақчи репертуарига мансуб 17 та сеҳрли-фантастик эртақ киритилган.

Шунингдек, Нурали Нурмат ўғли репертуари бўйича 1990 йили Ғафур Ғулом нашриётида чоп этилган “Луқмони ҳаким” тўпламига эртақлар, латифалар, Машраб ҳақидаги

халқ ривоятлари, халқ кўғирчоқ театри намуналаридан иборат жами 63 та оғзаки ижод асарлари киритилган бўлиб, шулардан 53 тасини маиший эртактлар ташкил қилади. Кузатишлардан маълум бўладики, Н.Нурмат ўғли кўпроқ маиший ва ҳажвий мазмундаги эртактлар айтган. Маиший эртактларнинг асосий белгиси ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг аҳоли турмуш-тарзига ўта яқинлигидир. “Луқмони ҳаким” тўпламидаги эртактларнинг деярли тўқсон фоизи ё маиший, ё ҳажвий йўналишдаги эртактлардир. Ушбу тўпламга аралаш мавзудаги эртактлар, турли латифалар ва ҳангомалар ҳам киритилган.

Юқоридаги иккита тўпламдан ташқари шу кунгача бир эртактчи репертуарига бағишланган бошқа китоб чоп этилмаган, шу жиҳати билан иккала китоб ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида эртактларни нашр этишга янгича принциплар асосида ёндашила бошланди. Илгари мавзу жиҳатдан аралаш ҳамда ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари инобатга олинмаган эртакт тўпламлари нашр қилинган бўлса, бугунга келиб болаларнинг ёш билан боғлиқ хусусиятлари ва уларда муайян фазилатларни тарбиялаш учун кўмак берадиган эртактлар бир китобда жамланиб чоп этилмоқда.

Учинчи йўналиш – мавзулаштирилган эртакт тўпламлари бўйича дастлабки китоб “Олтин бешик” бўлиб, унда эртактлар тематикасига кўра кетма-кет жойлаштирилган [3]. Дастлаб “Эр йигит – эл ғамида” рукни остида паҳлавонлик, мардлик мавзусидаги “Паҳлавон Рустам”, “Аҳмаджон билан Луқмонжон”, “Қирон ботир”, “Муқбил Тошотар”, “Кимёгар бойнинг ўғли”, “Қилич ботир”, “Тулиқаҳқаҳ”, “Булбулигўё” каби эртактлар жамланган бўлса, “Яхшидан вафо” рукнида – “Эгри ва тўғри”, “Нима эксанг, шуни ўрасан”, “Зумрад ва Қиммат”, “Кулса – гул, йиғласа – дур”, “Олтин бешик”, “Чўлоқ лайлак” эртактлари, “Бахт излаган йигит” рукнида “Ақл ва бойлик”, “Ота васияти”, “Чалпак ёққан кун”, “Ақлли қиз”, “Доно қиз”, “Озодачехра” каби эртактлар жойлаштирилган.

Тўпламда эртактлар ижрочиси ва ёзиб олувчиси ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмаган.

Шунингдек, “Олим бола эртактлари”, “Доно бола эртактлари” ва “Жасур бола эртактлари” тўпламлари ҳам мавзулаштирилган бўлиб, боладаги ҳисларни тарбиялашга мўлжалланган [2].

Тўпламлардан болаларда дўстлик ва садоқат, ҳалоллик ва адолат, инсоф ва виждонлилик, илм ва ҳунар, тadbиркорлик ва меҳнатсеварлик, довюраклик ва раҳмдиллик, зеҳн ва идрок каби фазилатларни тарбиялайдиган эртактлар ўрин олган. “Шаҳзода Салмон”, “Олмос ботир” ва “Кенжа” эртактлари жасорат ва қаҳрамонликка ундовчи эртактлар бўлимига, “Яхшиси ҳам, ёмони ҳам тил”, “Ҳозиржавоб вазир”, “Подшонинг мот бўлиши”, “Хафа бўлиш йўқ-а?”, “Икки ўртоқ”, “Қози”, “Табиб ва бемор”, “Қирқ ёлғон” эртактлари хушмуомалалик ва ҳозиржавобликни ўргатувчи эртактлар бўлимига, “Сусамбил”, “Овчи, кўкча ва доно”, “Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар”, “Бароқхон”, “Сеҳрли балиқ” каби эртактлар дўстлик ва садоқатни улуғловчи эртактлар бўлимига киритилган.

Тўпламда эртактлар мавзу жиҳатидан турларга бўлиб жойлаштирилгани ноширлик йўналишида янгича ёндашув бўлса-да, фольклоршунослик нуқтаи назаридан баъзи камчиликлардан ҳоли эмас. Хусусан, китобга эртактларни дастлаб нашрга тайёрловчилар, эртактчилар, қачон ва ким томонидан ёзиб олингани ҳақидаги маълумотлар киритилмаган. Бу ўз навбатида тўпламнинг илмий қийматини пасайтириб юборган. Шунингдек, нашрга тайёрловчи Э.Эркин тўплам устида ишлашда қайси манбалардан фойдаланганини кўрсатиб ўтмаган. Баъзи ўринларда эса муҳаррир таҳрири кўзга ташланади. Мисол учун “Булбулигўё” эртагида шаҳзода қутида икки қиз (бири ҳақиқий малика, бири маймун-қиз)ни олиб келганда, подшоҳ қай бирини танлолмай, боши қотиб туради [4, 123-б]. Вазир ҳақиқий маликани танлаб, шуни олиб қолишни тавсия қилади, лекин маймун-қиз подшоҳнинг тиззасига ўтириб, бўйнига қўл солиб, ноз-карашма билан тургани учун подшоҳ уни ёқтириб қолади. Шунда подшоҳ маймун-қизни олиб қолиб, ҳақиқий маликани шаҳзодага бериб юборади.

“Ўзбек халқ эртактлари”нинг мукамал тўпламида эса маймун-қизни ёқтириб қолган подшоҳ вазирга қараб: “От бўлса, йўрға бўлсин, хотин бўлса, сатанг бўлмасин-у, сатангсифат бўлсин”, дейди [7, 97-б]. Подшоҳнинг характер хусусиятини очиб берувчи ушбу ибора “Жасур бола эртактлари” тўпламида тушириб қолдирилган.

Бизнингча, катталар оламидаги ижтимоий муносабатлар акс этган сахналар, иборалар олиб ташланавермасдан, балки эртактларни болаларнинг ёш хусусиятларга қараб ажратиш лозим. Аслида, катталар эртаги бўлишига қарамай, болаларга мослаштирилган ёки ғояси давр мафкурасига бўйсундирилган эртактлар кўплаб учрайди.

Юкоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, халқ эртакларини янада кенгрок тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир. Эндиги эртакчилик ривожда ўқувчиларга эртакни етказиб беришда асосий бўғин ҳисобланган нашриётлар бу масалага жиддий ёндашишлари талаб этилади. Чунки мустабид тузум пайтида давр ва шароитга бўйсуниб эртакларнинг яшаб қолиш шаклларида бири бўлган. Эндиги мақсад эса уларнинг асл ҳолатини аниқлаш, тиклаш ва халқ орасига ёйишдир. Бу каби масалалар тадқиқотчилар олдида долзарб ва муҳим вазифаларни қўяди.

Шунингдек, халқ эртакларини адабий тилга мослаштириш унинг тарихийлиги, географик муҳитга мансублиги, тилдаги колоритнинг йўқолишига сабаб бўлади. Тўғри, эртаклар тарихий жараёнларда халқ тили ва маданияти билан баробар ўсиб боради, бироқ тўпловчи ёки нашрга тайёрловчининг эртаклардаги қадимийлик, тарихийликка ҳос хусусиятларни адабий тил меъёрларига яқинлаштириши фольклор асарларини ўрганиш масаласини қийинлаштиради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Тошкент: Фан, 1964. – Б. 7.
2. “Олим бола эртаклари”, “Доно бола эртаклари”, “Жасур бола эртаклари”. – Тошкент: Академнашр, 2018.
3. “Олтин бешик” эртаклар тўплами. – Тошкент: Чўлпон, 2011.
4. Жасур бола эртаклари. – Т.: Академнашр, 2018. – Б. 123.
5. Кулса –гул, йиғласа – дур. Эртаклар. – Т.: 1983. – Б. 299.
6. Мирзаев Т. Ходи Зариф суҳбатлари. – Тошкент: ShAMS-ASA, 2013. – Б. 96.
7. Ўзбек халқ эртаклари. – Т.: Ўқитувчи, 2007. – Б. 97. Ушбу тўпلام 1960 йилги 2-томлик “Ўзбек халқ эртаклари”нинг қайта чоп этилган наشري ҳисобланади.
8. Ўзбек халқ эртаклари. Тўпловчи Б.Каримий. – Тошкент: 1939. – Б. 12.
9. Ходи Зариф. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан / Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. 1-китоб. – Тошкент: 1970. – Б.218-281.
10. Остроумов Н.П. Сартри. Этнографические материалы. – Ташкент: 1892. – С. 8.

УЎК 81-13

### ТАЪҚИҚ ВА РУҲСАТ НУТҚИЙ АКТЛАРИ ВОҚЕЛАНИШИНИНГ СОЦИОПРАГМАТИК ОМИЛЛАРИ

*О.Ф. Ачилова, PhD, Самарқанд Давлат Чет Тиллар Институту, Самарқанд*

**Аннотация.** Ушбу мақолада япон тилига оид прохибитив ва пермиссив нутқий актлари ва уларнинг бевосита ёки билвосита диалогик нутқ жараёнида қўлланилишига оид социопрагматик омиллари ҳамда талабаларнинг тилни ўрганишига бўлган эҳтиёжларини шакллантириши ва ривожлантириши учун муҳим саналган буйруқни ифодаловчи грамматик конструкциялар ҳақида фикр юритилган. Мақолада япон тилида таъқиқ ва ижозат маъноларини ифодаловчи тил воситалари аниқланиб, таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** нутқий акт, таъқиқ, буйруқ, илтимос, грамматик конструкция, билвосита, бевосита, ҳурмат ва оддий шакл оттенкалари, ижозат

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются важные аспекты использования директивных и косвенные репрезентации прохибитивные и пермиссивные речевые акты в японском языке, социопрагматический факторы и их использование в процессе диалогической речи, а также грамматические структуры, которые играют важную роль в развитии языковых навыков учащихся. В статье дается определение прохибитивный и пермиссивный понятий, лингвистик ценностей и их типов на японском языке. Выявлены и проанализированы языковые инструменты для выражения прохибитивных и пермиссивных ценностей и роль на японском языке.

**Ключевые слова:** речевые акты, запрет, императив, просьба, грамматическая конструкция, директивный, косвенный, нежные и простые формы, позволение

**Abstract.** This article belongs to the important aspects of the representation, rules and forms of prohibitive and permissible sentences in Japanese language and their directly or indirectly usage in the course of the dialogue. Written about the grammatical constructions of the prohibitive and permissible form which play an important role to develop the students' skill of learning foreign language.

The article defines the concept of prohibitive and permissible speech acts in Japanese language and their types are discussed. Language tools for expressing prohibited and permissible speech acts in Japanese are identified and analyzed.

**Key words:** speech act, prohibition, imperative, request, grammatical construction, direct, usage of polite and plain forms, permission

Ўрганилаётган лисоний ва нутқий муаммолар орасида шахслараро мулоқот (人間関係) ва маданиятлараро мулоқот (国際的コミュニケーション) ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Инсон нутқий хулқ-атворини бошқариб турувчи омиллардан бўлган ва замонавий тилшуносликда “этикет” атамаси билан белгиланган лисоний ва ғайрилисоний воситалар ҳар қандай маданиятнинг муҳим таркибий қисмидир.

Айниқса, япон лингвомаданиятида сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқот этикети қадимги даврлардан мукамал шаклланган бўлиб, унга бугунги кунга қадар диалогик нутқ жараёнида тўлиқ амал қилиниб келинмоқда.

Бундай нутқий этикет қонун - қоидалари қаторига асосан, 挨拶(саломлашиш), 伝達(муружаат қилиш), 別れ(хайрлашув), 自己紹介(танишув), 詫び(узр сўраш), 感謝(ташаккур билдариш), 祝い(табриклов), 願い(истак-хошиш билдириш), 依頼(илтимос), хушомад каби турлари киради.

Ижтимоий нуқтаи назардан меъёрий ва ғайримереърий нутқий хулқ-атвор турларини таснифлаш мумкин. Шахсларо муносабат меъёрий талабларига ҳамда умумжамият қоидаларига ҳозиржавоб хулқ-атвор этикетга мос келувчи деб қабул қилинади. Жамиятда инсон хулқ-атворини бошқариб туриш усули сифатида этикет фақат дипломатик мулоқотдагина эмас, балки маърифатли суҳбатдошларнинг норасмий алоқаларида ҳам намоён бўлади.

Японзабон суҳбатдош билан мулоқатга киришувчи ҳар қандай шахс, авваломбор, мулоқат жараёнининг расмий ёки норасмий кечишидан қатъий назар, япон лингвомаданияти асосида белгиланган ҳурмат ва оддийлик ёки камтарлик оттенкаларини белгилаб берувчи грамматик бирикмалар, 慣用句(фразалар) ва кўшиероглифлардан ўринли ва тиниқ оҳангда фойдаланиши талаб этилади. Ушбу талабларнинг диалогик мулоқот жараёнидаги воқеланиши кўпинча ҳурмат-эҳтиром ва камтарлик категорияларининг ифодаси деб таърифланади. Гарчанд ушбу категориялар тил ва жамият тараққиёти таъсирида турли ўзгаришлар ва янгиликлар киритилишига учраб келаётган бўлса-да, ушбу ҳолат сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги нутқни мулоқот қоидаларининг янада сайқал топишига шароит яратади.

Айниқса прохибитив ёки пермиссив нутқий актлар ижросида сўзловчининг ҳурмат-эҳтиром ва камтарлик категорияларидан моҳирона ва жўяли фойдалана олиши асосида, нутқ ва ундан кўзланган мақсад самарадорлиги тўлиқ таъминланади. Масалан,

「大丈夫だよ。連絡があるまで保管しておくから、心配しないでいいよ。」  
(Ҳаммаси жойида. Хабар келгунича сақлаб тураман, хавотир қилма). (高木敏子, “ガラスのうさぎ”, 72-6)

Ушбу нутқий акт ўзида мулоқат матнининг иккита интенциясини акс эттиради. Унинг бирламчи маъноси хавотир қилиш ҳаракатини таъқиқлаш бўлса, иккиламчи маъносида “хавотир қилмасанг ҳам бўлаверади” қабилдаги пермиссивлик оҳангини идрок этиш мумкин. Шунингдек, жумла охиридаги “-ないで” таъқиқни ифодаловчи ҳамда “-いいよ” ижозатни ифодаловчи бирикмалар сўзловчини адресатга нисбатан ўта яқин муносабатдаги шахс эканлигига ишора қилади. Ушбу шакллар нутқ самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Masaki Yamaoka(2002)нинг фикрича, ҳаракатга ундовчи мулоқат матнида ҳурмат ёрдамида мулоқатдошларнинг инсоний муносабатлари ўрнатилади ва мулоқотнинг силлиқ давом этиши таъминланади (山岡政紀, 2002:17). Японияда ҳаракатга ундовчи нутқий актлар тизимида ҳурмат тамойилининг аҳамияти ҳақида бир қанча илмий ишлар олиб борилган. Жумладан, 北尾(Китао,1988),生田(Икеда,1997) каби тилшуносларнинг изланишларини эслатиш мумкин. Масалан, Китао (1988) куйидаги жумлаларни ҳурмат категорияси асосида талқин қилади:

もし差し支えがなければ窓を開けて下さいますか。

(Агар қарши бўлмасангиз, деразани очиб юбора оласизми, илтимос.)

Ушбу жумлаларнинг барчаси ҳаракатга ундовчи буйруқ гаплар сифатида қабул қилинади, лекин уларнинг структураси сўроқ шаклидаги иккиланиш ҳолатини кўрсатади. Ҳар бир нутқий актнинг ягона интенцияси суҳбатдошга деразани очтириш бўлса-да, ушбу мақсад ҳурмат тамойилининг турлича кўринишида воқеланган (北尾, 1988). Япон мулоқот одобида бундай императивликнинг бевосита ёки ҳеч қандай эҳтиром белгиларисиз баён этилишига нутқ одоби йўл қўймади. Демак, этикет нутқ мақсадига эришиш учун сўзловчида умид



уйғотувчи риштадир ва эҳтиром тамойилига бўлган эътибор қадимги даврларданок шакллана бошлаган.

Аслида, этикетни ўрганиш антик (Рим, Греция) замонларида бошланган бўлиб, ҳурмат-эҳтиром тушунчаларни назарий жиҳатдан тадқиқ этишда тил ҳодисаси деб қарала бошланган. Унинг жиддий тадқиқотлари лингвопраграмастика доирасидаги ва нутқий мулоқотга бевосита алоқадор тамойиллар тизими сифатида тилшунослик дунёсида кенг ва чуқур ўрганиб келинмоқда. Ҳурмат ва эҳтиром тамойили кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, дунёдаги барча тилларга хос бўлган ва мулоқотни ортиқча конфликтларсиз рўйга чиқаришнинг асосий шартларидан деб ҳисобланади.

Нутқий хулқ-атвор меъёрлари эса, маълумки, муайян тилда сўзлашувчи халқнинг маъданий- ижтимоий тарихий хусусиятлари билан белгиланади.

Ҳурмат-эҳтиром тамойилини тарифлашда, айниқса, унинг суҳбатдошлар нутқий ҳамкорликдаги ўзаро ҳатти-ҳаракатларни тартибга солиб турувчи бошқа тамойиллар билан муносабатларини аниқлаб берадиган турли фикрлар мавжуд.

Анъанавий мулоқотшуносликка оид ишларда нутқий этикет комуникациянинг ажралмас таркибий қисми деб қаралади. Зотан, бу шарт-шароитлар тадқиқотчилар томонидан нутқий хулқ-атворни бошқариб турувчи омиллар мажмуаси сифатида талқин этилади.

Дарҳақиқат, япон тилшунослари ҳам “мулоқат безаги” вазифасини бажарувчи ҳурмат ва оддийлик нисбатларини махсус конструкциялар орқали изоҳлайди ва улар асосан таъқиқ ёки ижозат оҳангида ижро этилган императив гаплар қўлланилишида жуда кўл келади.

Олимларнинг талқинига мувофиқ, ҳурмат - эҳтиромнинг юқори самараси нафақат вазият тақозосига ёки суҳбатдошларнинг ўзаро муносабатига кўра ва ижтимоий шарт-шароитларга боғлиқ тарзда балки, этномаданиятга ҳам алоқадор тарзда намоён бўлар экан. Ҳурмат - эҳтиром (нутқ одоби)ни ифодаловчи омилларни япон тилида икки хил кўринишда талқин этилиши эътиборга лойиқ :

1. Норасмий мулоқот актлари (公式発表)
2. Расмий мулоқот актлари (非公式発表)

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, мулоқот актининг ҳар бир турига коммуникантлараро муносабатларининг ўзига хос меъёрлари мавжуд бўлади.

Юқорида таъкидланган ҳурмат ва оддийлик меъёрларини мулоқат жараёнида тартибга солиб, унинг самарадорлигини таминловчи формула ва тузилмалар, асосан, норасмий диалогик нутқ жараёнида кенг қўлланилади. Аммо расмий мулоқат жараёнида асосан, ҳаракатга ундовчи нутқий актлар таркибида юқорида келтирилган формулаларнинг аксарияти “辞書形+こと, ない+こと” тарзида намоён бўлади. Масалан, норасмий мулоқат: よくお母さんが言っていた。「人様に笑われないように。人様に迷惑をかけないように」と。(高木敏子, “ガラスのうさぎ”, 82 б). (Ойим айтар эдилар. “Одамларга кулги бўлма. Одамларга нокулайликлар туғдирма” деб).

Расмий мулоқат: よくお母さんが言っていた。「人様に笑われないこと。人様に迷惑をかけないこと」と。(Ойим айтар эдилар. “Одамларга кулги бўлмаслик керак. Одамларга нокулайликлар туғдирмаслик керак” деб).

Ушбу жумла ҳар иккала кўринишда ҳам бир хил маъно касб этсада, уларни гап таркибидаги грамматик қурилмалар асосида, расмий ва норасмий мулоқат матни эканлигини дарҳол идрок этиш мумкин бўлади.

Япон тили соҳиблари мулоқат жараёнида ижро этиладиган ҳар қандай нутқни ҳурмат ва оддийлик ёки камтарлик ҳамда хушомад нутқий актининг меъзонлари билан бойитишга ва бу эса нутқий мулоқат бардавомлигини белгилашга ҳамда самарали кечишига катта умид боғлашига асос бўла олади деб ҳисоблашади. Ушбу фикр япон миллатининг диний эътиқодлари, дунёқараши ва асосийси, табиатга бўлган муҳаббатини ҳурмат ва эҳтиром билан изҳор қилиши орқали сайқалланиб келган (浅田 秀子, 2009).

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ミニことわざ辞典—1993年.
2. 桐野夏生「顔に降りかかる雨」—1999年.
3. 高木敏子, “ガラスのうさぎ”—1998年.
4. Тарланов З.К. Русские пословицы: синтаксис и поэтика. – Петрозаводск: Изд-во Петрозаводск. ун-та, 1999.
5. Бердиев Х., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремнологик луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
6. Маҳмуд Саттор. Ўзбекнинг гапи кизик (миллатнинг кенжа бўғинига). – Тошкент: “Тафаккур қаноти”, 2011.

7. И.Бекмуххамад. Узбек халк маколлари. Т-2013.

УЎК 81-13

## ТИЛЛАРНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ СЎЗ БОЙЛИГИ ТАВСИФИДА ЛИНГВОАКСИОЛОГИЯ

*Д. Бахронова, PhD, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент*

**Аннотация.** Аксиологик ёндашув маданиятшуносликда алоҳида ўрин тутади, чунки маданият инсоннинг умри давомидаги фаолияти дастурини таъминлайдиган миллий-маданий қадриятлардан иборат. Жумладан, лингвомаданиятшуносликда тил ва миллий-маданий қадриятлар ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги механизмлари тўғрисидаги билимларга урғу берилади. Аксиометрия нафақат маданиятшуносликда, балки социология ва психология кесимида ижтимоий мақсадлар ва инсон ички-руҳий оламига доир тадқиқотларда, социология ва антропология кесимида эса инсон ва унинг жамоадаги ўрнида қадриятлар роли билан боғлиқ изланишларда давом этмоқда. Лингвоаксиологияда асосий урғу қадриятларни ижтимоий маданий ва тарихий контекстларда тизимли ўрганиш ва “баҳо-ўлчаиш” категориясини тил ҳодисаларига боғлаб аниқлашга қаратилмоқда.

**Калит сўзлар:** лингвокультурология, лингвоаксиология, менталитет, қадриятлар, баҳолаш

**Аннотация.** Аксиологический подход занимает особое место в культурологии, поскольку культура состоит из национальных и культурных ценностей, которые формируют программу жизнедеятельности человека. В частности, в лингвокультурологии делается упор на знание языка и национально-культурных ценностей, и механизмов их взаимозависимости. Аксиометрия продолжается не только в культурных исследованиях, но также в социологии и психологии в исследованиях социальных целей и внутреннего мира человека, а в социологии и антропологии – в изучении роли ценностей в человеке и его места в обществе. В лингвоаксиологии основной упор делается на систематическое изучение ценностей в социокультурном и историческом контексте и определение категории «оценка-измерение» применительно к языковым феноменам.

**Ключевые слова:** лингвокультурология, лингвоаксиология, менталитет, ценности, оценка

**Abstract.** The axiological approach has a special place in cultural studies, because culture consists of the national and cultural values that form the program of human activity throughout life. In particular, in linguocultural studies, emphasis is placed on knowledge of language and national-cultural values and the mechanisms of their interdependence. Axiometry continues not only in cultural studies, but also in sociology and psychology in research on social goals and the inner world of person, and in sociology and anthropology the study of the role of values in human and his place in society. In linguoaxiology, the main emphasis is on the systematic study of values in socio-cultural and historical contexts and the definition of the “assessment-measurement” category in relation to linguistic phenomena.

**Keywords:** linguoculturology, lingvoaxiology, mentality, values, evaluation

Инсон ҳаётида нутқ ва тил асосий омиллардан биридир. Тил авлодни-авлодга боғлайдиган, инсоният тарихида яратилган маданий ва илмий бойликларни ўзида сақлайдиган, асрайдиган, кейинги авлодга етказиб берадиган маънавий қуролидир. Дунё халқлари ўртасидаги турли соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганлиги тилшуносликнинг лингвомаданиятшунослик, когнитив тилшунослик, лингвоаксиология, этнолингвистика каби замонавий соҳа ва йўналишларида янгидан-янги илмий тадқиқот ишларини тақозо этмоқда. Чунки ҳар бир миллат ва элатларнинг ўзига хос, ҳеч кимникига ўхшамайдиган миллий-маданий анъана ва урф-одатлари меъёрларини билмай туриб ўзаро мулоқотга киришиш қийинчилик туғдириши табиий. Н. Маҳмудов, “Дунёни билиш ва англашда ўхшатишлар, умуман, қиёс, фавқулудда муҳим ўрин тутса-да, дунёни ҳар қандай билиш аксиологиядан, яъни билинган нарсани бирон-бир тарзда баҳолашдан холи бўлиши мумкин эмас”, деб ёзади. Биз ҳам бу фикрни тўла қувватлаймиз, чунки ҳаётимиз давомида бизга ҳамроҳ “ок/қора”, “яхши/ёмон”, “тўғри/нотўғри” концептларининг ўзи баҳо категориясини исботлаб туради. Шунингдек, бугун инсон онгининг аксиологик хусусиятлари ҳақидаги қоида кенг эътироф этилмоқда. Н. Маҳмудов Е.Серебренникова ва К.Михнюкларнинг фикрлари билан асосланиб қуйидагиларни ёзган: ...муайян нарса-қадрият

англанар экан, унга нисбатан инсоннинг, демакки, жамиятнинг баҳоси, муносабати ҳам муайян тарзда ифодаланади, ана шу жиҳатдан лингвистика ва аксиология бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир [1]. Дарҳақиқат, ўхшатишни баҳо категориясидан ажратиб тасаввур қилиб бўлмайди, чунки одам атрофидаги оламни ва, албатта, ўзини қиёслаш-ўхшатиш ва баҳолаш йўли билан англаб боради [2].

Ҳар бир халқнинг миллий тафаккурида шу халққа хос ва мос бўлган, ижтимоий - тарихий шароитлар таъсири натижасида шаклланган жиҳатлар мавжудки, у шу халқнинг руҳияти, менталитети, характери ифодалайди, ижтимоий-маданий тараққиёти ривожини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди. 15 асрадаёқ Навоий сўз ва унинг кадр-қиммати, буюклиги ҳақида ҳамда ҳар бир ҳудуд тилида ўзига хослик мавжудлигини қуйидагича таъкидлаган эди: «Сўз дуррининг тафовути мундин доғи беғоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдур. Ва бу сўзнинг танаввуи тааққулдин нари ва тасаввурдин ташқаридур. Агар муболағасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса, етмиш икки навъ била тақсим топариди, худ ҳеч сўз йўқтурки, етмиш икки фирқа каломига далолат қилғай; аммо улча тафсилийдур. Улдурким, рубъи маскуннинг етти иқлимидин ҳар иқлимда неча кишвар бор ва ҳар кишварда неча шаҳар ва қасаба ва кент ва ҳар даштда неча хайл-хайл саҳронишин улус ва ҳар тоғнинг қўллариди ва қуллалариди ва ҳар баҳрнинг жазойириди ва савоҳилиди не тавойиф бор. Ҳар жамоат алфози ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати ёналаридин мутағаййир ва бир неча хусусият била мутамаййиздурки, ўзгаларда йўқтур». (А. Навоий. Муҳокаматул луғатайн). Айнан ана шундай “ўзгачалик” учун ҳам чет тилларни мукамал билиш ёки бир тилда коммуникацияга киришувчи турли ҳудудларда яшовчи кишилар мулоқот хулқини ўрганиш ҳамда уларнинг ўзига хос томонларини тадқиқ қилиш барча замонлар талаби ҳисобланган. Бугунги кунда кадриятларни қайта баҳолашда, миллий кадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва келажак авлодларга безавол етказишда, ислоҳот ва ўзгаришларни муайян халқ онгида янгича кадриятга айланиб бораётган жиҳатларини аниқлашда, мавжуд муаммоларни ҳал қилишда фалсафа, маданиятшунослик ва тилшуносликда аксиологик баҳолаш усули фаол қўлланилмоқда (қаранг Е. Серебренникова, С.Г. Тер-Минасова, Қ. А. Назаров, А.П.Садохин, К. Михнюк).

Бодуэн де Куртене ўзлашмаларнинг лингвистик ва нолингвистик сабабларини кўрсатиб ўтади. Ўзлашмаларнинг барча ҳолатларида тил билан боғлиқ жараёнлар каби тарих, география, физиология, психология ва ҳатто физика, механика факторларига ҳам боғлиқ бўлади. Юқоридаги тилшуносларнинг ўзлашмалар борасидаги фикрлари турлича эканлигини кўриш мумкин. Бизнингча ўзлашмалар асосан тилларнинг ўзаро контактга киришиши натижасида содир бўлади. Мазкур тушунча ҳақидаги У.Вайнрайх, Э.Хаугэн, В.М.Аристова каби тилшунос олимларнинг қарашлари ҳақли эди.

Тилшуносликда тил контаклари, билингвизм, ўзлашмалар ҳодисаси тилшунослик назариясининг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Бизга маълумки, тил контаклари, иккитиллилик масалаларини ўрганишга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу нуктаи назардан тадқиқотимизда юқоридаги ҳодисаларни батафсил ёритишга ва тилшуносликнинг бу йўналишидаги ишларини бир тизимга солишга ҳаракат қилдик. Бу масалани тил сатҳлари нуктаи назаридан ўрганиш ва тадқиқ этиш тилшуносликда янги йўналишларни пайдо бўлишига туртки бўлади.

#### ҲОИДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Вайнрайх У. Языковые контакты. – Киев: Вища школа, 1979. - С.22.
2. Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. – Ленинград: Наука, 1972. - С.4, 7-8
3. Блумфильд Л. Язык. – М.: Прогресс, 1968. – 607 с.
4. Хауген, Э. Языковой контакт Текст. / Э. Хауген // Новое в лингвистике. М., 1972. - Вып.VI. - С. 61-80
5. Мечковская Н.Б. Общее языкознание. Структурная и социальная типология языков / Н.Б. Мечковская. - М.: Изд.Флинта: Наука, 2001. - С.102.
6. Йордан Й. Романское языкознание. - М.: Прогресс, 1971. –С. 87.
7. Лингвистический энциклопедический словарь / Гл. ред. В.Н. Ярцева. -М.: Изд-во Сов. Энциклопедия, 1990. - 524 с.

УДК: 82.091

### ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРЕДПОСЫЛКИ АКТИВИЗАЦИИ ИНТЕРЕСА К ВОСТОЧНОЙ ТЕМЕ В НЕМЕЦКОЙ И РУССКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

*Н.Б. Искадарова, преподаватель, Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии, Ургенч*

*Аннотация. Мақолада Европада ва Россияда XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида фалсафий, бадий ва адабий-шеърый йўналишларнинг босқичма-босқич ўзгариши, шахснинг маънавий ва ижодий ҳаёти қийматини тасдиқлаш билан тавсифланиши кўриб чиқилади. Шунингдек, романтизм даврида адабиёт ва санъатда “шарқоналик” номли янги*

йўналишининг пайдо бўлганлиги ва ушбу йўналиш шарқона образни қайта тиклашга қаратилган услубий тенденциялардан бири бўлганлиги ушбу мақолада ўз исботини топган.

**Калим сўзлар:** адабиёт, модернизация, шарқоналик, Фарб, Шарқ.

**Аннотация.** В статье освещается поэтапное изменение философских, художественных и литературно-поэтических направлений на территории Европы и России в конце XVIII первой половины XIX века, характеризовавшееся утверждением ценности духовно-творческой жизни личности. Так же рассматривается возникновение в литературе и искусстве Эпохи романтизма новое направление «Ориентализм», одна из стилистических тенденций к воссозданию условного образа Востока, сделав его особым миром.

**Ключевые слова:** литература, модернизация, ориентализм, Запад, Восток.

**Abstract.** The article highlights the gradual change in philosophical, artistic and literary-poetic trends in Europe and Russia at the end of the 18th and first half of the 19th century, characterized by the assertion of the value of the spiritual and creative life of the individual. It also examines the emergence in the literature and art of the Age of Romanticism, a new direction "Orientalism", one of the stylistic tendencies to recreate the conventional image of the East, making it a special world.

**Key words:** Literature, modernization, orientalism, West, East.

В мировом сознании человеческая мысль, как результат мышления, отнесена к познавательной деятельности, то есть является опосредованным, обобщенным способом отражения происходящего [1]. Находясь в процессе развития на протяжении многих веков, мир и человек, испытали взаимное проникновение и стали неотъемлемой частью друг друга. Прошое тысячелетие доказало это, став основным в истории человечества и в развитии, практически, всех областей жизни человека разумного. Восток является отдельным миром для всех, кто жаждет узнать и разобраться во всех деталях его бытия.

В процессе социально-экономических и культурных преобразований в стране духовная культура служит воспитанию в обществе чувства всестороннего развития, ещё раз подчеркивает, что «внимание литературе и искусству это – прежде всего внимание народу, будущему» [2], художественная литература и просвещение играют важную роль в духовном совершенствовании молодого поколения.

XVIII век в жизни народов Западной Европы и России стал эпохой величайших культурных, социально-экономических и политических изменений. Разрушение устоев традиционной цивилизации и утверждение новой получило в истории название «Модернизация» [3], явившись миру во многом противоречивым процессом во всех сферах жизни общества, протекавшим на протяжении ста пятидесяти лет.

Произошла демократизация практических всех существовавших на тот момент политических структур, в духовной сфере произошла секуляризация, наблюдалось интенсивное развитие грамотности и образования, наряду с научным знанием о природе и обществе, вызвав изменение менталитета и эмоционально-психологических установок в обществе [4].

В Новом времени идейной основой модернизации общественной жизни стала идеология Просвещения [5], и XVIII век получил название Эпохи Просвещения. Не только точные науки в течение данного периода получили свое развитие, но и такие области, как история, литература, искусство и поэзия предстали в абсолютно новом ракурсе.

Деятели эпохи Просвещения внесли значимый вклад в продвижение философии и политики, придя к Рационализму, за которым последовала эпоха Романтизма и в начале XIX века романтизм стал обозначением нового направления, противоположного классицизму и Просвещению.

Получив свободу мысли, философы, историки, художники, литераторы, поэты, как представители направлений, ставших передовыми, перенаправили свои творческие идеи на Восток, находя в культуре данного региона необычайную притягательность.

Так, в литературе и искусстве Эпохи романтизма возникло новое направление «Ориентализм» [6], одна из стилистических тенденций к воссозданию условного образа Востока, сделав его особым миром. Новаторами использовались сюжеты, мотивы, стилистические приемы искусства Востока вплелись во все направления европейской культуры Нового времени. Общество достигло достаточно высокой степени развития цивилизации к началу новой эпохи, когда время великих завоеваний и великих открытий осталось позади. Новый виток истории характеризуется появлением новой плеяды гениев, и



вновь начинает ощущаться необходимость поиска чего-то недостающего Западу именно на Востоке .

На наш взгляд, в этом мире замечено присутствие некоего гидростатического равновесия, присутствующего между Востоком и Западом. Та часть мира, которую мы называем Восток, всегда нуждалась в научных достижениях и силе Запада, а Западу требуется доля мистики и религиозного чувства Востока, его поэтики и глубины, созерцательности, неповторимости его бытия и отчасти волшебства, хотя Запад и не принимает их в готовой форме как некое мистическое и религиозное влияние . Это связано с тем, что Запад имеет тенденцию терять свою мистическую составляющую, будучи основанным на реальных взглядах его прогрессивных деятелей, и, таким образом, он нуждается в помощи извне – помощи с Востока, для возвращения утраченного [7].

По мере того, как история уходила вглубь веков, отодвигая события эпохи Возрождения. Запад постепенно и уверенно утрачивал всё своё могущество, приобретенное им во времена Ренессанса. Новая волна психологического и духовного проникновения Востока захлестнула западный мир, принося, практически, во все сферы жизни.

Далее наблюдалось следующее - Восток возвратил Западу знания, утраченные им когда-то давно, при этом обогатив их своими, и, таким образом, усилив своё влияние. Философы и мыслители, художники и поэты испытывали сильное воздействие Востока, и в своих произведениях они часто ссылались на многие основополагающие тезисы восточных учений.

Немецкий идеализм был пропитан восточным миропониманием, восточной поэтикой, и Восток передавал и восполнял то, чего Западу не хватало, поскольку Запад находился в кризисе и в поиске [8].

Российских прогрессивных деятелей во всех областях и с первую очередь в области литературы, Восточная тема интересовала не меньше, и в литературе, как самом прогрессивном направлении того времени, нашли отражение взгляды прогрессивных литературоведов, сумевших отразить в своих трудах не только общественно-политические предпосылки активизации интереса к восточной теме, но и осветить данный вопрос гораздо шире. Более того, прогрессивные мыслители не двигались узконаправленно в своих размышлениях, часто ими затрагивалась и рассматривалась точка зрения ученых западной Европы.

Рассмотрим труды и мнения ученых относительно данного вопроса. Интерес к Востоку и его исследования имели давнюю традицию. Одной из первых работ стала статья В. В. Григорьева (1816-1881) [9] по поводу выхода в свет в 1856 году произведения исследователя-практика П. И. Небольсина (1817-1893) под названием «Очерки по торговле России со странами Ближнего Востока» [10]. В. В. Григорьев сделал широкий обзор российской литературы, вплоть до воспоминаний и заметок путешественников-россиян, ранее посещавших Восток по самым разным поводам. В. В. Григорьев, тем самым, изначально сформировал особый канон подхода к проблеме и ее изучения, в основе которого была комплексность исследований Востока и его репрезентаций в Российской империи, в различных общественных слоях и группах [11].

Известнейший русский профессор В. В. Бартольд (1869-1930) стал широко известен после написания работы под названием «История изучения Востока в Европе и в России» [12], а И. Ю. Крачковский, (1883-1951) прославился своими «Очерками по истории русской арабистики», Н. И. Конрад (1891-1970) создал «Старое востоковедение и его новые задачи», Б. М. Данциг (1886-1973) описал «Ближний Восток в русской науке и литературе» [13], В. И. Овсянников, представил монографию «История отечественного востоковедения до середины XIX века» [14] .

Выводы, содержащиеся в статье, отражают уже упомянутые выше взгляды Б. М. Данцига и Н. И. Конрада относительно особенностей российского востоковедения первой половины XIX века. Автор писал: «Востоковед этого времени обычно был и политологом, и историком, и лингвистом, и литературоведом», но, в то же время «главным содержанием востоковедных исследований было выявление, перевод и комментарий древнего или средневекового источника... Актуальными и политическими вопросами восточных стран ориенталисты, как правило, не занимались» [15].

Таким образом, практически одновременно с развитием востоковедения, как нового направления науки, русская репрезентация Востока нашла своё место в русской филологии и

искусстве, литературоведении, и, в частности, в поэзии, послужив поводом для дальнейшего развития данного направления в произведениях русских поэтов и литературных критиков.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Рубинштейн С. Л. Бытие и сознание. СПб.: Питер, 2003. с. 120
2. Развитие литературы и искусства, культуры – важный фактор повышения духовности нашего народа // Народное слово от 4 августа 2017 года. №153 (6817).
3. Гавров С. Н. Модернизация. Социокультурная антропология: история, теория, методология. Энциклопедический словарь. // - М.: Академический проект: Константа, 2012. с. 821-830.
4. Секуляризация - в исторической науке изъятие чего-либо из церковного, духовного ведения и передача светскому, гражданскому ведению. // Большая российская энциклопедия, 2015. с. 691-692. (Большая российская энциклопедия: [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов ; 2004-2017, т. 29
5. Хоркхаймер М., Адорно Т. В. Диалектика просвещения. Философские фрагменты. // -М., - СПб., Наука, 1997, с. 16-60
6. Мартынов А. Международность на Западе и на Востоке. // - М.: Книга, 1916 (2014), с. 40
7. Ливрага Х.А. Встреча Востока и Запада. // [Электронный ресурс]: Научный журнал «Человек без границ». №1(57), 2012.
8. Петров И. И. Немецкая классическая философия // Философский словарь / Под ред. И. Т. Фролова. -7-е изд., перераб. и доп. // - М.: Калыма, 2001
9. Кононов А.Н. Григорьев Василий Васильевич. Биобиблиографический словарь отечественных тюркологов. Дооктябрьский период, ред. А. Н. Кононов. // - М.: Главная редакция восточной литературы издательства «Наука», 1974. с. 149-150.
10. Небольсин П. И. Очерки по торговле России со странами Ближнего Востока. // - СПб, 1856, 378 с.
11. Григорьев В. В. Об отношении России к Востоку. Выступление с речью. // - Одесса, 1840. // Там же 111-113
12. Бартольд В. В. Сочинения. т. 9. Работы по истории востоковедения. // - М., Наука, Главная редакция восточной литературы, 1977, 964 с.
13. Данциг Б.М. Ближний Восток в русской науке и литературе. // - М, Наука, ГРВЛ, 1973, 440 с.
14. Овсянников В. И. История отечественного востоковедения до сер, XIX века. / -М., Наука, ГРВЛ, 436 с.
15. Овсянников В. И. История отечественного востоковедения до сер, XIX века. / -М., Наука, ГРВЛ, с 371.

УЎК 81-13

### ТУРИСТИК РЕКЛАМАНИНГ ТАРКИБИЙ КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

*Л.Х. Исмаилова, ўқитувчи, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент*

**Аннотация.** Ушбу мақолада туристик рекламанинг композицион хусусиятлари, шунингдек, унинг турли функциялари таснифланади. Туристтик рекламанинг бир нечта ахборот ва психологик талабларни таъминловчи муҳим таркибий қисми сарлавҳа тадқиқ этилади.

**Калим сўзлар:** реклама, прагматика, аниқ маъно, имплицит маъно, туризм, стилистика, манзил, шиор.

**Аннотация.** В данной статье классифицируются композиционные особенности туристической рекламы, а также различные ее функции. Важной составляющей туристической рекламы является заголовок, который предъявляет несколько информационных и психологических требований.

**Ключевые слова:** реклама, прагматика, импликация, туризм, стилистика, место назначения, слоган.

**Abstract.** This article classifies the compositional features of tourist advertising, as well as its various functions. The important component of tourist advertising is the title, which provides several informational and psychological requirements.

**Key words:** advertising, pragmatics, explicit meaning, implicit meaning, tourism, stylistics, destination, slogan.

Замонавий дунёда реклама ёрдамсиз хизматларни тақдим этиш ёки маркетинг фаолиятисиз товарларни сотишни тасавур қилиш мушкул. Рақобат ҳар бир соҳада мавжуд бўлган даврда сайёҳлик фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Туризм фаол ривожланаётган соҳа бўлиб, унда реклама муҳим ўрин тутди. Юртимиз қадимий тарих ва гўзал гўшаларга бой ўлка.

Шу ўринда буюк аждодларимиз барпо этган қадимий обидалар ҳақида сўз юритиш даркор. Мамлакатимиз 1993 йили БМТ қошидаги таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ташкилот ЮНЕСКОга қўшилди. Айни пайтда ЮНЕСКО рўйхатига Ўзбекистондан 4 меъморий мажмуа ва номоддий маданий мероснинг 5 объекти киритилган. Меъморий мажмуалар Хива, Бухоро, Самарқанд ва Шаҳрисабзнинг тарихий марказларидан иборат бўлиб, 5та номоддий маданият объекти эса Наврўз, катта ашула, аския ва ҳоказолардан иборат. [1] Шу каби дунё ҳамжамияти тан олган қадимий обидаларимизни янада сайёҳларга танитиш

улар хақида маълумот бериш учун рекламанинг турли тоифаларидан фойдаланган ҳолда давлатнинг туристик фаолиятини юксалтириш муҳим жараёнدير.

Туризмнинг ривождаги муҳим босқичлардан бири сифатида, янги транспорт воситаларининг пайдо бўлиши сезиларли ўрин тутди. Бу борада Сапрунова В. Б. “Туризм: Эволюция. Структура. Маркетинг” китобида шундай дейди: “1807- йилда Фултон томонидан буғ кашфиёти, 1814-йилда Стивенсон томонидан буғли поезд, Европада темир йўллар тармоғининг кенгайиши билан бирга почта алоқасининг ривожланишининг барчаси саёҳат харажатларини камайтирган ҳолда юқори ишончлили ва ҳаракатланиш тезлигига олиб келди. Европадан Америкага кўплаб муҳожирларнинг оқиб келиши туфайли, 19-асрнинг ўрталарида дэнгиз транспорти жадал суръатлар билан ривожланиб бориб йирик транспорт компаниялари пайдо бўлди” [Сапрунова, 1997: 13]. Эълонлар сайёҳлик компаниясининг маркетинг стратегиясини амалга оширишда муҳим ўрин тутди. У инсон онгига ижтимоий-маданий жиҳатдан таъсир этибгина қолмай, истеъмолчининг эҳтиёжларини йўналишини шакллантиришда ҳам иштирок этади, уларни янги билимлар билан таъминлайди. Туризмдаги реклама шунчаки оммавий аудиторияни компания томонидан тақдим этилаётган хизматлар тўғрисида хабардор қилиш воситаси бўлиб қолмай балки туристик маҳсулотни бевосита сотилишини таъминлайдиган қуролга айланган. Чунки ҳозирги кунда бу энг мақбул йўл бўлиб, туристик маҳсулот ҳақида бошқа усул билан истеъмолчини таништириш мушкулдир. Туризм истеъмолчи-сайёҳларга дам олиш, саёҳатлар, экскурсиялар, янги тажрибалар ва бошқа нарсалар тақлиф этади.

Шундай экан бу маҳсулотларни сотиб олинини, ва сайёҳлар орасида оммавийлашиб танилишида, лингвистик жиҳатдан мукамал тузилган эса қоларли рекламанинг ўрни бекиёсдир. Шунингдек, сайёҳлик рекламасида нутқ таъсири потенциал мижозни юқори даражада ишонтириш учун амалга оширилади. Бундан ташқари, реклама берувчи истеъмолчининг онгига, ақл-заковатига таъсир қилиб, янги нарсаларни тушуниш истагини, қизиқишини уйғотишга хизмат қилади. Зеро, ҳар бир саёҳатчи бирор бир саёҳатдан олдин мамлакат ҳақидаги рекламани кўздан кечиради. Шу сабабдан ҳам туристик фирмаларнинг реклама матнларини кузатиб фақатгина ижобий рекламага дуч келамиз. Унда мамлакатнинг энг гўзал масканларининг тавсифи, ҳамда сайёҳга номаълум аммо қизиқиш яратадиган қирраларига эътибор кучайтирилади.

Шу ўринда реклама матнидаги яна бир жиҳатга тўхталиш лозим. Матннинг лингвوماданий таҳлилида марказий тушунчалардан бири концепт бўлиб, унда бирор тил шаклида мавжуд бўлган жамият онгидаги кенг ўлчамли, маданий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-психологик тушунча англашилади. [2]

Она юртимиз замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча имкониятларга эга. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш эса уларнинг рекламасидан бошланади. Сайёҳларнинг турмуш тарзини ўрганиш орқали кўплаб самарадор компанияларни амалга ошириш мумкин. [3] Жозибадорлик, яъни аттракция, туризмда сайёҳларнинг ташриф буюришининг асосий сабаби сифатида талқин этилади. [4]

Туризм давлатга кириш, чиқиш ва ички сайёҳликка бўлинади: Кириш туризми - мамлакат ва унинг ҳудудида доимий яшамайдиган одамларнинг саёҳати; Ташқи туризм - мамлакат фуқаролари ва доимий яшовчи шахсларнинг чет элга саёҳатлари; Ички туризм - бу юрт фуқароларининг ва унинг ҳудудида доимий яшайдиган шахсларнинг ўша давлат бўйлаб саёҳатидир [5, 64 б.]. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2019 йил давомида Ўзбекистонга 6 миллион 748 минг 500 нафар сайёҳ ташриф буюрган. Бу 2018 йилдагидан 1 миллион 402 минг 300 нафар зиёд бўлган. Энг кўп сайёҳ Марказий Осиё минтақасидан ташриф буюрган. Уларнинг сони 5 миллион 764 минг 500 кишига етган. МДХ мамлакатларидан келганлар эса 495 600 кишини ташкил қилган. Узоқ хорижий мамлакатлардан 488 400 меҳмон ташриф буюрган. Сайёҳларнинг аксарияти Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россия Федерацияси, Туркия, Афғонистон, Хитой, Корея Республикаси, Ҳиндистон каби давлатлардан келган. Ўзбекистонга ташриф буюрганлар орасида қариндош-уруғ ва дўстларини кўришга келганлар сони 81, 8 фоиздан иборат бўлган бўлса, дам олиш учун ташриф буюрганлар 15, 5 фоизни ташкил этган. [6]

Мана шундан ҳам кўриниб турибдики, географияни кенгайтириш масаласида ҳали кўп меҳнат талаб этади. Дарҳақиқат, бу рақамлардан кўп нарсани англаш мумкин. Рекламада акс этган хизматларнинг тўлиқ ижроси ва ҳаққонийлиги сайёҳлар ишончини қозонишдаги энг мақбул йўлдир. Бизнинг юртимиз жаннатмакон ўлка! Бой маданий меросимиз билан биргаликда ислом динининг маркази бўлган шаҳарларимиз, диний қадамжоларимиз ҳам

мавжуд. Бу зиёратгоҳларни рекламадан унумли фойдаланган ҳолда барча тарафлама оммавийлаштириш, мамлакат туризмни янги ривожланиш босқичига олиб чиқишга, барча соҳа вакиллари қаторида биз тилшунослар ҳам муносиб ҳисса кўшишимиз даркор. Сайёҳларни жалб қилишда реклама матнидаги ўхшатиш, метафора, литота каби стилистик белгилардан фойдаланиш маҳсулот ва жойга бўлган қизиқишни юқори даражага олиб чиқади. Реклама матни тузилиши ва бошқа стилистик ва прагматик жиҳатларига кўра бир неча тоифаларга бўлинади.

Туристтик рекламанинг фарқи ҳақида Огонесян шундай дейди: “Туристтик хизматларининг ўзига хос хусусияти шундаки, хизмат номоддий яъни мавҳум маҳсулотдир. Унга эга бўлишдан олдин кўриш, эшитиш, ҳидлаш, таъмини билиш ёки синашнинг иложи йўқ. Харидор хизмат кўрсатувчига сўзма-сўз ишонишга мажбур. Шунинг учун туристик реклама мижознинг етказиб берувчига бўлган ишончини уйғотиб, истеъмолчи ушбу хизматни олгандан кейинг мавҳум келажақдаги ҳиссиётини белгилаб беради”. [7, 11-13б.]

Эълонларнинг таркиби борасида кўплаб олимлар сўз юритишган. Рус олими А.П. Дурович унинг когнитив(маълумот узатиш), аффектив (муносабат тузиш), суггестив (ишонтириш), конатив (хулқ –атворни аниқлаш) каби таъсир доираларини кўрсатиб бериб, айнан туризм соҳасидаги рекламаларнинг ўзига хос жиҳатларига куйидагиларни киритади: шахсий характерга эга эмаслиги(яъни юзма-юз эмас, балки реклама орқали амалга ошириш), бир томонлама йўналтирилганлик (реклама берувчидан адресатга), жамоавий характер (бу сабабли реклама матнига катта мажбурият юклатилади), маълумотга бойлик, кўзга яққол ташланиб ишонтириш хусусияти. Туристтик рекламанинг кейинги муҳим таркиби бу сарлавҳа бўлиб, реклама сарлавҳаси турли хил ахборот ва психологик талабларга жавоб бериши керак. Кўплаб тадқиқотчилар слоган ва сарлавҳанинг фарқи борасида фикр билдиришади. Баъзилар уларни бир хил нарса деса, бошқа тилшунослар слоганнинг ўзи алоҳида ҳам реклама вазифасини ўташи мумкинлигини таъкидлайдилар. Сайёҳларнинг истакларини амалга ошириб кутилган натижани бериш учун рекламанинг тузилишига эътибор қаратиш энг долзарб масаладир. Хизматдан қониққан сайёҳлар ўзларининг ижобий фикрлари билан юртига қайтадилар ҳамда ўз фикрлари таъсуротлари билан бўлишадилар. Мамлакатимизда энди юксалиш палласига кирган туризмга оид эълонларда, туристик манзиллар ифодаси маълум лисоний вазифалар ва таркибий қисмлар тадқиқи орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

Туризм хизматлари мавҳумлиги эса, сайёҳлик рекламасидан аттракция, ҳиссий таъсир, ёдда қолиш каби вазифаларни аниқ бажаришни талаб этади. Туристтик реклама матнига оид вазифа ва билимларни мужассамлаштириш унинг аҳамиятини янада изчиллаштиришади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси (2000-2005)
2. Ш. М. Султонова, “Муқаддас матнларда замон категориясининг лингвомаданий хусусиятлари”, Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси, Фарғона — 2018
3. Joseph S. Chen , Yu-Chih Huang & Jen-Son Cheng (2009) Vacation lifestyle and travel behaviors, Journal of Travel & Tourism Marketing, 26:5-6, 494-506, DOI: 10.1080/10548400903163038
4. Hsuan Hsuan Chang & TsungYu Lai (2009) The taipei mrt (mass rapid transit) tourism attraction analysis from the inbound tourists' perspectives, Journal of Travel & Tourism Marketing, 26:5-6, 445-461, DOI: 10.1080/10548400903162964
5. Волков, Юрий Федорович. Введение в гостиничный и туристический бизнес: [Учебник] / Ю.Ф. Волков. - Ростов н/Д : Феникс, 2003 (ФГУИПП Курск). - 348 б.
6. www. platforma. uz
7. Оганесян А.А. Рекламная деятельность : конспект лекций. М. : Приор, 2002. – 160 б.
8. Sagatova Sh. Language games in literary texts review of discussion the language games in literary texts. PJAEЕ, 18(4) (2021) Egypt, 3957р.

УЎК 81-13

#### ЎЗБЕК ТИЛИ ЛИНГВОДИДАКТИКАСИДА АБЗАЦ Н.Э. Қобилова, ўқитувчи, Термиз давлат университети, Термиз

**Аннотация.** Мақолада ўзбек тили лингводидактикаси, унда абзац тушунчасининг ўрганилиши, амалдаги мактаб дарсликлари таҳлили хусусида маълумотлар ва тегишли таклиф, тавсиялар ёритилган.

**Калит сўзлар:** абзац, матн қисмлари, хатбоши, суперсинтактик бутунлик.



**Аннотация.** Статья содержит информацио по лингводидактике узбекского языка, исследование понятия абзацев, анализ существующих школьных учебников, а также соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** абзац, части текста, абзац, суперсинтаксическая целостность.

**Abstract.** The article contains information on the linguodidactics of the Uzbek language, the study of the concept of paragraphs, the analysis of existing school textbooks, and relevant suggestions and recommendations.

**Keywords:** paragraph, parts of text, paragraph, supersyntactic integrity.

**Кириш.** Тилшунослик фанида матн синтаксиси алоҳида бўлим сифатида ажралиб чиқди [1]. Матн лингвистикаси муаммолари Н.С.Поспелов, И.А.Фигуровский, Т.А.Ладиженская, Г.Я.Солгалик, Л.М.Лосева, И.Р.Гальперин каби қатор олимлар сезиларли тадқиқотларни амалга оширган бўлсалар, тил ўқитиш соҳасида ўқувчиларга матн тузишни ўргатиш муаммолари хориж методист олимлари Л.М.Лосева, Р.Б.Сабаткоев, Л.И.Величко, юртимиз олимлари Е.М.Сорокина, М.Рихсиева, Г.Урумбаева, Т.Зиёдова, Т.Юсуповаларнинг тадқиқот ишлари, монография ва методик қўлланмаларида маълум даражада ўз аксини топди. Бошланғич синфлар она тили дарсларида ушбу муаммо М.Р.Львов, Т.А.Ладиженская, Н.И.Бекниязова ва бошқа методист олимларнинг методик қўлланмалари, илмий мақолаларида ёритилди. Хусусан, бошланғич синфларда она тили дарсларида матн ва унинг қисмлари хусусида ўзбек методист олимлари К.Қосимова, Қ.Абдуллаева, Т.Ғаффорова, Р.Сафарова, Р.Икромова, Т.Ашрапова, Ш.Йўлдошева, А.Ҳамроев, Ш.Нуруллаева, А.Азизова, Ҳ.Ғуломова, М.Худойберганова ва бошқа методист олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилди, “Она тили” дарсликларига доир дарс ишланмалари яратилди. Аммо, абзац ва уни шакллантириш методикаси махсус тадқиқ этилмаган ва мактаб дарсликларида етарлича ёритилмаган. Бу ўзбек тили лингводидактикасида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан ҳисобланади.

**Асосий қисм.** Матн – бу ёзма ҳужжат кўринишида вокелантирилган, турли типдаги лексик ва грамматик боғланишлар орқали бирлашган бир қатор алоҳида birlikлардан иборат ушбу ҳужжатнинг типи, жанрига мувофиқ адабий ишлов берилган ва муайян модал характерга ҳамда прагматик кўрсатмага эга бўлган ахборот[2].

Методик адабиётларда бошланғич синфлар она тили таълими мазмуни учун тавсия этилаётган матний (матн тузилишига доир) тушунчаларни лингвистик маълумотларга суянган ҳолда икки гуруҳга ажратиш мумкин[3]:

**1. Матннинг ташкилий тузилиш жиҳатлари билан боғлиқ тушунчалар:**

- матн ва у билан боғлиқ равишда умумий мавзу ҳақидаги тушунча;
- хат боши, абзац, матн қисмлари (бўлимлари);
- гаплар гуруҳи (матн қисми) ва кичик мавзу;
- сарлавҳа.

**2. Матннинг лексик-грамматик жиҳатдан тузилиши:**

- гапларнинг кетма-кет (занжир) ва параллел боғланиши;
- гапларни ўзаро боғловчи лексик ва грамматик воситалар;
- бир абзацга тенг матннинг биринчи ва охириги гапи;
- абзацда феъл шаклларининг уйғунлиги;
- матнда диалогларнинг ишлатилиши.

Матн бевосита абзацлардан ташкил топади. Матн оғзаки нутқимиз, фикрларимизнинг ёзма шакли ҳисобланиб, ўзига хос муҳим функцияларни ҳам бажаради. Бу ўринда, ҳам ёзувчининг фикрларини ифодалашда, ҳам ўқувчининг матн мазмунини тўлақонли идрок этишида асосий восита абзац ҳисобланади. Ўзбек тили лингводидактикасида абзац хатбоши дея қисман таърифланиб ўтилади, аммо бу алоҳида тўхталиниб ўрганилиши лозим бўлган мавзу ҳисобланади. Бу мавзу бошланғич таълимдан бошлаб ўргатилса, ўқувчининг матн яратиш кўникмасининг шаклланишида муҳим пойдевор вазифасини ўтайди.

Мавзунинг рус тили материали асосида ўрганган Г.У.Урумбаева ўқувчиларга матн тузишни ўргатиш воситаси сифатида мураккаб синтактик бутунликка эътибор қаратади. “Боғланишли нутқ кўникмаларини ҳосил қилишнинг асоси мураккаб синтактик бутунлик ёки микроматн (кичик матн; матннинг қисми) саналади. Мулоқот ёки нутқий фикр алмашув жараёнида эркин иштирок этиш, мотив билан туғиладиган ўз нутқ маҳсулини яратиш учун, энг аввало, шу жараёнда шаклландиган нутқий фикрлаш кўникмаларини ва ижодий қобилиятларини такомиллаштириб бориш зарур”[4]. Мураккаб синтактик бутунлик аксарият

холатларда абзацга тенг келади. Матн умумий мавзуни, абзац кичик мавзуни акс эттиради. Матндаги кичик мавзулар унинг ташқи ташкилий жиҳатини келтириб чиқаради: ҳар бир кичик мавзуга тегишли қисм (абзац) хат боши билан ажратилади. Матнда нечта кичик мавзу бўлса, улар билан боғлиқ шунча хат боши бўлади[5].

Матн таркибий қисмлари бўлмиш мураккаб синтактик бутунлик ва абзац тушунчаси бўйича олимларимиз фикрлари турлича бўлиб, бири иккинчисини инкор этади. Мураккаб синтактик бутунлик абзацга тенг бўлиши, баъзан битта абзацда бирдан ортиқ суперсинтактик бутунлик бўлиши мумкинлиги олимларимиз томонидан исботланган. Шу боис, матннинг бошқа бирликларига нисбатан абзацнинг имконияти кенгроқ бўлиб, мактаб таълимида бу мавзуга чуқурроқ ёндашиш талаб этилади. Чунки, ўқувчилар матн тузишда ва уни абзацларга ажратишда кўпгина хатоликларга йўл қўйдилар.

К.Қосимова, Н.Убайдуллаевалар ҳикоя тузишга ўргатиш ҳақида қуйидаги тавсияни берадилар: “Болаларга она тилини ўргатишда қисқа гап ва икки-уч гапли ҳикоячалар тузиш айниқса, муҳим. Ҳикоя аввал саволлар ёрдамида ўқитувчи раҳбарлигида тузилса, аста-секин ўқувчилар саволларсиз, мустақил равишда туза бошлайдилар”[6]. Бизнингча, матн тузишга бошланғич кўникмаларни шакллантириш жараёнида абзац тушунчаси ҳам барабар ўргатилса, ўқувчиларда бу кўникма мукамалроқ шаклланади. Зеро, матн тузиш малакаси узоқ ва машаққатли меҳнат натижасида ривожланади.

Н. И. Бекниязова ўз тадқиқотида абзац ҳақида қуйидаги фикрларни келтириб ўтади: “Матннинг ташқи шакллантирилишига хос белги биринчи хатбошидан бошланишидир. Лекин матнда хатбоши бир эмас, бир нечта бўлиши мумкин. Бир хатбошидан иккинчи хатбошигача бўлган қисм – бир нечта гап абзац (ёки мураккаб синтактик бутунлик) саналади. Матн бир ёки бир нечта абзацдан иборат бўлиши мумкин. Она тилидан бошланғич синфлар учун яратилган амалдаги дарсликларда абзац тушунчаси ўрнида “матннинг қисмлари”, “матннинг бўлимлари” тушунчалари параллелликда қўлланади. Бўлим, қисм тушунчалари бир-бирига яқин маъноли тушунчалар бўлиб туюлса-да, бўлим нисбатан йирикроқ чегарани ифодалайди. Шунинг учун ҳам “матн қисмлари” маълум даражада абзац тушунчасига яқин келади. Лекин аслида у ҳам тилшуносликдаги терминларга (абзац, мураккаб синтактик бутунлик) бир қадар мос тушмайди. Ҳар бир матн қисми (аниқроғи, абзац) умумий мавзуга нисбатан кичик саналмиш мавзу (кичик мавзу, подтекст) доирасида ажратилиб, ўз чегараларига эга бўлади”[7].

Бизнингча, юқоридаги фикрлар тўлақонли асосга эга. Матн таркибий қисмлари ўз лингвистик номларига кўра бошланғич таълимдан бошлаб ўргатилиши мақсадга мувофиқ. Аммо амалдаги мактаб дарсликлариди абзац тушунчаси ҳақида умуман маълумот берилмаган. Биз қуйида мактаб дарсликлариди ёритилган матн мавзусига доир маълумотларни келтиришни жоиз деб билдик.

Мактаб она тили дарсликлариди матн доирасиди қуйидаги мавзулар ёритилган:

- 2-синф она тили дарслигиди “*Нутқ ва матн*” мавзуси киритилган бўлиб, унда нутқ ва матнга қисқа таъриф берилган;

- 3-синф она тили дарслигиди 2синф дарслигиди маълумот такрорлаш бўлимида берилган;

- 4-синф она тили дарслигиди ҳам нутқ ва матн таърифи такрорлаш бўлимида берилган;

- 5-синф она тили дарслигиди матн ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ;

- 6-синф она тили дарслигиди *матн, матн ва мавзу, матн турлари, ҳикоя матни, тасвирий матн, муҳокама матни* каби мавзулар ёритилган;

- 7-синф она тили дарслигиди матнга алоҳиди бўлим ажратилиб, ундан *Матнда кўп маъноли, маънодош сўзлардан фойдаланиш* ҳамда *Шаклдош ва қарама-қарши маъноли сўзлардан фойдаланиш* каби мавзулар ўрин олган;

- 8-синф она тили дарслигиди ижодий матн, иншо ва унинг турлари, маълумотнома матни ва ижодий тавсифий матн, иншо ижодий иш, иншонинг мавзу ва мазмунига кўра турлари, иншо режаси, содда ва мураккаб режалар, адабий мавзулардаги иншолар, эркин мавзулардаги иншолар, иншога эпиграф танлаш, илмий иншолар ҳақида маълумотлар бор;

- 9-синф она тили дарслигиди *матн ва унинг мақсади, ҳикоя матни, тасвирий матн, муҳокама матни, матн ва гап* каби мавзулар ёритилган;

- 10-синф она тили дарслиги нутқ услубиятига, 11-синф она тили дарслиги эса нутқ маданияти ва нутқ техникасига бағишланганлигининг гувоҳи бўлди.

**Хулоса.** Амалдаги дарсликларни ўрганиш жараёнида мактаб дарсликлариди талаб даражасиди эмаслиги, жиддий ислоҳга муҳтожлигиди гувоҳ бўлди. Чунки амалдаги дарсликлар асосан назарий маълумотлар билан бойитилганлиги, амалий, ижодий фикрлашни

ривожлантирувчи топшириқлар деярли йўқлиги бунинг яққол мисолидир. Матн мавзуси доирасидаги топшириқлар ҳам асосан жуда қисқа матнларни ўқишга қаратилган. Аммо бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоиз, жаҳон тилшунослиги лингводидактикаси, хусусан, европа тилшунослигида ёзиш кўникмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда ёзиш дарсликларида дастлабки ва асосий ўрганиладиган мавзу абзац ҳисобланади. Матн яратиш ёзиш кўникмасининг шаклланишида, фикрлаш доирасининг кенгайишида асосий воситалигини эътиборга олган ҳолда, матн таркибий қисмлари ва абзац хусусида мактаб таълимида батафсил маълумот берилиши зарур. Шундагина ўқувчилар қачон ва қаерда абзацга ажратиш борасида кўникмага эга бўладилар. Бу борада махсус методик тавсиялар ишлаб чиқиш, ёзиш кўникмасини ривожлантирувчи қўлланмалар яратиш она тили таълими олдида турган муаммолардан биридир.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис): - Т.: "Ўқитувчи", 1995.
2. Гальперин И.Р. О понятии "текст" // Вопросы языкознания. 1974. №6- С72.
3. Бекниязова Н.И. Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида). -Т.: "Фан ва технология", 2012, 8-бет.
4. Урумбаева Г. Н. Лингводидактические основы обучения учащихся 7-9- классов сложному синтаксическому целому как базовой структуре русской монологической речи (на материале школ с каракалпакским языком обучения) : Автореферат канд. дисс..педнаук. – Т., 2001. –С.4.
5. Бекниязова Н.И. Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида). -Т.: "Фан ва технология", 2012, 10-бет.
6. Қосимова К., Убайдуллаева Н. Биринчи синфда она тили дарслари: Тўрт йиллик бошланғич мактабларнинг ўқитувчилари учун қўлланма. -Т.: "Ўқитувчи", 1987. -4-бет.
7. Бекниязова Н.И. Бошланғич синфлар она тили дарсларида ўқувчиларни матн яратишга ўргатиш методикаси (таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган мактаблар мисолида). -Т.: "Фан ва технология", 2012, 11-бет

УЎК 808.3

### ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ МИЛЛИЙ ТАОМЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

*Ф.А. Маматқулова, ўқитувчи, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети,  
Тошкент*

**Аннотация.** Тил, маданият, этноснинг ўзаро муносабати масаласи янги ҳодиса эмас. Бугунги замонавий тилшуносликда кулинаронимлар ҳам лингвокултурологик аҳамиятга эга ҳали тўлиқ ўрганилмаган тадқиқот объектидир. Ушбу мақолада биз ўзбек ва инглиз миллий таомларининг тарихий лингвокултурологик таҳлил қилдик.

**Калим сўзлар:** миллий таомлар, лингвокултурологический, урф-одат, пазандачилик, оишхона, халқ, маданият

**Аннотация.** Проблема взаимодействия языка, культуры, этноса - явление не новое. В современной лингвистике кулинарные синонимы также являются объектом исследования, который еще не полностью изучен с лингвокультурным значением. В данной статье мы провели историко-лингвокультурологический анализ национальных блюд узбекской и английской кухни.

**Ключевые слова:** национальная кухня, лингвокультурология, традиция, кулинария, кухня, народ, культура.

**Abstract.** The issue of the interaction of language, culture, ethnos is not a new phenomenon. In modern linguistics, culinary synonyms are also an object of research that has not yet been fully explored with linguacultural significance. In this article, we have investigated historical linguocultural analysis of Uzbek and English national food.

**Key words:** national food, linguocultrology, tradition, cooking, cuisine, nation, culture

Миллий таомлар ҳар бир халқнинг азалий қадриятлари билан боғлиқ, масалан ўзбек миллий таомлари ўзига хос тарихи ва лингвокултурологик аҳамиятга эгадир.

Ўзбек миллий таомларини лингвокултурологик жиҳатдан қуйдаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) **Мавсумий таомлар:** Сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара;

2) **Доимий истеъмолдаги таомлар:** Мастава, мошхўрда, мошкичри, манти, хоним;

3) *Анъанавий маданият(тўй маросимлари) меҳмон кутиш белгиси сифатида: Ош, шўрва, норин;*

4) *Аза маросими таомлари: Чалпак, ҳай-ҳай атала.*

Ҳар бир таомнинг тайёрлашда ўзбек хонадонлари маданий урф-одат анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Шу жумладан, пазандалик атамаларининг лингвокултуралогик жиҳатлари уларнинг тил тизимига интеграциялашган даражаси билан белгиланди.

1) *Мавсумий таомлар*

**Сумалак** - мавсумий таом бўлиб унинг тайёрланишида азалий қадриятлар билан боғлиқдир. Бу таомнинг номи "**сумалак**", "**сумелек**", "**сумалаяк**" (туркий), "**саману**" (форсий) каби яна бир нечта шаклларда учрайди. Форсий луғатларда "**саману – ундирилган бугдойдан тайёрланган овқат тури**" дея изоҳланган. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам шунга ўхшаш "**ундириб янчилган бугдой ва ундан тайёрланадиган ҳолвайтарсимон овқат**" дея таъриф берилади. Матбуотда, туркум мақолалар ва тадқиқотларда "**сумалак**" сўзининг келиб чиқиши тўғрисида асосан бир аёл ва унинг оч қолган болалари тўғрисидаги ҳикоя сўзланади.

**Кўк сомса, кўк чучвара**- бу баҳорий миллий таом бўлиб, асосан ялпиз, исмалоқдан тайёрланади. Баҳорнинг ойининг биринчи пайшанба куни "**Кўк сомса**" аза маросими бўлиб, унда азадорнинг оиласидан баҳорга саломат етиб олганини сўраш учун келган маҳалладошларга тандирдан узулган кўк сомса билан қарши олиш узоқ йиллик анъанага айланган.

*Доимий истеъмолдаги таомлар: Мастава, мошхўрда, мошкичри, манти, хоним;*

Ўзбек хонадонларининг азалий анъаналарига кўра тўй маросимлари ўтгандан кейинги кун меҳмонларга енгил ҳазмли таом сифатида аччиқ мастава тортилиши одат тусига айланган. Яна бир муҳим факт: сафардан чарчаб келган меҳмон олдида дастлаб мастава, мошхўрда тортилади.

**Мантини**Осиё халқларининг ҳар бири ўзининг миллий таоми деб билишади, аммо униасли келиб чиқиш тарихи Хитойга бориб тақалади[5].Бироқ, уларни хитойликлар эмас, балки шу минтақада яшаган уйғурлар ихтиро қилган. Демак, мантининг келиб чиқиш тарихи уйғур миллати ошхонасига хос бўлсада, унинг тайёрланиш услуби (шакли – шамойили, унга қўшиладиган махсулотлар) ўзбек миллий ошхонасига мослаштирилган ва бугунги кунда у ўзбек миллий таомлари ичига киритилган.

**Анъанавий маданият меҳмон кутиш белгиси сифатида:нон, ош,шўрва, норин;**

Ўзбек хонадонлари меҳмон кутадиغان дастурхонига албатта дастлаб нон қўяди бу алоҳида этник тарихга эга қадриятдир. **Нон** бу ризқ-у рўзимиз, нон бу бизни бало-қазолардан асрайдиган, ҳар қандай кунимизга ярайдиган энг арзон ва энг буюк неъмат. Нонни муқаддас билиш, уни асраш азал-азалдан ота-боболармиздан бизгача етиб келаётган, одатгина эмас, балки қадимий бардавом қадриятдир.

Ўзбек пазандалигида гуручдан тайёрланадиган таомлар асосини паловлар ташкил этади. Биринчидан, палов ўзбек халқининг сеvimли таоми бўлиб, уни байрамларда, катта йиғилишларда, туғилган кунларда, тўйларда, ҳатто таъзияларда ҳам тайёрланади. Иккинчидан, палов тансиқ таом сифатида ғоят иштаҳабахш, серлаззат ва тўқтутардир. Учинчидан, палов ўзбек меҳмондўстлигининг рамзи ҳисобланади, уни азиз меҳмонга атаб алоҳида ҳафсала билан дамлайдилар, катта-кичик меҳмоннавозликлар ошисиз ўтмайди. Тўртинчидан, эса ўзбек ошпазлигининг ўзига хослигини ва миллийлигини паловсиз тасаввур этиб бўлмайди, неча юзлаб таомлар орасида палов ўзбек миллий ошхонасининг шоҳ таоми ҳисобланади[7].

**Норин**– Тошкентда кенг тарқалган миллий таом ҳисобланади. Бугунги кунда норин Тошкентда кўпинча меҳмонлар учун байрам ва тўй дастурхонига биринчи (хўл норин) ва иккинчи (курук норин) таом сифатида тортилади.

*Аза маросими таомлари: чалпак, ҳай-ҳай атала;*

**Чалпак**- Аза маросимининг дастлабки уч куни кўнгил сўраб келган маҳалладошларнинг дастурхонига солинадиган алоҳида рамзий маънога эга бўлган таом туридир. Одатда чалпак шу маҳалла ёши улуг онахонлари томонидан тайёрланиши алоҳида удумга айланган.

**Ҳай-ҳай атала** - аза бўлган хонадонда асосан Тошкент вилоятининг (Бўка туманни айрим ҳудудларида Қашқадарё вилояти маҳаллий аҳолиси орасида) тайёрланадиган таомдир ва ушбу таом бугунги кунда республикамизнинг айрим ҳудудларида анъанавий маданий аҳамиятга эга.

**Инглиз қулинаронимлари** тарихига назар ташлайдиган бўлсак, биринчи инглиз ошпазлиги китоби ўрта асрларда 1390 йил қирол Ричард II даврида ёзилган "Курер формаси "



ретцептлар китоби ҳисобланади. XVI асрга келиб кўплаб Фарбий Европа мамлакатларида ошпазлик китоблари кундалик турмуш-тарзида ишлатила бошланди. 1575 йилда Уилям Хау томонидан нашр этилган ретцептлар тўплами бунга яққол мисол бўла олади.[6] Ушбу ретцептлар тўпламини таҳминан уч қисмга бўлиш мумкин: биринчи қисм йилнинг турли даврларида озиқ-овқат (асосан гўшт) сифатини аниқлаш бўйича тавсиялар, иккинчи қисм тақдим этилган таомлар рўйхати, учинчиси қисми рецептларнинг ўзи, аниқроғи, у ёки бу таомни қандай тайёрлашни маслаҳат беради.[3]

Виктория даврига келиб француз ошхонаси инглиз ретцептларига ўз таъсирини кўрсатди[6]. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, 1950 йилда инглиз ошхонасига катта таъсир кўрсатган Ўрта эр денгизи таомлари китоби нашр этилди, натижада италян миллий таомлари инглиз хонадонарига аста-секинлик билан кириб борди. Шундан келиб чиқиб, Англия бутунги кунгача бутун дунёдаги кулинаронимларга оид ғояларини ўзлаштирётган давлат сифатида барча давлатлар томонидан эътироф этиб келинади.

Инглиз ошхонаси бутун дунёга ўзининг сифати ва анча консерватив ассортименти билан машҳур. Анъанавий инглиз таомларида кўплаб пишлоқ ва нон, парранда гўшти, чучук сув ва денгиз балиқлари ва бошқа кўплаб маҳсулотларни ўз ичига олади. Шунингдек инглизлар мевалардандан кўпроқ сабзавот (*селдер, пиёз, бодринг, қовоқ, нўхат, шолғом, сабзи, помидор, брокколи*) ларни истеъмол қилишни афзал кўришади. Анъанавий байрам дастурхонидан ўрин оладиган *курка* гўштини ҳам афзал кўришади ва севиб танавул қилишади. Тухумлар машҳур инглизча нонушта таркибидаги асосий таркибий қисм ҳисобланади.[2]

Инглиз миллий таомларида гўшт ва балиқ асосий маҳсулотлардан саналади. *Сигир, чўчка* гўшти, *кўзичоқ* ва *товуқ* гўшти инглиз ошхоналарида энг машҳур таомномалардан ўрин олган маҳсулот ҳисобланади. Қишлоқ жойларда *қирговул, қуён, бузоқ, кийик* гўшти ва бедана гўшtidан тайёрланган овқатлар севиб истеъмол қилинади. Инглиз ошхонасида пишлоқ каби маҳсулотлар қадимий келиб чиқиши XIV асрга бориб тақалади. [3]

*Chicken tikka masala* — бу Буюк Британияда жуда машҳур бўлган афсонавий таом, 2001 йилда Британия ҳукумати уни чинакам инглиз миллий таомлари сифатида тан олинишини талаб қилди. Унинг келиб чиқиши ҳали ҳам муҳокама қилинмоқда. Кимдир ушбу таомни Лондондаги ҳинд ресторанининг бош ошпази ихтиро қилган деб ўйласа, бошқалари эса у Шотландиянинг Глазго шаҳридаги ресторандан бирида яралган деб айтишади, лекин баъзилар унинг келиб чиқишини ҳиндуларга боғлайди.

*Балиқ ва чипслар (Fish and chips)* — француз картошкалари билан қовурилган оқ балиқ филеси. У инглиз миллий таомларидан ҳисобланади.

*Ғағомс (Faggots)* — XIX асрда Фарбий Англиядаги оддий одамлар учун арзон озиқ-овқат сифатида пайдо бўлган анъанавий таом. У чўчка гўшти жигари ва юрагидан, гўштга ўралган ҳолда пиёз ва нон бўлақлари билан тайёрланади. Аралаш қўл билан кичик тўпларга шакллантирилади, тўлдирилган қутига ўралади ва пиширилади.

*Бедфордшир кланжеру (The Bedfordshire Clanger)* — бу инглизларнинг Бедфордшир графлигида яратилган 19-асрга оид таом. Пиширишда анъанавий равишда буғлаб тайёрланади.

*Rag pudding* — бу пиёз билан майдаланган гўшт, чўчка ёғили хамирга ўралган, кейин мато парчасига ўралган ва буғ билан пиширилган. Бу таом XIX асрдан илгари Англиянинг пахта саноатининг маркази бўлган Олдҳемда ихтиро қилинган.

*Қора нудинг (Black pudding)* — Буюк Британияда ва Ирландияда машҳур бўлган колбаса тури. Одатда чўчка гўшти ёки мол ёғи, чўчка қони ва жўхори уни, баъзи ретсептларда эса жўхори уни ҳатто арпа билан тайёрланади. *Пау Энд мейш (Pie and mash)* — XIX асрда ишчилар учун пайдо бўлган анъанавий Лондон таомидир. Пластинада, бир томондан, гўшт билан тўлдирилган пирог бошқа томондан – картошка пюреси билан аралаштирилган. Лондоннинг Шарқий ва Жанубий-Шарқий қисмида ва Кент ва Эссекснинг кўплаб жойларида бу таом ханузгача кенг тарқалган.

*Буббле ва гикуртти (Bubble and squeak)*, инглизларнинг анъанавий таомидир, бу тушлиқдан қолган қовурилган сабзавотлар билан тайёрланади. Таом ҳақида энг қадимги тавсилотлар 1806 йилда бошланган. Иккинчи Жаҳон уруши пайтида у машҳурликка эришди, чунки бу озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпи рацион билан таъминланган пайтда қолдиқлардан фойдаланишнинг осон усули эди[3].

*Девил киднус (Develled kidneys)* — Виктория давридаги инглизларнинг нонушта овқатлари. Замонавий инглиз ошхонасида, одатда, кечки овқат учун пиширилади. Уни айниқса ошпаз китоблари ва таниқли ошпазлар яхши кўрадилар.

*Турмуш ўртоғи(Scouse)* — катта бўлақларга бўлинган картошка, сабзи ва пиёз билан қовурилган кўзичоқ ёки мол гўшти. Овқат ҳақида биринчи тавсилотлар 1706 йилга тўғри келади. Тахминан бу ном Шимолий Европада, шу жумладан, Англиянинг Ливерпул порт шаҳрида ҳам денгизчилар орасида машҳур бўлган.

Хулоса қилиб айтиганда ўзбек ва инглиз кулинаронимларининг лингвокултралогик яъни урф-одат аънаналари билан боғлиқлигини кўриб чиқиш жараёнида иккала халқнинг маданий жиҳатдан аънаналари бир биридан тамомила фарқ қилишига гувоҳ бўлдик. Аммо икки халқнинг таом тайёрлаш усули ўзаро урф-одат аънаналари билан боғлиқ бўлиб бу жараёда халқларнинг ҳудудий жиҳатдан географик жойлашуви, иқлими, дала махсулотларининг етиштириш кўникмасидан келиб чиққа ҳолда ўз миллий таомномасини яратишига амин бўлдик.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Артемова Е.Н., Иванникова Т.В. Теоретические основы технологии продуктов питания. Уч. пособие. М.: МО РФ, 2002. - 119 с.
2. Витковская С. Особенности кухни народов мира. - Москва: Астрель, 2003. -321 с.
3. М.В. Третьякова. К вопросу об английской кухне второй половине XVIв.рецептарий 1575 г.Научные ведомости.Серия История. Политология. Экономика. Информатика. 2013 № 8 (151). Выпуск 26.
4. "Вкусный Узбекистан" миллий ва минтақавий таомларнинг биринчи кулинарлик энциклопедияси. Составители: А.Умаров, Т.Умаралиев, Н. Умарова, Ахраров.У. Тошкент, 2019
5. A Proper New Booke of Cookery / Transcription of the edition in the British Library, published in 1575 by William How [Электронныйресурс]. Режимдоступа: <http://www.medievalcooking.com>
6. <http://milliytaomlar.narod.ru>

УЎК 808.3

### ХАЛҚ КОГНИТИВ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПАРЕМИЯЛАРНИНГ РОЛИ

*Д.И.Мирзаева, ўқитувчи, Фаргона давлат университети, Фаргона*

**Аннотация.** Мазкур мақолада халқ когнитив тафаккурини шакллантириши ҳақида сўз юритилади.

**Калим сўзлар:** когнитив тилшунослик, когнитив тафаккур, термин

**Аннотация.** Статья посвящена вопросам формирования познавательного мышления людей.

**Ключевые слова:** когнитивная лингвистика, когнитивное мышление, терминология.

**Abstract.** This article deals with the formation of people's cognitive thinking.

**Key words:** cognitive linguistics, cognitive thinking, terminology

Ҳозирги кунга келиб эса когнитив тилшунослик ва когнитив тафаккур масаласи биринчи планга чиқди ва когнитив тилшунослик термини қуйидаги маъноларда ишлатилади:

- Инсон мияси ва онги ҳақидаги фан;
- Инсоннинг билиш жараёнлари ва инсон миясида билиш ва умуман фикрлаш жараёнларининг қай тарзда кечиши муаммоларини ўрганиш ҳақидаги фан;
- Ахборотнинг қайта ишлаш жараёнини таъминловчи тизимларни тушунтириш ва тасвирлаш ҳақидаги фан;
- Ахборотни олиш ва тақдим этиш тизимлари ҳақидаги фан;
- Ментал(ақлий) жараёнларни бошқаришнинг умумий тамойиллари ҳақидаги фан.

Когнитив тилшуносликда инсон омили, антропоцентризм парадигмасида асосий ўринга чиқади. Когнитив тилшуносликда сўзлашувчи шахс томонидан нутқ махсулоти, бизнинг ҳолатда паремияларни яратиш ва қабул қилишга (тушунишга) бевосита таъсир этувчи бир қатор антропоцентрик параметрлар бор-ки, уларни санаб ўтиш изланишнинг кейинги босқичларидаги назарий масалаларни тушуниш имконини беради. Нутқ (тил) ёрдамида инсон ўз тафаккурини мукаммаллаштиради, ўзини ўраб турган дунёни билади, чунки сўзлар борлиқдаги, ташқи дунёдаги нарсаларнинг, уларнинг хусусият ҳамда бир-бирига бўлган муносабатларини акс эттирувчи тасаввурдир. Нутқ тасаввурнинг қуроли сифатида борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий ва асосий хусусиятларини бир тушунча сифатида бирлаштиради, улар ҳақида ҳукмлар яратади, тушунчалар ҳақида фикр юритиш имконини беради.

Тушунчани яратиш бир неча операцияларни ўз ичига оладиган мураккаб жараён. Бу фикрлаш жараёнидир. Сизги органлари борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, уларнинг хусусиятлари, белгилари, ташқи алоқа ва муносабатлари ҳақида мияга маълумот етказилади.

Инсон нарса ва ҳодисаларни таҳлил қилиб, уларни ўзаро қиёслаб, ўхшаш белгиларига кўра уларни умумлаштиради ва улар асосида янги лисоний тушунчаларни яратади. Ўз фикрий қуввати ёки фикрлаш қобилиятига таянган ҳолда инсон ўз тушунчалари, лаёқати, истак ва интилишларини бирлаштиради. Натижада одам психик ҳаётининг “ягоналиги, идентиклиги” ҳосил бўлади.

Тушунчалар тафаккур маҳсулидир. Нарса ва ҳодисалар моҳиятини инъикос этар экан, нарса ва ҳодисалар такомиллашуви орқали улар ҳақидаги тасаввур ва тушунчалар ривожланади. Паремияларнинг пайдо бўлишида бу параметрларнинг ниҳоятда муҳим аҳамияти бор. Улар воқеа-ҳодисаларни концептлаштиришда қайси йўналишда иш кўришни белгилаб беради. Табиийки, ҳар бир шахс ўз атрофдаги нарса-ҳодисаларни ўз онги, мияси ва дунёни кўриш нуқтаи назаридан талқин қилади, баҳолайди ва номлайди. Бунда интерпретация, эволюция ва номинация жараёнлари билан бирга категоризация ва субкатегоризация жараёнлари ҳам кечади. { }

Ҳар қандай тилда паремиялар шу тилда сўзлашувчи миллат когнитив тафаккури маҳсули саналади. Тил бирликларининг миллий-маданий ўзига хослиги назарияси кенг ривожланаётганига қарамадан унинг тушунчавий-терминологик аппарати эндигина шаклланиб келмоқда. Ушбу билим соҳасининг “миллий-маданий ўзига хослик”, “миллий-маданий маъно” ва маънонинг “маданий компоненти” каби бир қатор асосий тушунчалари бир хил маъноли таърифларга эга эмас ва шуниси айниқса муҳимки, уларни баҳолаш ва аниқлаш методикаси мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Сўзлар семантикасининг миллий-маданий ўзига хослигини кўриб чиқишга ўтишдан илгари “миллий-маданий ўзига хослик” тушунчасининг ўзини ва у билан боғлиқ атамаларни аниқлаштириб олиш зарур. Лингвистик адабиётларда “миллий-маданий мазмун”, “миллий ўзига хослик”, “миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари”, “миллий-маданий ўзига хослик”, “миллий калорит”, “миллий-маданий семантика”, “этносемалар ва ижтимоий-маданий маънолар”, “миллий ўзига хос маъно”, “миллий мансублик семаси”, “мамлакатшунослик маданий компоненти ёки маданий компонент” атамалари кенг ишлатилади.

Ишлатиладиган атамалардаги ғоят турли-туманликнинг ўзиёқ салбий ҳодиса ҳисобланиб, айрим ўринларда тушунчаларнинг бир-бири билан алмаштирилишига олиб келади. Лекин барибир шуни қайд қилиш керакки, “миллий-маданий ўзига хослик” тушунчаси миллий воқеликларни тил бирликлари семантикасида инъикос этиши белгиси билан ажралиб туради. Бироқ ушбу тушунчани тилда мужассам қилиш шакллари ва усулларини белгилаш масаласида ҳар хил фикрлар мавжуд. Масалан, “Семантическая специфика национальных языковых систем” жамоачилик монографиясида сўзнинг миллий-маданий ўзига хослиги сўзнинг семантик тузилмасида денотатив ва коннотатив компонентлар даражасида белгиланадиган миллий мансублик семасида ўзининг аниқ ифодасини топади, дея таъкидланади.

Бошқа адабиётларда паремиологик бирликларнинг ўзагини ташкил этадиган лексиканинг ўзига хос хусусиятлари муносабати орқали сўзнинг миллий-маданий ўзига хослигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Кўпгина тилшунослар паремиялар семантик тузилмаси мураккаб бўлиб, унда сўзлар турлича ҳолатни эгаллаши ва маънонинг асосий ёки асосий бўлмаган, эксплицит ёки имплицит элементлари ичига кириши мумкин бўлган алоҳида маданий компонент мавжудлигини қайд қилишади. “Миллий-маданий ўзига хослик”, “миллий-маданий” маъно, маънонинг “миллий компоненти”, “миллий-маданий” коннотациялар бизнинг тадқиқотимизда ҳам концептуал аппаратини ташкил этади. Шубҳасиз, ажратиб кўрсатилган тушунчалар ўзаро алоқадор ва ўзаро бир-бирига боғлиқдир. Бироқ улар ўртасида бизнинг тадқиқот мақсадлари учун релевант бўлган муайян тафовутлар ҳам амал қилади. “Миллий-маданий ўзига хослик” тушунчаси анча умумий бўлиб, у лексик библиклар семантикасининг миллий-ўзига хос воқелик, халқларнинг ижтимоий-тарихий ва иқтисодий тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари, миллий маданиятлар, анъаналар ва турмушнинг айрим белгилари ўз инъикосини топадиган ўзига хос хусусиятларини англатади. Бошқача айтганда, бу – дунё миллий-маданий манзарасининг лексик бирликлар семантик тузилмасида акс этиши, унда мазкур халқ учун муҳим ҳисобланадиган элементлар, хусусиятлар ва ҳодисаларнинг ажратиб кўрсатилишидир. Мисол, дўпписини осмонга отмоқ, тўнини тескари киймоқ паремияларидаги “дўппи”, “тўн” сўзлари миллий-маданий белги ифодаловчи бирлик сифатида. Бу паремияларда миллий ўзига хосликни юзага келтирилишга хизмат қилади.

Тил материалини тадқиқ этиш натижалари паремияларнинг миллий-маданий ўзига хослиги унинг таҳлил этилаётган бирликлар семантикасида акс этиши туси ва даражаси нуқтаи назаридан қуйидагиларда тақдим этилган:

- алоҳида лексема маъноси даражасида;
- маъно компоненти даражасида;
- сўз, паремиялар коннотацияси даражасида

Энг умумий тушунча сифатидаги миллий-маданий ўзига хослик тушунчаси қуйидагиларни қамраб олади: а) миллий-маданий маънога эга лексик қатлам; б) маънонинг маданий компонентига эга сўзлар; в) миллий-маданий коннотацияларга эга сўзлар. Миллий-маданий ўзига хосликка эга лексик қатламларни лексема маъноси даражасида ифодалаш учун миллий-маданий маъно тушунчаси, маъно компоненти даражасида ифодалаш учун маданий компонент тушунчаси, коннотациялар даражасида ифодалаш учун миллий-маданий коннотация сўзлари қўлланилади. Бундай тушунчаларни чегаралаб қўйиш зарурлиги уларнинг лексик мазмунининг аввало қиёсий жиҳатдан принципиал фарқланиши билан боғлиқдир.

Миллий-маданий маъно тушунчасини бу ўринда шартли равишда ишлатилади, чунки у паремиялар таркибига кирган сўзнинг тўлалигича миллий-маданий мазмунга эга бўлган денотатив-сигнификатив маънони билдиради. Маълумки, бошқа маданиятда учрамайдиган ва ўзи мансуб бўлган тил доирасидан ташқарида эквивалентларига эга бўлмаган тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлар эквивалентсиз сўзлар ҳисобланади. {} Эквивалентсиз лексикада миллий-маданий ўзига хослик паремиялар таркибига кирувчи сўзлар маъносининг ўзагини ташкил этади, чунки унда фақат муайян жамоа учун типик бўлган ва бошқа тилда ўхшашлари бўлмаган тушунчалар, буюмлар, ҳодисалар ифодаланади. Реаллик- сўзлар (этнографик реалликлар, турмуш реалликлари, жўғрофий реалликлар, ижтимоий-сиёсий реалликлар, таълим тизими, дин ва маданият реалликлари, ономастик реалликлар ва қиёсланаётган тиллардан бирида тегишли тушунчаларни ифодалаш учун лексик эквивалентларга эга бўлмаган сўзлар) шулар жумласига киради. Сўзсиз миллий-маданий ўзига хосликка эга бўлган миллий-маданий маъноли лексик бирликлардан маданий компонентли маънога эга паремияларни фарқлаш муҳим. 50-йиллардан бошлаб лингвистик адабиётларда кенг ишлатиб келинаётган маънонинг маданий компоненти тушунчаси терминологияга оид ифодалашнинг турли-туманлиги ҳолида ҳам паремиянинг мазмуни миллий маданиятнинг ўзига хослигини акс эттира олиш жиҳатини назарда тутди. Паремияларнинг маъно компоненти даражасида намоён бўладиган миллий-маданий ўзига хослиги сўз етказадиган ахборотнинг унчалик асосий бўлмаган бир қисминигина ташкил қилади. Паремия семантик таркибининг маданий компоненти ҳақидаги жамики мавжуд фикрларни ҳисобга олиб, биз ўз ишимизда Е.М.Верещагин ва В.Г.Костомаров изидан бориб маънонинг маданий компоненти деганда паремия маъносининг тил хизмат кўрсатадиган миллий маданиятни тўғри ва бевосита акс эттирадиган қисмини тушунамиз. Бу таърифда маданий компонентнинг паремиянинг семантик таркибига кириши ва миллий мансублик семасида мужассамлашуви таъкидланганини кўриш мумкин. Шу муносабат билан тадқиқотчилар олдида паремиянинг семантик таркибида маънонинг маданий компонентини аниқлаш буни амалга оширишга имкон берадиган лингвистик таҳлил усулларини қўллаш вазифаси пайдо бўлади.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазаларга яқун ясаб, шуни таъкидлаш зарурки, миллий-маданий маъно, маданий компонент ва миллий-маданий коннотациялар тушунчалари лексик бирликлар семантикасининг миллий-маданий ўзига хосликларини акс эттириш билан уларнинг сўзнинг семантик структурасида тақдим этилиш тури бўйича чегараланади ва бинобарин, улар экспликациясининг ҳар хил усулларини тақозо этади.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. - Минск: ТетраСистемс, 2004. —84 б
2. Добровольский Д.О. 1996
3. Умархўжаев М.Э. Умумий тилшунослик. Андижон, 2010, 84- б
4. Зотова, 1986:16, Фриз, 1982, Микулина, 1988, Томахин, 1988, Додд 1980, Витковски, 1985



**СПОСОБЫ МЕЖЪЯЗЫКОВОЙ ПЕРЕДАЧИ МЕТАФОРЫ ПРИ ПЕРЕВОДЕ  
ПОЛИТИЧЕСКИХ ТЕКСТОВ**

*Мирханова М.С., препод., Бухарский филиал Ташкентского института инженеров  
ирригации и механизации сельского хозяйства, Бухара*

**Аннотация.** В статье дается обоснование необходимости тщательного подхода к выбору способа перевода метафоры в политическом тексте, рассматриваются актуальные способы межъязыковой передачи метафор, выявленные в ходе исследования современных англоязычных политических текстов и их переводов на русский язык, а также приводится ряд рекомендаций для переводчиков. Все представленные способы перевода метафор сопровождаются подробными комментариями с указанием их достоинств и недостатков, возможных вариаций их использования и анализом конкретных примеров.

**Ключевые слова:** метафора, способы перевода, политический текст, англо-русский перевод.

**Аннотация.** В статье дается обоснование необходимости тщательного подхода к выбору способа перевода метафоры в политическом тексте, рассматриваются актуальные способы межъязыковой передачи метафор, выявленные в ходе исследования современных англоязычных политических текстов и их переводов на русский язык, а также приводится ряд рекомендаций для переводчиков. Все представленные способы перевода метафор сопровождаются подробными комментариями с указанием их достоинств и недостатков, возможных вариаций их использования и анализом конкретных примеров.

**Ключевые слова:** метафора, способы перевода, политический текст, англо-русский перевод.

**Abstract.** The paper substantiates the need for a careful approach to choosing a method of translating metaphors in the political text, discusses the current methods of interlanguage transmission of metaphors identified in the study of modern English-language political texts and their translations into Russian, and also provides a number of recommendations for translators. All the presented methods for translating metaphors are accompanied by detailed comments indicating their advantages and disadvantages, possible variations in their use and analysis of specific examples.

**Keywords:** metaphor, translation methods, political text, English-Russian translation.

В настоящее время наблюдается растущий интерес русскоязычной аудитории к политическим текстам англоязычных СМИ, следствием чего является востребованность их перевода на русский язык. Перевод политических текстов имеет свои особенности, обусловленные их целевой направленностью. Как отмечает П. Б. Паршин, для политического текста речевое воздействие является основной целью коммуникации, на достижение которой ориентируется выбор лингвистических средств [6]. Поэтому повышенное внимание при переводе следует уделять средствам усиления речевого воздействия, используемым автором исходного текста.

К одним из наиболее часто встречающихся и эффективных средств относят метафору. Удачные политические метафоры вызывают эмоциональный отклик и надолго остаются в памяти людей. Более того, в рамках когнитивного подхода метафора рассматривается не просто как средство придания выразительности тексту или высказыванию, но и как инструмент познания, структурирования и объяснения мира [9]. По выражению Т. Белта, метафора позволяет сделать непонятное понятным [3], то есть представить сложные политические процессы и явления с помощью простых и известных рядовому гражданину образов. Помимо этого, используемые политиком метафоры формируют представление о нем как о личности.

Учитывая важность тех функций, которые выполняет метафора в политическом тексте, переводчику следует тщательно подходить к выбору способа перевода метафоры. Невнимательное отношение к метафорам при переводе ведет к изменению уровня коммуникативного воздействия текста и созданию неверного представления о его авторе [2].

Настоящее исследование основывается на классификациях способов перевода метафор, предложенных П. Ньюмарком [10], В. Н. Комиссаровым [5], Т. А. Казаковой [4], А. Д. Швейцером [8]. Материалом исследования послужили тексты публичных выступлений политических деятелей США, а также статей таких американских изданий, как Counter Punch и Washington Post, и их переводов на русский язык.

Проведенный анализ позволил выделить следующие актуальные способы перевода метафор с английского языка на русский: использование метафоры-эквивалента, использование метафоры-аналога, калькирование, опущение метафоры, деметафоризация, контекстуальная замена, компенсация.

1. Использование метафоры-эквивалента, т. е. метафоры языка перевода, создающей такой же образ, что и метафора исходного языка, например:

In one sense, their diagnosis is correct: Europe and the liberal tradition are coming apart at the seams. – В каком-то смысле их диагноз верен: Европа и либеральные традиции расходятся по швам.

These intellectuals are standing, like the rest of us, on a precipice from which we are about to jump or topple. – Эти интеллектуалы, как и все мы, стоят на краю пропасти, собираясь прыгнуть вниз или свалиться.

Переводчик также может использовать метафору-эквивалент в комбинации с добавлением, т. е. вводит дополнительные лексические единицы, чтобы сделать метафору более понятной для реципиента, например:

We sowed the wind in Somalia, Iraq, Libya, Yemen, and Syria. – Мы посеяли ветер терроризма в Сомали, Ираке, Ливии, Йемене и Сирии (переводчик добавляет к метафоре-эквиваленту посеяли ветер (посл. Посеешь ветер, пожнешь бурю) пояснение терроризма).

Проведенный статистический анализ показал, что переводчики достаточно часто (30%) прибегают к использованию метафоры-эквивалента. Это свидетельствует прежде всего о схожести «фонда» метафор в английском и русском языках, а значит и о схожести картин мира народов, говорящих на этих языках.

2. Использование метафоры-аналога, т. е. метафоры языка перевода, создающей аналогичный (т. е. похожий, но не идентичный) образ, что и метафора исходного языка, например:

Corporate power long ago turned the Democratic Party into a democratically useless lap-dog of the leading financial institutions, top multinational corporations, and the vast U.S. military empire. – Власть корпораций уже давно превратила Демократическую партию в демократическую марионетку ведущих финансовых институтов, крупнейших мультинациональных корпораций и обширной военной империи США (переводчик заменяет образ комнатной собачки на образ марионетки, который также позволяет передать идею полной зависимости от хозяина).

It is our generation's task, then, to reignite the true engine of America's economic growth – a rising, thriving middle class. – Таким образом, задача нашего поколения заключается в том, чтобы завести механизм экономического роста Америки – растущий, процветающий средний класс (образ двигателя заменяется на образ механизма, что также позволяет представить картину запуска, приведения в действие).

3. Калькирование, т. е. копирование структуры исходной метафоры средствами языка перевода, например:

It's time to break through the television noise. – Пришло время пробиться сквозь телевизионный шум (переводчик принимает решение использовать калькирование, поскольку данная метафора является индивидуально-авторской, и копирование ее структуры позволяет сохранить задуманный автором образ борьбы с назойливым навязыванием политических взглядов).

В ходе анализа также были выявлены случаи калькирования с опущением некоторых компонентов, например:

A soldier dubbed the Russian Rambo was about to become a dad when he sacrificed himself destroying a nest of ISIS fighters. – Солдат, которого окрестили русским Рэмбо, должен был стать отцом, когда он пожертвовал собой, чтобы уничтожить гнездо ИГИЛ (переводчик калькирует метафору a nest of ISIS fighters, при этом опускает компонент fighters, поскольку уничтожение организации подразумевает уничтожение ее членов).

Результаты проведенного статистического анализа свидетельствуют о том, что переводчики достаточно часто используют калькирование для перевода метафор в политических текстах (40%). Это можно объяснить тем, что данный способ перевода помогает сохранить индивидуально-авторский стиль оратора или политика, особенно если он применяется для передачи индивидуально-авторских метафор. Однако следует учитывать, что при использовании калькирования может возникнуть совершенно чуждый и непонятный носителям переводящего языка образ, как в следующем примере:

The two years he has before he's perceived as a lame duck will be the most powerful period of his presidency. – Два года, которые у него были до того, как он стал хромой уткой, станут самым мощным периодом его президентства (использование калькирования при переводе метафоры a lame duck может затруднить восприятие реципиента, т. к. только человек, имеющий представление о политической культуре США, поймет, что речь идет о президенте, не избранном на новый срок).

#### 4. Опускание метафоры, например:

The arc of history shows that governments which serve their own people survive and thrive; governments which serve only their own power do not. – История показывает, что правительства, которые служат своему народу, живут и процветают, в отличие от правительств, приверженных только интересам укрепления собственной власти (в переводе метафора arc опущена, так как в представлении русскоязычных носителей история не ассоциируется с дугой).

5. Деметафоризация, т. е. замена метафоры исходного языка на слово или словосочетание языка перевода, не являющееся метафорой, например:

That is the heart of America's mission in the world today. – Такова суть нашей миссии в сегодняшнем мире (переводчик заменяет метафору heart (of America's mission) на существительное суть, не являющееся метафорой, поскольку сочетание сердце Американской миссии непривычно для носителей русского языка).

But the high threshold that we've set for taking lethal action applies to all potential terrorist targets, regardless of whether or not they are American citizens. – Но строгие требования, выдвигаемые к летальным операциям, распространяются на всех террористов вне зависимости от того, являются ли они гражданами США (в переводе используется сочетание строгие требования, не являющееся метафорой, т. к. использование метафоры высокий порог в данном контексте было бы непривычно и чуждо русскоязычному носителю, поскольку противоречит нормам сочетаемости слов русского языка).

6. Контекстуальная замена, т. е. использование метафоры языка перевода, которая не совпадает по денотативному значению с метафорой исходного языка, но выполняет ту же функцию в данном контексте, например:

I wear their opposition as a badge of honor. Because it means I am fighting for REAL change, not just partisan change. – Их сопротивление играет мне на руку. Потому что это означает, что я борюсь за РЕАЛЬНЫЕ изменения, а не слепо верю во всё.

В приведенном примере русская метафора играть на руку имеет значение «помогать, содействовать кому-либо (обычно противной стороне) в чём-либо» [7]. Данная метафора не совпадает с исходной метафорой в своем денотативном значении, т. к. выражение wear something as a badge of honor означает «defiantly reinterpret something said to be negative about oneself as positive» [11] (т. е. говорящий воспринимает возникшее сопротивление как проявление уважения, «оказание чести»). Тем не менее, обе метафоры выполняют оценочную функцию, т. к. автор оценивает сложившуюся ситуацию как положительную, т. е. выгодную для себя.

And a new surge of optimism is placing impossible dreams firmly within our grasp. – Новый всплеск оптимизма вдохновляет нас, позволяя настойчиво стремиться к несбыточным мечтам (компенсация метафоры placing impossible dreams firmly within our grasp использованием эмоционально-оценочной лексики (вдохновляет; настойчиво стремиться; к несбыточным мечтам)).

При переводе метафор возможно также комбинирование выделенных способов, например: Right now, the most important task for us is to stabilize the patient. The economy is badly damaged – it is very sick. So we have to take whatever steps are required to make sure that it is stabilized. – Правильно, самая важная задача для нас – это вылечить пациента. Экономика сильно страдает – она очень больна. Поэтому мы должны принять все необходимые меры, чтобы вылечить её (переводчик калькирует метафору to stabilize the patient, однако при этом использует аналог stabilize (не стабилизировать, а вылечить (пациента))).

В ходе исследования было установлено, что используемое переводчиком соответствие не всегда может быть равноценным оригиналу по силе оказываемого воздействия на реципиента. Степень воздействия может снижаться, если при передаче исходной метафоры переводчик использует стертую метафору. Стертые метафоры менее экспрессивны, так как их образный компонент уже не ощущается носителями языка. Например:

The short-term results were two unanimous Security Council resolutions with real teeth and consequences for North Korea... – Краткосрочными результатами были две единодушно принятые жесткие резолюции Совета Безопасности, предусматривающие реальные последствия для Северной Кореи (переводчик использует стертую метафору жесткие резолюции, которая не позволяет сохранить тот же эффект воздействия на реципиента).

Снижение степени воздействия перевода на реципиента может происходить из-за использования менее экспрессивных компонентов при калькировании исходной метафоры, например:

A liberal elite is still luring us towards the abyss. – Либеральная элита продолжает вести нас к пропасти (глагол *lure*, имеющий значение «завлекать, соблазнять», создает более яркий образ, чем глагол «вести»).

Особую сложность представляют случаи комбинирования автором метафоры и игры слов. При переводе крайне сложно сохранить игру слов оригинала, и это приводит к снижению силы воздействия текста перевода на реципиента, например:

That was Hitler's gambit in Germany in the 1930s. It is one of the big Trump cards Herr Donald played last year. – Подобный маневр привел к власти Гитлера в Германии 1930-х годов. Это один из главных козырей, которые Дональд Трамп разыграл в прошлом году (в оригинале помимо метафоры также используется игра слов: *trump card* («козырь») имеет совпадение по форме с фамилией американского президента (*D. Trump*); в переводе эта игра слов утрачена, что не позволяет сохранить тот же эффект воздействия на реципиента).

Таким образом, на основе результатов исследования можно предложить следующие рекомендации для переводчиков, касающиеся перевода метафор в текстах политического дискурса:

1) при переводе индивидуально-авторских метафор целесообразно применять калькирование, так как данный способ перевода позволяет сохранить индивидуальный стиль автора;

2) при использовании калькирования следует убедиться, что полученное соответствие не нарушает норм языка перевода и является понятным для реципиента;

3) при использовании калькирования возможно добавление или опущение некоторых компонентов, если этого требуют нормы языка перевода либо если это сделает перевод более понятным для реципиента;

4) если политическая метафора не является индивидуально-авторской, то необходимо определить, имеет ли она метафору-эквивалент в языке перевода; при отсутствии метафоры-эквивалента следует попробовать подобрать метафору-аналог либо применить контекстуальную замену;

5) следует помнить, что использование стертой метафоры, демегафоризация или опущение метафоры позволяет сохранить когнитивную информацию, однако приводит к частичной или полной потере эмоциональной информации [1], а значит к снижению степени воздействия на реципиента, поэтому необходимо компенсировать эту утрату другими средствами оказания речевого воздействия.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Алексеева И. С. Текст и перевод. Вопросы теории / И. С. Алексеева. – М.: Международные отношения, 2008. – 184 с.
2. Баранов А. Н. Введение в прикладную лингвистику / А. Н. Баранов. – М.: ЛКИ, 2007. – 360 с.
3. Белт Т. Политическое убеждение путем метафорического моделирования / Т. Белт // Политическая лингвистика. – 2007. – Вып. 2 (22). – С. 18–25.
4. Казакова Т. А. Практические основы перевода. English-Russian / Т. А. Казакова. – СПб.: Перспектива, 2018. – 310 с.
5. Комиссаров В. Н. Практикум по переводу с английского языка на русский / В. Н. Комиссаров, А. Л. Коралова. – М.: Высшая школа, 1990. – 127 с.
6. Паршин П. Б. Лингвистические методы в концептуальной реконструкции / П. Б. Паршин // Системные исследования. – М.: Наука, 1987. – С. 386–425.
7. Федоров А. И. Фразеологический словарь русского литературного языка / А. И. Федоров. – М.: АСТ, 2008. – 880 с.
8. Швейцер А. Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты / А. Д. Швейцер. – М.: Наука, 1988. – 215 с.
9. Lakoff G. Metaphors we live by / G. Lakoff, M. Johnson. – London: University of Chicago Press, 2003. – 256 p.



## ТРУДНОСТИ ПЕРЕВОДА ПОЭЗИИ

*Л.У. Раджабова, преп., Бухарский филиал Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Бухара*

**Аннотация.** *Maqolada she'rlarni tarjima qilish muammolari tasvirlangan. She'rlar dunyoning turli tillarida yozilishi mumkin, ammo ular qaysi tilda yozilgan bo'lishidan qat'i nazar, umumiy tushunishga moyil bo'lgan o'ziga xos ma'no va maqsadlarga ega. Xarianto tomonidan tavsiya etilgan ba'zi fikrlardan so'ng mualliflar ingliz she'rlarini o'zbek tiliga qanday tarjima qilish, xususan tarjimani estetik qadriyatlar, ekspressiv ma'nolar, so'zlashuv, she'riy tuzilish, metaforik ifoda, tovushlar nuqtai nazaridan qanday boshqarish kerakligi haqida misollar keltirishga harakat qilishadi.*

**Калит so'zlar:** *tarjima, estetik qadriyatlar, ifodali qadriyatlar, kollokatsiya, she'riy tuzilish, metafora ifodasi, tovushlar*

**Аннотация.** *В статье описаны проблемы перевода стихотворений. Стихи могут быть написаны на разных языках по всему миру, но они несут в себе определенные значения и цели, которые имеют тенденцию к универсальному пониманию, независимо от того, на каком языке они были написаны. Следуя некоторым пунктам, предложенным Харианто, авторы пытаются привести примеры того, как переводить английские стихи на узбекский язык, особенно в том, как обращаться с переводом с точки зрения эстетических ценностей, выразительных значений, коллокации, поэтической структуры, метафорического выражения, звуков.*

**Ключевые слова:** *перевод, эстетические ценности, выразительные ценности, коллокация, поэтическая структура, метафорическое выражение, звуки.*

**Abstract.** *In this article there is described the problems of translating poems. Poems could be written in different languages throughout the world but they carry certain meanings and purposes which are tended to be universally understood regardless which language they were written in. Following some points proposed by Hariyanto (no date) the writers try to give examples how to translate English poems into Uzbek, especially in how to handle the translation from the point of view of aesthetic values, expressive values, collocation, poetic structure, metaphorical expression, sounds. Indonesian translation is sometimes used to make the points clear.*

**Key-words:** *translation, aesthetic values, expressive values, collocation, poetic structure, metaphorical expression, sounds*

Поэзия, занимая важное место в жизни народа на протяжении всей истории, преодолевая культурные и национальные границы, - это отдельный мир, в котором живут чувства поэта и его проникновенные выражения. Посредством соответствия смысла, выбора слов, рифмы, ритма и некоторых других поэтических приемов в поэме поэт намеревается выразить свои представления об определенной вещи или ситуации, переживаниях, которые они или другие люди испытывали, гуманных чувствах, таких как любовь, отвращение, восхищение, дружба, вера, а также описания некоторых вещей или некоторых обстоятельств, которые они могут испытать. Стихи могут быть написаны на разных языках по всему миру, но они несут в себе определенные значения и цели, которые имеют тенденцию к универсальному пониманию, независимо от того, на каком языке они были написаны. В этом случае нам нужна помощь переводчика, который сможет сохранить смысл стихотворения в его переводе на другой язык, как это было в оригинале. Тем не менее, многие переводчики сталкиваются с трудностями и проблемами при переводе стихотворения.

В данной статье я также собираюсь раскрыть некоторые проблемные вопросы, которые часто встречаются в переводе поэзии. В частности, больше внимания будет уделено выбору слов и проблемам их рифмы.

Согласно Харианто, перевод поэзии должен быть семантическим, так как стихотворение, как правило, богато эстетическими и выразительными ценностями. Как утверждает профессор, переводчик поэзии может столкнуться с лингвистическими, литературными, эстетическими, а также социокультурными проблемами во время своего занятия переводом. Лингвистические проблемы могут включать словосочетание и скрытую логику, которая также называется нестандартной синтаксической структурой. Что касается перевода словосочетаний, то переведенная версия стихотворения не должна выглядеть читателю неловко: обычно на английском языке мы говорим "to make a speech" а не "to say a speech" или

“to run a meeting” и не “to do a meeting” и так далее. Следует иметь в виду, что в разных языках словари на самом деле не похожи; напротив, они сделаны по-разному и могут быть использованы по-разному означают совершенно разные выражения.

Однако он также отличается и в английском языке. Например, слово "run" может иметь несколько различных значений, как, например, в словосочетании “to run a company/inn/café” и т.д. Интерпретация не является чем-то вроде “to get engaged in a physical activity like running”, но будет правильным сказать “to govern or to own a company/inn/café”.

Другой момент, который следует учитывать при рассмотрении лингвистических вопросов, - это неясные или скрытые (нестандартные) синтаксические структуры. Подобные структуры могут быть специально написаны в стихотворении как часть выразительной функции текста. По этой причине такого рода организации должны быть представлены как можно ближе.

Как утверждает Харианто, первым шагом к решению этой проблемы является поиск глубинной (подстилающей) структуры. Согласно Ньюмарку (1981: 116), полезная процедура заключается в том, чтобы сначала найти логический предмет, а затем конкретный глагол. Самые важные вопросы - это только эти факторы. Как только мы найдем эти два элемента, остальные встанут на свои места. После этого переводчик может реконструировать структуру на языке перевода как можно ближе к исходной структуре.

По словам Харианто, некоторые факторы, вызывающие трудности при переводе поэзии, - это эстетические и литературные проблемы. Они связаны с поэтическим строем, метафорическими выражениями, а также звуками. Эти эстетические ценности не несут самостоятельного значения, но они коррелируют с различными типами значений в тексте. Это означает, что если переводчик уничтожает выбор слова, порядок слов и звуков, то он портит красоту и выразительность первоначального стихотворения. Грациозность, мягкость, например, будет разрушена, если переводчик предоставит неискушенные аллитерации к оригиналу, тщательно составленные аллитерации. В качестве примера можно привести английскую версию узбекского стихотворения:

***You are my holy shrine***

Poetry – my holy place, my worshipping shrine,  
Full of poison and honey – precious soul of mine,  
You are my sorrow and hope, agony and delights.  
My modest inspiration at my sleepless nights.  
Without you I don't need gem or treasure,  
No need for a beauty, or a pleasure.  
Without you for me life is blank too,  
May no moment of my life pass without you!

Узбекский вариант вышеуказанной поэмы, являющейся посвящением поэзии, был написан с достаточным изяществом и деликатностью, чтобы читатель мог без труда понять, что чувствует писатель по отношению к поэзии. Однако переводчик стремился использовать более близкие слова в случае, если ему не удавалось найти точный перевод того или иного слова или фразы. С узбекским вариантом можно ознакомиться здесь в качестве доказательства:

**Ка'bamsan**

Ka'bamsan she'riyat ezgu ehromim,  
Og'u ham bol to'liq bebaho jonim.  
Alamim va ishqim, umid-u armon,  
Uyqusiz tunlarim jindek ilhomim.  
Kerakmas inju ham, sensiz haqiq ham,  
Kerakmas shaddod ham, sensiz daqiq ham!  
Hayot ham men uchun sensiz bema'ni,  
Sensiz o'tmasinda hatto daqiqam.

Теперь давайте сравним переведенную и оригинальную версии стихотворения. Прежде всего, название самого стихотворения дает представление о том, что является ценным и дорогим для поэта. Однако в английском языке нет односложного эквивалента слова "ka'ba" (ka'bah), означающего святое место или святыню, которой человек может поклоняться. В частности, слово "ka'ba" означает святыню в Мекке, которую раз в год посещают паломники-мусульмане. Кто-то может предложить в таком случае не переводить название; однако переводчик может найти возможный более близкий эквивалент, и это можно предложить и

таким образом. Тем не менее, некоторые слова, такие как "jindek ilhomim", были переведены более профессионально на язык перевода, чем оригинал. В качестве эквивалента слова "jindek", которое в английском языке означает "a little or small", здесь использовано слово "modest" вместо прямого перевода. "Jindek ilhom" на английском языке означает "a small amount of inspiration", однако переводчик переводит его как "modest inspiration", что добавляет больше красоты переведенной версии оригинальной работы. Главное - это разумность переводчика в том, чтобы донести информацию до читателя в ясной и понятной форме, сохраняя при этом как эстетические ценности, так и поэтическую структуру.

Согласно Харианто, поэтическая структура включает в себя план исходного стихотворения в целом, форму и баланс отдельных предложений в каждой строке. Метафора связана с визуальными образами, создаваемыми сочетаниями слов, которые могут вызывать звук, осязание, запах, вкус, в то время как звук - это все, что связано со звуковым культивированием, включая рифму, ритм, ассонанс, оноματοпению и так далее. Переводчик не может игнорировать ни одно из них, хотя может заказать их в зависимости от характера переведенного стихотворения.

#### REFERENCES:

1. Aznaurova, E. S., Abdurakhmanova, Kh. I., Demidova, I. M., Iriskulov, M. T., Phomenko, N. V., Sabirova, M. A., Takhirjanova, S. T., & Khudaiberganova, M. K. 1989 Translation: theory and practice. Tashkent: Ukituvchi.
2. Barnhart, Thorndike. 1963. The World Book Encyclopedia and Dictionary (1 & 2 volumes). Chicago, IL: Doubleday & Company, Inc.
3. Blachowicz, C., & Fisher, P. 2000. Vocabulary instruction. In M. Kamil, P. Mosenthal, P. D. Pearson & R. Barr (Eds.), Handbook of Reading Research (Vol. 3, pp. 503-523). Mahwah, NJ: Erlbaum.
4. Kholdorova, Uktamoy. 2004. My Heart is Weeping: A dedication to Taj Mahal. India.
5. Kirszner, L. G., & Mandell, S. R. (2004). Portable Literature (fifth edition) Canada: Thomson, Heinle.
6. Hariyanto, Sugeng, no date, Problems in Translating Poetry. Online: <http://www.translationdirectory.com/article640.htm>
7. Komissarov, V. N., & Korolova, A. L. 1990. A manual of translation from English into Russian. Moscow: Vysshaya shkola.
8. Lefevere, A. 1975. Translating poetry: seven strategies and a blueprint. Assen: Van Gorcum.
9. Levitskaya, T. R., & Fiterman, A. M. 1973. Posobiye po perevodu s angliyskogo yazyka na russkiy. Moscow: Vysshaya shkola.
10. Muhammad Yusuf. 2007. Selected poems. Tashkent: Sharq.
11. Newmark, Peter. 1981. Approaches to Translation. Oxford and New York: Pergamon Press.
12. Newmark, Peter. 1988. A Textbook of Translation. New York: Prentice Hall.

УЎК 81-13

### ИЖОДИЙ АНЪАНАЛАР ВА ПОЛИФОНИК ТАЛҚИН З.А. Раҳимов, доц., Фаргона Давлат Университети, Фаргона

**Аннотация.** Мақолада ўзбек романчилига сезиларли ҳисса қўйган истеъдодли адиб Асқад Мухторнинг романчилик тараққиётидаги ўрни билан бир қаторда, адиб романларидаги полифоник талқин хусусияти кейинги йиллар романчилигидаги ижодий аънаналарни изчиллик билан талқин таркибига сингдирган Одил Ёқубовнинг "Кўҳна дунё" романига қиёслаш орқали асосланган.

**Калит сўзлар:** полифонизм, талқин, тасвир, ижодий аънаналар, таъсир, ифода шакли.

**Аннотация.** В статье кроме роли талантливого писателя Аскада Мухтара, внесшего значительный вклад в развитие узбекского романа, ставится цель обосновать особенность полифонической интерпретации романа посредством сравнительного анализа романа Адила Якубова "Кўҳна дунё" ("Этот старкй мир"), который последовательно интегрировал традиции романа в последующие годы.

**Ключевые слова:** полифонизм, интерпретация, образ, творческие традиции, влияние, форма выражения.

**Abstract.** in addition to the role of the talented writer Askad Mukhtar, who made a significant contribution to the development of the Uzbek novel, the article aims to substantiate the peculiarity of the polyphonic interpretation of the novel by means of a comparative analysis of Adil Yakubov's novel "Kuna dunyo" (This old world), which consistently integrated the traditions of the novel in subsequent years.

**Key words:** polyphonism, interpretation, image, creative traditions, influence, form of expression.

Миллий адабиётимизда шакланган анъаналар XX асрга келиб Шарқ ва Ғарб адабиётидаги ўзига хос синтезлашиш жараёнини юзага чиқарди. Ўтган аср бошларида шакланган ва 60-70-йилларга келиб янада юксалиш жараёнини бошдан кечирган роман жанри поэтик талқинида ҳам жиддий ўзгаришлар, янгича ёндашишлар кузатилди. Шу жиҳатдан, Абдулла Қодирий бошлаб берган роман жанрининг тараққиётида ҳам талқиний, ҳам таҳлилий поэтик тадриж ифодаси намоён бўлди. Бир асрлик тарихга эга бўлган жанрнинг такомиллашувида истеъдодли ижодкор Асқад Мухторнинг ҳам ўрни бекиёс бўлиб, самарали изланишлари натижасида даврга ҳамоҳанг бир қатор роман жанридаги (“Опа-сингиллар”, “Туғилиш”, “Давр менинг тақдиримда”, “Чинор”, “Аму”) асарлари майдонга келди. Бу асарларнинг сюжет ва композицион таркибида ўзига хос бадиийлик мезонларини, поэтик ўзгаришлар мужассамлашганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Адибнинг “Чинор” романи композициясига назар ташлар эканмиз, романнинг қайси сатҳи ҳақида гап кетмасин: масалан: матн қурилишидаги – боб, сарлавҳа, асосий ва ёрдамчи матнда ҳам, бадиий нутқ шакллари – ҳикоялаш, тавсиф, диалоглар ёки нуқтаи назар – ровий ва персонаж нигоҳи орқали воқеликка муносабатни оламизми ижодкор услуби, романий тафаккур тарзи жуда теран талқинларда адибнинг юксак маҳорат эгаси эканлигидан далолат беради.

Асқад Мухторнинг “Чинор” романидаги композицион яхлитликда полифоник талқиннинг маълум бир куртаклари намоён бўлган. Тўғри, полифонизм талқин хусусияти Ғарб адабиёти ва адабиётшунослигида теран илмий тадқиқотлар юзага келишига асос бўлган бўлса-да, ўзбек романчилигининг тараққиётида ҳам ҳам бундай тасвир усулларини у, ёки бу даражадаги ифодаси роман жанридаги асарларда учраб туради. Ҳар қандай бадиий асарда ҳаётнинг маълум бир қиррасигина шаклга солинар экан, унинг ифода шаклларида ҳам турфа хил анъана ва талқинлар ифодаланиши табиийдир.

Рус адабиётшуноси Михаил Бахтин полифония ҳақида сўз юритар экан, “Полифоник роман ғояси индивидуал онгда эмас, онлар диалогидида яшайди, икки ёки ундан ортиқ оннинг диалогидида воқе бўлишини”, - алоҳида қайд этиб ўтган ва шу назарий қарашга асослангани ҳолда Достоевский асарларидаги полифонизм тасвир усулига муносабат билдиради (1, 44).

Шарқ, Ғарб ва рус адабиётидаги мавжуд анъаналарнинг ўзбек романчилигига бевосита Асқад Мухтор романларида ҳам сезиларни ижодий таъсирини кузатиш мумкин. Адибнинг “Чинор” романида ҳам воқеликнинг ривожланиши, контекст нуқтаи назаридан қаралса, полифоник талқин куртаклари теранроқ намоён бўлади. Бу фикрларни илгари суришимизга асосий сабаб, романда муаллифнинг қаҳрамонга нисбатан диалогик муносабатда бўлиши, асардаги қаҳрамонларнинг ҳар бири олам ҳақидаги ўз қарашларига эга эканлиги, бу хусусиятнинг ҳар бири мустақил ҳолда, муаллиф нуқтаи назари билан параллел, яъни узвий бирликда унга бўсиндирилмаган ҳолда ифодаланишининг ўзиёқ полифоник тасвирдан далолат беради.

Тўғри, монологик романдан фарқли ўлароқ, маълум бир ғоянинг муаллиф онгига бўйсиндирилмаганлиги натижасида ўзига хос белгиси келиб чиқади. Шунинг учун ҳам “Чинор” романидаги бадиий талқин ва тасвирдан келиб чиқадиган ғоялар интериндивидуаллик ва интерсубъективлик хусусиятига эгадир. Романдаги образлар оламига назар ташлар эканмиз, турфа хил қарашлар, муносабатлар замирида Очил бобонинг руҳиятидаги ўзгаришлар, олам ва одам ҳақидаги ўй-хаёллари замиридаги монологик нутқий характердаги қарашларда борлиққа теранроқ назар солиш ҳолати кузатилади. “Чексиз қора тун, чексиз биёбон. Ҳали йўл ҳам чексиз. Биринчи тун энди ўтаяпти. Биринчи азобли тун... Ҳеч қиси йўқ, аввал шунақа қийин бўлади, кейин ўрганиш бўлиб кетар” (2, 23). Онабиби ҳақидаги ҳикоят замирида ҳам ўтмиш тарихимизнинг мураккаб даврларининг англаш мумкин. Талқинлар замирида ижодкорнинг ўзига хос қарашлари мужассамлашган бўлиб, рамзларга сингдирилган ҳаёт воқелигининг инсонни англашдаги, ўзликни қидираётган шахс қисматидаги мураккаб жараёнлар, руҳий қийноқлар мужассамлашган. Полифоник романнинг сюжет ва композицион қурилишида бадиий қаҳрамон ва унга нисбатан муаллиф муносабатининг холислиги, бадиий ғоядаги ўзига хос мулоҳазакорлик, муаллиф ва образ ифодасида янада теранлик касб этади. Шу ўринда алоҳида қайд этиш зарурки, модерн романларда онг оқими талқини етакчилик қилса, реалистик-полифоник романларда қалб ва руҳ кечинмаларида ўз аксини топиши жанр динамикасидаги ўзгаришлардан далолат беради. Роман бадиий талқинидаги турфа хиллик бадиий синтезлашув жараёнини намоён қилиши билан биргаликда, композицион яхлитликдаги поэтик ўзгаришларни ҳам ўзида мужассамлаштирди.



Истеъдодли адиб Асқад Мухторнинг “Чинор” романидаги ноанъанавий талқин ифодаси кейинчалик Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” тарихий романида янада теранроқ акс этган бўлса, истиқлол йилларига келиб полифоник талқин хусусиятидан “озикланган” ўнлаб романлар яратилганлигига гувоҳи бўламиз.

“Кўхна дунё” романида муаллиф ретроспектив сюжет орқали тарихнинг мураккаб даврларини китобхон кўз ўнгида жонлантиради: “Ўшанда, Инд дарёси соҳилидаги кўркем қалъа ичидаги мухташам ибодатхонага ўт қўйиш тўғрисида амру фармон берилганида, Бегуний аср олинган ҳинд лашкарбошилари билан бирга султон олдида тиз чўкиб, ундан шафқат сўраган, маҳбусларнинг кўз ёши аралаш қилган илтижоларини таржима қилаётганида эса, ўзиям кўз ёшини тиёлмаган эди! Лекин султон шафқат қилмади. Муаззам қалъанинг тўрт тарафидан ўт қўйишни буюрди” (3, 31). Қайд қилинган тасвирларда муаллиф ретроспектив сюжет асосида тарихимизнинг мураккаб даври билан бир қаторда, макон ва замондаги тарихий шахслар образини ҳам талқин этишга ҳаракат қилган. Бу талқинлар замирида Маҳмуд Ғазнавийнинг тарих саҳнасидаги фаолияти билан бир қаторда, Абу Райҳон Бегунийнинг руҳий изтироблар, қалб драматизми ва мураккаб туйғулар исқанжасидаги ҳаёти ўз ифодасини топган. Замон ва маконни тасвирлаш жараёнида ижодкор – қаҳрамон ўй-хаёллари, руҳий дунёсидаги ўзгаришларни ҳам, тарихга, ўтмишга назар солиш асосида китобхон кўз ўнгида жонлантириш орқали ифодалади. Шунинг учун ҳам, “Кўхна дунё” романидан ўрин олган ҳикоятларнинг барчаси асардаги маълум бир қаҳрамоннинг ҳаётини, тарих саҳнасидаги фаолиятини ёритишга хизмат қилган. Масалан, “Чинор” романидаги чинор ҳақидаги ривоятнинг замирида ҳам ҳаёт ҳақиқати мужассамлашганлигини, халқнинг узок тарихи, ўтмиши билан узвий боғланишини ҳис қилиш мумкин. Рамзий маънодаги талқинлар замирига сингдирилган. Аксинча, “Кўхна дунё” романидаги тўти ва подшоҳ ҳақидаги ривоят замирида ҳам ўзига хос маънолар мужассамлашганлигини кўриш мумкин. Бу ривоятдан келиб чиқадиган тушунчалар замирида “жоҳил ҳокимларни сабр-тоқат ва адолатга чорлаш”га, роман сюжетидаги воқеалар билан узвий боғланиб, композицион яхлитликни намоён қилишга хизмат қилган.

Шу нуқтаи назардан раманчилигимиз тараққиётига эътибор қаратсак, таҳлилга тортилган “Чинор” ва “Кўхна дунё” романларидан ўрин олган ҳикоятлар замирида катта мазмун, давр моҳиятини англашга хизмат қиладиган фалсафий талқинлар ўз ифодасини топганлиги намоён бўлади.

Хуллас, роман жанри умумжаҳон романчилик анъаналари ва ижодий имкониятлари асосида шаклланиб, тараққий этар экан, умумбашарий талқин услубларидан озикланди ва озикланмоқда. Албатта, бу ўринда “Ўткан кунлар”, “Кеча ва кундуз” каби бир қатор романларда полифоник талқин куртаклари мавжудлигини инкор қилмаган ҳолда, Асқад Мухтор романларидаги ёки жанр таркибидаги ўзгаришларнинг замирида ижодий анъаналарга индивидуал ёндошиш анъанасининг мавжудлигини ҳам қайд этиш ўринли.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан Узок Жўракулов таржимаси. – Тошкент, “Академнашр”, 2015. – 288 б.
2. Мухтор Асқад. Асарлар. Тўрт жилдлик. Учинчи жилд. Чинор. Роман. – Тошкент, 1982. – 528 б.
3. Ёқубов О. Кўхна дунё. Роман. – Тошкент, 1983. – 336 б.

УЎК 81-13

#### ОШИҚ ЭРКИН ИЖОДИДА ҚЎШИҚНИНГ ЛАПАР ШАКЛИ

*Б.С.Сададдинов, ўқитувчи, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали, Урганч*

**Аннотация.** Мақолада Ошиқ Эркин лапарларидаги севги, садоқат, ҳурмат, эъзоз, шукроналик, истиқбол ва иқболга ишонч масалалари таҳлил қилинади. Шеърин мисралардан келтирилган мисоллар воситасида шоирнинг лапар ва айтишувларидаги образларнинг ички маънавий қиёфаси ёритилади.

**Калит сўзлар:** Ошиқ Эркин, лапар, айтишув, Булбул.

**Аннотация.** В статье анализируются вопросы любви, верности, уважения, чести, благодарности, перспективы уверенности и счастья в лапарах Ошик Эркина. Посредством примеров из поэтических стихов освещается внутренний духовный образ характеров в лапарах и высказываниях поэта.

**Ключевые слова:** Ошик Эркин, лапар, высказывания, соловей

*Abstract. The article analyzes the issues of love, loyalty, respect, honor, gratitude, perspective and confidence in the future in the lapars of Oshik Erkin. Through the examples from poetic verses, the inner spiritual image of the characters in the poet's lapars and utterances is illuminated.*

*Key words: Oshik Erkin, lapar, utterances, nightingale*

Хоразмда кўшиқларнинг лапар шакли қадимданоқ кенг тарқалган. Халфалар ижросидаги кўшиқларнинг аксарияти лапарлар бўлиб, улар рақс жўрлигида ижро этилади. Шу сабабли лапар матнлари жуда ўйноқи, енгил вазнда, нақаротли мисралар уйғунлигида яратилади ва ижро этилади.

Ошиқ Эркин кўшиқлари орасида лапарлар анчани ташкил этади. Шоирнинг лапарлари кўп ҳолларда халқ сайилларида, тантанали тадбирларда ижро этилганлиги сабабли айрим саналарга, юбилейларга атаб ёзилган намуналари тантаналар дастурига кириб оммалашган. Шулардан бири мамлакатимиз мустақиллиги байрамига бағишлаб ёзилган “Булбул ва Ҳумой айтишуви” лапаридир. Унда Булбул ва Ҳумой рамз сифатида танланган. Булбул ўзбек халқининг рамзи, Ҳумой эса гербимизга тасвири туширилган қуш. Афсоналарда ҳикоя қилинишича, Ҳумо давлат қуши, у кимнинг бошига қўнса бахт-саодат эгаси бўлади.

Шоир наздида Ҳумой давлатимиз бошига қўнган бахт-саодат рамзидир. Айтишувда мамлакатимиз ҳаётидаги буюк воқеа Булбул ва Ҳумойларнинг мулоқоти орқали ёрқин ифодаланган:

**Булбул** - Юртимизга йўллаб қодир Худойим,  
Сен элга бахт бўлиб келдинг Ҳумойим.  
Соябонимиз бўл бош узра доим,  
Энди кетма бизнинг Ўзбекистондан.

**Ҳумой** – Юртингиз кўкини мен айлаб макон,  
Бир умрга учиб келдим, Булбулжон.  
Кулиб боқди сизга ҳам даври даврон,  
Энди кетмагайман Ўзбекистондан.

Лапар давомида Булбул эл тарихи, халқ аҳволидан хабар беради, Ҳумой тинглайди ва жавоб қайтаради. Қарамлик давридаги чекловлар, камситишлар йўл-йўлакай ойдинлаштирилади, истиқлолимизнинг абадий умр суришига тилак билдирилади.

**Булбул** – Саодат, иқболга ташна, зор эдик,  
Висолинг кўрмоққа интизор эдик.  
Муштоқлар сафинда биз ҳам бор эдик,  
Энди кетма, Ҳумой Ўзбекистондан.

**Ҳумой** - Умрлик ошиён этдим бу юртни,  
Кетмас бўлиб макон этдим бу юртни,  
Мангу соҳиби шон этдим бу юртни,  
Энди кетмагайман Ўзбекистондан.

Лапарнинг ҳар бир мисрасида Булбул ўз элини васф этади. Унинг озодликка муяссар бўлган гўшаларидаги ҳаёт оқимини, элининг шодлигини мадҳ этади. Ҳумой эса уни тасдиқлайди, бахт абадийлигини, ўзини ушбу элдан кетмаслигини қатъий таъкидлайди:

**Булбул** - Мустақил ватанда бугун тўй, базм.  
Юргил бирга учиб, солайлик разм,  
Ҳар ёнда янграйди ашула, назм,  
Энди кетма, Ҳумой Ўзбекистондан.

**Ҳумой** - Топилмас жаҳонда бундайин бўстон,  
Ошиқ Эркин яйраб битмоққа дoston,  
Энди кетмагайман, ишон, Булбулжон,  
Гуллаган, яшнаган Ўзбекистондан,  
Нурафшон, дурафшон Ўзбекистондан.

(“Меҳринг тушди юракка”, 14-бет).

Ошиқ Эркиннинг ушбу лапарлари мустақиллик байрамларида кўплаб ижро этилган. Булбул ва Ҳумой қиёфасига кирган йигит ва киз ижросидаги ушбу кўшиқ халқнинг эъзозига мушарраф бўлиб, ҳозиргача сахнадан тушмасдан келмоқда. Ижодий ишнинг амалий натижаси ана шу жойда сезилади.

Ошиқ Эркин профессионал ижодкор, у адабиётни яхши тушунади, мумтоз ёзувчиларни эъзозлайди, улардан ўрганади, ижод дурдоналарини тарғиб қилади. Шоир Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги Отабек ва Кумуш образларининг ички

кечинмаларини лапар шаклига солиб, ажойиб бир шеър битган. Айтишув 10 банд, 152 мисрадан иборат бўлиб, кўп жихатидан анъанавий лапарларга ўхшаб кетади. Бунинг асосий сабаби йигитнинг маъшуқа қиёфасини мақташи, олқишлаши, қизнинг йигитга бўлган самимияти, илиқ жавоблари билан алоқадордир.

Отабек ёр гўзаллигини кўтаринки руҳда васф этади:

**Отабек:** - Кўрқда сиздай пари йўқ,  
На халвойи тари йўқ.  
Хур, дея беш кетмаган  
На-да ёшу қари йўқ.  
Мен учун биргинасиз,  
Гавҳарсиз, дургинасиз.  
Бошқаларга йўл бўлсин,  
Қамарсиз, сургинасиз.

**Кумуш:** - Айлаган мени сулув,  
Худойимга ташаккур.  
Бахтимга сиз борсиз, бек,  
Бахтиёрман, минг шукур.  
Ғоят некимсиз менинг,  
Ишқда бекимсиз менинг.  
Мардим, шижоатлигим,  
Отабекимсиз менинг.

Отабек билан Кумуш нутқини шоир жуда пухта ишлаган. Маҳоратли ижодкорнинг хизмати шу ердаки, ҳар бир образ ўз нутқида ички маънавий қиёфасини намоён қилади. Юқоридаги айтишувда ҳар иккала образнинг сўзларида ҳам юксак маънавият балқиб туради. Уларда севги, садоқат, ҳурмат, эъзоз, шукроналик, истиқбол ва иқболга ишонч жилоланиб туради. Қодирий яратган образлар китобхонга янада гўзал қиёфада етиб боради.

Айтишувда қадимги эпосларга хос тасвир усуллари мавжудлигини юқорида айтиб ўтдик. Қуйидаги парчада бу ҳолат ёрқинроқ кўзга ташланади:

**Отабек:** - Ола кетай бош кентга,  
Мудом гўзал, ёш кентга.  
Юрт йиғиб, тўйлар қилиб,  
Марғилондан Тошкентга.  
Кўрка бойим-Кумушим,  
Фақат сиз билан ишим,  
Энди барча юмушу  
Тамоий ақлу ҳушим.

**Кумуш:** - Кўпдир қонун-қаъдангиз,  
Чинми, бегим, ваъдангиз?  
Не дер қатъий бу гапга,  
Онангиз ҳам дадангиз.  
Мардим-некимсиз менинг  
Ишқда бекимсиз менинг.  
Жодулаб лол айлаган  
Отабекимсиз менинг.

Хоразм “Гўрўғли” туркуми дostonларида бундай учрашув лаҳзалари қиз-йигит айтишувлари кўп учрайди. Уларда ҳам ёр мақтови, уни олиб кетишга ишора, даъват, илтижо каби оҳанглар ва қизнинг шартлари намоён бўлади.

Ошиқ Эркин ушбу анъаналарни ижодий қайта ишлаган. Айтишувдаги ўзаро савол-жавобларни романдан олган эмас, балки ўзининг бадиий тафаккури асосида қизиқарли лавҳа кашф этиб китобхонни роман қаҳрамонлари ҳаёти билан муайян даражада таништира олган. Бу ҳолат ҳам шоир ижодий индивидуаллиги- ўзига хос услубининг бир кўринишидир. “Индивидуал услуб деганда биз ижодкорнинг воқеликни ўзича идрок этишини, воқеъа-ходисаларни ўзига хос образлар ва ифода-тасвир воситалари билан акс эттиришини англаймиз. Услуб-шоир ёзувчи асарларида яққол кўзга ташланувчи, ажралиб турувчи ғоявий-бадиий хусусиятлар йиғиндисидан ташкил топади<sup>2</sup>.

<sup>2</sup> Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. –Т.: “Адабиёт ва санъат” 1973. –Б.7. (170)

Айтишувдаги савол-жавобларда романдаги воқеаларга ишоралар жуда кўп. Шу сабабли асар билан таниш бўлмаган китобхон айтишув маъносига тушуна олмайди. Севишганлар тақдирида бахтли онларга қараганда изтироб лаҳзалари анча кўплиги маълум. Шу сабабли лапарда ҳижрон, қийинчиликлар, изтироблар ҳақида ҳам айрим тафсилотлар намоён бўлади. Кумушбиби дилида қандайдир таҳлика сезиб, Отабекка изҳор қилади. Отабек унга далда беради:

**Отабек:** - Қилиб ишқ бағирни қон,  
Айлар экан имтиҳон.  
Чидамагай жабрига  
Ҳатто султон, ҳатто хон.  
Сизга-гувоҳдир ҳозиқ,  
Содиқ қоларман, содиқ,  
Кўрарман пешонамда,  
Жоним, не бўлса ёзиқ.

**Кумуш:** - Қийиндир теккач жонга,  
Бардош бериш ҳижронга.  
Дардингизда қийналиб,  
Сифмаяпман жаҳонга.  
Мардим- некимсиз менинг  
Ишқда бекимсиз менинг,  
Жодулаб лол айлаган  
Отабекимсиз менинг.

Кумушнинг сўзларидан Отабек ҳам ташвишлана бошлайди. Кумушга илтижо қилади, севги-муҳаббатни муқаддас тутишга, умидсизланмасликка чорлайди.

**Отабек:** - Сизни – юрибман сезиб,  
Айролик қўйган эзиб.  
Кетмасангиз бўлгани,  
Мену дунёдан безиб.  
Бу дунёда бир талай ман,  
Сизга тўзим тилайман.  
Васлингиз истаб доим,  
Тунни тонгга улайман.

**Кумуш:** - Отабекимсиз менинг.

**Отабек:** - Кумушгинамсиз менинг.

**Кумуш:** -Ишқда бегимсиз менинг,  
Отабекимсиз менинг.

**Отабек:** - Оққушимсиз сиз менинг.

**Кумуш:** - Ҳақ қушимсиз сиз менинг.

**Отабек:** Дилда борим, гинали,  
Жаҳлдоримсиз менинг.

**Кумуш:** Вафода мангуликка  
Дахлдоримсиз менинг.

**Отабек:** Тарихдан олиб чиқиб,  
Анчайин чеккан заҳмат,

**Кумуш:** Бизни дийдорлаштирган,  
Ошиқ Эркинга раҳмат.

(“Юрагимдан жой бераман”, 127-132-бетлар).

Шоир кўпчиликка таниш бўлган икки образ айтишувини яхшигина сахна асари каби композицион усулни қўллаб, мақсадига эриша олган. Айтишув аллақачон сахналаштирилиб, хаваскорлик тўғаракларида ҳам ижро қилиниб келмоқда.

Буюк ёзувчи Абдулла Қодирий яратган, ишқ-муҳаббатнинг рамзига айланган Отабек ва Кумуш образларини ёш авлод орасида тарғиб қилишда шоирнинг ушбу айтишув шеъри катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Шоир шеърни ёзишда сўз заргари сифатида бадий нутқни мукамал ишлаган. Кумушнинг:

Тақдиримни, тўра, ман,  
Пешонамдан кўраман...



Урдим ўзни қўра ман, деган сўзлари мисраларда безак бўлиб жилоланади. Ҳар бандда унинг:

Мардим-некимсиз менинг,

Отабекимсиз, менинг, тарзида такрорланадиган сўзлари Кумушнинг тийнатиға жуда мос танланган. Отабек тилидан берилган:

Кумушим-олтинимсиз,

Барчадан олдинимсиз, сингари мисралар шоирнинг сўз танлашдаги ўзига хос инкишофидир. Лапарнинг қўшиқ, рақс жўрлигида ижро этилиши унинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини янада юксалтиради.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. –Т.: “Адабиёт ва санъат” 1973.
2. Рўзимбоев С., Сададдинов Б. Ошиқ Эркин – ёр ва диёр куйчиси. – У.: “Хоразм ёшлари” 2021
3. Ошиқ Эркин. Юрагимдан жой бераман. –Т.: “O`zbekiston”, 2016.
4. Ошиқ Эркин. Мехринг тушди юракка. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2000.

УДК 81-13

### СТРАТЕГИИ ПОДХОДОВ

*Н.Э. Сапарова, преподаватель, Термезский Государственный Университет, Термез*

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются стратегии подходов. Существует два типа подходов: индуктивный подход и дедуктивный подход. Я обобщаю разницу между ними.

**Ключевые слова:** грамматика, подход, дискуссия, разное, общее

**Annotation.** This article deals with the strategies of approaches. There are two types of approaches: inductive approach and deductive approach. I generalize the difference between them.

**Key words:** grammar, approach, discussion, different, general

**Аннотация.** Ушбу мақола ёндашувлар стратегияси билан шугулланади.

Ёндашувларнинг икки тури мавжуд: индуктив ёндашув ва дедуктив ёндашув. Улар орасидаги фарқни умумлаштираман.

**Калим сўзлар:** грамматика, ёндашув, мунозара, турли, умумий

Обучение эффективному письму является одним из самых важных навыков, которые педагоги прививают своим ученикам на протяжении всей жизни. При обучении навыкам учителя должны быть уверены в том, что они выбирают ресурсы и вспомогательные материалы, которые не только помогают им в обучении письму, но и будут наиболее эффективными в том, чтобы помочь своим ученикам научиться учиться. Когда дело доходит до творческого мышления, ученики могут столкнуться с нехваткой идей или иметь их так много, что они не могут сузить их. Творческое мышление по педагогическим подсказкам, таким как странные ситуации или предложения необычного характера, часто запускает поток идей. Может потребоваться толчок, чтобы привести воображение в движение, но как только оно активируется, ученики и идеи творческого мышления взлетают, и их невозможно остановить. Само обучение является целью образования. Работая над этим исследованием, мы стремились узнать все обо всех навыках, а также о том, как обучать учеников, используя различные типы методов в процессе обучения. Затем эти области знаний должны быть надлежащим образом активированы, чтобы быть доступными для использования в регулярной практике устной речи в классе и за его пределами. Важно отметить, что в том, что касается стадий ментальной обработки, участвующих в разговоре, нет большой разницы между родным и целевым языками. И то и другое объединяет процессы концептуализации, формулирования, артикуляции, самоконтроля и переговоров. Однако умение говорить не может быть автоматически перенесено с первого языка говорящего на второй. Даже обширные знания грамматики и лексики изучаемого языка, часто представленные продвинутыми студентами факультетов иностранных языков, не гарантируют успеха в устном общении, когда эти знания не интегрированы должным образом или не доступны. Проблемы в разговорной речи могут дополнительно усугубляться чрезмерным использованием процессов самоконтроля и тенденцией формулировать высказывания в первую очередь на родном языке. Эти мыслительные операции создают очевидные издержки в плане беглости и могут привести к созданию искусственного дискурса. Другие проблемы, которые обычно наблюдаются в языковых классах, связаны с личностью отдельных учащихся и их отношением к процессу обучения и, в частности, к обучению разговорной речи. Их можно определить следующим образом:

- \* заторможенность-боязнь ошибиться, потерять лицо, критика; застенчивость;
- \* нечего сказать – учащиеся испытывают проблемы с поиском мотивов для выступления, формулированием мнений или релевантных комментариев;
- \* низкое или неравномерное участие-часто, вызванное тенденцией некоторых учащихся доминировать в группе;

использование родного языка-особенно часто в менее дисциплинированных или менее мотивированных классах учащиеся находят более легким или естественным выразить себя на своем родном языке. Во-вторых, необходимо выбрать подход, который определяет процедуру обучения. Выбор между подходом, основанным на задачах, жанровым подходом или комбинацией обоих типов является наиболее важным шагом в определении курса, поскольку он влияет на все элементы процесса обучения. Тем не менее, современная многоуровневая учебная программа должна определять целевые аспекты изучаемого навыка говорения, а также грамматические и лексические компоненты. Жанровый подход фокусируется на понятии коммуникативной ситуации, которая складывается вокруг определенного речевого жанра или жанров. Без надобности говорить, что разнообразие типов коммуникативных ситуаций практически не ограничено. Как следствие, учитель сталкивается с необходимостью решить, какие ситуации должны быть включены в языковой курс, который он координирует. Этот выбор, каким бы хорошо продуманным он ни был, всегда связан устраняя или игнорируя ряд относительно значимых ситуаций и концентрируясь на тех, которые кажутся наиболее релевантными для конкретного контекста обучения. Следующим шагом является определение наиболее важных параметров выбранных ситуаций, таких как темы, цели, жанры дискурса, социальные и культурные нормы. Собственно педагогическая процедура начинается с установления социальной цели и культурного контекста данного жанра, затем приводится и анализируется типичный пример, в конечном итоге учащиеся создают собственные образцы соответствующих коммуникативных событий. И запоминает слова, относящиеся к теме, и пытается использовать их в разговоре. Молодежь, взяв шуюся за решение столь сложной задачи, по праву можно назвать молодежью XXI века. Действительно, они живут в эпоху технологического прогресса и глобализации. Это откроет им новые возможности для достижения своих целей. В частности, мы можем наблюдать глубокий подход к этому вопросу в нашей стране. В нашей стране растет интерес к изучению ряда языков, в том числе английского, русского, немецкого, французского, корейского и др., что в свою очередь требует от преподавателя больших усилий и внимания. Действительно, роль языка в изучении культур Востока и Запада неопределима. Действительно, изучение культуры стран Востока и Запада требует владения языком этой страны, потому что мы выражаем наши взгляды через этот язык. Однако наша главная цель в изучении языков - овладеть европейским стандартом. Необходимо понимать страну не только как модуль и аспекты, но и как средство диалога. Изучение конкретного иностранного языка включает в себя слушание, размышление и реакцию, а также передачу наших мыслей другим. Причина в том, что было бы ошибкой ограничивать существующую деятельность в нашем уме и эту деятельность только посредством разговора, и это самый большой недостаток в изучении языка сегодня. Изучающий язык, который совершает эту ошибку, тратит весь процесс обучения только на разговор, но любой разговор происходит между 2-3 или более людьми. Их ошибка заключается в том, что они ограничивают способность слышать собеседника и отвечать на него во время разговора. Благодаря этому изучение иностранных языков в разных аспектах способствует высокому качеству изучения языка.

В частности, изучение языка состоит из чтения, письма, аудирования, разговорной речи и грамматики. Каждый из вышеперечисленных аспектов изучался отдельно в процессе развития изучения человеческого языка.

- Языковой барьер.

Литературная речь без запинки - главная цель коммуникативного подхода. Языковой барьер формируется, если ученик боится ошибиться в произношении или не может избавиться от стресса. Коммуникативный метод справляется со всем этим очень хорошо, так как почти все время урока посвящено практике общения. При этом учитель исправляет ваши ошибки и поощряет учеников, которые не боятся высказывать свое мнение на русском языке.

- Беглость и уверенность

Если студент хочет максимально быстро и уверенно говорить по-русски на иностранном языке, он может записаться на коммуникативные курсы на русском языке. В классе ученики узнают о том, с чем они сталкиваются каждый день. Чтобы развить беглую речь, ученик

должен уметь читать рассказы самостоятельно и произносить текст, который он или она читает, чтобы укрепить уверенность в себе.

- Хорошее понимание языка.

Во время урока ученики не только общаются, но и слушают других учеников. Для полноценного диалога ученики должны понимать, о чем говорит собеседник.

\* Напротив, подход, основанный на задачах, исходит из общей идеи о том, что “язык лучше всего изучать, используя его, а не изучать и затем использовать”. Следовательно, считается, что точность проистекает из беглости, другими словами, потребность в эффективном общении ведет к совершенствованию обучения и языка. Таким образом, учебный план, основанный на задачах, принимает форму последовательности интегрированных заданий, которые включают в себя устную речь и отражают ситуации, с которыми учащиеся, вероятно, столкнутся в реальных обстоятельствах. Оба подхода имеют свои преимущества и недостатки. Подход, основанный на задачах, был подвергнут критике за то, что он отдавал приоритет процессу использования языка, а не сосредотачивался на языке, который учащиеся фактически производят.

#### СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Адамсон, Р. (2009). Извлечено 12 Июля 2014 Года,
2. Al-Mekhlafi, A. M., & Nagaratnam, R. P. (2011). Трудности в преподавании и изучении грамматики в контексте EFL. International Journal of Instruction, IV (2), 69-92. Браун, Д. (2006). Обучение по принципам. 3. Иглвуд Клифф, Нью-Джерси: Прентис-Холл. 4.
4. Brown, H. D. (1987). Принципы изучения и преподавания иностранных языков. Энглвудские Утесы: Прентис-Холл.
5. Ellis, R. (2006). Актуальные вопросы преподавания грамматики: перспектива SLA. Тесол кварталери, 83-107.

УЎК: 811.133.1:811.512.133

### АГИОТЕРМИНЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ ҚИЁСИЙ-КОНТЕКСТУАЛ ТАҲЛИЛИ

*Н.Б. Тухтасинова, докторант, Ўзбекистон Миллий Университети, Тошкент*

**Аннотация.** Мазкур мақола “Кеча ва кундуз” романининг французча таржимасида агиографик терминларни ўгирилишининг қиёсий таҳлилига бағишланган.

**Калит сўзлар:** адекват таржима, эркин таржима, агиографик матн, аксиологик олам манзараси.

**Аннотация.** Данная статья посвящена сравнительному анализу перевода агиографических терминов во французском переводе романа «Ночь и день».

**Ключевые слова:** адекватный перевод, вольный перевод, агиографический текст, аксиологическая картина мира.

**Abstract.** This article is devoted to a comparative analysis of the translation of hagiographic terms in the French translation of the novel "Night and Day".

**Key words:** adequate translation, free translation, agiographic text, axiological worldview.

Тадқикотимиз доирасида бир қанча ўзбек адиблари асарларининг французча таржималарида агиографик терминларни ўгирилишини қиёсий таҳлил қилдик. Шулардан бири Абдулхамид Сулаймон Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романидир. Мазкур роман яратилганига қарийб 80 йил бўлса-да, у ҳамон қўлдан-қўлга ўтиб келмоқда. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, дастлабки – “Кеча” деб номлангани қисми бизгача етиб келган бўлиб “Кундуз” деб аталган иккинчи қисми ҳақида эса маълумотлар мавжуд эмас. Китобда ўзбекларга хос андиша, ҳиммат, ифбат ва соддалик каби фазилатлар билан бирга хотинбозлик ва мол-мулк орттириш йўлидаги иллатлар ҳам ўз интиқосини топган. Бу каби сифатлар ва иллатлар китобхонни чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Чўлпон дунёси, унинг олами, ижодидаги нафислик ва сержилолик ҳар бир китобхонни ўзига жалб этади. Айниқса, бугунги кунда ёшларнинг миллий маънавиятини шакллантиришда ушбу роман муҳим ўрин тутди. “Кеча ва кундуз” романи француз тилига осийёшунос олим, тарихчи ва таржимон Стефан Дюдуагон томонидан француз тилига таржима қилинган бўлиб мазкур асарда миллий-маданий реалиялар ва агиографик терминларни жуда кўп учратишимиз мумкин. Асар ўзбек тилидан бевосита француз тилига таржима қилиниб Францияда нашр этилган. Мазкур романининг французча таржимаси борасида илк тадқиқот таржимашунос олима Раима Ширинова томонидан яратилган бўлиб олима ўзининг бадий асарлар таржимасида олам

миллий манзарасининг қайта яратилиши борасида ёзган монографиясида бир қанча илмий таҳлилларни келтириб, асар таржимаси тўғрисида асосли муносабатларни келтириб ўтган[1].

Таржимашунослик ютуқларига таяниб, жаҳон адабиётида ўз ифодасини топган умуминсоний маънавий кадрият мезонлари асосида таҳлил қилишга уришиб кўрамиз. Аслида санъат асари, хусусан, роман ва жамият ҳаётининг бадиий-услубий таҳлили бир-биридан ажралмас ҳодиса бўлиб, уларни ўзаро узвий алоқадорликда ўрганиш «Кеча ва кундуз»нинг XX аср ўзбек романчилигида тутган ўрни ва жаҳон романчилигига муштарак жихатларини кузатишга имкон беради. Биз ҳам ўз тадқиқотимизда агиографик терминларни берилишини мазкур асардан танлаб олинган контекстлар мисолида қиёсий-таҳлил қилдик. Мисолларга мурожаат қиламиз.

**Аслиятда:**

“Отаси *бомдоддан* кирмаган, онаси сигир соғиш билан овора, ўзи кичкина сахнани супуриб турган вақтида ташқари эшикнинг бесаранжом очилиши Зебининг кўнглини сескантириб олди”[2. Б.4].

**Таржима варианты:**

“Son père n’était pas rentré encore de la *prière de l’aube*, sa mère était occupée de traire la vache, et elle-même nettoyait la cour, lorsque le portillon s’ouvrit avec fracas, lui glaçant le coeur»[3. P.10.].

Навбатдаги мисол, **аслиятда:**

“Отасининг одатдаги томоқ кириш ва йўталишлар билан, катта эшикнинг оғир занжирини шарақ-шуруқ қилиб тушириб, *намозга* чиқиб кетганига ҳали кўп ўтмаган эди”[2. Б.4.].

**Таржима варианты:**

“Ce ne pouvait pas être son père car, toussant et se raclant la gorge comme il en avait l’habitude , il venait de sortir pour la *mosquée* en faisant jouer la chaîne de la grand-porte.[3.P.10]”

Яна бир мисол, **аслиятда:**

“Қиш ичи ҳам кети узилмаган совчилар бир-икки ҳафтадан бери келишдан тўхтаганлар, энди ташқари эшикнинг “ғийт” этиши – бир-икки аёлнинг астагина босиб, *паранжисини* судраб кириб келишига далолат қилмас, ҳали эндигина ўн бешга қадам қўйган бу ёш қизнинг гўдак кўнглини унча чўчитмас эди”[2.Б.4.].

**Таржимаси:**

“Désormais, le grincement du portillon n’annoncerait plus l’arrivée discrète des mêmes bonnes femmes traînant leur *parandji*, il ne ferait plus tressauter le coeur d’enfant de la jeune fille, qui venait à peine d’atteindre ses quinze ans”[3.P.10].

Навбатдаги мисол, **аслиятда:**

“Ҳақат сўфи кўнгилдан ва унинг нозик шишасидан бир нарса англайдиган одам бўлмаганлигидан бу каттакон ишнинг оқибатини хаёл қилган вақтларида “келаси йилга (*инишолло!*) *ҳажга* кетиш насиб бўлади”, деган умидлар билан хурсанд бўларди...”[2.Б.112].

**Таржимада:**

“Des “minauderies” qui ne pouvaient avoir d’autre cause qu’un accès de sentimentalité: n’étant pas de ceux qui se soucient du coeur des femmes ni de sa fragile architecture, le soufi se réjouissait désormais en songeant au bénéfice de cette grandiose affaire, c’est-à-dire à la perspective de se rendre “l’année prochaine à *La Mecque, inchâ’Allah !*”[3.P.154.].

Яна бир мисолга эътибор қаратмоқчимиз, **аслиятда:**

“Кўп ўтмасдан, *сўфини* чақириб чиқди. Уни шоҳид қилиб туриб, никоҳимизни ўқиди. *Сўфига* ҳам бир нарса бердик. Шу билан менинг номим ўзича қолиб, янги хотинимнинг номи “Биби Марям Ойша қизи” бўлди...”[2.Б.210.].

**Таржима варианты:**

“Il fait tout de suite appeler *un muezzin*, qu’il désigna comme témoin, et célébra notre mariage. Nous donnâmes aussi quelque chose *au muezzin*. Je gardais mon nom, tandis que Mariam devenait “Bibi Mariam, fille d’Aïcha”[3.P.285.].

Яна бир мисол, аслиятда:

“Дунёвий илмларни ўқиш ҳам шариатимизда бор, чунончи, жаноби *ҳастини пайгамбаримиз* “утлубудилму валавкана бисси”, яъни “Чин мулкида, яъни Хитойда бўлса ҳам илм талабида бўлғил”, деганлар.”Бу *ҳадиси саҳиҳ*”, дедим”[2.Б.283].

**Таржима варианты:**



“C’est *notre vénéré Prophète* lui-même – que le salut et la paix de Dieu soient sur lui-qui l’a dit: “Utlub ud ‘ilmu walawkana bi’ssi” ce qui signifie bien: “Mets-toi en quête de la science, même si elle se trouve en Chine”. Et ça, c’est *un hadith* digne de foi”[3.P.326].

Мустақиллик даврига келиб ўзбек адабиётшунослигида шакл ва мазмун жиҳатидан янгиланиш тамойиллари кучайиб кетди. Услуб масаласини илмий тадқиқ этиб, такомиллаштириш бу янгиланишдаги эҳтиёжлардан биридир. Миллий адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бўлган Чўлпон нафақат шеърятда, балки насрда ҳам ўзига хос услубга эга ижодкордир. Чўлпон сингари ўзбек адабиёти намояндаларининг маҳорат сирларини ўрганиш XX аср адабиётининг ижтимоий-эстетик моҳиятини белгилашда муҳим ўрин тутади.

Тил материали таҳлили шуни кўрсатдики, таржимонларимиз агиографик матнларни таржима қилишда турли хил усул ва назарияларни қўллаганлар, баъзилари аслиятга яқинлашиб адекват таржима яратган бўлсалар, бошқалари эса эркин таржима йўлидан бориб аслиятдаги аксиологик олам манзарасини бузилишига сабаб бўлганлар. Асосли таҳлиллар ва далилларга асосланиб агиографик терминларни таржима қилишнинг қуйидаги усулларини ишлаб чиқдик.

- 1) Агиографик терминларни таржима тилида беришда транслитерация услубидан ўринли фойдаланиш;
- 2) Агиографик терминларни матн ичида изоҳлаш;
- 3) Агиографик терминлар таржимасида пресуппозициядан ўринли фойдаланиш;
- 4) Агиографик терминларни таржима матнида беришда имплицит ва эксплицит маълумотларни келтириш.

Таржима санъатида бир нозик жиҳат борки, маҳоратли таржимонлар ҳам миллий-маданий хусусиятга эга контекстларни ўгиришда ҳар доим ҳам тўла муваффақиятга эришавермасликлари мумкин. Айниқса, катта ҳажмли асар ўгирилган экан, у ёки бу ўринда шакл мутаносиблигини сақлаш учун мазмунга зиён етказилади.

Аслида, бошқа тиллардан таржима қилинган асарлар ўз бадиияти, таъсир қуввати билан ўқувчилар оммасига завқ бериши, қалбини гўзалликка ошно қилиши лозим. Бадиий ижоднинг туб моҳиятига, сўз санъатининг специфик табиати тааллуқли бўлган бу хусусият ортиқча исбот талаб қилмайди. Шу маънода бадиий таржимага сўз орқали қайта яратиш санъати сифатида қараш ўринлидир. Таржимада сўзнинг ўрни беқиёс. Топиб ўрнига қўйилган биргина сўз таржимага бадиий тус-ранг бериши, аксинча, ноўрин қўлланган битта сўз айна шу гўзалликка доғ тушириши ҳам мумкин. Зеро, Ғ.Саломов ва Н.Комиловлар ҳақли равишда таъкидлаганлар. Яъни: «Таржимада сўзни топиб, ўз жойига қўя билмиш жуда муҳим иш. Агар бир сўз ёки ибора, борингки, қандайдир бир грамматик қўшимча ҳам ўз ўрнига тушмаса ёхуд сал ясамароқ чиқиб қолса, бутун асарнинг тароватига путур етиши ҳеч гап эмас»[4.Б.130.]. Шунинг учун, мазкур мақолада таржимонларнинг маҳорати айнан уларнинг сўзга муносабати, у ёки бу сўзни қанчалик топиб ўз ўрнида қўллай билган-билмагани мисолида кўриб чиқилди ҳамда шеърин таржимада сўзнинг ўрни, вазифаси, мақоми хусусида сўз юритилди.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадиий таржимада қайта яратилиши. Автореф.дисс... фан доктори (DSc). –Тошкент, 2017.
2. Чўлпон. Кеча ва кундуз. –Тошкент.:Ҳилол медиа. 2019. –Б.4
3. Tchulpân. Nuit. –Saint-Pourçain-sur-Sioule.:Bleu autour.2009. –P.10.
4. Саломов Ғ., Комилов Н. Жаҳонгашта рубойлар // Таржима санъати (Мақолалар тўплами). 3-к. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1976. – Б.130.

#### УЎҚ 81-13

### ПАРАДОКСНИНГ ТАДРИЖИЙ-ЭТИМОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

**С.Б. Хамидова, тадқиқотчи, Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах**

**Аннотация.** Ушбу мақолада парадокснинг тадрижий-этимологик хусусиятлари ва турли лугатларда парадокс сўзига берилган таърифлар ҳақида батавфсил маълумот берилган. Парадокс- матндаги маънони кучайтирадиган, шу билан бир қаторда эмоционал-таъсирчанликни оширадиган стилистик воситалардан бири ҳисобланади. Зиддиятни ифодаловчи, парадоксдан фарқли жиҳатлари эга бўлган, бошқа бир нечта стилистик воситалар мавжуд.

**Калит сўзлар:** парадокс, прагматик парадокс, семантик парадокс, стратегик парадокс, тазод, антитеза, контекстуал антонимлар, оксюморон

**Аннотация.** В статье представлена подробная информация об эволюционно-этимологических особенностях парадокса и определениях слова парадокс в различных словарях. Парадокс - одно из стилистических средств, усиливающее смысл текста, а также усиливающее эмоциональное воздействие. Есть несколько других стилистических инструментов, которые представляют противоречия, которые имеют аспекты, отличные от парадокса.

**Ключевые слова:** парадокс, прагматический парадокс, семантический парадокс, стратегический парадокс, тазод, антитезис, контекстные антонимы, оксюморон

**Abstract.** This article provides detailed information on the evolutionary-etymological features of the paradox and the definitions of the word paradox in various dictionaries. Paradox is one of the stylistic devices that enhances the meaning in the text, as well as increases the emotional impact. There are several other stylistic devices that represent contradictions, which have different aspects from the paradox.

**Key words:** paradox, pragmatic paradox, semantic paradox, strategic paradox, tazod, antithesis, contextual antonyms, oxymoron

Тил моҳиятини оламнинг лисоний манзараси нуктаи назаридан тадқиқ этиш, тил ва маданият муносабати, миллий менталликни англаш айнан тил моҳиятини, унинг коммуникатив вазифасини чуқур ва илмий ўрганиш заруратини туғдиради.

Тилшуносликда типологик тадқиқотлар, тил бирликларини ёндош ҳодисалар билан муносабати асосида таҳлил этишнинг замонавий талқин ва баёнлари юзага келмоқда. Бу замонавий йўналиш ва концепциялар асосидаги тадқиқотлар тилнинг коммуникатив функцияларини намоён этиш имкониятини яратади.

Тил бирликларининг ифодавий ва мазмуний трансформацияси нафақат структурал ўзгариш, балки услубий-стилистик эҳтиёж асосида юзага келади. Тил бирликларининг структурал ўзгариши формал, яъни деформация- шакл ўзгариши эмас, шу билан бирга, маъно ўзгариши модификациядир. Шу маънода тил бирликларининг трансформацияси лингвистик аспектда ўрганиш ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эга. Тил бирликларининг трансформацияси маълум бир воқеа-ҳодисани у ёки бу тарзда ифодалаш, маънонинг кучайиши, эмоционал-экспрессивликка эришиш, нутқда муайян мақсадлар ҳисобига, яъни стилистик эҳтиёж натижасида юзага келади. Улар матнга маълум стилистик колорит, эмоционаллик, экспрессивлик, қўшимча маъно бахш этади, умуман матнни ўқувчига етказишни фаоллаштиради. Таъкидлаш жоизки, фикрни теран, аниқ ифодалаш учун стилистик воситалардан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Стилистик воситалардан бири бўлган **парадокс** сўзи юнонча *paradoxos* сўзидан олинган бўлиб “ақл бовар қилмайдиган, тахминларга ёки мавжуд эътиқодга зид” маъносини англатади. Аммо бу терминга луғатларда турлича таърифлар берилади. Таъкидлаш лозимки, парадокс нутқнинг ифодалилигини таъминлашга хизмат қилиб, “*эътиқодга қарши*” [1] маъносини ифодалайди.

Парадоксларда мантиқан асослашга таъсир қиладиган баъзи бир зарур бўлган фикрлар эҳтимоллилигининг исботланиши ёки инкор этилиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд. Улар орасида фақат мантиқий ёки тўпламларга оид бўлган парадокслар маъноси ва шунингдек, унинг ифода қирраларини белгилаш билан боғлиқ бўлган парадокслар **семантик** парадокслар деб номланади [1].

**Прагматик парадокслар** орқали билдирилган фикр зиддиятга эга маънони ифодалаб, ушбу қарама-қарши қисмлар ҳақиқат бўлиши ҳам мумкин, масалан: “Ёмғир ёғмоқда, лекин бунга ишонмайман” (It’s raining, but I don’t believe it). Бироқ, зид маънони ифодаловчи қисмнинг биринчи гапда келтирилиши, парадокс маъносига путур етказилади.

Инглиз тилида учраб турадиган **стратегик парадокслар** турли маъноларда қўлланилганлиги сабабли, оқилона қарорлар қабул қилишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради, яъни талқин этишда турлича маъно ифодалайди.

Ульям Ньюкомнинг фикрича, “парадокс – икки бир-бирига қарама-қарши бўлган фикрдан кўра, зид маънога эга бошқа тушунчаларнинг ҳам афзаллик жиҳати ҳимоя қилиниши мумкин”. Гарчи парадокслар зид тушунчаларнинг қўлланилиши билан ифодаланса-да, “бир-бирига мос келмаслиги” [1] ёки содир бўлиши кутилаётган вазиятларда қўлланиши имконсиз бўлиши мумкин.

Шунингдек, парадокс ғайриоддий ёки инсон ақлига сиғмас даражадаги бошқа бир тушунчани, яъни қатъий парадоксларни англатиши мумкинки, баъзан мантиқан бошқаларидан

ажралиб туради. Бинобарин, бундай ҳолат парадоксининг қанчалик аҳамиятли эканлигини кўп ҳолларда баҳс мунозарига сабаб бўлиши орқали далиллайди [1].

Бошқа бир инглиз тилидаги луғатда **парадокс** сўзига берилган тавсиф куйидагича – “иккита қарама-қарши факт ёки хусусиятни ўз ичига олганлиги сабабли, имконсиз бўлиб туюладиган ёки тушуниш қийин бўлган вазият ёки баёнот” [2].

Рус тилидаги изоҳли луғатларни ўрганиш жараёнида куйидаги таърифга дуч келдик:

**“Парадокс** – *paradoxos* термини юнон тилидан олинган бўлиб, **кутилмаган, галати**, шунингдек, тор маънода қарама-қарши, кенг маънода ҳақиқатни аниқлаш жуда қийин бўлган тушунарсиз баёнот; шу маънода ҳар қандай кутилмаган баёнотлар парадоксал дейилади, айниқса, улар маъносининг кутилмаганлиги моҳирона шаклда ифодаланган. Мантиқда **парадокс** – антонимиялар, зиддиятлар дейилиб, сўзнинг аниқ маъносида мантикий қонунларга зид бўлган баёнотлар, жумладан, парадоксининг исботланмаслиги (яъни, изчиллик) мантикий талаб ва мантикий-математик, ҳисоб-китоб, аксиоматик назариялар акс этади” [3].

Маълумки, парадокс тушунчаси жуда кўп маъноларга эга. Аслида бу зиддиятли кўринишга эга, аммо ақлга зид бўлган, тушунарсиз ёки ўз-ўзига ҳавола қилинган ва ўзига зид бўлган, ҳақиқатни англади.

Минг йиллар илгари қадимги Юнонистонда илк бор мантиқ соҳаси шаклланиб, тараққий этди ва ҳозирги кунга қадар ушбу соҳа доирасида олиб борилаётган тадқиқотлар қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Таниқли ғарб файласуфларидан Зеноннинг таъкидлашича, “борлиқ хусусида илгари сурилган ҳар қандай шарҳлар парадоксга олиб келган” [4]. Шунингдек фикримизни давом эттирган ҳолда, яна бошқа олимларимиз тамонидан билдирилган таърифларни ҳам келтирсак. Қадимги риторика назариётчилари **парадокс**ни “нутқ фигураси” [5] сифатида таърифлашган, бироқ, XX аср танқидчилари бунини “тушуниш усули” [5] сифатида изоҳлашган.

Ўзбек тилшунослари томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, зидликни ифодаловчи стилистик воситалар борасида турлича фикр-мулоҳазалар мавжуд. Тилда зид маъноли сўзларнинг мавжудлиги бадий нутқнинг ифодалилиги, экспрессивлиги, таъсирчанлигини таъминлашда қулай воситалардан саналади. Шарқ бадий адабиётида қадимдан тилдаги мавжуд бу каби ифода имкониятидан кенг фойдаланиб келинган. Таъкидлаш жоизки, “шоир учун жуда зарур бўлган бадий саънатлардан бири **тазоддир**. Бу санъат яна *мутобақа, тибоқ, татбиқ, муттазод, иттизод* ва *такофу* деб ҳам аталади. Ушбу бадий санъат тури зид маъноли сўзлардан фойдаланиш билан характерланади” [6].

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўзининг бадийят илми истилоҳлари тадқиқига бағишланган “Мафотих ал-улум” асарида *мутобақа* атамасига шундай изоҳ беради: “*мутобақа* сўзи тобақа феълидан олинган бўлиб, муаннас “туя орқа оёғини ўзининг олдинги оёғининг изига қўйиб юрди, маъносини беради” [7], бироқ, Европа филологик аъёнасига кўра, бу бадий саънат “*antithesis*” антитеза деб юритилади. Бадий асар тилининг сифати, аниқлиги, ифодалилиги, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат қиладиган *зидлантириш, қаришлантириш* санъатидан фойдаланилади. Зид маъноли сўзларни ёнма-ён қўллаш орқали тушунчалар, белгилар, ҳолатлар, образлар зидлантирилади. Одатда, лисоний-контекстуал ёки нутқий зид маъноли сўзлар ўзига хос тарзда фарқланади. Масалан:

- *Эски қишлоққа янги одат (мақол).*

- *A new habit to the old village.* Ушбу мисолдаги ўзбек тилида *эски –янги*, инглиз тилидаги таржимада *new-old* сўзлари бир бирига зиддир ва мақолдаги аниқликни, таъсирчанликни ошириришда муҳим аҳамият касб этади.

- *Ҳали анча баланда бўлса ҳам унинг камолдан заволи яқинроқ экани кўриниб турарди.* Ушбу гапда *камол – завол* сўзлари бир-бирига зидлаш орқали, матндаги мелодика таъминланган.

- *Шунча ер қўлдан чиққан бўлса, унинг бараварига қанча давлат қўлга киргандир, муни худо билади-ю худонинг севимли бандаси қорақўз Мирёқуб билади* (Чўлпон).

Баъзан маҳоратли ёзувчилар қахрамонлар руҳиятидаги контрастликни бўрттириб тасвирлаш мақсадида муайян бир контекстуал синонимик қатордаги бир неча сўзга бирданига зидлантирадилар. Масалан:

*“У вақтда ўзи – қулди, очилди, қувонди, гердайиб, осмондан қараб қадам босди. Хадичахон эса эзилди, куйди, ўртанди, хўрланиб-хўрланиб, аччиқ-аччиқ йиғлади* (Чўлпон)” [6]. Куйидаги мисолда биргина сўз эмас, балки уюшиқ бўлаклисўзлар қаторлари *қулди, очилди, қувонди, гердайиб, осмондан қараб қадам босди- эзилди, куйди, ўртанди, хўрланиб-*

**хўрланиб, аччиқ-аччиқ йиғлади** ўзаро зидликни ҳосил қилиб, матннинг импрессивлигини ошириб, ўқувчида катта таассурот уйғотади.

Контекстуал антонимлардан бадий асарда тасвирнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида фойдаланилади:

У **муштдек** юракни **қоядек** дард босиб турибди, **деб** юрса бу **вужудга** **вулқон** куч топаётган экан (Т.Малик) – бу нутқий парчада **муштдек** ва **қоядек** сўзлари “кичик” ва “катта” маъноларини ифодалаб, антонимик муносабатга киришган. Зид маънолиликни барқарор бирикмаларда ҳам кўплаб кузатишимиз мумкин. Шунингдек:

а) ибораларда: *Кўкка кўтармоқ-ерга урмоқ; Юзи ёруғ -юзи шувут; Кўнгли оқ-ичи қора; Кўзига иссиқ кўринмоқ-кўзига совуқ кўринмоқ*

б) сўз ва ибора ўртасида: *Лексик-фразеологик зид маънолилик; Хасис қўли очиқ; Хафа – оғзи қулоғида*

с) мақол ва маталларда: *Каттага ҳурматда бўл, кичикка иззатда; Яхшидан от қолади, ёмондан дод; Осмон йироқ – ер қаттиқ*

д) ҳикматли сўзларда: *Билмагани сўраб ўрганган – олим, орланиб сўрамаган – ўзига золим [6].*

Маълумки, инглиз тили адабиётида **антитеза (antithesis- қарама-қарши қўйиш, зидлаш)** бадий санъати кенг қўлланилиб, у “мантиқий жиҳатдан қиёсланувчи фикр, тушунча, сезги ва тимсолларни қарама-қарши қўйиш, зидлаш ҳодисасидир” [6]. Воқеа-ҳодисалар моҳиятидаги зиддиятни тўлиқ баён этиш мақсадида асосан, бадий нутқда зид маъноли қўшимчалар, зидловчи боғловчилар, сўз ва иборалардан фойдаланилади. Бадий матнни лисоний жиҳатдан таҳлил қилишда зидлантиришдан ёзувчининг кўзда тутган мақсади нима эканлигини аниқлаш талаб қилинади. Ёзувчининг маҳорати зидлантирилаётган воқеликлар учун танланган ифода материалида янада аниқ кўринади:

*Нонингни йўқотсанг йўқот, номингни йўқотма! (Ў.Ҳошимов).*

Ушбу мисолда муаллиф бир-бирига алоқаси бўлмаган иккита тушунчани қарама-қарши қўйган: *нон - ном*. Аслида, нон ҳаётнинг, тирикликнинг ажралмас бўлаги. Бир парча нон топиб ейиш учун одамзод меҳнат қилади, тер тўқади. Аммо ҳаётда ўша бир парча нонни топаман деб ўз номига, шаънига доғ тушираётганлар ҳам учраб туради [6].

Адабиётшунослик соҳасида **оксюморон** деб аталувчи ҳодисада ҳам мантиқан бири иккинчисини инкор этадиган, бир-бирига мазмунан зид бўлган икки тушунчани ифодаловчи сўзлар ўзаро қўшиб қўлланилади. **Оксюморон** (грекча сўз бўлиб “*ўтқир лекин бемаъни*”) деган маънони билдиради. Улар айрим адабиётларда “*оказионал бирикмалар, ноодатий бирикмалар*” ёки “*ғайриодатий бирикмалар*” деб ҳам юритилади [8]. Бундай бирикмалар индивидуаллиги, янгилиги, кўникилмаганлиги ва охорлилиги билан тасвир ифодалилигини таъминлайди. Масалан:

- *Сокин ҳайқириқ (М.Али), оташин муз, ёнгинли дарё, сўқир ломакон, қора нур, ялонгоч шуур,яхлаган сароб (Р.Парфи).*

Матнда қўлланилган *оппоқ тун, сўзсиз суҳбат* каби сўз бирикмалар оксюморонга мисол бўлиб, туннинг оқ бўлмаслиги ёки сўзга эга бўлмаган суҳбатнинг йўқлиги шундан далолат берадики, оксюмарон бир-бирига зид маънога эга бўлган сўзларнинг бирикма тарзида ифодаланиши билан характерланади. Бундай ғайриодатий бирикмалар антитезанинг бир кўриниши сифатида талқин қилинади. Гарчи, исталган икки сўзни бириктириш орқали оксюмарон юзага келавермайди. Бундай бирикмалар ёзувчининг бадий тафаккур маҳсули ҳисобланади. Шунинг учун ғайриодатий бирикмаларни мантиқсизлик билан боғлаш мумкин эмас. Уларга эстетик ҳодиса сифатида ёндашиш зарур. Шу ўринда савол туғилади: Ўзаро боғланмайдиган сўзларни боғлаётган куч нимада? Уларнинг бирикиб, бадий эффект бериши учун қандай ифода имконияти мавжуд? Ёзувчининг бундай “маромсиз” бирикмалар яратишга нима мажбур қилди? Каби саволлар билан мазкур ҳодиса моҳиятига кириб бориш мумкин [6].

Парадокс мантиқий баён сифатида ёзилади. Бироқ, баёнот элементлари ўзларига зид кўринади ёки бу таклифни эҳтимолдан йироқ қилади. Парадокс вазиятни келтириб чиқаради. Парадокс- бу одатда жумла ёки бир нечта жумлалар бўлиб, иккита воқеа бир бирига ўхшаб кўринмайдиган вазиятни кўрсатадиган атама сифатида қабул қилинади. Оксюмарон парадоксал хусусиятга эга, аммо у нутқ фигураси (figure of speech) бўлиб, вазият ёки ҳодиса эмас ва одатда атиги иккита атамадан иборат. Уларни ажратиш учун парадоксни воқеа ёки вазият, оксюмаронни эса нутқ фигураси деб ҳисоблаш ўринлидир.

Парадокс- бу ёзувчи муайян вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш учун фойдаланмайдиган воситадир. Парадокс тингловчиларни у тақдим этаётган вазият ҳақида чуқур



мулоҳаза юритишга ундайди. Парадоксдаги вазият қарама-қарши бўлганлиги сабабли, кўшимча тушуниш учун ўқишда пауза келтириб чиқади. Матнда парадокс воситаси қўлланилгани сабабли, ўқувчидан беихтиёр равишда бу ҳақида бир муддатга тафаккур ила талқин этиб, моҳиятини англаш талаб этилади. Бу одатда қизиқарли концепция ёки ғояни тақдим этиш ёки тўғридан-тўғри фикр билдирмасдан баёнот бериш усулидир. Парадоксал равишда у фақат ёзувчи маълум бир нуқтаи назарни ёки шарҳни билдиришни хоҳлаганда қўлланиши керак. Бундан ташқари, парадокс томошабинларни тўхтатиш ва ўйлашга мажбур қилади, шусабабли ҳам, ундан фақат мақсад билан бевосита боғлиқ бўлганда фойдаланиш керак.

Шу ўринда мисол тариқасида Сукротнинг машҳур парадоксини келтиришни жоиз топдик. Ўзининг чексиз сўроқ қилиш усулидан фойдаланган ҳолда, Сукрот тез орада аслида ҳеч ким ўзлари билган, даъво қиладиган нарсалар тўғрисида- санъат, ахлоқ, сиёсат, адолат, ўзлик ёки бизни ўраб турган дунёнинг асл табиати тўғрисида ҳеч нарса билмаслигини аниқлади. У шундай қилиб, Платон (Афлотун) нинг “Апология” (Сукротни ҳимоя қилиш) [9] асарида ёзилганидек, Делфияруҳонийси (фолбини) ўзининг донолиги тўғрисида тўғри қарор қилган бўлиши мумкин деган хулосага келади: “Мен кетаётганимда, ўзим ҳақида ўйлардим, мен бу одамдан ҳам дономан. Эҳтимол, иккаламиз ҳам олижаноб ва яхши нарсаларни билмаймиз, лекин у билмаганида бирон нарсани билади деб ўйлайди, мен эса, мен билмаганим каби, биламан деб ўйламайман ҳам. Мен бу нарсада у билан бир оз донороқ бўлишим мумкин, мен билмаган нарсани биламан деб ўйламайман ҳам” [10]. Бошқача қилиб айтганда, Сукрот ўзини ўзи гапирадиганлардан кўра доно деб билади, чунки улардан фарқли ўлароқ у ўзининг жоҳиллигини тан олади. Ушбу фикр парадоксал баёнот билан қамраб олинган: “*I know that I know nothing*” [10] (*Мен ҳеч нарсани билмаслигимни биламан*). Манбаларнинг таъкидлашича, Сукротнинг машҳур парадокси сифатида танилган бу жумла Сукрот айтган сўзлар эмас, балки юқорида баён қилинган Афлотуннинг “Апология” дан олинган деган фикрлар мавжуддир. Нима бўлишидан қатъий назар, бу билимлар назарияси билан боғлиқ фалсафанинг бўлими – эпистемология (фалсафанинг билим ва ишонч табиати, услублари, чекловлари ва қийматларини ўрганувчи соҳасидир) учун муҳим парадоксал баёнот ҳисобланади. Сукрот тамонидан айтилган, парадоксни ўз ичига қамраб олган мунозараси биз билган нарсалар тўғрисида чуқур шубҳага, ноаниқликка сабаб бўлмоқда - инсон билимлари пойдевори охир-оқибат урф-одат ва урф-одатлардан бошқа нарсаларга асосланганми ёки йўқми деган ноаниқлик [11].

Бинобарин, илмий изланишларимиз шуни кўрсатадики, стилистик воситалардан бири бўлган парадокснинг пайдо бўлиши ва қўлланилиши бир неча минг йиллик тарихга эгадир. Юқорида келтириб ўтганимиздек Юнон файласуфи Сукротнинг машҳур парадоксал фикри ҳанузгача ўз қийматини йўқотмаган ҳолда, инсонларни ўша баёнотнинг маъносини англаш учун фалсафий жиҳатдан тафаккур қилишга ундайди, турли-туман фикрларнинг воқеликка мувофиқ бўлишини, булар ҳақиқатми ёки хато, чинми ёки ёлғон эканлигини белгилашда ўз ифодасини топади.

Маълумки, ҳар бир соҳада бадий-стилистик воситалардан бири бўлган парадоксларни учратишимиз мумкин, юқоридаги мисолни фикримизнинг далили десак мубалоға бўлмас, фикримизнинг давомийлиги сифатида зидликни ифодаловчи парадокснинг таржимашунослик соҳасида тутган муҳим роли борасида сўз борар экан: буюк немис шоири Йохан Вольфганг Гёте таърифлаганидек, “Уильям Шекспир бепоён” – унинг мероси, мана, тўрт асрдирки дунё халқларини ўзига ром қилиб келмоқда. Ватанимиз Ўзбекистонда ҳам Уильям Шекспир номи, унинг машҳур асарлари китобхон ва ҳамда томошабинлар қалбидан чуқур жой олган. Ўтган саксон йил ичида Шекспир яратган шоҳ асарларининг қарийб барчаси тилимизга ўгирилиб, қатор нашрларда китобхонларимизга тортиқ этилди [12], чунончи Шекспирнинг шоҳ асари “Ҳамлет” таржимаси ҳақида сўз борар экан, ушбу асарда қўлланилган парадокснинг ўзбек таржимонлари тамонидан ўгирилган таржималари турлича кўринишда эканлигига гувоҳ бўламиз. Масалан: аслиятда “*To be, or not to be: that is the question*” парадокс билан бошланувчи ҳаяжонли монолог Чўлпон таржимасида “*Ё ҳаёт, ё ўлим*, масала шунда”; М.Шайхзода таржимасида эса “*Тирик қолмоқ ё ўлмоқ? Шудир масала!*” тарзида жаранглайди. Жамол Камол уни “*Ё ҳаёт, ё момот: масала шундоқ*” деб ўгирган [12]. Шекспирнинг ушбу машҳур асарида келтирилган “*To be, or not to be*” жумлалари *зидлик* маънони англашиб, таъсирчанликни оширади ва ўқувчини чуқур мулоҳаза этишга маъжбур этади. Парадоксни аслиятдаги варианты билан солиштирганимизда, таржималарда ҳам ушбу зидликни ифодаловчи восита сақланган ҳолда таржима этилганини кўришимиз мумкин. Масалан: “*Ё*

ҳаёт, ё ўлим” (Чўлпон), “*Тирик қолмоқ ё ўлмоқ*” (М.Шайхзода), “*Ё ҳаёт, ё момот*” (Жамол Камол) таржималардаги жумлалар ўзаро зид маъно англатиб, уни талқин этиш учун мутолаа этувчидан зийракликни талаб этади.

Хулоса қилиб айтганда, парадокс бу ўзининг кўринишида мантиқан зиддиятли, бемаъни ёки анънавий ғояга қарши туйиладиган, аммо бирон бир тарзда талқин қилинадиган бўлиб чиқадиган ва ўқувчини инновацион услубда фиклашга мажбур қиладиган баёнотлилиги билан бошқа стилистик воситалардан ажралиб турадиган воситадир. Бу шундай тез-тез учраб турадиган ақл - идроклиликнинг компоненти дир. Маълумки, Ирландиялик ёзувчи Оскар Уайльд парадокслардан юқори даражада фойдаланганлиги билан ажралиб туради, у ўзининг “*The Picture of Dorian Gray*”(1890)(Дориан Грейнинг суръати) номли асарида парадоксга қуйидагича таъриф келтиради “Хайриятки, парадокслардан фойдаланиш техникаси – бу ҳақиқат йўлидир. Ҳақиқатни синаб кўриш учун биз уни маҳкам арқонда кўришимиз керак. Агар ҳақиқат акробатларга айланганда, биз уларни ҳукм қилишимиз мумкин.” Парадоксдан моҳирона ўз асарларида қўллаган ва унинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган инглиз ёзувчиси Оскар Уайльдининг парадокс ҳақида билдирган ушбу фикрлари таҳсинга сазовордир. Уни талқин этаётиб нақадар ажойиб эканлигига ва парадоксларни ҳақиқат эканлигини англаш учун ўша ҳақиқатни акробат бўлишини, агарда ҳаваскор бўлса арқондан тушиб кетишини, яъни парадоксга чиқарилган ҳукм ёлғонга айланиши мумкинлигини англашимиз мумкин.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. A.R.Lacey A Dictionary of Philosophy-3rd edn, Department of Philosophy, King's College, University of London, 1996.- 386 p.
2. <https://dictionary.cambridge.org/ru/%D1%81%D0%BB%D0%BE%D0%B2%D0%B0%D1%80%D1%8C/%D0%B0%D0%BD%D0%B3%D0%BB%D0%B8%D0%B9%D1%81%D0%BA%D0%B8%D0%B9/paradox>
3. Философский энциклопедический словарь. Москва, 1983.-447с.
4. [https://en.wikipedia.org/wiki/Zeno%27s\\_paradoxes](https://en.wikipedia.org/wiki/Zeno%27s_paradoxes)
5. <https://dissertations.tversu.ru/councils/3/dissertations/138>
6. Маъруфжон Йўлдошев, Зокиржон Исоқов, Шоҳқадам Ҳайдаров. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. - Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.346
7. Зиёвуддинова Ш. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотиҳ ал-улум” асарида поэтика.-Тошкент: ТДШИ, 2001.-Б.57
8. Абдурахмонов.Х, Маҳмудов.Н.Сўз эстетикаси.-Тошкент: Фан, 1981.-Б38-37
9. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Aflotun>
10. <https://philosophybreak.com/articles/socrates-and-the-socratic-paradox-i-know-that-i-know-nothing/>
11. <https://philosophybreak.com/articles/i-think-therefore-i-am-descartes-cogito-ergo-sum-explained>
12. Холбеков.М.Н.Таржимашунослик ва таржима танқиди.Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2014, Б-38

#### УЎК 81-13

### ҲОЗИРГИ ХИТОЙ ТИЛИДА ТЕМПОРАТИВЛИКНИ 了 le, 过 guo, 着 zhe ФЕЪЛ СУФФИКСЛАРИ ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ

*С. Хашимова, DSc, доц., Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент*  
**3. Шамсиддинова, ўқитувчи, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент**

**Аннотация.** мазкур мақолада ҳозирги хитой тилида темпоративликни 了 le, 过 guo, 着 zhe феъл суффикслари орқали ифодаланиш хусусиятлари ҳақида баён этилади. Бунда 了 liao суффиксни 了 le формантидан, 着 zhe суффиксини 着 zhao суффиксидан фарқланиш хусусиятлари, мазкур суффикслар иштирокидаги темпоративликни ифодалашга хизмат қиладиган турғун моделлар берилган.

**Калит сўзлар:** темпоративлик, суффикс, аффикс, формант, тасдиқ шакли, инкор шакли, иероглиф, сўз бирикмаси

**Аннотация.** в данной статье повествуется об особенностях выражения темпоративности в современном китайском языке при помощи глагольных суффиксов 了 le, 过 guo, 着 zhe. В статье изучаются особенности разграничения суффикса 了 liao от форманта 了 le, суффикса 着 zhe от суффикса 着 zhao, предоставляются устойчивые модели с данными суффиксами, выражающие темпоративность в современном китайском языке.

**Ключевые слова:** темпоративность, суффикс, аффикс, формант, утвердительная форма, отрицательная форма, иероглиф, словосочетание

**Abstract.** The article studies peculiarities of expressing temporality in modern Chinese using the verbal suffixes 了 le, 过 guo, 着 zhe. The article studies the peculiarities of distinguishing

*the 了 liao suffix from the 了 le formant, the 着 zhe suffix from the 着 zhao suffix, provides stable models with these suffixes, expressing temporality in modern Chinese.*

**Key words:** temporality, suffix, affix, formant, affirmative form, negative form, hieroglyph, phrase

Маълумки, хатти-ҳаракатни ёки ҳолатни билдирувчи сўз феъл дейилади. Хитой тилида феъл хатти-ҳаракат мақсадини ёки хатти-ҳаракат содир бўлиш ҳолатини ҳам билдиради. Баъзида эса предмет хусусиятини (белгини) ҳам билдириши мумкин. Хатти-ҳаракатни ёки предмет ҳолатини билдирганда феъл кесим вазифасида, хатти-ҳаракат мақсадини, ҳолатини билдирганда ҳол вазифасида, предмет хусусиятини билдирганда эса аниқловчи вазифасида қўлланилади. Феъл айрим ҳолларда эга вазифасини бажариши мумкин (1, 55). Мазкур мақолада 了, 过, 着 феъл суффикслари орқали темпоративликни ифодалаш хусусиятлари кўриб чиқилади. 了 суффикси маълум ҳаракатни (вазиятни) амалга ошириш имкониятини ифодалайди. Мазкур суффиксга у ҳосил қилаётган феълнинг бажарадиган хусусиятларини аниқлаб берувчи модаллик белгиси ҳосилдир. Бу шундан иборатки, бу феъллар қоидага мувофиқ 得 (不) инфиксидан ясаиб, ҳаракатни содир этиш мумкинлиги ёки мумкин эмаслигини билдириб, модал шаклда [феъл+得 + 了] ёки [феъл+不+ 了] моделга таянган ҳолда ишлатилади ва феълнинг бўлиши ва бўлишсиз шакллари ясайди. Масалан: 吃得了 “тановул қилса бўлади”, 吃不了 “тановул қилса бўлмайди”, 做得了 “бажара олмоқ”, 做不了 “бажара олмаслик”, 去得了 “бора олмоқ”, 去不了 “бора олмаслик”, 跑得了 “югура олмоқ”, 跑不了 “югура олмаслик”.

